

АБДУРАХИМ
ЭРКАЕВ



МАЪНАВҚЯТШУНОСЛИК



1

РЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ МАРКАЗИ

АБДУРАҲИМ ЭРКАЕВ

МАЪНАВИЯТШУНОСЛИК

Маънавият онтологияси ва
феноменологияси

МОНОГРАФИЯ

1-китоб

ТОШКЕНТ «МАЪНАВИЯТ» 2018

УЎК: 17.022.1

КБК: 87.60

Э 78

Эркаев, Абдурахим.

Э 78 Маънавиятшунослик. 1-китоб [Матн]. Маънавият онтологияси ва феноменологияси / А. Эркаев. – Тошкент: «Маънавият», 2018. – 480 б.

ISBN 978-9943-04-365-7

Таниқли файласуф олим, маънавият ва маърифат, миллий ғоя ҳамда мафкура соҳасининг кўзга кўринган вакили Абдурахим Эркаевнинг «Маънавиятшунослик» номли икки жилдли йирик тадқиқоти мазкур фаннинг тарихий илдизлари, такомил босқичлари, уларни ўрганиш борасидаги мустақиллик йилларида амалга оширилган ишлар таҳлиliga бағишланган.

Китобнинг биринчи жилди «Маънавият онтологияси ва феноменологияси», иккинчи жилди эса «Маънавият методологияси ва праксиологияси» деб номланишидан ҳам билиш мумкинки, тадқиқотда мазкур кадриятнинг деярли барча жиҳатлари қамраб олинган.

Китоб олий ўқув юртларининг талабалари, магистрлари, ўқитувчилар, маънавий-мафкуравий тарбия, тарғибот-ташвиқот билан шуғулланувчи мутахассислар ва кенг китобхон оммасига мўлжалланган.

УЎК: 17.022.1

КБК: 87.60

М а с ъ у л м у х а р р и р л а р :

Алишер Қодиров – Республика Маънавият ва Маърифат маркази раҳбари.

Раҳмон Кўчқоров – Тошкент давлат юридик университети доценти, ф.ф.н.

Т а к р и з ч и л а р :

Акмал Саидов – юридик фанлари доктори, академик.

Санжар Чориев – фалсафа фанлари доктори, профессор.

*Қарши давлат университети Илмий кенгашининг
2018 йил 29 майдаги 11-сон Қарори билан
нашрга тавсия этилган.*

ISBN 978-9943-04-365-7

© «Маънавият», 2018

СЎЗ БОШИ

Ушбу китоб муаллифнинг мустақиллик йиллари маънавиятни ўрганиш борасида олиб борган тадқиқотлари ва ҚаршиДУдаги ўқитувчилик тажрибаси натижасидир. Тадқиқотнинг айрим мавзулари турли йилларда алоҳида мақолалар, брошюра ва китоблар шаклида эълон қилинган, лекин катта қисми янгидан амалга оширилган. Тадқиқотни университетда ўқилган маърузалар матни билан бирлаштириш зарурати сезилди. Чунки маънавиятни ўқитадиган янги фанлар шаклланиши давом этмоқда. Ҳали улар тўлиқ барқарорлашиб улгургани йўқ. Шу сабабдан уларнинг дастурлари, ўқув қўлланмалари, дарсликларида анча-мунча камчиликлар, илмий-методологик мазмундаги баҳсли фикрлар учрайди. Баъзи ҳолларда илмийлик, илмий фактлар, далилларни баланд авжли публицистик мулоҳазалар, шиорлар ортга суриб қўйган, илмийликдан мафкуравийлик устунлик қилиб қолган. Бу эса ўқув дастурларини, маъруза ва амалий машғулотларни илмий-назарий ва методологик тадқиқотлар билан мустаҳкамроқ боғлашни, давр даъватларини ҳисобга олиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори талаблари даражасига кўтаришни тақозо этади. Қарорда ўқув жараёнига халқаро таълим стандартларига асосланган илғор педагогик технологиялар, ўқув дастурлари ва ўқув материалларини кенг жорий қилиш ва бошқа муҳим вазифалар қаторида «олий таълимнинг маънавий-ахлоқий мазмунини ошириш, талаба-ёшларга мустақиллик ғояларига, юксак маънавият ва инсонийликнинг миллий анъаналарига содиқлик руҳини чуқур сингдириш, уларда ёт ғоя ва мафкураларга нисбатан иммуни-

тет ва танкидий тафаккурни мустаҳкамлаш бўйича кенг кўламли маърифий ва тарбиявий ишларни олиб бориш» вазифаси кўйилган.¹

Ушбу икки жилдлик китоб «Маънавиятшунослик» деб аталди. У, аввало, маънавиятни ўрганувчиларга, биринчи галда бакалавр, магистрлар, илмий изланувчиларга ва ўқитувчиларга ўқув материаллари сифатида тайёрланган. Аммо дарслик ёки ўқув қўлланмаси услубида эмас, балки илмий-оммабоп монография шаклида ёзилган.

Биринчи жилдда маънавият онтологияси ва феноменологияси ҳамда ўзбек халқи маънавияти ривожланишининг тарихий босқичлари ва хусусиятлари таҳлил қилинган. Онтология – борлиқ ҳақидаги таълимотдир. Маънавиятнинг онтологияси деганда, аввало, унинг моҳияти, бу моҳият илоҳийми ёки дунёвий, моддийми ёки ғоявий-тушунчавий деган саволга жавоб изланади. Маънавиятнинг моҳияти унинг ички тузилмаси, таркибий қисмларининг ўзаро алоқалари, тизим сифатида маънавиятнинг ижтимоий функциялари, категориялари ва қонунларини таҳлил қилиш орқали очиқ берилади. Айни пайтда, ўзига юклатилган ижтимоий вазифаларни бажариш, бир сифатдан иккинчи сифатга ўтиш, тарихий ривожланиш жараёнида маънавиятнинг феноменологияси (шакли-шамойили, ходиса сифатида юзага чиқиши, фаолият кўрсатиши) намоён бўлади. Маънавиятнинг ривожланиши умумий назарий мулоҳазалар ва ўзбек халқи маънавияти ривожланишининг тарихий босқичлари ва хусусиятлари мисолида ёритилган.

Албатта, ҳар қандай таснифлаш, тарихий босқичларга бўлиш нисбий характерга эга. Улар учун қандай мезон асос қилиб олинишига боғлиқ.

Иккинчи китоб маънавият методологияси ва практиологиясининг бир йўналишига – маънавий тарбияга бағишланган. Маънавият методологияси қисмини ёзишда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан 2016 / 2017 ўқув йили учун магистратурага мўлжаллаб тайёрланган ўқув дастурига таянилди. Фақат дастурнинг айрим мавзулари қисқартирилди. Аммо дастурдаги баъзи шаклан бошқачароқ тарздаги мазмунан

¹ «Халқ сўзи», 2017 йил 21 апрель.

такрорланишларни тўлиқ бартараф этиб бўлмади. Чунки такрорлар дастурда бошқа бир муҳим муаммо билан боглик ҳолда бошқача ракурсда берилгани маълум. Бакалаврлар учун мўлжалланган ўқув дастурларига шарҳ тариқасида бир мавзу ажратилди, холос. Президентимиз қарорида қўйилган бўлажак мутахассисларда эркин ва танқидий тафаккурни мустаҳкамлаш вазифасидан келиб чиқиб, ўқув дастуридаги баъзи камчиликларни, илмий хатоларни, уларнинг сабабларини танқидий таҳлил қилишга уриндик. Чунки танқидий, ижодий тафаккур илмий фактларни шунчаки эътироф этиб, тайёр хулосаларни баён этиш орқали эмас, балки уларни ва, айниқса, улар ҳақидаги турлича қарашларни, фикрларни, баҳсларни таҳлил қилиш, камчиликларни кўрсатиш, хато фикрларни илмий рад этиш орқали шаклланади. Китобда танқидга ортиқча эътибор қаратилмаса-да, зарур ҳолларда у эсдан чиқарилмаган.

Бугунги кунда тарбия масаласининг долзарблиги ошиб бормоқда. Бир томондан, «ахборот портлаши» юз берди. Инсон ҳуқуқлари, сўз, эътиқод эркинлиги, ахборот олиш ҳуқуқи, эркин танлаш ҳуқуқи ва шу кабилар жаҳон миқёсида катта аҳамият касб этди. Лекин АКТ ривожланиши жараёнида компьютер, интернет, ижтимоий тармоқлар, электрон ОАВ ёрдамида яратилаётган виртуал воқелик туфайли инсон тобора уларнинг бандисига айланиб бораётир. Мумтоз инсоний хислатлардан маҳрум бўлаётир. Иккинчи томондан, асрлар давомида шаклланган маънавий кадриятлар, комиллик ҳақидаги инсон орзу-ҳаваси ва интилишлари бироз сусайса-да, барҳам топгани йўқ ва ҳеч қачон барҳам топмайди. Мазкур икки қарама-қарши ҳолат ўртасида чуқур зиддият нујудга келди. Бу тарбия концепцияларини, методологияси ва амалиётини глобаллашув ва ахборотлашув даври талабларига мувофиқ ривожлантиришни тақозо этади. Шу сабабдан маънавий тарбиянинг назарий-методологик масалалари китобдан ўрин олган. Бунда тарбиянинг асосий йўналишларидан бири бўлган, аммо кейинги йилларда дин тарихига, диний кадриятларга қизиқиш кучайгани, эътиқод эркинлиги ривожлангани боис олимлар, педагоглар, жамоатчилик томонидан етарлича эътибор берилмаётган илмий дунёқараш ва ҳаётга рационал му-

носабатни шакллантириш муаммосига алоҳида мақола ажратилган. Шунингдек, миллий, жамоавий ва шахсий муносабатларни мувозанатга келтириш, уйғунлаштириш истагини тарбиялашнинг баъзи муаммолари ёритилган. Тарбия жараёни, унинг алоҳида йўналишлари ва шакллари маънавиятнинг праксиологияси – амалиётда қўлланилиш таълимоти сифатида талкин қилинган.

Албатта, барча масалаларни бир китобда, у неча жилддан иборат бўлишидан қатъи назар, қамраб олиш имконсиз. Ижтимоий ҳодисаларнинг ҳар бири, дунёқарашнинг ҳар бир масаласи ўзига хос чексиз оламки, уни ўрганиш, барча қирраларини, хусусиятларини, теран маъно-мазмунини очиб бериш учун кўплаб тадқиқотлар керак. Масалан, китобнинг биринчи жилдида «Маънавият ва маданият» деган мақола бор. Унда мазкур икки тушунчанинг ўзаро алоқадорлиги, нисбати таҳлил қилинган. Аслида маданият шунчалик ранг-баранг, бой ижтимоий ҳодисаки, унинг ўзини яхлит ҳодиса сифатида культу-рология фани ўрганади. Маданиятнинг ҳар бир алоҳида соҳасини тегишли фанлар: адабиётни адабиётшунос-лик, санъатни санъатшунослик, тарбияни – педагогика ва ҳ.к. ўрганади. Замонавий жамиятда «оммавий маданият» дея аталмиш ижтимоий феномен вужудга келди. Унинг маънавиятга таъсири ўта зиддиятли. Шу сабабдан китобга «Маънавият ва оммавий маданият» боби илова қилинди.

Сўз якунида ушбу китобни ёзиш учун шарт-шароит яратиб берган Қарши Давлат университети раҳбариятига, нашр этишда ёрдам берган Қашқадарё вилояти ҳокимлигига самимий миннатдорлик билдиришни бурчим, деб ҳисоблайман. Шунингдек, китоб матнини тузатиш, тўлдириш, тартибга келтиришда беғараз ёрдამини аямаган дўстларимиз, ҳамкасб ва шогирдларимизга миннатдорлигимни изҳор қиламан.

1. МАЪНАВИЯТНИНГ ЖАМИЯТ ҲАЁТИДАГИ ЎРНИ. МАЪНАВИЯТШУНОСЛИК ФАНИ ПРЕДМЕТИ

Жамият, инсон ва маънавият: моддий ва маънавий ҳаёт муштараклиги. Кишилиқ жамияти ўта мураккаб, ранг-баранг, зиддиятларга бой. Унда миллиардлаб инсонлар, минглаб тилларда сўзлашувчи халқлар яшайди. Уларнинг баъзилари замонавий тараққиётнинг энг юксак чўққиларини забт этган. Баъзилари анча қашшоқ кун кечиради, таълим, тиббиёт, санъат, илм-фан, маданият ютуқларидан етарлича фойдаланиш имкониятига эга эмас. Ҳатто ер юзининг турли бурчакларида ҳалигача ибтидоий муносабатларни бошдан кечираётган уруғ-жамоалар, қабилалар учрайди. Лекин жамият тарихий тараққиётнинг барча босқичларида ўзининг бирламчи моҳиятли белгиларини, хусусиятларини сақлаб қолади. Бу, энг аввало, унинг ягона ижтимоий организм (вужуд) эканлигидир. Биологик вужуд аъзоларини бир-биридан ажратиш мумкин бўлмаганидек, жамиятни ташкил этувчи тузилмаларни ҳам бир-биридан ажратиш имконсиз.

Жамият тузилмаларини шартли равишда икки гуруҳга ва ҳар бир гуруҳни, ўз навбатида, бир неча кичик гуруҳларга бўлиш мумкин. Жамият уйғун ривожланиши учун уларнинг ҳар иккисига бирдай эътибор бериш лозим. Биринчи гуруҳга – моддий-иқтисодий яратувчилик тузилмалари ва институтлари, уларнинг муаммолари ва вазифалари киради. Одамлар ўртасидаги муносабатларни тартибга солувчи ахлоқий, ҳуқуқий, фалсафий, диний, сиёсий ғоялар, баҳолар, қоидалар, меъёрлар, қонунлар, одамларнинг гўзалликка, завқ-шавққа бўлган эҳтиёжларини қондирувчи адабиёт ва санъат ҳамда табиат ва коинот, жамият ва инсон тўғрисидаги билимларга бўлган эҳтиёжларни қондирувчи илм-фан мавжуд. Улар иккинчи гуруҳ таркибига киради. Улар ижод шайжалари бўлиб, ижтимоий-маънавий кадриятларнинг ҳисобланади. Айнан тафаккур ва ақлий меҳнат

махсулотлари – тушунчалар, ғоялар, қоидалар, меъёрлар, назариялар, улар асосида вужудга келган ижтимоий онг шакллари – фалсафа, ахлоқ, ҳуқуқ, санъат, илм-фан, дин, мафкура, сиёсий онг жамиятнинг маънавий ҳаётини ташкил қилади. Айрим олимлар сиёсатни, иқтисодиёт ва маънавият қаторида, жамият ҳаётининг алоҳида учинчи соҳаси, деб ҳисоблайдилар. Бундай ёндашув ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг мухторийлигидан келиб чиқади. Ушбу ёндашувни қабул қилиш хато бўлмайди. Бироқ сиёсий онг ва сиёсий маданият маънавиятнинг бир қисми бўлиб қолаверади.

Одамлар ўз фарзандларига ишлаб чиқариш кўникмалари қаторида бошқалар билан бирга яшашни, муомала қилишни, ўзаро муносабатларни тартибга солувчи қоидаларни, меъёрларни ўргатади. Мазкур жараён дастлаб ибтидоий тузумда оилавий тарбия, жамоавий, қабилавий эътиқодлар (сиғинишлар, динлар), халқ оғзаки ва амалий санъати ва ижоди намуналари (рақслар, кўшиқлар, дostonлар, мақоллар ва ҳ.к.) орқали амалга оширилган. Ақлий меҳнат жисмоний меҳнатдан ажралиб чиққанидан кейин аста-секин махсус мактаблар, тарбия масканлари, диний ташкилотлар, яъни таълим-тарбия ва мафкура тизими вужудга келган. Улар жамият маънавий ҳаётининг ажралмас қисмига айланган.

Маънавият тушунчаси жуда кенг қамровли ва мураккабдир. Маънавиятга ижтимоий онг, дунёқараш, эътиқод, дин, диний амалиёт, миллий ғоя, миллий мафкура, инсон одоби, ахлоқий фазилатлари, бадий, илмий ва бошқа ижодий изланишлари, бу борада эришган ютуқлари, жамиятнинг асрлар оша келаётган осори атиқалари ва маданий мероси, урф-одатлари, замондошларимизнинг келажак ҳақидаги тасаввурлари-ю ижобий маънодаги орзу-ҳаваслари ва режалари дахлдордир. *Маънавият шахсининг ва жамиятнинг инсонийлашиш даражаси, яъни ҳар бир нарса ва ҳодисаларга баҳо беришда, таъсир кўрсатишда инсонийлик меъёрларидан келиб чиқиб ёндашишидир.* Ушбу маънода маънавият, энг аввало, алоҳида шахсининг, бутун жамиятнинг эътиқод ва қадриятларига айланган ғоялари, меъёрлари, идеалларидир, уларнинг маданий меросда ва урф-одатларда акс этиши ҳамда

эзгу ниятларнинг, юксак мақсадларни амалга оширишга қаратилган ижодкор онгнинг, безовта қалбнинг камолотга интилувчан фаолиятидир.

Маънавият кенг маънода шахснинг, жамиятнинг ақлий ва собит ҳиссий дунёси, уларнинг ҳар бир авлод томонидан ўзлаштирилиши ва такомиллаштирилишидир. Мустақиллик йиллари жамиятимизда юз берган ўзгаришлар миллий ўзлгимизни англашни, миллий ғуруримизнинг ўсишини янги босқичга кўтарди. Энг аввало, халқимиз ўз миллий манфаатларини чуқурроқ ва кенгрок тушуна бошлади. Ушбу омиллар маънавият масалаларини ўрганишнинг, баркамол авлодни тарбиялашнинг сифатига янги юксак талаблар қўймоқда. Мустақил тараққиёт йўлида мураккаб иқтисодий, сиёсий ва мафкуравий масалаларни ҳал қилиш билан бир қаторда, стратегик тараққиёт йўналишини танлаш, қурилажак жамиятнинг мазмун-моҳиятини, миллий манфаатларни, асл қадриятларнинг сохта қадриятлардан фарқини халққа тушунтириш, турли ёт, хато, баъзан эса очикчасига реакцион қарашлардан жамиятни ҳимоя қилишга зарурат туғилмоқда.

Ғояга қарши ғоя, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш, ёш авлодни миллий ғояда ифодаланган халқимизнинг озод ва обод Ватанда эркин ва фаровон яшаш орзусига садоқат руҳида тарбиялаш учун, тарбиявий ишларни, хусусан, сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий ва эстетик тарбияни миллий негизлар билан янада маҳкамрок боғлаш учун маънавиятни алоҳида ўрганувчи предметларга, яъни маънавиятшунослик фанига эҳтиёж туғилади.

Бозор муносабатлари ва жамият аъзоларининг ижтимоий табақаланиши улар ўртасида ўзаро бегоналашишни ёхуд синфий адоватни эмас, балки ижтимоий шерикликни вужудга келтириш учун инсонпарварлик, ҳалоллик, ҳамкорлик, инсоф, адолат меъёрлари, қонун устуворлиги ҳаётимизнинг асосий қадриятларига ва хулқ-атворимизнинг, фаолиятимизнинг амалий мўлжалига айланмоғи зарур.

Замонавий технологияларга асосланган ишлаб чиқариш, илмий-техника тараққиёти ютуқларини турмушга жорий қилиш, турмуш тарзимизни ҳозирги замон тамаддунига мослаштириш халқимизни миллий қиёфасидан,

маданиятимизни ўзига хослигидан жудо қилмаслиги керак. Юқорида эътироф этилган ва бошқа кўплаб муаммолар биздан миллий маънавиятга эътиборни кучайтиришни талаб қилади. Маънавиятнинг мустақил тараққиётдаги, янги жамият куришдаги аҳамияти шунчалик улкан ва бебаҳоки, уни алоҳида илм, ўқув предмети сифатида ўрганиш, ёш авлодга ўқитиш ҳаётий зарурат касб этмокда.

Маънавият ва ўзликни англаш. *Маънавият, биринчи галда, ўзликни англаш билан боғлиқ.* Ёшлар қарашларида (нафақат ёшлар, балки катталарда ҳам) ўзликни англаш билан боғлиқ масалаларда чалкашликлар, зиддиятлар йўқ эмас. Ўзликни англаш, аввало, инсоннинг табиат ва жамият тизимидаги ўз ўрнини билиши, ўз айниятини тасаввур қила олишидир. Ўзликни англаш фақат индивидуал онг ҳодисаси эмас. У социумнинг юқори даражаларига, умуммиллий даражага ҳам хос бўлиши мумкин, ўзликни англаш халқнинг тарихини билиш, миллий қадриятлар билан фахрланиш қаторида миллий манфаатларни, замонавий тараққиёт талабларини тўғри тушуниш демакдир. У тараққиёт талаблари ва ютуқларга танқидий муносабатда бўлишни, улар билан чекланиб қолмасликни, мавжуд камчиликларни холис таҳлил этиб, бартараф этишни, тарихдан сабоқ олишни талаб қилади. Бу эса маънавиятни миллий ғоя билан боғлашни ва унинг негизида ривожлантиришни тақозо этади. Миллий ғоя, бир томондан, халқ маънавиятининг муҳим таркибий унсури, ўзаги бўлса, иккинчи томондан, унинг мезони ва ижтимоий мўлжалидир. Жамиятдаги турли табақалар, гуруҳлар, сиёсий партиялар даъволари-ю дастурларини миллий ғояга қанчалик мос келиш-келмаслигини ижобий ёки салбий баҳолаш мумкин. Уларни миллий ғоя асосида мурасага келтириш, халқни жипслаштириш ва умумий мақсадларга сафарбар этиш ҳам мумкин.

Лекин миллий ғояни англаш ва аниқ ифодалаш осон эмас. Оддий халқ бунинг устида ҳеч қачон бош котириб ўтирмаган, уни аниқ ифодалай олмаган. Аммо халқ доимо ўз маънавиятига эга бўлган, чунки ақлий ва ҳиссий эҳтиёжларини қондириш учун ижод билан шуғулланган. Ўзлигини, ўз шаъни-шавкатини маълум даражада англаган, шунга яраша унда миллий ғурур ҳам бўлган. Кун-

далик онг даражасида, маиший турмушда одамларнинг орзу-хаваслари ҳеч қачон барҳам топмаган. Ўзлигини, ўз манфаатларини англаш, миллий ғурур, ҳаётий орзу-хаваслар аслида миллий ғоя ўрнини босган. Аммо бундай ҳолларда халқнинг маънавий ҳаёти жуда зиддиятли ривожланади. Аниқ ва мужассам ифодаланган, миллий ғоя билан бойитилган маънавият жамият тараққиётига янада баракали таъсир кўрсатади, унинг халққа ўзлигини англашиш, миллий онгни, маданиятни турли адашишлар ва ташқи хуружлардан ҳимоя қилиш имкониятлари ортади.

Баъзи бир диний-экстремистик ғояларнинг айрим ёшларга таъсири эътиқод масаласига беписанд қараш мумкин эмаслигини кўрсатади. Шунинг учун ёш авлодда илмий-рационалистик дунёқарашни шакллантириш ижтимоий-гуманитар фанларда устувор вазифалардан биридир. Бу, бир томондан, анъанавий ўқитилиб келинаётган фанлар – фалсафа, этика, эстетика, диншунослик, социология, сиёсатшунослик каби фанларнинг дидактик мазмунини такомиллаштиришни, иккинчи томондан, маънавиятшунослик каби янги фанларни ҳақиқий барқарор, тугалланган ўқув предмети даражасига кўтаришни талаб қилади.

Маънавиятни тўғри ривожлантириш учун унинг моҳиятини, мазмунини, намоён бўлиш шаклларини, улар ўргасидаги алоқаларни, умуман, маънавий ривожланиш қонуниятларини яхши билиш лозим. Бу эса ушбу масалаларни бошқарув идоралари мутасаддиларидан ҳамда бўлажак мутахассислардан чуқурроқ ўрганишни талаб қилади ва гуманитар олий ўқув юртларида алоҳида ўрганиладиган «Маънавиятшунослик» фанига эҳтиёж тудиради.¹

Маънавиятшунослик фанининг предмети, бошқа фанлар билан алоқаси

Инсон фаолиятининг шундай йўналишлари борки, улар маънавиятнинг турли жиҳатлари ва воқелик шакллари ўрганибгина қолмай, ўзлари ҳам маънавий ама-

¹ Биз ушбу умумлаштирувчи агама орқали маънавият масалаларини ўрганувчи барча мавжуд ва бўлажак предметларни назарда тутишмоқдамиз.

лиётни, маънавий яратувчиликни ташкил этади. Масалан, дин, ахлоқ, санъат (адабиёт, мусиқа, мусаввирлик, ҳайкалтарошлик, меъморлик, кўшиқ, рақс, театр ва ш. к.), фалсафа ва илм-фан шулар жумласидан. Жамиятдаги барча муносабатлар – сиёсий, ҳуқуқий, маиший, ҳатто иқтисодий ва бошқа муносабатлар ахлоқийлик, инсонийлик, кенгроқ олсак – маънавийлик нуқтаи назаридан баҳоланиши мумкин ва лозим. Бинобарин, инсоннинг ҳар қандай фаолияти ўзининг маънавий томонига эга. Шу сабабдан маънавиятга оид ҳодисаларни кўплаб фанлар ўрганиб келган. Маънавият яхлит, бус-бутун тизим сифатида ҳам ўрганилиши лозим. Бу вазифани маънавиятшунослик фани бажаради.

Маънавиятшунослик фани бошқа ижтимоий-гуманитар фанлар билан яқиндан алоқа қилади. Уларнинг хулосаларини, тадқиқотларини таҳлил қилади, умумлаштиради. Улардан фойдаланиш асосида ўз предметини, дидактик мазмунини, тушунчалар тизимини, илмий аппаратини, илмий хулосаларини шакллантиради ва мудом бойитиб боради. Айни пайтда, маънавиятшунослик фани улардан ясалган қуроқ илм эмас. У фалсафий фанлар жумласига кирса-да, ўзининг аниқ предметига, алоҳида тадқиқот объектига эга. У фалсафанинг илмий усулларидан, онтологик, эпестимеологик (бошқача атамаси – гносеология), аксиологик категорияларидан, тушунчаларидан, ижтимоий фалсафа материалларидан, хулосаларидан ўз предметини ўрганиш заруриятига мос равишда фойдаланади. Бошқа фанлар материалларидан фойдаланиш хусусида ҳам шундай дейиш мумкин.

Ҳар бир фаннинг предмети унинг асосий ижтимоий вазифасидан келиб чиқади. Уларнинг тадқиқот объектлари бир хил бўлиши мумкин, аммо предмети фарқ қилади. Масалан, биология инсонни тирик, жонли мавжудот, алоҳида биологик тур сифатида ўрганса, тиббиёт илми инсонни соғломлик, унинг танаси аъзолари нормал ишлаши, агар касалланиб қолса, нормал фаолиятини тиклаш заруратидан келиб чиқиб ўрганади. Педагогика эса инсонни (болани) унга таълим-тарбия бериш, қизиқишларини муайян мақсадга йўналтириш зарурати билан боғлаб ўрганади. *Маънавиятшунослик фанининг предмети –*

бунёдкор, изланувчан, ўзини ва ўз ижтимоий борлигини эзгулик, адолат, гўзаллик асосида қайта қуришга, такомиллаштиришга интилувчан эркин, мустақил фикрловчи ва кўнгил дунёси бой инсон, унинг табиатга, жамиятга, ўз-ўзига нисбатан руҳоний ва амалий муносабатидир. Бундай кишиларни ота-боболаримиз фозил киши, комил инсон, уларни вояга етказадиган жамиятни фозил жамият (шаҳар) деб атаганлар. Қисқача айтганда, маънавиятшунослик фанининг предмети комил инсон ва уни вояга етказувчи инсонпарвар ижтимоий қадриятлар ва муносабатлардир.

Фаннинг объекти эса инсоннинг ички ақлий ва хиссий дунёсига, эркинлигига, иродасига, жамиятда тутган ўрнига, ижтимоий муносабатларига, яратувчилик фаолиятига, ҳақиқат ва эзгулик, гўзаллик ва ижодга интилиши, бу интилишларнинг натижалари ва баҳоларига оид барча ҳодисалар, мавзулар, инсон руҳининг туғёнлари, инсон онгига таъсир кўрсатувчи ижтимоий муносабатлар, муҳит, жамият ҳаётининг турли соҳалари бўлиши мумкин. Масалан, маънавиятшунослик фанининг тадқиқот объекти оила маънавияти ёки экологик муаммоларга шахсини; бутун жамиятнинг муносабати бўлиши мумкин. Лекин бу муаммоларни маънавиятшунослик ўз предмети нуктаи назаридан ўрганadi. Ҳуқуқшунослик фани оила муносабатларини Оила кодекси моддаларидан, талаб ва меъёрларидан, табиат муаммоларини тегишли қонунлар меъёрларидан келиб чиқиб таҳлил этса, маънавиятшунослик фани уларни ва бошқа барча масалаларни инсонлар ўрнинидаги муносабатларнинг, инсон фаолиятининг қишлоқчилик оқилоналикка, эзгуликка ва гўзалликка мослиги, инсонда чин инсоний, яъни маънавий фазилатларни тирбиялаш ва мустаҳкамлаш лозимлигидан келиб чиқиб ўрганadi. Ижтимоий муҳитни ва инсон эътиқодини, иродасини бир-бирига ижобий ёки салбий таъсир кўрсатиши нуктаи назаридан тадқиқ қилади.

Бошқа бирорта гуманитар фан қайд этилган предмет нуктаи назаридан маънавият масалаларини умумий тарзда тўлиқ камраб олмайдиган ёки уларнинг муайян томонларинигина ўрганadi. Фақат фалсафа умумлашган илмлар тизими сифатида ушбу масалаларга умумий муносабат-

ни билдириб ўтади. Лекин фалсафанинг этика, эстетика, ижтимоий фалсафа каби нисбатан мустақил қисмлари маънавий масалаларининг ўзига тегишли йўналишларини ўрганади, бошқаларини тўла қамраб ололмайди. Бир қарашда юқоридаги масалаларни ўрганиш этикага (ахлоқ ҳақидаги фан) ҳам айнан хосдек туюлади. Бундан этика фани предметдан маънавийтшунослик предмети нимаси билан фарқ қилади, улар бир хил эмасми, деган савол туғилади.

Этика фанининг предмети маънавийтшунослик предметига нисбатан сезиларли даражада тор. У ўрганадиган мавзуларини, объектини, инсон онгини, маданиятини, хатти-ҳаракати ва фаолиятини фақат ахлоқий баҳолар, меъёрлар, ахлоқий омиллар – эзгулик ва ёвузлик нуқтаи назаридан таҳлил қилади. У ижтимоий тараққиёт масалаларининг кўпчилиги билан, масалан, илм-фан, адабиёт ва санъат ривожланиши, жамият демократлашуви каби масалалар билан қизиқмаслиги ёки уларнинг фақат ахлоқий жихатлари билангина қизиқиши мумкин. Маънавийтшунослик фани ушбу масалаларни батафсил таҳлил этмаса-да, аммо четлаб ҳам ўтмайди, уларни инсон эътиқоди, иродаси, камолоти ва жамият юксалиши, ижтимоий муҳит билан боғлайди. Чунки жамиятда содир бўлаётган жараёнлар, санъат ва маданият ривожланиши, ижтимоий тараққиётнинг барча йўналишлари, демократлашиш, фуқаролик институтлари ривожланиши ва ҳ.к. жамият аъзоларининг маънавий-маданий савиясига, маънавий тарбиясига, жамиятдаги маънавий муҳитга боғлиқ. Улар ўртасидаги боғлиқлик ва муносабатлар маънавийтшунослик фани объектига айланади.

Маънавийтшунослик алоҳида фан сифатида мустақиллик давригача қайд этилмас эди. Аммо у ўрганадиган масалалар ва мавзулар илм-фан эътиборидан мутлақо четда бўлмаган. Улар турли фанлар доирасида, жумладан, ижтимоий фалсафа, этика, эстетика, адабиётшунослик, санъатшунослик, маданият назарияси, педагогика, психология ва бошқа фанлар доирасида у ёки бу даражада ўрганилган. Аммо ҳар бир фан мазкур масалаларни ўз

предмети нуқтаи назаридан – ё жуда торайтириб (хусусий фанлар), ё жуда кенгайтириб (фалсафа) ўрганган.

Маънавиятшунослик ўз предметига тааллуқли бошқа фанлар тадқиқотларини, ахборотларини умумлаштирувчи ва уйғунлаштирувчи вазифани бажаради. Шу боис унинг предмети юқорида зикр этилган фанлар предметига нисбатан ўзига хослиги, уларнинг аксариятига нисбатан кенглиги ва кўпқирралиги билан ажралиб туради.

Қадимги юнон илмий-фалсафий қарашларида инсон маънавий ҳаёти уч гуруҳга бўлинган – ақл (тафаккур), ирода ва туйғу. Ақлни (тафаккурни) мантиқ фани, иродани этика фани тадқиқ этган. XVIII асрга келиб эстетика фани вужудга келган. У инсон туйғулари ва кечинмаларини гўзалликка муносабат нуқтаи назаридан ўргана бошлаган. Илгари ушбу масалалар умумий фалсафий фанлар доирасида билиш назарияси, этика, поэтика, риторика ва ш.к. фанлар томонидан ўрганилган. Психология ушбу масалаларни бошданок муштарак тарзда, аммо мавзу доирасини торайтириб ва хусусийлаштириб, уни инсон онгининг ташқи таъсирга жавоби (реакцияси) тарзида ўрганган.

Маълумки, Европа фалсафаси «ахлоқ», «руҳ», «ирода», «гўзаллик» каби тушунчаларни тадқиқ этишда улкан натижаларга эришган, теран тадқиқотларни амалга оширган бўлса-да, у маънавий ҳаётни яхлит ҳолда эмас, бўлиб ўрганиш анъанасига содиқ қолган. Чунончи, Ҳегел таълимотида «ғоя», Шопенхауэр таълимотида «ирода» субстанционал (борликнинг ўзаги ўлароқ) аҳамият касб этиди ва бугун тарихий жараённинг фаол субъекти сифатида нимоён бўлади. Бундай ҳол уларнинг таълимотига яққол (Шопенхауэр) ёки нояққол (Ҳегел) мистик сифат бахш этади. Ҳегел барча моддий ва идеал ҳодисаларни табиат, инсон, жамият, давлат, ахлоқ, ҳуқуқ, санъат, онг, тафаккур, тушунча кабиларни абсолют (мутлақ) ғоянинг ўзгача борлиги, моддийлашган муқобил шакли деб ҳисоблайди. Ҳегел уларнинг барчасини мутлақ ғоянинг ўз-ўзидан тараккий этиши, ўзининг қарама-қарши, инкор шаклига айланиши каби ўзи таклиф этган диалектика қонуиларига боғлаб ўрганади.

Шарқ илмида эса маънавий ҳаётга кўпроқ муштарак ҳодиса сифатида қаралган. Ғарбдагидан фарқли ўлароқ, «руҳ», «ирода», «ахлоқ» (одоб) ва бошқа кўплаб тушунчаларни алоҳида ҳар томонлама тадқиқ этиш унчалик урф бўлмаган. Кўпроқ қисқача таъриф бериш, энг муҳим белгиларни эътироф этиш билан чекланилган. Лекин Абу Ҳомид Ғаззолий, Азизиддин Насафий (XI–XIII аср) каби айрим олимлар бундан мустасно. Ислом мамлакатларида йиллар ўтиши билан маънавиятни ўрганишда мистик унсурлар кучая борган. Бундай ёндашув, охир-оқибат маънавиятнинг моҳиятини илоҳий иродага, ғайритабиий қобилиятга ва шуурга боғлашга олиб келган. Маънавиятни ўрганадиган, таҳлил қиладиган, умумлаштирадиган илмий тушунчалар, атамалар тизимини ривожлантиришга, ҳар бир атамани илмий таҳлил қилишга етарли эътибор берилмаган. Ҳаттоки тасаввуф доирасидаги ҳар хил тариқатлар бир ҳодисани ёки жараёни ифодалашда турли атамалардан фойдаланганлар. Бу Ўрта шарқда XIV–XV асрларда узил-кесил шаклланган анъана эди.

Мустақил Ўзбекистонда маънавиятга иқтисодий қаторида устуворлик берилиши уни ҳар томонлама ва махсус ўрганишни кун тартибига қўйди. Маънавият тўғрисида аниқ ва нисбатан мукамал тасаввурларгина миллий манфаатларимизни, ютуқ ва камчиликларимизни теранроқ тушуниб олиб, Ўзбекистонни тараққий этган давлатлар қаторига олиб чиқишда маънавий омиллардан самарали фойдаланиш имконини беради.

Маънавиятшунослик ижтимоий-гуманитар фанларнинг деярли ҳаммаси билан алоқа қилади. У фалсафий фанлардан яна диншунослик фани билан яқиндан боғланган. Дин узок тарихий даврлар давомида одамлар эътиқодини, дунёқарашини белгилаган. Жамият мафкура-расига, ахлоқига, санъатига, иқтисодий, ҳуқуқий, маиший онгига, одамларнинг ўзаро муносабатларига, урф-одатларига то капитализм қарор топиб индустриал жамият вужудга келган давргача ҳал қилувчи таъсир кўрсатган. Ривожланаётган мамлакатларда ҳозиргача диннинг таъсири кучли. Шу боис маънавиятнинг келиб чиқиши, тараққиёт босқичлари ва қонуниятларини ўрганишда диншунослик

фани материалларига мурожаат этмаслик, уларни ҳисобга олмаслик мумкин эмас.

Лекин таъкидлаш жоизки, маънавият ҳатто қадимги ибтидоий жамиятда ҳам фақатгина диний тасаввурлар ва қарашлар билан боғлиқ ҳолда ривожланмаган. У ибтидоий рақслар, асотирлар (мифология), эртақлар, ривоятлар, қоя суратлари, оилавий муносабатлар, урф-одатлар шаклида ҳам ривожланган, инсоннинг илк нодиний ижодкорлик фаолиятидан озикланиб келган. Бу тенденция муттасил кучайиб борган. Маънавиятшунослик фольклор ва адабиётшунослик, тилшунослик, санъатшунослик ва кенг маънодаги маданиятшунослик, тарих, ижтимоий психология фанлари ҳисобидан аниқ далиллар ва маълумотлар билан бойийди, ўз предмети йўналишида уларни тўлдиради ва бойитади.

Маънавият қотиб қолган ҳодиса эмас. У жамият ва инсон билан, ижтимоий амалиёт билан бирга такомиллашади, ривожланади, ўзгаради. Унга давлат сиёсати, ижтимоий табақалар, синфлар, миллатлар, халқлар, мамлакатлар, маданиятлар ўртасидаги муносабатлар, алоқалар муайян тарзда таъсир кўрсатади. Маънавий кадриятлар турли ижтимоий табақалар, қатламлар, гуруҳлар томонидан бир хил ўзлаштирилмайди, бир хил баҳоланиб, бир хил тушунилмайди. Ушбу масалаларни ўрганиш учун турли ижтимоий гуруҳлар қизиқишларини яхши билиш, социологик тадқиқотлар ўтказиш зарур. Демак, маънавиятшунослик назарий ва амалий социология билан алоқа ўрнатади, унинг усулларида, хулосаларида фойдаланади. Давлат сиёсатининг, партиялар ўртасидаги мафкуравий кураш ёки шерикликнинг, халқаро иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маданий алоқаларнинг маънавий жараёнларга таъсирини сиёсатшунослик фани ёрдамисиз теран тушуниш кийин. Ушбу фан ҳам маънавиятшуносликни кўплаб аниқ далиллар, теран хулосалар билан бойитади.

Маънавиятнинг предметлашган шакли – маданият, адабиёт ва санъат асарлари, бадий образ, инсон тили, ҳулқ-атвори; идеал шакли – ахлоқий, эстетик, илмий, ҳуқуқий, сиёсий гоялар, тушунчалар – ҳаммасини ўзига хос рамз, белги, деб ҳисоблаш мумкин. Ҳар қандай сўзнинг ўзи рамз: ё бирор тушунчани, фикрни, ё ҳаётда

объектив мавжуд предметни, ходисани ифодалайди. Сўз билан ифодаланадиган тушунча ва реал предмет ўртасида ҳеч қандай бевосита ўхшашлик, боғлиқлик йўқ. Сўз ифодаланувчи нарсанинг фақат нутқ ёки имло (ёзув) ёрдамидан фойдаланилган белгисидир, холос. Шу сабабдан турли шароитда яшаган, бир-бирига қардош бўлмаган этнослар уларни турли сўзлар орқали белгилаган. Агар сўз предметга бевосита боғлиқ бўлганида, муайян предметни барча халқлар бир хил атар эдилар. Шундай қилиб, тилни ўзига хос белгилар ва рамзлар тизими, дейиш мумкин. Ҳар қандай ғоя, меъёр, ижтимоий мўлжал ва идеал – рамз. Уларни ҳар ким, ҳар бир тарихий давр ўзича тушунади, талқин қилади. Тилнинг, ғоя ва образнинг, бадий асарнинг белгилилик (рамзийлик) характерини ва бу билан боғлиқ барча мураккаб масалаларни семиотика фани ўрганadi. Маънавиятшунослик семиотика, семасиология фанлари маълумотларидан, талқинидан, баъзан илмий услубларидан фойдаланади.

Ва, ниҳоят, маънавиятшунослик фани бизнинг ижтимоий ходисаларни шунчаки англаб олишимизгагина, тор маънодаги маърифий вазифаларгагина хизмат қилиб қолмай, мустақил Ўзбекистоннинг баркамол авлодини тарбиялашга ўз хиссасини қўшиш мақсадини олдига қўяди. Бу мазкур фаннинг педагогика ва педагогик психология фанлари билан алоқа қилишини тақозо этади. Юқоридаги мулоҳазалардан маънавиятшуносликка гуманитар фанлар тизимида ўз предметига эга мустақил фан сифатида қараш лозимлиги ҳамда унинг ижтимоий тараққиётдаги аҳамияти аён бўлади.

Маънавиятшунослик фанининг тузилмаси. Жамият тараққиётини инсон эркинлигининг, инсонпарварликнинг муттасил ўсиб бориш тарихи, деб қараш мумкин ва жоиз ёки маънавий шахс вужудга келиши ва камол топиши тарихи, дейиш ўринли бўлади. Маънавият шакллана бошлаши жараёнида инсонда асл инсоний табиат пайдо бўла бошлади, у аста-секин эркин ва маънавий шахсга айлана борди. Ва, аксинча, яримёввойи одам ўзлигини деярли англамагани ва яратувчилик имкониятлари ўта чеклангани туфайли эркин эмас эди. У табиатга, унинг тасодифларига, инжиқликларига тўлиқ қарам. Омади чопиб қолса,

табиат унга ато этса, тўйиб овқат еган, йўкса бир неча муддат оч қолган. Омади чопмаса, ўзи бирор йиртқичга ем бўлиши ҳам эҳтимолдан холи бўлмаган. Ибтидоий одамда онг, тафаккур, укув бир мунча ривожланган. У табиатдаги барча нарсаларни – тошу кесак, дарахту буток, дарё-ю тоғ, куёшу ой, ўсимликлару парранда-даррандаларни – ҳамма нарсаларни жонли, ўз рухига эга, деб ҳисоблаган. Уларнинг одамларга фойда ёки зарар келтиришига ишонган. Шу сабабдан уларни ранжитмасликка уринган, аксинча, улардан ёрдам олиш йўлини ахтарган. Ибтидоий одам ўзини атроф предметлар билан боғлиқликда идрок этган, ўзини уларга қарама-қарши қўймаган. Унинг индивидуал онги яхши ривожланмаган (бу индивидуал онги бўлмаган дегани эмас) ва тўла умумий жамоавий онгга, уруғ-жамоа қарашларига бўйсунган.

Ёввойи одам «эркинлиги» инстинктлар (майллар)га исосланган. Ундан фарқли, ибтидоий одамда маънавий шахс унсурлари мавжуд. Лекин у ҳам маънавий шахс эмас, чунки унга индивидуаллик ва масъуллик етишмайдди. Ибтидоий одамдаги маънавият унсурлари жамоа онгининг, иродасининг бир бўлагидир, мустақил индивидуал онгининг ва ироданинг юзага чиқиши эмас.

Маънавият ривожланишининг асосий мақсади маънавий шахсни тарбиялашдир. Маънавий шахс эркин тафаккурга, унинг асосида эркин танлай олиш имконига эга инсондир. Онгли танлаш, ижтимоий заруратни ва ўз масъуллигини, бурчини англаш, инсонпарварликка ва тиррикликка хизмат қилувчи ҳуқуқий, ахлоқий, эстетик ва иқтисодий меъёрларни яратиш, уларга онгли равишда, иқтидорий нгоат этишгина инсонга эркинлик ва маънавийлик бағишлайди. Эркин инсон, маънавий шахс жамият ва ўз шахси олдида масъуллигини ва бурчини чуқур идрок этади. Ёнобарин, шахснинг маънавийлик даражаси бевосита унинг ўз масъуллигини қанчалик тўғри тушунишига ва унга амал қилишига боғлиқ. Шу сабабдан маънавиятшунослик фани эркин, маънавий шахсни тарбиялашнинг илмий-назарий ва методологик масалаларини ҳам камраб олади.

Юқоридаги фикрларни умумлаштириб, маънавиятшунослик фанини шартли равишда тўрт қисмга бўлиш

мумкин: 1) маънавият тушунчаси моҳияти (онтологияси); 2) маънавиятнинг мавжудлик шакллари, ривожланиш босқичлари ва хусусиятлари (феноменологияси); 3) маънавият методологияси; 4) маънавият праксиологияси.

Табиийки, маънавиятшунослик фани, аввало, маънавият тушунчасининг моҳият-мазмунини (онтологиясини), воқелигини, намоён бўлиш шакллари хамда ривожланиш қонунлари, тенденциялари ва хусусиятлари (феноменологияси) каби назарий масалаларни ўрганади. Шунингдек, маънавий ривожланишнинг янги йўналишлари, шакллари вужудга келишини, улар ўртасида умумийлик ва хусусийликни, маънавиятдаги ворисийлик ва янгиликни, тарихийлик ва мантиқийликни, тараққиёт босқичларини таҳлил қилади ва ёритади.

Маънавиятшунослик, бошқа фанлар сингари, инсонга янги билим беради, дунёқарашини кенгайтиради ва ўрганаётган соҳасига муайян муносабатни тарбиялайди. У маънавий тарбиянинг мақсад ва вазифаларини ойдинлаштиради, уларни ҳар бир жамиятнинг ўзига хос талаблари билан боғлайди. Инсон тарбияси оилада болага кундалик, оддий билимлар беришдан бошлаб, боғча, мактаб, коллеж, олий ўқув юрти, меҳнат жамоаси сабоқларигача хамда унинг онгига ОАВ ва жамият институтлари таъсири кўринишида бутун умр бўйи давом этади. Ҳар қайси тузилма ва институт, ҳар бир фан ва предмет ўзининг тарбиявий усуллари ва воситаларига эга. Маънавиятшунослик фани улардан бирортасининг ўрнига келмайди, балки уларга умумий йўналиш, йўл кўрсатади.

Маънавий юксалишга жамият ривожланишининг умумий қонунлари таъсир кўрсатади, маънавиятда улар ўзига хос тарзда воқе бўлади. Биз маънавий юксалиш хусусиятларини ҳисобга олиб унинг қуйидаги қонунларини алоҳида ажратиб кўрсатишимиз мумкин:

1. Жамият тараққиёти жараёнида маънавий эҳтиёжларнинг муттасил ўсиб бориш қонуни;

2. Маънавият ривожланишининг умумтамаддуний (цивилизацион) тараққиёт даражасига боғлиқлик қонуни;

3. Маънавият ривожланишининг ижтимоий онг шакллари ривожланиш даражасига боғлиқлик қонуни.

Халқнинг иқтисодий ва маънавий ҳаёти бошқа халқлар билан алоқалар ўрнатишга, иқтисодий-маданий, илмий-техникавий, сиёсий соҳаларда ҳамкорлик қилишга, ўзаро ёрдам кўрсатишга, бир-биридан ўрганишга ҳам боғлиқ. Турли тарихий даврларда уларнинг алоқалар интенсивлиги, бир-биридан ўрганиш имкониятлари ҳар хил бўлган.

Жамиятни моддий-иқтисодий, технологик ва илмий-интеллектуал тараққиёти даражасидан келиб чиқиб, ибтидоий жамиятга, кулдорлик ва феодализмга (аграр ёки саноатлашишга қадар бўлган жамиятга), индустриал, постиндустриал ва замонавий постмодерн жамиятларига бўлиш ва уларнинг маънавиятини бир-биридан фарқлаш мумкин. Жамиятнинг моддий-иқтисодий ва ижтимоий-маънавий ҳаёти ўзаро чамбарчасдир. Ушбу бирлик жамият ҳаётининг негизини ташкил қилади. Меҳнатсиз, ишлаб чиқаришсиз жамият бўлмаганидек, эътиқодсиз, дунёқарашсиз, ҳеч қандай билимларсиз, қоида-тартибларсиз, меъёрларсиз, муайян мақсад ва орзу-ҳавасларсиз инсон, бинобарин, жамият йўқ.

Иқтисодиёт ва маънавият уйғун ривожланадиган жамият барқарор ва инсонпарвар бўлади. Иқтисодиёт олға кетиб, маънавият ортда қолса, жамиятда истеъмолчилик психологияси устунлик қилиб, тарбия издан чиқади, инсон кадр-қимматига путур етади. Ва, аксинча, иқтисодиёт унутилиб, фақат тарбияга зўр берилса, жамиятда тургунлик, сафсатабозлик, мафкуравий мутаассиблик, догматизм кучаяди.

Маънавиятшунослик фани маънавий юксалишнинг мезонлари (критерийлари)ни аниқлайди. Маънавий юксалишнинг асосий мезони инсон эркинлик даражасининг ўсиши, дейиш мумкин. Ҳақиқатан, ибтидоий жамиятга нисбатан аграр жамият инсонга кўпроқ эркинлик берган, унга нисбатан эса индустриал жамият кўпроқ эркинлик берган. Индустриал жамият барча аъзоларини қонун олдида тенглаштирди, табақавий имтиёзларини бекор қилди. Постиндустриал ва постмодерн жамиятларида инсон эркинлиги янада ўсди. Ҳатто, афсуски, баъзи ҳолларда у бирдан-бир мақсадга айланиб, ахлоқий чегарилардан чиқиб кетмоқда. Маънавий юксалишнинг бошқа мезонлари: ижтимоий муносабатларнинг инсонпарварла-

шуви, тафаккур эркинлиги ва мафкуравий плюрализм, жамиятнинг демократлашуви ва инсон ҳуқуқларининг давлат ҳуқуқидан устунлиги, шахс ва жамият манфаатлари уйғунлик даражаси, охир-оқибатда, инсон эркинлигига бориб такалади. Мазкур мезонлар ҳам жамиятнинг маънавий юксалишини кўрсата олади. Лекин улар асосий мезоннинг конкрет воқелигидир.

Шундай қилиб, маънавиятшунослик фани бошқа фанлардан фарқ қиладиган хусусиятларига, тушунчаларига, ғояларига, тамойилларига, конунларига ва мезонларига эга.

Тараққиётнинг ўзбек моделида маънавиятнинг ўрни. Маънавият ва иқтисодиётга бирдек эътибор Ўзбекистонда янги жамият қуришнинг устувор тамойилидир. Ўзбекистоннинг биринчи Президенти Ислом Каримовнинг деярли барча асарларида маънавият, миллий ғоя, миллий мафкура масалалари жамиятни, иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, маданий ҳаётни ислоҳ этишнинг муҳим шарти, ҳаракатлантирувчи омили сифатида кун тартибига кўйилган.

Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритгач, ўз тараққиёт моделини белгилаб олди. У бугун бутун дунёда тан олиниб, «ўзбек модели» деб аталмоқда. Ўзбек моделида иқтисодиёт ва маънавиятга баравар устуворлик берилган.

Маънавиятшунослик фани бу борада бизга ёрдам беради. Уни алоҳида фан сифатида ўрганиш зарурати илк бор Ўзбекистонда англаниши ва ўқув дастурларига киритилиши мамлакатимизнинг ҳозирги замон жаҳон илм-фани ва кадрлар тайёрлаш тизими ривожланишига қўшган хиссаси, деб баҳоланмоғи адолатли бўлур эди. Бугунги кунда ушбу фан бўйича давлат стандартлари, ўқув дастурлари ишлаб чиқилиб, қўлланмалар, дарсликлар яратилмоқда. Албатта, янги ўқув предмети дастури бирданига мукамал шаклда вужудга келмайди. Ижтимоий жараён, янги жамият қуриш амалиёти, шакл-шубҳасиз, уларга тегишли ўзгартиришлар киритишни, мудом бойитишни, мумтоз илм-фан, фалсафа, тарих, этнология, санъатшунослик ва ҳ.к. фанларнинг ҳамда ўзининг кейинги тадқиқот далиллари ва хулосалари-

ни ҳисобга олиб янги авлод дарсликларини яратишни тақозо қилади. Бу таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимида узлуксиз давом этадиган жараёндир.

Ўзбекистонда ислохотлар амалга оширилиши жараёнида «кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари» тамойилини юзага чиқариш имконияти ортди. Ушбу тамойил, биринчидан, давлат бошқаруви масалаларининг катта қисми босқичма-босқич маҳаллий давлат идоралари ваколатига ўтказилишини ифодалайди. Иккинчидан, жамият ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маданий ҳаётида, ташқи алоқаларида одамларнинг ўзлари тузган нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, ижодий уюшмалар фаолияти, мавқеи ва иштироки ўсишини, давлат идоралари фаолияти устидан жамоат назоратини ўрнатишни билдиради. Давлат ва нодавлат нотижорат ташкилотлари, давлат ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўртасида ижтимоий шериклик муносабатлари ривожланади. Булар амалга ошириши учун фуқаролар онги, билими, ижтимоий фаоллиги, маънавияти юксак бўлиши, мамлакатда, ҳар бир кишлоқ ва шаҳарда тегишли маънавий муҳит вужудга келиши лозим. Мазкур масалаларнинг барчаси маънавиятнинг алоҳида ва теран ўрганиш нақадар долзарб ва зарур эканлигини яна бир бор асослайди.

Маънавий муҳит кенг маънодаги маънавиятнинг таркибий қисми эканлигини назарда тутсақ, маънавиятнинг иқтисодийга, ўзбек модели юзага чиқишига, Ўзбекистоннинг кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари ривожланишига, баркамол авлодни, маънавий эркин шахсни тарбиялашга кўрсатадиган таъсирини теранроқ аниқлаб оламиз. Бунда бизга, айтилганидек, маънавиятшунослик фани ҳар томонлама ёрдам беради. Ўзбекистонда иқтисодий, ижтимоий, маданий жиҳатдан юксак ривожланган демократик жамият яратиш ва комил инсонни воқифа этказишнинг бarchа йўналишлари ва аниқ вазифалари маънавиятнинг юксалтириш билан, бинобарин, маънавиятшунослик фанини шакллантириш ва ривожлантириш билан ҳам узвий боғлиқ.

2. МАЪНАВИЯТ ТУШУНЧАСИ: МОҲИЯТИ, МАЗМУНИ, ТУЗИЛМАСИ, НАМОЁН БЎЛИШ ШАКЛЛАРИ

Маънавият тушунчасига турли ёндашувлар. Маънавият нима, деган саволга илмий, сиёсий, публицистик адабиётларда турлича ёндашувлар асосида ҳар хил фикрлар билдирилади. Қайд этиш лозимки, Ғарбда маънавият тушунчаси алоҳида ўрганилмайди. У барқарор мазмунга эга бўлган илмий тушунча сифатида Ғарбда мавжуд эмас. Лекин биз маънавият деб атайдиган ҳодиса, яхлит ҳолда бўлмаса-да, фалсафа, этика, социология, психология, семиотика, культурология, тилшунослик, адабиётшунослик, санъатшунослик каби фанлар доирасида ҳар хил илмий усуллар ёрдамида тадқиқ этилади. Маънавият тушунчаси ўрнига ижтимоий онг, ижтимоий психология, интеллектуал маданият, ахлоқ ва ш.к. ҳар хил атамалар қўлланилади. Маънавий маданият деганда, Ғарбда кўпроқ диний маданият, черков фаолияти тушунилади. Шунингдек, Ғарбда спиритуализм (спирити – «руҳий», «маънавий» мазмунни билдиради) деган амалиёт бор. Спиритуализм ўлган киши руҳини чорлаб, у билан мулоқот қилишни англатади. Шу сабабдан биз қўллайдиган маънавий маданият атамасини айрим ғарб тилларига айнан луғавий мазмунига қараб «спиритуал маданият» деб ўгириш мумкин эмас. Уни зарур ҳолларда, ахлоқий ва интеллектуал маданият деб ўгириш урф бўлган. Маънавият атамаси, тўлиқ ишонч билан айтиш жоизки, ислом мамлакатларида, яна аниқроғи, кўпроқ Ўзбекистонда тарқалган атама. Ҳатто бизга қўшни Тожикистонда маънавият атамасига нисбатан унинг бошқа синоними – «руҳоният» кўпроқ қўлланилади.

Маънавият арабча маъни (маъно) сўзидан, у эса «аъно» ўзагидан ясалган деб ҳисобланади. Аъно – бирламчи, туб моҳият мазмунини англатади. «Маънавийа» араб тилида жуда кўп мазмунга эга тушунча. Луғатларда унинг 8–10 тагача мазмуни қайд этилган. Унинг арабчадан келиб чиққанига, арабча ўзакдан ясалганига шубҳа йўқ. Лекин атаманинг бугунги мазмуни шаклланишига жуда кўп ижтимоий-маданий ва лисоний омиллар таъсир кўрсатган.

Жумладан, бошқа тиллар ва маданиятлар. Фараз қилиш мумкинки, маънавият атамаси шаклланишига «маъна» билан бир қаторда санскрит тилида мавжуд бўлган «маъна» тушунчаси ҳам таъсир кўрсатган. Атаманинг ушбу шаклда тарқалишига тасаввуф илми, хусусан, Жалолоддин Румийнинг «Маснавий маънавий» асари катта таъсир кўрсатган бўлиш эҳтимоли юқори.

Илмий адабиётларда маънавиятга нисбатан мавжуд қарашларни таҳлил қилсак ёки назариялар, таълимотларнинг умумий илмий усулидан келиб чиқиб, қандай бўлиши мумкинлигини фараз қилсак, жуда кизиқарли ва ўта ранг-баранг, айрим ҳолларда бир-бирини тўлиқ инкор қилувчи мулоҳазаларни кўрамиз. Уларнинг баъзилари фалсафа, тарих, тилшунослик, адабиёт ва санъат маълумотларига, хулосаларига таянган ва изчил рационалистик бўлса, баъзиларида ноилмий ва иррационал унсурлар, далиллар, фаразлар, вульгар талқинлар учраб қолади. Бунга мисол қилиб фрейдизмни, умуман, психоанализни кўрсатиш мумкин. Айрим олимлар маънавиятга диний-мистик нуқтаи назардан ёндашадилар. У инсон мутлақо тушунтиришдан ожиз, илоҳий иноят, «қалб кўзи» билан кўрилган ҳақиқат, ғойибдан инсонга кўрсатилган ҳидоят, йўл, ишора, кўнгилга солинган ижод ва фаолият, ботиний илмлар, нозик ва илоҳий ҳис-туйғулар ва ҳ.к. деб тушунтирилади.

Алъанавий диний-мистик қарашлар замон таъсирида ўзгариб, янги кўринишлар касб этмоқда. Бугун ҳар хил мистик қарашлар, космос (коинот) юбораётган кодлаштиришни белгилар, тимсоллар, рамзлар, салбий ва ижобий энергетика ва шунга ўхшаш қарашлар ҳам жамиятнинг маънавият, маънавий ҳаёт тўғрисидаги тасаввурлари ва қарашларида акс этмоқда.

Жамият ривожланиши янги ахборот-телекоммуникация технологиялари, интернет ва компьютерлар, АКТлар (ахборот-коммуникация технологиялари) яратган виртуал воқелик, оммавий маданият жамият маънавий ҳаётини, одамлар дунёқарашини анча ўзгартириб юборди. Инсон ҳозирги жамиятда жуда зиддиятли, чалкаш таъсирлар остида қолди. Шу сабабдан маънавиятга инсоннинг асл табиатидан, аутентлигидан келиб чиқиб ёндашиш, яъни

экзистенциалистик ёндашув долзарблик касб этмоқда. Аммо бир нарсани назарда тутиш керакки, экзистенциализмнинг онтологик қарашлари, билиш назарияси, жамият ва инсон тўғрисидаги фикрлари, хулосалари яхлит ва изчил таълимот эмас. Лекин экзистенциализмнинг инсон аутентлиги тўғрисидаги фикрини деярли барча ижтимоий ва гуманитар фанлар фойдали, илмий самарадор усул сифатида тан олган. Экзистенциализмдаги энг яхши жиҳатларни олиб, бошқа фалсафий ва илмий усуллар билан бирлаштириш мақсадга мувофиқ.

Маънавият тушунчасига қайтамыз. Айрим муаллифлар, юқорида айтилганидек, маънавиятнинг моҳиятини илоҳий деб талқин қилмоқдалар. Улар тўлиқ диний-мистик нуқтаи назарга ўтиб кетмаса-да, диний ёндашув тарафдоридир. Маънавиятни улар онгнинг тўлиқ тушунтириб бериш мумкин бўлмаган сирли жиҳатлари, инсоннинг рухий кучи, ундаги туғма диёнат, виждон, иймон, Худо инсоннинг кўнглига солган ижтимоий ва ижодий мойиллик, интилиш, деб талқин қиладилар. Бу қарашларга мувофиқ маънавият илоҳий ёки табиийликдан устун ҳодисадир.

Илоҳий ҳодисалар, абадул абад ўзгаришсиз, мутлак бўлади, фақат уларни тушуниш, идрок этишигина ўзгариши мумкин. Маънавият ҳақида гапирганда эса, биз унинг юксалиши, аксарият кадриятларнинг янгилалиши ёки, аксинча, таназзули, қашшоқланишини, ўзгаришини, нисбийлигини таъкидлаймиз. Шубҳасиз, зардуштийлик негизида шаклланган узок аждодларимиз маънавиятидан ислом негизида вужудга келган ота-боболаримиз маънавияти кескин фарқ қилади. Халқимизнинг бугунги кундаги маънавияти замонавий кадриятлар ва мустақиллик таъсирида нафақат ўрта асрлардаги, ҳатто, социализм давридаги маънавиятидан ажралиб туради. Зеро, И.Каримов таъкидлаганидек: «Маънавият узлуксиз ҳаракатдаги жараён дидир. Фикр, тафаккур, ҳис-туйғу тиним билмаганидек, уларнинг маҳсули ўлароқ маънавият ҳам доимо ўзгариш ва янгилалишда бўлади»¹. Фанда масала илоҳий ҳодиса сифатида қўйилиши мумкин эмас. Чунки фаннинг вази-

¹ *Ислом Каримов*. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамыз. 7-китоб. – Т.: «Ўзбекистон», 1999. 302-б.

фаси тадқиқ этадиган ҳодисаларни текшириш, таҳлил қилиш, умумлаштириш ва мазмун-моҳиятини, назарияси ва амалий кўлланишини, ривожланиш қонуниятларини тушунтиришдан иборат. Балки фан бу жараёнда хатоларга йўл қўяр, адашар, нотўғри талқин қилар, аммо у доимо мантиққа асосланади, таҳлилдан, талқиндан, тушунтиришдан, хулоса қилишдан қочмайди. Илоҳий ҳодисалар фаннинг эмас, диннинг, илоҳиёт илмининг объекти бўлиши мумкин. Фаннинг объектини эса табиий, ижтимоий ва руҳий-интеллектуал ҳодисалар ташкил этади. Фан ўрганаётган ҳодисага ҳис-ҳаяжондан, хаёлий орзу-истаклардан, субъектив хоҳишдан келиб чиқиб эмас, балки холис ва рационал, аниқ илмий далилларга таянган ҳолда ёндашади.

Чоп этилаётган баъзи китобларда маънавият баъзан онгнинг, баъзан ахлоқ ва эътиқоднинг, кўпинча маънавий маданиятнинг синоними, маънодоши, баъзан ҳатто уларнинг ҳаммасини ифодалайдиган йиғма тушунча сифатида ишлатилади. «Маънавият жамият тараққиёти жараёнида шаклланган маданиятнинг инсоният, шахс онгида ифодаланишидир. Маданият мазмун жиҳатдан ниҳоятда кенг бўлиб, ҳар бир тарихий даврдаги маънавият унинг барча томонларини қамраб ололмайди»¹, – деб ҳисоблайди Э.Юсупов. Кўриниб турибдики, маънавият бу ерда онгнинг маданиятни акс эттиришига кўра, мазмун жиҳатдан нисбатан ажралиб турадиган бир бўлаги, идеал ҳодиса деб тўғри, аммо биров торроқ талқин қилинмоқда.

Совет даврида битилган фалсафий ва культурологик асарларда доимо «маънавий ҳаёт» ва «маънавий дунё» ҳақида сўз юритилган. Аммо бу тушунчалар доирасида «маънавият» алоҳида таҳлил этилмаган. Рус олимлари ҳалигача бу анъанани давом эттириб келмоқдалар.

Маънавият – ижтимоий ҳодиса. Ўзбекистонда мустақил тараққиётнинг маънавий омилларини мустаҳкамлаш, улардан самарали фойдаланиш зарурияти маънавият тушунчасини ҳар томонлама таҳлил этишни тақозо этади. Маънавият фақат инсонга, жамиятга хос. Лекин у илоҳий ёки гайритабиий ҳодиса эмас, балки ижтимоий

¹ Э.Юсупов. Ҳадисларда дунёвий ва диний ғояларнинг боғлиқлиги. – «Ўзбекистонда ижтимоий фанлар» журнали, 1994, 5-сон.

ходисадир. У инсон фаолияти билан боғлиқ. Табиатда маънавият йўқ. Биз хайвонот дунёси турлари, хиллари, насли ва бошқа белгиларига қараб уларни одобли ва диёнатли, нозик дидли, художўй ёки куфр ботқоғига ботган ва ҳ.к. дея олмаймиз. Масалан, одобли, виждонли ёки тарбия кўрмаган, виждонсиз бўри деган ибора мутлақо маънисиз (баъзан рамзий ёки ҳажвий мазмунда ишлатилиши мумкин). Табиат уйғунлик ва ички симметрияга асосланган бўлса-да, у маънавиятнинг *субъекти* эмас. Аммо табиат маънавиятнинг *объектидир*. Табиатдаги мавжуд гўзаллик, уйғунлик санъат асарида акс этиши (рассом, бастакор, шоир, ёзувчи асарлари, фото-, теле-, кинотасвирларда ва ҳ.к.), алоҳида кишининг ёки экскурсиячи гуруҳнинг завқ-шавқ олиш манбаига айланиши мумкин. Санъат табиатдан завқланиш ва унга тақлид қилишдан бошланади.

Завқ-шавқ инсон ҳиссиёти ва ақлидан туғилади. Шу сабабдан маънавиятда доимо субъективлик бор. Инсон онги-шууридан ўтмаган, инсон ва жамият томонидан англаб олинмаган ҳодиса маънавият бўлолмайди. Шу сабабдан ижтимоий ҳодиса сифатида маънавият, биринчи галда, моддий эмас, балки идеал ҳодисадир. У барқарор инсоний туйғулар, тушунчалар, баҳолар, меъёрлар ва идеаллар – қадриятлар тизимидир. Лекин инсон ва жамият ҳаётида моддий ва идеал ҳодисалар бир-бирига ўзаро таъсир кўрсатади, улар қарама-қаршилиқлар бирлигини ташкил этади. Моддий ҳодисалар англаб олинishi жараёнида идеаллашади, субъективлашади, яъни инсон (жамият) онгининг бир бўлагига айланади. Аксинча, инсон онги, билимлари унинг хулқида, фаолиятида, меҳнатида моддийлашади, объективлашади. *Маънавият объективлик ва субъективлик бирлигидир*. Масалан, Алишер Навоий асарлари ўз объектив мазмунига ва шаклига эга. У бирор шахснинг ёки даврнинг хоҳиш-истагига, дидига, туйғуларига, сиёсий қарашларига боғлиқ эмас. Бу уларнинг объектив жиҳати, аммо ҳар бир киши, ҳар бир тарихий давр Навоий асарларини ўзича талқин қилади ва тушунади. Бошқача айтганда, Алишер Навоий ижодидан баҳра олиш, кўнгил мулкига айлантириш доимо субъектив тарзда кечади.

Инсон маънавияти билан ҳайвондан, жамият эса табиатдан фарқ қилади, дейиш жуда ўринлидир. Агар моддий ишлаб чиқаришда ва моддий неъматларни истеъмол қилишда инсоннинг ижтимоий-биологик мавжудот сифатидаги моҳияти намоён бўлса, маънавиятда (маънавий неъматларни яратишда ва улардан фойдаланишда, маънавий фаолиятда) инсоннинг ижтимоий-маданий мавжудот сифатидаги моҳияти рўёбга чиқади.

Маънавият инсоннинг ижтимоий-маданий мавжудот сифатидаги моҳиятидир, яъни инсоннинг эзгулик, меҳр-мурувват, адолат, тўғрилик, виждон, ор-номус, ватанпарварлик, гўзалликни севиш, ундан завқланиш, ёвузликка нафрат, ирода, матонат ва шу каби кўплаб асл инсоний хислатлари ва фазилатларининг узвий бирлик, муштараклик касб этган тизимидир ҳамда уларни яратиш жараёнидир. Ушбу хислат ва фазилатлар ҳайвонот учун хос эмас. Аммо уларнинг муқобиллари – ахлоқсизлик, ғараз, ҳасад ва ҳоказолар ҳам ҳайвонларда учрамайди. Кейингилар маънавиятга эмас, балки маънавиятсизликка алоқадор. Демак, маънавият бу шунчаки инсонга хос белгилар йиғиндиси эмас, балки ижобий хислатлар, фазилатлар мажмуидир. «Инсон онгли фаолиятининг, тафаккур салоҳиятининг ҳар қандай шакли маънавият бўла олмайди. Инсон руҳий оламидаги муайян ижобий ижтимоий аҳамият касб эта оладиган фазилатларгина маънавият деб аталади»¹.

Инсоний фазилатлар жамиятда тарихан шаклланади. Улар ижтимоий тараққиётнинг маҳсули. Кишилар ўртасидаги турли муносабатларни англаш, уларни баҳолаш, кўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш ёки, аксинча, қоралаш, чеклаш, бартараф этишга интилиш зарурати турли ахлоқий (кейинчалик ҳуқуқий ҳам), эстетик, диний ва бошқа меъёрларни, урф-одат ва маросимларни юзага келтиради. Улар кадрият даражасига кўтарилади. Қадрият инсонга, жамиятга фойда келтирадиган, уларни юксалтирадиган ижтимоий баҳолар, меъёрлар ва идеалларнинг умумий атамаси ва объективлашган воқелиги

¹ Эркин Юсунов, Ўткир Юсунов. Маънавий камолот ва жамият тараққиёти. – Хўжанд: 1996, 29-б.

ҳамда бадий, илмий асар, обидалар ёхуд удум, маросим, ахлоқ ва ҳ.к.

Қадриятларни ўзлаштириш жараёнида кишида инсоний фазилатлар қарор топади. Инсоний фазилатлар, шундай қилиб, ижтимоий муносабатларнинг (шу жумладан, табиатга муносабатнинг) инсон онги ва фаолиятида ўзлаштирилган қадрият сифатида зоҳир бўлишидир. Бошқача айтганда, инсоний фазилатлар ва уларнинг мажмуи – маънавият ижтимоий қадриятларнинг муштараклашган ифодасидир. Қадриятларни ўзлаштириш инсоннинг қай даражада маънавий шахсга айланганини кўрсатади, унга ички куч, ирода, эътиқод, ижтимоий идеал бағишлайди. Шуларни назарда тутиб Ислом Каримов: «Маънавият – инсонни руҳан покланиш, қалбан улғайишга чорлайдиган, одамнинг ички дунёси, иродасини бақувват, иймон-эътиқодини бутун қиладиган, виждонини уйғотадиган беқиёс куч, унинг барча қарашларининг мезонидир», – дея эътироф этган¹.

Маънавият инсоний фазилатлар билан бирга, «маънавий маданият» деб аталмиш дунёвий илм-фан, фалсафа, ахлоқ, ҳуқуқ, адабиёт ва санъат, халқ таълими, оммавий ахборот воситалари, урф-одатлар, анъаналар ҳамда дин ва диний амалиёт – ибодат, тақво, диний маросимлар ва ҳоказо, диний адабиёт, диний санъат каби бошқа кўплаб тарихий ва замонавий қадриятларни қамраб олади. Инсоннинг ҳаётга муносабати ривожланиши жараёнида унинг онги, айниқса, илмий, фалсафий, диний тасаввурлари бойиб боради, ўзгаради. Шу боисдан турли тарихий даврларда яшаган кишиларнинг қарашлари, ижтимоий баҳолари ва мўлжаллари, қадриятлари ўзаро фарқ қилади.

Онг ва маънавият. Маънавий онг. Онг тўлалигича маънавиятга кирмайди, чунки унда ўзгарувчан, муваққат, тасодифий ҳолатлар кўп учрайди. Онгга ўткинчи кайфиятлар, эҳтирослар, турли тушунчалар, ноҳолис ва хато баҳолар катта таъсир кўрсатади. Маънавият эса бир зумда ўзгариб қолмайди. У чуқур тарихий, маданий илдизларга эга. Тўғри, унга ҳам собит, барқарор туйғулар, ор-номус, миллий ғурур

¹ Ислом Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: «Маънавият», 2008, 19-б.

ва ифтихорга оид ҳис-ҳаяжон ва эҳтирослар таъсир кўрсатади. Аммо улар ўткинчи эмас. Онгнинг юқори даражаси – тафаккурга оид унсурларнинг ҳам вақт синовидан ўтган кўпчилик томонидан тан олинган барқарор, собитлари (тўғри ёки хатолигидан қатъи назар) маънавиятни ташкил этади. Демак, маънавият онгнинг моҳиятли мазмуни ёки онгдаги моҳиятлиликдир. Ушбу жиҳатдан маънавият онг каби идеал ҳодисадир, аммо илоҳий ҳодиса эмас.

Идеал ҳодиса сифатида маънавиятда, энг аввало, инсоний ҳис-туйғулар, кечинмалар, аниқ образли тасаввурлар ажралиб туради. Уят, ибo, ҳаё, ҳалоллик каби оддий туйғулардан то эзгулик, гўзаллик, адолат, виждон азоби ва амри, завқ-шавқ, ватанпарварлик, фидойилик каби мураккаб туйғуларгача инсон маънавий онгининг бирламчи даражасини ташкил этади. Маънавий онгнинг иккинчи – юқори даражасига тушунчалар, ғоялар, баҳолар, дид, қарашлар, назариялар, таълимотлар, идеал киради. Улар туйғулар каби ахлоқий, эстетик, сиёсий, ҳуқуқий, диний, фалсафий қарашларни ифодалайди. Фақат туйғулардан фарқли, инсоннинг ҳиссий муносабатларини эмас, балки ақлий-интеллектуал муносабатини ифодалайди. Улар жамиятнинг кадриятлар тизимини ташкил этади.

Туйғулар ва тушунчалар ўртасида ўтиб бўлмас жарлик йўқ. Инсон ўз ҳис-туйғулари тўғрисида фикр-мулоҳаза юритиб, уни англаб олишга, баҳолашга интилса, у тушунчалар оламига ўтади. Эзгулик ва гўзаллик ҳам туйғу сифатида, ҳам тушунча ва идеал сифатида намоён бўлади. Биринчи ҳолатда инсон ўйлаб ўтирмайди, объект унда бевосита ҳис-ҳаяжон уйғотади. Иккинчи ҳолатда у ҳақда мулоҳаза юритади, таҳлил қилади. Масалан, кимнингдир хулқидан, қилган ишидан хафа бўлган, жаҳли чиққан кишидан сабабини сўрасангиз, у ўша киши хатти-ҳаракатининг қайси жиҳатлари ахлоқий ёки бошқа ижтимоий меъёрларга мос келмаслигини, қандай хатога йўл қўйганини ёки билиб туриб ғирромлик, сурбетлик қилганини айтади.

Идеаллик маънавиятнинг моҳиятини тўлиқ очмайди: идеаллик маънавиятнинг фақат бирламчи мавжудлик шаклидир. Материалистик ёндашувга биноан: «Онгда мустақил мавжудлик йўқ. У фақат миянинг объектга нис-

батан функцияси сифатидагина мавжуд... Онгинг ўзига хослиги шундаки, у қандайдир субъектив, идеал нарсадир. У ўзининг моддий субстратларига – мия ва инъикос объектига – муносабатидан ташқари мустақил мавжудликка эга эмас»¹.

Маънавият эса масалага ҳатто материалистик ёндашганда ҳам, мустақил – хулқ-атворда, фаолиятда, ижодда предметлашган, адабиёт, санъат асарларига, илмий кашфиётларга, урф-одатларга, маросимларга, анъаналарга айланган маданий меросда мавжудликка эгадир. Маънавият, аввало, маданият орқали мустақил мавжудлигини намоён этади. У, шунингдек, ирода (шахс ва миллат иродаси), ижтимоий-сиёсий ва ахлоқий муҳитни қамраб олади. Бу ҳақда кейинроқ тўхталамиз. Ҳозирча маънавият ва онг муносабатлари тўғрисидаги фикрни давом эттираемиз.

Маънавият жамиятда қарор топган етакчи ғояларга ҳамда кишиларнинг дунёқарашига, эътиқодига боғлиқ. Ҳақиқатан, маънавият онгдаги тасодифий, иккинчи даражали, вақтинчалик ҳолат бўлиши мумкин эмас. У барқарор, мустаҳкам эътиқодга айланган, қадрият даражасига кўтарилган бўлиб, жамиятдаги муносабатларни ва инсон хатти-ҳаракатини тартибга солишда ҳал қилувчи роль ўйнайди. Эътиқодсиз маънавият бўлмайди. Эътиқод маънавиятнинг энг асосий устунларидан биридир. У маънавиятга муштараклик ва жипслик бағишлайди. Унинг турли таркибий қисмларини ўзаро бирлаштиради ва маънавиятни амалиётга боғлайди. Эътиқод маънавиятнинг моҳиятини очиб берувчи тушунчалардан биридир.

Маънавий онг икки даражали ҳодиса дедик. Бирламчи даража – уят, ҳаё, миннатдорлик, меҳр, қаҳр-ғазаб, хурсандлик, ғам-қайғу, ошуфталик, муҳаббат, дўстлик, виждон, гўзаллик, завқ-шавқ ва шу каби туйғулар, кечинмалар ёки маънавиятнинг пойдеворини ташкил этувчи кўнгил дунёсидир. Уни инсон моҳияти ёки руҳонияти, ёки қалб, дил ҳам дейдилар Лекин инсон фақат туйғулари билангина яшамайди. У кўрган, бошдан кечирганларини ўзича таҳлил қилади, уларга баҳо беради, тушунчалар ва назарий

¹ А.Г.Спиркин. Сознание и самосознание. – М.: 1972, 68–69-бетлар.


қарашлар тизими орқали умумлаштиради, мақсад-муддаолари, жамият қадриятлари ва талаблари билан боғлайди. Тушунчалар, баҳолар, қарашлар, идеаллар инсоннинг ақлий фаолияти маҳсуллари дур. Уни ақл, фикрлар дунёси (тафаккур) деб атайдилар. Шундай қилиб, маънавий онг кўнгил ва ақл дунёсидан – рухоният ва тафаккурдан иборат. Кўнгил ва ақлни бир-биридан ажратиш, қарама-қарши қўйиш хатодир. Чунки улар, магнит қутбларидек, қарама-қаршилиқлар бирлигидир. Бир қутбли магнит бўлмаганидек, фақат туйғулардан (кўнгилдан) ёки ақлдан ташкил топган, турли назарий фикрлардан иборат маънавият бўлмайди.

Ижтимоий онг ва маънавий онг нисбати
Онгнинг горизонтал кесими



Изоҳ: Маънавий онг ижтимоий онгга нисбатан анча тор тушунча. Унга фақат ижтимоий онгдаги собит, барқарор ва ижобий мазмундаги инсоний туйғулар, гоёлар, тушунчалар ва идеаллар киради. Салбий мазмундагилари маънавиятни эмас, балки маънавиятсизликни ифодалайди. Масалан, уят, ҳаё, гўзалликдан завқланиш, миннатдорлик, шукроналик, виждон амри, виждон азоби, масъулият туйғуси ва шу қабилар инсон маънавиятига оид туйғулардир. Улар ҳайвонот оламида учрамайди. Уятсизлик, беҳаёлик, очкўзлик, сурбетлик, ёлгончилик ва ҳ.к. ҳам ижтимоий онг унсурларидир, ammo маънавий онгга кирмайди.

Маънавий онгнинг тузилмавий шакллари
(горизонтал кесим)



Изоҳ: Эътиқод маънавий онгнинг негизини ташкил қилади. Унга асотирлар, дин ва фалсафа киради. Уларнинг ҳар учаласини ижтимоий онгнинг алоҳида шакллари сифатида қабул қилиш мумкин. Асотир ибтидоий синкретик эътиқоддир. Нафосатга гўзаллик туйғуси ва у ҳақдаги қарашлар ҳамда адабиёт ва санъат (бадий қарашлар) мансуб. Ахлоқ таркибига одоб-ахлоқ туйғулари ва меъёрлари, қарашларидан ташқари урф-одатлар, анъаналар ҳам киради.


**Онгининг, жумладан,
маънавий онгининг
вертикал кесими**

Тафаккур олами, ақл	Идеаллар
	Таълимотлар
	Назариялар
	Тизимлашган қарашлар
	Фикр, мулоҳаза
	Тушунча, ғоя
	Дид
Ҳиссий-эмоционал олам, қалб	Завқ-шавқ ёки қаҳр-ғазаб
	Ҳиссий қониқиш ёки қониқмаслик
	Ҳиссий кечинмалар
	Ҳис-туйғулар

Онг даражалари

Назарий онг	Идеаллар
	Назариялар, таълимотлар
	Илмий тизимлашган қарашлар
	Фикр, мулоҳазалар
	Илмий баҳолар
	Илмий тушунчалар
Кундалик онг	Ҳаётий тажриба ва мулоҳазалардан ҳосил бўлган эътиқод ва идеаллар
	Қаътий тизимлашмаган ёки илмий жиҳатдан асосланмаган қарашлар
	Тажриба асосида орттирилган билим
	Кундалик ҳаётий тушунчалар, баҳолар
	Завқ-шавқ, дид
	Ҳис-туйғулар, кечинмалар

**Онгининг, жумладан, маънавий онгининг турли
социумлар даражасида намоён бўлиши**



Мумтоз адабиётда ва Ўрта Шарқ фалсафасида кўнги́л ва ақлга бироз тор ёндашилган. Лекин улар бир-бирига деярли қарама-қарши қўйилмаган. Алишер Навоий асарларини ўқиб шундай хулосага келиш мумкинки, кўнги́л (қалб) ўзида туйғу ва ақлни бирлаштиради: «Кўнгул бадан мулкининг подшоҳидир... Бас улким кўнги́л мулкининг соҳиб шоҳи бўлғай – шоҳлар шоҳи бўлғай». Айниқса, «руҳоният» тушунчасини Навоий маънавият, яъни инсоннинг ҳиссиёт ва тафаккур дунёсининг муштарак воқелиги сифатида талқин қилади:

*Чун риёзат рафъ этиб руҳоният,
Салб бўлғоч кимсадин нафсоният,
Қолмағай руҳониятдан ўзга ҳеч,
Сен тахаллуфдин бу маъни ичра кеч. –*

ўқиймиз «Лисон ут-тайр»да. Аммо баъзи ҳолларда, масалан, тасаввуфда, устунлик кўнгилга берилган. Фақат Оллоҳга муҳаббат (ишқ) тан олинган. Мажнуннинг Лайлига, Фарҳоднинг Ширинга, Шайх Санъоннинг христиан қизига, қушларнинг Симурғга, булбулнинг гулга, шоирнинг майга, шаробга кўнгил қўйиши ва олий муҳаббатнинг бошқа ҳар қандай кўринишлари мажозий маънода Оллоҳга интилишни, Оллоҳни севишни ифодалаган. Муҳаббатдан завқ-шавқ, ишқдан мастлик, ўзликдан кечиб ёр (Оллоҳ) васлига етишиш ошиқнинг бирдан-бир муддаосидир. Бундай ҳолда хаёлпарастликдан ташвишларга тўла реал дунёга қайтарадиган, бу билан кўнгилнинг сархуш орзуларини чилпарчин қиладиган ақл шоирга, суфийга керак эмас.... Шундай бир томонлама ёндашувларни нафақат тасаввуф олимларида, шунингдек, айрим бошқа таълимотлар алломаларида ҳам учратамиз.

Шўролар фанида кўпроқ ақлга устунлик берилган. Совет дохийлари кўнгил ҳақидаги гапларни зиёлича «оҳ-воҳлар», улар халқни синфий кураш ва социализм куришдан чалғитади, деб ҳисоблаган. Аммо онгли равишда коммунистик ғояларга садоқат кўрсатилганда ҳам масалага бир томонлама, жанговар ва вульгар атеизм, муросасиз синфийлик ва партиявийликдан келиб чиқиб мулоҳаза юритилган.

Кўнгил ва ақлни мувозанатга келтириш зарурлиги кўпчилик ёндашувларда ҳисобга олинмас эди. Бунинг натижаси ўлароқ, ҳозиргача кундалик онгда (назарий онгда эмас) кўнгил ва ақлни қарама-қарши қўйиш, ёшлар ўртасида «қалбига кулоқ тутиб севгини танлаш керакми ёки оилавий бурчингга, ота-онанг, яқинларингга, агар уйланган бўлсанг, фарзандларинг ва хотинга содиқ қолиб, севгидан воз кечиш керакми» каби мавзуларда, яъни кўнгилгами ёки ақлга – қайси бирига мувофиқ яшаш лозим қабилидаги баҳслар бўлиб туради. Ҳар хил ёндашувларни кўп танқид қилиш мумкин. Лекин масала фақат танқид ёрдамида ҳал бўлиб қолмайди.

Мустақил тараққиётнинг маънавий асослари. Ўзбекистоннинг келажак тараққиёти ташкилий, бунёдкорлик ишлари қаторида маънавий юксалишга боғлиқ. Ривожланиш эса «инкор қилиш кайфиятидан бунёдкорлик

кайфиятига ўтиш»ни, жамият ҳаётининг маънавий асосларини мустақамлашни талаб қилади.

«Маънавий асослар» тушунчаси ахлоқий, ҳуқуқий, эстетик, диний ва бошқа мафкуравий муносабатларни, маънавий-мафкуравий вазифаларни бажарувчи ижтимоий муассасаларни, кенг маънодаги маънавий ҳаётни қамраб олади. Мустақил тараққиётнинг маънавий асослари деганда, халқимиз ҳаётининг юксалишига таъсир кўрсатувчи моддий ишлаб чиқаришга оид бўлмаган барча асосий омиллар назарда тутилади. Давлатнинг таълим-тарбия, илм-фан, адабиёт ва санъат соҳасида олиб бораётган сиёсати, эстетик меъёрларга, бадий услублар ранг-баранглигига, маданий меросга, динга, сиёсий ва ахлоқий қарашлар хилма-хиллигига, уларнинг ўзаро курашига муносабати ҳам жамият тараққиётининг маънавий-мафкуравий асослари ҳисобланади.

Маънавий асос – воқеликка фаол муносабат ва маълум мақсадга, идеалга интилиш, шу идеалларга ўз фаолиятини мослаштиришдир.

Маънавий асослар тизимида учта катта гуруҳни ҳамда иккита махсус омилни ажратиш мумкин: биринчи гуруҳ – ижтимоий онгга оид ҳодисалар: туйғулар, тушунчалар, ғоялар, баҳолар, меъёрлар, идеаллар, яъни «соф маънавийят». Иккинчи гуруҳ – «предметлашган» маънавий кадритлар, маданий мерос. Учинчи гуруҳ – маънавий функцияларни бажарувчи ижтимоий муассасалар.

Икки махсус омил, бу – оптимистик маънавий муҳит ва маънавий эҳтиёжларнинг юксалишидир.

Ҳар бир гуруҳ, ўз навбатида, таркибий қисмларга ва нисбатан мустақил шаклларга бўлинади. Биринчи гуруҳ доирасида фалсафий онг, ахлоқ, эстетик онг, ҳуқуқий онг, диний онг, илмий дунёқараш ва унинг алоҳида таркибий қисми сифатида миллий ғоя ажралиб туради. Онгнинг икки даражаси – ижтимоий психология ва мафкура ҳам бир-биридан фарқланади.

Иккинчи гуруҳда эса сиёсий маданият, ахлоқий маданият, ҳуқуқий маданият ва ҳоказо ҳамда санъатнинг муайян турлари: бадий адабиёт, театр, ҳайкалтарошлик, рассомлик, наққошлик, дизайн, мусиқа, киночилик ва шу каби алоҳида кўрсатилиши мумкин.

Учинчи гуруҳга халқ таълими тизими – мактабгача тарбия, умумтаълим, ўрта махсус ва касб-ҳунар, олий таълим, илмий тадқиқот тизими – илмий ишлаб чиқариш бирлашмалари, илмий текшириш институтлари, Фанлар академияси ва шу кабилар, ижодий уюшмалар – ёзувчилар уюшмаси, рассомлар, композиторлар, киночилар, театр арбоблари ва бошқа ижодий соҳа ходимларининг турли уюшмалари, матбаа ва оммавий ахборот тизими – газета ва журналлар, радио ва телевидение, китоб ноширлиги, интернет, ижтимоий тармоқлар ва шу кабилар; мафкуравий тарбия ташкилотлари, масканлар (жумладан, диний ташкилотлар), урф-одатлар, анъаналар ҳамда оиланинг тарбия ва маънавиятга тегишли жиҳатлари киради. Улардан ҳар қайсисининг инсон ва жамият, мустақил Ўзбекистонни ривожлантиришдаги аҳамияти, салоҳияти бир хил эмас, аммо жуда муҳим. Ҳар қайсисининг имкониятларидан максимал фойдаланиш учун уларни алоҳида атрофлича ва чуқур тадқиқ этиш лозим.

Маънавиятга муносабат кўп жиҳатдан миллий тараққиёт муваффақиятларини белгилайди. Айниқса, маданий меросга тўғри муносабат ниҳоятда муҳимдир. Чунки миллий кадриятларни тиклаш ва ривожлантириш масаласи мураккаблиги туфайли айрим кишилар уни келажакка эмас, ўтмишга қаратмоқчи бўлаётганини сезмаяптилар. Ислом халифалигини тиклаш ёки Ўзбекистонни ислом республикасига айлантириш, шариат меъёрларини жорий қилиш тўғрисидаги фикрларда ана шу нарса кўзга чалинмоқда.

Маданий мерос халқнинг бебаҳо бойлигидир. Аммо маданий меросимизда умумбашарий, умуминсоний кадриятларга айланган бебаҳо дурдоналар билан бир қаторда тарихан эскирган, юксак тараққий этган, маърифатли келажакни яратиш заруратига мос келмайдиган ҳодисалар, меъёрлар ва тамойиллар ҳам оз эмас. Масалан, паранжи ёпиниш, европача кийим-кечакдан воз кечиш ёки театр, ранг-тасвир ва ҳайкалтарошлик каби санъат турларини инкор қилиш, мактабларни ўқувчилар жинсига қараб бўлиш, кўпхотинликни ёқлаш кабилар шулар жумласидандир. Улар бугунги кунда биз учун ҳақиқий миллий кадрият эмас, балки кадрини йўқотган анахронизмлардир.

Айни пайтда биз маданий меросга ўта эҳтиёткорлик ва эътибор билан, ўта ғамхўрлик билан ёндашмоғимиз, уни авайлаб-асрамоғимиз, ундан миллий маънавиятимизни ривожлантиришда самарали фойдаланмоғимиз лозим. Чунки маданий меросда халқимизнинг тарихи, ҳаётий тажрибаси, минг йиллар давомида кўлга киритган ютуқлари йиғилган. Маданий мерос авлодлар ўртасида ворисийликни таъминлайди. Маданий мерос туфайли авлодлар қадим ўтмишдаги аجدодлари билан мулоқот қилади. Инсон ўз имкониятларини юзага чиқариш учун маданий мерос қаторида замонавий илм-фан, техника, адабиёт ва санъат, чет тиллари, АТ ва мулоқот шакллари яхши ўзлаштириши зарур. Замонавий тараққиёт кишидан жуда катта ҳажмдаги мураккаб билимларни, кўникмаларни эгаллашни талаб қилади. Аммо ҳеч бир киши фақат илм олиш, янги ютуқларни ўзлаштириш ёки ишлаб чиқариш, бизнес билан кечаю кундуз банд бўлмайди. У жисмоний ва руҳий тикланиши учун дам олиши, бўш вақтни мазмунли ташкил этиши лозим. Замонавий цивилизация бу борада унга катта имкониятлар қаторида катта хавф-хатар ҳам туғдирмоқда. Инсоннинг компьютер, смартфон, планшетлар, аниқроғи, электрон ўйинлар, виртуал дунё бандисига айланиш хавфи жуда баланд. Оммавий маданиятнинг аксарият маҳсулотлари, айникса, унинг китч қисмига мансублари яна бошқа хавф туғдирмоқда. Аёнки, уларга қарши тура олиш учун кишида мафкуравий иммунитет шаклланган бўлиши лозим. Мафкуравий иммунитет, мазмунига кўра, сиёсий-мафкуравий, ахлоқий, бадий-эстетик, диний-этиқодий, умуман, маданий иммунитет каби конкрет шаклларда намоён бўлади.

Маънавият тушунчасининг таърифи ва тузилмаси. Юқоридаги мулоҳазалардан келиб чиқиб, маънавиятга қуйидагича дастлабки таъриф бериш мумкин: *Маънавият, бу – ижтимоий онгининг эътиқод ва қадриятлар даражасига кўтарилган собит, барқарор туйғулари, эҳтирослари, тушунчалари, гоялари, меъёрлари, ижтимоий мўлжаллари, идеалларидир, уларнинг яратилиши жараёни ва маданий меросда, урф-одатларда акс этиши, миллатга муайян мақсадларга эришиши учун ёрдам*

берадиган ирода ҳамда жамиятда қарор топган ақлий ва ҳиссий, руҳий ва мафкуравий муҳитдир.

Шундай қилиб, маънавият тўрт ўзаро узвий боғлиқ таркибий қисмдан иборат:

а) онгнинг, дунёқарашнинг оламга фаол муносабат кўринишидаги функционал жиҳати (ижтимоий онг шаклларига мувофиқ – фалсафий, диний, ахлоқий, эстетик, ҳуқуқий туйғулар, тушунчалар, баҳолар, қарашлар, назариялар);

б) маънавий маданият ютуқлари (халқ оғзаки ижоди асарлари: кўшиқлар, достонлар, эртақлар, мақоллар, маталлар, халқ амалий санъати асарлари, адабиёт, архитектура, дизайн, тасвирий санъат, театр, кино, мусиқа, эстрада асарлари ва ш.к.; фан, оммавий ахборот ва ташвиқот, таълим-тарбия тизими, истироҳат ва спорт, урф-одатлар, диний амалиёт ва ҳ.к.);

в) ирода (эркин танлаш, қатъият, фидойилик, орномус, миллий ғурур, ижтимоий кўрқувни енгиш ва ҳ.к.);

г) жамиятда қарор топган маънавий муҳит.

Маънавият шахснинг табиат ва жамият билан муштараклашиб, ўзаро муносабатини уйғунлаштиришни билдиради. Яъни маънавият тушунчаси:

1) шахс ва жамият томонидан ижтимоий борлиқни ўз фаолияти асоси ва объекти сифатида англаб олиншини (шу боисдан ҳам маънавият дунёқарашнинг функционал жиҳати бўлади);

2) шахснинг, миллатнинг муайян хулқ-атвори ва яратувчилик фаолияти, борлиққа муносабати, борлиқни қайта яратиш ёки ўзгартириш бўйича ижодий режаларини;

3) бу режаларни амалга ошириш учун, биринчидан, шахс ва жамиятдаги қатъият, эрк ва иродани ҳамда, иккинчидан, жамиятда мавжуд бўлган мафкуравий шартшароитни билдиради.

Демак, маънавият орқали инсон табиат ва жамият билан бир бутунлиқни ташкил қилади, уйғунлашади, оламнинг ҳақиқий жавҳарига, гултожигга айланади. Маънавиятсиз инсон табиатнинг шунчаки бир жонзоти бўлиб қолаверар, ўзлигини, оламдаги ўз ўрнини англамас, «иккинчи табиат»ни яратолмасди. Инсоннинг табиатга ва

жамиятга ижобий таъсири маънавиятга, салбий таъсири эса ундаги камчиликларга боғлиқ.

Маънавиятдаги рационаллик (оқилоналик) ва иррационаллик (нооқилоналик). Маънавият нафақат рационал, шунингдек, маълум даражада иррационал характерга эга. Маънавиятнинг онгга, ақлга, мантикқа оид томони инсоннинг рационал дунёсини ташкил этса, иродага оид томони қисман иррационал дунёсини ташкил этади. Маънавиятнинг ҳиссиётга оид жиҳатлари эса ҳам рационал, ҳам иррационал характер касб этади.

Ҳиссиёт онг ва иродани бирлаштирувчи қатлам, у бир томони билан онгга сингиб кетади. Иккинчи томони билан иродага туташади (эстетик завқ онгли равишда кечиши мумкин, масалан, асарнинг бадий мукамаллигини яхши тушунган ҳолда ёки шахмат комбинациясининг гўзаллигини идрок этган ҳолда улардан завқланиш мумкин. Шу билан бирга, эстетик завқ гўзалликнинг бевосита таъсирида, гўзалликнинг ташқи «сехри»га мафтунликдан ҳосил бўлади. Бунда рационал таҳлил иккинчи ўринга чекинади). Уят, ор-номус ва виждон туйғуси, ғурур, кўрқув бир томондан – рационал, иккинчи томондан – иррационал мазмунга эга.

Алпомишнинг бандиликдан қутулишда Кайқубод ёрдамидан воз кечиши ориятнинг, ироданинг кўринишидир. Амалий фойдалилик нуқтаи назаридан (тезроқ бандиликдан қутулиб, душманлардан ўч олиш, адолатни тиклаш, Барчин висолига етиш, ўз юртига тезроқ қайтиш, у йўқлигида содир бўлиши мумкин бўлган турли хавфхатарларнинг олдини олиш ва ҳоказо), яъни оқилона иш тутиш нуқтаи назаридан Алпомишнинг қарори унчалик тўғри эмас. Аммо Алпомиш образи ифодаладиган маънавий тушунчалар, ахлоқий идеаллар ўзгаларнинг ёрдамидан асосий мақсадига эришиш учун фойдаланишга йўл қўймайди. У бошқа соҳаларда ўзгалардан ёрдам олиши мумкин (Кайқубоднинг озиқ-овқатларини рад қилмайди), лекин душманлар билан принципиал курашда алп сифатида ўзлигини тўла-тўқис намоён этиши, ўз кучи билан ғалаба қозониши лозим. Бундай иш тутиш халқнинг маънавий идеалидир, лекин у рационализм доирасига сиғмайди.

Гурур, ор-номус ва фидойиликка кўплаб тарихий мисолларни келтириш мумкин. Айниқса, халқ озодлиги учун курашган буюк шахслар, қаҳрамонлар, сиёсатчилар, кўзғолончи ва инқилобчилар ҳаётида ички туйғу, сезги ва фаҳм-фаросатга таяниб, таваккалчилик билан кўрқмасдан амалга оширилган ишлар сон-саноксиз. Уларни охиригача рационализм нуқтаи назаридан тушунтириб бериш қийин. Лекин бундан ирода фақат иррационалистик бўлар экан, деган хулоса келиб чиқмайди. Бадиий ижод жараёнида эса иррационализм ва рационализмни кўп ҳолларда бир-биридан ажратиш қийин.

Маънавиятдаги иррационал жиҳатлар, диний, диний-мистик карашларда, турли иримларда, айрим ҳолларда ижодкор шахсларнинг «дарвишона», «машрабона» хатти-ҳаракатларида, баъзан бамаъни кишиларнинг «ақл бовар қилмайдиган» бемаъни қилиқларида кўриниб қолади. Иррационализм маънавий ҳаётда, инсоннинг хулқ-атворида анча таъсирли роль ўйнайди.

Юқорида маънавиятда субъектив ва «моддийлашган» объектив томонлар мавжудлиги қайд этилган эди. Маънавиятнинг субъектив томони, ўз навбатида, икки рационал ва иррационал қисмларга бўлинади. Ирода кўп ҳолларда иррационал характерга эга.

Маънавият субъектив ҳодиса, туйғулар, ақл ва ирода сифатида борлиқнинг шунчаки акси эмас, балки дунёқарашнинг (кенгроқ олсак, онгнинг) борлиққа нисбатан амалий муносабат шаклидаги муайян фаолиятга айланишидир. Маънавият объективлашган қадриятлар тизими (маънавий маданият) сифатида эса миллатнинг ўз-ўзини англаш, ўз руҳини, иродасини ва онгини, ижтимоий амалиётини такомиллаштириш имкониятларининг ва воситаларининг эришилган даражасидир, жамиятнинг маданий савиясидир.

Қиска қилиб айтганда, маънавиятда *миллатнинг ақлий ва руҳий салоҳияти ҳамда ижодкорлик қобилияти юзага чиқади*. Бу салоҳият ва қобилият асрлар давомида тобланиб, халқнинг тарихий бунёдкорлик, диний ва дунёвий тажрибасини ўзида мужассамлаган. Шу боис маънавиятга барқарорлик хос. Маънавият жамият билан бирга юксалади, ривожланади, таназзулга ва инқирозга

учрайди, қайта уйғонади, гуркираб ўсади. Маънавият учун изчил тарихийлик ва замонавийлик, анъанавийлик ва янгилик хос. Маънавиятнинг ривожланиши тарихий заруратни жамият томонидан тўғри тушунилишига ва шунга мувофиқ жамиятда амалга оширилаётган ишларга боғлиқ.

Маънавий муҳит маънавиятнинг таркибий қисми сифатида. Инсонга жамият томонидан қўйиладиган мафкуравий талаблар ахлоқий, ҳуқуқий, эстетик, диний меъёрлар, маънавий муҳитни ташкил қилади. Маънавиятнинг моҳиятини «маънавий муҳит» тушунчасисиз теран англаб олиш мушкул. Соғлом маънавий муҳит шахсни ҳам, бутун авлодни ҳам муайян йўналишда тарбиялайди, ижобий хислатларини юзага чиқаради, уларни номақбул таъсирлардан ҳимоя қилишга уринади. Чунки маънавий муҳит ҳар қандай ютуқлар ва кашфиётларнинг (четдан қабул қилинганларининг ҳам) тақдирини белгилайди: ё ривожлантиради, ё унутулишга маҳкум этади ёки деформация қилиб, ўзига мослаштиради. Аксинча, носоғлом маънавий муҳит одамларни бир-биридан бегоналаштиради, ўзаро ишончни, меҳр-оқибатни сусайтиради, ижтимоий қўрқувни кучайтиради.

Маънавий муҳит жамиятнинг ҳиссий, ақлий ва жисмоний камолотда эришган ўртача савияси асосида вужудга келган талаблари ва уларнинг амалга ошиш тартибидир. Муҳит, одатда, барқарорликка, бир текислик ва бирхилликка интилади. Унинг талаблари ва таъсири ҳаммага бирдек, ўртача бўлади. Унинг талабларига жавоб бериш учун кимлардир ўз устида ишлайди, такомиллашади, ўсади ва ҳ.к. Кимлар учундир умумий маънавий муҳитнинг талаблари камлик қилади. Бундай шахслар ёки ижодий гуруҳларнинг имкониятлари тўлиқ юзага чиқмасдан қолиш хавфи туғилади. Шу боисдан умумий маънавий муҳит доирасида нисбатан алоҳидалашган табақавий, касбий (профессионал) ёки гуруҳий муҳитлар – катта-кичик субмуҳитлар мавжуд. Субмуҳитлар ўзаро бироз фарқ қилади. Фарқ уларнинг муайян ижтимоий гуруҳ, табақа ва синфларнинг психологияси ва сиёсий мавқеи, амалий интилишлари, интеллектуал салоҳияти таъсирида вужудга келади. Аммо бу фарқ ортикча баҳоланмаслиги ва

маънавиятга мутлақлаштирилган синфийлик нуқтаи назаридан ёндашиш учун асос бўлмаслиги керак. Субмуҳит умумий муҳитдан ажралиб кета олмайди ва, пировардида, унинг асосий ва фундаментал талабларига бўйсунди. Муҳит маънавиятнинг энг умумлашган узлуксизлик шакли, маданият эса давомли (дискрет) шаклидир.

Маънавий муҳит сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий тузумга, бошқарув режимига боғлиқ. Агар сиёсий тузум, бошқарув усуллари зўравонликка асосланса, жамиятда одамлар, ташкилотлар фаолияти устидан ёппасига мафкуравий назорат ўрнатилади. Бир мафкуранинг хукмронлиги қарор топади. Унга хилоф келадиган ҳар қандай фикр ва қарашлар тан олинмайди, таъқиб қилинади ва тақиқланади. Тақиқни бузганлар жазоланади, катагон қилинади. Бундай шароитда одамлар бир-биридан чўчиб, ишонмасдан яшайди. Кўнгилдагини очик айтолмайди. Мавжуд тузум камчиликларини танқид қилолмайди. Баъзи ҳолларда бир-бирлари устидан тегишли идораларга чақимчилик қилиб туради. Сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий эркинлик йўқлиги шахс камолоти ва жамият ривожланишига салбий таъсир кўрсатади. Ва, аксинча, жамиятда эркинлик ва демократик бошқарув даражаси қанчалик баланд бўлса, маънавий муҳит шунчалик яхшиланади, унинг инсон камолоти ва жамият ривожланишига ижобий таъсири шунчалик кучаяди.

Ўзбекистон кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари ривожланмоқда. Бу жараён маънавий муҳит янада яхшиланишини тақозо этади ва бунга зарур шарт-шароитларни яратади.

3. МАЪНАВИЯТНИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШИ (ГЕНЕЗИСИ) ВА ДАСТЛАБКИ РИВОЖЛАНИШ ДАВРИ

Инсоннинг ижтимоийлашуви – маънавият вужудга келишининг асосий сабаби. Инсон доимо изланишда. Энг аввало, у ўзининг кимлигини билгиси, инсоний табиати билан уйғунликда яшагиси келади. Инсоннинг ўзини англаши ибтидосида ва асосида маънавият туради. Маъ-

навиятнинг ўзи эса инсоннинг пода бўлиб яшашдан онгли уруғ-жамоа бўлиб яшашга ўтиши жараёнида, яъни ижтимоийлашуви жараёнида шакллана бошлаган. Неандерталь одам ўзини табиатдан, ҳайвонот олаmidан ажратиб англаши ва илк уруғ жамоада муносабатларини тартибга солиши жараёнида маънавиятнинг илк куртакларини вужудга келтирди. Бу ҳақда биз уларнинг маросимий унсурлари яққол кўриниб турган дафн қолдиқлари орқали биламиз. Антропология фанининг сўнгги тадқиқотлари ҳозирги замон одами (кроманьон одами) неандерталларнинг бевосита авлоди эмаслигини, неандерталь генлари замонавий инсонда фақат беш фоизни ташкил этишини кўрсатмоқда. Неандерталь одам *homo sapiens* (ақлли одам) дейилади. Кроманьон одами (замонавий инсонларнинг илк аجدодлари) эса *homo sapiens sapiens* (ақлли-ақлли одам ёки икки қарра ақлли одам) дейилади. Кроманьон неандерталларни ва сақланиб қолган бошқа қадимги одам хилларини аста-секин сиқиб чиқарган, қисман ассимиляциялаштирган. Кроманьон одамида маънавият унсурлари неандерталларга¹ нисбатан янада кўпроқ бўлган, деб фараз қилиш мумкин.

Тахмин қилиш мумкинки, кроманьон одам яратган маданият бевосита неандерталь одам маданияти эмас, лекин ундан анча-мунча унсурларни олган. Чунки неандерталь одам Европанинг совуқ иклимида, оғир шароитда яшаган ва турмуш тарзида, кўникмаларида, маданиятида мазкур шароитда фойдали бўлган унсурларни яратган.

Рус қадимшуноси П. И. Борисковский «Инсониятнинг энг қадимги ўтмиши»² китобида маросимлар 400 минг йил илгари пайдо бўлган дейди. Фарб олимларидан Ж. Кларк маросимлар ёшини неандерталь ва «родезиялик» одам билан боғлайди ва 200–150 минг йилга тенглаштиради.³

¹ Қулайлик учун неандерталлардан ташқари Осиё ва Африкада сақланиб қолган қадимги одамнинг барча хилларини шартли равишда умумийлаштириб неандерталлар деб аташ маъқул.

² П.И. Борисковский. Древнейшее прошлое человечества. 2 изд. – М.: 1980.

³ Дж. Кларк. Доисторическая Африка. – М.: 1977.

Илк маросимчилик 400 минг ёки 200 минг йил илгари пайдо бўлганми, деган масала устида баҳс юритиш шарт эмас. Биз учун энг муҳими – инсон ўз биологик, ҳайвоний табиатидан асл инсоний табиатига ўтиш жараёнида маънавийлик унсурларини ўзлаштира бошлагани ва, оқибатда, янги тош даврида нисбатан мувозанатга келтирилган мураккаб тизимга эга маънавийятни яратганидир.

Дадил айтиш мумкинки, неандерталь одамларда диний-маънавий ҳаёт унсурлари фақат дафн маросимлари билангина чекланмаган. Улар ҳаттоки фалакиёт ҳодисаларига, юлдузлар туркумларига, алоҳида юлдузларга ном берганлар. Исбот учун шундай мисол келтириш ўринлидир: ўзбеклар Етти оғайни, Етти қароқчи деб номлайдиган юлдузлар туркуми бор. Европанинг кўп халқлари уларни Катта она айиқ, Кичик айиқ деб аташади. Жаҳоннинг бошқа айрим халқлари ҳам уларга нисбатан «айиқ» номини қўллайди. Қадимги юнонларнинг фалакиёт асотирларида бу бир неча вариантда шундай тушунтирилади. Она айиқ – Зевснинг маҳбубаси Каллисто, Кичик айиқ – унинг ўғли Аркос. Зевс хотини Геранинг рашкидан кўрқиб, Каллистони айиққа айлантириб қўяди (бошқа бир вариантда уни айиққа Гера айлантиради, яна бирида эса Артемида). Аркос ов қилиб юрганда айиқ киёфасидаги онасига дуч келади ва танимасдан ўк-ёйдан отмоқчи бўлади. Зевс ўғли Аркос беихтиёр онасининг қотилига айланиб қолмаслиги учун уни ҳам айиққа айлантиради ва ҳар иккисини думидан ушлаб осмонга отиб юборади (осмон айиқларининг думи узунлиги шундан).

Америка ҳиндуларининг маданияти ва тилини, этнографиясини ўрганган олимлар баъзи бир ҳинду қабилалари тилида бу юлдуз туркумларини «айиқ» деб аталишини аниқлаганлар, аммо эътибор беришмаган. Европаликларнинг таъсири бўлса керак, деб қўя қолишган. Лекин компьютерлар анча ривожланган XX асрнинг 70-йилларида тилнинг келиб чиқиши ва атамалар шаклланиши билан кизиқиб юрган олимлар бу ўхшашликка жиддий ёндашиб, астрономларга мурожаат қилишган: мазкур юлдуз туркумларининг компьютерда бир неча ўнминг йиллар бурунги осмондаги жойлашуви, координатлари аниқланса, айиқни эслатадиган ҳолат келиб чиқмайдими?

Айтиш лозимки, осмондаги барча жисмлар, жумладан, юлдузлар ҳам доимий ҳаракатда. Фақат юлдузлар биздан жуда узоқ жойлашгани учун уларнинг бир-икки аср, ҳатто минг йиллар давомидаги ҳолати ўзгармасдек туюлади. Аслида аксарият юлдузларнинг ҳаракат тезлиги ва координат чизиклари фанга яхши маълум. Астрономлар Катта она айиқ ва Кичик айиқ юлдузларининг тезлиги, ҳаракат чизигини компьютерларга солиб ортга айлантирсалар, ҳақиқатан бундан 200 минг йилдан то 60 минг йилгача илгари улар осмонда айиқни эслатадиган ҳолатда экан. Шу боис турли динларга, турли маданиятларга оид, бир-биридан ниҳоятда йироқ ва ўзаро алоқа қилмаган халқларда, агар архаик атама сақлаб қолинган бўлса, бу туркумлар ҳозиргача «айиқ» деб аталади. Ваҳоланки, уларнинг ҳозирги кўриниши айиқни мутлақо эслатмайди. Демак, бу туркумларга номни шимолий яримшарда яшаган қадимги одам, балки неандерталь одам берган. Неандерталь одамда фалакиёт асотирилари ёки шунга ўхшаш тасаввурлар бўлган. Фалакиёт тўғрисида қарашлар вужудга келган жойда, албатта, ундан олдин кундалик маиший турмуш, жонсиз табиат ва уни бевосита ўраб турган ҳайвонот ва ўсимликлар дунёсига нисбатан қарашларини ифодаловчи ривоятлар, афсоналар, эртақлар, асотириллар шаклланади. Булар ҳаммаси маънавият унсурларидир.

Одамлар ёввойилиқдан онгли турмуш кечиришга ўтиши, подани уруғ-жамоага айланиб, жамият пайдо бўлиши жараёнида ўз муносабатларини аста-секин тартибга сола бошлаганлар. Дастлаб оналар ва болалар, оталар ва қизлар, акалар ва сингиллар ўртасидаги жинсий алоқалар тақиқланган, сўнг бошқа тақиқлар ва мажбуриятлар пайдо бўлиб, яхлит синкретик онг доирасидаги ахлоқий, диний қарашларда ва урф-одатларда тизимлашган. Табиатга муносабат ҳам тизимлашиб борган. Натижада, илк ибтидоий хулқ-атвор меъёрлари, маросимлар, илк диний тасаввурлар вужудга келган. Улар авлоддан-авлодга ўтиб, бойиб, такомиллашиб, мураккаблашиб борган.

«Ҳаёт нима, тирик жон қаерда жойлашган?», «Киши ўлганидан кейин жони қаёққа кетади?» каби саволлар инсон онги ўсган сайин пайдо бўлаверган. Қадимги одам, балки кроманьон одам, жоннинг манбаи – рух, қалб де-

ган хулосага келган: инсон юраги билан эмас, балки калби билан ҳайвондан фарқ қилади. Шундан буён инсон рухнинг сир-асрори, воқелиги тўғрисида мулоҳаза юритади, ўй ўйлайди. Булар унинг ақлий, ижодий фаолияти натижаларида акс этади: асотирларда, динда, фалсафада, одоб-ахлоқида, санъатда ва ҳ.к.

Ибтидоий синкретизм. Лекин ибтидоий одамнинг табиат ва инсон ҳақидаги билимлари, тасаввурлари, қарашлари то уруғ-қабилла муносабатлари парчаланиб, бронза ва темир даврида илк шаҳарлар ва давлат пайдо бўлгунга қадар анча қашшоқ эди. Унинг онги ва маънавий фаолияти чегараланган, алоҳида соҳаларга, йўналишларга, мустақил шаклларга бўлинмаган эди. Бундай ҳолат фанда ибтидоий синкретизм (яхлитлик, муштараклик) дейилади. *Ибтидоий синкретизм, бу – одамлар онгида ахлоқнинг, илм-фаннинг, санъатнинг, диннинг ва маънавий фаолият бошқа шакллариининг қуртак отиб ривожлана бошлаган, аммо ҳали бир-биридан ажралмаган ҳолатидир.* Ибтидоий синкретизм унсурлари бизгача етиб келган қадимги эртақлар, асотирлар, афсоналар, ривоятлар қолдиқларида анча ўзгарган кўринишда сақланиб қолган.

Масалан, ўзбекларда шундай эртақ бор: илон Сулаймон пайғамбарга бир хизмат кўрсатади. Пайғамбар эвазига илоннинг ҳар қандай илтимосини бажаришга ваъда беради (аслида эртаққа айланган архаик асотирда пайғамбар эмас, балки худолардан бири бўлган). Шунда илон ўзига дунёдаги энг гўшти ширин махлукни хўрак сифатида белгилаб қўйишни сўрайди. Пайғамбар, ваъдага биноан, энг гўшти ширин махлукни аниқлашда илонга ёрдам беришни пашшага топширади. Пашша барча жониворлардан бир томчидан қон келтириб илоннинг тилига томиза бошлайди. Навбатдаги жонзотдан қон келтираётган пашшага йўлда қалдирғоч учрайди ва ундан кимнинг қони энг ширинлигини аниқладингми, деб сўрайди. Пашша жавобан, одамзоднинг қонидан ширинроғи йўқ эканини, ҳозир одам қони томчисини илонга олиб кетаётганини айтади. Шунда қалдирғоч пашшани йўлдан қайтаришга ҳаракат қилади. Аммо пашша қалдирғочга қулоқ солмасдан, илон томон учиб кетади. Қалдирғоч пашшани қувиб, у илон тилига энди қонни томизаётган пайтда етиб олади ва илон-

нинг тилини чўқиб, унинг учини иккига айириб юборади. Аммо ўгирилиб қочмоқчи бўлган қалдирғоч думининг учини илон тишлаб олади. Натижада, илоннинг тили, қалдирғочнинг думи айри бўлиб қолади. Шундан буён илон қалдирғочни таъқиб қилади, қалдирғоч эса одамларга яқин, ҳатто улар яшайдиган уйларнинг ичкари шифтига уя куради. Инсон қалдирғочни доимо ҳимоя қилади.

Эртакнинг (асотирнинг) кисқача мазмуни шундай. Лекин маънавий мазмуни жуда теран. Унда, *биринчидан*, ибтидоий одамнинг илк зоологик кузатишлари, билимлари мустаҳкамланган. Ҳақиқатан, қушлар орасида қалдирғочдан бошқа бирортасининг думи айри эмас (чумчук, мусича, кабутар, кумри, худхуд, тўрғай, тўти, майна ва бошқа қушларни эсланг). Худди шундай ҳайвонот оламида тили айри махлуқлар ниҳоятда кам (улар асосан судралиб юрувчилардир). Ибтидоий одам бундай ўхшашликни бир-бирига боғлаган ва асотирда бирлаштириб ва ўзича тушунтиришга ҳаракат қилган.

Иккинчидан, келтирилган парчада инсон табиатдаги энг улуғ, энг эъзозли жонзот, у ҳеч бир махлуққа ем бўлиши мумкин эмас, деган ғоя илгари сурилган. Бу ғоя ибтидоий одамнинг табиатдаги ўз ўрнини англаши, ўзини табиатнинг эгаси, деб билишини акс эттиради. Табиатдаги ҳар бир жонивор, қалдирғоч каби, инсонга хизмат қилиши лозимлигини ифодалайди.

Учинчидан, асотирда ҳақиқатнинг нисбий эканлиги, агар у инсонга зарар етказса, аксилинсоний бўлса, ундан воз кечиш кераклиги ифодаланган.

Тўртинчидан, яхшиликка яхшилик билан жавоб қайтариш, яхшиликни унутмаслик тарғиб этилган (инсоннинг қалдирғочга муносабати, уйи шифтидан жой бериши).

Бешинчидан, ибтидоий одамнинг маълум диний ва дунёвий тасаввурлари, эътиқоди асотирда акс этган.

Олтинчидан, бу эртак (асотир)нинг ўзи фольклорнинг, халқ оғзаки бадиий ижодиётининг гўзал бир намунасидир. Унда ибтидоий одамнинг бадиий диди, қарашлари аксини топган.

Бу асотир яратилаётган пайтда ахлоқий, диний, фалсафий таълимотлар тизими, табиатшунослик фани, ихти-

сослашган санъат турлари бўлмаган. Шу боис бир асотир диний, фалсафий, ахлоқий, табиатшунослик билимларининг унсурларини ўзида мужассам этган. Ижтимоий амалиёт кенгайиб, одамларнинг тажрибаси ва меҳнат кўникмалари ошган сайин, уларнинг ахлоқий, диний тасаввурлари янги тамойиллар, меъёрлар билан, табиат ва инсон ҳақида тўпланган билимлар билан бойиб бораверган. Лекин улар ибтидоий жамиятда асрлар давомида яхлит, синкретик тарзда ифодаланган.

Маънавиятнинг вужудга келишига оид турлича қарашлар. Маънавиятнинг вужудга келиши тўғрисида турли назариялар мавжуд. Улар асосан инсон онги, тафаккури, эътиқоди, келиб чиқиши билан боғлиқ назариялардир. Биз уларни маънавиятга нисбатан қўллаймиз. Улардан кенг тарқалганларидан бири меҳнат назариясидир. Унга мувофиқ, одамлар ишлаб чиқаришнинг янги турларини, янги меҳнат курулларини ва усулларини кашф этиши жараёнида билимлари, кўникмалари ривожланган, маҳсулотлар алмашуви ва бошқа моддий, ижтимоий алоқалари хилма-хиллашган ва мураккаблашган. Булар, ўз навбатида, янги тартиб-қоидалар, ахлоқий, иқтисодий, ҳуқуқий, диний ва шахслараро меъёрларга эҳтиёж туғдирган.

Маънавиятнинг келиб чиқишини диний қарашлар бевосита Яратганнинг иродаси билан боғлайди. Оллоҳ гўёки инсонни онги, ахлоқи ва ш.к. қарашлари, имон-эътиқоди билан яратган. У баъзан адашиб, гуноҳ ишларга қўл урсата, Яратган унинг қалбига аслида тўғри имон-эътиқодни солган ёки тўғри йўл кўрсатиш учун пайғамбар жўнатган. Инсон ўз қалбига, кўнглига кулоқ тутиши лозим. Суфиёна (тасаввуфий) қарашларда бутун моддий ва маънавий олам Оллоҳнинг тажаллиси (эманацияси), ўзгача шаклдаги инъикосидир. Бинобарин, асл маънавият илоҳий мазмунга эга, у Парвардигор иродасига мос келади. Маънавиятнинг келиб чиқишини бошқа турли-туман назариялар нуқтаи назардан ҳам ўрганиш мумкин. Масалан, позитивизм (неопозитивизм) маънавиятни одамларнинг ўзаро келишуви билан боғлайди, конвенционал ҳодиса, деб ҳисоблайди. Позитивистлар қарашларини қуйидагича ифодалаш мумкин: бирор қоида ёки меъёр кўпчиликка маъқул келсагина, одам-

лар унга риоя этиш тўғрисида келишсагина, шаклланади, яшаб қолади ва ривожланади. Барча меъёрлар, баҳолар, конунлар, қоидалар асосида одамларнинг ўзаро келишуви ётади. Агар одамлар бу қоида ва меъёрларга риоя этмасалар, улардан ҳеч қандай фойда бўлмайди.

Бошқа назариялар тўғрисида кейинги ўринларда айтиб ўтамыз.

XIX асрнинг забардаст олимларидан бири америкалик Л.Морган инсоният тарихини уч даврга бўлади: ёввойилик, варварлик ва цивилизация. Аслида бундай учга бўлиш гоёси шотландиялик файласуф Адам Фергюссонга бориб тақалади. Фергюссон 1768 йилда олга сурган таснифи асосига хўжалик юритиш усули ва мулкый муносабатлар ривожланиш даражасини қўйган. Унинг қарашлари француз маърифатпарварлари, айниқса, Антуан Кондорсе томонидан ривожлантирилади. 1836 йилда даниялик олим Кристиан Юргенсен археологик материаллар асосида инсоният тарихида уч асрни – тош асри, бронза асри ва темир асрни ажратиш гоёсини ўртага ташлади. Албатта, ушбу «асрлар»нинг хронологик давоми шартли эди.

Инсон ёввойилик, варварлик ва цивилизация даврларини бошдан кечирганлиги тўғрисидаги концепция кўплаб олимлар томонидан қабул қилинади ва ривожлантирилади. Улар орасида биринчи галда инглиз этнографи Э. Б. Тайлор номини эслаш жоиз. Аммо америкалик Люис Морган мазкур концепцияни ҳар томонлама ривожлантирди ва илмий далиллади. Шу сабабдан концепция кўпроқ унинг номи билан боғланади.

Морган ўзининг «Қадимги жамият» асарида бу уч даврнинг ҳар бирини алоҳида босқичларга бўлади. Ҳар бир даврни моддий ишлаб чиқариш ривожланиши, алоҳида йирик ихтиролар тарихи билан боғлаб таҳлил этади. У ибтидоий оила ривожланиши босқичларини ажратиб кўрсатади.¹ Морган фикрларига, айрим хулосаларига кейинчалик фан анча аниқликлар киритди. Баъзиларини қайта кўриб чиқди. Лекин унинг асари конкрет далилларга, материалларга бойлиги учун бугунги кунгача аҳамиятини

¹ Л. Морган. Древнее общество. – Л.: 1934.

йўқотгани йўк. У таклиф қилган даврлаштириш, камчиликларидан қатъи назар, ҳозир ҳам қўлланилиши мумкин. Уз замонасида эса анча ижобий роль ўйнаган Морган қарашлари меҳнат назариясига оид қарашлардир.

Ёввойилик даврида инсон пода бўлиб яшаган, ўзаро муносабатларини биологик қоидалар асосида онгсиз, стихияли қурган. Варварлик даврида уруғ, жамоа-уруғ, қабилаларга уюшган, турмуши анча онгли кечган, маънавийти шаклланиб, сезиларли ривожланган, ўзаро муносабатлар қатъий қоидалар, урф-одатлар орқали тартибга солинган. Ва, ниҳоят, цивилизация даврида ақлий меҳнат жисмоний меҳнатдан ажралиб чиққан ва махсус маънавий фаолиятга айланган. Ахлоқ, дин ҳамда давлат билан бирга туғилган ҳуқуқ меъёрлари (қонунлар) одамларнинг ўзаро муносабатларини, ижтимоий ҳаётини каттиқ тартибга солган, назорат қилган.

Таъкидлаш жоизки, бу уч давр ўртасида аниқ чизик ўтказиш мумкин эмас. Айниқса, ёввойилик қачон тугаб, инсон қачон варварликка ўтгани, ҳатто инсон қачон гапира бошлаганини узил-кесил фалон вақтда юз берди, дейиш қийин. Лекин ёввойилик бир неча миллион йил давом этганини, варварлик 250–300 минг йилдан кам бўлмаганини, цивилизация бошланганига бор-йўғи 6 минг йилдан сал ошганини айтиш мумкин. Албатта, Морган таснифи шартли ва тахминий. Неандерталь одамни биз *homo sapiens* – ақлли инсон тоифасига киритамиз. Аммо варварлик деганда кўз олдимизга неандерталь одам эмас, кроманьон одам, яъни қиёфаси замонавий бўлган, биздан фарқ қилмайдиган, кучли қабилаларга уюшган, кўчманчи, яримўтроқ ва ўтроқ ҳаёт кечирадиган, аммо ҳали ўз давлатини тузмаган янги тош асри одами келади. Бу, балки, бизнинг ўтмишни психологик қабул қилишимизнинг, неандерталь одамлар жамоаси ичидаги ва турли жамоалар ўртасидаги муносабатларни, турмушнинг ташкил этилишини, ўша пайтдаги воқеаларни, жамият тарихини аниқ билмаслигимизнинг натижасидир. Шу боис маънавий шаклланишини ҳаммага маъқул тарихий даврларга бўлиш қийин. Аммо ёзма адабиёт, илм-фан вужудга келиб, маънавий цивилизация доирасида ривожлана бошлагандан кейинги жараёни анча батафсил ёритиш мумкин.

Ибтидоий одамларнинг табиат берган тайёр маҳсулотларни йиғиб истеъмол қилишдан уларни ўзлари ишлаб чиқаришга ўтиши, ўрта юқори палеолитдан бошлаб янги тош асри (неолит)га қараб ривожланиши давомида айрим ҳайвонларни хонакилаштириши, баъзи ўсимликларни экиб, ўстира бошлаши уларнинг билими, тафаккури, онги ривожланишини тезлаштирган. Уларда чорвачилик ва деҳқончиликка оид илк билимлар, янги меҳнат куруллари пайдо бўлган, эскилари такомиллашган. Тошни шунчаки кўпол йўниш ўрнига, унга сайқал бериш усуллари топилган. Ижтимоий турмуш ривожланиши тезлаша бошлаган. Ниҳоят, янги тош асри даврида меҳнатнинг биринчи тарихий тақсимоти юз берган: деҳқончилик ва чорвачилик бир-биридан ажралиб чиққан.

Меҳнатнинг тарихий тақсимотлари ва маънавият ривожланиши. Мазкур ҳодиса инсоният ҳаётида, маънавият ривожланишида жуда катта тарихий аҳамиятга эга. Чунки у, биринчидан, инсоннинг ижобий билимлари доирасини ниҳоятда кенгайтириб юборди, иккинчидан, ижодкорлигини, изланишларини кескин рағбатлантирди, учинчидан, табиат ва жамият билан ҳамда одамлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар мазмуни ва шаклини бойитди. Булар, ўз навбатида, ибтидоий диний, ахлоқий ва бошқа ижтимоий ғояларни ривожлантирди. Қисқаси, меҳнатнинг биринчи тарихий тақсимоти маънавиятни янги унсурлар билан бойитди, узил-кесил бир тизимга келишини тезлаштирди. Меҳнатнинг иккинчи тақсимоти – ҳунармандчиликнинг деҳқончиликдан ажралиб чиқиши ибтидоий жамият маънавиятини янги босқичга кўтарди, янги билимлар ва меъёрлар, қоидалар пайдо бўлишини тезлаштирди.

Уруғ-жамоа маънавияти тилсим (магия), фетиш, табу, анимизмга асосланган. Ибтидоий онг ривожланиши жараёнида анимизм – табиатни жонлаштириш ривожланиб, ранг-баранглашиб, иерархиялашган. Аста-секин ҳар бир табиат ҳодисасига оид алоҳида руҳлар, ғайритабиий кучлар тизими вужудга келган. Охир-оқибатда бу политеистик (кўпхудочилиқ) қарашлар ва динлар вужудга келишига сабаб бўлган. Мифология (асотирлар) ибтидоий инсоннинг синкретик психологияси ва конкрет-образли

тафаккурининг маҳсули ва негизидир. Дастлаб инсон теварак-атрофини ўраб турадиган, у ҳар куни дуч келадиган нарса ва ҳодисалар тўғрисида турли асотирлар тўқиган (илон ва қалдирғоч ҳақидагига ўхшаган). Бундай асотирлар куйи ёки тубан асотирлар дейилади. Коинот, олам (осмон, юлдузлар ва ҳ.к.) ҳақидагилар эса юксак ёки фалакиёт асотирлари дейилади. Уруғ-жамоалар қабилаларга бирлашуви, қабилалар ўзаро уюшиб, бирлаша бошлаши ибтидоий маънавият ривожланишини яна янги босқичга кўтарди. Аждодлар руҳига сиғиниш, уларнинг баъзи машҳурлари хотирасини муқаддаслаштириш, илоҳийлаштириш ҳоллари юз берди. Анимизм асосида, юқорида айтилганидек, аста-секин политеистик динлар пайдо бўлди. Асотирлар мавзуси ва жанрлари хилма-хиллик касб этди. Айнан ушбу даврда фалакиёт асотирлари ривожланиши авж олди. Қабилалар ва қабилалар бирлашмалари ўртасида яйловлар, серунум ерлар, дарёлар, кўллар учун ўзаро кураш, тўқнашувлар, урушлар бўлиб турган. Бу қахрамонлик эпослари (достонлари) вужудга келиши учун замин яратган.

Аждодларимизнинг буюк мероси «Авесто»да чорвачилик ва деҳқончилик билан боғлиқ кўплаб илк маънавий-ахлоқий меъёрлар бироз ўзгарган ҳолда сақланиб қолган ва бизгача етиб келган. Фараз қилиш мумкинки, «Авесто» яратилганига салкам 3 минг йил бўлган бўлса-да, унга 10–12 минг йил илгари вужудга келган баъзи бир унсурлар ва табиат ҳодисалари (масалан, муз даврининг охиридаги иқлимий ўзгаришлар) ҳам кириб қолган. Ушбу маънода қадимги асотирлар, жумладан, «Авесто» асотирлари маънавият вужудга келиши ва ривожланиши тўғрисида анча бой материал беради.

Чорвачилик билан шуғулланадиган уруғ-жамоаларда молларни боқиш, уларнинг маҳсулотлари – сут, қатик, ёғ, гўшт, жун, тери кабиларни қайта ишлаш, озиқ-овқатга, истеъмол буюмига айлантириш, молларни урчитиш, кўпайтириш, турли хавф-хатарлардан, касалликлардан, йиртқич ҳайвонлардан асрашга оид билимлар ва тажриба узлуксиз бойиган. Бундан ташқари, чорва молларига нисбатан муайян диний-ахлоқий муносабатлар қарор топган. Чунки молларни сўйиш (жонидан жудо қилиш),

маҳсулотлардан фойдаланиш учун ибтидоий одам табиатни бошқарадиган кучлардан, руҳлардан, худолардан рухсат олиши, уларнинг билиб-билмай ғазабини келтирмаслиги керак эди. Ибтидоий одам ҳали овчилик билан шуғулланган пайтларида ҳосил бўлган бу тасаввурлар чорвадорларда янада ривожланган.

Чорвачилик боис ибтидоий одам янги минтақаларни ўзлаштирди. Одамларнинг яшаш доираси кенгайди. Молини боқиб, бир яйловдан бошқасига кўчганда, адашиб кетмаслик, яна эски жойига қайтиб келиш йўлини эслаб қолиш учун ибтидоий чорвадор юлдузларга қараб йўл топишни ўрганди. Осмон билан ўзига хос мулоқот қилди. Осмон жисмлари, юлдузлар, юлдуз туркумларига ном берди. Улар ҳақида турли-туман асотирлар тўкиди; уларнинг пайдо бўлиши, жойлашиши, ўзаро «муносабатларини», «алоқаларини» тушунтиришга ҳаракат қилди. Кўп ҳолларда инсонлар ҳаётида тарқалган қоидалар, меъёрлар, тартиблар осмон жисмлари алоқаларига кўчирилди. Шундай қилиб, илк астрономик кузатишларни, билимларни, фалсафий-ахлоқий меъёрларни акс эттирувчи фалакиёт асотирлари пайдо бўлди.

Дехқончилик ибтидоий одам билимлари ва дунёқараши бойишига чорвачиликка нисбатан кўпроқ ва кучлироқ таъсир кўрсатган. Дехқонлар ўсимликлар турларини, уларнинг хусусиятларини, ўсиш, гулга кириш, пишиш даврларини, ҳар бир ўсимлик учун маъқул ва номаъқул иқлим, сув ва тупроқ шароитини, ўсимликка ишлов бериш, бегона ўтларга қарши курашиш, алмашлаб экиш, ерни ўлчаш, текислаш, ариқ чиқариш каби тадбирларга эҳтиёж сизди. Буларнинг ҳеч бири инстинктив қилинадиган ишлар эмас, улар онгли ва тизимли билимларни, укув ва тажрибани талаб қилади.

Дехқончилик йил фаслларини ўрганишни, табиатдаги сув, ҳаво, ҳарорат, ёғингарчилик айланишини, дехқончиликка қулай мавсумларни аниқлаш заруратини туғдирди. Дехқон ҳам кўкка боқди. Юлдузлар ҳаракатини, қайси мавсумда, қайси фаслда қаерда жойлашишини эслаб қолишга уринди. Чорвадор юлдузга кўпроқ йўлдан адашмаслик мақсадида боқса, дехқон дарёда сув тошқини бошланиши, қачон ёмғир мавсуми келишини, тугашини,

экин учун кулай фурсат етилишини аниқлаш, экинларига иқлим ижобий ёки салбий таъсир кўрсатишини билиш учун мурожаат этди.

У ғайритабиий кучлардан экинни асраш, ҳосилини кўпайтириш илинжида мадад сўради, уларга сиғинди, садақалар килди, дуолар ўқиди. Чорвадорлар ўртасида шакллана бошлаган фалакиёт асотирларини деҳқонлар ҳар томонлама тўлдирди, бойитди. Бу астрономик кузатувларга ҳам, иқлим ходисаларига ҳам, ижтимоий муносабатларнинг «осмонга» кўчирилишига ҳам, самовий жисмларга сиғинишга ҳам тааллуқли.

Агротехник тадбирлар ранг-баранг ва бир-бирига ўхшамас бўлганидан уларни бажариш учун турли-туман меҳнат қуролиларини ўйлаб топишни тақозо этди. Агар бунга қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ҳам янги қуролилар, тегирмонга ўхшаш қурилмалар, дастлабки дастгоҳлар яратишга кескин эҳтиёж туғдирганини кўшсак, деҳқончиликнинг ибтидоий одам онгини, ижодий изланишларини қай даражада тезлаштирганини пайқаймиз. Ҳунармандчилик биринчи навбатда деҳқончилик эҳтиёжларини қондириш заруратидан вужудга келди.

Европа тилларидаги маданият тушунчасининг ўзаги «культура» асли деҳқончиликка оид атамадир. У ерга ишлов беришни ва, айна пайтда, парвариш қилинадиган ўсимликларни, экинларни англатади. Ушбу далилнинг ўзиёқ, деҳқончилик маданият, маънавият ривожланишига қай даражада ҳисса қўшганини кўрсатади. Мавзудан бироз илгарилаб кетиб, эътироф этиш лозимки, нисбатан ривожланган деҳқончилик эҳтиёжлари, хусусан, ирригация (суғориш), иқлимни, мавсумларни аниқ ҳисоб-китоб қилиш, ерни текислаш, режалаштириш, ариқ ва тўғонлар қуриш эҳтиёжлари, темир қуролилар ва аклий меҳнат пайдо бўлганидан кейин қадимги дунё тамаддунини ва математика, геометрия, астрономия, амалий механика фанини вужудга келтирди.

Деҳқончилик ўтроқ турмуш тарзини шакллантирди. Қишлоқлар пайдо бўлди. Қишлоқлар, ўз навбатида, ибтидоий одам маданиятини янада юксалтирди. Биринчидан, меҳнат қуролилари, уй-рўзғор буюмлари ясаш, янгилари-

ни ўйлаб топиш билан айрим кишилар махсус шуғуллана бошлади. Иккинчидан, чорвадорлар ва деҳқонлар ўртасида мол айирбошлаш, алмаштириш, савдо-сотик қарор топди. Учинчидан, ўтроқ турмуш тарзи меҳнатнинг иккинчи тарихий таксимоти – ҳунармандчиликнинг деҳқончиликдан ажралиб чиқишига олиб келди.

Ҳунармандчилик янги билимларни, бажарилиши янада мураккаброқ бўлган укув, кўникмаларни кашф этди. Тупроқнинг, турли тошлар ва маъданларнинг, ёғочнинг элементар табиий (физикавий ва химиявий) хоссалари ўрганилди. Уларга ишлов ва шакл бериш, эритиш, қотишмалар яшаш, қуйиш каби дастлабки жўн технологиялар пайдо бўлди. Кулолчилик анча юксакликка кўтарилди. Ҳунармандчиликнинг энг буюк кашфиёти сув кўтариш учун чархпалакни, унинг асосида ғилдиракни, аравани ихтиро қилишдир. Ғилдирак ва ғилдирак принципи ихтиро қилинмаса, ҳозирги замон техникасининг асосида ётган самолёт парраги, электростанция турбинаси, машина ва тракторлар, транспорт воситалари, бошқа техника воситаларининг айланма ҳаракатга асосланган турли-туман механизмлари (демак, уларнинг ўзлари) вужудга келмас эди.

Қишлоқларнинг ўсиши, нафақат бир жойда истиқомат қилаётган кишилар ўртасида, шунингдек, бошқа қишлоқлар аҳолиси билан ҳам алоқаларни янада бойитди, ранг-баранглаштирди. Ўз навбатида, бу муносабатларни тартибга солиш, қоидалар ёрдамида мустаҳкамлаш заруратини кучайтирди. Натижада, янги моддий-иқтисодий, диний, маиший, ахлоқий меъёрлар, тамойиллар, қоидалар вужудга келди. Ибтидоий одамнинг дунёқараши янада кенгайди, маънавияти бойиди.

Касбларнинг хилма-хиллашуви ҳар бир касбга оид ихтисослашган ижобий, оқилона билимлар ва умуман одамларнинг табиат тўғрисидаги тасаввурлари кенгайиши қаторида ахлоқий, эстетик, диний, фалсафий қарашлар ўсишига ва маросимчилик ривожланишига ҳам хизмат қилди. Ҳар бир касб вакиллари ўзларига ҳомийлик қиладиган маъбудларни, худоларни, руҳларни, пирларни ва бошқа гайритабиий маънавий кучларни ўйлаб топдилар, уларга сиғиниб, шарафларига турли маросимлар уюштирдилар. Ибтидоий жамият ривожланиши жараё-

нида биз диний эътиқоднинг ўзгариб борганини кўрамыз. Фетишизм (алоҳида буюмларга сиғиниш), анимизм (табиатни жонлантириш ва ҳайвонларга сиғиниш), политеизм (кўпхудочилиқ, уларнинг рамзи бўлмиш санамларга сиғиниш) ибтидоий-диний эътиқодларнинг тарихий шакллари ва тараққиёт босқичларидир.

Биз меҳнат ва ибтидоий ишлаб чиқариш билан боғлиқ ҳолда амалий билимларнинг, тажрибанинг ўсиши ҳақида кўпроқ гапирдик. Лекин таъкидлаш лозимки, биринчидан, ҳаётнинг моддий ва маънавий томонлари ҳеч қачон бир-биридан айрича ривожланмаган. Ишлаб чиқариш ва касблар доимо халқ маънавияти, оғзаки ижоди, санъат унсурлари, рақслар ва маросимлар билан биргаликда юксалган. Улар мувозий (параллел) эмас, бир-биридан мустақил эмас, балки айнан биргаликда, бир-бирига таъсир қилиб ривожланган. Табиат ва осмон ҳақидаги, касб хусусиятлари ва сирлари ҳақидаги билимларнинг ўзи, кенгрок олсак – дунёқараш, онг маънавиятнинг таркибига киради. Иккинчидан, янги касблар кўпайган сайин меҳнат тарбиясининг ихтисослашган унсурлари бойиб борган. Одамлар тўпланган билимларини, укув ва кўникмаларини, тажрибасини болаларига, ёш авлодга ўргатган. Тўпланган билимларни, ҳаётда қўлланилаётган иқтисодий, ахлоқий, диний, бадий меъёрларни, тамойилларни, қарашларни умумлаштириш, тартибга келтириш, мустаҳкамлаш эҳтиёжи туғилган. Бу авлодлар ўртасидаги маънавий ворисийликни таъминлашда, ёшларга ва улардан кейин келадиган авлодларга етказишда жуда муҳим аҳамиятга эга эди. Шундай қилиб, ихтисослашган тушунчавий билимлар тизими – фан ва образли билимлар тизими – санъат вужудга келиши учун замин пайдо бўла бошлаган.

Маънавиятнинг вужудга келиши тўғрисида бошқа назариялар. Маънавиятнинг келиб чиқиши, дунёқарашнинг ривожланиши фақат биргина «меҳнат назарияси»га боғланмайди. Санъатнинг, маънавиятнинг баъзи шакллари келиб чиқиши ва ривожланишида меҳнат муҳим ролни ўйнаган бўлса-да, у ягона омил эмас. Онг ва меҳнат биргаликда шаклланган. Онгнинг вужудга келишига ва ривожланишига меҳнат қанчалик ҳисса қўшган

бўлса, меҳнатнинг вужудга келиши ва ривожланишига ҳам онг шунчалик ҳисса қўшган. Чунки меҳнатнинг ўзи шунчаки иш эмас, балки бирор нарсани қайта ишлашга қаратилган онгли, мақсадга мувофиқ ҳаракатдир. Онг йўқ жойда меҳнатнинг ўзи йўқ. Онгнинг маънавиятнинг негизи ва таркибий қисми эканлигини назарда тутсак, маънавият бир вақтнинг ўзида нафақат меҳнатнинг, шунингдек, онгнинг, тафаккурнинг асосида ривожланганини пайқаймиз.

Онг ва нутқ, тил ва тафаккур муштарак ҳодисалардир. Онгсиз нутқ, нутқсиз онг шаклланиши мумкин эмас. Лекин илм-фанда қарор топган қарашларга мувофиқ, одамларнинг дастлабки ўзаро мулоқотлари, фонетик нутқ асосида эмас, балки турли узун-қисқа бақириқ-чақириқлар жўрлигидаги имо-ишоралар ёрдамида амалга оширилган. Ов қилиш, ҳайвонларга пистирма уюштириб, уларни пистирма томон ҳайдаш, ўзини хавф-хатардан, душмандан ҳимоя қилиш мақсадида ҳали «тилсиз», биологик эволюцияси давом этаётган, лекин онгсиз ҳайвондан кескин фарқ қиладиган қадимги одамлар (австралопитекдан неандерталь одами пайдо бўлгунга қадар) пантомима (имо-ишоралар), рақс ёрдамида, яъни санъат унсурлари ёрдамида «сўзлашганлар», жамоавий хатти-ҳаракатларини мувофиқлаштирганлар. Этнограф олимлар ибтидий қабилаларда рақс ёрдамида овдан қайтаётган эркаклар бутун ов жараёнини уруғдошларига «сўзлаб» берганини ёки ов олдидан бир неча эркаклар овда ким қандай ҳаракат қилишини келишиб олишларини батафсил ёзиб қолдирганлар.

Ибтидий рақслар асосан пластик тасвир унсурларидан иборат. Уларда ов (ишлаб чиқариш), меҳнат жараёни, жанговар хатти-ҳаракатлар, ўзини ҳимоя қилиш, овга (душманга) ҳамла қилиш, яккама-якка олишиш ва ш.к.лар пантомима орқали тасвирланади. Олимлар рақс ёш авлодга ов ва меҳнат қилишни, жанг қилишни ўргатишнинг илк шакли, деб ҳисоблайдилар. Шу сабабдан Ғарб илм-фанида маънавий маданият вужудга келишининг нафақат «меҳнат назарияси», шунингдек, «ўйин назарияси» (Й. Хейзинга, Х. Ортега-и-Гассет, Е. Финк) мавжуд. Тўғри, эътироф этиш лозимки, Ғарб илм-фанида сўз

асосан маънавиятнинг вужудга келиши ҳақида эмас, балки маданиятнинг келиб чиқиши, инсон онги ва психологиясининг ривожланиши ҳақида боради. Й. Хейзинга «Homo ludens» («Ўйнаётган одам») асарида ёзган: «Маданият, тирик жон онаси танасидан ажралиб чиқишига ўхшаб, ўйиндан ажралиб чикмайди, у ўйин ичида ва ўйин сифатида ривожланади. Бутун маданий ижодкорлик ўйиндир: шеърият ҳам, мусиқа ҳам, инсон фикри ҳам, ахлоқ ҳам ва маданиятнинг бошқа мумкин бўлган шакллари ҳам»¹.

Улардан ташқари турли биопсихологик, биологик (яшаш учун кураш, бошқа жинс вакилини ўзига жалб қилиш, унга «ёқиш», насл қолдириш, кўпайиш истаги, майли ва ҳ.к.) – бихевиоризм, социал-дарвинизм билан, турли диний таълимотлар билан боғлиқ назариялар бор. Уларда баъзан жуда жиддий, теран ва қизиқ кузатишлар, мисоллар, далиллар, фикрлар, мулоҳазалар учраса-да, моҳиятан улар вулгар материалистик, ноилмий қарашлардир. Баъзи бир йирик олимларнинг жамият тўғрисида ўзига хос назариялари бор. Улар асарларида маънавиятнинг вужудга келиши ҳақида махсус тўхталмаса-да, масалани улар яратган концепциялар нуқтаи назаридан талқин қилиш мумкин. Бир-биридан кескин фарқ қиладиган турли қарашларнинг кўплиги маънавиятнинг вужудга келиши ва ривожланиши ниҳоятда мураккаб масала эканлигини кўрсатади.

Ҳозирча шундай хулоса қилиш мумкин: маънавият вужудга келиши жуда узоқ давом этган тарихий жараёндир. Унга кўплаб табиий ва ижтимоий омиллар таъсир кўрсатган. *Маънавиятнинг вужудга келиш ва дастлабки ривожланиш босқичлари ибтидоий одамнинг ижтимоийлашуви, оламни билиш, ўзлигини англаш, ишлаб чиқаришда эришган ютуқлари билан узвий боғлиқ.*

Ибтидоий синкретизмнинг парчаланиши. Ижтимоий амалиётнинг ривожланиши, турли ихтисослашган билимлар, тасаввурлар, меъёрлар, баҳолар, тамойилларнинг муттасил кўпайиб бориши ибтидоий синкретик онг доирасига сиғмай қолган. Натижада, ижтимоий онг ва маънавий

¹ Й.Хейзинга. Homo ludens. В тени завтрашнего дня. – М.: 1992 // «Самосознание европейской культуры XX века». – М.: 1991, 17-б.

амалиётнинг нисбатан мустақил, алоҳидалашган шакллари қарор топиши учун шарт-шароит пишиб етила бошлаган.

Ишлаб чиқариш воситаларининг такомиллашиши туфайли меҳнат унумдорлигининг анча ошиши бевосита жисмоний меҳнатдан кишиларнинг бир қисмини озод этиб, улар зиммасига қишлоқ ҳаётини бошқариш, ишлаб чиқаришни, савдо-сотикни, одамлар ҳаётининг хавфсизлигини ташкил этиш ва ҳимоя қилиш билан шуғулланиш вазифасини юклаш учун шароит яратган. Бундан ташқари, ёшларга касб ўргатиш, касалларни даволаш ёки жамоани бошқариш, одамлар ўртасидаги турли иқтисодий, маиший муносабатларни, диний маросимларни, асотирлар, афсоналарни тартибга солиш, уруғ ва қабила «тарихини», эътиқоди ва ривоятларини, қўшиқларини ёшларга ўргатиш, катталарга тез-тез эсла-тиб туриш вазифалари билан ҳам бундай ишларга уқуви бор кишиларни машғул қилиш имконини берган. Натижада, ақлий меҳнатнинг жисмоний меҳнатдан ажралиб чиқиши учун замин яратилган. Бу жараён бирданига содир бўлиб қолгани йўқ. Ақлий меҳнатнинг жисмоний меҳнатдан ажралиб чиқиши асрлар давомида чўзилган ва узил-кесил бронза ва темир қурооллар нисбатан кенг қўлланила бошлагач юз берган.

Янги сермахсул қуроолларга ўтиш меҳнатнинг янги тарихий тақсимотини келтириб чиқарди ва ибтидоий синкретизмни парчалаб юборди. Айнан шу даврда илк шаҳарлар, давлатлар вужудга келди. Тош қуроолларидан бронза ва темир қуроолларига ўтиш, шаҳар-давлатларнинг пайдо бўлиши, ақлий ва жисмоний меҳнатнинг бир-биридан ажралиши ижтимоий онгнинг нисбатан мустақил шаклларини ва улар билан боғлиқ маънавий ишлаб чиқариш амалиётини, ёзув ва имлони вужудга келтирди. Ахлоқ, ҳуқуқ, дин, фалсафа, илм-фан, бадий адабиёт ва санъат (унинг алоҳида турлари) ва ўқитувчилар, табиблар, ҳуқуқшунослар, руҳонийлар, файласуфлар, олимлар, санъаткорлар (шоирлар, меъморлар, хайкалтарошлар, мусаввирлар, заргарлар, бастакорлар, хонандалар, раққослар ва ҳ.к.), давлат амалдорлари, судьялар ва жисмоний меҳнат билан шуғулланмайдиган, бевосита моддий неъматлар ишлаб чиқариш билан банд бўлмаган бошқа

касблар пайдо бўлди. Улар ва турли-туман хунармандлар асосан шаҳарларда истиқомат қилдилар.

Шаҳарлар моддий ва маънавий маданият ривожланишининг муҳим манбаига ва омилига айланди. Ўзбек тилидаги маданият тушунчаси арабча «мадинат» – шаҳар тушунчасидан ясалган. Бу шаҳарларнинг маданият юксалишидаги аҳамиятига ота-боболаримиз қандай катта баҳо берганидан далолатдир (арабларнинг ўзларида бошқа атама қўлланилади). Шаҳарлар ва давлатлар қарор топишидан бошлаб инсоният цивилизацияга қадам қўйди. Бу даврдан бошлаб маънавиятнинг ўзига хос мафкуравий ва дунёқараш асосини диний эътиқодлар, муайян диний ва фалсафий таълимотлар ташкил қилган, капитализм (индустриал жамият) қарор топгунга қадар шундай бўлиб қолган.

Маҳсулотлар ҳажми ортиши уни кимлар томонидандир кўпроқ ўзлаштириш, бойлик тўплаш имконини ҳам туғдирди. Аста-секин жамиятда хусусий мулк ва ижтимоий тенгсизлик пайдо бўлди. Ижтимоий гуруҳлар, қатламлар, табақалар, синфлар вужудга келди. Энди урушлар ва тўқнашувлар пайтида асир олинган кишилар кулларга айлантирила бошлади. Турли сабабларга кўра қашшоқланиб, тўқ оилаларга қарам бўлиб қолган кишилар қарзи эвазига фарзандларидан бирини доимий ишлаш учун уларга беришга мажбур бўлди. Шундай қилиб, зимдан асрлар давомида қулдорчилик тузуми юзага келди. Жамиятнинг ижтимоий тузилмаси қарама-қарши синфларга бўлиниб кетди.

Жамиятда янгидан вужудга келган синфларнинг ва ижтимоий табақаларнинг манфаатлари ўзаро мос келмай қолди. Уларни ифодаловчи қарашлар, фикрлар, мафкуралар шаклланди. Энди бир яхлит синкретик онгда, эътиқод ва дунёқарашда қарама-қарши манфаатларни ифодалашнинг иложи қолмади. Бунинг устига, турлича шароитда яшайдиган, моддий таъминоти, тарбия олиш, ўқиш, ўрганиш имкониятлари ҳар хил табақалар, синфлар ва ижтимоий гуруҳларнинг турмуш тарзида, маданияти ва дидадаги фарқлар кучайиб кетгани ҳам ибтидоий синкретизмнинг истиқболини йўққа чиқарди. Шундай қилиб, ибтидоий синкретизмнинг парчаланиш сабаблари иккига

бўлинад: биринчиси – ишлаб чиқариш ривожлангани, ақлий меҳнатнинг жисмоний меҳнатдан ажралиб чиққани ва кўплаб ихтисослашган билимларнинг, янги ижтимоий ва ахлоқий меъёрларнинг вужудга келганидир; иккинчиси – жамият ижтимоий-синфий тузилмасининг ўзгаргани, мулкий ва ижтимоий тенгсизликнинг, уларни оқлайдиган ёки қоралайдиган мафкураларнинг пайдо бўлганидир. Ибтидоий синкретизм мафкуравий-сиёсий, ахлоқий, ҳуқуқий ва умуман дунёқараш жиҳатдан парчаланди. Мавжуд тузумни оқлайдиган ахлоқий, ҳимоя қиладиган сиёсий ва ҳуқуқий қарашлар ҳамда уларни амалга оширадиган сиёсий ташкилот – давлат қарор топди. Маънавият тизими мазмунан ва шаклан хилма-хиллашиб, мураккаблашиб кетди.

Маънавий ҳаётда диний ва сиёсий мафкура таъсирининг кучайиши. Цивилизация шароитида маънавият ривожланишини қадимги антик, ўрта асрлар, Уйғониш даврларидаги диний-фалсафий таълимотлар билан бевосита боғлаб турли босқичларга бўлиш мумкин. Ҳиндуизм, буддизм, даосизм, конфуцийчилик, христианлик, ислом таълимотлари, уларнинг турли йўналишлари ва маҳзаблари, мактаблари асосида ҳатто бир дин доирасида ҳам бир-биридан биров фарқ қиладиган маънавий қарашлар ривожланди. Масалан, ислом доирасида суннийлик ва шиалик, суннийлик доирасида ҳам аҳли сунна ва жамоа (тўрт расмий мазҳабга мансуб кишилар) ва турли фирқаларга, оқимларга, айниқса, ҳозирги диний-экстремистик оқимларга мансуб қарашларни учратамиз. Уларнинг дунёқарашиди, қадриятлар тизимида, ҳаётга, келажакка муносабатида – маънавиятида фарқ бор. Ислом маънавияти ҳақида гап кетганда, албатта, ислом Ренессанси (IX–XI) ва Марказий Осиё учун Амир Темур ва темурийлар даври (XI–XV) алоҳида ўрин тутишини эсдан чиқармаслик керак.

Европада Ренессанс ва Маърифатпарварлик давридан бошлаб маънавият ривожланиши нафақат дин ва диний-фалсафий қарашлар, шунингдек, табиатшунослик ва жамиятшуносликка оид дунёвий билимлар ривожланиши, черковнинг улар томонидан қаттиқ танқид қилиниши ва бошқа омиллар таъсирида кечган. Иж-

тимой тараккиётда чуқур турғунликни бошидан кечираётган Шарқ мамлакатларида бу пайтда биз Европа маърифатпарварлиги каби ходисанинг гувоҳи бўлмаймиз. Аксинча, шарқий давлатлар ич-ичидан емирилиб, майда хонликлар, амирликларга бўлиниши давом этаётган эди. Марказлашган кучли давлатларни сақлаб қолишга интилган баъзи бир ҳукмдорларнинг уринишлари (Ўрта Осиёда Абдуллахон II, Ҳиндистонда Акбаршоҳ, кейинчалик Аврангзеб) ривожланишнинг умумий салбий тенденциясини ўзгартира олмади. Фақат Шарқ мамлакатлари мустамлакачилик исканжасига тушиб қолиб, орадан бир қанча вақт ўтказиб, миллий озодлик курашини бошлаши жараёнида Шарқ маърифатпарварлигининг ўзига хос шакллари юзага келди. Миллий озодлик кураши Шарқ халқлари маънавияти ривожланишида алоҳида босқични ташкил этади. Жумладан, ўзбек халқи маънавияти ривожланишида жадидчилик ҳаракати ҳақида шундай дейиш мумкин.

Дин ва диний-фалсафий таълимотлар то капитализм ва казарма социализмга қадар бўлган катта тарихий даврда маънавият ривожланишида асосий омил бўлган. Шу сабаб муайян халқлар ва тамаддунларнинг турли асрларда юксалиши ёки инқирозга юз тутишини сиёсий ва иқтисодий омиллар қаторида дин ва диний таълимотлардан, улар ўртасидаги курашлардан, жамиятнинг ўз мавжудлик ҳолатига нисбатан қониқиш ёки қониқмаслик муносабатидан излаш лозим. Хулоса қиладиган бўлсак, маънавиятнинг келиб чиқиши ва ривожланиши қуйидаги омиллар: биринчидан, инсоннинг ақли ва ижтимоий мавжудот сифатида шаклланиши, табиатни қайта ишлаб, ўзгартириб кишилик жамиятини яратиши билан; иккинчидан, меҳнат қилиши, ўзаро алоқаларга киришиши, бу алоқаларни тартибга солиш учун турли меъёрлар, қоидалар тизимини яратиб, ўз турмушига жорий қилиши билан; учинчидан, узлуксиз ўсадиган эҳтиёжларини қондириш учун янгиликларга интилиши, ижод қилиши билан; тўртинчидан, ўзи атроф-муҳити, табиат, коинот, келажак тўғрисида мулоҳаза юритиши, моҳиятга, ҳақиқатга интилиши билан; бешинчидан, ўзлигини, ўз қобилиятлари ва салоҳиятини юзага чиқаришга уриниши билан боғлиқ.

4. МАЪНАВИЯТ ВА ЖАМИЯТ ҲАЁТИ

Маданиятни моддий ва маънавий маданиятларга бўлиш илмий анъанадир. Аммо олимлар орасида ижтимоий-сиёсий маданиятни учинчи алоҳида қисм сифатида ажратишни таклиф қилаётганлар бор. Бундай нуқтаи назар маълум даражада жамият ҳаётини алоҳида соҳаларга бўлишга ҳам таъсир кўрсатмоқда. Сиёсат жамият ҳаётининг алоҳида соҳаси ҳисобланади. Масалан, Эрих Фромм жамият ҳаётини маънавият, сиёсат ва иқтисодиётга бўлади. Биз учинчи соҳа сифатида тор мазмундаги сиёсатни эмас, кенгрок ижтимоий-сиёсий соҳани оламиз. Ўз навбатида, сиёсий соҳани икки нисбатан фарқланувчи мустақил соҳаларга – фуқаролик жамиятига (жамоат, нодавлат, ноижорат ташкилотларига, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига) ва ошқора расмий ҳокимиятга, яъни давлат ҳокимияти тузилмаларига бўлиш тарафдорлари бор. Баъзан улар тегишлича ижтимоий-сиёсий соҳа ва ошқора ҳокимият (публичная власть) деб ҳам аталади. Биз жамият ҳаётини уч соҳага бўлиб қараймиз: иқтисодиёт, маънавият ва ижтимоий-сиёсий соҳа.

Жамиятда ўзаро ажралиб турадиган турли соҳалар мавжуд. Масалан, иқтисодиёт, маданият, таълим, соғлиқни сақлаш, илм-фан, ижтимоий таъминот, спорт ва ш.к. Аслини олганда улар халқ хўжалигининг (иқтисодиётнинг) алоҳида зарурий ёки ижтимоий тармоқлари ҳисобланади. Уларнинг фаолият юритиши ва ривожланиши учун тегишли маблағ ажратилади, инвестициялар киритилади. Улар ишлаб чиқаришнинг замонавий жамиятдаги алоҳида турларидир. Масалан, таълим кадрларни, мутахассисларни тайёрлайди (ишлаб чиқаради). Аммо сиёсат ва маънавият (соф маънавият – маънавий онг, ирода, адабиёт ва санъат, урф-одатлар) жамият ҳаётининг шундай соҳаларидирки, улар бевосита халқ хўжалигининг тармоқларини ташкил этмайди. Шу сабабдан кўп ҳолларда ижтимоий-иқтисодий соҳа деган атама кенг тарқалган. Худди шундай ижтимоий-сиёсий соҳа, деган атама ҳам қўлланилади. Бунда тор мазмундаги давлат бошқарув сиёсатидан ташқари, давлатнинг ва жамиятнинг маданий-маиший муносабатлари, таълим, соғлиқни сақлаш, спорт ва ш.к. ҳаёт назарда

тутилади. Таълим, илм-фан, дин, адабиёт ва санъат, ахлоқ маънавият таркибида кўрилгани учун биз фақат сиёсат, иқтисодиётнинг ижтимоий жиҳатлари, урф-одатлар билан чекланамиз.

Сиёсат, биринчи навбатда, бу жамиятни бошқаришдир. Тўғри иқтисодий сиёсат олиб борилса, иқтисодиёт юксалади, нотўғри олиб борилса, таназзулга учрайди. Маънавият, маданият, халқ таълими ва ш.к.га сиёсат ижобий ёки салбий таъсир кўрсатади. Сиёсат, шунингдек, давлат ҳокимияти фаолияти ва сиёсий партияларнинг, гуруҳларнинг, уларнинг етакчиларининг ҳокимият учун курашидир. Давлат идоралари қандай фаолият олиб бориши, сиёсат юритиши, ҳокимият учун курашлар қандай шаклларда, усулларда кечиши, бу курашнинг демократик талабларга, адолатга, қонунийликка, ахлоқийликка мувофиқлиги, номувофиқлиги икки омилга: биринчидан, жамият аъзоларининг онгига, маданий савиясига, ҳуқуқий саводхонлигига, сиёсий фаоллигига, иккинчидан, жамиятдаги маънавий муҳитга, сайлов қонунлари ва демократик тамойиллар устуворлигига боғлиқ. Буларнинг ҳар иккаласи ҳам маънавиятнинг конкрет кўринишларидир.

Иқтисод кенг маънода фақат ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш эмас. У тақсимотдан, истеъмолдан, алмашувдан, ишлаб чиқаришдаги ва кейинги жараёнлардаги одамлар ўртасидаги турли-туман иқтисодий, ижтимоий, ҳуқуқий, ахлоқий муносабатлардан ҳам ташкил топади. Бундай муносабатларга барча жисмоний ва юридик шахслар (хўжалик юритувчи тузилмалар) киришади. Муносабатларнинг яна бир йўналиш тури, бу – мулкдор (корхона эгаси) ва ёлланма ишчи-хизматчилар ўртасидаги муносабатлардир. Барча турдаги, йўналишлардаги муносабатлар улар субъектларининг маънавиятига – дунёқарашига, маданий савиясига, қадриятлар мўлжалига боғлиқ.

Маънавий мавжудот ўлароқ инсоннинг ҳар қандай фаолияти унинг онги, дунёқараши, эътиқоди, қадриятлар мўлжали ва уларнинг юзага чиқиши сифатида талқин қилиниши мумкин. Демак, инсоннинг иқтисодий ва сиёсий фаолияти ўзининг маънавий жиҳатига ва талқинига эга. Юқорида айтилганлар иқтисод, сиёсат ва маънавият ўртасидаги чамбарчас алоқадорликдан далолат беради.

Алоқаларнинг диалектикаси ҳақида қисқача фикр юритсак, куйидагиларни эътироф этиш лозим. Иқтисодиёт турмуш фаровонлиги ва умуман жамият тараққиётининг, шу жумладан, маънавий юксалишининг моддий пойдеворини, моддий негизини ташкил этади. Биринчидан, яхши ривожланган иқтисодиёт таълим, илм-фан, маданият ва маънавиятни яратувчи бошқа соҳаларга етарлича маблағ, моддий ва ижтимоий ресурслар ажрата олади, кадрлар тайёрлайди. Иккинчидан, ҳар қандай тўғри ва жозибадор ғоя иқтисодий жиҳатдан таъминланмаса, ҳаётга татбиқ этилмай қолиб кетади. Сўз билан иш бирлиги юзага келмайди. Натижада, одамлар аста-секин бу ғояга ишонмай кўяди. Ғоянинг обрўйи тўкилади. Учинчидан, иқтисодиёт ривожланиши кўп жиҳатдан янги илмий-технологик ғояларнинг туғилишига ва ишлаб чиқаришга, иқтисодий муносабатларга жорий қилинишига боғлиқ. Бугун ахборот технологиялари ишлаб чиқаришни, савдо-сотикни, умуман, иқтисодий алоқаларни тубдан ўзгартириб юборди. Онлайн режимидаги иқтисодий музокаралар, келишувлар, биржалардаги аҳволни кузатиш, иқтисодий жараёни мониторинг қилиш, электрон шаклдаги шартномалар, ҳисоботлар, интернет орқали керакли буюмни харид қилиш ва ҳ.к. илм-фан (маънавият унсурлари), ахборот технологиялари, улар билан боғлиқ ҳуқуқ, ҳуқуқий маданиятнинг такомиллашуви, одамлар ўртасида ўзаро ишонч ортиши натижасидир.

Иқтисодиёт маънавиятга қандай баракали таъсир кўрсатса, ўз навбатида, маънавият илм-фан ва технологик ютуқлар ҳамда жамиятда қарор топган меҳр-оқибат, ишчанлик ва ўзаро ишонч, ўзаро ёрдам муҳити орқали иқтисодиётга шундай таъсир кўрсатади. Иқтисодий омиллар – тўқлик, фаровонлик одамларнинг кайфиятига, руҳиятига, эртанги кунга ишончига, шукроналигига айланади. Ижтимоий зиддиятлар камаяди ёки анча юмшайди. Кўтаринки руҳият ва ишонч эса маънавият унсурларидир. Бошқача айтганда, тўқлик ва фаровонлик маънавий онгда акс этади. Илмий-техник ғоя, технологик кашфиёт (маънавият унсурлари) иқтисодиётга, ишлаб чиқариш воситасига айланади. Бу, айниқса, катта илмий сиғимли ишлаб чиқариш турларига (атом энергетикасига ўхшаш)

тааллуқли. Одамларнинг кайфияти, эртанги кунга ишончи, маънавий муҳит одамларнинг иқтисодий ташаббусларини, тадбиркорлик ва яратувчиликка интилишини янада кучайтиради, иқтисодий юксалишнинг омилига айланади. Шундай қилиб, иқтисодиёт ва маънавият диалектик бирликни, қарама-қаршиликлар бирлигини ташкил қилади. Биринчи Президентимизнинг маънавият ва иқтисодиётни қушнинг икки қанотига қиёслашида катта маъно бор.

Сиёсат билан маънавият алоқалари тўғрисида ўтган мавзуларда анча гапирилган эди. Аввало таъкидлаш жоизки, назарий сиёсат (сиёсатшунослик) ҳам, амалий сиёсат ҳам аслида жамият маънавиятининг ўзига хос тарзда намоён бўлишидир. Назарий сиёсат ёки сиёсий назариялар – сиёсатшунослик ва ижтимоий-гуманитар таълимотлар, фан сифатида маънавий ҳодиса эканлиги исбот талаб қилмайди. Амалий сиёсат – давлат бошқаруви, ҳокимият учун кураш ва уларга фуқароларнинг муносабати, сайловларда ва ОАВда ўз фикрини билдириши жамиятнинг, юқорида таъкидланганидек, сиёсий-ҳуқуқий ва ахлоқий маданиятига боглик. Улар эса маънавий маданиятнинг таркибий қисмларидир. Давлат сиёсатининг демократик характери, либераллиги маънавий муҳитга, одамларнинг кайфиятига, ўз ҳаётидан қониқиш ҳосил қилишига, ижодий ва бунёдкорлик ташаббусларига ижобий таъсир кўрсатади. Бошқача айтганда, жамият маънавиятининг бир бўлагига, унсурга айланади. Аксинча, давлат сиёсати зўравонликка, қатағонларга ва тоталитаризмга асосланса, одамларни ижтимоий кўрқув қамраб олади, уларнинг ташаббусларини бўғади, эртанги кунга ишончини сусайтиради ва ҳ.к. Бу энди жамият маънавиятининг салбий, емирувчи унсурларига айланади.

Қадимги дунё ва ўрта асрларда маънавиятнинг дин ва диний ташкилотга тобелиги, дин бутун маънавий ҳаётни ташкил этувчи ва назорат қилувчи ижтимоий институтга айлангани тўғрисида гапирилган эди. Айтилганларни такрорлаб ўтирмаймиз. Диннинг бундай институтга айланишининг сабаби нафақат одамларнинг тафаккурида ва жамият мафқурасида диний эътиқоднинг устунлиги билан изоҳланади, шунингдек, аграр жамиятда инженер-техник зиёлилар, бошқарувчи менежер-

лар, иқтисодчилар, илм-фан ва технологиялар яратувчи зиёлилар, ОАВ ва журналистларнинг деярли йўқлиги, бинобарин, иқтисодиётнинг, халқ хўжалигининг ва, умуман, жамият ҳаётининг узвий зарурий қисми даражасига кўтарилмаганидир. Бундан ташқари, аграр жамиятда таълим ва соғлиқни сақлаш тизими, уларда машғул мутахассислар сони анча чегараланган эди. Черков (диний ташкилот) давлатдан ажралмаган, мактаб эса черков тасарруфида бўлган. Ҳаттоки илм-фанни черков ўз хизматкорига айлантиришга уринар эди. Тоталитар жамиятда маънавий сиёсий идеологияга бўйсундирилади. Аграр жамиятда динга, диний ташкилотга, тоталитар жамиятда сиёсий идеологияга мослашишга мажбур бўлган маънавий, шундай қилиб, тобе (карам)-лик касб этади.

Индустриал жамиятда, янги даврда дин ва диний ташкилотнинг ҳуқуқий ва ижтимоий мавқеи ўзгарди. Зиёлиларнинг янги қатлами вужудга келди. Улар иқтисодиётнинг, сиёсий бошқарувнинг, маданий-маънавий ҳаётнинг асосий мутахассисларига айланди, ҳаракатлантирувчи кучини ташкил қилди. Аста-секин индустриал жамиятда сўз, виждон ва эътиқод эркинлиги, улар ортидан, охир-оқибат, демократия қарор топди. Черков давлатдан, мактаб черковдан ажратилди. Маънавий омилнинг, биринчи навбатда, таълимнинг ва ихтисослашган объектив билимларнинг, қонун устуворлигининг, адолатли муносабатларнинг, инсон ҳуқуқлари ва кадр-қиммати ғояларининг аҳамияти кучайди. Постиндустриал жамиятда улар анча мустаҳкамланди. Бу даврга келиб демократия ва эркинлик маънавий ҳаётнинг ривожланишига зиддиятли таъсир кўрсатганини, инсон ҳуқуқларини бирёқлама талқин қилиш ҳоллари мавжудлигини ҳам, афсуски, тан олиш лозим.

Энди яна иқтисодиёт, сиёсат ва маънавий ўртасидаги алоқадорлик масаласига қайтамыз. Иқтисодиётнинг маънавий билан алоқалари жуда ранг-баранг ва мураккабдир. Иқтисодиёт маънавий ривожланиши учун моддий шарт-шароитлар яратади. Унинг эҳтиёжлари, талаблари маънавийга нисбатан «буюртмачи» вазифасини ўтайди. Масалан, янги технологиялар яратиш, меҳнат қуроқларини

такомиллаштириш ва шу кабилар илм-фанни, техник ижодкорликни ривожлантиришга хизмат қилади. Ишлаб чиқариш жараёнининг мураккаблашуви, илмталаблигининг ошиши ишчи ва мутахассисларда янги меҳнат кўникмалари ҳосил бўлишини, уларнинг малакаси муттасил ўсиб боришини тақозо этади. Бу жамиятда кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш, умуман, тарбия ва таълим тизими ривожланишига, маънавий-психологик муҳит ўзгаришига, ишлаб чиқаришда ва турмушда рационализаторлик, ихтирочилик, техник ижодкорликка мойиллик кучайишига таъсир кўрсатади. Бундан ташқари, турли товарларни, маҳсулотларни ва хизмат турларини харидорларга етказиш эҳтиёжи ҳар хил кўрғазмалар, шоу-томошалар, конкурслар, лотереялар ва реклама-ахборот индустриясини вужудга келтирди. Ўз навбатида, маънавиятнинг ўсиши, илмий-техника кашфиётлари, аҳоли билимларининг ва малакасининг ошиши, иқтисодий тафаккурнинг ўзгариши, юксак ижтимоий марраларни кўзлаш, янгиликларга интилиш иқтисодиётни ҳар томонлама ривожлантирди.

Иқтисодиёт ва маънавият реал инсон эҳтиёжларидан, жамиятнинг аниқ вазифаларидан ажралиб қолса, ўз мақсадларини белгилашда адашиб кетади. Бундай ҳолларда икки хил вазият вужудга келиши мумкин. Масалан, маънавият масалаларига етарли эътибор берилмаса, иқтисод иқтисод учун, капитални айлантириб, фақат фойда олиш учун бўлиб қолади. Ушбу мақсадга, гўёки бутун жамият ҳам, алоҳида инсон ҳам буйсуниши, маънавият эса иқтисодиётнинг мафкуравий хизматкорига, чўрисига айланиши лозим бўлиб қолади. Бошқача айтганда, инсон камолотидан, жамият ривожланишининг аниқ вазифаларидан, мақсадларидан ажралган иқтисодиёт маънавиятни маълум даражада инкор қилади.

Ва, аксинча, конкрет инсонни ўйламайдиган маънавият ҳавойи, сароб, мавҳум идеалларга интилади, нафс ва ҳирсни инкор этиш баҳонасида аслида иқтисодий ривожланишни инкор этади, ҳатто ўзининг энг кескин кўринишларида зоҳидлик ва таркидунёчиликни оқлайди. Ёки мафкуравий мутаассибликни, муросасизликни келтириб чиқаради. Толерантлик унутилади. Бошқача фикрлайдиганлар, бошқача ўйлайдиганлар таъқиб қилинади, жазо-

ланади, ҳатто жисмонан йўқ қилинади. Ушбу муносабат билан Эрих Фромм билдирган қуйидаги фикр диққатга сазовордир: «...Бизнинг ҳаётимизнинг – хоҳ моддий бўлсин, хоҳ маънавий – фақат битта томонинигина ўзгартиришга интилиш муқаррар тарзда муваффақиятсизликка учрайди. Дарҳақиқат, фақат бир соҳадагина тараққиёт юз берса, бу бошқа соҳалардаги тараққиётни хароб этади. Одамларни маънавий жиҳатдангина асраб қолишни ўйлагани учун Инжил рим-католик черкови ҳукмронлигининг ўрнатилишига сабаб бўлди. Фақатгина сиёсий ислохотлар ташвишинигина чеккан француз инқилоби Робеспьер билан Наполеонга олиб келди, социализм эса фақат иқтисодий ривожланиш тўғрисидагина ўйлагани учун сталинизмни майдонга келтирди»¹.

Эрих Фромм замонавий турмуш вужудга келтирган инсоннинг жамиятдан бегоналашувини енгиб ўтиш учун ҳаётнинг ҳамма соҳаларида баравар ўзгариш қилиш тамойилини олга суради. Унинг фикрича, нафақат иқтисодиётни ташкил этишга ва сиёсий бошқарувга оид меъёрлар, тамойиллардаги ўзгаришлар, шунингдек, шахслараро, турли табақалар, гуруҳлараро, миллатлараро барча шаклдаги муносабатларда, иқтисодий, ахлоқий, ҳуқуқий, эстетик, маиший ва ҳ. к.да ҳам ривожланиш устувор мазмун касб этмоғи лозим. Инсонпарвар жамиятни фақат иқтисодиёт ва технологияни ривожлантириб яратиш мумкин эмас. Чунки *фақат иқтисодиёт ва технология ҳақида қайгурилса, инсон ўз айниятини йўқотади. Уни иқтисодиётнинг оддий мурватига айлантириб қўядиган технократик жамият қарор топиш эҳтимоли кучаяди.*

Маънавият ижтимоий турмушнинг барча соҳаларига таъсир кўрсатади. Жамиятнинг сиёсий ҳаёти бундан истисно эмас. Фуқароларнинг ҳокимиятга, сиёсий партияларга муносабатлари, жамоат ташкилотларининг ўзаро ва давлат билан муносабатлари, фуқаролар эркинликлари маълум ҳуқуқий маконда кечади. Лекин уларнинг қандай тамойилларга асосланиши, фуқаролик ҳуқуқларининг қай даражада таъминланиши нафақат Конституцияга,

¹ Эрих Фромм. Инсоннинг ҳозирги ҳолати // «Жаҳон адабиёти» журнали, 2000 йил, март, 108–109-бетлар.

хукукий меъёрларнинг демократик характериға, айни пайтда, жамиятнинг сиёсий маданиятиға, ундаги маънавий муҳитға ҳам боғлиқ. Қонунға риоя этиш-ку бевосита жамият аъзоларининг ижтимоий ва маиший хулқ-атвори, онги ва иродасининг юзаға чиқишидир. Агар энг яхши, тараққийпарвар қонунға жамият аъзоларининг аксарияти риоя қилмаса, ундан фойда кам бўлади.

Фуқароларнинг хукукий ва сиёсий онги, толерантлиги, қонунға итоатгўйлиги, турли давлат ва жамоат ташкилотлари ишида, жамиятда содир булаётган жараёнларда фаол иштирок этиши, бу жараёнларға ҳамда ҳокимият ва партиялар сиёсатиға, ижтимоий институтлар ишиға ўз муносабатларини билдириш орқали таъсир этиши «сиёсий маданият» деган тушунчани ташкил этади. Сиёсий маданият, биринчи галда, онгға, дунёқарашға, фуқароларнинг ўз манфаатларини ва бурчларини, ҳақ-хуқуқларини англаб, жамият манфаатлари билан уйғунлаштира олишиға, ватанпарварлигиға, қай даражада эркин ва ижодий фикр юрита олишиға, масъулликни ҳис қилишиға, хуллас, фуқаровий ва маънавий етуқлигиға боғлиқ.

Сиёсий маданият фақат фуқароларғагина оид ҳодиса эмас. У, бир томондан, турли ижтимоий гуруҳларға, табақаларға, синфларға, бутун жамият аъзоларига, иккинчи томондан, энг майда жамоат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари фаолиятдан тортиб, йирик сиёсий партиялар ва давлат идоралари фаолиятигача тааллуқли ҳодиса. Сиёсий маданият, шунингдек, қонун чиқарувчининг (парламентнинг), қонун лойиҳаларини таклиф қилувчи ташаббускорларнинг, ижтимоий институтларнинг савияси, профессионаллик етуқлигини ўз ичига олади. Турли ижтимоий гуруҳларнинг, сиёсий партияларнинг, улар тузган ташкилотларнинг, оммавий ахборот воситаларининг фаолияти инсонпарварлик, халқчиллик, тараққийпарварлик тамойилларига мос бўлиши ёки, аксинча, мутаассибликка мойил, реакцион, шовинистик бўлиши ёхуд инсонпарварликка, эзгуликка зид келиши мумкин. Маънавият кенг маънодаги сиёсий маданиятға бевосита белгиловчи таъсир кўрсатади. Сиёсий маданият маънавиятнинг мавжудлик шаклларидан биридир. Ушбу маънода маънавият жамият ижтимоий ва

сиёсий ҳаётининг кўп хусусиятларини, киёфасини, миллий ва умуминсоний ғоявий мазмунини, ижтимоий идеаллари ва мўлжалларини аниқлаб беради.

Маънавият кенг маънода сиёсий фаолликда, иқтисодий ва ижтимоий ҳаётнинг ташкиллашишида намоён бўлади. Улар, ўз навбатида, маънавиятнинг хусусиятларини белгилайди. Анъанавий ва тоталитар жамиятларда иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий ҳаёт қатъий меъёрлашади, уларга эркинлик етишмайди. Агар анъанавий жамиятда ўтмишдан келаётган, ўзгармас қадриятлар, урф-одатлар эркинликни чекласа, тоталитар жамиятда бу ишни давлат идоралари, ҳуқуқий меъёрлар, ялпи назорат, давлат билан қўшилиб кетган жамоат институтлари, ҳатто «думалок хат» ёзишни одат қилиб олган фуқароларнинг бир қисми бажаради. Ҳар икки жамиятда ҳам расмий сиёсий мафкура иқтисодиётни, маънавий ҳаётни қаттиқ назорат қилади.

Иқтисодиёт ва маънавият эркин ривожланиши учун сиёсий тузум демократик бўлиши, жамиятда қонун устуворлиги ва ҳаммага бирдай мажбурийлиги таъминланиши лозим. Иқтисодиёт ва маънавиятнинг эркин ривожланиши эса сиёсий тузумнинг янада демократлашувига, ҳуқуқий давлат шаклланишига, юксалишига акс таъсир кўрсатади.

Демократик, ҳуқуқий давлатда бирорга синфнинг, сиёсий партиянинг, диний конфессиянинг, оқимнинг ёки мазҳабнинг мафкураси расмий давлат мафкураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмас. Чунки расмий мафкура бошқа мафкураларни сиқиб чиқаришга ҳаракат қилади ва ҳурфикрликка, ғоялар рақобатига, баҳсига путур етказди. Бу эса, охир-оқибатда, догматизмга ва мутаассибликка йўл очади, иқтисодий ва маънавий турғунликни, инкирозни келтириб чиқаради. Бошқача фикр юритадиганларнинг ижтимоий мавқеларидан, эгаллаган лавозимларидан қатъи назар, фаолияти чекланади, улар турли тақиқларга, тазйиқларга учрайди. Бу ҳам камлик қилса, улар таъқиб қилинади, озодликдан, ҳатто ҳаётдан маҳрум этилади. Ўтмишда Улуғбек ва Нодирабегим, совет даврида Сталин қатағонларига маҳкум бўлган минг-

лаб ватандошларимиз – адибларимиз, зиёлиларимиз, давлат арбобларимизнинг қисматлари бунга мисолдир.

Расмий мафкура ҳукмрон бўлиб, эркинлик йўқ қилинган жойда аста-секин маънавий ривожланиш тўхтайдди. Маънавий ривожланиш тўхтаган жойда иқтисодий янгиланиш, ижтимоий тараққиёт юз бермайди. Ҳатто жамият ўзининг илгари эришган тараққиёт даражасини сақлаб қололмайди. Инқирозга учраб, кескин орқага кетади. Халқимизнинг аччиқ тажрибаси буни узоқ ўтмишда ва мустабидлик даврида кўп марта исботлаган. Шу боис Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 12-моддаси ҳеч қайси мафкура давлат мафкураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмаслигини, ижтимоий ҳаёт, сиёсий институтлар мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланишини мустаҳкамлаб қўйибди.

Демократиянинг, ижтимоий тараққиётнинг ижодкори, амалга оширувчиси инсондир. Демократия – нафақат халқ ҳокимияти, шунингдек, халқнинг мамлакат келажаги, ўз тақдири олдидаги масъулияти ҳамдир. Демократияни охлоқратиядан (охлос – тўда, оломон), оломон ҳокимиятидан, турли гуруҳларнинг ўзбошимчалигидан, бошбошдоқлигидан, тартиб-қоидаларни, қонунни писанд қилмасдан, ҳокимият идораларига ноўрин талаблар қўйишидан, тазйиқ ўтказишидан фарқ қилиш лозим. Демократиянинг охлоқратияга ва анархияга ҳеч қандай алоқаси йўқ.

Демократия ривожланиши ҳуқуқий давлат вужудга келишининг муҳим шарты ва воситасидир. Ҳуқуқий давлат жамиятнинг шундай сиёсий ташкилотидирки, унда демократик меъёрлар, инсон ҳуқуқлари, қонуннинг барчага бирдайлиги ва барча учун мажбурийлиги арконий тамойилга, давлат тузумининг асл таянчига айланади. Ҳуқуқий давлатда ҳокимият тармоқлари бир-бирларидан ажратилади ва мустақил бўлади. Ҳокимият тармоқлари фақат Конституция ва қонунларга таяниб иш тутади. Уларнинг ўзаро муносабатлари ва ҳамкорлик механизми Конституция ва қонунлар орқали белгилаб қўйилади. Ҳокимият тармоқларини бирлаштирувчи негиз, бу – умуммиллий манфаатга хизмат қилишдир. Мафкуравий

шаклда эса у миллий ғоя сифатида ҳокимият тармоқларини бирлаштирувчи асос бўлиши мумкин: «Учта ҳокимият тармоғини бирлаштирадиган нарса, бу – миллий ғоя»¹.

Ҳуқуқий давлатда жисмоний ва юридик шахслар манфаатларини қонун кафолатлайди ва қаттиқ ҳимоя қилади. Ҳеч ким, ҳатто давлат ҳокимияти ҳам уларнинг ички ишларига ноқонуний аралашади ҳақли эмас. Улар ўз муаммоларини қонун доирасида ечадилар. Шу боис уларнинг турли амалдорлар, назорат идораларининг ҳимматиға ёки инжиқлигиға, тамағирлиги ва порахўрлигиға қарам бўлмасликларини давлат таъминлаши керак. Жисмоний ва юридик шахслар ўзларига нисбатан содир этилган ноқонуний ҳатти-ҳаракат, тазйиқ учун истаган мансабдорни, ташкилотни, давлат идорасини судға беришлари мумкин.

Ҳуқуқий давлатнинг муҳим арконий тамойилларидан бири бу инсон ҳуқуқларининг давлат ҳуқуқидан, халқаро ҳуқуқнинг миллий ҳуқуқдан устуворлиғидир. Давлат чиқарган қонунлар халқаро ҳуқуқ меъёрларига, умуминсоний, умумбашарий қадриятларға мос бўлиши лозим. (Бу ерда гап қайси қонунларға буйсуниш устида кетаётгани йўқ. Ҳар бир давлат ўзга қонунлар эмас, ўз қонунлари асосида фаолият кўрсатади. Гап қонун яратиш тамойиллари, талаблари устида кетяпти, яъни шундай қонунлар қабул қилиш лозимки, улар умумтанолинган халқаро меъёрларға зид келмасин.) Фақат маънавияти юксак, умуминсоний қадриятлар билан бойиган мамлакатларда бундай ҳуқуқий амалиёт қарор топади.

Миллий маҳдудликка мойил, миллий манманликка берилган, мутаассиб ва тажовузкор мафқурани қурол қилиб олган мамлакат халқаро ҳуқуқ меъёрларини, инсон ҳуқуқларини у ёки бу даражада инкор этади, миллатчилик домиға тушиб қолади. Бундай давлатда демократия ривожланмайди. Ҳуқуқ меъёрлари ва меҳнат интизоми зўравонлик ёрдамида таъминланади. Ҳуқуқий давлатда

¹ *Ислом Каримов*. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. – Т.: «Ўзбекистон», 2005. 128-б.

қонунга итоатгўйлик, меҳнат интизоми шахс маданиятининг ажралмас қисмига, эътиқодга, ахлоқий мўлжалга айланади.

Демократия ҳуқуқий давлатнинг узвий хоссаси, вужудга келишининг асосий шарти ва воситаси бўлса, ҳуқуқий давлат демократия янада юксалиши, ўсиши ва мустақамланишининг омилидир. Ҳуқуқий давлат қарор топган жойда демократик институтлар мустақил фаолият кўрсатиши учун, алоҳида шахснинг ва бутун жамиятнинг яратувчилик, ижодкорлик салоҳияти, иқтисодий ва сиёсий ташаббускорлиги юзага чиқиши учун барча зарур имкониятлар вужудга келади ва улар объектив равишда юксалиб бораверади. Бу юксалиш йўлида сунъий тўсиқ пайдо бўлса, тезгина қонун доирасида бартараф қилинади. Демократия, шахс ва жамият ривожланиши учун зарур имконият яратиш ҳуқуқий давлатнинг муҳим хусусиятларидан, моҳиятли белгиларидан биридир. Айнан ҳуқуқий давлатда қарашлар, мафкуралар плюрализми кафолатланади. Аммо онг толерантлигини, фикрлар ва мафкуралар плюрализми тушунчасини мутлақлаштириб, уларга формал ёндашиб бўлмайди. Агар муайян мафкура асослари бошданок ғайриинсонийлик, фашизм ёки шайтанатга алоқадор бўлиб, террор ва зўравонликка чорласа, жамият бунга кўз юмиб, сўз ва қарашлар эркинлиги деб ҳисоблаши керакми? Албатта, йўқ. Шу боисдан кўпчилик давлатларнинг ҳуқуқий ҳужжатларида қонуний йўл билан сайланган ҳукуматни зўравонлик ёрдамида ағдариб ташлашга даъват этишни тақиқловчи меъёрлар мавжуд.

Муайян ташкилотлар фаолиятини, фуқароларнинг хатти-ҳаракатларини баҳолашда, турли муаммоларни ҳал қилишда кўп нарса амалдорнинг ақл-заковатига, дунёқараши ва ҳалоллигига боғлиқ. Инсон омилини тўла истисно қилиб бўлмаса-да, амалдор субъективизмини чеклайдиган тизим яратиш керак. Мустақил Ўзбекистон шу йўлдан бормоқда. Биринчи Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек: «Бу ерда гап мамлакатимизда демократия тамойилларига асосланган, аввало, амалдаги Конституция ва қонунларга мувофиқ фаолият юритадиган, ҳеч қандай мансабдорлар, ҳатто энг кўзга кўринган

вазифада ўтирган шахсларнинг ҳам субъектив хохиш-иродасига қарам бўлмасдан, ишни барқарор ва фаол ташкил қиладиган, ўз моҳиятига кўра, жамиятимизнинг олға силжишига халакит бераётган барча иллат ва эски асоратларни бартараф этишга қурби етадиган самарали тизимни вужудга келтириш ҳақида бормоқда»¹. Бу тизим демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятидир. Айнан шундай тизимда ижтимоий гуруҳлар, табақалар, қатламлар, синфларнинг манфаатлари, жамиятда эгаллайдиган мавқелари, ижтимоий жараёнга таъсир кўрсата олиш имкониятлари динамик (ҳаракатчан) мувозанатга келади, ўзини ўзи тартибга солади. Бунинг учун унга ташқи таъйик, таъсир кўрсатиш ёки куч ишлатиб ички инқилобий ўзгариш қилиш шарт эмас. Бундай тизимнинг янги сифат касб этиши тадрижий-табиий ривожланиш негизда кечади.

Маҳаллийчилик, уруғ-аймоқчилик, гуруҳбозлик авж олган, сиёсий партиялар кураши муросагўйликни, келишувчиликни билмай, салбий хусусият касб этган мамлакатда ҳақиқий демократия вужудга келмайди. Ушбу муносабат билан демократия, бу – сиёсий партияларнинг парламентдаги консенсуси (келишуви) ва бир-бирига нисбатан яратувчанлик руҳидаги муҳолифлигидир, дейиш мумкин. Жамият миқёсида эса турли ижтимоий қатламларнинг муҳим масалаларни ҳал қилишда шериклигидир. Демак, миллий муштарақлик, жипслик мустаҳкамланиши, ҳақиқий демократия ривожланиши учун маҳаллийчилик, уруғ-аймоқчилик ва шулар каби бошқа иллатлардан қутулиш, умуммиллий манфаатларни тор синфий, табақавий, минтақавий, партиявий манфаатлардан устун кўя билиш, уларни ўзаро мослаштира олиш зарур. Бу жамиятда юксак маънавиятни шакллантириш учун муайян маънавий-маърифий, тарбиявий ишлар олиб боришни, умуммиллий қадриятларни мустаҳкамлашни, умуммиллий ғояни шакллантиришни тақозо этади.

Сиёсий партияларнинг, синфлар ва йирик ижтимоий гуруҳлар, табақаларнинг мафқураси бир-биридан фарқ

¹ *Ислом Каримов*. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. – Т.: «Ўзбекистон», 2000. 11–12-бетлар.

килади. Жамият микёсида уларнинг ҳар бирини хусусийлик деб, миллий ғояни эса улардаги умумийлик, муштараклик деб баҳолаш лозим. Миллий ғоя, аввало, миллий консолидацияга хизмат қилади, у синфий ва табақавий манфаатлардан устун. У турли ғаразли геосиёсий манфаатларни кўзлаган ташқи кучларнинг миллий жипсликка путур етказишга қаратилган диний-экстремистик, сепаратистик (айирмачилик), сохта демократия ва инсон ҳуқуқлари ғоялари билан никобланган мафкуравий хуружларига қарши туради. Ҳақиқий миллий ғоя тор синфий ва табақавий манфаатлардан устун бўлгани учун фуқаролик жамияти мустақамланишига хизмат қилади. Шу боис Озод ва обод Ватанда, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш ғоясини, шартли равишда, Ўзбекистонда шаклланаётган фуқаролик жамияти мафкурасининг ўзига, дейиш мумкин.

Ҳақиқий демократиянинг хусусиятларидан яна бири давлатнинг (парламент ва ҳукуматнинг) озчилик манфаатларини, хоҳиш-иродасини инобатга олиши ва қондиришидир. Бундай демократия сиёсий маданият ва, умуман, маънавият анча юксалган, ҳуқуқий давлат қарор топган шароитда яққол намоён бўлади. Таъкидлаш жоизки, демократиянинг, ҳуқуқий давлатнинг умум эътироф этилган тамойиллари, меъёрлари мавжуд бўлса-да, ягона универсал шакли йўқ ва бўлиши мумкин эмас. Чунки ҳар бир халқнинг, мамлакатнинг ноёб такрорланмас ўтмиши, тарихи, ўзига хос табиати, яшаш шароити, маданияти, ижтимоий ҳаёти, турли-туман муаммолари бор. Мутлақ бир хил икки инсонни топиш мумкин бўлмаганидек, мутлақ бир хил бўлган икки халқ, икки давлат йўқ.

Ҳуқуқ, ҳуқуқий онг, қонунларга итоатгўйлик, миллий ғоя ва мафкура, турли сиёсий партиялар мафкураси, фуқаролар интизоми, дунёқараши, психологияси, ижтимоий фаоллиги, сиёсий маданияти маънавиятнинг таркибий қисмлари эканини ҳисобга олсак, маънавиятнинг жамият ҳаётидаги, иқтисодиёт ва ижтимоий-сиёсий соҳаларидаги роли ва аҳамияти анча ойдинлашиб қолади.

Маънавият, шундай қилиб, янгича иқтисодий тафаккурни, юксак сиёсий ва ҳуқуқий маданиятни тарбиялашдаги аҳамияти билан иқтисодиётга ҳам, сиёсатга ҳам ижо-

бий таъсир кўрсатади. Жамият ҳаётининг учинчи соҳаси, сиёсатдан ташқари, урф-одатлар, миллатлараро ва динлараро муносабатлардан ҳам ташкил топади. Урф-одатларни замон руҳига ва талабларига мос такомиллаштириш жамият ривожланиши учун жуда муҳим аҳамиятга эга. Урф-одатлар такомиллашмаса, қотиб қолса, улар авторитар мазмун касб этади. Ҳар қандай янгиликни инкор этиб, жамият тараққиётини ёпиқ айлана бўйлаб йўналтиради, яъни олға силжитмай, фақат ўз-ўзини такрорлашга маҳкум этади. Бундай жамият анъанавий жамият деб аталади. Биз кейинроқ ушбу масалага алоҳида мавзу бағишлаймиз.

Урф-одатларнинг ривожланиши, тараққиёт талабларига мослашиши маънавий онгнинг, хусусан, ахлоқий, диний, эстетик онг шакллариининг ҳам кундалик онг даражасида, ҳам назарий онг даражасида юксалишига боғлиқ. Урф-одатлар аслида ахлоқий онгнинг, ундаги тегишли меъёрлар, қоидаларнинг предметлашуви натижасидир. Замон ўтиши, янгиланиши, жамият ҳаёти шаклан ва мазмунан бойиши туфайли урф-одатлар асосида ётган баъзи меъёрлар, қоидалар эскиради. Уларни янгилаш урф-одатларни янгилашга олиб келади. Бироқ айрим ҳолларда жамиятнинг баъзи қатламлари, кўпинча обрў-эътибори кучли катта авлоди, диний арбоблари эскирган урф-одатларга қаттиқ ёпишиб олади. Улар «ота-боболаримиздан қолган қадриятлар, аждодларимиз уларга риоя қилиб, кам бўлмаган, биз ҳам кам бўлмаймиз» деган важлар келтиради. Урф-одатлар маънавий маданиятнинг шакли сифатида, биринчи галда, маънавият доирасида тизимнинг (системанинг) қисми ўлароқ ривожланади.

Кўпмиллатли, кўпконфессияли мамлакатларда ижтимоий-сиёсий барқарорлик миллатлараро ва динлараро муносабатлар тўғри йўлга қўйилишига боғлиқ. Ушбу масалада, авваламбор, адолатли сиёсат юритилиши, тенгҳуқуқлилиқ таъминланиши лозим. Миллатлар ўртасида ўзаро ҳурмат, мулоқот ва ҳамкорлик муносабатлари қарор топиши зарур. Бунинг учун, энг аввало, бағрикенглик (толерантлик) тамойили одамлар онгида ҳукмронлик қилиши керак. Агар толерантлик, ижтимоий адолат тамойиллари одамлар онгида устунлик қилмаса, давлат-

нинг бу борадаги яхши сиёсати ҳам, ижодкор зиёлиларнинг чақириқлари ҳам катта самара бермайди. Маиший ҳаёт даражасида миллатчилик, ўзгаларни камситиш, бир-бирига ишонмаслик ва бегоналашиш кучайиб бораверади. Аёнлашмоқдаки, маънавият юксалиши кўпмиллатли мамлакат ҳаётини сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан барқарорлаштириш, турли миллатларни жипслаштирувчи, бир-биридан ўрганиб, янада баланд довлардан ошишига ёрдам берувчи омилдир.

Ушбу хулоса алоҳида олинган этносларнинг ёки миллатларнинг жипслигини мустаҳкамлаб, юксалишига ҳам тааллуқлидир. Тарихий бирликнинг элат шаклидан юқорироқ миллат шаклига яқин бир аср мобайнида ўтган этносларда қариндош-уруғчилик, миллатчилик, айирмачилик ва шунга ўхшаш иллатлар кўпроқ сақланиб қолади. Баъзан манфаатдор шахс учун ўз қариндош-уруғи, йирик обрўли шахс илтимоси давлат ва жамият манфаатидан устун туради. Бундай ҳолат кўпинча бошқа иллатларни, айтайлик, порахўрлик ва коррупцияни келтириб чиқаради. Ўтмиш сарқитларидан қутулиш, миллий ўзликни англашни янги сифат босқичига кўтариш, айти пайтда ўтмишнинг асл кадриятларини сақлаб қолиш бевосита маънавият юксалишига бориб тақалади. Бу ерда масала фақат маҳаллийчилик ва уруг-аймоқчилик каби камчиликлардан қутулиш ҳақидагина кетаётгани йўқ. Кўпинча ёш мамлакатлар катта суръатлар билан ривожланиб, умуминсоний ютуқларни ўзлаштираётганда, ўзларининг тилига, миллий-маданий меросига етарлича эътибор қаратмайди. Миллий нигилизм кучаяди. Бу баъзи бир колоқ урф-одатлар ва меъёрларга қаттиқ ёпишиб олишга нисбатан кам хавф туғдирмайди. Чунки миллий илдизларни заифлаштиради. Оқибатда, бундай халқ аста-секин миллий идентлигини йўқотиб, бошқа халқларга ассимиляция бўлиб кетиши мумкин. Демак, маънавиятни юксалтиришга жуда диққат билан илмий ёндашиш талаб этилади. Ушбу масалада миллийлик ва умуминсонийлик оптимал даражада уйғунлаштирилиши, жаҳоннинг илғор ютуқларини ўзлаштириш қаторида асл миллий кадриятларни эсдан чиқармаслик, уларни бойитиб, замонга мослаштириб бориш лозим.

Маънавиятнинг сиёсат ва ижтимоий ҳаётнинг нисбатан мустақил соҳалари билан ўзаро алоқалари ва нисбатини келгуси мавзуларда батафсилроқ таҳлил қиламиз. Лекин маънавият ва иқтисодиёт муносабатларини навбатдаги мавзуда кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ.

5. МАЪНАВИЯТ, МАДАНИЯТ ВА ЦИВИЛИЗАЦИЯ ТУШУНЧАЛАРИ НИСБАТИ

Маънавият категорияси ҳақида ўтган мавзуларда анча батафсил гапирилди. Энди цивилизация ва маданият тушунчалари ва уларнинг маънавият билан алоқадорлиги устида тўхталамиз.

Цивилизация тушунчаси луғавий *лот.* фукароликка оид, фукаролик жамияти, яъни жамият ҳаётининг сиёсий ва диний ташкилотсиз (давлат ва черковсиз) кечадиган қисмини англатади. Терминологик мазмуни эса анча кенг ва чуқур, айти пайтда анча мураккаб. Ўтган мавзуларда қайд этган эдик: инсоният тарихини уч катта даврга – ёввойилик, варварлик ва цивилизация даврларига бўлиш қабул қилинган. Инсоният цивилизацияга бронза ва темир курулларини ўзлаштириб, оз бўлса-да, керагидан ортиқча маҳсулот етиштириш, ақлий меҳнатнинг жисмоний меҳнатдан ажралиб чиқиш, ижтимоий ва мулкий нотенглик пайдо бўлиш жараёнида ўта бошлаган. Бу ерда цивилизация инсоният тараққиётининг ибтидоий жамиятга нисбатан юқорироқ тарихий босқичини ифодалайдиган атама сифатида ишлатилаётир. Цивилизациянинг асосий белгиларидан бири давлат ва ҳуқуқнинг ҳамда алоҳида ижтимоий институт сифатида дин ва черковнинг вужудга келишидир. Ибтидоий жамиятда бундай институтлар йўқ эди. Аммо лотинча сўзнинг луғавий маъноси айнан давлат ва черковдан абстракклашади, мавҳумлашади. Бу ерда норасмийлик, эркинлик назарда тутилган.

Демак, цивилизация тушунчасининг терминологик маъноси унинг луғавий маъносидан анча фарқ қилади. Ҳақиқатан, Қадимги дунёда алоҳида Миср, Бобил, Ҳиндистон, Хитой, Эрон, Юнон цивилизациялари ажралиб турган. Улар бир-бирларидан ишлаб чиқариш хусу-

сиятларига кўра эмас, балки мифологияси, диний-фалсафий эътиқоди, маънавияти, давлат бошқаруви ва диний ташкилоти хусусиятларига кўра фарқ қилган.

Цивилизация тушунчаси сиёсий ва диний ҳаётнинг ўзини ифодаламас-да, эътиқод ва бошқарув тамойилларини ўз ичига олади. Аслини олганда, *цивилизация жамиятнинг моддий ва маънавий тараққиётда эришган даражасини англатади.*

Бунда жамият ҳаётининг барча соҳалари, йўналишлари, қатламлари, қисмлар, моддий ва маънавий ҳаёт, ижтимоий борлиқ ва ижтимоий онг, мафкура бус-бутунликда, ягона тизим сифатида қаралади. Бир даврда яшаган цивилизацияларни ўзаро фарқлашда кенг маънодаги маънавият асосий мезондир. Чунки юқорида қайд этилган бир даврда яшаган қадимги ва кейинчалик пайдо бўлган бошқа цивилизациялар ўзаро моддий ва ишлаб чиқариш хусусиятларига қараб эмас, яна бир бор таъкидлаймиз, маънавиятига қараб ажралиб туради. Бу ислом цивилизацияси, христиан цивилизацияси, буддавийлик цивилизацияси ва шу каби атамаларда ҳам ўз ифодасини топган. Турли тарихий даврларда яшаган цивилизацияларни ўзаро фарқлашда эса ишлаб чиқариш усуллари, мулкчиликнинг тарихий шакллари, технологиялар, моддий маданият кўпроқ қўл келади: аграр, индустриал, постиндустриал цивилизациялар, кулдорлик жамияти цивилизацияси, феодал жамият цивилизацияси, капитализм цивилизацияси ва ҳ.к.

Қ.Хоназаров фикрига кўра, XV–XVI асрлардан ягона жаҳон цивилизацияси юзага кела бошлади. Лекин бу жараён тугалланган эмас, давом этмоқда. Замонавий цивилизация доирасида тараққиётда илгарилаб кетган мамлакатлар ва минтақалар қаторида колоқ, қашшоқ мамлакатлар ва минтақалар бор. Бугун жаҳон цивилизацияси ривожланишида илм-фан, технологиялар, ахборот катта роль ўйнамоқда. Диннинг роли эса анча пасайган. Аммо ягона жаҳон цивилизацияси доирасида мамлакатлар, халқлар ҳамон маънавияти, маданиятига қараб фарқланади. Япония, Малайзия, Жанубий Корея, АҚШ, Канада, Германия, Франция, Англия, Хитой, Ҳиндистон ва бошқа мамлакатлар халқлари ишлаб чиқариш техноло-

гиялари, истеъмол даражасига кўра эмас, гарчи улар ўртасида анчагина, баъзан жуда сезиларли фарқ бўлса-да, биринчи навбатда, маданий мероси, тарихий хотираси, урф-одатлари, адабиёти, санъати ва шу кабилари, яъни маънавияти билан ўзаро ажралиб туради.

Жамият ҳаётида, жумладан, цивилизациялар ҳаётида моддий ишлаб чиқариш, технологиялар ривожланиши катта роль ўйнайди. Агар улар ривожланмаса, цивилизация дастлаб турғунликка, сўнг ҳалокатга маҳкум бўлади. Эътиқодлар, идеаллар, одамлар муносабатларини тартибга солувчи меъёрлар иқтисодий жиҳатдан мустаҳкамланиши ва тасдиғини топиши лозим. Акс ҳолда одамлар уларга ишонмай қўяди. Адабиёт ва санъат, таълим-тарбия ва мафкура тизимлари ҳам моддий-иқтисодий жиҳатдан таъминламаса, инқирозга учрайди. Чунки жамиятда моддий ва маънавий ҳаёт муштараклиги конуни доимий равишда амал қилади.

Цивилизация тўғрисида ёзган олимлар, хусусан, италиялик Жан Батиста Вико XVII–XVIII аср 1-ярми цивилизациялар туғилади, ривожланишнинг чўққисига чиқади, кейин аста-секин сўна бошлайди ва ҳалок бўлади, дея унинг ҳаётида уч даврни кўрсатади. Бу цивилизация тушунчасига ижтимоий организм сифатида қараш оқибатидир. Кишилиқ жамияти ҳақиқатан яхлит ижтимоий организмдир. Цивилизация эса унинг тараққиётининг алоҳидалашган конкрет кўринишидир. Вико инсоният тарихини чархпалак айланишига ўхшатади. XVIII асрдан бошлаб француз маърифатпарварлари туфайли цивилизация атамаси фанда кенг тарқалди. *Маърифатпарварлар цивилизацияни ақл ва адолатга асосланган жамият сифатида талқин қилдилар.* Улар цивилизацияни маданият тушунчасининг синоними сифатида ишлатдилар. Бу анъана кўпчилик томонидан қабул қилинган. Айниқса, публицистик адабиётларда улар синоним сифатида кўп ишлатилади. Баъзан эса адабиётларда моддий маданият ушбу термин билан аталади. Юқорида цивилизация жамият тараққиётининг тарихий босқичи сифатида (уч тарихий босқичдан бири) ҳамда жамият моддий ва маънавий ҳаётининг бус-бутунликда олинган тараққиёт даражаси сифатида талқин қилинади, деган эдик. Бу бус-

бутунлик, ижтимоий тизим барқарор ва қисман ёпик тизимдирки, у бошқалардан ажралиб туради, ўз мафкура-сига ва руҳиятига мос келмайдиган янгиликларни қабул қилмайди. Шу сабабли, маданиятдан фарқли, цивилизациялар сони жуда кўп эмас. Айнан кейинги талқин, назаримизда тўғрироқдир.

Келтирилган мисоллардан кўриниб турибдики, цивилизация атамаси мазмуни қўлланилишига кўра анча чалкаш ва зиддиятли. Айни пайтда цивилизациянинг асосий моҳиятли, характерли белгиларидан бири, бу – маънавий-ятдир. У ҳар бир цивилизацияга ўзига хос такрорланмас хусусиятлар бағишлайди, айниқса, қадимги цивилизацияларда. Шу сабабдан цивилизацияларни миллий маданиятларнинг маънавий контекстида илмий таҳлил этиш уларни теранроқ тушуниш, баъзи бир такрорланмас, ноёб хусусиятларини ва умумий, ўхшаш жиҳатларини, зиддиятларини, ўзаро таъсирини, бир-бирини бойитишини самарали ўрганиш имконини беради. Ғарбда, марксизмга қарама-қарши ўларок, жамият таракқиётини ўрганишда ижтимоий-иқтисодий формацияларнинг бир-бирини вертикал бўйича алмаштириши (формацион ёндашув) ўрнига цивилизацияларнинг бир-бирини алмаштируви (цивилизацион ёндашув) ҳақида сўз юритилади. Собик социалистик мамлакатларда ҳам марксизм инкирозидан кейин жамият таракқиёти босқичларини, тарихини, келажagini ўрганишга (башорат қилишга) цивилизацион ёндашув кенг тарқалиб кетди. Ғарбда эса, ҳаттоки, футурологик башоратларда «цивилизациялараро тўқнашув» концепцияси (С.Хантингтон) олға сурилди. Биз бу ҳақда кейинроқ алоҳида тўхталамиз.

Маънавият ва маданият муносабатларини кўриб чиқиш учун, аввало, маданият нима деган саволга жавоб бериш зарур. Маданият тушунчаси энг мураккаб, чалкаш, барчага маъқул мукамал таърифи топилмаган тушунчадир. Ушбу тушунчага олимлар ҳар хил маъно юклаб келишган ва ҳозиргача уни ҳар хил талқин қилиш давом этмоқда. Масалан, археологияда «маданият» ибтидоий одамлар манзили қолдиқларини, унда топилган барча нарсаларни – суякдан ясалган игналар, тошпичоқлар, қирғичтошлар, ўқ учлари, меҳнат қуролларидан тортиб,

маиший чиқиндиларгача, ўша манзил одамларининг турмуши, овлаган хайвонлари-ю, ейдиган ўт-ўланларигача маълумот берадиган барча топилмалар – маданият дейилади. Ашел маданияти, мустье маданияти каби иборалар (шу ном билан аталадиган жойларда биринчи топилган ва кейин бошқа жойларда аниқланган) ибтидоий одамлар манзили қолдиқларини англатади. Кундалик онгда маданият асло маиший чиқинди ёки кундалик зарур асбоб-ускуналар билан эмас, балки одоб-ахлоқ, адабиёт ва санъат, илм-фан билан боғланади. Масалан, маданиятли инсон деганда билимли, одоб-ахлоқли, озода кийинган, ўзини бошқалар орасида яхши тутадиган, хушмуомалали, хушфёъл киши назарда тугилади.

Маданият сўзини жуда кўп ибораларда қўлаймиз: нутқ маданияти, мулоқот маданияти, кийиниш маданияти, овқатланиш маданияти, дам олиш маданияти, меҳмон кутиш маданияти, ишлаб чиқариш маданияти, технологик маданият. Хуллас, инсон фаолиятининг, одамлар муносабатининг бирор йўналиши ёки шакли йўқки, маданиятга тааллуқли бўлмаса. Атаманинг европача маънодоши лотинча «культура» – ерга ишлов беришни, экинни парваришлашни ҳамда кишлоқ хўжалиги экинининг ўзини англатади. Масалан, рус тилида озуқа ўсимликлари – «кормовые культуры», мой олинадиган ўсимликлар – «масличные культуры», дуккакли ўсимликлар – «бобовые культуры», дон ўсимликлари – «зерновые культуры» дейилади. Кейинчалик инсон томонидан яратилган, табиатда учрамайдиган ҳар қандай моддий ва маънавий маҳсулотлар маданият деб атала бошлаган. Бизда, ўзбекларда, маданият тушунчаси шаҳар тушунчаси билан боғлиқ.

Маданиятга илк таърифлардан бири Г.В. Плехановга тегишли. Г. Плехановнинг таърифида маданият инсон ва жамият яратган моддий ва маънавий бойликлар (қадриятлар) йиғиндиси эканлиги таъкидланади. Бу масалага онтологик нуқтаи назардан, яъни моддийликка (материалга) ёки маънавийликка (ғояга) мансубликни аниқлашга қаратилган ёндашув эди. Маданиятни иккига – моддий ва маънавийга ажратиш бугун ҳам фанда кенг тарқалган. Аммо Г. Плеханов таърифида маданият фақат қўлга киритилган ютуқлар – ғоялар, меъёрлар, билимлар,

асарлар, меҳнат қуроллари, машина ва ускуналар, иншоотлар ва ҳ.к.лар тўплами бўлиб қоляпти. Жонли жараён, одамлар ўртасидаги ижтимоий муносабатлар, моддий ва маънавий кадриятларни яратиш, инсоннинг камол топиши ва, умуман, жамиятнинг маънавий-маданий ривожланиши ва шу кабилар четда қолиб кетяпти. Ахир одамларнинг ўзаро мулоқоти, бир-бирини қўллаб-қувватлаши, меҳр-оқибати, умуман фаолияти ёки таълим, соғлиқни сақлаш, ишлаб чиқариш технологиялари, илмий ва бадиий тадқиқотлар олиб бориш жараёнининг ўзи, ОАВ, инсон ҳуқуқларини таъминлаш, муҳофаза қилиш ва ҳ.к. лар ҳам маданият-ку.

Маданиятнинг баъзи таърифларида табиий-биологик фаолиятдан ташқарида кечадиган ижтимоий фаолият ва унинг маҳсулотлари эканлигига урғу берилади. Табиат эмас, инсон ва жамият яратган ҳар қандай нарса – ишлаб чиқариш қуроллари, воситалари, заводлар, фабрикалар, давлат тузилмаси, иқтисодиёт, илм-фан, ахлоқ, дин ва диний идоралар, жамоат ташкилотлари ва ҳ.к. ва ҳ.к. – ҳаммаси маданият. Чунки уларнинг асосида инсон фаолияти, яратувчилиги ётибди. Аммо бундай ёндашувда маданият жамиятга тенг ва жамият билан бир нарсани англатувчи тушунчага айланиб қолади. Баъзи олимлар моддий маданиятни цивилизация тушунчаси таркибига киритиб, маданият деганда, фақат маънавий маданиятни назарда тутишни тавсия этадилар.

Хуллас, маданият атамаси жуда мураккаб ва зиддиятли тушунчадир. Олимлар бир нарсада яқдил фикр билдирадилар: маданият бевосита инсон фаолияти ва интилишлари билан боғлиқ ҳодисадир. Шу сабабдан К.Маркс ўз вақтида маданият инсон зотининг белгисидир (инсоннинг зот белгисидир), деган эди. Чунки табиатда, ҳайвонот оламида онгли фаолият ва унинг маҳсулотлари йўқ. Ҳайвонларнинг қайси турини, қайси зотини олмайлик, у табиат маҳсулотини қайта ишлаб, янги буюм, маҳсулот, бирор гоё ёки таълимот яратмайди. Ушбу маънода маданиятни инсоннинг зот (тур) белгиси дейиш ҳақиқатан ўринлидир. Маданият инсон билан бирга ўсди, такомиллашди. Айтиш мумкинки, инсон маданийлашиш жараёнида ўз инсоний табиатини мустақамлади, ҳақиқий инсонга айланиб борди. Ва, аксин-

ча, инсоннинг инсоний табиати мустаҳкамланиб, ривожланиш жараёнида у маданиятнинг янги-янги соҳаларини, шаклларини кашф этди ва ривожлантирди. Маданият қай даражада инсон маҳсули бўлса, инсон ҳам шу даражада маданият маҳсулидир.

Кишилиқ жамиятининг тарихий тараққиёт босқичларига ва даврларига мос равишда биз маданиятни таснифлашимиз мумкин: ибтидоий жамият маданияти, қадимги дунё (Миср, Бобил, Хитой, Ҳиндистон, Эрон) маданияти, антик давр (Қадимги Юнонистон, Рим, Карфаген, Финикия), ўрта асрлар, ислом уйғониш, европа уйғониш ва маърифатпарварлик маданиятлари ва ҳ.к. Ижтимоий-иқтисодий тузум хусусиятларидан келиб чиқиб, маданиятни яна ибтидоий жамият, қулдорлик, феодализм, капитализм, социализм жамиятлари маданиятларига бўлиш мумкин. Технологиялар қўлланишига мувофиқ, маданиятни ибтидоий, аграр жамият, индустриал жамият, постиндустриал жамият маданиятларига ажратса бўлади. Қадимги дунёга нисбатан маданият ва цивилизация тушунчалари ўзаро мос келиши мумкин (Миср, Бобил, Ҳиндистон, Хитой маданиятлари ва цивилизациялари). Антик даврга нисбатан эса унчалиқ мос келмайди. Юнонистон, Рим, Финикия, Карфаген маданиятларидан фақат юнонлар алоҳида цивилизация яратганлар. Уларга нисбатангина цивилизация ва маданият мослигини тан олиш мумкин. Рим, Карфаген, Финикия маданиятлари юнонлар маданиятидан ўзларининг маҳаллий хусусиятларига кўра бири озроқ (римликлар), бир кўпроқ (Карфаген) – ажралиб туради. Улар, яна бир қайтарамиз, алоҳида цивилизация яратганлари йўқ. Барча халқлар, барча минтақалар доимо ўзининг алоҳида маданиятига эга бўлганлар, аммо уларнинг аксарияти алоҳида цивилизация яратмаганлар ва бир цивилизация тизимида яшаганлар. Масалан, ислом ёки христиан цивилизацияси тизимида.

Аҳоли ўртасида тарқалишига, маҳорат савиясига кўра маданиятни хос (хавос) ва авом (омма) маданиятларига ажратиш қабул қилинган. Чунки жамиятда ижтимоий табақалашув юз бериши натижасида ўзига тўқ юқори табақалар турмуши, яшаш шароити, саводхонлиги, адабиёт ва санъатдан, таълим ва илм-фандан хабардорлиги

билан саводсиз оддий авом халқ, жисмоний меҳнат билан машғул табақалардан ажралиб турган. Хос ва авом маданиятларини ғарбликлар элита (элитар) ва омма (оммавий) маданияти деб атайди. Маданиятнинг мавжудлик ва намоён бўлиш шакллари ранг-барангдир. Маданиятнинг воқе бўлиш мезонидан келиб чиқиб, унинг тизимида биз алоҳида шахс маданиятини, маълум манфаатлар ва кизиқишлар туфайли бирлашган жамоа маданиятини (корпоратив маданиятни), алоҳида синфлар, табақалар ва йирик ижтимоий гуруҳлар маданиятини, улар орасида, масалан, ёшлар, хотин-қизлар ва ш.к. маданиятини (суб-маданият), касб маданиятини (профессинал маданият), миллат маданиятини, жамият маданиятини ажратамиз.

Маданиятнинг барча воқелик шакллари, албатта, бир-бири билан яқиндан, узвий боғланган. Лекин ҳар қайсиси ўзига хос хусусиятларга эга. Социумнинг нисбатан кичик бирликлари ўзидан юқорироқ birlik маданиятининг теранлигини, мазмунан ва шаклан мавжуд барча бойликларини акс эттира олмайди. Ижтимоий гуруҳ ёки бир касбга мансуб кишилар корпоратив маданияти миллий маданиятининг барча қирралари, теранликларини қамрай олмайди. Алоҳида шахс маданияти на ўзи мансуб ижтимоий гуруҳ ёки жамоа маданиятини, на миллий маданиятнинг барча бойликларини, қирраларини тўлиқ ўзлаштиролади. Чунки алоҳида шахс миллий санъат, адабиёт, илм-фан ва бошқа ютуқларнинг ҳаммасини, шунингдек, ўз касбининг барча сир-асрорларини, маҳорати ва тажрибасини тўлиқ эгаллай олмайди. Жамоанинг манфаатлари, қизиқишлари ва имкониятлари, уларни юзага чиқариш, амалга ошириш усуллари ҳам бир киши томонидан эгалланиши амри маҳол. Лекин социумнинг кичик birlikлари маданияти катта birlikлар ва миллий маданиятга нисбатан ўзининг конкретлиги, аниқ деталларга бойлиги, такрорланмаслиги, индивидуал белгилари билан ажралиб туради.

Юқорироқ ташкиллашган социум маданияти унинг таркибига кирувчи социумлар маданиятининг механик йиғиндиси эмас. Масалан, жамоа маданияти унинг аъзолари маданиятининг оддий йиғиндиси эмас. Чунки жамоанинг ўз корпоратив манфаати, уни юзага чиқарадиган ва

ҳимоя қиладиган фаолият йўналиши, ички қарор топган муносабатлари, анъаналари бор. Улар жамоа маданиятида ўз аксини топади. Миллий маданият мамлакатнинг турли минтақалари, вилоятлари маданияти йиғиндисигина эмас, балки умумий манфаатларни, умуммиллий мақсадларни ифодаловчи ғоялар, қадриятлар ва уларни юзага чиқарувчи воситалар, умуммиллий фаолиятни ҳам ўз ичига олади. Маданиятнинг ҳар бир босқичи ўзидан аввалги босқичлардан сифат жиҳатдан фарқ қилади. Шахс маданияти бошқа социумлар маданиятидан анча илғор бўлиши, илгарилаб кетиши ёки анча-мунча ортда қолиб кетиши мумкин. Айрим шахслар, гуруҳлар маданияти мазмуни ва мақсадига кўра радикал, кескин ўзгаришлар тарафдори, айрим шахслар, гуруҳлар маданияти, аксинча, анча консерватив, янгиликларни унчалик хушламайдиган бўлади.

Аслида маданият учун радикаллик ҳам, консервативлик ҳам самарали эмас. Биринчиси, ўтмиш маданиятини кўпроқ инкор қилишга, нигилизмга, барча нарсаларни тезроқ янгилаб ташлашга мойил, иккинчиси эса турғунликка, догматизмга, умрини ўтаб бўлган урф-одатлар, қолоқ бадий, илмий усулларни сақлаб қолишга интилади. Маданият ривожланишида тарихий ворисийлик таъминланиши керак. Бунга мўътадиллик асосида замонавийлик ва тарихийликни, янгиликлар ва анъаналарни уйғунлаштириш орқали эришилади. Маданият тушунчаси тўғрисида умумий тасаввурларга эга бўлганидан кейин, энди маданият ва маънавият диалектикасига – ўзаро бирлиги, қарама-қаршилиги, бир-бирини тақазо этиши, бир-бирига айланиши масаласига қайтамыз.

Аграр жамият табақавий, ижтимоий иерархиялашган (поғоналашган) жамият эди. Индустириал жамият оммавий жамиятга айланади. Оммавий жамият, шундай қилиб, ўзаро бегоналашган, ижтимоий алоқалари заифлашган, турмушнинг баъзи соҳаларида умуман узилган, жамоавийлик туйғулари ўтмаслашган, индивидуализмга, худбинликка алоқадор туйғулари, аксинча, кучайган одамлар жамиятидир.

«Элитар маданият» тушунчаси одамлар онгида собиқ аристократия маданиятини англаувчи агамага айлана

бошлади. Шу боис ҳозир фанда кўпроқ «юксак маданият» тушунчаси қўлланилади. Оммавий маданият атама-сининг мазмуни ўзгарди. У замонавий технологиялар ва ОАВ ёрдамида яратиладиган маданиятни, кўнгилочар индустрия ва ҳордиқ чиқариш ҳамда ахборот олиш (биржа котировкалари, нарх-наво, жаҳондаги иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий янгиликлар, товарлар ва хизматлар рекламаси, турли «юлдузлар» ва сиёсатчилар ҳаёти, спорт янгиликлари ва ҳ.к.) ва турмушнинг бошқа қулайликларини англатади.

Унинг маънавият юксалишига таъсири ўта паст, баъзан эса анча салбий. Ғарб олимларининг оммавий маданиятга муносабати ўта ранг-баранг, икки қутбли. Оммавий маданиятни тўла инкор қилиш бир қутб бўлса, иккинчиси – тўла оқлашдир. Бу икки қарама-қаршиликлар ўртасида яна қанча ҳар хил ёндашувлар, баҳолар мавжуд. Баъзи олимлар оммавий маданиятнинг «ижобий» ва «салбий» жиҳатларини таҳлил қилиб, унинг замонавий цивилизацияда етакчилик ролини таъкидлайди. Унга анъанавий тушунчадаги қадриятлар ва эстетик баҳолар нуқтаи назардан ёндашиб бўлмаслиги, у мутлақо бошқа бир ижтимоий ҳодиса эканлигига урғу бермоқдалар: оммавий маданият маҳсулоти, бу – истеъмол буюми, хизмат тури, мулоқот ва алоқа шакли, дам олиш ва кўнгил очиш воситаси. Унга эстетик нуқтаи назардан баҳо бериб бўлмайди. Баъзи олимлар оммавий маданиятнинг жаҳон халқлари турмуш тарзи, менталитети, истеъмоли, ижтимоий муносабатини ва шу қабиларни ғарблаштириш воситаси эканлигини, унинг «маданий мустамлакачилик» ролини эътироф этмоқдалар. Ҳатто Европани «америкалаштириш» оммавий маданият орқали амалга ошмоқда, деб ҳисоблайдиганлар кўпаймоқда.

Оммавий маданият ҳозирги замон цивилизациясининг ижтимоий ҳаётда воқе бўлишининг, фаолият кўрсатишининг асосий шаклидир. Радио, ТВ, интернет, замонавий ахборот воситалари, мулоқот, алоқа, ҳисоб-китоб қулайликлари ва ҳ.к. ва ҳ.к. барчаси замонавий оммавий маданиятга дахлдор. Шу сабабдан оммавий маданиятга фақат салбий ёндашиш хато бўлади. Лекин, ҳақиқатан, оммавий маданиятни аксилмаданият билан чалкаштир-

маганда ҳам, унинг баъзи қатламлари, айниқса, «китч» деб аталадиган қатлами маънавиятга салбий таъсир кўрсатишини таъкидлаш керак.

Ғарбнинг айрим олимлари орасида ўрта асрларга хос диний-мафкуравий ва маданий хусусиятларга эга цивилизацияларни мутлақлаштириш, унинг замонавий ҳаётдаги ролини ортиқча баҳолашга мойиллик бор. Натижада, кейинги йилларда «цивилизациялараро тўқнашув» концепцияси анча палак отмоқда. Айниқса, АҚШлик олим С.Хантингтоннинг ушбу концепцияни асослашга бўлган уринишларидан кейин олим замонавий жамиятда мавжуд саккиз хил цивилизация – христиан, православ, ислом, индуизм, буддизм ва бошқа цивилизациялар ўртасидан ўтган географик чегараларда келажакда тўқнашувлар, урушлар бўлишини башорат қилади. Ҳатто, бу тўқнашув ислом ва христиан цивилизациялари чегарадош бўлган Яқин Шарқ, Болқон яриморолидан бошланиши эҳтимоли юқорилигини қайд қилади. Кейинги 25–30 йиллар мобайнида мазкур минтақада содир бўлган қонли тўқнашувлар гўёки унинг башоратларини тасдиқлайди. Аммо, аслида, цивилизациялараро тўқнашув концепцияси илмий асосга эга эмас. Ушбу масала китобнинг охириги мавзуларида кўриб чиқилади.

Тарихнинг гувоҳлик беришича, мамлакатлар ўртасида келиб чиққан қонли урушларнинг сабабларини маълум сулолалар, табақалар ва партияларнинг иқтисодий ва сиёсий манфаатларидан ёки мулкнинг турли тарихий шаклларининг курашидан қидириш лозим. Европада юз ва ўттиз йиллик урушлар бир цивилизация доирасида содир бўлган эди. Тўғри, улар диний-мафкуравий тус олган. Аммо бу фақат ташқи қобик эди. Салиб урушлари асосида ҳам ислом ва христиан цивилизацияларининг ўзаро келишмай қолганлиги эмас, балки Европа мамлакатларида аҳолининг кескин кўпайиши натижасида иқтисодий муаммоларнинг ҳаддан ортиб кетиши, мансаб ва имтиёзлар учун талашаётган, ғайратли дворянларнинг ҳамда аҳоли қашшоқ қисмининг норозилиги бошқа бир томонга йўналтирилиб, бой ва ривожланган ислом мамлакатларини, христиан бўлишига қарамасдан, обод Византияни талаш эди. XVII асрдан бошлаб иқтисодий ва ҳарбий жиҳатдан

кучайиб кетган Европа мамлакатларининг мустамлакачилик урушлари ҳам асло цивилизациялараро тўқнашув эмас. Балки хомашё манбаларини, янги бозорларни эгаллаб олишга, ҳукмронлик қилишга интилиш эди.

Ҳозирги замонда ҳам жаҳоннинг турли минтақаларида юз бераётган тўқнашувлар асосида аслида неоколониалистик сиёсат, буюк давлатларнинг қазилма бойликлар ва энергия ресурслари учун ўзаро геосиёсий кураши, ривожланаётган мамлакатларга нисбатан икки хил стандартларни қўллаши ётибди. Собиқ мустамлакалар ўртасидаги чегаравий ва ҳудудий баҳслар (Ҳиндистон ва Покистон, айрим Африка давлатлари, Исроил ва Фаластин ўртасидаги) ҳам асло цивилизациялараро тўқнашув эмас. Улар мустамлакачилик давридан мерос қолган. Цивилизациялараро тўқнашув концепцияси, шундай қилиб, илмий жиҳатдан ҳеч қандай асосга эга эмас.

Хулоса қиладиган бўлсак, маънавият, маданият ва цивилизация тушунчалари ўзаро яқин, ўзаро таъсир қилувчи, бир-бири билан боғлиқ тушунчалардир. Аммо бир-биридан фарқ қилувчи моҳият ва мазмунини, ҳодиса ва шаклини, бус-бутун тизимнинг турли даражалари воқе бўлишини, функцияларини ифодалаш, акс эттириш бўйича алоҳида тушунчалардир. Улар бир сатҳда ёнма-ён турувчи тушунчалар эмас. Балки турли сатҳларга оид тушунчалардир. Уларнинг алоқалари горизонтал эмас, вертикалдир. Маънавият маданият ва цивилизациянинг ички моҳиятини, ўзига хос хусусиятларини белгилайди.

6. МАЪНАВИЯТ ВА ИҚТИСОДИЁТ

Маънавият ва иқтисодиёт муносабати, ўзаро таъсири масаласида Ғарб илм-фанида икки хил қарама-қарши қараш қарор топган. *Биринчиси* – марксистик қарашлар. Тарихни материалистик тушунишга биноан, ижтимоий ҳаётда иқтисодиёт ҳал қилувчи роль ўйнайди. Ахлоқий, ҳуқуқий, эстетик меъёрлар, идеаллар, эътиқод, дунёқараш, дин, урф-одатлар иқтисодий пойдевор (базис) устида вужудга келадиган қурилмадир, яъни устқурмадир. Пойдевор ўзгариши билан устқурма ҳам ўзгаради. Марксизмга биноан, иқтисодиёт маънавиятга

нисбатан белгиловчи омилдир. Тўғри, марксизм маънавий маданият иқтисодиётга акс таъсир, айрим ҳолларда жиддий акс таъсир кўрсатади, деб тан олади. Лекин барибир маънавиятга иккиламчи ҳодиса – иқтисодий муносабатларнинг ҳосиласи, деб қарайди.

Иккинчиси – кўпроқ атокли немис мутафаккири Макс Вебер, қисман машҳур француз социологи Э. Дюркгейм қарашларидир. М. Вебер қарашларига мувофиқ, маънавий жамият ҳаётида, жумладан, меҳнатга муайян муносабатлар шаклланишида ҳал қилувчи роль ўйнаган. Янада аниқроқ айтилса, эътиқод, диний-ахлоқий меъёрлар ва идеаллар иқтисодиёт ривожланишини белгилаган. Вебер ўз хулосаларини протестант ахлоқининг замонавий ғарбий европача тамаддуннинг вужудга келиши ва ривожланишига таъсири орқали исботлашга уринади. У ўзининг муайян зиддиятлардан холи бўлмаган «Протестант этикаси ва капитализм руҳи» асарида капиталистик ишлаб чиқариш муносабатлари, кадриятлари шаклланишига протестантизмнинг, айниқса, унинг пуритан мазҳабларининг ахлоқий меъёрлари, биринчи навбатда, ҳалол ва тиришқоқ меҳнат қилиш орқали ўз аҳволини, турмушини яхшилашга интилиш лозим, деган талаби ҳамда ижтимоий ҳаётни ва турмуш тарзини, ишлаб чиқаришни муттасил рационаллаштиришга қаратилган мўлжали белгиловчи таъсир кўрсатганини эътироф этади.

Протестантизмдан аввалги христианчиликдаги диний оқимлар, бошқа динлар (ислом, буддизм) одамларга камсукумлик, қаноат, нафс ва ҳирсни жиловлаш, камтарона турмуш кечиришни тез-тез эслатиб келган. Протестантизм ахлоқи ҳам бу кадриятларни тарғиб этди, аммо шахс манфаатини ва индивидуализмни чегараламади, балки тиришқоқ меҳнат қилиш талаби билан уларни бирлаштириб, рағбатлантирди. Ўзидан аввалги диний эътиқодлардан – католицизм ва православиедан фарқли, протестантизм оламни, турмуш тарзини оқилона амалий ўзгартириш мумкинлигини, бунда инсон четдан, черковдан, азиз-авлиёлардан мўъжиза кутмасдан, фақат Худога сизқидилдан эътиқод қилиб, ўз кучига, меҳнатига таяниши лозимлигини ахлоқий меъёр, ижтимоий идеал даражасига кўтарди.

Иқтисодиётнинг маънавият билан алоқалари жуда ранг-баранг ва мураккабдир. Иқтисодиёт маънавият ривожланиши учун моддий шарт-шароитлар яратади. Иқтисодиёт эҳтиёжлари, талаблари маънавиятга нисбатан «буюртмачи» вазифасини ўтайди. Масалан, янги технологиялар яратиш, меҳнат қуролларини такомиллаштириш ва шу қабилар илм-фанни, техник ижодкорликни ривожлантиришга хизмат қилади. Ишлаб чиқариш жараёнининг мураккаблашувига, илмталаблигининг ошишига яраша ишчи ва мутахассисларда янги меҳнат кўникмалари ҳосил бўлишини, уларнинг малакаси муттасил ўсиб боришини тақозо этади. Бу эса жамиятда кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш, умуман, тарбия ва таълим тизими ривожланишига, маънавий-психологик муҳит ўзгаришига, ишлаб чиқаришда ва турмушда рационализаторлик, ихтирочилик, техник ижодкорликка мойиллик кучайишига таъсир кўрсатади. Бундан ташқари, турли товарларни, маҳсулотларни ва хизмат турларини харидорларга таклиф қилиш эҳтиёжи ҳар хил кўрғазмалар, шоу томошалар, конкурслар, лотореялар ва, ниҳоят, реклама-ахборот индустриясини вужудга келтирди.

Ўз навбатида, маънавиятнинг ўсиши, илмий-техника кашфиётлари, аҳоли билимларининг ва малакасининг ошиши, иқтисодий тафаккурининг ўзгариши, юксак оморлар ва ижтимоий марраларни кўзлаш, янгиликларга интилиш иқтисодиётни ривожлантиради. Аммо иқтисодиёт ва маънавият ўртасида доимий равишда мавжуд бўлган зиддиятлар ҳам бор. Улар давлат сиёсатида ҳисобга олиниши лозим, акс ҳолда, у қутилган самарани бермайди.

Ўз-ўзидан, маълумки, мамлакатимизнинг бундан кейинги ривожланишида ҳам иқтисодиёт ва маънавият муносабатлари, уларнинг ўзаро алоқадорлиги ва бир-бирига таъсири масаласи тўғри ҳал қилинмоғи лозим. Фойда олиш иқтисодиётнинг тор хусусий мақсадидир, аммо унинг асосий ижтимоий мақсади одамларнинг моддий эҳтиёжларини қондириш, маънавий эҳтиёжлари қондирилиши учун шароит яратишдир. Иқтисодиётнинг ижтимоий вазифаси – инсон учун хизмат қилиши лозимлигини эса жамиятга маънавият эслатиб туради. Тараққиёт моделида фақат иқтисодиётга эътибор берил-

са, жамиятни уйғун ривожлантириш, айникса, маънавий маданиятни юксалтириш, одамлар ўртасидаги муносабатларни инсонпарварлик ва ахлоқийлик асосида қуриш қийин бўлади. Моделда маънавийга устунлик берилса, унда иқтисодий қонунларга беписанд қараш, волюнтаризмга ён бериш, иқтисодиётнинг мафкурага бўйсуниб қолиш хавфи туғилади. Собиқ социалистик мамлакатлар бундай сиёсатни ўз вақтида бошидан кечирган эдилар.

Мартин Лютер таълимотига бориб тақаладиган (XVI аср) бу меъёрнинг, омоннинг диний жиҳатларини, протестантизмнинг турли мазҳаблари ўртасидаги ушбу масала бўйича умумийликни ва баъзи бир нозик ўзига хосликни таҳлил қилишни биз мақсад қилиб қўйганимиз йўқ. Фақат шуни эътироф этмоқчимизки, Мартин Лютер ва бошқа мазҳаблар асосчилари мазкур ғояни христиан динининг арконий ақидаларидан бири – туғилишидан гуноҳкор банда сифатида оламга келадиган инсон боласининг руҳини халос этиш масаласи доирасида олға сурган ва асослаган. (Протестантизм асосчилари М.Лютер, И.Цвингли ва Ж.Кальвин капитализмнинг илк назариячиларидан бўлган экан-да, деган хулоса келиб чиқмаслиги керак. Улар руҳонийлар сифатида иқтисодиётни ислох қилишни хаёлларига ҳам келтирмаганлар. Тадбиркорликка шахсий муносабатлари эса салбий бўлган. Лекин улар яратган диний оқимнинг асосий тамойиллари капитализм ривожланиши учун маънавий негизлардан бири бўлгани шубҳасиз).

М.Вебер ҳалол, тиришқоқ меҳнат протестантизмда диний жасорат, «дунёвий зоҳидлик» мақоми касб этади, деб ҳисоблайди. (Вебер протестантизмнинг замонавий капиталистик хўжалик фаолияти шаклланишига эмас, балки «капитализм руҳи» шаклланишига таъсири ҳақида сўз юритади. У замонавий капиталистик хўжалик ҳеч қандай диний таълимотнинг ёрдамига муҳтож эмаслигини, аксинча, капиталистик хўжалик фаолияти иқтисодиётга черков аралашувининг ҳар қандай кўриниши халал беради, деб ҳисоблашни алоҳида таъкидлайди. Ушбу муносабат билан ўзбек моделидаги иқтисодиёт мафкурадан холи бўлиши лозимлиги тамойилини эсланг).

Капитализм рухига, иқтисодий рақобатга, товар-пул ва меҳнат рақобатига католицизм ва православиега нисбатан протестантизм мосроқ эди. Шу боис протестантизм кўпроқ тарқалган жойларда капитализм нисбатан тезроқ ривожланди. Ғарб мамлакатларининг тараққиёт даражасини ўзаро таққосласак, католик дини ҳукмронлик қилган Испания, Португалия, Лотин Америкаси, Польша ёки православие ҳукмронлик қилган Юнонистон, Югославия, Руминия, Россия, Болгария, Беларусь, Украина, Молдова каби мамлакатлар протестантизм кўпроқ тарқалган Шимолий Америка (АҚШ, Канада), Англия, Германия, Франция, Швейцария, Дания, Голландия, Белгия, Швеция каби мамлакатлардан ижтимоий тараққиётда ҳозир ҳам анча орқада эканлигининг гувоҳи бўламиз.

Юқоридаги мулоҳазадан христианликнинг бошқа оқимлари (католицизм, православие) ёки бошқа динлар (ислом, буддизм) меҳнатни протестантизмга нисбатан паст қадрлаган эканлар, деган хулоса келиб чиқмайди. Барча динлар ҳалол меҳнатни улуғлаганлар. Ислом пешона тери билан топилган ҳалол лукма билан кун кўришни, бола-чақа боқишни ахлоқий меъёр даражасига кўтарган. Лекин, улардан фарқли, протестантизм инсон ўз руҳини ибодат орқали эмас, меҳнат ва Худога сидқидилдан эътиқод қилиш орқали халос этади, деб ҳисоблайди. Эътиқодни эса ақлнинг амалий ишига – меҳнатга айлантиради. Кишининг ўз касби доирасида эришган муваффақиятига Худо томонидан унинг халос этилганлар қаторига киритилганлиги белгиси, деб қарайди. Шу боис протестант учун меҳнат муваффақияти, натижаси бирдан-бир мақсадга айланади (Меҳнатни ибодатдан устун қўйишни протестантизм қуйидагича асослайди. Биринчидан, Парвардигор Одам Ато ва Момо Ҳавони жаннатдан ерга туширганда, уларга берган кўрсатмаси ибодат қилиш эмас, балки пешона тери билан ризқ-рўзини топиш бўлган. Иккинчидан, инсон Худо томонидан белгиланган қисматини ўзгартира олмайди. Агар унинг ишлари юришса, демак, у Яратганга маъқул зотлар қаторига киради.

Мартин Лютердан 1,5 аср муқаддам шунга ўхшаш ғояни буюк валий Нақшбанд ҳазратлари олға сурган

эди: «Дил ба ёру даст ба кор». Минг афсуски, бу даъват ислом оламида янги ахлоқни ва меҳнатга янги муносабатни вужудга келтира олмади. Нақшбанд даъвати меҳнатда, бунёдкорликда моддийлашган амалий эътиқодга айланмади).

Христианликнинг янги оқими сифатида тарих сахнасига чиққан протестантизмда сўз умуман меҳнат қадри эмас, балки муайян шахснинг меҳнати қадри ҳақида, унинг манфаати (бу ерда: муваффақиятга эришиб, Худо ярлақаганлар қаторига кирганлиги тўғрисида ишора олиш) жамоа манфаати соясида қолиб кетмаслиги лозимлиги ҳақида юритилди. Протестантизм инсоннинг мавжуд ижтимоий ҳолатини меҳнат орқали ўзгартиришга монелик қилмади, балки рағбатлантирди. Бошқа динлар, диний оқимлар мавжуд ижтимоий муносабатларни тубдан ўзгартирмасдан, инсонни фақат такомиллаштиришга ундаган бўлса, протестантизм уларни жиддий ислоҳ қилишга, янги иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, янги диний-ахлоқий муносабатларни қарор топтиришга ундаган эди. (Энг қадимги динлардан бўлмиш индуизм ҳатто жамиятда қайси табақа (каста) меҳнатнинг қайси турлари билан шуғулланиши мумкинлигини қатъий қоидалар билан мустаҳкамлаб қўйган. Унга биноан, юқори каста вакиллари қуйи каста вакиллари бажарадиган ишлар билан шуғулланишлари мумкин эмас, ва аксинча. Европада ҳам юқори табақа вакиллари қуйи табақа вакиллари шуғулланадиган ишлардан ҳазар қилар, қуйи табақа вакилларига зодагонларга тегишли баъзи бир касблар эшиги ёпилган эди). Протестантизм касбларнинг нотенглигини ва бу билан боглиқ касбий имтиёзларни мафкуравий жиҳатдан бекор қилди. Лютер ғоясини Вебер қуйидагича ифодалайди: «Дунёвий мажбуриятларни (яъни бу дунёнинг мажбуриятларини – А.Э.) бажариш ҳар қандай шароитда ҳам Худога маъқул бўлишнинг бирдан-бир воситасидир, мана шу – фақат шугина илоҳий ироданинг кўрсатмасидир ва шу боис барча руҳсат этилган касблар Худо олдида тенгдир»¹.

¹ М. Вебер. Избранные произведения. – М.: «Прогресс», 1990. 98-б.

Мехнатга бундай муносабат билан протестантизм Европада феодализм бағрида ўсиб, кундан-кун ривожланиб бораётган капиталистик муносабатларга, янги тузумга йўл очганди. Шу сабабли протестантизмни қарор топтирган Реформация нафакат диний ислохотлар ҳаракати эди, у, шунингдек, янги иқтисодий тузум, янгича ишлаб чиқариш муносабатлари учун кураш ҳаракати ҳам эди.

Адолат юзасидан айтиш лозимки, Вебернинг ўзи Реформацияни диний ислохотлар учун кураш доирасидан чиқадиган ҳодиса, айниқса, капиталистик муносабатлар учун кураш, деб қарамайди.

Вебер капитализм хўжалик системаси Реформация маҳсули эмас, деб ҳисоблайди. Бу – тўғри фикр. Хўжалик системаси, одатда, қарор топган иқтисодий муносабатлар (алмашув, таксимот, хўжалик ҳуқуқи) ва ишлаб чиқариш технологиясининг эришилган даражасидан ташкил топади. Лекин Реформация ўз олдига черковни ислох қилиш, протестантизмни қарор топтиришни мақсад қилиб қўйган экан, унинг дохийларининг субъектив хоҳишидан қатъи назар, у янги ижтимоий муносабатларга, янги тарихий заруратга объектив равишда йўл очган эди. Протестант этикаси – ахлоқий меъёрларининг «капитализм руҳи»ни вужудга келишидаги аҳамиятини Вебернинг ўзи ажойиб тарзда кўрсатиб берди.

Реформация Европанинг қатор мамлакатларида ғалаба қозонмаса, капитализм вужудга келмас эди, деб дадил айтиш мумкин. Аслини олганда, Европа мамлакатлари орасида XIV асрда Италияда илк капитализм курталари яққол кўзга ташланиб қолган эди. Айниқса, Флоренция, Венеция, Неаполь, Генуя каби князликларда ички товар алмашуви, шарқ ва шимол мамлакатлари билан савдосотиқ яхши йўлга қўйилгани сабабли товар ва пул айланмаси тезлашуви, банкларнинг вужудга келиши, ёлланма меҳнатнинг кенг қўлланилиши илк капиталистик муносабатларни юзага келтирган эди. Ғарб Ренессанси (Уйғониш даври) ҳам айнан Италияда бошлангани бежиз эмас. Аммо Италияда Реформация ҳаракати ривожланмади. Католик черков ўз мавқеини сақлаб қолди. Шу боис Италия князликлари XVII асрга келиб XIV–XVI

аср биринчи ярмидаги тараққиёт суръатларини саклаб қололмадилар, XVI аср иккинчи ярмида Венециядан ташқарилари ҳатто ўз мустақиллигидан айрилдилар. Бу бизнинг халқимиз бошидан кечирган, теурийлар давридаги иқтисодий ва маданий ўсишнинг кейинги асрларда таназзулга юз тутиши, орқага кетиш билан алмашганига анча ўхшаб кетади.

XVI–XVII асрнинг биринчи ярмида дунёни «иккига бўлиб олган», кўплаб мамлакатларни мустамлакага айлантирган католик Испания ва Португалия ҳам XVII асрнинг иккинчи ярмидан ортга кетди, капиталистик муносабатларга кенг йўл очолмади. Ваҳоланки, XVI асрда уларда бундай объектив имконият Англия ва Францияга нисбатан анча кўпроқ эди.

Бошқа бир мисол: Испания ва Португалия собиқ мустамлакалари – Лотин Америкаси давлатлари XIX асрда мустақилликларини қўлга киритдилар. Лекин ҳалигача тараққиётда илгарилаб кетганлари йўқ. Уларни Англиянинг собиқ мустамлакалари – АҚШ, Канада, Австралия ёки Гонконг билан таққослаш мутлақо мумкин эмас.

Ушбу мисоллар католицизм ва протестантизм ахлоқий меъёрларининг меҳнатга, иқтисодий заруратнинг юзага чиқишига таъсир кўрсатишига жонли мисолдир. Протестантизм бошқа динлардан мистикани тўла инкор этиши билан ажралиб туради. Протестантизмнинг турли йўналишлари, биринчи навбатда, пуритан маҳзаблари, айниқса, кальвинизм қатъий интизомга риоя қилади. Улар нафақат ҳар қандай дабдабазликни, ортиқча қулайликларни, ҳаёт лаззатларини кишини худодан чалғитади деб, инкор қилиш билан, шунингдек, умуман ортиқча ҳиссиётни (диний ҳиссиётни, жазавани, мутаассибликни ҳам) тан олмаслиги билан ажралиб туради. Шу боис протестантизм шахс ва жамият ҳаётини, ишлаб чиқаришни, ижтимоий муносабатларни рационализм – оқилоналик асосида қуришга ундайди. Кези келганда айтиб кетиш лозимки, ҳиссиётни инкор қилишни пуритан мазҳаблари фақат ёлғиз Худога сажда қилиш лозим, ундан ўзгага ва қўлда яратилган нарсаларга сиғиниш гуноҳи азим, деган ақида билан бирлаштириб, ҳар қандай шахсга сиғинишни, авторитаризмни инкор этди. Ушбу маънода бугунги Ғарб

сийсий маданияти асослари шаклланишига ҳам протестантизм маълум даражада ҳисса қўшган.

Ф.Энгельс пуританча талабларни «буржуа тежамкорлиги», деб баҳолайди. Марксизмга мувофиқ, мафкуравий, жумладан, диний меъёрлар ва тамойиллар иқтисодий заруратнинг ўзига хос реал ёки фантастик тарзда ижтимоий онгда акс этишидан бошқа нарса эмас. Шу боис К.Маркс ва Ф.Энгельс протестантизмни, унинг асосий меъёрлари ва ахлоқий талабларини диалектик «нозик» мушоҳадалар ёрдамида бевосита ёки билвосита шаклланаётган капитализм заруратидан келтириб чиқаради.

Лекин «тежамкорлик» талаблари христианликнинг ўзида илк ўрта асрларда, ҳатто антик ва ундан кейинги даврларда (V асргача), бошқа динларда ҳам мудом мавжуд бўлганини ҳисобга олсак, улар XVI–XVII асрдаги ижтимоий борлиқнинг, яъни шаклланаётган капиталистик муносабатларнинг маҳсули эмаслигига ишонч ҳосил қиламиз. Айни пайтда протестантизм (пуритан мазҳаблари) талаблари ва илк капитализм туғдирган зарурат ўзаро мос келиб қолганлигини эътироф этиш лозим. Илк капитализм протестантизмда ғоявий-мафкуравий таянч топди. Протестантизм эса илк капитализм орқали ўзининг моддий-ижтимоий асосларини кенгайтирди ва, оқибатда, жамиятда барқарор мустаҳкам мавқе эгаллади.

Маънавият ва иқтисодиётнинг ўзаро таъсири тўғрисида Маркс ва Вебер хулосаларини онтологик нуқтаи назаридан ўзаро карама-қарши материалистик (Маркс) ва идеалистик (Вебер) хулосалардир, дейиш мумкин. Айниқса, Маркс хулосалари масалага асосан онтологик ёндашувнинг натижасидир. Лекин, назаримизда, масалага онтологик эмас, балки кўпроқ функционал нуқтаи назардан (ижтимоий ҳодисаларнинг фаолият кўрсатиши ва муайян вазифаларни бажаришидан келиб чиқиб) ёндашиш самарадорроққа ўхшайди (Вебер мулоҳазаларида бу ёндашув кўпроқ ўз аксини топган). Агар шундай қилинса, иқтисодий омиллар белгиловчи роль ўйнайдими ёки маънавият, деган маълум даражадаги схоластик саволларга ўрин қолмайди. Чунки функционал ёндашув учун онтология олдидаги бош масала сифатида турган: моддий бирламчими ёки маънавият, қайсиси белгиловчи, деган саволлар иккинчи даражалидир.

Вебер мазкур асарини қуйидаги фикр билан тугатгани диққатга сазовордир: «Бу бизнинг маданият ва тарих соҳасидаги сабабий алоқаларнинг бир томонлама материалистик талқинини худди шундай бир томонлама руҳоний сабабият талқини билан алмаштириш ниятида эканлигимизни билдирмайди. Униси ҳам, буниси ҳам тенг даражада қўлланилиши мумкин, бироқ агар улар тадқиқотнинг дастлабки шартли бўлиб эмас, балки хулоса босқичи бўлиб хизмат қилса, иккаласининг ҳам тарихий ҳақиқатни аниқлашга ёрдами кам тегади».

Агар маънавият ва иқтисодиётнинг ўзаро таъсирини функционал ёндашувдан келиб чиқиб таҳлил этсак, улар анча мураккаб ва ранг-баранг, ҳар бир муайян ҳолатда ҳар хил эканлигининг, умуман олганда, уларнинг ўзаро таъсири бир-бириникидан кам эмаслигининг гувоҳи бўламиз. Меҳнат билан ахлоқ туташмаса, иқтисодий муносабатларда маънавият масалалари, хусусан, инсонпарварлик талаблари ва меъёрлари етарлича ҳисобга олинмаса, технократик қарашлар устунлик қилса, ишлаб чиқариш ўсгани билан, инсоний муносабатлар таназзулга учрайди, бегоналашиш кучаяди. Бу, оқибат-натижада, ижтимоий таназзулга олиб келиши мумкин.

Иқтисодий ўсиш бўлмаса, халқ турмуш фаровонлиги юксалмаса, маънавиятнинг кўп соҳалари ривожланмайди: халқ таълими, санъат, оммавий ахборот воситалари, матбаачилик, илм-фаннинг моддий базаси ночор аҳволга тушиб қолади, жамиятнинг ижодий изланишлари сусаяди. Турли шакллардаги мафкуравий муросасизлик, мутаассиблик тарқалиши учун имкониятлар пайдо бўлади. Бу, ўз навбатида, иқтисодиёт ривожланиши учун кўшимча қийинчиликлар туғдиради, чунки иқтисодиётнинг янги технологияларга, янги ғояларга бўлган эҳтиёжлари етарлича қондирилмайди. Иқтисодий тафаккур давр талабидан ортда қола бошлайди. Инсонпарварлик, ҳалоллик етарлича ҳисобга олинмаган жойда иш берувчи билан ишга ёлланувчи ўртасида ижтимоий шериклик эмас, қарама-қаршилик вужудга келади.

Маънавиятнинг иқтисодиётга таъсири, юқорида таъкидланганидек, биринчи галда жамиятда меҳнатга муносабат қандайлигида намоён бўлади. Меҳнат қадриятлар

тизимда қандай ўрин тутади, қай даражада эркин? Жамиятнинг турли қатламлари орасида меҳнат қилишга, унинг муайян турларига (касбларга) интилиш қандай? Меҳнатнинг рағбатлантирилиши (меҳнатга ҳақ тўлашнинг меъёрлари) қай даражада адолатли? Меҳнатнинг, ишлаб чиқаришнинг ўзи рационал ташкил этилганми, доимий, муттасил такомиллашиб боришга, янги технологияларни қабул қилишга унда ички рағбат, интилиш борми ва шу каби бошқа саволларга жавоб жамиятда қарор топган кадриятлар мезонидан, меҳнатга муносабатдан, умуман, дунёқарашдан келиб чиқади.

Иккинчидан, маънавиятнинг иқтисодиётга таъсири халқ хўжалигининг қандай фаолият кўрсатишида намоён бўлади. Масалан, товар-пул муносабатларининг, кредит ва солиқ тизимларининг, бозор инфратузилмаларининг ривожланиши кўп жиҳатдан мазкур соҳалардаги эҳтиёжларнинг англаб олинишига ва уларни қондириш учун шарт-шароит яратишга, жамиятда шаклланган иқтисодий тафаккурга, ахлоқий ва ҳуқуқий меъёрларга боғлиқ. Хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги муносабатларнинг ўзаро ишонч, хайрихоҳлик, қатъий ҳуқуқий ва ахлоқий меъёрларга асосланиши маънавиятга боғлиқ. Меҳнат ва ишлаб чиқариш муносабатлари, совет давридагидек, иррационал ташкил этилса, мафкурага бўйсундирилса, ишлаб чиқариш ва, умуман, иқтисодиёт илмий-техника ютуқларига, янгиланишга очик бўлмайди, турғунликка юз тутади. Унга ҳар қандай янгилик мажбурий, зўравонлик асосида жорий этилади, аммо барибир кутилган самарани бермайди.

Бошқача айтганда, маънавият иқтисодиётнинг ривожланишига, унинг қайишқоқлик ёки инертлик даражасига, янгиликларга ва янгиланишга очиклик даражасига, одамларнинг эҳтиёжларини ҳисобга олиш ёки яхши ҳисобга олмаслик даражасига таъсир кўрсатади. Маънавиятнинг меъёрий-баҳолаш хусусияти иқтисодиёт кун тартибига қўйган талабларни бажаришга ёки уларга нисбатан жамиятни бепарво бўлишга ундайди. Биринчи ҳолатда, иқтисодиёт ва маданият яхши суръатларда ривожланади. Иккинчи ҳолатда эса, жамият турғунликка юз тутади, бу маънавиятнинг меъёрлаш-баҳолаш тизими ўзгармагунча

асрлар бўйлаб давом этиши мумкин. Шарқда бир неча асрлар давомида мафкура иқтисодий заруратни инкор қилган, айниқса, бу Хитой ва Ҳиндистонда узоқ давом этган. Ислом мамлакатларида IX–XII асрларда товар-пул муносабатлари, савдо-сотик ривожланиши, жамиятда ижтимоий сафарбарлик ва янгиликларга интилиш юқори бўлгани, жамиятда ўта кескин ижтимоий-синфий зўравонлик ва қарамликнинг (крепостной қарамлик каби) йўқлиги, ёлланма меҳнатнинг анча ривожланганлиги илк капиталистик муносабатлар вужудга келиши ва ривожланиши учун объектив иқтисодий шарт-шароит ва зарурат яратган эди. Лекин турли сабабларга кўра (улар орасида иқтисодий, сиёсий, диний-мафкуравий сабаблар бор), оилавий ташкиллашиш доирасини ёриб чиққан саноат, мустақил, «объективлашган», рационал асосга қурилган ишлаб чиқариш корхонаси (завод-фабрика) ва капиталнинг жамғарилиши, капиталистик бозор инфратузилмаси (молия-кредит, банк, транспорт, алоқа, биржалар, суғурта тизимлари ва ш. к.) вужудга келмади. Жамиятнинг мафкураси, маънавияти объектив иқтисодий заруратни инкор этди, уни юзага чиқармаслик учун очикчасига курашди (рибоъ, тавдлия каби тамойилларни эсланг).

Совет даврида ҳам меҳнатга муносабат анча салбий мазмун касб этди, ҳалол ва сифатли меҳнатнинг кадри тушиб кетди. Чунки у етарлича рағбатлантирилмади, одамлар меҳнатига яраша ҳақ ололмади. Иқтисодий ва сиёсий зўравонликка асосланган совет модели, катагонлар барҳам топиб, зўравонлик нисбатан камайган сайин самарасини пасайтира бошлади, оқибатда, инкирозга юз тутди.

Шахснинг моддий манфаати жамоа ва жамият манфаати билан уйғунлашмас экан, ўзбек модели истикболсиз бўлиб қолаверади. У қанчалик ички тузилиши жиҳатдан мутаносиб бўлмасин, қанчалик фан-техника ютуқларига, янгиликларга очик, илғор тамойилларга таянмасин, шахс манфаатларини етарлича ҳисобга олмаса, моделнинг имкониятлари реал эмас, балки формал хусусият касб этади ва амалда воқе бўлмайди.

Тўғри, шуни ҳам назарда тутиш керакки, моддий рағбат меҳнатга янгича муносабат қарор топмаган жойда,

биринчидан, самара бермайди (бу ҳақда қуйида алоҳида тўхталамиз), иккинчидан, ўзи ҳам ривожланмайди. Лекин моддий манфаатдорлик пировардида меҳнатнинг интенсивлашиши, такомиллашиши, янги технологияларга интилишнинг пойдевори ва ҳаракатлантирувчи омилларидан биридир.

Шу боис, шахснинг реал даромадларини йилдан-йил ошириб бориш лозим. Инвестициялар учун маблағ топиш, капитални жамғариш баҳонасида шахс манфаатлари етарлича таъминланмас экан, эртанги кунда меҳнатга тўғри муносабат шаклланмайди. Халқ хўжалигида яширин иқтисодиёт улуши ўсиб бораверади. Ҳалол ва очик ишлаш орқали ўз аҳволларини яхшилашлари мумкинлигига ишонмайдиган одамлар сони кўпаяди ва улар яширин иқтисодиётга қўшилиб кетадилар. Энди биз шахс манфаатини, интилишларини жамоа ва жамият манфаатига қарши қўймасдан, ишни юксак баҳолашни ўрганишимиз, одамларнинг меҳнатдан, унинг оқибат-натижаларидан манфаатдорлигини муттасил ошириб боришимиз лозим.

Бозор иқтисодиётининг таркибий қисми сифатида меҳнат бозори вужудга келяпти. Меҳнат бозори ишчи ва мутахассислар ўртасида рақобат пайдо бўлишини, ишчи ва мутахассисларга, уларнинг малакасига нисбатан эҳтиёж бозорнинг таклиф ва талаб қонуниятига бўйсуншини билдиради. Меҳнаткашлар, жамоат аъзолари шунга тайёр бўлишлари керак. Меҳнат бозори иқтисодиётдаги ўзгаришлар туфайли нисбатан тезроқ шаклланади, аммо аҳолининг психологияси, меҳнат бозорига, рақобатга муносабати, ҳатто, касб малакаси анча секин ўзгаради, объектив ўзгаришлардан биров ордда қолади.

Демак, имкониятларимизни тўлароқ рўёбга чиқариш, иқтисодий ўсишнинг барқарор суръатларини таъминлаш учун таълим-тарбия ва маънавий-маърифий ишларда меҳнатга ижобий муносабатни шакллантириш, ёшлар орасида касб танлашга эътиборни кучайтириш билан бир қаторда, меҳнат бозори талабларига мосланувчанликни тарбиялаш лозим.

Шу боис ёшлар ўртасида касбга йўналтиришни ташкил этиш тубдан яхшиланиши керак. Жамият малака-

ли, ташаббускор ишчи ва мутахассисларга ҳар бир касб бўйича қанча эҳтиёж тушса, шунча қондириш имкониётига эга бўлиши, бунинг учун меҳнат бозорида рақобат, талаб ва таклиф старлича шакллантирилиши лозим. Ижтимоий муҳофазалаш тамойилини нотўғри талқин қилиб, меҳнат бозори, рақобат йўлига сунъий тўсиқ қўйиш мумкин эмас. Бу давлатга ҳам, жамиятга ҳам жуда қимматга тушади. Энг аввало, катта моддий ресурсларнинг самарасиз сарфланишига, боқимандаликнинг узок йиллар сақланиб қолишига олиб келади, салбий характердаги қўшимча иқтисодий ва ижтимоий муаммоларни келтириб чиқаради. Меҳнат бозори бевосита ишлаб чиқариш технологияси ва касб малакаси ўсишига таъсир кўрсатишини унутмаслик керак.

Ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш маданиятининг юксалиши, сифатининг ошиши фақат иқтисодий рақобатгагина боғлиқ эмас, гарчи иқтисодий рақобат мазкур борада ғоят катта роль ўйнаса-да. У ишчи ва хизматчиларнинг ўз касбини севиши, ундан фахрланиши, касб этикасига қанчалик амал қилишига ҳам боғлиқ. Қолаверса, жамиятда одамлар ўртасидаги умумий муносабатларнинг қай даражада маданийлиги, ўзаро хайрихоҳликка асосланиши, умумий маънавий-маданий муҳит ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш маданиятига бевосита таъсир қилади.

Мамлакатимизда маънавиятга кенг ўрин ажратилишини тақозо этувчи заруратлардан бири жамиятнинг иқтисодий тафаккурини ислохотлар талабига мослаштириш орқали бозор муносабатлари, бозор инфратузилмаси ривожланишини тезлаштиришдир.

Сир эмас, молия-кредит ва банк тизими фаолияти замон талабларидан ҳали ортда, консалтинг ва лизинг, сугурта ва ш.к. компаниялар, фирмалар, турли-туман шартномалар институтлари тармоғи кўнгилдагидек ишламаяпти. Бунинг сабаблари кўп, шулардан бири жамият иқтисодий тафаккурининг яхши ривожланмагани, иқтисодий зарурат тўла англаб олинмагани, ўзибўларчилик муносабатларининг ижтимоий онгда кучлилиги, бирор ишқал чиқиб қолмасин қабилидаги ижтимоий қўрқувнинг ташаббусни бўғишидир. Бинобарин, янгича дунёқараш, эркин иқтисодий тафаккур ва эркин иқтисодий муносабатлар бизга сув билан ҳаводек зарур.

Хўжалик юритиш фаолияти, ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, тижорат ва ҳ.к. ҳаммаси фойда олишга қаратилган. Фойда иқтисодиётнинг асосий мақсади, бинобарин, асосий тушунчаси ҳамдир. Унга пировардида рентабеллик, таннарх, даромад каби тушунчалар бўйсуннади. Лекин фойда кетидан қувиш азалий ахлоқий муаммони кўндаланг қилиб қўяди: мақсад воситани оқлайдими? Фойда олишга интилиб, мулкдор ишчи ва хизматчилар меҳнатига ҳақ тўлашда адолат мезонига қандай ва қанчалик риоя қилиши лозим?

Давлат қонун йўли билан меҳнатга ҳақ тўлашнинг умумий ўртача меъёрини белгилайди. Аммо ҳар бир муайян корхонада меҳнат қилиш ва технологик шароит, ишчи ва хизматчиларга яратилган қулайликлар, ички тартиб-интизом, ундаги меҳнатнинг интенсивлиги ҳар хил. Демак, ҳар бир корхонада олинаётган даромадлар, сарфланаётган харажатлар, шу жумладан, ишчи ва хизматчиларнинг жисмонан ва психологик, касбий ва малакавий куч-ғайратининг сарфланиши, иш ўрнидаги мавжуд қулайликларни, ижтимоий суғурталаниш ва ҳимояланишни алоҳида ҳисобга олиб, иш ҳақи тўлаш лозим. Доимо тўкинчилик шароитида меҳнат қилиб, ҳақ олишга ўрганиб қолган жамият учун бу осон эмас. Бунга на ишга ёлловчи, на ёлланувчи, на ишчи-хизматчиларни ҳимоя қилувчи турли жамоат ташкилотлари, айтайлик, касаба уюшмалари тайёр.

Меҳнатни муносиб баҳолаб, моддий рағбатлантириш орқали умуман иқтисодиётнинг ривожланишига таъсир кўрсатиш бевосита иқтисодий тафаккурга боғлиқ. Аҳолининг товар ва хизматларни харид эта олиш қобилияти қанчалик юксак бўлса (бу унинг ойлик маоши ва бошқа даромадидан келиб чиқади), жамиятда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳалари шунчалик яхши ривожланади, иқтисодий юксалиш рўй беради. Аксинча, аҳолининг асосий даромади кунини ўтказишга зўрға етса, у ортиқча истеъмол буюмлари харид қилмайди, турли хизматлардан минимал даражада фойдаланади. Бу эса бозорда талаб пасайиб кетишига, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш кенгайиш ўрнига, торайиб қолишига олиб келади. Ишчи ва хизматчиларга кам маош тўлаш дастлаб

мулкдор учун (давлат, хусусий шахс, жамоавий мулкдор) фойдали бўлса-да, оқибат натижада зарарлидир. Чунки ишлаб чиқариш, умуман, иқтисодиёт ўсмай, ривожланмай қолади. Турғунлик эса эртами-кечми инқирозни келтириб чиқаради. Мана шуни раҳбарлар ва тадбиркорлар унутмасликлари керак. Шу боис ўзбек модели ўз имкониятларини тўлароқ юзага чиқариши учун меҳнатни муносиб тақдирлашга биринчи даражада эътибор қаратиши шарт.

Лекин меҳнатни моддий рағбатлантириш ўз-ўзидан меҳнат унумдорлиги ўсишини, меҳнатга муносабат ўзгаришини белгиласлигини ҳам юқорида айтган эдик. Моддий рағбат иқтисодий анъанавийлик доирасида ўзининг турмушидан мудом қаноат ҳосил қилиб, эҳтиёжлари юксалмайдиган, камсукумлиқка ўрганиб қолган кишида, ҳатто, иш унуми пасайишига олиб келиши мумкин.

Макс Вебер қуйидаги мисолни келтиради: ўрилган 1 морген (0,25–0,33 гектарга тенг майдон) учун 1 марка ҳақ оладиган ўроқчи кунига 2,5 морген ўради ва 2,5 марка ҳақ олади. Хўжайин ҳосилни нобуд қилмай тезроқ йиғиб олиш мақсадида 1 моргенга 1 марка эмас, 1,25 марка ҳақ белгилайди ва унумдорлик 3 моргенгача ўсишига умид қилади. Лекин анъанавийлик доирасида тарбия топган ўроқчи кўпроқ пул ишлаб қолиш имкониятидан фойдаланиш ўрнига, доимий 2,5 маркалик иш қилаверади: энди 2,5 морген ўрнига 2 морген ўра бошлайди.

Анъанавийликка мойил тарбия таъсирида шаклланган меҳнатга муносабат ва турмуш тарзида моддий рағбат биринчи ўринда турмайди. Чунки инсон эҳтиёжлари турғунлик касб этади. Ўроқчи ва унинг рўзғори бир маромда турмуш кечиришга, ўз эҳтиёжларини ўртача топадиган даромадга мослаштиришга ўрганиб қолган. «Келтирилган мисол биз «анъанавийчилик» (традиционализм) деб атайдиган тафаккур тарзининг ифодаси бўлиб хизмат қилиши мумкин»,¹ – дейди Вебер.

Мисолдан мантиқан ўроқчи меҳнат унумдорлигини ошириши учун иш ҳақини бироз камайтириш керак

¹ М. Вебер. Избранные произведения. – М.: «Прогресс», 1990. 81-б.

экан-да, деган хулоса келиб чиқадигандек туюлади. Капитализм ўз ривожланиш жараёнида меҳнатни интенсифлаштириш учун кўп усулларни, жумладан, ҳақ тўлашни бироз пасайтиришни ҳам синаб кўрган. Лекин бундай усул самара бермаган, оқибатда норозичиликни келтириб чиқарган.

Вебер фикрича, инсонда ривожланган масъулият туйғуси билан бир қаторда шундай тафаккур тарзи қарор топиши зарурки, унинг учун меҳнат бирдан-бир мутлак мақсадга, «даъватга» айлансин. «Меҳнатга бундай муносабат эса инсон табиатининг хоссаси эмас, – эътироф этади Вебер. – У бажарилган ишга кўп ёки оз ҳақ тўлашнинг бевосита натижаси сифатида вужудга келмайди; бундай интилиш узоқ давом этган тарбия жараёнининг натижасида вужудга келади»¹. Протестант оиласида тарбия топган кишига гўдаклигиданок, меҳнат Яратган томонидан сенга ато қилинган иқтидор ва олдинга қўйилган бирдан-бир мақсад, қанча яхши ва ҳалол ишласанг, Яратганга шунча маъқул бўласан, қабилдаги гоёлар сингдирилган. Католик оилада меҳнат «даъват» ва «бирдан-бир мақсад», руҳни ҳалос этишда ибодат ўрнини боса оладиган омил мақомига кўтарилмаган. (Немисчада Беруф сўзи ишлатилган. Рус тилига «призвание» деб ўгирилган. Аслида Беруф икки маънони англатади: касб (иқтидор) ва чақирик (чорлаш, даъват). Дастлаб «сенга Худо томонидан берилган топширик, мажбурият ва унинг сенга даъвати» деган мазмунни ҳам англатган. Вебер таъкидлашича, протестантизмдан ташқари диний оқимларда ва динларда бу тушунчага айнан мос тушунча йўқ. Ҳатто шаклан бир хил сўз бўлганда ҳам, сал бошқачароқ тушунилади). Протестантизм шароитида тарбия топган, меҳнатга худо томонидан юклатилган мажбурият ва ҳалос бўлиш омили, танлаган касбига эса Худо унга ато этган иқтидор ва кўнглига солган даъват деб қарайдиган кишида иш унумдорлигини оширишга доимий ички маънавий рағбат бўлган. У моддий рағбат билан қўшилса, жуда катта амалий натижаларга олиб келган.

¹ *М. Вебер. Избранные произведения.* – М.: «Прогресс», 1990. 82-б.

Умуман, ҳозирги замоннинг илмий-техника тараққиёти, ишлаб чиқариши ва иқтисодиёти ижтимоий ҳаётни ва турмуш тарзини «стандартлаштирмақда». Биринчи навбатда, урбанизация (шаҳарлар ва уларда яшовчи аҳоли сонининг кўпайиши ва шаҳар турмуш тарзи аҳолининг йилдан-йил кўпроқ қисмини камраб олиши) жараёни орқали «стандартлашиш» кучаймоқда. Уй-рўзғор буюмлари ва жиҳозлари, мебель ва ҳ.к.дан тортиб, то одамларнинг кийим-кечагигача, эрталаб ишга бориб, кеч ишдан қайтиб, дам олишни кўпроқ телевизор олдида ўтказишигача дунё миқёсида бир хиллик касб этмоқда. Ишлаб чиқариш жараёни ва технологияси ҳам худди шундай дунё миқёсида бирхиллик касб этмоқда.

Ишлаб чиқариш ва турмушдаги бирхиллик, жинсидан, тилидан, динидан, миллатидан қатъи назар, одамлар психологиясида ва нарсаларга, ҳодисаларга муносабатида ўхшашликни кўпайтирмақда. Бу қисман уларнинг дидига, маънавий эҳтиёжларига ҳам тааллуқли. Шу сабабли замонавий оммавий маданиятнинг баъзи кўринишлари космополитик характерга эга. Уларда миллий ёки минтақавий хусусиятлар, тўла йўқолмаган бўлса-да, кучли аҳамиятга эга эмас.

Замонавий ишлаб чиқариш ва бозор муносабатлари умуман мумтоз кадриятларни қайта баҳолаш, уларни технократик қарашлар, меъёрлар, омоллар билан алмаштиришга уринишларни туғдирмоқда. Ғарбда таълим-тарбияни гуманитарлаштириш, инсонпарварлик ғояларини жамият онгига қайта сингдириш зарурлиги тўғрисида гапирилаётгани бежиз эмас.

Шундай қилиб, иқтисодий муносабатларнинг, иқтисодий ҳаётнинг ички инсонпарварлик моҳияти ва ташқи ташкилланиш, намоён бўлиш маданияти ҳам билвосита ёки бевосита жамиятда қарор топган маънавиятга боғлиқ.

Ўзбекистон кўпмулкчиликка асосланган иқтисодиётни, бозор муносабатларини ривожлантирар экан, Ғарб мамлакатлари ижтимоий-иқтисодий, маънавий ҳаётидаги ютуқларни ўрганиши мақсадга мувофиқ. Шу боис ўзбек модели жамиятни иқтисодий, моддий жиҳатдан ривожлантириш билан бирга инсонни юксалтириш, маънан

бой, билимли, дунёқараши кенг, «боқимандаликни ор деб биладиган», ижтимоий масъул баркамол авлодни тарбиялашни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

Мустақиллик шароитида биз меҳнатга бутунлай янги-ча муносабатни шакллантиришимиз лозим. Инсон асосий ишлаб чиқарувчи куч, ҳар қандай ижтимоий фаолиятнинг субъекти ўлароқ тараққиёт моделининг асосий ижодкори, ҳаракатлантирувчи кучидир. Биз дунёқарашимизда баҳолар, қадриятлар мезонида ижодга, меҳнатга янги муносабатни шакллантирсак, боқимандаликни ва тўқинчиликни инкор қилсак, шахснинг ижодий интилишлари ва тадбиркорлигини рағбатлантиришни, шахс билан ҳисоблашишни ўргансак, жамиятнинг ҳар бир аъзоси фақат меҳнат орқалигина ўзлигини, ўз имкониятларини воқе қила олишига амин бўлса, иқтисодий салоҳиятимиз янада ортади.

Меҳнатга янги-ча муносабатни шакллантириш учун уни фақат муносиб тақдирлашнинг ўзи етарли эмас, шунингдек, янги-ча дунёқарашни қарор топтириш лозим. Аммо меҳнатни муносиб тақдирламаслик ҳам хавфли. Иқтисодиёт инсон эҳтиёжларидан ташқаридаги ҳодиса эмас. Иқтисодиёт инсон учун, зинҳор инсон иқтисодиёт учун эмас. Шундай экан, иқтисодиёт билан боғлиқ ҳар қандай масала бевосита ёки билвосита инсонга бориб тақалади.

Фойда олиш қўл остидаги ишчи ва хизматчиларни эксплуатация қилиш асосида эмас, балки ижтимоий шериклик асосида юз бериши лозим. Ижтимоий шериклик эса фақат тарғибот-ташвиқот, даъват, насиҳат воситасида вужудга келмайди. У, биринчи галда, иқтисодий манфаатларнинг мос келиши, мулкка шерикчилик қилиш негизида шаклланади. Лекин жамиятдаги ижтимоий мўлжаллар, ахлоқий ва юридик меъёрлар, маънавий муҳит ва одамлар ўртасида шакланган умумий муносабатлар бу жараёнга таъсир кўрсатмай қолмайди.

Реал мулккий шериклик билан бирга олиб бориладиган тарбиявий-тарғибий тадбирлар ижтимоий ҳамкорликни шакллантириш ва ривожлантиришда юксак самара беради. Оддий ишчи ва мутахассис ҳам, раҳбар ҳам ўз корхонасининг ихлосманди, содиқ фидокорига айланиши учун объектив ва субъектив шарт-шароитлар вужудга келади.

Ижтимоий ҳамкорлик нафақат ёлловчи ва ёлланувчи ўртасида, шунингдек, мулкнинг турли шакллари, катта ва кичик бизнес ўртасида ҳам у ёки бу кўринишда қарор топиши мумкин ва лозим. Бозор муносабатлари, ривожланган мамлакатлар тажрибасидан маълумки, ишлаб чиқарувчилар, тадбиркорлар ўртасидаги ҳамкорлик ўзаро қатъий ишончга, шеригини ҳар қандай шароитда доғда қолдирмасликка асосланади. Тадбиркорларнинг бир-бирига ёки қўл остида ишлайдиган ходимига, ишчисига берган ҳаттоки оғзаки ваъдалари юридик тасдиқланган шартномадан кам кучга эга эмас. Тадбиркор маҳсулот етказиб берувчи шеригидан белгиланган вақтда, келишилган миқдорда хомашё ёки бутловчи қисмларни ёки бошқа зарур маҳсулотларни олишига имони комил. Ўзаро тўловларнинг кечикиши тўғрисида гап бўлиши мумкин эмас. У қўл остидаги хизматчиси ёки ишчиси берилган топшириқни ўз вақтида ва сифатли бажаришига шубҳа қилмайди. Биз ҳали бунга ўрганишимиз лозим.

Биз янги жамиятни барпо этишда миллий қадриятларимизни умуминсоний қадриятлар билан бойитмоқчи эканмиз, капитализмнинг оқилона жиҳатларини, илғор тамойилларини ўзлаштиришимиз керак. Бинобарин, ҳар бир ишчи ва тадбиркорда ўз касби, ҳалол меҳнати орқали қонуний фойда олишга интилишни тарбияламоғимиз зарур. Корхоналар фаолияти шундай йўлга қўйилмоғи керакки, у юқорида қайд этилган интилишларнинг тўла рўёбга чиқиши учун етарлича шароит яратсин. Бу жамиятда янгича иқтисодий муносабатлар, янгича меҳнат этикаси ва маънавий муҳит шаклланиши зарурлигини билдиради.

Ижтимоий ҳамкорлик, иқтисодий шерикчилик ўзаро рақобатни истисно этмайди. Мулк шакллари ўртасида, турли сармоялар ва уларнинг корхоналари ўртасида рақобат бўлиши кўпукладли иқтисодиёт шароитида табиий ҳолдир. Бу кўпмулкчиликка асосланган жамиятнинг табиатидан, моҳиятидан келиб чиқади. Аммо рақобат фақат стихияли, чегараланмаган «иқтисодий курашни», ишлаб чиқариш анархиясини билдирмайди. Мазкур ҳолат асосан энди шаклланаётган, ҳали ноетук капитализм учун хос.

Ижтимоий йўналтириладиган, маълум даражада билвосита бошқариладиган – турли ҳуқуқий рағбатлар, солиқ имтиёзлари, ёки чеклашлар (прогрессив солиқ) орқали – бозор шароитида ҳар ҳолда рақобат бошқача кўринишларда юз беради. Ишлаб чиқариш таксимоти, кооперация ва ихтисослашиш, ўзаро шартномалар ва келишувлар, ички ва ташқи бозорга чиқаётган маҳсулот ҳажми ва баҳосига ишлаб чиқарувчиларнинг ўзаро келишув асосида таъсир қилишга уринишлари, айрим турдаги маҳсулотларга ҳагто давлатлар ўртасидаги квота белгиланиши рақобатга мутлақо янги тус бермоқда. Рақобат қилувчилар муросасиз рақиблардан, кўпинча жиддий масалаларда ҳамкорларга айланмоқдалар. Аммо, таъкидлаш жоизки, ҳамкорлик мустақил хўжалик юритувчи корхоналар, тадбиркорлар ўртасида нисбий характерга, рақобат эса узлуксиз, доимий характерга эга. Фақат рақобатнинг кўпол, вульгар шаклларида нозик, маданийлашган шаклларига ўтилмоқда.

Ижтимоий ҳамкорликнинг қай даражада самарали бўлиши, рақобатнинг қанчалик «цивилизациялашган» шаклда кечиши – жамиятнинг маънавий маданиятига, унда қарор топган ахлоқий ва ҳуқуқий меъёрларга, иқтисодий муносабатларнинг қай даражада инсонпарварлик қадриятларига мос қурилишига боғлиқ.

Бозор иқтисодиёти шароитида рақобат ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларини қамраб олади. У бир хил касбга эга бўлган оддий ишчилар ва мутахассислар ўртасида ҳам (меҳнат бозорининг талаби ва таклифига мувофик), турли касб эгалари орасида ҳам (тармоқлар ўртасидаги рақобатнинг ўзига хос кўриниши), мулкчиликнинг турли шаклларига ва бир хил шаклига эга корхоналар (демак, билвосита уларнинг ишчи ва хизматчилари) ўртасида ҳам мавжуд. Рақобат иқтисодиётни ривожлантиришнинг муҳим омили, манбаи ҳисобланади. У инсоннинг ўзини ҳам ишлаб чиқарувчи куч сифатида такомиллашишга, билими ва малакасини муттасил оширишга мажбур қилади. Рақобат иқтисодиётнинг кўп хусусиятларини, шу жумладан, баъзи салбий тенденцияларини белгилайди, йирик ижтимоий муаммоларни ва зиддиятларни туғдириши мумкин.

Булардан асосийлари куйидагилардан иборат:

– айнан ракобат туфайли иктисодий муносабатлар гўёки инсоний муносабатлардан ажралиб, ўзининг мустақил мақсадларига эга бўлиши кучаяди; бунда гўё инсон иктисодиётнинг фойда олиш воситасига айланиб қолади, чунки у оддий меҳнат куроли даражасига туширилади, иктисодиёт субъекти сифатида ўз шахсий фазилатларининг аксариятидан жудо бўлади, фақат унинг малакаси ва иш унумдорлигигина ўз қимматини тўла йўқотмайди;

– ракобат одамлар ўртасида бегоналашишни доимо озиқлантириб туради, ҳатто ижтимоий ҳамкорлик ахлоқий, маънавий эҳтиёжлар негизида эмас, балки кўпроқ иктисодий манфаатлар, ўзаро фойдалилик негизида курилади;

– ишга ёлловчи ва ёлланувчилар ўртасидаги муносабатларда, уларнинг иктисодий манфаатлари фарқ қилиши туфайли, потенциал тарзда зиддият кучайиши, ижтимоий ихтилофлар келиб чиқиши эҳтимоли доимий мавжуд бўлади.

Шу боис жамиятда ракобатнинг салбий таъсирининг олдини олиш ёки мумкин қадар пасайтириш механизми ишлаб чиқилиши зарур. Мазкур механизм куйидагилардан таркиб топади: биринчидан, меҳнатни муҳофаза қилиш ва иктисодий муносабатларни тартибга солувчи қонунлар, меъёрлардан ҳамда давлат томонидан белгиланган ижтимоий кафолатлардан; иккинчидан, ишчиларнинг касаба уюшмалари маъмурият билан, кенгроқ миқёсда маҳаллий ҳокимият билан иккитомонлама шартномалар тузиши, турли бошқа жамоатчилик ташкилотлари, жамғармалар, инсон ҳуқуқларини, табиатни муҳофаза қилувчи ташкилотлар фаолиятдан; учинчидан, синфлар ва табақалар ўртасида юқоридаги икки гуруҳ омиллар таъсирида ва уларнинг бевосита давоми сифатида ижтимоий ҳамкорлик муносабатларининг қарор топишидан; тўртинчидан, жамиятда хайрихоҳлик, инсонпарварлик, ҳуқуқий ва ахлоқий меъёрларга ҳурмат муҳитининг вужудга келиши, жамият маданий савиясининг юксалишидан.

Мана шу тўрт гуруҳ омиллар бозор иктисодиётида, ракобатда потенциал мавжуд зиддиятларга қарши посон-

ги вазифасини ўтовчи механизмни вужудга келтиради. Бу механизм қанчалик тўғри, ички таркибий тузилмаси мутаносиб шаклланса, ўзбек модели шунчалик самарали ҳаракат қилади ва жамиятда ижтимоий адолат таъминланади. Бозор рақобатининг ижобий таъсири кучайиб, салбий таъсири камаяди.

Меҳнатни муҳофаза қилувчи қонунлар (меҳнат кодекси) ишга ёлланувчининг манфаатлари ва ҳуқуқларини рўёбга чиқаради. Белгиланган стандарт даражасида меҳнат шароити бўлишини, яъни унинг техник ва санитария-гигиена талабларига тўғри келишини, техника хавфсизлиги, иш ўрнининг квадрат метри, тозаллиги, ҳарорати, ёритилиши ва ҳ.к.ни таъминлашга хизмат қилади. Ишга ёлланиш ва бўшаш тартибларини, иш вақтининг меъёрларини, кафолатларини белгилайди. Бу билан ишга ёлловчининг ёлланувчи устидан ўзбошимчилиги йўлида тўсиқ бўлади.

Турли даражадаги жамоавий шартномалар тузилиши ҳам меҳнат бозори таклиф ва талаблари шаклланишидаги стихиялиликнинг анча олдини олади. Касаба уюшмаларининг ижтимоий муҳофазалаш, тарбиявий фаолияти, ҳар хил жамоат ташкилотларининг айнан шундай фаолиятлари ёлланувчиларнинг ҳар томонлама ижтимоий муҳофазаланишини кучайтиради, онгини ўстиради, ўз ҳақ-ҳуқуқларини юзага чиқаришига кўмаклашади. Жамоат ташкилотлари фаолияти, шунингдек, табиатга ишлаб чиқариш томонидан етказиладиган зарарни камайтиради (кейинги муаммо давлат қонунлари орқали ҳам қаттиқ тартибга солинади).

Ёлловчилар ва ёлланувчилар муносабатларининг ижтимоий ҳамкорлик асосида қурилиши жамиятда барқарорлик таъминланишининг, иш ташлашлар, забастовкалар, синфий тўқнашувлар, алғов-далғовларнинг олдини олишнинг, ҳар хил зиддиятларни музокаралар, келишувлар орқали ҳал қилишнинг асосий шартларидан биридир.

7. ИНСОН-ЖАМИЯТ-МАЪНАВИЯТ УЗВИЙЛИГИ

7.1. Маънавият ва инсон табиати

Инсон табиати тўғрисидаги қарашлар. Энг қадим замонлардан ақл ва ижтимоийлик инсон табиатини ташкил этувчи тамойиллар, деб ҳисобланган. Инсонга ақлли мавжудот ва «ижтимоий ҳайвон» деган таърифлар берилган. Арасту инсонни «сиёсий ҳайвон» (*Zoon politicon*) деб атаган.

Бизнинг буюк бобокалонларимиз Форобий ва Ибн Сино асосан юнон фалсафасининг, хусусан, Арасту ва Афлотуннинг инсон табиати тўғрисидаги фикрларини қабул қилганлар ва ижодий ривожлантирганлар. Ислом фалсафасига кўра, инсон – оламнинг жавҳари, табиатнинг гултожи. Жавҳар деганда оламнинг бирламчи моддий асоси, мақсади, моҳияти тушунилган. Оламнинг манбаи ва маънавий моҳияти Оллоҳнинг ўзи бўлса, инсон унинг яратувчилиги мақсади ва оқибатидир. Жавҳар алфард тушунчавий мазмунига кўра (лугавий эмас) юнонча «атом»га мос келади. «Инсон – оламнинг жавҳари» шиорида ислом Оллоҳ оламини инсон учун яратди ёки оламини яратишдан Оллоҳнинг мақсади инсондир, деган ғояни назарда тутган. Антик фалсафада олам – макрокосм, инсон – микрокосм ҳисобланган. Ислом олами илм-фани ва фалсафасига антик юнон олимлари, айниқса, Аристотель таъсири кучли бўлган. Шу сабабдан бизнинг файласуфларимиз катта олам – коинотни олами кубро, кичик олам – инсонни – олами суғро, деб атаганлар. Бундай ёндашув ислом аристотелчилари (Форобий, Ибн Сино ва бошқалар) қаторида тасаввуф файласуфларига, хусусан, Азизиддин Насафий қарашларига хос.

Инсон табиати ҳақидаги тасаввурлардан келиб чиқиб, мутафаккирлар уни қандай қилиб яхшилаш, такомиллаштириш, инсонни комилликка етказиш тўғрисида сўз юритганлар. Атоқли мутафаккирлардан бири Азизиддин Насафий, тасаввуфнинг бошқа алломалари ва буюк адибларимиз ўзларидан комил инсонга бағишланган кўплаб илмий асарлар, ибратли ҳикоятлар, ривоятлар,

ҳикматлар, ғазал ва дostonлар қолдирган. Табиийки, уларнинг қарашлари, фикр ва мулоҳазалари ўз тарихий даври ижтимоий, иқтисодий, маданий ва диний талабларига мос бўлган. Тасаввуфда инсон такомиллашуви унинг яшаш шароитлари яхшиланишидан, илм-фан, таълим, маданият ривожланишидан ва, умуман, жамиятнинг ҳар томонлама тараққиётидан ажратилиб, унинг ички маънавий дунёсига қаратилган. Камтарлик, камсукумлиқ, фақирликда яшаш, орзу-ҳавасларни жиловлаш, ҳатто улардан тамомила воз кечиш комилликнинг асосий мезонларидан ҳисобланган. Лекин Форобий, Беруний, Ибн Сино каби дунёвий илм-фан вакиллари бошқача фикрлаганлар. Айниқса, Беруний ҳар қандай ҳақиқатнинг мезони тажриба, инсон кадр-қиммати унинг меҳнати сифати билан белгиланади, деганида, мавҳум ғояларни, инсон насл-насабини эмас, амалий фаолиятини, жамиятнинг реал ютуқларини назарда тутган. Тан олиш лозимки, Берунийнинг илмий-табиий ва ижтимоий-сиёсий, гуманитар қарашлари ўз давридан кўплаб аср илгарилаб кетганлиги боис, замондошлари томонидан яхши тушунилмаган.

Форобий жамият инсонга нафақат инсон сифатида шаклланиши учун, шунингдек, камол топиши ва, ҳатто, оддийгина турмуш кечири олиши учун ҳам керак, деб ҳисоблайди: «Ҳар бир инсон ўз табиати билан шундай тузилганки, у яшаш ва олий даражадаги етукликка эришмоқ учун кўп нарсаларга муҳтож бўлади, у бир ўзи бундай нарсаларни қўлга кирита олмайди, уларга эга бўлиши учун инсонлар жамоасига эҳтиёж туғилади»¹. Шундай қилиб, Форобий инсон табиатини ижтимоийлик ташкил этади, деган фикрни ёқлаб чиқади. Одамларнинг асл инсоний хусусиятлари ижтимоийликдан ташқаридаги ҳодиса эмас. Диндорлик, ҳаққа, ҳақиқатга интилиш ҳам инсоннинг ақлий ва ижтимоий мавжудотлиги оқибатидир. Борлиқнинг жавҳари ва моҳияти, илк сабаби, келажаги ва қисмати ҳақида мулоҳаза юритиш, ҳақиқатни излаш инсон ақлининг хусусияти, ақл фаолиятининг маҳсулидир. Худди шундай дин ҳам жамиятга хос ҳодиса, табиатда дин йўқ. Дин ижтимоийлашган одамлар маънавий фао-

¹ *Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шахри.* – Т.: 1993, 186-б.

лияти туфайли шаклланган. Бундан келиб чиқадиган хулоса шуки, диндор ёки даҳрий бўлиш инсоннинг ақллилик ва ижтимоийликдан ташқаридаги мустақил табиатини ташкил этмайди, балки оламга инсон муносабатининг хусусий, бу ерда эътиқодий кўринишидир.

Европа классик фалсафаси Ренессанс (Уйғониш даври) ва Маърифатпарварлик даврларида гуманизмни ривожлантирди. Инсонпарварлик ғояси, инсонни улуғлаш, инсон эътиқоди эркин бўлиши лозимлиги, дин ва черков таъйиқидан, қолоқ урф-одатлар ва анъаналар босимидан инсон тафаккурини озод этиш масалалари фалсафий, бадий асарлар, адабиёт ва санъатнинг асосий мавзуларига айланди. Ушбу қарашлар ўзининг умумлашган, мужассамлашган ифодасини буюк немис файласуфи Иммануэл Кантнинг «Инсон восита эмас, балки мақсаддир» деган хулосасида топди.

Ҳегел инсонни Абсолют Рух ва табиатни ўзида синтезлаштирган мавжудот ҳисоблайди. Унинг фикрича, аслида дунёда бирламчи бор нарса, бу – Абсолют ғоя (бошқача синоними Мутлақ Рух; ҳар иккаласи Худонинг ҳегелча атамаси дейиш мумкин). У ўзини англаш мақсадида доимий ҳаракатда ва ўз-ўзича ривожланишда. Мазкур жараёнда Абсолют ғоя ўзининг тескари борлиғи, қарама-қаршилигига – Табиатга айланади (Ғоя – номоддий ҳодиса, Табиат эса – моддий). Моддий табиат номоддий Абсолют ғоянинг инкоридир. Табиат доимий ҳаракатда, тадриж этади, чунки ҳаракат, ўз-ўзидан ривожланиш Абсолют ғоянинг ички ажралмас хусусияти. Шу боис унинг моддийлашган шаклида – табиатда бу хусусият сақланиб қолади. Табиат тадрижи давомида инсон пайдо бўлади. Инсон, бир томондан, ўзида табиатни мужассам этади, чунки у биологик мавжудот, иккинчи томондан эса – Абсолют Рухни, чунки унда биологик организмдан ташқари онг, тафаккур мавжуд. Онгли инсон онгсиз табиатнинг инкори, яъни инкорнинг инкоридир. Шундай қилиб, ривожланишнинг учлиги – триада ҳосил бўлади: тезис ёки бирламчи хилқат; антитезис – бирламчи хилқатнинг моҳиятан тескараси, акси; синтез – иккала қарама-қаршилиқнинг ҳаётчан жиҳатларининг бирлашиб, янги сифат пайдо

бўлиши. Ҳегел триадасида Абсолют ғоя – тезис, Табиат – антитезис, Инсон – синтез.

Инсон доимий ҳаракатда, бирламчи хилқатдан олган ўз-ўзидан ривожланиш тенденцияси унда мавжудлиги сабабли унинг онги, тафаккури доимий ривожланишда. Эртами-кечми инсон табиатдан устун турувчи кучни, барча ғоялар, моддий нарсалар, воқеалар ва ҳ.к.лар манбаи, ўзаги, негизи, сабаби – Абсолют Рухни кашф этади. Ҳегел дастлаб кўпхудочилиқ, кейин яккахудочилиқ, кейин эса Абсолют Рух тушунчалари мисолида инсонда оламни билиш, моддий ва маънавий ҳодисаларни тўғри ва теран англай олиш салоҳияти борлигини таъкидлайди. Ҳегел қарашлари объектив идеализм фалсафасининг чўккисидир.

Ҳегелнинг ушбу қарашлари қайси бир жиҳати билан Платоннинг эйдос моҳияти ва воқелиги тўғрисидаги фикрларига, Плотиннинг ва тасаввуфнинг эманация (тажалли) концепциясига ўхшаш. Платон таълимотида безавол ва адабий ғоя (эйдос) мавжуд. Ҳар бир моддий буюм, нарса, ҳодиса тегишли эйдоснинг конкрет воқе бўлишидир – моддий сиймосидир. У ўтқинчи, эйдос эса абадий. Плотин Платон қарашларини ривожлантириб, бутун моддий борликни, табиатни Илоҳнинг, ғоянинг, моҳиятнинг шуъласи, жилоланиши – тажаллиси деб эълон қилди. Тасаввуф эса бутун олам Оллоҳнинг тажаллиси, Оллоҳ ўзи яратган ҳар бир нарсада, табиатда, инсонда мавжуддир, деган ғояни олға сурди: бутун олам, бу – важдатул вужуд, яъни биру борнинг (Худонинг) вужудидир. Ҳақиқатни англовчи, сезувчи инсон қалби Оллоҳ яшайдиган қасрдир. Ўзлигини билган инсон Оллоҳни танийди, Оллоҳни таниган инсон ўзлигини англайди.

Ҳегел, албатта, олим сифатида соф диний назарияда қололмас эди. Лекин, айна пайтда, унга Мутлақ ғоя (Худо) моҳиятидан инсонга онг, тафаккур шаклида нимадир ўтганини тан олиш маъқул эди. Ҳегелнинг инсон Абсолют Рух (тезис) ва унинг ўзгача борлиғи (антитезис – инкор) – иккиламчи борлиғи – табиатнинг синтези (инкорнинг инкори) эканлиги тўғрисидаги қарашларини бироз соддалаштириб, кундалиқ оддий сўзларда «инсон, бу – яримхудо ва яримхайвон» деб талқин қилиш мумкин. Чунки син-

тез инкор билан бир қаторда ҳар икки аввалги сифатлардан кераклисини олиб қолади. Ҳегел хулосасида потенциал тарзда инсон худо ва табиатни тан олмасдан, улардан устун туришга ҳақли, деган ғоя яширин. Балким, Ҳегелнинг ўзи бундай фикрдан йироқ бўлгандир. Аммо у истайдими-йўқми, шундай фикр унинг триадасида воқе сифатида бўлмаса-да, имконият сифатида мавжуд. Маълум шарт-шароитда у воқе бўлиши, юзага чиқиши мумкин. Амалда шундай бўлди – XIX аср охириги чорагидан Европада ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маънавий инқирозлар туфайли инсон яримхудо ғояси юзага чиқа бошлади. Буни Ф. Достоевский ва Ф. Ницше каби адиб-файласуфлар ўз асарларида қайд этганлар. Биз мазкур масалани маънавий тарбияга оид мавзуда батафсил кўриб чиқамиз. Ҳозир инсон табиати ҳақидаги қарашларга қайтамиз. Адолат юзасидан тан олиш жоизки, христиан динининг ўзи (унинг барча оқимлари – православие, католицизм, протестантизм) инсонни Худонинг ожиз, нажотга муҳтож бандаси, деб ҳисоблайди. Бу масалада христиан дини исломдан унчалик фарқ қилмайди. Аммо Ғарб жамияти маънавий ҳаётида христианлик таъсири XIX асрда анча сусайиб кетди, шаҳарларда асосан черковнинг таъсири махсус маросимларда, маиший маданият ва баъзи урф-одатлар кўринишида сақланиб қолди.

Қишлоқ жойларда авом халқ диндорлигича қолгани жамият маънавий тараққиётига унча катта таъсир кўрсатгани йўқ. Чунки авом халқ саводсиз, унинг маданий савияси ва ижодий салоҳияти паст эди. Қишлоқдан чиққан истеъдодли ёшлар шаҳарларга ўқиш ва ишлаш учун кетиб, ўша ерда қолиб кетар, шаҳарликларнинг яриматеистик қарашларини қабул қилар эди. Шаҳарларга кўчган биринчи авлод диндорлигича қолса-да, иккинчи ва учинчи авлоддан бошлаб, эътиқодларда ўзгариш яққол юзага чиқарди. Инсон-худо ғояси ривожланишига Ғарб жамиятида эркинлик ва иродани бирёклама тушуниш ўз «ҳиссасини кўшди». XX аср 60-йиллари охири – 70-йиллардан бошлаб аста-секин эркинлик, гендер тенглиги, «тил инқилоби», ахлоқий эркинлик, «сексуал инқилоб» ва ҳ.к. шаклдаги ёшларнинг норозилик кайфиятини ифодаловчи субмаданият, унга тез мослашиб олган оммавий

маданият таъсирида жамият маънавий ҳаётида вульгар антропоцентризм ғолиб келди. Бу истеъмолчиликка асосланган жамият психологиясига мос эди. Ғарб маънавий инқирози, жаҳон экологик муаммолари инсоннинг худодан ҳам, табиатдан ҳам устун бўлишга интилиши, табиат ва жамият марказига ўз нафси ва ҳирсини жиловлай олмайдиган ўта худбин инсон кўйилгани – замонавий вульгар антропоцентризм оқибатидир десак, адашмаймиз.

Аслида, худоларнинг инсонга айланиб, гўзал аёллар билан алоқа қилиши ва бу аёллар улардан илоҳий қудратга эга фарзандлар кўриши қадимги Яқин Шарқ халқлари ва юнон-рим асотириларида, политеистик динларда кенг тарқалган эди. Христиан динида ҳам Исо Масиҳ Худонинг Биби Марьямдан туғилган ўғлидир. Яқин Шарқ халқлари кейинчалик яҳудийлик ва ислом таъсирида яримхудо – яриминсон ёки худо фарзанди ғояларидан воз кечди. Аммо христиан динини қабул қилган европаликларда худо-инсон ғояси тўлиқ йўқолиб кетмади. Замонлар ўтиб, сал ўзгарган шаклда яна пайдо бўлди. Таниқли файласуф В. Ҳёсле христианликнинг ушбу ақида-си янги замон фалсафаси таъсирида инсоннинг «худо»га айланиши учун маънавий негиз бўлганини таъкидлайди.

Европада янги замон деганда француз инқилобидан кейинги давр назарда тутилади. Биз юқорида эслаган Ҳегел янги замон файласуфидир. Албатта, бугунги вульгар антропоцентризм ва эгоцентризмда Ҳегел фалсафасининг айби йўқ. Бу ғоялар жамиятда кенг тарқалишига кўплаб бошқа файласуфлар, турли соҳа олимлари, адиблар, санъаткорлар, маданият арбоблари, сиёсатчилар ўз ҳиссасини кўшган. Асосий сабаб, балки, ғоявий-маънавий омилларда эмас, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-синфий омиллардир. Ашаддий эксплуатация, инқилоблар, урушлар, айниқса, XX асрда икки марта содир бўлган жаҳон уруши, қашшоқлик, хўрлик, ўлиб кетиш хавфи, шафқатсиз рақобат, бегоналашиш ва ш.к. таҳдидлар Ғарб кишисини худога, юксак идеалларга ишончини йўқотиб, худо ўрнини ўзи эгаллашга ундагандир.

Ушбу масала ислом мутафаккирларини ҳам қизиқтирган. Аммо исломда бундай масалаларни чуқур таҳлил қилиш, умуман, назарий-эътиқодий баҳслар олиб бориш

тақиқланган. Бу ҳақда тегишли ҳадислар бор. Аммо масалани бутунлай четлаб ўтиш қийин бўлгани сабабли айрим олимлар у ҳақда ўз фикрларини билдириб кетган. Ислом инсон моҳиятини шундай талқин қилади: инсон фаришта ва ҳайвон ўртасидаги махлуқдир. Абу Ҳомид Ғаззолий «Кимёи саодат» асарида инсонга хос хислатларни тўртга бўлади: биринчиси – ахлоқи баҳоим – тўрт оёқли ҳайвонларга хос сифатлар; иккинчиси – ахлоқи сабаъ – даррандаларга хос сифатлар; учинчиси – ахлоқи шаётин – шайтонлар сифати; тўртинчиси – малоика – фаришталар сифати¹. Биринчи уч гуруҳ сифатлар инсонни ҳайвонга яқинлаштира (ҳайвоний табиатига кўра, инсон шайтон васвасасига учади), тўртинчи гуруҳ уни фаришталарга яқинлаштиради. Лекин исломда инсон ҳеч қачон Оллоҳ сифатларини, имкониятларини ўзида сезиларли даражада мужассам эта олмайди. Мумтоз исломдан фарқли тасаввуфда инсон фақат ўзлигидан кечиб Оллоҳ васлига етиши мумкин. Бироқ тасаввуфда ҳам инсон худога шерикчилик қилолмайди, унинг ўрнини босолмайди, дейилади. Мансур Ҳаллож «Анал ҳақ» деганда, худодликка даъво қилмаган, балки худо менинг қалбимда, мен фикри-зикримда, туйғуларим ва интилишларимда Худо билан бирлашиб кетганман, демокчи бўлган. Лекин ортодоксал ислом тарафдорлари, ислом фақиҳлари уни тушунмаганлар ва қози ҳукми билан қатл этганлар. Мансур Ҳаллож қатл этилган сўфийлар орасида ёлғизи эмас. Сухравардий, Имомиддин Насимий, Бобораҳим Машраб ва яна бир неча машхур сўфийлар шариат ҳукми билан қатл этилган. Шундан сўнг, тасаввуф таълимоти ҳам йилдан-йил жўнлашиб, саёзлашиб кетган.

Ғарб фалсафий қарашларидан яхши хабардор, ғарбча таълим олган замонавий мусулмон зиёлилари орасида ҳам инсонни «Худо билан ёнма-ён туради»², деб ҳисоблаганлар учрайди. Масалан, XX асрнинг машхур

¹ Қ а р а н г: Абу Ҳомид Ғаззолий. Кимёи саодат. Рух ҳақиқати. – Т.: «Адолат», 2005. 39-б. А. Азизқулов. Ғаззолий инсон руҳиятининг моҳияти хусусида // *Imom Al-Buxoriy saboqlari*. 2014, №1. 44–48-бетлар.

² Выдающийся мыслитель и поэт Востока Мухаммад Икбал. – М.: 1959. 263-б.

мутафаккир шоирларидан, жамоат арбобларидан бири Муҳаммад Иқбол инсонни шундай улуғлаган: «Ижодкорликда инсон Худонинг ҳамкоридир»¹. Тўғри, Муҳаммад Иқбол бу ғояни шаккоклик маъносидан олға сурмаган, балки инглиз мустамлакачилигидан эзилиб, хўрланиб ётган Ҳиндистон (барча Шарқ) халқининг қаддини кўтариш, унга ўзлигини англатиш, инсоннинг ижодкорлигини, яратувчанлигини эслатиш учун юқоридаги фикрни олға сурган.

Инсон табиати тўғрисидаги марксистик қарашларнинг бирёқламалиги. Ҳегелдан фарқли, Маркс ва Энгельс инсон табиатига изчил материалистик нуқтаи назардан ёндашганлар. Ҳатто Энгельс «Маймуннинг одамга айланишида меҳнатнинг роли» деган мақола ёзган. Маркс ва Энгельс инсонда ҳар қандай илоҳийликни мутлақо инкор этганлар. Инсоний хислатлар, онг, тафаккур ва ҳ.к. ҳаммасини ижтимоий ҳодиса, жамият маҳсули, деб ҳисоблаганлар. Инсоннинг ўзи ҳам жамият маҳсулидир. Инсон табиатини яхшилаш учун адолатли, ҳамма аъзолари тенг ҳуқуқли жамият куриш, мавжуд адолатсиз капиталистик жамиятни революцион йўл билан яхшилаш керак, деб ҳисоблаганлар.

Аслида, Маркс ва Энгельсгача ҳам европалик мутафаккирлар орасида инсон келажагига, жамият ҳаёти адолатли ва фаровон бўлишига умид ва ишонч катта эди. «Одамларга тўғри йўл, юксак идеаллар, ҳаққоний ижтимоий мўлжаллар кўрсатилса бас, улар жамиятни оқилона қайта курадилар» қабилдаги қарашлар кенг тарқалган. Юксак идеалларни эса одамларга сиёсий-публицистик, илмий ва бадиий асарларда тасвирлаб бериш, одамлар онгига сингдириш зарур. Шунда жамият ва инсон бирдек такомиллашади. Бу даврларда Европада инсон ақлига, рационализм тамойилига ишонч жуда юқори эди. Инсоният ўз камчиликларидан, жамият иллатларидан ақл-заковати, одилона ва оқилона олиб бориладиган сиёсат туфайли халос бўла олади, ҳаммага тенг имконият яратиш, қонун ус-туворлиги, тўқлик ва фаровонлик таъминланган жамият кура олади, деган ғоя маърифатпарварлар қалбида ҳукм-

¹ Ўша асар, 263-б.

рон эди. Нафақат социалист-утопистлар, шунингдек, капитализмнинг илк назариячиларига ҳам бундай қарашлар хос эди. Улар бундай адолатли, барчага тенг имконият яратадиган жамият, бу – шаклланаётган капиталистик жамият, деб тушунардилар. Ҳаёт эса бошқачароқ йўналишда ривожланди. XVIII–XIX аср мутафаккирлари умиди пучга чиқди. Буюк француз инқилоби шиори «Озодлик. Тенглик. Биродарлик» хитоблигича қолиб кетди. Аксинча, мулкӣ-ижтимоӣ табақалашув ва эксплуатация кучайди. Аҳолининг катта қисми – деҳқонлар еридан, хунармандлар устахонасидан ажралиб, қашшоқлаша бошлади. Мулкидан бегоналашган қашшоқ пролетар жамиятдан ва ўз инсоний табиатидан бегоналашиш хавфида қолди.

Яна инсон моҳияти масаласига қайтамиз. Ақл ва ижтимоӣлик инсонни ҳайвонот олаmidан фарқловчи энг муҳим белгилардир, аммо инсоннинг тўлиқ моҳияти эмас. Кейинчалик мутафаккирлар инсоннинг яна бир муҳим белгиси тўғрисида сўз юритдилар: инсон яратувчи ҳайвон, у ишлаб чиқаради. Бу ғояни К. Маркс ривожлантирди. Инсон – ишлаб чиқарувчи, меҳнат қилувчи, табиатни ва ўз-ўзини ўзгартирувчи, қайта яратувчи мавжудот. У ўз олдига аввалдан мақсад кўя олади, ишлаб чиқарадиган нарсасини у инстинктлар ёрдамида эмас, аввал миясида пайдо бўлган режа орқали рўёбга чиқаради. Айни пайтда одам боласи инсон бўлиб шаклланиши ва ишлаб чиқариш билан шуғулланиши учун жамиятда яшаши зарур. Инсоннинг ўзи, онги, тафаккури (ақл), ишлаб чиқариш – ҳаммаси жамият маҳсулидир.

К.Маркснинг «Фейербах тўғрисида тезислар»ида: «Инсоннинг моҳияти айрим индивидга хос бўлган абстракт эмасдир. Ҳақиқат ҳолида у барча ижтимоӣ муносабатларнинг мажмуидир»¹, – деган хулосасини ва ижтимоӣ муносабатлар деганида у иқтисодий, ахлоқий, ҳуқуқий, диний, эстетик ва турмуш учун зарур барча алоқаларни, муносабатларни назарда тутганлигини ҳисобга олсак, Маркс ўз даври учун материалистик нуқтаи назардан инсонга ижтимоӣ мавжудот сифатида нисбатан тўлиқ таъриф берганини кўрамиз.

¹ К.Маркс, Ф.Энгельс. Танланган асарлар. 1-жилд. – Т.: 1980, 2-б.

Лекин ҳаёт Маркс тамойиллари материалистик чекланганини, инсон моҳиятини охиригача қамраб олманини кўрсатди. Аввало, инсон тўғрисида К.Маркс концепциясида инсоннинг индивидуал жиҳатларига, экзистенциал ҳолатига етарли эътибор қаратилмаган. Устунлик жамоавий, ижтимоий жиҳатларга берилган. Кейин инсоннинг асосан онги ҳисобга олинган. Онг остига оид ҳодисаларга инсон табиатига ёт, ундаги биологик инстинктлар деб қаралган. Дастлаб З. Фрейд ва унинг издошлари инсон табиатига иррационал, онг остига оид ҳодисалар чуқур таъсир кўрсатишини (ҳаёт ва ўлим инстинктлари – З. Фрейд; жамоавий онгсизлик – архетиплар – К.Юнг) исботладилар. Фрейд қарашлари ва хулосалари анча кескинлиги, бирёқламалиги билан ажралиб туради. У кўпинча инсоннинг биологик табиатига, шахвоний майлларига устунлик беради. Фрейд аслида психиатр-врач бўлган. Ўз миждозларининг асабий касалликларини ўрганиш ва даволаш жараёнида аксарият ҳолларда уларнинг асосида шахвоний қоникмаслик, шахвоний интилиш ётганини аниқлаган. Жамиятдаги одоб-ахлоқ қоидалари ва меъёрлари уларни онг остига сиқиб чиқариб юборган, касалнинг ўзи ҳатто руҳий ҳасталигининг асл сабабини билмаган. Фрейд аниқлашича, одоб-ахлоқ қоидалари, умуман маданият инсоннинг асл истаклари ва интилишларини, демак, инсон табиатини хиралаштиради ва «коррекция» қилади (тахрир қилади), онг остига сиқиб чиқаради.

Карл Юнгнинг архетиплари марксизмнинг ижтимоий борлик ижтимоий онгни белгилайди, моддий-иқтисодий базис ўзгариши мафкуравий устқурма янгиланишига олиб келади, деган тезисига мос келмайди. Архетиплар одамлар онги остида сақланиб қолинган ўтмиш қарашлари, ғоялари қолдиқларидир. Уларнинг вужудга келишига сабаб бўлган воқелик, ижтимоий муносабатлар аллақачон – бир неча юз ва минг йиллар аввал йўқолиб кетган. Аммо улар жамоавий онгсизлик унсурлари сифатида ҳамон мавжуд ва баъзан инсон ҳулқ-атворида, иродасига, муайян қарор қабул қилишига, кайфияти ва соғлигига таъсир кўрсатади. Фрейд ва Юнг хулосалари марксизмнинг инсон ҳақидаги қарашлари чекланганини кўрсатди.

Социализм амалиёти марксизмга янада қаттиқроқ зарба берди. Социализм индивидуалликни ҳисобга олмаслик ва мулкни тўлиқ давлатлаштириш, инсонни мулкдан бегоналаштириш жамиятни инқирозга олиб келишини, барча юксак умидлар чипакка чиқишини кўрсатди. Марксизмнинг меҳнат борасидаги тамойили «ҳар кимдан имкониятига қараб, ҳар кимга меҳнатига яраша» дейилса-да, амалда социалистик мамлакатларда ишчи-хизматчиларга ҳақ тўлашда текисчилик устунлик қиларди. Реал ҳаётда ишловчиларнинг меҳнат унумдорлиги, меҳнатга муносабати бир хил эмас. Кимдир ўта ҳаракатчан, унумли меҳнат қилади. Кимдир шошилмасдан секин ишлайди, камроқ маҳсулот чиқаради. Бир ишчининг малакаси юқори, маҳсулотнинг сифати аъло. Иккинчисининг малакаси паст, маҳсулотнинг сифати ўртача. Кимдир виждонан ишлайди, меҳнатқаш, кимдир дангаса. Уларга бир хил ойлик маош тўланса, оқибатда, меҳнатга муносабат жамият миқёсида ич-ичидан емирилади.

Яхши ишчилар ўртамиёна ишчилардек меҳнат қила бошлайди, чунки моддий манфаатдорлик йўқ. Натижада, меҳнат унумдорлиги ва маҳсулот сифати пасаяди. На ишчилар, на корхоналар социализм шароитида унумли ва сифатли ишлашдан манфаатдор. Ҳеч қандай ракобат йўқ. Бу, ўз навбатида, янги технологиялар ривожланишига, ишчи-хизматчилар малакаси ўсишига халақит берибгина қолмасдан, одамларнинг коммунистик гояларга ишонмай қўйишига, социализмнинг тизимли инқирозга учрашига сабаб бўлди. Хусусий мулкчилик шароитида ташмачилик ва қўшиб ёзишлар, корхоналарнинг ўз миқозларини алдашлар йўқ эди. Тўғри, айрим қаллобликлар бўлиб турган, аммо улар жамият моҳиятидан келиб чиқмас эди. Индивидуал хусусиятлари тан олинмаган ва мулкдан бегоналашган инсон ўз табиатидан ҳам бегоналашди, социализм куришнинг воситасига, оддий мурватчасига айланиб қолди. Инсон табиати тўғрисидаги марксистик қарашлар оқланмади.

Инсон табиатига экзистенциалистик ва бошқа постклассик ёндашувлар. Инсон табиати тўғрисидаги марксистик қарашларга баъзан муҳолиф, баъзан камчиликларни тўлдирувчи бўлиб, экзистенциализм ўрта-

га чикди. Экзистенциализм (К. Ясперс, М. Хайдеггер, Ж. П. Сартр) инсоннинг аутентлиги – асл мавжудлиги, жамиятдаги турли талаблар, меъёрлар таъсирида бузилмаган асл табиати, *инсоннинг ҳақиқий эркинлиги* ҳақидаги ғояни илгари сурди.

Экзистенциалистлар, диний (Ясперс) ёки атеистик (Сартр) позицияда туришларидан қатъи назар, инсон табиатига жамиятни маълум даражада ёт деб биладилар. Улар инсоннинг аутентлиги кўпроқ «чегаравий ҳолатлар»да рўёбга чиқади, деб ҳисоблайди. Чегаравий ҳолат деганда инсоннинг уйқу ва уйғоқлик, кўрқув ва ботирлик, қаҳр ва муҳаббат, бурч ва худбинлик, ўлим ва ҳаёт ўртасидаги ҳолати ва бошқа шунга ўхшаш ўтиш ҳолатлари тушунилади. Чегаравий ҳолатда инсон такаббурлик, иккиюзламачилик қилолмайди. Одоб-ахлоқ қоидалари ҳақида ўйлаб, уларга хатти-ҳаракатини мослаштиришга имкони ёки вақти бўлмайди. Унинг асл табиати юзага чиқади. *Ўз асл табиатига мос кишигина эркинликка эришади.* Кўриниб турибдики, экзистенциализм баъзи жиҳатдан фрейдизмга ҳамоҳанг фикрларни айтган. Лекин экзистенциализмнинг инсон эркинлиги тўғрисидаги ғоялари ва қарашлари фрейдизмга (руҳий таҳлил таълимотига) нисбатан ҳам, марксизмга нисбатан ҳам анча инсонпарвар. Марксизм асл, ҳақиқий, реал гуманизмни имконият, салоҳият тарзда ифодалашига қарамасдан, уни воқеликка айлантира олмади. Мафкуравий ва амалий-сиёсий масалаларда ўзидан суст бўлган экзистенциализмга илмий ташаббусни олдириб қўйди.

Инсон табиати ҳақида оригинал фикр юритганлардан бири Э. Кассирер бўлди. Э. Кассирер инсон турли рамзлар яратувчи ҳайвон деган ғояни ўртага ташлади – *animal symbolicum*¹. Инсон ўзи ва табиат оралиғини турли рамзлар билан тўлдиради ҳамда улар орқали жамият ва табиат билан боғланади.

Сўзлашув тили – инсон яратган шундай рамз. Аслида у товушлар комбинациясидан ясалган рамз, белги (сўз)

¹ Э. Кассирер. Опыт о человеке: введение в философию человеческой культуры. – В кн.: «Проблемы человека в западной философии». – Т.: 1988. 30-б.

орқали воқеликни акс этгиришдир. Маданиятнинг ҳар бир ҳодисаси – рамз. Рамзларни яратиш ва улардан фойдаланиш кишиларга ҳар қандай инсоний фаолиятни амалга оширишга қўмаклашади. Масалан, тил нафақат кишиларнинг ўзаро алоқасини таъминлайди, уларнинг жамоага бирлашишига, жамиятни вужудга келтиришига шарт-шароит туғдиради, тафаккурини юзага чиқаради. Рамз (тил) туфайли инсон ақлли мавжудот ва «ижтимоий ҳайвон» бўла олди. Рамз яратиш орқали инсон бирламчи табиатни қайта ишлаб, иккинчи табиатни (жамиятни), шу жумладан, ўз инсоний табиатини яради ва такрор яратиб туради.

Э. Кассирернинг инсон рамзлар яратувчи ҳайвон эканлиги тўғрисидаги хулосаси шаклан оригинал бўлса-да, лекин айрим деталларни ҳисобга олмаганда, мазмунан инсон моҳиятини очиб берувчи янги тамойилларни олға сургани йўқ. Қуйидаги фикр, назаримизда, адолатлидир: «Инсоннинг ушбу хоссалари – ақл, яратувчилик, жамиятга мансублик ва рамз ижод қилиш инсон табиатини тўлиқ ташкил этмасалар-да, ҳақиқатан моҳиятлидир. Улар инсоннинг умумтарқалган имкониятларидир, аммо «инсон табиати» деб аташ жоиз бўлган нарсани ташкил этмасликлари мумкин... Бу хоссаларнинг барчасига эга бўлиб ҳам, инсон эркин ёки қарам, эзгу ишли ёки гуноҳкор бўлиши, очкўзликни ёки идеалларни дастур қилиб олиши мумкин»¹.

Аммо инсон табиатини ташкил этувчи қанча янги тамойиллар олға сурилмасин, барибир масала охиригача ечилмай қолади. Чунки инсонга нафақат тафаккур, шунингдек, ҳиссиёт, туйғулар ҳам хос. Инсоннинг биологик табиати емасдан, ичмасдан, ташқи атроф-муҳит билан модда алмашмасдан яшай олмайди. Инсоннинг ақли-заковати эса озиқ-овқат, бошпана ва ҳаёт кечириш масаласида тўғри ва самарали ҳаракат қилишга, ўзини хавф-хатардан сақлашга қаратилади. Инсонга Фрейд айтган ҳаёт ва ўлим туғма инстинктлари қаторида ижтимоий рефлекс сифатида ҳосил бўлган ижтимоий инстинктлар ҳам таъсир кўр-

¹ Эрих Фромм, Рамон Хирау. Предисловие к антологии «Природа человека». – В кн.: «Глобальные проблемы и общечеловеческие ценности». – М.: 1990. 149-б.

сатади. Инсон эҳтирослари баъзан унинг хулқ-атворини жуда ўзгартириб юборади ва ҳар қандай оқилоналикни четга суриб қўяди. Инсон фаолиятининг асосида мақсадга мувофиқлик билан бир қаторда эҳтирос ётибди.

Инсон учун гўзалликдан, эзгуликдан, самимийлик ва болаларча беғуборликдан завқ-шавқ туйиш, ёвузликдан қаҳр-ғазабга тўлиш, нафратланиш, ижод илҳомидан жўшиш ва ш.к. эҳтирослар, том маънодаги индивидуал тарзда намоён бўладиган асл ижтимоий ҳиссиёт хос. Шу боис инсонни «эҳтиросли мавжудот» ҳам дейиш мумкин. «Дунёдаги ҳеч бир улуғ иш эҳтироссиз содир бўлмайди», – дейди Ҳегел. «Эҳтирослар инсоннинг маънавий бойлигидир», кўшимча қилади атоқли адиб Анатолий Франс. Таъкидлаш жоизки, кўпчилик нозик ва мураккаб масалалар каби, эҳтиросларга бериладиган баҳолар ўзаро кескин фарқ қилади. Биз юқорида келтирган фикрларга тамомил тескари фикрлар бор. Чунки мазмунан ва оқибатан эҳтирослар бир хил эмас. «Эҳтиросга ихтиёрни бериш оқилнинг иши эмас» (Қобус), аммо айна пайтда унутмаслик керакки, «эҳтирослар елканларни ишга солувчи шамоллардир, баъзан кемаларни ғарқ қиладилар-у, аммо шамолсиз сузиш мумкин эмас» (Вольтер). Инсон ижтимоий туйғулари, ижодий эҳтироси туфайли юксалган, жамиятни такомиллаштирган, эзгулик учун курашган, керак бўлса, жонини фидо қилган.

Инсон табиати фақат умумий инсоний хоссалардан ёки тамойиллардан иборат эмас. У, шунингдек, инсоннинг конкрет тарихий-ижтимоий ва индивидуал мавжудлик ҳолати билан боғлиқ. Бу ҳолат шахснинг мойилликлари, у ёки бу нарсани яхши кўриши, эркин танлаши ва севиши, нималаргадир сиғиниши, тақводорликка мойиллик ёки уни инкор қилиш каби ахлоқий, ҳуқуқий, эстетик, диний туйғу ва меъёрларни ўз ичига олади.

Шахснинг собит мойилликлари, собит, барқарор ҳиссиёти (кайфияти эмас) ҳам инсон табиатини ташкил этади. Инсон бир нарсага меҳр қўйишга, у ҳақда қайғуришга, уни парваришлаб, авайлаб эъзозлашга ёки унга эришиш учун катта куч-ғайрат сарфлашга, турли тўсиқларни, қийинчиликларни бартараф этишга, ҳатто ўз-ўзини қайта яратишга (масалан, мутахассислиги-

ни ўзгартириш учун қайта ўқишга ва ш.к.) кодир ва қобил.

Буни Алишер Навоий сўфиёна тарзда ифода этган: инсон жазм қилса, Ҳақ васлига эриша олади. Зеро, Инсонга Ҳаққа восил бўлиш қобилияти берилган:

*Ким сен-ўқ сен ҳар неким мақсуд эрур,
Сендин ўзга йўқ неким мавжуд эрур.
Зотнинг ишмолига тафсилсен,
Ҳам вужуд ишколига таъвилсен.
Ўз вужудингга тафаккур айлагил,
Ҳар не истарсен ўзингдин истагил.
Турфа қушсен равза нахлистонидин,
Пок тоирсен шараф бўстонидин.
Лек Сумурғ истаган ул жамъи тайр,
Ким сулук ичра риёзат бирла сайр
Айлабон чун ўзни қобил қилдилар,
Ул талабдин васл ҳосил қилдилар.
Сенда ҳам билқувва ул мавжуд эрур,
Феълга келса даво мақсуд эрур.*

Тасаввуф мутафаккирлари каби Алишер Навоий Оллоҳга муҳаббат (ишқ)ни ва унга фано орқали етиша олишни инсон табиатига хос қобилият, деб ҳисоблаган. Оллоҳга ишқ-муҳаббатнинг олий кўриниши. Унгача инсон муҳаббатнинг турли шакллари ни бошдан кечириши мумкин. Бу унинг сева олиш қобилиятига боғлиқ. Фаноликка кўтарилиш (ўзлигидан кеча олиш) инсон қобилиятининг энг юқори чўққисидир. Фақат тўлиқ камолотга эришганларгина ҳақиқий ишққа ва фанога сазовор бўладилар ва аксинча.

Камолотнинг турли мақомлари учун эса муҳаббатнинг ва қобилиятнинг тегишли шакллари ва даражалари хос. Муҳаббат ва бошқа қобилиятлар инсон табиатининг мазмунини ташкил этадиган, юқорида қайд этилган тамойилларни тўлдирадиган муҳим фазилатлардир. Шу боисдан қуйидаги фикр адолатлидир: «Инсон табиати нафақат тамойил, шунингдек, қобилият ҳамдир. Бошқача айтганда, инсон муҳаббатини ва ақлини такомиллаштиригандагина, у ўзининг (асл) мавжудлигига интилган

бўлади. Айтиш мумкинки, инсон мавжуд экан, севишга ва мулоҳаза юритишга қобил ва, аксинча, у мулоҳаза юритишга ва севишга қобил экан, у мавжуд. Ўзини, ўз экзистенциал вазиятини англай олиш уни инсонга айлантиради: бу қобилият, моҳиятан, унинг табиатини ташкил этади»¹. Бу хулоса инсон табиатини янги бир муҳим белги билан бойитади, аммо у ҳам охиригача очиб бермайди. Бизнинг фикримизча, инсон табиатига юқорида келтирилган тамойиллар ва қобилиятлардан ташқари, инсон эҳтиёжларининг юксалиб бориш қонуни киради. Шу қонунни ҳам юқоридаги тамойилларга, белгилар ва қобилиятларга қўшиб таҳлил этсак, инсон табиатини янада аниқроқ тасаввур этишга, чуқурроқ тушунишга, бинобарин, маънавиятни яхшироқ билишга имкон яралади.

Инсон – эҳтиёжлари юксалувчи мавжудот. Ҳайвонот оламида биологик эҳтиёжлардан ташқари эҳтиёжлар деярли йўқ. Айрим кушлар ва ҳайвонларнинг «ишқий» ўйинлари, жуфт бўлиб яшашини биологик эҳтиёж доирасидан чиқади, дейишга асос йўқ. Ҳайвонот оламида эҳтиёжлар юксалмайди, фақат ўзгаради, натижада, биологик организм табиатга мослашади, холос. Биринчи мавзуда таъкидланганидек, инсонда эса эҳтиёжлар муттасил юксалиб боради: моддийлари ҳам, маънавийлари ҳам. Инсонда бир эҳтиёжнинг қондирилиши ундан юксакроқ бўлган янги эҳтиёжларни туғдиради,

Янада мукамалроқ, яхшироқ, гўзалроқ буюмни ёки санъат асарини яратишга интилиш, янада чуқурроқ ва кенгроқ, аниқроқ билимни эгаллашга, янада мукамалроқ техник асбоб-ускуналарни, компьютерларни, машиналар, механизмлар ва технологияларни ихтиро этишга ҳаракат, турмуш даражасини янада кўтариш ва фаровон қилишга уриниш инсоннинг асл инсоний хусусиятидир, объектив равишда туғиладиган ижтимоий эҳтиёждир. Инсон ҳеч бир вақт ўзининг ҳолати билан қоникмайди (гап алоҳида шахснинг маиший аҳволи, мансаби ва ш.к. ҳақида эмас, инсониятнинг тарихий жараёндаги аҳволи

¹ Эрих Фромм, Рамон Хирау. Предисловие к антологии «Природа человека». – В кн.: «Глобальные проблемы и общечеловеческие ценности». – М.: 1990. 153-б.

ҳақида кетмоқда), у доимо ўз мавжудлик ҳолатини такомиллаштиришга ҳаракат қилади. Ҳайвонда такомиллашиш мўлжали йўқ. У ўз мавжудлик ҳолатини англай олмайди, уни такомиллаштиришга ҳаракат қилмайди.

Ижтимоий тараққиёт асосида мавжуд ҳолат билан қониқмаслик ётади. Вужудга келган қийинчиликларни енгил, янги куч, ғайрат тўплаш учун, ривожланиш заминини тайёрлаш учун инсонга ирода – онгли танлаш, чидам, сабр-тоқат керак. Сабру тоқатни ўз ижтимоий ҳолатидан қониқиш билан чалкаштирмаслик керак. Сабру тоқат ривожланиш жараёнининг дискрет ва вақтинчалик шакли, мукамалликка интилиш, эҳтиёжлар юксалиши эса доимий ҳолатидир.

Ўз ижтимоий ҳолати, эришган даражаси билан қониқмаслик туфайли *янги эҳтиёжларнинг тугилиши ижтимоий тараққиётнинг, шу жумладан, маънавий ривожланишининг асосида ётади.* Ўз ҳолати ва эришган даражаси билан қониқиш янги, янада юксакроқ эҳтиёжларни вужудга келтирмайди, натижада, маънавиятда турғунликни келтириб чиқаради. Соғлом моддий эҳтиёжлар юксалмас экан, оқибатда, маънавий эҳтиёжлар ҳам юксалмайди. *Инсоннинг эркинликка, адолатга, меҳр-муҳаббатга, гўзалликка, камолотга интилиши, ўз қобилиятларини воқе қилишга, ижод қилишга уринишлари унинг маънавий эҳтиёжларидир.*

Лекин эҳтиёжларни мавҳум баҳолаш ярамайди. Эҳтиёжлар соғлом ёки носоғлом бўлиши мумкин. Инсоннинг эркин камолотига хизмат қиладиган, ундаги ижобий қобилиятларни, фазилатларни бойитадиган, ривожлантирадиган эҳтиёжлар соғлом эҳтиёжлардир. Аксинча, нафснинг кучайишига, молпарастликка, шаҳватпарастликка, мансабпарастликка, инсондаги салбий қобилиятларнинг кучайишига хизмат қиладиган эҳтиёжлар носоғлом эҳтиёжлардир. Улар инсон маънавиятининг қашшоқланишига, унинг ўз нафси ва ҳирсининг қулига айланиб, шахснинг емирилишига олиб келади. Инсонда соғлом эҳтиёжларнинг шаклланишига, ўз шахси билан ихтилофга бордирмасдан, унинг асл инсоний мавжудлигини таъминлашга хизмат қиладиган ақлий ва ҳиссий муҳит, фалсафий, ахлоқий,

илмий, диний, бадий ва бошқа маданий кадрятлар, меъёрлар, идеаллар ҳамда ижодий фаолиятнинг ўзаро муштараклиги – маънавиятдир.

Эҳтиёжлар юксалиши ва маънавият ривожланиши ўзаро чамбарчас боғлиқ. Эҳтиёжлар юксалса, маънавият ривожланади, ривожланган маънавият эса юксак эҳтиёжларни тақозо этади. Ривожланган маънавият бу қондирилган эҳтиёжлардир ва, айти пайтда, нисбатан юксакроқ янги эҳтиёжларнинг туғилишидир. Эҳтиёжлар аввалги тараққиётнинг чўққиси, якуний нуқтаси ва айти пайтда кейинги тараққиётнинг асоси, бошланғич нуқтасидир. Масалан, Интернетнинг пайдо бўлиши жаҳон миқёсида умумий ахборот маконига нисбатан эҳтиёжнинг натижасидир. У салкам 175 йил давом этган ахборот уза-тиш ва қабул қилиш воситалари синтезидир. Дастлаб ка-белли телеграфлар, телефонлар, телетайп, телевидение, сунъий йўлдош ёрдамида амалга ошириладиган алоқалар вужудга келди. Ниҳоят, 1989 йилдан Интернет ишга туш-ди. Интернет ахборотга бўлган эҳтиёжларни қондириш ҳаракатининг ўзига хос босқичи якунидир ва, айти пайт-да, бутун дунё миқёсида аҳолининг барча қатламларида глобал ахборотга нисбатан янги юксакроқ эҳтиёжларнинг туғилишидир ва бу борадаги янги тараққиёт босқичи-нинг бошланғич нуқтасидир. Ҳақиқатан, электрон почта, электрон алоқа, масофадан ўқиш, жаҳон кутубхоналари, архивлари, музейлари материаллари билан уйда ўтириб танишиш имкониятлари, электрон ҳукумат, интернет орқали савдо-сотик ва ҳ.к. кейинги чорак асрда интер-нет туфайли вужудга келди. Лекин эҳтиёжларнинг ўзи бевосита маънавият таркибига кирмайди, балки унинг шарт-шароитини, ҳаракатлантирувчи кучини ташкил қилади. Шундай қилиб, эҳтиёжларнинг юксалиши инсон табиатига, асл мавжудлигига мос. Ушбу маънода *инсонни «эҳтиёжлари юксаладиган мавжудот»* дейиш ҳам ўрин-лидир.

Инсоннинг «асл мавжудлиги» ёки ўз инсоний таби-атига мос яшашини экзистенциализм, юқорида қайд этилганидек, аутентлик деб атади. Экзистенциализмнинг инсон ҳақидаги концепциялари жиддий камчиликлардан холи бўлмаса-да, аутентлик тушунчаси Ғарбнинг бугун-

ги кунда кўпчилик ижтимоий фанлари томонидан қабул қилинган. Ҳақиқий маънавият инсоннинг аутентлигини таъминлаш билан боғлиқ. Шу борада яна бир хулоса диққатга сазовор: «Ким маънавиятга содиқ бўлса, у аутентлидир, ноаутент киши маънавиятсиздир»¹.

Инсон ўз аутентлигига турфа қадриятлардан баҳраманд бўлиш ҳамда ижтимоий алоқалар, мулоқот орқали эришади. Демак, инсоннинг асл мавжудлигини юзага чиқариш учун тегишли ижтимоий муҳит зарур. Инсоннинг ақлли ва ижтимоий мавжудотлигини ҳисобга олсак, унинг онги ва қарашлари, эҳтиёжлари ва интилишлари фақат жамиятда шаклланиши мумкинлигини англаймиз. Шахснинг ўзи, унинг онги, маданияти ва маънавияти ижтимоий ҳаёт ва муҳит маҳсулларидир. Муҳит эса ҳеч қачон индивидуал шахс муҳити бўла олмайди, у ҳамиша ижтимоийдир.

Инсон ўз табиатига зид эмас, балки мос яшаши лозим. Шундай экан, инсон табиати тушунчаси каби, маънавият тушунчаси «инсоннинг яшашдан мақсади нима» деган масала ечими билан бевосита боғлиқ.

«Яшашдан мақсад» саволига жавоб излаш инсон табиатининг муҳим белгисидир. Халқимизнинг асрий турмуш тажрибаси асосида қарор топган кундалик онгида мазкур саволга қуйидагича жавоб берилади: инсоннинг яшашдан мақсади эзгу ишлар қилиб, муносиб фарзандлар тарбиялаб, яхши ном қолдиришдир. Мазкур содда ва ниҳоятда доно фикрдан келиб чиқиб, инсон табиати, бу – эзгуликка йўналтирилган орзу-ҳаваслари, ақл-заковати, билимлари ва амалий ишлари асосида ётган иродасидир, дейиш мумкин ва жоиз.

Фалсафий ва диний таълимотларда инсоннинг яшашдан мақсади нима, деган саволга мураккаблашган ва чалкаш жавоблар берилади. Жаҳоннинг барча йирик динлари бу дунёни фоний, ўткинчи ҳисоблайди. Инсоннинг яшашдан мақсади фоний дунёда хайрли (савобли) ишлар қилиб боқий дунёга тайёргарлик кўриш, жаннатга (буддавийликда – нирванага) сазовор бўлиш деган ғояни

¹ Эрих Фромм, Рамон Хирау. Предисловие к антологии «Природа человека». – В кн.: «Глобальные проблемы и общечеловеческие ценности». – М.: 1990. 161-б.

ёклайди. Айрим диний оқимлар ва мазҳаблар бу масалани янада кескинроқ кўядилар. Масалан, христианларда ўрта асрларда «руҳингни кутқариш учун пуштингни сўндир», деган даъват кенг тарқалган эди. Тасаввуф риёзат чексанг, нафсониятдан, хусусий манфаатлардан кутулсанг, ўзлигингдан кечсанг, Ҳақ васлига восил бўласан, дейди. Агар маънавият – инсон табиатини юзага чиқаришга, мустаҳкамлашга ва ривожлантиришга, инсоннинг яшашдан кўзлаган мақсадига эришишга хизмат қиладиган ақлий ва ҳиссий талабларни ҳам қамраб олишини назарда тутсак, юқоридаги қарашлар бугунги тушунчадаги маънавият мазмунини тўлиқ очиб беролмаслигини кўрамиз.

Дунёвий фалсафа вакиллари антик замонларданок инсоннинг яшашдан мақсади завқ-лаззатли, хузур-ҳаловатли умр кечириш (гедонизм) ёки бахтли бўлиш (эвдемонизм), деб билганлар. Бу қарашлар турли даврларда турлича ифодаларда қайтарилган. Форобий эвдемонизм тарафдори бўлган. «Инсонлик моҳияти ҳақиқий бахт-саодатга эришув...», «Инсоний вужуддан мақсад энг олий бахт-саодатга эришувдир», деб уқтирган аллома¹. Ўз фикрини давом эттириб, Форобий инсон, аввало, бахт-саодатнинг нималигини билмоғи зарурлигини, унга эришувни ўзига олий мақсад қилиб олмоғи, унга элтадиган иш-амал ва воситаларни билмоғи ва бажаришга киришмоғи лозимлигини таъкидлайди. Форобий тушунчасидаги бахт-саодат ва фаровонлик, бу – завқ-шавқнинг, лаззатланишнинг авлоддан-авлодга ўсиб боришидир. Форобий эвдемонизми руҳоний гедонизмга асосланган.

Форобий қарашларидан келиб чиқиб маънавиятни аниқлайдиган бўлсак, у, биринчи навбатда, инсоннинг (жамиятнинг) ижобий, мусбат билимлари, завқ-шавқи, ҳаётдан лаззатланиш туйғулари, олий мақсадга, идеалга ва бунёдкорликка, бахт-саодатга интилишидир.

Марксизм эвдемонизм ва гедонизмни инкор қилмасда, лекин уларга нописанд қараб, инсоннинг яшашдан мақсади ўз имкониятларини юзага чиқариш, ҳаётда шахс сифатида ўзини намоён қилиш, деб ҳисоблайди. Шахс

¹ *Абу Наср Форобий*. Фозил одамлар шахри. – Т.: 1993, 188-б.

деганда эса ҳар томонлама уйғун ривожланган, жисмонан етук, «ҳақиқий илмий дунёқарашга» эга фаол кишини тушунади. Марксизмнинг масалага бундай ёндашуви билан қўшилиш мумкин бўларди, агарда у синфийлик, партиявийлик ва жанговар атеизм тамойилларини илмий дунёқарашнинг ўзаклари, деб қарамаса. Мазкур тамойиллар эса «илмий дунёқараш» ва «уйғун ривожланган шахс» тушунчалари мазмунини жуда-жуда чеклаб, бирёқлама қилиб қўяди. Ахир бирёқлама, ҳатто баъзан мутаассибларча фикрлайдиган шахсни ҳар томонлама уйғун ривожланган шахс деб бўлмайди.

Инсон табиати, инсоннинг яшашдан мақсади ҳақидаги барча таълимотларни, улар ўртасидаги ўхшашлик ва фарқларни, бу таълимотлар ўртасидаги ворисийлик ва мунозараларни таҳлил қилиш алоҳида мавзу. Юқорида келтирилган асосий қарашларни умумлаштириб, хулоса қиладиган бўлсак, *маънавият инсоннинг асл табиатини, унинг ижтимоийлигини (жамоавийлигини) ва шахс сифатида индивидуаллигини, миллий ва индивидуал иродасини мустаҳкамлашга, унинг ақлий ва ҳиссий ички дунёсини тарбиялашга, камол топтиришга, ижодий ва бунёдкорлик имкониятларини (қобилиятини) юксалтиришга, жамиятнинг маданий меросини бойитишга, муҳитини яхшилашга хизмат қилади ҳамда унинг ўзи улардан ташкил топади.*

Индустриал жамият ва унга хос бозор иқтисодиёти қарор топиши иқтисодиётни ва ишлаб чиқариш муносабатларини тубдан ўзгартириб юборди. Бу, ўз навбатида, одамларнинг ўзаро ва жамият билан алоқаларига, муносабатларига жиддий таъсир кўрсатди, уларни анча ўзгартирди. Постиндустриал жамиятда жуда кучли ривожланган истеъмолчилик психологияси, инсоннинг зўравонликка асосланмаган ҳар қандай эҳтиёжларини қондириш, кескин индивидуализм, эгоцентризм ва вульгар антропоцентризм инсон табиатига ҳам жиддий салбий таъсир кўрсатди.

Ўзбекистон мустақил тараққиётининг асосий мақсади «ислохотлар ислохот учун эмас, инсон учун» тамойилида ифодаланади. Ислохотлардан мақсад – инсон омили ри-

вожланиши учун, у тўқ ва фаровон, эркин ва озод яшаши, ўз имкониятларини тўла юзага чиқариши, юксак идеаллар, эзгу орзу-ҳаваслар йўлида мудом такомиллашиши учун барча шарт-шароитларни яратишдир, яъни инсоннинг асл табиатини ривожлантиришдир, уни ҳақиқий маънавий шахсга айлантиришдир.

7.2. Маънавият ва инсоннинг ҳиссий хамда ақлий дунёси

Маънавий онгнинг икки даражаси. Маънавият инсон онгининг воқелиги, турли соҳаларда ва вазиятларда унинг хулқини белгиловчи қадриятлар, ижтимоий мўлжаллар тизими сифатида шахснинг ҳиссий (эмоционал) ва ақлий (интеллектуал) дунёсидан ташкил топади. Фалсафа илмидан маълумки, онгнинг икки даражаси – кундалик онг ва назарий онг мавжуд. Кундалик онг инсонда рўзғор ва маиший турмуш, меҳнат, ҳаётий тажриба, ишлаб чиқариш кўникмалари, одамлар билан алоқалар, ишда ва ишдан ташқаридаги турли-туман иктисодий, ижтимоий, маданий, ҳуқуқий, сиёсий ва ҳ.к. муносабатлар таъсирида ҳосил бўлган ҳар хил тушунчалар, оддий ҳаётий қарашлар, тасаввурлар ва барқарор туйғулардир. Назарий онг унда ўқиш, билим олиш, фанларни, турли таълимотларни ўрганиш, табиат ва жамият ҳодисаларини илмий таҳлил қилиш, умумлаштириш жараёнида ҳосил бўлган ғоялар, тушунчалар, баҳолар, меъёрлар, илмий қарашлар, таълимотлар, назариялар тизимидир.

Онгнинг ҳар икки даражаси маънавиятнинг мазмунини, айниқса, унинг баҳолар ва қадриятлар тизимини белгилайди. Шахс қай даражада эзгуликка, инсонпарварликка, гўзалликка, меҳр-оқибатга, нафосатга содиқ, ҳалол ва диёнатли, қай даражада ёвузликдан, золимликдан, ўғирликдан, ҳаромдан, бузуклик ва фаҳшдан ҳазар қилади ёки улар билан муроСага боради – биз шу мезонларга қараб, унинг маънавияти ҳақида хулоса қиламиз. Инсонни дастлаб ўзини тутишига, одоб-ахлоқига қараб баҳолаймиз. Уни яхшироқ ва яқиндан ўрганиш давомида, унинг билимига, дунёқарашига, асл инсоний фазилатларига эътибор қаратамиз.

Инсон ўз ҳаёти ва фаолиятида амал қиладиган оддий, бирламчи қадриятлардан (ибо, ҳаё, уят, тўғрилиқ, ҳалоллик ва ш.к.) то энг мураккаб қадриятларгача (эзгулик, гўзаллик, толерантлик, бурч, фидойилиқ, ўзликни англаш, миллий манфаатларни ҳимоя қилиш, ватанпарварлик ва ш.к.) онгинг икки даражасига тааллуқли. Фақат кундалиқ онг уларга доимо узлуксиз, аммо саёзроқ, назарий онг эса узлукли, номунтазам, фақат зарур ҳолларда, аммо теранроқ таъсир кўрсатади. Инсон кўпроқ ўз фикри ва қарашларини асослаётган, мушоҳада юритаётган, кўрган-эшитган нарсаларини таҳлил қилиб, уларга ўзининг фаол муносабатини билдираётган дамларда, кимлар биландир баҳсга киришаётганда ёки биргалиқда масалани муҳокама қиляётганда, назарий онг юзага чиқади. Кундалиқ ва назарий онг ўртасида қатъий чегара ўтказиш мумкин эмас. Улар ўзаро узвий боғланган, бир-бирини бойитиб, тўлдириб, баъзан тўғрилаб, тузатиш киритиб туради.

Инсон маънавиятини кундалиқ ва назарий даражадан ташқари ҳиссий ва ақлий ҳодисаларга бўлиш мумкин. Ибо, ҳаё, уят, ҳалоллик, мардлик, тўғрисўзлик, раҳмдиллик ёки уларнинг муқобиллари – беҳаёлик, кўрқоқлик, ёлғончилик, бағритошлиқ ва шу каби оддий тушунчаларнинг инсон туйғулари, ҳиссий дунёси билан боғлиқлиги шундоққина билиниб турибди. Бурч, виждон, диёнат, ватанпарварлик, эзгулик каби тушунчаларнинг ҳиссий жиҳатлари унчалиқ кўзга ташланмаса-да, лекин мавжуд, аммо оддий тушунчаларникидан теранроқ. Масалан, ватанпарварлик туғилган жойини, она тупроғи, Ватани урф-одатлари, она тилини, халқини яхши кўришдан, ўзини уларнинг бир бўлаги деб ҳис қилишдан бошланади. Инсон бирор муддат узоқроқ жойга, айниқса, хорижга кетиб қолса, туғилган жойини, баҳорини, дала-қирини, халқининг ҳангомалари, қўшиқларини соғинади. Яъни ватанпарварлик аввало туйғу сифатида юзага чиқади. Иккинчи мисол: чиройли, нозик латифадан, ҳазил-мутойбадан завқланасиз ёки адолатсизлик, кўрқоқлик, хоинлик ғазабингизни келтиради. Булар инсоний туйғулардир.

Инсон туйғулари жуда нозик, айна пайтда, жуда қудратли, баъзан кўр бўлади. Кўп ҳолларда инсон айнан

туйғулари туфайли жасорат, қахрамонлик кўрсатади, сахийликлар қилади. Баъзан ғазабдан жиноятга, қотилликка қўл уриши мумкин. Инсон туйғулари жуда ранг-баранг. Улар ўзаро боғлиқ, биргаликда унинг ҳиссий оламини ташкил қилади. Ҳиссиёт инсон табиатини ташкил этувчи муҳим белгилардан бири экани, инсонни эҳтиросли мавжудот деб аташ мумкинлигини ўтган мавзуда қайд қилган эдик. Инсоннинг юксак ҳиссиёти, туйғулари кўпинча кўнгил ёки кўнгил олами деб аталади. Демак, инсон кўнгил унинг юксак туйғуларидан иборат. Тубан туйғулар – очофатлик, ҳасад, ҳирс, ўч олиш, сурбетлик ва ҳ.к.лар нафс ва ҳайвоний сифатлар дейилади.

Бошқача айтганда, *инсоннинг ҳиссий олами юксак туйғулар – кўнгил ва тубан туйғулар – нафсдан иборат.* Нафс, ҳирс қанча тўғри баҳоланиб, тўғри чекланса, кўнгил шунча юксак, инсон ҳиссий олами шунчалик бой ва самарали бўлади. Нафс ва ҳирс устунлик қилса, кўнгил кашшоқ, инсоннинг ҳиссий олами шунчалик зўравонликка, бузғунчиликка, кулликка, ялтоқиликка мойил бўлади. *Ҳис-ҳаяжон, туйғулар, кечинмалар, кўнгил ва нафс – инсон ҳиссий дунёси унинг руҳияти (психологияси) деб аталади. Жамият миқёсида эса ижтимоий психология дейилади.*

Биз юқорида шахс маънавиятининг ҳар бир ходисаси унинг ҳиссий ва ақлий дунёсига тааллуқли дедик. Зеро, инсон уларни нафақат кўнгилдан, шунингдек, ақлидан ҳам ўтказди. Инсон уят, виждон, бурч ва бошқа тушунчалар нимани билдиради, деган саволга жавоб излайди. У ўз туйғуларини, ҳисларини асослашга, сабабини аниқлаб, моҳиятига етишга уринади. Масалан, уят нима? У тортинчоқликдан, журъатсизликдан фарқ қиладими? Инсон мулоҳаза юритиб, уят тортинчоқлик эмас, балки ёлғон, сохталик ва одоб-ахлоққа зид, мос келмайдиган хатти-ҳаракати туфайли ўзидан норози бўлиш туйғуси эканини англайди. Лекин бу осонликча юз бермайди. Одоб-ахлоққа мос ёки зид келишни аниқлаш учун одоб-ахлоқ меъёрларини, қоидаларини, талабларини, турли тақиқларни, нима мумкин-у, нима мумкин эмаслигини маълум даражада билиш лозим. Дастлаб бундай билимларни инсон болалигида оиласида, мактабда олади, кейин бу доира муттасил кенгайиб бораверади.

Жамият юксалган сайин кадриятлар тизими мурак-каблашиб, чуқурлашиб, ривожланади. Уларнинг мазмуни, баҳолаш мезонлари ўзгаради. Аммо туб моҳияти барқарорлигини анча сақлайди. Инсон ҳиссий ва ақлий дунёсининг мазмунини унинг ҳаётий фаолияти, меҳнати, табиат, жамият, ўзи каби бошқа одамлар билан вужудга келган алоқалари, муносабатлари ташкил этади. Жамият ва инсон ривожланиши жараёнида улар мазмунан бойиб, теранлашиб, шаклан хилма-хиллашиб боради, тизимлашади. Уларни ижтимоий онг шаклларига мувофиқ фалсафий, диний, илмий, ахлоқий, эстетик, ҳуқуқий, сиёсий тизимларга ажратиш мумкин. Улардан айримларида, масалан, фалсафада, илм-фанда, сиёсат ва ҳуқуқда туйғулар, ҳис-ҳаяжон етакчи мавқега эга эмас, лекин мавжуд. Бу соҳаларда тафаккур устунлик қилади. Аммо туйғулар ҳам сезиларли роль ўйнайди. Аввало, ҳақиқат туйғуси (сиёсат ва ҳуқуқда, шунингдек, адолат туйғуси), фанда илмий интуиция, эвристик туйғу (кашфиёт, топқирлик туйғуси), илмий завқ-шавқ, қилган ишидан қониқиш ёки қоникмаслик туйғуларининг аҳамиятини инкор қилиб бўлмайди. Динда, ахлоқда, адабиёт ва санъатда эса туйғулар ғоялардан, тафаккурдан кам аҳамият касб этмайди. Баъзи ҳолларда ҳатто улардан устунлик қилади.

Инсоннинг кўнгли ва ақлини бир-биридан ажратиб бўлмаганидек, ижтимоий психология ва идеологияни, жамиятнинг ҳиссий ва ақлий дунёларини бир-биридан ажратиб бўлмайди. Уларни қарама-қарши қўйиш мутлақо нотўғри. Улар муштараклик ва узвий бирликни, инсон ва жамият маънавиятининг яхлит тизимини ташкил қилади (бу ерда гап психология ва идеологиядаги тез ўзгарувчан кайфият, туйғулар ва энди шаклланаётган ёки иккинчи даражали оддий тушунчалар ҳақида эмас, балки собит, барқарор туйғулар ва эътиқод асосини ташкил этувчи муҳим тушунчалар, ғоялар ҳақида кетмоқда). Инсонни, биринчи навбатда, ижтимоий психология, кундалик онг жамиятга, ҳаётга, одамлар билан бирга яшаб, бирга меҳнат қилишга, урф-одатларга, кундалик ижтимоий муносабатларга мослаштиради, адаптация қилади. Ижтимоий идеология инсон олдида мақсадлар қўяди, эътиқодини белгилайди, ижтимоий мўлжаллар

кўрсатади, давлат ва жамиятнинг инсонга кўядиган талабларини аниқлаб беради.

Инсон ҳиссий дунёсида онглилик ва онгсизлик унсурлари бор. Инсон туйғулари, ҳис-ҳаёжонлари кўпинча бевосита кечса-да, оддий сезгилар йиғиндиси эмас. Кулгили нарсани эшитган ёки томоша қилган соғлом киши, агар кайфияти жойида, вазиятга бетараф бўлса, йиғламайди, балки кулади. Чунки унинг ҳис-ҳаяжонини ақли назорат қилиб туради. Аммо инсонда онгдан ташқари унинг биологик ва ижтимоий табиати билан боғлиқ онгости сезгилари, ўзини ҳимоялаш инстинктлари, узоқ ўтмишдан келаётган жамоавий архетиплари бор. Улар инсон ҳаётида, хулқ-атворида баъзан катта роль ўйнайди. Ўтган мавзуда эсланган психоанализ (руҳий таҳлил) фани вакиллари З.Фрейд ва унинг издошлари бу борада жуда кўп янги фикрларни, ғояларни олға сурган. Инсон хатти-ҳаракатларини белгиловчи онгости омилларини Зигмунд Фрейд ўлим ва ҳаёт инстинктлари, деб умумлаштирди. Лекин Фрейд уларни, айниқса, инсоннинг шахвоний майлларини ортиқча баҳолайди. Инсоннинг ҳақиқий табиатини фақат инстинктларда кўради. З.Фрейд фикрича, ижтимоийлик, маданият инсоннинг биологик майлларини бўғади, уларни ахлоқий ва бошқа меъёрлар ёрдамида чеклайди. З.Фрейд, истаб-истамаган ҳолда, психология инсоннинг фақат биологик жиҳатини ўрганиши лозим, деган хулоса қилади.

З. Фрейднинг издоши, кейинчалик ундан узоқлашиб кетган психоанализнинг яна бир йирик вакили Карл Юнг унинг қарашларини анча юмшатишга ҳаракат қилди, у архетиплар ғоясини руҳий таҳлил фанига киритди. Архетиплар инсон ҳали жамоаларга уюшиб ибтидоий турмуш кечирганда, биргаликда ов қилиб, емиш излаб, маҳсулотлар йиғиб яшаганда, биргаликда ўзини хавф-хатардан, душмандан сақлаганда, кейинги даврларда ҳам табиий офатлар (зилзила, тошқин, ёнғин), вабо, чечак сингари эпидемиялар пайтида, даҳшатли қирғин-барот урушларида яшаб қолиш борасида тўплаган тажрибаси, кўникмалари, қарашларининг кейинги билимлар таъсирида иссиз йўқолмасдан онг остида сақлаб қолинган жамоавий хотирани билдиради. Жамоавий архаик хоти-

ра – архетиплар, ўлим ва ҳаёт инстинктлари каби, инсон ҳаётида, маънавиятида баъзан муҳим ўрин эгаллашини К. Юнг ўз тадқиқотлари билан исботлади.

Онгсизлик ҳақида гап кетганда, албатта, уларнинг индивидуал ва жамоавий шакллари бир-биридан фарқлаш керак. Индивидуал онгсизлик доимо конкрет, аниқ шаклда турли кишиларда ҳар хил намоён бўлади. У шаклан ранг-баранг, аммо мазмунан саёз. Жамоавий онгсизлик эса мазмунан теран, чуқур, лекин шаклан камбағал. Жамоавий онгсизлик ғалаёнлар, оммавий тартибсизлик ва ваҳималар, оммавий жўшқинлик ва олқишлар, кўр-кўрона сиғинишлар ва оммавий фидойилик кўринишида юзага чиқиши мумкин. Баъзан индивидуал ташаббус бир гуруҳ кишининг нооқилона, инстинктив ҳаракатига туртки бўлади. Масалан, кўпроқ ёшлар орасида бир киши бошлаган аксилижтимоий ҳаракатга, жиноий ишга ёнидагилар кўшилади. Аслида, уларда жиноят қилиш нияти бўлмаган, аммо жамоавийлик инстинкти, психологик жўшқинлик ўша вазиятда бунга ундаган: бошқалардан ажралиб қолмаслиги, бошқалар уни кўрқоқликда айбламаслиги учун ўша ишга қўшилган.

Бирок, шуни таъкидлаш лозимки, гуруҳий жиноятлар орасида уюшган жиноятчилик психологик жўшқинлик оқибати эмас. Уюшган жиноятчилик асосида маълум бир ғаразли мақсадни биргаликда амалга ошириш ётади, у жамоавий онгсизлик кўриниши эмас. Тасодикий гуруҳий жиноят эса жамоавийлик инстинктининг, жамоавий архетипнинг салбий кўринишларидан биридир. Жамоавий архетипнинг ижобий кўринишидан бири жангда, ўқ ёмғири остида ўлимдан кўрқмасдан ёвга биргаликда ташланишдир. Инсоннинг тарихий хотирасида, онги остида кўрқоқлик қилиб қочсанг, ёв ҳаммангни битта-битта қириб ташлайди, ёппасига ҳамла қилсанг, бир қисминг омон қолсан, деган тажриба хулосаси муҳрланиб қолган.

Гоялар, тушунчалар, баҳолар, меъёрлар, мулоҳазалар, қонунлар, назариялар, таълимотлар, идеаллар инсоннинг ақлий дунёсини ташкил этади. Жамият миқёсида у ижтимоий идеология (мафкура) деб аталади. Унинг негизида инсоннинг ҳис-ҳаяжони ва туйғулари эмас, балки тафаккури ётади. Тафаккур оламини билишнинг тизимли

ва самарали шаклидир. Тафаккур ғоялар, тушунчалар, фикрлар, мулоҳазалар, хулосалар ёрдамида объектив воқеликнинг турли белгилари, шакллари, мазмуни, ички хусусиятларини, нарса ва ҳодисалар ўртасидаги алоқалар, ўзаро таъсирлар ва шу каби бошқа муносабатларни акс эттиради. Уларни умумлаштиради, гуруҳларга, синфларга ва тизимлаштиришнинг бошқа шаклларига бўлади. Табиат ва жамиятнинг (борликнинг), индивидуал ва ижтимоий онг шакллари ривожланишининг қонунларини очади. Тафаккур ёрдамида инсон, масалан, ахлоқий туйғуларини, ғояларини, меъёрларини, қонунларини тартибга солиб, тизимлаштиради. Натижада, ахлоқ ижтимоий онгнинг алоҳида шаклига, жамият институтига айланади. Акс ҳолда ахлоқ саёз ҳис-туйғуларнинг ўзаро боғланмаган йиғиндиси кўринишида қолиб кетар ва жамият ҳаётида жуда катта роль ўйнамас эди.

Туйғуларнинг, хиссий кечинмаларнинг теранлашуви, тизимлашуви, ақл билан боғланиши тафаккур туфайлидир. Худди шундай мулоҳазаларни одамларнинг эстетик туйғулари, умуман, бошқа йўналишдаги туйғулари ва кечинмалари ҳақида айтиш мумкин. Эстетик туйғулар чуқур англаб олиниб, тартибга солинмаса, адабиёт ва санъат вужудга келмайди. Бунинг учун мулоҳаза, тафаккур, олий ҳақиқат тўғрисида қандайдир тушунчалар, ғоялар (аниқ бўлмаса-да) керак. Бу ерда гап адабиётшунослик ва санъатшунослик фанларига талаб туғилиши ҳақида кетмаяпти. Гап бадий ижод фақат муаллиф туйғулари маҳсули эмаслиги, балки у муаллифнинг ақли, тафаккури, олға сурган ғояси, ҳақиқатни, жамият эҳтиёжларини ҳам ифодалаши тўғрисида кетмоқда. Муаллиф бошқаларга маъкул, манзур асарни умумий ахлоқий, эстетик ва бошқа ижтимоий манфаатларни, жамият учун зарур бўлган ва тан олинадиган ғояларни ифодалабгина ярата олади. Бошқача айтганда, яратиладиган асар жамият тафаккури ва ижтимоий идеалига мос бўлмоғи лозим. Айнан тафаккурнинг ривожланиши, илмий билимларнинг ўсиши, тадқиқотнинг турли янги усуллари кашф этилиши туфайли фаннинг янги йўналишлари, турлари пайдо бўлади. Рус файласуфи Н.А. Бердяев тўғри таъкидлаганидек, тафаккур инсон билимларининг манбаидир. Та-

фақкур ёрдамида инсон ўз борлиғини, ҳаётини, яшаш шароитини ўзгартиради. Ижобий ҳис-туйғуларсиз, қалб кечинмалари, завқ-шавқи, изтироблари, юксак парвозларисиз тафаккур худбин меркантилликни мўлжал олиши, меҳр-оқибатни, инсонийликни етарлича ҳисобга олмаслиги мумкин. Ҳис-туйғулар тафаккурга раҳмдиллик, ҳамдардлик ва бошқа инсоний фазилатлар бағишлайди. Агар ҳиссиётда қаҳр-ғазаб, нафрат, нафс, ҳирс устунлик қилса, қалб қашшоқ бўлса, тафаккур зўравонликка, ўч олишга, жазолашга, бойлик орттиришга, шаҳвоният ва шайтанатга мойиллик кўрсатади. Тафаккур ижобий мазмундаги ҳиссиётга таянса, салбий ҳис-туйғуларни жиловлайди. Шундай қилиб, ҳиссиёт ва тафаккурнинг ўзаро таъсири иккитомонламадир. Бундан ташқари, улар ўртасида катъий чегара ўтказилишининг ўзи қийин. Ҳис-туйғулар, айниқса, мураккаб ҳис-туйғулар инсонда фикр уйғотади. У ҳис-туйғуларининг сабабини, объектини таҳлил қила бошлайди, умумлаштиради ва хулосалар чиқаради. Ўз навбатида, воқеа, объект хусусиятларини, улар асосида ётган ғояларни, илмий-техник ёки бадиий ечимларни тушуниш инсонда яна юксак туйғуларни, завқ-шавқни туғдиради. Масалан, шахмат ўйинидаги комбинацияни, ечимни тушунган киши ундан завқланади. Ёки мураккаб иншоотнинг оригинал архитектура-инженерлик ечимини тушунган киши ҳам завқ-шавқ туяди. Оддий номутахассис киши бадиий, илмий-техникавий ижоднинг кўпроқ ташқи гўзаллигидан завқланса, мутахассис – ушбу соҳада тегишли билимларга, тафаккурга эга одам эса, унинг ички интеллектуал томонларидан, нозик ечимлари нафосатидан ҳам теран таъсирланади.

Шундай қилиб, инсоннинг ҳиссий-эмоционал ва ақлий-интеллектуал олами бус-бутун, яхлит тизимдир.

Тафаккур тўғрисидаги мулоҳазаларимизни давом эттираемиз.

Тафаккур тарзи, бир томондан, илм-фан, мантик, адабиёт ва санъат эришган савия, оламни илмий ва бадиий билиш даражаси билан боғлиқ бўлса, иккинчи томондан, ижтимоий амалиётга, қарор топган шахслараро, фуқаро ва давлат, шахс ва жамият, шахс ва табиат ўрта-

сидаги муносабатлар мазмунига, шаклларига, ижтимоий ишлаб чиқариш ва технологиялар даражасига боғлиқ. Ижтимоий тараққиёт даражаси тафаккурнинг ривожланиш ва эркинлик даражасини белгилайди. Ва, аксинча, тафаккур кучи, имкониятлари, оламни билиш, меҳнат куролларини, ишлаб чиқариш технологияларини, фан ва техникани, адабиёт ва санъатни ривожлантириш орқали жамият тараққиётига, инсон камолотига бевосита ҳал қилувчи таъсир кўрсатади.

Тафаккур эркинлигининг инсон маънавиятига таъсири. Тафаккур эркинлиги инсон эркинлигининг ажралмас қисми ва негизидир. У жамият инсонга яратиб берган имкониятлар ва эркинликларнинг маҳсули ва инъикосидир. Айни пайтда, у инсон эркинлигининг ақлий пойдеворидир. Оқибат-натижада, *тафаккур эркинлиги ҳар қандай эркинликнинг* (виждон эркинлигининг, сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий эркинликларнинг, дунёқараш эркинлигининг ва ҳ.к.) *маънавий негизини, интеллектуал шарт-шароитини ташкил этади.* Тўғри, эркин тафаккур бевосита виждон эркинлигини ёки сиёсий, иқтисодий эркинликларни юзага чиқармайди. Аммо тафаккури қарам киши, ҳатто виждон эркинлиги тўла таъминланган жамиятда ҳам субъектив тушунчадаги тўлақонли эътиқод эркинлигига эриша олмайди. Жамиятда мафкуравий ва сиёсий эркинлик вужудга келса-да, тафаккури қарам кишилар, гуруҳлар жанговар атеизмга ёки диний радикализмга (ҳар иккаласи ҳам ғоявий мутаассибликдир) оғиб кетиши мумкин. Чунки тафаккури қарам шахсда ғоявий иммунитет ва ирода заиф бўлади. У мустақил хулоса қилиш, ҳодисалар ва жараёнларни холис баҳолаш масъулиятидан чўчийди.

Эркинликнинг бошқа шакллари, хусусан, шахснинг сиёсий ва ҳуқуқий эркинлиги тўғрисида ҳам шундай дейиш жоиз. Сиёсий эркинлик нима? Объектив нуқтаи назардан у муайян давлат конституцияси, қонунлар мажмуи томонидан алоҳида фуқаролар ва турли сиёсий, жамоат ва нодавлат ташкилотларига ўзларининг ҳокимиятга (ҳар учала бўғинига) ва, умуман, сиёсий тузумга нисбатан муносабатларини эркин ифода қила олиш (сайлов, ОАВ, турли оғзаки ёки ёзма мурожаатлар, таклифлар орқали)

ва давлат бошқарувида иштирок эта олиш учун яратилган ҳуқуқий ва амалий имкониятлардир. Субъектив нуқтаи назардан эса, фуқаролар, партиялар ва ш.к. ларнинг бу имкониятлардан онгли равишда ва самарали фойдалана олишидир. Тафаккури тобе шахс ёки илмий жиҳатдан хато, догматик ёки эклектик таълимотга таянган партия яратилган сиёсий эркинлик имкониятларидан самарали фойдалана олмайди: ё ўз ҳуқуқларини тўла, охиригача англаб, амалда қўллай олмайди, ё ўз ҳуқуқларини ортиқча баҳолаб, ҳокимиятга ва жамиятга асоссиз талаблар қўя бошлайди, тазйик ўтказишга ҳаракат қилади.

Тафаккури бировга қарам ёки чекланган киши ўз экзистенциал ҳолатини ва эҳтиёжларини, ижтимоий-тарихий заруратни тўлиқ англаб ололмайди, бирёқлама тушунади. Ҳодисалар ва вазиятни таҳлил этиб, мустақил қарор қабул қилишда, эркин танлашда қийналиб қолади. Ўзга фикрларни танқидий баҳолашда қийналиш уни бошқалар ортидан кўр-кўрона эргашишга ёки интуитив ҳаракат қилишга ундайди. Бу эса доим ҳам яхши натижаларга олиб келавермайди, инсон эркинлигини чеклаб, тасодифларга ёки ўзга иродага қарам қилиб қўяди. Турли ижтимоий гуруҳлар, диний-экстремистик секталар ва оқимлар таъсирига кўпроқ билимлари ва ҳаётий тажрибаси кам, иродаси заиф, тафаккури унчалик эркин бўлмаган кишилар, айникса, ёшлар тушиб қолади.

Юқоридагиларни умумлаштириб дастлабки хулоса қиладиган бўлсак, *тафаккур эркинлиги бирламчи шаклда шахснинг мустақил мулоҳаза юритиш ва баҳолаш масъулиятини ўз зиммасига олишидир.*

Ўз экзистенциал ҳолатини, эҳтиёжларини ва ижтимоий-тарихий заруратни яхши англаган киши учун вазиятни ва истиқболни тўғри баҳолай олиш, масала ечимининг, ҳаракатнинг мавжуд вариантларидан ўзига энг маъқули ва мақбулини танлаш имкони туғилади. Лекин ўз-ўзидан бу имконият юзага чиқиб қолмайди. Чунки эркин тафаккур объектив шарт-шароитлар, субъектив интилишлардан (маълум мақсадга), хоҳиш-истакдан ташқари, фикрлаш маданиятини тақозо этади. Фикрлаш маданияти, оддий қилиб айтганда, икки жиҳатни ўз ичига олади. Бир томондан, у билимлардан иборат, яъни муҳокама ва

тахлил қилинаётган нарса, ходиса ёки фикр тўғрисидаги тушунчаларни, мавжуд қарашларни (шу жумладан, илмий, назарий қарашларни) билишдан, иккинчи томондан, мантикий нуқтаи назардан (формал ва диалектик) тўғри таҳлил кила олиш ва хулоса чиқаришдан иборатдир. Бу тафаккур (фикрлаш) маданиятининг субъектив мавжудлигидир. Унинг объектив мавжудлиги предметлашувда, фикрнинг амалиётга айланишида юзага чиқади. Бошқача айтганда, тафаккур эркинлигининг объектив мавжудлиги шахснинг (умуман, социумнинг барча кўринишларининг) хулқ-атворида, амалиётида, ижодий яратувчилигида акс этади.

Билими кам киши баҳсда ёки суҳбатда эшитган гапларини тўғри, холис баҳолай олмайди. У иккиланиши, суҳбатдоши далилларининг тўғрилигига шубҳа қилиши мумкин, аммо далил ёрдамида рад этишга ожиз. Агар ички туйғу уни «огоҳлантирмаса», у суҳбатдош фикрини тўлиқ ёки қисман қабул қилади. Лекин тафаккур маданияти учун билимнинг ўзи камлик қилади. Билим кўпроқ пассив эрудициядан, ахборотлар мажмуидан иборат бўлиб қолса, унда таҳлил қилиш, мустақил хулосалар чиқариб янги фикрга келиш орқали янги нарса яратиш салоҳияти етишмаса, у тафаккур маданиятига айланмайди. *Билим ижодкорлик салоҳияти билан қўшилгандагина тафаккур маданияти юзага келади. Фикрлаш маданиятисиз тафаккур эркинлиги юзага чиқмайди.*

Эркинлик, маълумки, онгли, бутун масъулиятни ҳис этиб танланган ва амалга оширилган қарорда воқе бўлади. Шу боис Ҳегел эркинлик англаб олинган зарурат, деганида тафаккур эркинлигининг ёки Ҳегел атамаси бўйича, руҳ эркинлигининг моҳиятини ифодалаган эди. Энгельс унга кўшимча қилиб, эркинлик англаб олинган зарурат бўйича ҳаракат қилиш деганида, ушбу моҳиятнинг ходисага айланишига, қандай юзага чиқишига урғу берган эди.

Эркинлик фалсафада ва илоҳиёт илмида баҳсли, мураккаб масалалардан бири. Динда тақдири азал ва инсон эркинлиги жуда кескин мунозараларга, ҳатто турли фирқалар (секталарга) бўлинишга сабаб бўлган. Ислом тарихида ўтган қадарийлар ва жабарийларни эслашнинг

ўзи кифоя. Инсон табиати ҳақидаги ўтган мавзуни ёритаётганда биз ушбу масалага қисман тўхталиб ўтган эдик. Қуйида ирода ҳақида сўз юритганда яна унга қайтамиз. Ҳозирча шуни қўшимча қилиш мумкинки, Ж.П.Сартр эркинлик инсоннинг «субстанцияси», табиати дейди. Аксарият мутафаккирлар инсонни эркин мавжудот ҳисоблайди, эркинликни ирода – мустақил онгли қарор қабул қила олиш билан боғлайди. Лекин кўпинча масалага мавҳум ёндашилиб, инсоннинг амалий эркинлиги билан мустақил қарор қабул қила олиши боғланмай қолиб кетади. Қанчалик тафаккури ўткир, иродаси кучли, қанчалик мустақил қарор қабул қила олиш салоҳияти юксак бўлмасин, амалда инсон хизмат лавозими юқорироқ шахсга қарам бўлиши мумкин. Масалан, ҳарбий кўмондон юқори кўмондонга, компания менежери директорлар кенгашига ва президентига. Сиёсий вазият, юқори бошлиқлар талаби ва ш.к.лар шахс эркинлигини чеклаши мумкин. Инсон ўзига жамият томонидан сиёсатда, иқтисодиётда, маданиятда ва ҳ.к. бера олиши мумкин бўлган эркинлик даражасидан ортиқ эркинликни қўлга кирита олмайди. Ҳатто реал ҳаётда кўпинча у (конкрет индивид мисолида) ўша имкониятдан тўлиқ фойдалана олмайди.

Тафаккур эркинлигини белгиловчи умумижтимоий (умумтамаддуний), хусусий ижтимоий (ёки ижтимоий-сиёсий), маданий-маърифий омиллар гуруҳи қаторида маънавий-эътиқодий, илмий-фалсафий омиллар гуруҳи ажралиб туради. Тафаккур эркинлигига, шунингдек, инсоннинг ҳиссий-психологик мойилликлари, хатти-ҳаракатини, қарорларини баҳолашда ички ҳиссиётларини жиловлай олиши, ўз-ўзига танқидий муносабатда бўла олиши ҳам таъсир кўрсатади. Маънавий-эътиқодий, илмий-филсафий омилларнинг мустақиллиги анча нисбий бўлиб, умумтамаддуний ва ижтимоий-сиёсий омилларга боғлиқ. Кўпинча бу мустақиллик ижтимоий онг даражасида эмас, балки индивидуал онг даражасида юзага чиқади.

Умумижтимоий омиллар, бу – жамиятнинг умумтаракқий, тамаддуний даражасидан келиб чиқадиган омиллардир. Масалан, бундан ҳатто 30–40 йил илгари яшаган киши билан ҳозирги ахборот технологиялари, глобаллашув асрида яшаётган кишининг қарашлари, табиат ва

жамият ҳодисаларини, инсон кадр-қимматини баҳолаши ўртасида сезиларли тафовут мавжуд. Тўғри, баъзи бир умуминсоний кадриятларни, талабларни тушунишда муайян фарқ бўлса-да, баҳолаш тамойиллари ва мезонлари асрлар давомида мохиятан ўзгармаслиги мумкин. Лекин турли даврларда инсоннинг тафаккур тарзи, тафаккур ва эркинликнинг конкрет илмий-гносеологик, аксиологик тамойиллари ва мезонлари сезиларли ўзгаради. Ушбу маънода, бир томондан, тафаккур ўзининг барқарорлигини ва умуминсоний характерини, яъни давр ва ижтимоий тузумдан нисбатан мустақиллигини намоён қилса, иккинчи томондан, у ўзининг *конкрет тарихийлигини, ижтимоий ва шаклий детерминлашганини ошкор қилади*. Ижтимоий-сиёсий омиллар таъсири умумижтимоий омилларни тўлдиради ва тафаккурни бевосита давлат тузуми талаблари, сиёсий эркинлик, ҳуқуқ, ахлоқ ва бошқа ҳаётий соҳалар билан боғлайди.

Тафаккурнинг ижтимоий тақозо этилиши (детерминлашгани) шу икки омилга: биринчидан, жамиятнинг умумий ривожланганлик даражасига, санъат, илм-фан, ишлаб чиқариш технологиялари хусусиятларига – тарихий-тамаддуний тараққиёт босқичига, иккинчидан, давлат тузумига, унинг эркин, демократик бошқарув тамойилларига, ҳуқуқий меъёрлари илғорлиги ва амалда таъминланишига ёки унда нодемократик, волюнтаристик тамойиллар, ногуманистик мазмундаги колоқ ҳуқуқий ва ахлоқий меъёрлар, анъаналар устунлик қилишига боғлиқ.

7.3. Тафаккурнинг тарихий шакллари ва маънавият

Тафаккурни турли ёндашувлардан келиб чиқиб, ҳар хил таснифлаш мумкин. Масалан, эътиқодий-онтологик мезонлар асосида тафаккур диний ва дунёвий шаклларга бўлинади, фалсафий-онтологик ёндашув тафаккурни материалистик ва идеалистик шаклларга ажратади. Воқеликка муносабат рационал (оқилона, мантикқа мос) ёки иррационал (мантикқа зид, ғайритабiiий ва ғайриижтимоий мулоҳазалар ёки ўта бирёқлама, фантастик тасаввурларга асосланган) бўлади. Уларга мувофиқ тафаккурнинг рационал ва иррационал шакллари юзага келади.

Нарса ва ходисаларни билишда, эътибор, асосан, уларнинг ўзгарувчанлигига ёки барқарорлиги, доимийлигига қаратилса, тафаккур тарзининг моҳияти диалектик ёки метафизик характер касб этади. Нарса ва ходисалардаги барқарорликка беписанд қаралса, улар фақат доимий ўзгарувчан ҳисобланса, релятивистик тафаккур; аксинча, ўзгарувчанликка, ривожланишга беписанд қаралса, догматик тафаккур юзага келади. Тафаккурнинг мустақиллиги, танқидийлигига ёки уларнинг етишмаслигига қараб, эркин ва қарам тафаккурга бўлиш мумкин. Тафаккурнинг сиёсий мазмунини толерантлиги даражасини ҳисобга олиб, уни эркин демократик ва тоталитар, нодемократик шакллари ажратиб кўрсатиш мумкин.

Инсоннинг ақлий ва ҳиссий дунёси, умуман онги, тил (нутқ) орқали шаклланади. Тилсиз онг, инсоний ҳистуйғулар ва тафаккур вужудга келмайди. Болага гўдаклигидан уят нима, одобсизлик нима, тозалик, озодалик, гўзаллик ва ҳ.к. туйғулар тил ёрдамида тушунтирилади. Бола эркалатилганда эшитган сўзлар унда туйғуларни шакллантиради. Тил олами, нарса ва предметларни, инсоний баҳоларни, муносабатларни, хоҳиш-истакларни товушлар, сўзлар (рамзлар, белгилар, ҳарфлар) орқали ифода қилади. Сўзлар (рамзлар, белгилар) муайян тушунчани англатади. Сўзлардан ясалган гап, бу – қандайдир фикрни билдиришдир. Сўзлар (тушунчалар, фикр) ёрдамида ифодалашдан ташқари, ёзма, имло ёрдамида ёки математик ва бошқа рамзий белгилар орқали, кар-соқовларда имошоралар орқали ифодаланади.

Тил қанча сўзларга, рамзий белгиларга, айниқса, мавҳум тушунчаларни, илмий тадқиқот билан боғлаб кўздан яширин табиий, психологик, ижтимоий жараёнларни ифодалайдиган сўзларга (атамаларга) бой бўлса, жамият аъзоларининг билим олиш, ўз тафаккурини юксалтириш, дунёқарашни кенгайтириш, илм-фан, таълим, адабиёт ва санъатни ривожлантириш имкони шунча юқори бўлади. Ва, аксинча, илм-фан, адабиёт ва санъат, маданият қанча юксакликка эришса, тил шунчалик луғавий жиҳатдан бойийди, грамматик ва стилистик жиҳатдан сайқал топади. Шу сабабдан ривожланган миллатларнинг тиллари ҳам жуда ривожланган (кўп сонли халқларда) ёки улар

бир неча тилларни, жумладан, бирор ривожланган тилни, албатта биладилар (камсонли халқлар – бельгияликлар, голландлар, шведлар, финлар, норвеглар ва ш.к.).

Тафаккур тарзи ва хусусиятлари ҳақида биз кейинги мавзуларда ҳали кўп тўхталамиз. Ҳозир эса сўзни тафаккурнинг икки тарихий шакли – асотирий ва анъанавий тафаккурларга бағишлаймиз. Зеро, улар маънавият шаклланишининг ибтидоси ва ривождаги илк сифат босқичини ташкил қилади.

1. Асотирий тафаккур ва ибтидоий жамият маънавияти

Тафаккурнинг илк тарихий шакли асотирий тафаккурдир. Ибтидоий жамият кишиси оламни билишда, турли ходисалар, жараёнлар ўртасидаги ҳақиқий ёки хаёлий боғлиқликни, уларнинг бир-бирига ва ердаги ҳаётга, одамлар тақдирига таъсирларини аниқлашда ва ифодалашда асотирлардан (мифологиядан) фойдаланган. Асотир оламни кенг қамровли, умумлашган, системали ва, айни пайтда, конкрет – образли идрок қилишнинг ибтидоий универсал, синкретик шаклидир. Асотирлар тизимини оламнинг ибтидоий аجدодларимиз томонидан яратилган илк модели ва ибтидоий жамият маънавиятининг ўзаги дейиш мумкин.

Асотирлар оламни билишнинг ва тўпланган билимларни акс эттиришнинг мустақил илмий ва бадиий шакллари пайдо бўлмаган, инсоннинг ахлоқий, эстетик, диний, илмий ва бошқа билимлари жуда кам, жўн бўлгани учун уларнинг ҳар қайси йўналиши алоҳида тизимларга бирлашмаган даврда вужудга келган. Асотирлар ибтидоий инсон онгининг, тафаккурининг негизини, услубини ва ривожланиш воситасини ташкил этган. Оламни асотирлар орқали идрок этиб, акс эттириш фанда ибтидоий синкретизм, тафаккур услуби эса синкретик тафаккур дейилади. Синкретик тафаккур асосида ибтидоий жамиятнинг синкретик маънавияти шаклланади.

Асотирий тафаккур хусусиятлари:

1. У оламни яхлит тарзда, бир бутунликда идрок этади. Жамият ва инсонни табиатдан, коинотдан ажратмайди, балки уларнинг узвий бир унсури, бўлаги деб билади.

Шу сабадан унга олам инъикоси сифатида ҳам, инсон хулқ-атвори, фаолиятининг, маънавиятининг пойдевори ва ҳаракатлантирувчи кучи сифатида ҳам ички бус-бутунлик, муштараклик, яъни синкретизм хос.

2. Барча предметлар ва ҳодисаларни ўз руҳига эга мавжудот деб ҳисоблайди – табиатни «жонлантиради». Бу ҳодиса анимизм дейилади. Воқеликни бундай идрок этиш асотирий тафаккурнинг, ибтидоий маънавиятнинг ҳаётга магиявий (магия – тилсим, сеҳр-жоду) муносабатини тақозо этади ва шакллантиради. Нарса ва ҳодисалар, предметлар ўртасидаги, шу жумладан, инсон ва табиат, инсон ва жамият, инсон ва инсон ўртасидаги алоқалар негизида турли тилсимлар, ғайритабиий кучлар, таъсирлар, ғайритабиий қонуниятлар ётади, деб ҳисоблайди. Ҳаётга тилсимий (магиявий) муносабат маълум предметларни фетишга айлантириб, уларга сиғинишга, у ёки бу жониворни (ёки ўсимликни) тотем ҳайвон (уруғнинг асосчиси, манбаи) деб эълон қилишга ва унга сиғинишга олиб келади, ибтидоий жамият маънавиятининг моҳиятли белгиларидан бирини ташкил этади. Тилсимий муносабат табуга (тақиққа) таянади. Магияда табу сакрал (мукаддас) аҳамият касб этади ва турмуш меъёрига, қоидасига айланади. Ибтидоий одамнинг табиат ва ҳаёт тилсимларидан, сирларидан кўркуви табуда кўринади.

3. Табиий ва ғайритабиий, реал ва фантастик (ўйлаб топилган) ҳодисаларни муштаракликда, ўзаро алоқадорликда, боғлиқликда кўради. Асотир ибтидоий одам учун – ҳақиқат. У авторитар мазмунга эга. Ибтидоий жамият маънавияти унинг теварагида шаклланади ва тизимлашади.

4. У оламни образли, конкрет акс эттиради. Анимизм асотирий тафаккурнинг «онтологик» тамойили бўлса, конкрет-образлилик эса унинг асосий инъикос (акс эттириш ва ифодалаш) воситасидир.

Шундай қилиб, асотирий тафаккурда, бинобарин, ибтидоий жамият маънавиятида олам реал ва фантастик, нореал унсурларнинг мураккаб тилсимий алоқалар билан боғланган муштарак тизими сифатида ўзига хос тарзда конкрет-образли акс этади. Асотирий тафаккур ўзгармас, қотиб қолган ҳодиса эмас. У ибтидоий инсон билан бир-

га ўсган, ривожланган. Янги тош асрига келиб, шаклан ва мазмунан анча мураккаблашган. Фетишизмдан анимизмга, ундан политеизмга ўтиш асотирий тафаккурнинг ўзига хос тарихий босқичларини ифодалайди. Агар мазкур фаразга таянилса, унда асотирий тафаккур ўзининг энг ривожланган босқичини ибтидоий жамият емирилиши, ақлий меҳнатнинг жисмоний меҳнатдан ажралиб чиқиши, эътиқодда политеистик қарашлар қарор топиши даврида бошдан кечирган. Айнан худди шу даврда аста-секин асотирий тафаккурдан янгича тафаккурга ўтиш бошланган.

Эътироф этиш лозимки, фетишизм, анимизм, политеизм ўртасида аниқ чегара йўқ, ҳеч қачон бўлмаган. Политеизм даврида анимизм ўз аҳамиятини деярли йўқотмаган, фетишизм эса анча сақланиб қолган, айниқса, маиший даражада (ҳатто ҳозир ҳам учрайди: масалан, кўзмунчок ва ҳ.к. иримлар сифатида) ва халқ оғзаки ижодида – эртакларда, дostonларда.

Асотирий тафаккур жамоавий барқарор тафаккур ифодасидир, у жамият аъзолари томонидан аксиома каби қабул қилинади. Унга танқидийлик, ички зиддиятлар, иккиланишлар, инкор этишлар яққол хос эмас. Асотир бир неча вариантли бўлиши мумкин. Аммо унда айтилганидек, ички зиддият, скептицизм, танқидийлик яққол кўзга ташланмайди, чунки унда жамоавий синкретик тафаккурнинг тартибга солиш (бошқариш), билиш ва баҳолашда ҳукмрон меъёрий обрўйи мужассамланган. Ижодкорлик унсурлари эса асотирларнинг баъзи бир қабилавий хусусиятлар ва заруратларни акс эттирувчи маҳаллий вариантларида намоён бўлади. Кўп вариантлилиқ асотирий тафаккурни давр талабларига, ўзгарувчан, ривожланаётган ҳаёт заруратларига ҳам мослаштириб борган.

Уруғ-қабилалар бирлашиб, йириклашиб бориши жараёнида асотирларнинг маҳаллий вариантлари ҳам камайиб, умумий вариант кучайиб, бирлашган қабилалар учун ягона мафкуравий-маънавий асосга айланган. Аксинча, йирик қабилаларнинг бўлиниб, бир-биридан миграция жараёнида узоклашиб, узилиб кетиши умумий асотирларнинг янги вариантларини вужудга келтирган. Янги вариантларда айрим образларни баҳолаш ва талқин қилиш тубдан ўзгарган. Қабилалар мутлақо ўзаро узилиб,

алоҳида тарихий-этник, ижтимоий-маданий бирлик сифатида ривожлана бошласа, асотирларнинг мазмуни ҳам анча ўзгарган. Масалан, «Авесто»да девлар – салбий образлар, ёвузлик тимсолларидир. Ахуралар эса – худолар, маъбудлардир. Ҳиндларда эса дев(а)лар – худолар, асуралар эса – демонлардир (иблислар). Фараз қилиш мумкинки, ҳинд-орий қабилалари бўлиниб кетмасдан аввал, бу образлар қарама-қарши талқин қилинмаган, қабилавий маъбудлар ҳисобланган. Бир-биридан ажралиб кетган ҳинд ва орий қабилалари (балки уларнинг ажралиб кетиши узоқ давом этган ички низолар ва тўқнашувларсиз кечмагандир) собиқ биродарларининг худоларини ёвуз кучларга тенглаштириб, баҳоларини қарама-қарши томонга ўзгартиргандир. «Авесто» ва Ведалардаги асотирлар тизими мазмунан ва шаклан бир-биридан жуда фарқ қилади. Айтиш мумкинки, уларни аслида келиб чиқиш илдизлари бир, аммо кейинчалик алоҳида этносларга айланган мустақил халқлар яратган. Ҳинд ва орий халқлари маънавияти ва асотирларининг келиб чиқиш илдизи бир бўлганлиги илоҳий кучларнинг (ижобий ёки салбий баҳолашларини ҳисобга олмаганда) умумий атамалари ўхшашлигида сақланиб қолган.

Аслида асотир оламини билиш жараёнида инсон тафаккури ва воқелик ўртасида вужудга келган зиддиятларнинг ўзига хос тарзда ечилиши маҳсулидир. У инсоннинг олам манзараси, табиат ва ҳаёт, улардаги сабабий боғланишлар, алоқалар тўғрисидаги ўз тасаввурида етишмаган унсурларни, халқаларни, инсон билмаган объектив қонунларни фантастик тарзда ўйлаб топилган образлар ёрдамида тўлдириш ва тушунтириш оқибатида вужудга келади. Худди шундай ибтидоий инсон ўзини, ўз уруғ-қабиласи ва бошқа этносларнинг келиб чиқиши, ҳаёт кечирishi, ўзаро алоқалари, тарихий ўтмиши ва келажак тақдирини, табиатда рўй берган йирик ўзгаришлар, катаклизмлар ёки уруғ-қабилалар турмушида содир бўлган ўта муҳим, улар тақдирини белгилаган воқеаларни асотир ёрдамида англашга, тушунтиришга ёки олдиндан башорат қилишга интиланган.

Асотирий тафаккур инсон индивидуализмини, алоҳида инсон манфаатларини мустақил ижтимоий қадрият

сифатида тан олмайди. У, шунингдек, табиат ва жамиятдаги тасодифларни инкор этади. Фатализм (қисмат, инсон тақдири, воқеа ва ҳодисалар азалдан белгилаб қўйилгани) асотирий тафаккурнинг муҳим белгиларидан биридир. Шу сабабдан қаҳрамонлар тақдир зарбасини, яқинларидан жудолигини мардонавор қабул қилар, ўзини йўқотиб, тушкунликка тушиб қолмас эди.

Алоҳида ибтидоий одам яшаш учун курашда муваффақиятсизликка маҳкум эди. У фақат жамоа бўлиб хавф-хатарларни бартараф этиши, ҳаёти учун керакли нарсаларни қўлга киритиши, сақлаб қолиши мумкин эди. Унинг тафаккури ва ижтимоий алоқалари, урф-одатлар ўша давр заруратини ўзида акс эттирган. Лекин асотирий тафаккур доирасида шахс ўзлигини, ўз манфаатларини мутлақо англамаган, деган хулоса келиб чиқмаслиги керак. Ўзликни англаш ақлли ва бунёдкор мавжудот сифатида инсон учун доимо у ёки бу даражада хос бўлган. Аммо индивидуализм тўлиқ ёки қисман чекланган, чунки уруғ-жамоанинг яшаб қолишини таъминлайдиган зарурат билан бевосита боғланмаган. Баъзи бир индивидуал фазилатлар: жасурлик, топқирлик, овда ва жангдаги моҳирлик юқори баҳоланган. Айнан шундай кишилардан оқсоқоллар, бошлиқлар сайланган. Лекин шахсий манфаатга интилиш шаклидаги индивидуализм тан олинмаган. Боз устига, индивидуал «айб» учун жамоа жавоб берган, ўзига хос «жамоавий жавобгарлик» тамойили қарор топган ва ўрта асрларгача баъзи бир масалаларда сақланиб қолган.

Аслида жамоавий жавобгарлик илдизлари жуда қадим замонларга, тотемистик қарашларга бориб тақалади. Маълумки, ҳар бир уруғнинг асотирий асосчиси – уруғбошиси ҳисобланган муқаддас ҳайвони – тотеми бўлган. Тотем ҳайвонга сиғинилган. Унга зарар етказиш, ов қилиш, ҳатто унинг номини тилга олиш гуноҳ саналган. Шу сабабли туркий халқлар тотеми ҳисобланган бўрини қашқир, жондор, курт каби номлар билан атади. Лекин ибтидоий уруғ бир йилда бир марта тотем ҳайвонни қурбонликка келтирган, унинг гўштини уруғнинг барча аъзолари биргаликда истеъмол қилишган. Бу уларга муқаддас тотем томонидан руҳий ва жисмоний куч-қудрат, овда, ҳаётда омад ва бошқа уруғлар билан курашда зафар

ато этади, деб ишонилган. Тотем ҳайвони қурбонликка келтирилгани учун уруғ аъзолари ҳаммаси бирдай жамоавий жавобгарликни бўйнига олган. Қурбонликнинг муқаддас куч-қудратидан ҳамма бирдай баҳраманд бўлган.

«Жамоавий жавобгарлик» меъёри негизида ўтмишда билиб ёки билмасдан бирор уруғ вакили бошқа уруғ вакилини ўлдириб қўйса ёки оғир жароҳат етказса, ўша уруғдан қасос олиш одати вужудга келган: бундай пайтда бевосита айбдорни жазолаш муҳим ҳисобланмаган, «айбдор» оиланинг, уруғнинг ҳар қандай вакилини жазолаш мумкин ҳисобланган. Оғирроқ айб учун ҳатто бутун уруғ жазога тортилган. Асотирий тафаккур маҳсули бўлган бу меъёр анча трансформациялашган шаклда анъанавий тафаккурда ҳам сақланиб қолган. Ўрта асрларда уруш пайтлари баъзи бир шаҳарлар аҳолисининг тўлиқ қириб ташланиши (қатли ом) ўша меъёрнинг бошқа шароитда намоён бўлишидир.

Анъанавий тафаккурда бу меъёрнинг иллатлари тўлиқ бартараф этилмайди. У қайсидир кўринишда аҳён-аҳёнда бўй кўрсатиб қолади. Масалан, совет даврида қатор халқларнинг ўз юртидан бадарға (депортация) қилингани ёки бирор ташкилотда кимдир сиёсий ёки ахлоқий ножўя иш қилиб қўйса, ташкилотнинг раҳбарлари ҳам партиявий жазо олиши (ҳайфсан), ҳатто лавозимидан айрилиб қолиши жамоавий жавобгарликнинг янгича шароитда намоён бўлишидан бошқа нарса эмас. Сиёсий мақсадга мувофиқлик мазкур тамойилни баъзи кўринишда Ғарбда ҳам сақлаб турибди. Масалан, айрим спорт турлари бўйича Россия командасининг допинг можароси туфайли 2016–2017 йилларда халқаро мусобақалардан четлатилиши бунга мисолдир.

Тараққиёт даражаси ва у туғдирган объектив зарурат ибтидоий тузум шароитида ижтимоий эркинликни ҳам, ижтимоий қарамликни ҳам бирдай инкор этган. Оламни ҳаракатлантирувчи кучлар сифатида турли руҳлар, худолар иродаси, тақдири азал тан олинган. Инсон тақдирини белгиловчи ва ундан устун турувчи кучлар реал мавжуд, инсон ўз тақдирини ўзгартиришга, ундан қочиш қутулишга ожиз деб ҳисобланган. Олам ҳаракати, ҳар қандай воқеа ва ҳодиса олдиндан белгилаб қўйилган. Ми-

сол тариқасида ўзбек томошабинларига яхши таниш бўлган қадимги ҳинд эпоси бўйича экранлаштирилган «Рамаяна», «Маҳобҳорат» фильмларини, Софоклнинг Ўзбек миллий академик театри сахналаштирган «Шоҳ Эдип», «Антигона» трагедияларини келтириш мумкин. Тўғри, улар ибтидоий синкретизм парчалангандан кейинги давр таъсирида анча ўзгарган, аммо тақдири азал ва бошқа баъзи масалаларда асотирий тафаккур белгиларини анча сақлаб қолган.

Асотирий тафаккурнинг энг муҳим хусусиятларидан яна бири унинг сиёсий мазмундаги дунёвий ва диний мафкурадан холи эканлигидир. Асотирий тафаккур тор ижтимоий гуруҳлар, синфлар манфаатларини акс эттирмайди, зеро, бу даврда одамлар ўртасида ижтимоий-синфий табақаланиш юз бермаган эди. Шу боис ҳокимият учун кураш, ҳокимиятни қўллаб-қувватлаш ёки муҳолифлик ғояларини олға суриш зарурати пайдо бўлмаган эди. Асотирий тафаккур сиёсат, сиёсий онг, давлат ва ҳуқуқ пайдо бўлишидан анча аввал шаклланган. Диний онг элементлари ибтидоий инсонга хос бўлса-да, лекин диний таълимот, диний ташкилот ва у билан боғлиқ қатъий ибодат маросимчилиги шаклланмаган. Диний эҳтиёжлар шомончилик ва ш.к. лар орқали қондирилган. Шу боис асотирий тафаккурда яққол диний мазмун кўзга ташланмайди.

Ижтимоий амалиёт ривожланиб, ақлий меҳнатнинг жисмоний меҳнатдан ажралиши илм-фан, адабиёт ва санъат ижоднинг алоҳида турларига айланиши, давлат ва ҳуқуқнинг вужудга келиши, ҳуқуқнинг ахлоқдан ажралиб чиқиши, диний эътиқод ва амалиёт ҳам алоҳида тизимга айланиши, ижтимоий табақалашув натижасида бири-бирига зид қарашларнинг, мафкураларнинг пайдо бўлиши ибтидоий синкретизмни парчалаб юборди. Оқибатда, асотирий тафаккур оламни идрок этишнинг асосий шакли сифатидаги мавқеидан ажралди. Аммо тўлиқ, беиз йўқолмади. Унинг қолдиқлари, аввало, асотирийларнинг ўзлари адабиёт ва санъатда, диний тафаккурда бутун антик ва ўрта асрлар давомида анча-мунча сезиларли бўлди, кўп ҳолларда «қурилиш материали» вазифасини ўтади.

Энди асотирийлар оламни билишнинг асосий воситаси, олам тўғрисида бирдан-бир ҳақиқат, деб қабул

килинмас, кўпроқ мажозий мазмунда талқин қилинар, ундан ибратли ахлоқий хулосалар чиқарилар эди. Бугунги кунда ҳам диний тасаввурларда асотирлар катта ўрин тутди. Муқаддас китоблар – Таврот, Инжил, Қуръон ва бошқаларнинг негизини, пойдеворини диний асотирлар ташкил этади. Уларсиз яҳудий, христиан ва ислом дини таълимотлари, мураккаб фалсафаси вужудга келмас эди. Биз юқорида «Рамаяна», «Маҳобҳорат», «Шоҳ Эдип», «Антигона» асарлари кейинги давр таъсирида анча ўзгарган, деган эдик. Ушбу фикрни давом эттириб, таъкидламоқчимизки, энг аввало, уларда қўшимча сиёсий мазмун, ҳокимиятга муносабат ва тахтга нисбатан ҳуқуқ масалалари акс этган. Шу жиҳатдан бу асарлар фақатгина асотирий тафаккур маҳсули эмас. Уларда ахлоқий мазмун билан бир қаторда, яққол сиёсий, ҳуқуқий ва диний мазмун кўзга ташланади. Ўша даврда сиёсий ва диний манфаатлар кўпинча ўзаро мос келган. Илк пайдо бўлган давлатлар ҳукмдорлари (дастлаб шаҳар-давлат, кейинчалик нисбатан кенгроқ ҳудуд, воҳа, водий миқёсида ва х.к.) ҳокимиятнинг илоҳий эканлиги, худолар томонидан берилишини, шу бонс ҳокимиятга қарши чиқиш худолар иродасига қарши чиқиш билан тенг эканлигини халқ онгига сингдиришга уринган. Шу сабабли ўз мавқеини мустаҳкамлаш учун ҳокимият диндан фойдаланган. Ўз навбатида, диний ташкилот ҳам давлат томонидан қўллаб-қувватланишга, ибодатхоналар, маъбадлар қуришга, шаккоклик қиладиганларни давлат ёрдамида жазолашга муҳтож бўлган.

Давлат бошқа ҳудудларни босиб олишдан, диний ташкилот эса ўз таълимотини янги ҳудуд аҳолиси ўртасида тарқатишдан бирдай манфаатдор бўлганлар. Энди асотирлар дин ёрдамида сиёсийлаштирилган ва мафкура-лаштирилган. Қулдорлик жамиятида асотирлар сақланиб қолган бўлса-да, асотирий тафаккур аста-секин дастлаб юқори табақалар ва илм-фан аҳли орасида, кейинроқ бошқа табақалар орасида ҳам барҳам топди. Илмий, фалсафий, диний, эстетик, ахлоқий, ҳуқуқий қарашлар ижтимоий онгнинг алоҳида шакллари сифатида юзага чиқиши тегишли назарий қарашларни ва, умуман, назарий тафаккурни вужудга келтирди.

Назарий, илмий тафаккур, моҳиятига кўра, асотирий тафаккурни инкор қилади. Маълумки, илм-фан аниқ далилларга ёки мантикий исботларга таянади. У далил кам бўлса ҳам тадқиқот ибтидосида ривоятга эмас, балки илмий фараз (гипотеза)га таянади. Ривоятдан илмий фараз мантикий асослангани, табиат ва жамият қонунларига зид келмаслиги, ҳақиқатга айланиши эҳтимоли юқорилиги, конкрет илмий муаммо билан боғлиқлиги билан кескин фарқ қилади.

Илмий тафаккур ривоятдан фойдаланганида ҳам уни қўшимча, иккинчи даражали сабаб ёки қиёсий образли далил сифатида келтиради. Ушбу маънода тарих фанининг отаси Ҳеродот томонидан форслар ва эллинлар ўртасидаги урушнинг сабабларини гўёки асослайдиган ривоятларнинг келтирилиши характерлидир. Ҳеродот ривоятларни келтирар экан, уларни аниқ исботланган факт, сабаб дея талқин қилмайди, балки авлодлардан авлодларга оғзаки ўтиб келаётган, ҳар икки томондан, фақат айбларни бири-бирига тўнкаб, сабаб сифатида қабул қилинганини эътироф этади ва, аслида, урушларга сабаб бўлган воқеалар шундай кечганми ёки йўқми, бу номаълумлигини бир неча бор таъкидлайди. Эътироф этиш лозимки, Ҳеродот ижоди тарих фанининг туғилиши давридир. Ҳали тарихга оид илмий тафаккур яхши ривожланмаган, энди тетапоя бўла бошлаган давр эди. Фукидид ва Ксенофонт ижодида биз сабабиятга муносабат янада жиддийлашганининг, анча илмийлашганининг гувоҳи бўламиз.

Илк цивилизациялар даврида кенг омма онги, тафаккури асотирий эди. Буни давлатнинг ҳукмрон мафкура-сига айланган диний таълимотлар ҳисобга олган. Биринчидан, уларнинг ўзи эски асотирий ақидаларнинг қайта ишланган, бойитилган, ўзгартирилган негизида вужудга келган; иккинчидан, юқорида таъкидланганидек, сиёсий ва эътиқодий мажбурийлик вазифасини юклаган. Диний таълимотларда асотирий тафаккур унсурлари мантикий-назарий тафаккур унсурлари билан эклектик тарзда қоришиб кетган.

Ибтидоий жамиятда халқ оғзаки ижодининг аксарият жанрлари – ривоят, эртак, афсона, масал; ибтидоий жамият емирилиши, яъни қабилалар иттифоқлари вужудга кел-

ганда эса, қахрамонлик эпослари шаклланган. Қулдорлик жамиятига, илк цивилизацияларга ўтиш даврида ғоявий-сиёсий ва диний-этикодий мазмун касб этган асотирлар давлат ҳокимияти ва диний ташкилотлар томонидан ҳимоя қилинган. Ҳукмрон мафкурага зид қарашлар, мафкуравий анъанага айланган асотирларни ихтиёрий, ўзбошимчалик билан талқин қилиш ман этилган. Бунга жазм қилинганлар эса кувғинга учраган ёки қаттиқ жазоланган. Ушбу муносабат билан яна Сукрот қисматини эслаш жоиз.

Антик даврдаёқ йирик империяларнинг вужудга келиши уларнинг диний мафкурасини (давлат мафкурасини) империя таркибига кирувчи турли этнослар орасида ёйилишига олиб келган. Шундай қилиб, дунё микёсида тарқалувчи диний мафкуралар пайдо бўлиши учун шарт-шароит туғилган. Тўғри, тан олиш лозимки, реал ҳаёт, жамият тараққиёти жуда мураккаб кечган, у ҳеч қачон бир чизикли бўлмаган. Турли истиснолар кўп учраган. Жамият тараққиётини жўн, қотиб қолган ва бир хил андозада талқин қилиш мумкин эмас. Биз бу ерда фақат умумий тенденцияни эътироф этмоқдамиз, холос. Аҳмонийлар диний этикод масаласида мажбурлаш сиёсатини олиб бормаган бўлса-да, зардуштийлик бутун империя ҳудудида аста-секин тарқала бошлаган. Искандар Мақдуний империясида, ундан кейин пайдо бўлган Салавкийлар, Птолемейлар давлатида, Рим империясида юнон политеистик қарашлари тарқалган.

Асотирий тафаккур ҳозирги замон инсони, ижтимоий-сиёсий, илмий ҳаёти учун хос бўлмаса-да, асотирларнинг ўзи юксак қадрият, маънавий мерос дурдоналари ҳисобланади. Асотирлар инсоният яратган маданий мероснинг илк ва эскирмас қатлами, умуминсоний ва миллий бадиий меросда тематика, сюжет ва ифода воситалари борасида улкан манба вазифасини ўтаган ва бундан кейин ҳам ўташи мумкин бўлган омил сифатида юксак қадрланади. Замонавий адабиётда ва санъатда асотирга мурожаат этиш ҳоллари кўплаб учрайди. Масалан, Чингиз Айтматовнинг «Оқ кема», «Асрга татиғулик кун», «Қиёмат», «Қулаётган тоғлар (Мангу қайлик)» асарларида асотирий унсурлардан фойдаланилган. Замонавий ижодда асотир оламини идрок этиш усули сифатида

эмас, балки бадийи восита – сюжет унсури ёки ифода воситаси, бирламчи фалсафий-ахлоқий модель сифатида кўлланилади. Габриел Гарсиа Маркес ва бошқа лотин америкалик айрим ёзувчилар ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин. Айниқса, ўз ёзувига нисбатан кеч эга бўлган, қабила – уруғчилик муносабатларидан замонавий ҳаётга баъзи тарихий босқичларни четлаб ўтган халқлар адабиётида, санъатида асотирлардан, асотирий моделлардан фойдаланиш кенг тарқалган. Бунга мисол қилиб, Чет Шимол ва Узоқ Шарқ ёзувчилари ижодини келтириш мумкин. Чукчаларнинг атоқли ёзувчиси Юрий Ритхеу, манси Юван Шесталов, ҳаётдан жуда эрта кўз юмган юкагир Семён Курилов, нивх Владимир Санги ва бошқалар асарларида ўз халқларининг оғзаки ижоди, ривоятлари, афсоналари, асотирларидан унумли фойдаланилганининг гувоҳи бўламиз.

2. Анъанавий тафаккур ва аграр жамият маънавияти

Асотирий тафаккур ибтидоий синкретизм парчала- ниши жараёнида ўз ўрнини аста-секин жамият миқёсида анъанавий тафаккур тарзига бўшатиб берди. Лекин анъанавий тафаккур қарор топиб, мустаҳкамланиб олгунга қадар, жамиятнинг иқтисодий, ижтимоий ва маънавий ҳаётида туб ўзгаришлар юз берди: мулкий нотенглик, ижтимоий табақалар, синфлар, ранг-баранг ижтимоий институтлар юзага келди. Ижтимоий онг шакллари нисбатан алоҳидалашди. Илм-фан, адабиёт ва санъат, фалсафа, илоҳиёт каби аклий меҳнатнинг юксак шакллари – ижод турлари вужудга келди. Булар ҳаммаси тафаккур тарзини, айниқса, жамият юқори табақалари тафаккур тарзини тубдан ўзгартирди. Тафаккурга ижодкорлик ва эркин изланишлар бахш этди. Жаҳоннинг турли минтақаларида қадимги цивилизация ўчоқлари ва мамлакатлари ривожланди.

Қадимги цивилизациялар шаклланиши узоқ давом этди. Зеро, иқтисодий ривожланиш, олам ҳақида ижобий янги билимларнинг тўпланиши анча қийин ва секин кечди. Аммо қадимги цивилизациялар, ўз ривожланиш чўққисига чиккач, турғунликка юз тутиб, аста-секин

давлатларга уларни бериб қўймаслик учун) жорий қилиш зарурати, бир томондан, тафаккурни муттасил рационаллаштирди, иккинчи томондан, турғунлик ва догматизм қарор топишига қарши тўсиқлардан бири бўлиб хизмат қилди.

Тафаккурнинг цивилизация тараққиёти билан узвий боғлиқлиги ҳақида бироз кенгрок тўхталиш мақсадга мувофиқ. Цивилизация юксалиши давомида тафаккур тез бойиб, изланишлар олиб боради. Илм-фанда, адабиёт ва санъатда, фалсафа ва диний илмларда кашфиётлар юз беради, услублар такомиллашади. Муҳолиф фикрлар баҳси, услублар рақобати кўзга ташланади. Цивилизация ўз юксалишининг юқори нуктасидан ўтгандан кейин, ижоднинг айрим соҳаларида хусусий ютуқлар қўлга киритилса-да, аста-секин ўзини-ўзи такрорлаш, тақлидчилик ва турғунлик аломатлари пайдо бўла бошлайди. Тафаккурда догматизм ва авторитар фикрга мослашиш кучаяди. Маънавий ҳаётда илм-фан ва санъатда янги изланишлар сўниб, мазмунан ва шаклан рангбаранглик ўрнига бир хиллик, эпигонлик тарқалади. Маънавий ҳаётда, тафаккурда дастлаб турғунлик, сўнг-ра инқироз юз беради. Бу, оқибатда, жамиятнинг барча соҳаларини – сиёсий ҳокимият фаолиятини, иқтисодни, ижтимоий алоқаларни, маданиятни қамраб олади. Мавжуд цивилизация ички ва ташқи зарбаларга дош беролмасдан, ўз ўрнини бошқа цивилизацияга бўшатиб беради. Тафаккур янги ижтимоий-сиёсий ва маънавий-маданий негизга кўчади.

Янги негизга кўчган тафаккур маънавий ҳаётда амалий ва назарий жиҳатдан дастлаб аввалги негиздаги тафаккурга нисбатан самарасиз бўлиши мумкин. Лекин бир нарсадан устун бўлади: у янги мулкӣ ва иқтисодий муносабатларга йўл очадикӣ, бу жамият аъзолари аксариятининг манфаатларига тўлиқ ёки қисман мос келади. Масалан, исломга асосланган тафаккур Эрон ва Марказий Осиёга кириб келганда, зардуштийликка асосланган тафаккур тарзидан илм-фан, адабиёт ва санъатни ривожлантириш бобида актуал жиҳатдан анча заиф эди. Аммо салоҳият жиҳатидан жамиятни ривожлантириш бобида устун эди. Илм-фанни ривожлантириш бобида

эса салоҳияти (потенциал имкониятлари) кам эмас эди. Илк исломга хос демократизм, эгалитаризм, илмга нисбатан бағрикенглик ва чанқоқлик тезда ўз самарасини берди. Ислом дастлаб эски тузумни нафақат ҳарбий куч ёрдамида, шунингдек, иқтисодий ва ижтимоий турмушда яратган нисбатан эркинлиги билан енгди. Кейин эса илм-фанда уни ортда қолдирди. Фақат санъатнинг баъзи бир турлари инкирозга учради.

Илк христианлик мафқурасига асосланган тафаккур тарзи антик даврнинг политеизм негизидаги тафаккур тарзига нисбатан илм-фанни, адабиёт ва санъатни, маънавий маданиятни ривожлантириш имкониятлари бўйича дастлаб жуда ночор эди. Европаликларнинг ўзлари Уйғониш давригача христиан оламини зулмат ва қора кучлар васвасаси даври, деб баҳолаши бежиз эмас. Европада бу даврда, антик даврдан фарқли, на Платон, Аристотель, Пифагор, Эвклид, Птолемей, Архимед, Цельс, Гален (Жолинус) сингари илм-фан даҳоларини, на Ҳомер, Эсхил, Софокл, Эврипид, Аристофан, Вергилий, Овидий, Гораций сингари буёқ шоир ва драматургларни, на номлари келтирилмаган буёқ рассомлар, ҳайкалтарошлар, меъморларни кўрамиз.

Лекин илк христианликка асосланган тафаккур худо олдида барча бандалар тенглигини, қуллар ҳам қулдорлар сингари худонинг бандаси эканлигини, иқтисодиётда эгалитаризм ва бошқа янги тамойилларни олға сурди. Оқибатда қулдорлик тузумига нисбатан бир оз устун бўлган европача феодализмга йўл очди. Жамият тараққиётини зимдан тайёрлай бошлади. Христианлик исломга нисбатан 6 аср илгари вужудга келган бўлса-да, исломдан 9 аср кейин ижтимоий тараққиётга йўл оча олди. Ва у очган янги имкониятлар, тан олиш жоизки, 7–8 асрларда ислом очган имкониятлардан кучлироқ эди. Бу даврга келиб эса (XVI аср) ислом мафқурасига асосланган нисбатан эркин тафаккур турғунлашган ва доғмалашган анъанавий тафаккурга айланиб бўлган эди.

Ренессанс (Европа Уйғониш даври) христиан динининг инсонга, жамиятга муносабатини, христиан ахлоқини, эстетик қарашларини қаттиқ танқид остига олди, гуманизм (инсонпарварлик) ғоясини олға сурди, шахс

манфаатларини, индивидуализмни маънавий ва ахлоқий жиҳатдан оқлади. Антик даврнинг гедонизм ва эвдемонизм тамойилларини янгича шароитга мослаб тиклади. Тафаккур эркинлигига, илм-фан, санъат ва адабиёт ривожланишига, жамият дунёқараши, ахлоқий ва эстетик меъёрлари ўзгаришига йўл очди. Оқибатда Реформацияга, черков ислоҳига, протестантизм пайдо бўлишига маънавий замин яратди. Протестантизм, ўз навбатида, туғилиб келаётган капитализмнинг маънавий-ахлоқий таянчига айланди, унинг қарор топишини тезлаштирди.

Ривожланиши мобайнида анъанавий тафаккур бир неча тарихий босқичлардан ўтган. Улар орасида шартли равишда кулдорлик даври (антик) босқичи, феодализм даври босқичи, фашистик ва расистик ҳамда социалистик давр босқичларини ажратиб кўрсатиш мумкин.

Анъанавий тафаккурнинг биринчи босқичида жамият аъзолари онгида асотирий тафаккур колдиклари анча кўп сақланиб қолган, айниқса, қуйи, авом табақалар онгида. Бу даврда анъанавий тафаккур анча сиёсийлашган ва динийлашган бўлса-да, тўлиқ клерикаллашмаган, яъни черковга, диний мафкурага тўлиқ бўйсундирилмаган. Чунки жаҳон динлари ҳали ёш бўлган, уларнинг илоҳиёт таълимотлари, маросимчилик удумлари шаклланиши давом этаётган эди. Шу сабабли улар жамият маънавий ҳаётини тўлиқ камраб ололмаган, динларнинг ичида ҳам турли мазҳаблар, оқимлар, фирқалар, ўзаро фарқ қиладиган мактаблар шаклланиши давом этаётган эди. Ҳали оламшумул жаҳон динлари жамият маънавий ҳаётида яқка ҳукмрон бўлишга улгурмаган, одамлар тарихий хотирасида миллий ва маҳаллий динлар, эски эътиқодлар тўлиқ унутилмаган, уларнинг жамият ҳаётига таъсири анча-мунча сақланиб қолган эди. Шу сабабдан маънавий онг ва маданият анча эркин ривожланган.

Феодализм даври босқичида анъанавий тафаккурнинг классик шакли вужудга келди. Ушбу босқичда жамият аъзолари онгида асотирий тафаккур таъсири жуда заифлашиб, кўп ҳолларда умуман барҳам топиб кетган (асотирларнинг ўзлари эмас. Улар энди диний асотирлар кўринишида тафаккурнинг универсал модели эмас, балки кўпчилик воситаларидан бирига айланган). Анъ-

анавий тафаккурнинг классик шакли мазмунида диний ақидалар, догматлар, умуман теология (илоҳиёт илми) ва клеркализмнинг таъсири кучли намоён бўлади. Айниқса ўрта табақалар онгида клерикализм дунёвийликдан устунлик қилади. Ижтимоий-маънавий ҳаёт ҳам, маиший турмуш ва урф-одатлар ҳам диний қоидалар, ақидалар ва меъёрлар негизида кечган.

Анъанавий тафаккурнинг тарихан қисқа умр кўрган XX аср диктатуралари билан боғлиқ тоталитар босқичи ҳам бор. Бу босқичда турли кўринишдаги фашистик (Муссолини, Гитлер, Франко, Салазар ҳокимияти пайтидаги Италия, Германия, Испания, Португалия), расистик (апартеид пайтидаги Жанубий Африка Республикаси, собиқ Жанубий Родезия ва ш.к.), социалистик тафаккур шакллари вужудга келган. Улар бир-биридан кескин фарқ қилсалар-да, аммо тоталитар ва репрессив моҳиятига кўра ўзаро яқин бўлган. Улар диний эмас, балки дунёвийлиги, ҳатто атеистик характери (социалистик тафаккур) билан ажралиб турган. Фашистик тафаккур ирқчиликка, ўта миллатчиликка, шовинизмга, амалиётда баъзи бир ғайриинсоний тамойилларга таянса, социалистик тафаккур, аксинча, кўп ҳолларда инсонпарварлик, байналмилалчилик, халқлар дўстлиги, тенглик каби энг жозибадор ғояларни шиор қилиб олган ва амалда ҳаётга жорий қилишга уринган (социализмнинг уларни ҳаётга жорий қилолмагани – бу бошқа масала). Ташқи жиҳатдан бир-бирига қарама-қарши бўлса-да, ҳар иккала тузум ҳам инсонни ўзлари режалаштирган жамиятни қуришда оддий бир мурват, «қурилиш материали» деб билган. Давлат манфаати нафақат алоҳида инсон манфаатига, зарур бўлса, бутун жамият манфаатига қарши қўйилган. Ҳар иккала тузум жамиятда казармача тартиб, интизом ўрнатишга, фуқароларни бир хил фикрлайдиган қилиб тарбиялашга интиланган. Қаршилик кўрсатганларни аёвсиз қатағон қилган.

Диктатура шаклидаги авторитар бошқарувга ва авторитар фикрга тобелик иккала тузумда ҳам доҳийпарастликни, шахсга сиғинишни келтириб чиқарган. Доҳий фикри, тўғри ёки нотўғрилигидан қатъи назар, олий ҳақиқат деб қабул қилинган, чунки доҳийга табиат ге-

ниал ақл ва ички сезги (интуиция) ато этганлиги боис, у ҳақиқатни ҳар қандай олимга, фанга нисбатан эртароқ, теранроқ пайқайди, деб ҳисобланган. Фан, олимлар адашишлари мумкин, зеро улар ўз даври имкониятлари билан чегараланади, доҳий эса, албатта, даврдан анча илгарилаб кетади, ғайриинсоний шуурга эгалиги туфайли, у адашмайди дея ишонилган. Бундай тарзда фикрлаш, доҳий ақлини ғайриинсоний, ғайритабиий қудратга эга деб баҳолаш мистицизмнинг нақд ўзгинасидир.

Ҳар иккала тузум гуманитар илмларни ўта сиёсийлаштирган ва мафкуралаштирган, ижтимоий фикрни қудратли ташвиқот ва ОАВ орқали ўзларига керакли йўналишда ривожлантирган ва бошқарган. Табиатшунослик фанларига, айниқса, техника ва технологиялар билан боғлиқ тадқиқотларга шароит яратган. Аммо уларни ҳам, иложи топилса, ўз мафкураларига хизмат қилдиришга уринган. Масалан, фашистлар Германиясида евгеникадан арий ирқининг бошқалардан устунлигини, баъзи бир халқларнинг табиатан туғма ноқобиллигини исботлашда, фашистларга маъқул халқларнинг ирсиятини яхшилашда фойдаланмоқчи бўлишган. Собиқ СССРда эса бунинг тескариси рўй берган: евгеника умуман фан эмас, деб эълон қилинган ва тақиқланган. Бу эса умуман генетика фанининг тақиқланишига олиб келган.

Бугунги кунда ривожланаётган мамлакатлардаги тафаккур тарзи ниҳоятда мураккаб, зиддиятли ҳодисадир. Гарчи кенг омма онгида эски тафаккур қолдиқлари сақланиб қолган бўлса-да, уни анъанавий тафаккур дейиш мумкин эмас. Айни пайтда у либерал, демократик эркин тафаккур ҳам эмас. Ривожланаётган мамлакатлар аҳолиси тафаккури эклектик деб баҳоланса, тўғрироқ бўлади. Унда феодализмдан қолган анъанавий унсурлар, анъанавий кадриятлар ва баҳолар тизими, постколониализм зиддиятлари ва неоколониализм хавфи туғдирган тушунчалар, баҳолар, қарашлар, ижтимоий мўлжаллар, минтақавий ва ички этник можаролар туфайли вужудга келган маҳаллийчилик, миллатчилик, социалистик, тоталитар, диний-экстремистик ҳамда либерал-демократик тафаккур унсурлари эклектик тарзда қоришиб кетган. Турли мамлакатлар аҳолиси, айниқса, ўрта табақалар он-

гида бу унсурлар нисбати турлича. Шунга қараб уларнинг ижтимоий-сиёсий вазияти, турмуш фаровонлиги ва ривожланиш даражаси ўзаро фарқ қилади. Тўғри, кейинги ҳолатга бу мамлакатларнинг табиий захиралари, қазилма бойликлари ҳам кучли таъсир кўрсатади. Лекин ижтимоий-сиёсий барқарорлик йўқ жойда катта бойликлар ҳам тўқ, фаровон турмушга асос бўла олмайди.

Иқтисодий тафаккурда ва муносабатларда эркинликка, бозор тамойилларига, ишлаб чиқаришда илмий-техника тараққиётини жорий қилишга мўлжал олган мамлакатлар нисбатан тез юксалди. Уларнинг айримлари (Жанубий Корея, Сингапур, Малайзия, Тайвань, Таиланд ва ш.к.) кўп кўрсаткичлари, аҳолисининг турмуш даражаси бўйича ривожланган Ғарб мамлакатларига яқинлашиб қолди. Лекин иқтисодий муносабатларни диний қадриятларга мослаштиришга уринаётган, нафақат иқтисодий қарашларни, концепцияларни, умуман тафаккурни диний ёки бошқа догматик қарашлар, назариялар билан чеклаб қўйган мамлакатларнинг айримлари эса ўз аҳолисини очликдан сақлашда ҳам қийналиб қолмоқдалар (Шимолий Корея, Осиё ва Африканинг баъзи бир мамлакатлари).

Анъанавий тафаккур – анча мураккаб, ранг-баранг конкрет йўналишлардан иборат ҳодиса. Унда нисбатан алоҳидалашган фалсафий, илмий, диний, ахлоқий, ҳуқуқий, эстетик қарашлар, назариялар, таълимотлар ажралиб туради. Унда ички зиддиятлар яққол кўзга ташланади. Анъанавий тафаккур оламни идрок этишнинг, олам иъикосининг ички яхлит, универсал модели эмас. Лекин унда тизим сифатида муштараклик, ўзига хос умумийлик, «универсаллик» бахш этувчи тамойиллар мавжуд. Бу, энг аввало, ҳукмрон мафкуранинг догмалари ва фундаментал тушунчаларидир. Ўрта асрларда улар диний мазмундаги, социалистик мамлакатларда дунёвий мазмундаги тушунчалар бўлган. Анъанавий тафаккурнинг «универсаллиги» шартлидир.

Бу тамойиллар, бизнинг назаримизда, қуйидагилардан ташкил топган:

1. Анъанавий тафаккур ҳам, асотирий тафаккур сингари, мазмунан авторитардир. Унда обрўли шахс ва жамоат фикри, давлат ва диний институтларнинг маф-

куравий талаблари, қарашлари, қоидалари ҳукмронлик қилади. Бу нафақат сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маънавий-маданий ҳаётда, ҳатто илм-фанда, шу жумладан, баъзан табиатшуносликда ҳам намоён бўлади (илм-фанда, албатта, сал бошқачароқ кўринишда. Совет даврида XX асрнинг 60-йилларига қадар мафкуравий талаблардан келиб чиқиб, генетика ва кибернетика фанларининг чекланганини эслаш кифоядир. Худди шундай чеклашлардан физика фанини атом ва термоядро қуроллари яратиш, икки система ўртасида авж олган қуролланиш пойгаси сақлаб қолган). Лекин анъанавий тафаккурдаги авторитаризм асотирий тафаккур авторитаризмидан фарқ қилади. Анъанавий тафаккурда турли фалсафий, диний оқимлар, мазҳаблар, бадий услублар вужудга келиб, тафаккур ранг-баранглик сари ривожланади. Аммо ҳар бир янги таълимотнинг ўзи мазмунан авторитарликка, догматизмга, мантикий далиллашда схоластика ва баъзан софистикага асосланади ёки муайян даврдан кейин шунга интилади. Айниқса, бу ҳолат янги таълимотларнинг асосчилари қарашлари ва ғояларига нисбатан кўпроқ уларнинг давомчилари тафаккурига хос. Таълимот асосчисининг қарашлари, тафаккури камчиликлардан, тарихий чекланганликдан холи бўлмаса-да, ўз даври учун анча илғор, танқидий, ижодий янгиликларга бой, догматизмдан йироқ бўлиши мумкин. Аммо унинг давомчилари, эпигонларига танқидийлик ва ижодий муносабат етишмайди. Натижада, янги таълимот асосчисининг ғоялари, қарашлари бирдан-бир ҳақиқат сифатида талқин қилинади, унинг кучли томонлари ҳам, мавжуд камчиликлари ва тарихий чегараланганлиги ҳам ўзаро фарқланмасдан догматлаштирилади. Таълимот ижодий ривожлантирилиш ўрнига ҳаётнинг турли масалаларига боғлаб тафсир қилинади ва шарҳланади.

Платон ва Аристотель қарашлари, таълимотлари бутун ўрта асрлар давомида (Платон, айниқса, Аристотель таълимоти ислом фани ва маданияти юксалиши даврида буюк ажодларимиз томонидан анча ривожлантирилди. Бу, энг аввало, Форобий, Ибн Сино ва Ибн Рушдга тааллуқли. Лекин ўша даврда ҳам ислом олимлари ора-

сида догматиклар кўп эди), марксизм-ленинизм совет даврида догматлаштирилганини, энг обрўли таълимот деб қабул қилингани бежиз эмас. Анъанавий тафаккур даражасида бир таълимот иккинчи муҳолиф таълимотни танқид қилиши мумкин ва амалда шундай бўлади. Лекин танқиднинг ўзи, баҳслар кўпинча холислик, илмийлик нуктаи назаридан эмас, мафкуравий мақсадга мувофиқлик ва авторитаризм нуктаи назаридан олиб борилади. Баъзан эса ғоявий мутаассибликка айланади.

Асотирий тафаккур учун ғоявий мутаассиблик хос эмас. Бир-бирига мос келмаган асотирий дунёқарашлар тўқнашган жойда кўпинча эклектик қоришув натижасида янги қарашлар вужудга келгани маданият тарихидан маълум. Анъанавий тафаккурда ғоявий мутаассиблик потенциал тарзда яширин. Ўзига қулай шароитда у юзага чиқиши ва жамиятга катта зарар келтириши мумкин. Ўрта асрларда ҳатто бир дин доирасида турли мазҳаблар, оқимлар ўртасида юз берган қонли тўқнашувлар, ғоявий муросасизлик бунга мисол бўла олади.

Марксизм дастлаб анъанавий тафаккур тарзи сифатида эмас, аксинча, танқидий таълимот сифатида юзага келди. Маркс ҳатто файласуфлар шу пайтгача оламни турлича тушунтириб келдилар, аслида вазифа оламни ўзгартиришдир, деганида ўз таълимотининг пировард мақсади ва тарихий даъвосини ифодалаган эди. Аммо Октябрь тўнтаришидан аввалги Россия шароитида, кейин совет даврида марксизмнинг ўзи анъанавий тафаккурнинг янги шаклига айланди. Марксизмга хос синфий ёндашув, муроса билмаслик, авторитаризмга мойиллик оқибат-натижада унинг дастлабки шаклланиш даври учун хос бўлган танқидий, ижодий руҳни сўндирди. Унинг деформациялашган, ўта сиёсийлаштирилган ленинизм, троцкизм, сталинизм, маоизм ва бошқа ш.к. миллий вариантлари нафақат авторитар мазмун касб этди, шунингдек, ўзга қараш вакиллари сиёсий репрессия қилишни ёқлади ва амалда қўллади. Бундай шароитда тафаккур эркинлиги ҳақида гапиришнинг ўзи ортиқча.

Хуллас, догматлаштирилган марксизм ва унинг турли миллий мактаблари анъанавий тафаккурнинг тажовузкор кўринишига айланди. Бугунги кунда ваҳҳобийлик, хизбут

тахрир ва уларга ўхшаш диний-экстремистик оқимлар асосида ётган фикрлаш услуби ҳам анъанавий тафаккурнинг бошқача кўринишдаги тажовузкор шакллари дир.

2. Догматизм анъанавий тафаккурнинг асосий белгиларидан биридир. Анъанавий тафаккурда, биринчи навбатда, анъаналар догматизми ҳукмронлик қилади – бу ижтимоий турмуш анъаналарми (урф-одатлар, удумлар ва ш.к.), сиёсий бошқарув анъаналарими, илмий ёки бадиий-эстетик анъаналарми – бундан қатъи назар. Анъана эса бирданига тайёр ҳолда вужудга келиб қолмайди. У барқарор шакл ва мазмунга эга бўлгунга қадар, жамиятда нисбатан кенг тарқалиб, энг обрўли гуруҳлар, оксоқоллар, раҳбарлар, олимлар (илмий анъаналар) томонидан юқори баҳоланиб, эътироф этилгунга қадар анча узоқ вақт давомида «такомиллашади», «сайқал топади», эволюцион ўзгаради. Мана шу даврда у жамият ривожланишига сезиларли ижобий таъсир кўрсатади, янгиликлар яратади.

Ўрта асрлар Шарқ адабиётида, ижтимоий фикрлар эволюцияси жараёнида анъаналар шаклланиб, қатъий авторитар андозаларга айланишига кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Совет адабиётида (социалистик реализм услуби, ижобий қаҳрамон масаласи ва ҳ.к.) ва ижтимоий фанларида ҳам XX аср 30-йилларидан эътиборан биз анъаналар авторитаризмига дуч келамиз.

Шу боис анъанавий тафаккурни бир чизиқли, жўн тафаккур шакли сифатида тасаввур қилиш ярамайди. У анча зиддиятли. У ҳар бир янги соҳада, айниқса, жамиятда кескин бурилишлар юз бераётган пайтда ҳатто баъзан новаторлик унсурларини кўллаб, эски догматик қарашларни анча-мунча янгиллаши мумкин. Аммо оқибатда янги ютуқлар ва кашфиётлар ортиқча баҳоланиб, тақлид учун намунага, андозага айлантирилади, догматлаштирилади.

3. Асотирий тафаккур ҳукмронлик қилган даврда шахс индивидуализми куртаклари пайдо бўлган, лекин ривожланмаган, иккинчи ўринда турган. Шу боис асотирий тафаккур очиқчасига шахс манфаатларига қарши курашмаган, зеро, бунга ҳеч қандай эҳтиёж йўқ эди. Анъанавий тафаккур даврида алоҳида шахс манфаатлари яққол намоён бўлди. Баъзан ҳатто бутун жамиятга буюк

шахс иродасини ўтказиш даражасига бориб етди. Миср фиръавнлари, қадимги деспотик давлатлар ҳукмдорлари, Искандар Макдуний кабилар фаолиятини эслаш жоиз. Лекин қадимги деспотлар тезда илоҳийлаштирилди, улар шахсига сиғиниш ўрнатилди (яна ўша дагматизмнинг, анъана андозасининг эътиқоддаги бир кўриниши). Илм-фанда ҳам буюк асарлар, таълимотлар догматлаштирилди (юқорида Аритотель ва Платонни эслаган эдик). Масалан, Конфуций таълимоти ҳатто аста-секин динга айлан-тирилди. Атоқли буюк шахслар билан боглик бўлмаган ҳолларда шахс манфаати нафақат инкор қилинди, ҳатто унга қарши гоявий кураш олиб борилди. Асотирий тафаккурда биз бундай курашни кузатмаймиз. Умуман олганда, алоҳида шахс манфаатлари анъанавий тафаккур томонидан инкор қилинади, жамоавий ва корпоратив манфаатларга тўлиқ бўйсундирилади (аслида эса улар ўзаро мувофиқлаштирилиши, уйғунлаштирилиши керак. Бу эса демократик жамиятда, эркин тафаккур шароитида амалга ошади). Анъанавий тафаккур томонидан алоҳида шахс манфаатларининг инкор қилинишини жамият тараққиётининг паст даражаси тақозо этади. Биринчидан, одамлар фақат ҳамжихат бўлиб, биргаликда табиат қийинчиликларини енгиши, ўзларининг ишлаб чиқариш ва турмуш эҳтиёжларини қондиришлари мумкин эди. Дехқонлар ариқ ёки канал казиб келишлари учун бирлашишга мажбур эдилар. Келтирилган сувни адолатли, экин майдонига қараб тенг улушда тақсимлаш зарурати алоҳида кишилар манфаатига устуворлик бермасликни «мафкуравий жиҳатдан» асослар эди (мулкий нотенглик туфайли унга қай даражада қатъий риоя қилингани – бу бошқа масала).

Шаҳарларда ҳам хунурмандлар маҳсулотларини келишилган нархда сотишдан, бозорда нархни барқарор сақлаб туришдан манфаатдор. Хунармандлар оилалари имкониятлари, одатда, бир хил бўлмайди. Масалан, қайсидир хунарманднинг 4 ўғли, 3 қизи бор. Ўғиллари отаси билан бирга анча буюм ишлаб чиқаришлари мумкин. Иккинчи бир хунарманднинг эса 2 ўғил ва 6 қизи бор. Рўзгор харажатлари иккинчисиникида кўпроқ, лекин ишлаб чиқарадиган маҳсулоти камроқ. Агар биринчи хунарманд

маҳсулотларини бироз арзонлаштирса, иккинчиси синиб қолиши ҳеч гап эмас. Бундан ташқари, ҳеч бир оила касаллик ёки бошқа шунга ўхшаш фавқулодда ташвишлардан кафолатланмаган. Агар оиланинг асосий боқувчиси – оила бошлиғи, бош уста маълум муддатга ишга яроқсиз бўлиб қолса, оила иқтисодий қийин аҳволга тушиб қолган. Шу сабабли ҳунармандлар, касиблар корпоратив манфаатларидан келиб чиқиб, маҳсулот нарҳини ва кўп ҳолларда сифатини ҳам бир хил сақлашга уринганлар. Кимнингдир бошқалардан ўзиб кетишига, ўз манфаатларини устун қўйишига йўл берилмаган. Энг яхши усталар алоҳида буюртмалар бўйича ўз дурдона буюмларини ясаганлар, бошқа ҳолларда касбдошларидан фарқ қилмаган.

Иқтисодий ночорлик аҳолининг аксарият қисмида ҳамжихат бўлишни, жамоавийликни, ўзаро бир-бирини қўллаб-қувватлашни рағбатлантириб, ўзбошимчаликни, индивидуализм ва шахсий мустақилликни қоралайдиган қарашларни вужудга келтирган, жамоа манфаатларига хизмат қилувчи меъёрлар ва ғояларнинг устунлигини таъминлаган.

Балки бу, аслида, одамлар онгида сақланиб қолган йиртқич ҳайвонлардан ўзини ҳимоя қилишда, озиқ-овқат топишда уруғ аъзоларининг жамоавий жавобгарлигини акс эттирувчи архетипнинг қолдиғидир. Лекин ушбу ҳодисани онгдаги архетип қолдиғи, деб баҳолаганда ҳам, унинг юзага чиқишининг асосий сабабларидан бири қашшоқлик, иқтисодий ночорликдир. Айни пайтда иқтисодий қолоқлик, ночорлик индивидуал номукаммаллик туйғусини шакллантирган, жамоа олдида шахсни ожиз, ҳуқуқсиз қилиб қўйган ҳар икки ҳолат ҳам инсон онгига, қарашлари ва тафаккурига чекловчи таъсир кўрсатган. У муросагўй, жамоа қоидалари ва анъаналарига содиқ бўлиб тарбия топган ва турмуш кечирган. Тафаккурда турғунлик узок даврлар давомида ҳукм сурган. Тафаккурнинг янги унсурлар билан бойиши жуда секин кечган.

Маълумки, жамиятда қарор топган таълим-тарбия, одоб-ахлоқ тизими, дин мавжуд воқеликка инсонни мослаштиришга, умумқабул қилинган меъёр ва қоидаларни ўзлаштиришда кўмаклашишга хизмат қилади. Бундай ҳолат барча тузумлар учун хос. Инсонни ҳаётга мослаш-

тириш, унга бу борада зарур билимлар ва маънавий мўлжаллар бериш таълим-тарбия, дин ва бошқа ижтимоий институтларнинг бош вазифасидир. Ижтимоий институтлар фаолияти мавжуд тузумни ўзгартиришга эмас, балки мустахкамлаш орқали такомиллаштиришга қаратилган. Фақат муҳолифат сифатида пайдо бўладиган янги эътиқодлар, динлар, сиёсий ташкилотлар ва улар туфайли вужудга келадиган янги тузилмалар таълим-тарбия, ахлоқ-одоб, умуман, кадриятлар тизимини ўзгартиришга ҳаракат қилади.

Анъанавий жамиятда таълим-тарбия ва дин инсондаги реал етишмовчиликларни, шахсий номукамаллик туфайли вужудга келган кемтиклар ўрнини тўлдиришга ҳам хизмат қилади. Айниқса, динда компенсаторлик вазифаси яққол кўзга ташланади. Агар ўтмиш анъанавий жамиятларида аҳолининг аксар қисми саводсиз, маориф ва маърифат даражаси паст бўлганини, мактабнинг устидан диний ташкилот тўлиқ ҳукмронлик қилганини ҳисобга олсак, шахс манфаатларини тан олиш фақат юқори табақаларгагина (қисман) тааллуқли бўлиши аёнлашади.

Анъанавий тафаккурнинг баъзи бир буюк шахслар қарашларини, ғояларини догматлаштириши индивидуализмни ўзига хос кўринишда тан олишни билдирмайди. Аксинча, догматлаштириш орқали уни ижодкорлик моҳиятидан жудо қилади ва аслида жамоавийликнинг қоидаларидан бирига айлантиради.

4. Анъанавий тафаккур, қоида тариқасида, бир томондан, ижтимоий ва мулкый нотенглик вужудга келган ва ҳукмронлик қилган давр учун, иккинчи томондан эса, ердан жамоа бўлиб фойдаланиш, саноат ишлаб чиқариши оилавий косибчилик даражасидан ўсиб чикмаган, давлат ва черков бир-биридан ажралмаган (ёки диний мафкура ҳукмронлик қилган) даврлар учун хос. Бошқача айтганда, у аграр-қулдорлик ва феодал жамиятлардаги ижтимоий тафаккур тарзидир. (Собик Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатларда анъанавий тафаккур тарзининг қайта тикланиши аслида Шимолий Америкада XVIII ва XIX аср биринчи ярмидаги кулдорлик тузуми каби тарихий анахронизм эди). Социалистик мамлакатлардаги анъанавий тафаккур кулдорлик ва феодализм давридаги ўт-

маҳсулотларини биров арзонлаштиради, иккинчиси синиб қолиши ҳеч гап эмас. Бундан ташқари, ҳеч бир оила касаллик ёки бошқа шунга ўхшаш фавқулодда ташвишлардан қафолатланмаган. Агар оиланинг асосий боқувчиси – оила бошлиғи, бош уста маълум муддатга ишга яроқсиз бўлиб қолса, оила иқтисодий қийин аҳволга тушиб қолган. Шу сабабли ҳунармандлар, касиблар корпоратив манфаатларидан келиб чиқиб, маҳсулот нархини ва кўп ҳолларда сифатини ҳам бир хил сақлашга уринганлар. Кимнингдир бошқалардан ўзиб кетишига, ўз манфаатларини устун қўйишига йўл берилмаган. Энг яхши усталар алоҳида буюртмалар бўйича ўз дурдона буюмларини ясаганлар, бошқа ҳолларда касбдошларидан фарқ қилмаган.

Иқтисодий ночорлик аҳолининг аксарият қисмида ҳамжиҳат бўлишни, жамоавийликни, ўзаро бир-бирини қўллаб-қувватлашни рағбатлантириб, ўзбошимчаликни, индивидуализм ва шахсий мустақилликни қоралайдиган қарашларни вужудга келтирган, жамоа манфаатларига хизмат қилувчи меъёрлар ва ғояларнинг устунлигини таъминлаган.

Балки бу, аслида, одамлар онгида сақланиб қолган йиртқич ҳайвонлардан ўзини ҳимоя қилишда, озиқ-овқат топишда уруғ аъзоларининг жамоавий жавобгарлигини акс эттирувчи архетипнинг қолдиғидир. Лекин ушбу ҳолисани онгдаги архетип қолдиғи, деб баҳолаганда ҳам, унинг юзага чиқишининг асосий сабабларидан бири қашшоқлик, иқтисодий ночорликдир. Айни пайтда иқтисодий қолоқлик, ночорлик индивидуал номукамаллик туйғусини шакллантирган, жамоа олдида шахсни ожиз, ҳуқуқсиз қилиб қўйган ҳар икки ҳолат ҳам инсон онгига, қарашлари ва тафаккурига чекловчи таъсир кўрсатган. У муросағўй, жамоа қоидалари ва анъаналарига содиқ бўлиб тарбия топган ва турмуш кечирган. Тафаккурда турғунлик узок даврлар давомида ҳукм сурган. Тафаккурнинг янги унсурлар билан бойиши жуда секин кечган.

Маълумки, жамиятда қарор топган таълим-тарбия, одоб-ахлоқ тизими, дин мавжуд воқеликка инсонни мослаштиришга, умумқабул қилинган меъёр ва қоидаларни ўзлаштиришда кўмаклашишга хизмат қилади. Бундай ҳолат барча тузумлар учун хос. Инсонни ҳаётга мослаш-

тириш, унга бу борада зарур билимлар ва маънавий мўлжаллар бериш таълим-тарбия, дин ва бошқа ижтимоий институтларнинг бош вазифасидир. Ижтимоий институтлар фаолияти мавжуд тузумни ўзгартиришга эмас, балки мустаҳкамлаш орқали такомиллаштиришга қаратилган. Фақат мухолифат сифатида пайдо бўладиган янги эътиқодлар, динлар, сиёсий ташкилотлар ва улар туфайли вужудга келадиган янги тузилмалар таълим-тарбия, ахлоқ-одоб, умуман, кадриятлар тизимини ўзгартиришга ҳаракат қилади.

Анъанавий жамиятда таълим-тарбия ва дин инсондаги реал етишмовчиликларни, шахсий номукамаллик туфайли вужудга келган кемтиклар ўрнини тўлдиришга ҳам хизмат қилади. Айниқса, динда компенсаторлик вазифаси яққол кўзга ташланади. Агар ўтмиш анъанавий жамиятларида аҳолининг аксар қисми саводсиз, маориф ва маърифат даражаси паст бўлганини, мактабнинг устидан диний ташкилот тўлиқ ҳукмронлик қилганини ҳисобга олсак, шахс манфаатларини тан олиш фақат юқори табақаларгагина (қисман) тааллуқли бўлиши аёнлашади.

Анъанавий тафаккурнинг баъзи бир буюк шахслар қарашларини, ғояларини догматлаштириши индивидуализмни ўзига хос кўринишда тан олишни билдирмайди. Аксинча, догматлаштириш орқали уни ижодкорлик моҳиятидан жудо қилади ва аслида жамоавийликнинг қоидаларидан бирига айлантиради.

4. Анъанавий тафаккур, қоида тариқасида, бир томондан, ижтимоий ва мулкый нотенглик вужудга келган ва ҳукмронлик қилган давр учун, иккинчи томондан эса, ердан жамоа бўлиб фойдаланиш, саноат ишлаб чиқариши оилавий қосибчилик даражасидан ўсиб чиқмаган, давлат ва черков бир-биридан ажралмаган (ёки диний мафкура ҳукмронлик қилган) даврлар учун хос. Бошқача айтганда, у аграр-қулдорлик ва феодал жамиятлардаги ижтимоий тафаккур тарзидир. (Собиқ Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатларда анъанавий тафаккур тарзининг қайта тикланиши аслида Шимолий Америкада XVIII ва XIX аср биринчи ярмидаги қулдорлик тузуми каби тарихий анахронизм эди). Социалистик мамлакатлардаги анъанавий тафаккур қулдорлик ва феодализм давридаги ўт-

мишдошларидан мазмунининг замонавийлиги ва шаклан бойлиги билан, илм-фанда, айниқса, фундаментал фанларда тадқиқот ва умумлаштириш усулларининг юксак профессионализи, баъзи масалаларда анча илғорлиги билан ажралиб туради.

Анъанавий тафаккурнинг социалистик шакли кўп жиҳатдан парадоксал характерга эга. Унда бир-бирини инкор этувчи илғор илмий услублар (табиатшунослик илмида), теран таҳлиллар (гуманитар илмда) жамиятни бошқаришда догматик андозавий услублар, юзаки, саёз умумлаштиришлар, сиёсийлаштирилган ва мафкуралаштирилган хулосалар билан чатишиб, қоришиб кетган.

Кулдорлик ва феодал жамиятларини кўп жиҳатдан анъанавий жамият, уларнинг тафаккурини анъанавий тафаккур дейиш жоиз. Лекин кулдорлик тузумида ҳам, феодал тузумда ҳам бирданига анъанавий жамият вужудга келиб қолмайди. Қадимги Юнонистонда анъанавий жамият унсурлари Александр Макдунийдан кейин, қадимги Римда император Августдан кейин кучая бошлади.

Ўрта Осиёда анъанавий жамият XVI асрда узил-кесил қарор топди.

Ижтимоий нотенглик ёки у ўрнатилмаган жойларда (Октябрь инқилобигача Россиянинг баъзи ҳудудларида сақланиб қолган деҳқонлар жамоаси, рус казак кўшинлари яшаган ҳудудлар) жамоавийлик тамойилининг етакчилиги боис анъанавий тафаккур шахс эркинлигини, индивидуал манфаатларни максимал даражада инкор қилади ёки улар билан етарлича ҳисоблашмайди. Ишлаб чиқаришда ва турмуш тарзида патриархал муносабатлар қолдиқларининг авторитар таъсири маънавий ҳаётда черков ва диннинг авторитаризми билан кўшилиб тафаккур анъанавийлигини белгилайди. Айрим қолақ урф-одатларнинг яшовчанлиги, кексалар ва оқсоқолларнинг, маҳалланинг баъзи бир анахроник (тарихан эскирган) даъволари, уринишлари негизида ҳам патриархал муносабатлар қолдиғидан озикланувчи авторитаризм туради.

Анъанавий тафаккур зиддияти шундан иборатки, у ижтимоий нотенгликни асослаш билан бир қаторда («беш бармоқ бир хил эмас» қабилида нақлларни эс-

ланг), эгалитаризмни (исломда – тавдилия) – барча бандалар Худо олдида тенгдир деган табиий ҳуқуқни ҳамда иқтисодий тақсимотдаги текисчилик тамойилини ёқлайди. Эгалитаризм диний жиҳатдан эмас, иқтисодий-ижтимоий жиҳатдан қаралса, турли динларга эътиқод қилувчи Шарқ мамлакатларида, суғориладиган деҳқончилик минтақаларида ердан жамоа бўлиб фойдаланиш маҳсулидир. Европа мамлакатларида эса эгалитаризм христиан жамоасининг ижтимоий тенглик идеали сифатида вужудга келган.

Демак, ижтимоий-иқтисодий ва диний эгалитаризм анъанавий тафаккурнинг хос белгиларидан биридир. Эгалитаризмни иқтисодиётда қўллашга ҳаракат қилиш ижобий натижа бермайди. Аксинча, жамиятни турғунликка, инқирозга маҳкум этади. Иқтисодиётда уни тўла рўёбга чиқариш – хом хаёл. Эгалитаризм фақат адлия соҳасида амалга оширилиши мумкин ва жоиз: қонун ҳаммага нисбатан бирдай қўлланилмоғи, ҳар бир шахснинг келиб чиқиши, жамиятдаги мавқеи, жинси ва эътиқодидан қатъи назар, ҳуқуқларини кафолатламоғи лозим.

5. Диний қарашлар таъсирида амалий тафаккур ва назарий тафаккур ўртасидаги чегара аниқ белгиланмаган (асотирий тафаккурда бу чегара умуман йўқ. Амалий ва ўзига хос умумлашган «назарий» тафаккур – мифологик модель сифатида фақат кутбий ҳодисалар кўринишида мавжуд). Анъанавий тафаккур амалий масалаларда пухта иш тутади, рационал мазмунга эга, аммо назарий масалаларда у иррационал ва рационал қарашларни қориштириб юборади, схоластика ва мистикага мойиллик кўрсатади.

Эркинликнинг анъанавий тафаккур даражасида намён бўлиши анча баҳсли ва мураккаб масаладир. Умуман олганда, анъанавий тафаккур догматизмга, андозага, эклектика ва иррационализмга мойиллиги туфайли тафаккур эркинлигини инкор этади. Лекин, иккинчидан, юқорида айтилганидек, янги бир ахлоқий, диний меъёр, илмий хулоса, бадий образ анъанага, догматик андозага айлангунча анча вақт ўтади. Бу тафаккурнинг маълум конкрет мавзу ёки йўналишда у ёки бу даражада эркин изланиш олиб боришига имкон яратади. Учунчидан, атоқли мутафаккирлар, ижодкорлар жамиятдаги мавқеидан фой-

даланиб (анъана бўйича) айрим илғор ёки ноанъанавий ғояларни нафақат олға суришлари, ҳатто анча кенг тарқатишлари ҳам мумкин.

Ижтимоий нотенглик, мулкӣй низолар, тахтталашлар, диний мазҳаблар ўртасидаги курашлар, урушлар, турли ғалаёнлар анъанавий жамият ва унинг тафаккур тарзини ларзага солиб турган. Натижада, баъзи янги, нисбатан илғор ғоялар тарқалган. Барқарорлик ўрнатилганда, доим ҳам реакцион кучлар ҳокимият тепасига келмаган. Бундай ҳолларда илм-фан, санъат, ҳунармандчилик, деҳқончилик, савдо-сотик рағбатлантирилган. Айрим ҳолларда эса янги ҳукмдорлар аввалги ҳукмдор пайтидаги мухолиф қарашлар вакилларига суянган, уларни қўллаб-қувватлаган.

Тўртинчидан, индивидуал онгнинг, тафаккурнинг мухторийлиги ва ижтимоий онгга таъсирини ҳам унутмаслик керак.

Лекин, умуман олганда, анъанавий жамиятда тафаккур эркинлиги нисбий характер касб этиб, узлуксиз ва жуда узок муддат давом этмаган. У янги динлар, эътиқодлар ёки ҳокимият тепасига илғор фикрли ҳукмдорлар келганда ривожланган. Аммо доимо шундай бўлавермаган. Масалан, ислом дини вужудга келганда, у тафаккур эркин ривожланиши учун жуда кўп шарт-шароит яратди ва қўллаб-қувватлади. Аммо тасвирий санъатда, мусиқа ва театр санъатида катта чекланишлар юз берди. Христиан дини эса энг бошданок Галилей замониғача табиий-илмий тафаккурни, санъатнинг бевосита черковга хизмат қилмайдиган турларини чеклади.

Темурийлар, айниқса, Улугбек илм-фанни ривожлантирди, жаҳолатга қарши курашди. Ҳатто айрим саидзодаларни мутаассиблиги, реакцион фаолияти учун қаттиқ жазолади. Унинг отаси Шоҳруҳ эса табиий-илмий тадқиқотларни унчалик рағбатлантирмади. Тафаккур эркинлигини фақат гуманитар билимлар, адабиёт ва санъат доирасида ривожланишига шароит яратди. Алишер Навоий «Мажолисун нафоис» асарида Ҳусайн Хоразмий билан боғлиқ шундай воқеани келтиради: «Ва Мавлоно Шоҳруҳ Мирзо замонида бир ғазал учун такфир қилиб, Хоразмдан Ҳиротга келтурдилар. Чун

донишманд ва истилоҳ билур киши эрди, ҳеч нима собит қила олмадилар. Қайтиб яна ўз мулкига кетти. Ва ул ғазалнинг матлаи будурким:

*Эй, дар ҳамин олам, пинҳон туву пайдо ту,
Ҳам дарди дили ошиқ, ҳам асли мудово ту».*

Т а р ж и м а с и:

*Эй, бу оламда яшарин ҳам, ошкора ҳам ўзингсан,
Ошиқ юрагининг дарди ҳам, давоси ҳам ўзингсан.*

Ҳусайн Хоразмий нафақат шоир, шунингдек, зоҳир ва ботин илмида ўз замонасининг машҳур кишиларидан бўлган, жуда нозик фикрлаган. Шу боис ҳиротлик муллар унга мушриклик айбини қўя олмаганлар.

Таъкидлаш жоизки, Шохруҳ ва Ҳусайн Бойқаро замонида Хуросонда ҳали анъанавий жамият узил-кесил ғалаба қозонмаган, Темур даврида бошланган уйғониш, юксалиш давом этаётган эди. Лекин анъанавийлик кайфияти ва меъёрлари ҳам зимдан кучайиб бораётган эди. Анъанавий тафаккур ижтимоий-сиёсий, иқтисодий барқарорлик шароитида муттасил тадрижий ўсишни эмас, балки турғунликни келтириб чиқаради. Шохруҳ ва Ҳусайн Бойқаро даври нисбатан ижтимоий-сиёсий, иқтисодий барқарорлик даври бўлди, аммо ўша даврда турғунликни келтириб чиқарувчи омиллар етила бошлади. Ҳусайн Хоразмий билан юз берган воқеа анъанавийлик мустаҳкамлана бошлаганини, гоёвий назорат кучайганини, ҳукмрон мафкурага зид ғоялар учун таъкиб қилиш шаклланаётганини кўрсатади.

Кўплаб мисоллар далолат берадики, анъанавий жамиятда тафаккур эркинлиги умумқабул қилинган мафкуравий меъёрлар даражасидагина намоён бўлади. Шу боис анъанавий жамиятда ижодда эпигонлик кенг тарқалган. Ҳатто буюк даҳо ижодкорлар ҳам, агар янги оқимнинг бошланиш даврида яшамаган бўлсалар, янги образларни, янги ғояларни анъанавий мавзулар, анъанавий сюжетлар доирасида анъанавий шаклларда яратишга, ифодалашга мажбур эдилар. Мисол сифатида хамсачилик анъаналарини эслаш кифоя қилади, деб ўйлаймиз.

Анъанавий тафаккур хусусиятлари ҳақидаги фикрларни яқунлаб, куйидаги дастлабки хулосаларга келиш мумкин:

1. Анъанавий тафаккур масъулиятдан, мустақил қарор қабул қилишдан чўчийди, ташаббус кўрсатишдан қочади, туб янгиликларни инкор қилади.

2. Унга етакчи, йўлбошчи керак. У обрўли фикр кетидан кўр-кўрона эргашгиси келади, шу боис унга андозабозлик, дохийпарастлик, оқсоқолпарастлик хос.

3. Анъанавий тафаккурда воқеликка рационал ва иррационал ёндашувлар, реал ва хаёлпарастлик муносабатлари механик тарзда қоришиб кетади.

4. Анъанавий тафаккур мутаассибликка, жамиятни ёппасига назорат этишга мойиллик кўрсатади, маълум шароитларда (назорат воситалари ва имкониятлари кенгайтиши жараёнида) тоталитар мафкура вужудга келишига замин яратади.

7.4. Эътиқод ва маънавият

Эътиқод шахс дунёқараши ва маънавияти ядроси сифатида. Кундалик онгда кўпинча эътиқод бирор динга ишониш ва унинг аҳкомларини бажариш, деб тор мазмунда тушунилади. Аслида эътиқод анча кенг тушунча, диний мазмундан ташқари дунёвий мазмунда ҳам қўлланилади. Эркин, демократик эътиқод, сиёсий эътиқод, ахлоқий эътиқод, илмий эътиқод ва ҳ.к. сўз бирикмалари бунга мисолдир. Эътиқод муайян гоёлар, қарашлар тизимига қаттиқ ишончни ва содиқликни англатади. Собик тузум пайтида коммунистик эътиқод тўғрисида гапирилар эди. Бунда коммунистик гоёларга, марксизм-ленинизмга ишонч ва содиқлик назарда тутилган. Диний эътиқодни биз кўпроқ имон ёки имон-эътиқод деймиз ва бу билан уни эътиқоднинг дунёвий шаклларида фарқлаймиз. Эътиқод аввало шахс (жамоа, гуруҳ, жамият) томонидан муайян гоёларга, баҳо ва меъёрларга иккиланмасдан, шубҳа қилмасдан, қатъий ишонч асосида ҳосил бўлган энг муҳим ва биринчи даражали ҳисобланган барқарор, собит тушунчалар, умумқабул қилинган меъёрлар, юксак кадриятлар, назариялар ва қарашлардир, яъни илмдир (билимдир).

Шундай қилиб, эътиқоднинг мазмунини биринчи галда илм ташкил қилади. Чунки киши нимага эътиқод қилаётганини – нимага ишонаётганини, нимага интилаётганини, нимага ўз хулқ-атворини, ижодини мослаштириш лозимлигини билиши лозим. Бу илм диний ёки дунёвий ёхуд уларнинг маълум даражадаги қоришуви бўладими, ундан қатъи назар, эътиқоднинг кенг маънодаги ҳаётий мазмунини ташкил этади. Илмсиз эътиқод йўқ, бўлиши мумкин ҳам эмас. Илмлар бир-биридан характери, мазмуни, предмети, оламни акс эттириши, табиат, жамият, инсон билан боғлиқ ҳодисаларни таҳлил қилиш, умумлаштириш усуллари, шакллари, йўналиши ва аҳамиятига кўра анча фарқ қилади. Энг аввало илмни биз, тафаккур хусусиятларидан келиб чиқиб, рационал ва иррационал илмларга ажратамиз. Рационал илм изчил мантиққа, пухта назарий тадқиқотларга ва амалий тажрибага таянади. Табиатшунослик фанлари мазмуни ва берадиган билимлари, ахборотлари ҳамда инсоният меҳнат фаолияти ва ҳаёти давомида ўзлаштирган, орттирган тажрибаси орқали ҳосил бўлган амалий билимлар рационал мазмунга эга. Рационал илмни назарий ва амалий-экспериментал усуллар ёки ҳаётий тажриба ёрдамида такрорлаш, исботлаш мумкин. Рационал илм самара берадиган илмдир. Унинг ёрдамида объектив борлиқ – коинот, табиат, жамият, инсон сирасорлари, тузилиши, турли қисмлари, унсурлари, хусусиятлари, ўзаро алоқалари, хоссалари ва ҳ.к. ўрганилади.

Шу тариқа тўпланган билимлар ёрдамида инсон табиатга ва жамиятга таъсир кўрсатди, янгиликлар яратди. Янги ҳайвонлар зотларини урчитди, озиқ-овқат ва техник ўсимликларнинг янги навларини яратди, конларни очиб, табиий минералларни қайта ишлаб, машиналар, тракторлар, асбоблар, ускуналар, уй-рўзғор буюмлари ясади. Уйлар, қишлоқлар, шаҳарлар қурди ва ҳ.к. Рационал илм асосида инсон турли табиий хавф-хатарларга, эпидемиялар ва касалликларга қарши курашди. Шу сабабдан рационал илмни самарали, амалий натижа берувчи, инсоннинг ўзини, жамиятни, табиий яшаш муҳитини ўзгартирувчи илм деймиз.

Иррационал илм аниқ далиллардан ташқари ноаниқ, тахминий, эмоционал, баъзан ғайритабиий, диний,

мистик, эзотерик ёки мантикий чайковчилик руҳидаги важларга таянади ёки уларни илмий далиллар билан аралаштириб юборади. Масалага ўта ҳиссиётга берилиб, холисликни унитиб, бирёқлама ёндашилганда олинган билим, диний ва мистик унсурлардан холи бўлса-да, иррационаллик касб этиши мумкин. Иррационал илмнинг тўғрилигини назарий ёки амалий тажриба орқали текшириб, исботлаб бўлмайди. Диний асарларда ва таълимотда иррационал жиҳатлар кўп. Мистик илм эса тўлиқ иррационалдир. Лекин бу – иррационал илм тўлиқ уйдирма, қаллоблик дегани эмас, балки уларни оқилона, мантикий ёки амалий тушунтиришнинг иложи йўқ, деганидир. Аммо, тан олиш керак, аксарият фолбин, экстрасенс ва руҳий шифо берувчи табиблар мистикаси уйдирма, қаллоблиқдир. Уларни валий зотлар, буюк шахслар, ҳақиқатан ноёб қобилиятга эга шахслар мистикасидан фарқлаш лозим.

Иррационал илм аниқ билим бермаса-да, масаланинг, муаммонинг баъзи бир жиҳатларини пайқашга, ички сезги (интуиция) ёрдамида баъзи нарсаларни очиб беришга қодир. Масалан, баъзи бир атоқли диний арбоблар, экстрасенслар шундай натижаларга эришганлар. Шу сабабдан уларнинг оддий авомга ва ҳатто анча ўқимишли одамларга таъсири баъзан сезиларли бўлган. Бундай кишилар юз мингдан, балки миллиондан битта учрайди. Аммо ҳаётда ғайритабиий қобилияти, кучи борлигига даъвогар қаллобларнинг сон-саноғи йўқ. Шу сабабли дунёвий илм-фан каби ислом дини ҳам фолбин ва кароматгўйларни қоралайди.

Фан берадиган илм, тўғри ёки нотўғрилигидан қатъи назар, рационалдир. Фаннинг нотўғри услублар, адашишлар орқали тўплаган хатоликлари, нотўғри хулосалари ҳам мантиққа, ақлга асосланади. Агар фан сиёсатга хизмат қилиб, ўта мафкуравийлашиб кетсагина, иррационал характер касб этиши мумкин. Бу кўпроқ ижтимоий ва гуманитар фанларга, жуда кам ҳолларда табиатшунослик фанининг дунёқараш, эътиқод билан боғлиқ мазмунига (тадқиқотнинг ўзига эмас) тааллуқли бўлиши мумкин. Масалан, биология фанининг эволюция, тур, ирсият ва шу каби ҳодисалар билан боғлиқ баъзи хулосалари фа-

шистлар томонидан сиёсий мафкуравий жихатдан нотўғри талқин қилинган, ирқчилик каби ғайриинсоний сиёсий назарияларга асос қилиб олинган эди. Бунда биология фанининг ҳеч қандай айби йўқ. Айб сиёсатчиларда. Мисол тариқасида фашизм даврида Германияда шимолий типдаги арий халқларининг бошқалардан устунлигини исботлашга қаратилган ирқчилик назариясини, инсон ирсиятини яхшилаш учун евгеника режаларини келтириш мумкин. Гитлернинг ва фашизмнинг ҳар жихатдан муҳолифи бўлган Сталин ва большевизм нафақат ирқчилик назариясини, шунингдек, умуман генетика фанини ҳам инкор этди. Кўплаб генетика олимлари катагон қилинди. Мағзавага қўшиб тоғорадаги бола ҳам улоқтирилди.

Ҳақиқий илм сиёсатга бўйсунмайди. У объектив ҳақиқатни акс эттиради. Тўғри, сиёсат илмий бўлиши, илмга мос келиши мумкин. Бундай ҳолда у эътиқодга салбий таъсир кўрсатмайди. Лекин зўравонлик сиёсатига бўйсундирилган, нотўғри илм эса эътиқодни хатога етаклайди, унга мурасасизлик, мутаассиблик ва тажовузкорлик, бешафқатлик бағишлайди. Яна мисол тариқасида Гитлер ва Сталинни, турли диктаторларни, замонавий экстремистик таълимотларни эслаш мумкин.

Илмларни дунёвий ва диний илмларга бўлиш мумкин. Дунёвий илм асосан рационал мазмунга эга. У назарий ва амалий тадқиқотлар (фан) ҳамда ҳаётий тажриба, ишлаб чиқариш орқали тўпланади, авлоддан-авлодга ўтиб келади. Диний билимлар кўпроқ кўр-кўрона ишончга, бирор бир ҳодисани илоҳий ҳақиқат, деб билишга асосланади. Диний илмларда ҳам назарий (илоҳиёт фани), тоат-ибодат ва диний маросимлар билан боғлиқ амалий илмлар мавжуд. Диний илмда рационализм ва иррационализм қоришиб кетган. Шундай қилиб, ҳар қандай илмни назарий ва амалий илмларга бўлиш мумкин. Назарий илмлар аниқ бир тизимга келтирилади, мантиқан (хато ёки тўғри эканлигидан қатъи назар) ҳар томонлама асосланади, мавҳум илмий тушунчалар, тамойиллар, илмий қонунларда ифодаланади. Амалий билимлар (илмий-экспериментал илмлардан ташқари) кўпроқ кундалик ҳаёт ва тажриба орқали шаклланади. Улардан фарқли, илмий тажриба орқали қўлга киритилган амалий илм-

лар назариядан, назарий фаразлар ва ҳисоб-китобларни, хулосаларни эксперимент орқали текшириб кўриш ва ҳаётга татбиқ этишдан келиб чиқади ва оқибатда яна назария орқали умумлаштирилади. Амалий экспериментал илмлар баъзан назарияга аниқлик киритади, уни бойитади, айрим янглиш фикрлар ва фаразлардан тозалайди. Баъзан назарияни тубдан ўзгартиради, янгилайди. Биология соҳасида олиб борилган экспериментал тадқиқотлар генлар назарияси, генетика фани ва биотехнологиялар вужудга келишига сабаб бўлди. Астрономик асбоблар, йирик радио ва оптик телескоплар ихтиро қилиниши, уларни замонавий ахборот технологиялари, компьютер ёрдамида ишлатилиши, ернинг орбитасига коинотни кузатадиган астрономик станциянинг чиқарилиши, олинаётган ахборотларни қайта ишланишнинг замонавий усуллари пайдо бўлиши коинотга оид қарашларни, назарияларни кейинги 20-30 йилда анча ўзгартириб юборди.

Экспериментал фаннинг янги холис илмларни очиш, мавжудларини тасдиқлаш ёки хатоларини кўрсатишдаги аҳамияти шунчалик улканки, кейинги бир асрдан буён олимлар ўртасида назарий фанлар етакчими ёки экспериментал фанлар, деган жиддий баҳслар мавжуд. Уларнинг ҳар иккаласи сув ва ҳаводек зарурлиги ҳеч кимда шубҳа уйғотмайди. Фақат назариядан эксперимент кўпроқ туғиладими, ё экспериментдан кўпроқ назариями, деган қабилда баҳс юритилади. Буюк бобомиз Абу Райҳон Беруний экспериментни (илмий тажрибани, амалий тадқиқотни) илмий ҳақиқатни аниқловчи мезон, деб ҳисоблаган.

Эътиқоднинг илғорлиги ёки колоқлиги, инсонпарварлиги ёки худбинлиги ва бошқа кўплаб хусусиятлари унинг мазмунини ташкил этувчи илмга боғлиқ Аммо ҳар қандай илм, айниқса, кундалик билимлар эътиқод бўлавермайди. Нафақат кундалик билимларда, ҳаттоки илм-фанда кўплаб турли ахборот даражасидаги ҳамда асосий арконий тамойилларни шакллантиришга хизмат қилувчи «ёрдамчи» ва оддий элементар тушунчалар борки, улар қанчалик фан ва илмий тадқиқот, ижтимоий амалиёт учун аҳамиятли бўлмасин, эътиқоднинг бевосита таркибий қисмига кирмайди. Шунингдек, амалиётда тасдиғини

топмаган, фараз сифатида олға сурилган илмий тушунчалар ва назариялар, табиийки, эътиқодга айланмайди. Иккиланиш ва шубҳа билан қаралган илм эътиқод эмас. Илгари инсон қаттиқ ишонган тушунчалар, ғояларга нисбатан жамият ва илм-фан тараққиёти натижасида шубҳа туғилса, улар эътиқод мақомини йўқотади.

Эътиқод тузилмасининг бошқа унсурлари. Эътиқод илм билан чекланмайди. У муайян ғоялар ва кадриятларни фаол ақлий ва ҳиссий қабул қилиш, севиш, ихлос кўйиш, уларга ўз идеалларини, ижтимоий интилишлари ва амалиётини мослаштиришдир. Эътиқодда ишонч катта роль ўйнайди. Ишонч эътиқод мазмунини ташкил этувчи тушунчалар, меъёрлар, ғоялар, таълимотга – илмга (билимга) нисбатан кучли эмоционал (ҳиссий) ижобий муносабатдир. Ишонч турмуш тажрибаси негизида ҳосил бўлган кундалик онг даражасига ва илмий билимларни муайян (тўғри ёки нотўғри) тушунишдан ҳосил бўлган назарий онг даражасига оид бўлиши мумкин. Ишонч оиланинг тарбияси, субмуҳит таъсири натижасида, жамиятнинг таълим муассасалари, ташвиқот ва ахборот воситалари орқали киши онгига таъсир этиши оқибатида вужудга келади. Ишонч ҳам, ўз мазмунига кўра, рационал ёки иррационал характер касб этади.

Рационал ишонч шахснинг фаол ҳаракатига, яратувчилигига асосланади. Унинг объектини ташкил қилган ғоя, таълимот, идеал тўғри ёки хато, реал ёки утопик бўлиши мумкин. Лекин шахс унга сидқидилдан ихлос билан интилади, унга эришиш йўлларини излайди, ижод қилади. Натижада, у ўша мақсадга етолмаса ҳам (агар у сароб бўлиб чиқса) маълум самарага эришади, фаолияти изсиз кетмайди.

Иррационал ишонч шахснинг ижодий пассивлигига, фармонбардорлигига, мутаассиблигига таянади. «Агар иррационал ишонч ниманидир ё кўпчилик ёхуд қандайдир обрўли шахс ҳақиқат ҳисоблагани учунгина ҳақиқат деб қабул қилса, рационал ишонч самара берувчи ўз кузатишларига ва мушоҳадаларига асосланган эътиқод мустақиллигини билдиради»¹, – деб ёзади Эрих

¹ Эрих Фромм. Психоанализ и этика. – М.: 1993, 159-б.

Фромм. Назаримизда, Фроммнинг ушбу хулосаси умумий кўринишда маълум даражада бирёклама, масалага бир оз торроқ ёндашишнинг оқибатига ўхшаса-да, лекин унинг асосий хулосаси ниҳоятда теран ва тўғри: рационал ишонч бу самара берувчи эътиқод мустақиллигидир. Бошқача қилиб айтганда, ишончнинг рационал бўлиши эътиқод мустақиллигини таъминлашга хизмат қилади.

Мустақил эътиқод эса шахс ва жамият эҳтиёжларини нисбатан тўғри англайди, бу эҳтиёжлардан келиб чиқиб янгиликларга, ранг-барангликка, мавжуд ҳолатни ўзгартиришга интилади. Иррационал ишонч эркинликка, мустақилликка, ижтимоий янгиликка интилмайди, балки уларни ғайритабиий кучлардан, дохийлардан, авлиёлардан кутади. «Иррационал ишонч нимагадир ёки кимгадир мутаассибона (фанатик) ихлос қилишдирки, унинг моҳияти шахсга тегишли ёки шахсдан ташқарида турувчи иррационал обрўга бўйсуннишдан иборат»¹, – деганида, Э.Фромм асосан ҳақ эди.

Фромм мулоҳазаларидаги бизга бирёкламалик бўлиб туюлган жиҳатларга келсак, қуйидагиларни таъкидлаш лозим. Ишонч, унинг рационал ёки иррационал характери шахснинг узоқ давом этган мулоҳазалари, хулосалари ва ҳаётий тажрибаси маҳсули бўлиши ҳам, бўлмаслиги ҳам мумкин. Кейинги ҳолда у жамиятдаги ёхуд шахс субмуҳити – оиласи, меҳнат ёки диний жамоаси ёки улфатларининг норасмий даврасидаги ҳукмрон эътиқод асосида шаклланади ва шахс томонидан тайёр аксиома сифатида қабул қилинади. Аммо ишончнинг рационаллиги ёки иррационаллиги булар билан белгиланмайди.

Узоқ илмий таҳлиллар, мантиқий хулосалар асосида шаклланган ишонч иррационал бўлиши ҳеч гап эмас (агар тадқиқот усули нотўғри танланса, дастлабки шартларда ва таянилган далилларда хатога йўл қўйилса ва ҳ.к.). Ахир философиядаги, диний таълимотлардаги, ижтимоий назариялардаги иррационал оқимлар атоқли мутафаккирларнинг узоқ йиллар давомидаги ақлий меҳнати, изланишлари, бошқа таълимотларни танқидий таҳлил қилиб, маълум хулосаларга келиш натижасида пайдо бўлган.

¹ Эрих Фромм. Психоанализ и этика. – М.: 1993, 156-б.

Аксинча, тайёр ҳолда, «беўйлов» қабул қилинган ишонч чуқур рационал бўлиши мумкин.

Рационаллик ва иррационаллик шахсий ёки жамоавий тажрибага, дунёвийликка ёки динийликка, материалистик ёки идеалистик тамойилларга суянишга бевосита боғлиқ эмас. *Ишончининг рационаллик ва иррационаллик мезонини тараққиёт заруриятидан излаш керак.* Шахс (жамоа) қаттиқ ишонган тушунчалар, меъёрлар, ғоялар, идеаллар тарихий тараққиёт талабларига қанчалик мос келса, ишонч шунча рационаллик касб этади. Тарихий заруриятга, жамият ривожланиш талабларига мос келмайдиган илмга нисбатан шаклланган ишонч иррационалдир. У объектив самара бермайди. Демак, маънавият ривожланиши учун эътиқод самарали рационал ишончга асосланиши лозим. Бу ишонч четдан мўъжиза кутиб ўтирмайди, шахс ўз эътиқодига содиқ қолган ҳолда, мақсадига эриша олмаса ҳам, сабабини ўз фаолиятидан ахтаради. Бинобарин, унга танқидий баҳо беради, кўшимча воситалар излайди ва ҳ.к.

Янги таълимотлар, янги динлар ўзларидан аввал вужудга келган ва фаолият юритаётган бошқа муҳолиф таълимотлар, динлар билан ғоявий, сиёсий курашда ўз ўрнини топишга, ўз ҳақиқатини қарор топтиришга интилиши улар тарафдорларини фаол бўлишга, ўз эътиқодлари келажагига ишонишга, бу келажакни амалий фаолиятлари билан яратишга ундайди. Шу боис пухта ва жиддий ишлаб чиқилган янги таълимотларга ишонч, уларнинг тўғри ёки нотўғри бўлишидан қатъи назар, дастлаб ўзига хос рационаллик касб этади ва амалиётда катта самара беради. Бу янги таълимотнинг ижтимоий тараққиёт билан зиддиятлари юзага чиқмагунча, ўз ижодий салоҳиятини сарфлаб бўлмагунча давом этади. Агар янги таълимот тарафдорларининг яратувчилик фаоллиги суст бўлса, улар ишончининг самараси узоқ вақт имконият даражасида қолиб кетади. Унинг воқеликка айланиши янги тарихий даврда таълимотнинг ўзида ҳам чуқур ўзгаришлар содир бўлгандан кейингина юз бериши мумкин. Буни христиан дини мисоли тасдиқлайди.

Дастлабки христианлик таълимотининг аксарият тарафдорлари куллар ёки ҳаракат эркинлиги чекланган од-

дий кишилар бўлгани сабабли, христианлик ўрнатилгач, Европада антик даврга нисбатан маънавиятнинг аксарият соҳаларида, айниқса, илм-фан, тиббиёт, адабиёт, санъатда ортга кетиш бўлди. Бу ҳолат Уйғониш давригача давом этди. Исломга ишонч ҳам айнан шу сабабдан у вужудга келганидан кейинги дастлабки асрларда оламшумул буюк ҳарбий, сиёсий, иқтисодий, илмий ва маданий ютуқларга олиб келди. Кучли ижтимоий тараққиётни таъминлаб, жаҳонда янги цивилизация яратди. *Таълимотга рационал ишонч ижтимоий фаоллик ва сафарбарлик билан қўшилсагина юксак амалий самара беради.*

Дастлаб рационал бўлган ишонч ижтимоий таржибалар орқали тасдиқланмаса, ҳаётда ўзини оқламаса, омма кутган натижага олиб келмаса, ўзининг аксига – ё ишончсизликка ё иррационал ишончга (мутаассибликка, мантиққа зид ихлосга ва ш.к.) айланади. Маънавият эса инқирозга учрайди, қашшоқлашади. Қашшоқ маънавиятда мутаассибликка мойиллик кучлидир. Ортодоксал диний таълимотларнинг, марксизм-ленинизмнинг ва бошқа ҳаётга мослашиб ривожлана олмаган таълимотларнинг қисмати буни тасдиқлаб турибди.

Илм каби ишонч эътиқоднинг асосий бош унсуридир. *Илм эътиқоднинг мазмунини, ишонч унинг ҳаётийлик кучини таъкид қилади.* Агар инсон ўз борлигини, турмуш ва меҳнат шароитини, ижтимоий аҳволини ўзгартира олишига ишонмаса, у ижодий изланишлардан, қийинчиликлар билан курашдан тўхтаб, фақат табиатга ва ҳаётга мослашиб яшайверади. Бундай ҳолда у ярим ёввойи мавжудод сифатида қолиб кетарди, ҳайвонот дунёсидан унча узоклашмасди. Ишонч изланиш, ижод қилиш, кашф этиш – юксалиш учун инсонга куч-қувват ва рағбат берди. Фан негизида ҳам, дин негизида ҳам, одамларнинг ўзаро ижобий алоқалари, бир-бирини қўллаб-қувватлаши негизида ҳам ишонч ётади. Ишончсиз эътиқод ва маънавият йўқ.

Эътиқод дунёқарашнинг, у орқали бутун маънавиятнинг ўзаги сифатида воқеликка инсон муносабатини, хулқ-атворини, фаоллигини белгилайди. Фаоллик учун, айниқса, ижодкорлик учун оддий ишончга асосланган илм кўп ҳолларда камлик қилади. Ижодкорлик ва фаоллик ишончнинг ихлос ва ишқ билан бойитилишини тақозо этади.

Одатда, ихлос бирор ғояга, назарияга ёхуд санъат асарига, умуман кадриятга, унинг муаллифларига ёки тарғиботчисига кўнгил қўйишдир (салбий нарсага «кўнгил қўйиш», ҳатто ижобий нарсага мавжуд ахлоқийлик чегарасидан чиқиб, меъёридан ортиқ интилиш асло ихлос эмас, у хирс ва нафс ёки мутаассиблик дейилади). Аммо ихлос шунчаки кўнгил қўйиш эмас, кўнгил қўядиган объектни билиш, эмоционал ва холис баҳолаш ва унга интилиш ҳамдир. Ихлос ижобий эмоционал баҳо, объектга самимий интилиш туфайли вужудга келади. Инсон бирор нарсага кўнгил қўйишдан аввал уни ҳар томонлама таҳлил қилади, кучли ва заиф, фойдали ва бефойда жиҳатларини аниқлайди. Бошқа ўхшаш нарсалар билан солиштиради, таққослайди, улардан устунлигини, одамлар ва жамият учун фойдалироқ эканини, ахлоқийлик ва гўзаллик талабларига кўпроқ мос келишини билиб олади. Унда ўша объектга нисбатан ҳавас туғилади. Агар ихлос объекти ижодкор шахс бўлса, ўзини унинг шогирди, ўқувчиси, издоши, мухлиси деб ҳисоблайди, унга нисбатан чуқур ва самимий ҳурмат юзага келади. Ихлос қилувчи киши мухлис дейилади. Ихлос объекти диний арбоб бўлса, (тасавуфда) пир, эшон, ихлос қилувчи эса мурид дейилади. Лекин мурид пир иродасига тўлиқ бўйсунди. Унинг ихлоси авторитар мазмунга эга.

Бировнинг тазйиқида кишида ихлос шаклланмайди. У шахснинг ўз мойиллиги, эркин танлаши (онгли ёки онгсиз) асосида қарор топади. Ҳатто авторитар ихлос ҳам асосан эркин танлашнинг ёки тарбиянинг натижасидир. Демак, ихлос таркибига «интилиш» билан бирга «ихтиёр» ҳам киради. Ғоя ёки таълимотга ихлос қўйиш, унга ўз умрини бағишлаш холис хизмат қилишни, бундан шахсий фойда изламасликни англатади. Илм-фан, адабиёт ва санъат даҳолари, буюк мутафаккирлар орасида бундай зотлар тарихда кўп учрайди. Уларнинг аксарияти жуда камтарона, баъзилари ҳатто анча қашшоқ кун кечирган. Лекин танлаган ғоясига, таълимотига умрбод содиқ қолган. Ихлосга амалий интилиш мавжудлиги сабабли у эътиқоднинг юзага чиқиб, амалий фаолиятга айланишига хизмат қилади.

Ғоя ёки таълимотга нисбатан иррационал ихлос пуч хаёлпарасатликка ёки тажовузкор мутаассибликка, фанатизмга олиб келади. Ғоя, таълимот тараққийпарвар бўлса, унга ихлос қилган киши фаолияти жамиятга фойда келтиради. Аксинча, қолоқ ғояга, хато таълимотга ихлос қўйган киши фаолияти амалий самара бермайди, одамларга, жамиятга зарар келтириши мумкин. Агар хато ғояга хизмат қиладиган шахс юксак лавозимга ёки катта интеллектуал салоҳиятга, кучли иродага эга бўлса, у қўплаб одамларни чалғитади, нотўғри йўлга буриб юборади, мамлакатга, жамиятга катта зарар келтиради.

Шахсга ихлос қўйиш ғояга ихлос қўйишдан анча фарқ қилади. У ўз мазмунига кўра эркин (либерал) ёки авторитар мазмунда бўлиши мумкин. Авторитар ихлос, охиروقибатда, шахсга сизинишга олиб келади. Эътиқод ва тафаккур эркинлигига путур еткази. Догматизмга, авторитар шахс қарашларини догматлаштиришга йўл очади. Авторитар шахс унга сиғинувчи, оғзидан чиқадиган ҳар бир сўзини бирдан-бир ҳақиқат деб биладиган ихлосмандларсиз шаклланмайди. У ихлосмандларсиз, нари борса, одамлар мийиғида кулиб, жиддий қабул қилмайдиган, ўзига бино қўйган олифта, сатанг, калондимоғ шахс бўлиб қолаверади. Европаликларнинг «Қиролни аёнлари қирол қилади» деган мақолида катта ҳикмат бор.

Самарали, холис ихлос билан бойиган ишонч ахлоқийлик касб этади. Ихлос бутун эътиқодга, маънавиятга ижобий маънодаги ахлоқий ҳис-ҳаяжон, самимийлик ва ижтимоий мўлжал, мақсад бахш этади. Ҳақиқий эркин ихлос инсонни тарбиялайди: ижтимоий мўлжал сифатида уни такомиллаштиришга, маълум бир марраларни эгаллашга, ўзида муайян хислатларни шакллантиришга ундайди. Чунки эркин ихлос ибрат олишга, ихлос қўйган кишининг яхши фазилатларига ҳавас қилишга, буюк аждодларига, халқига, тарихига муносиб ворис бўлишга қаратилган. Авторитар ихлос эса бирор шахсга муте, қарам бўлишга, кўр-кўрона тақлид қилишга, ихлос объекти шахсига сизинишга ёки ўз халқини, тарихини бирёқлама баҳолашга, бошқа халқлар ва маданиятларга беписанд қарашга, миллатчиликка, миллий манманликка хизмат қилади.

Эркин ихлос эътиқоднинг «инсоний» қиёфасини белгиловчи унсурлардан бири. Зеро, эркин ихлос орқали эътиқод миллий ва умуминсоний қадриятлар, маданий мерос, ижодкор шахслар, мутаффакирлар асарлари, ибратли ҳаёти ҳамда тарихий воқеалар билан боғланади, конкретлашади, ҳаётийлашади. Ихлос туфайли эътиқод ақлий ҳодисадан кўнгил ҳодисасига айланиб, индивидуал шаклга эга бўлади, муайян шахс онги ва фаолиятининг ҳаракатлантирувчи кучига айланади. Ихлос инсоннинг ўз мақсадига эришиш, ақлан ва ахлоқан такомиллашиш, ижод қилиш, яратувчилик фаолияти билан шуғулланиш йўлида жуда катта ҳиссий рағбатдир.

Юқоридагилардан хулоса қилиш мумкинки, ихлос эътиқоднинг илм ва ишонч каби узвий таркибий қисмидир. У ишончга нисбатан бир оз торроқ, аммо ундан анча теранроқ, эътиқод моҳиятига яқинроқдир. Ихлос қотиб қолган тушунча эмас. Балки у ҳам илм ва ишонч каби ўзгаради, ривожланади. Баъзан инсон ихлос қўйган нарсасидан илми кенгайиши, чуқурлашиши натижасида ёки ишончи оқланмагани ёки бошқа сабабларга кўра, кўнгли совийди. Баъзан эса, аксинча, инсоннинг ихлоси янада ортади, кучаяди. У ихлос қўйган нарсасидан ахлоқий таянч топибгина қолмасдан, гўзаллик ва ақлий завқ-шавқ туяди. Ҳис-ҳаяжони эҳтиросга айланади. Бу ихлоснинг ишққа айланишидир.

Ишқ ихлоснинг ҳар томонлама кучайган, кенгайган, ихлосга хос ахлоқий ҳис-ҳаяжонга ақлий ва эстетик туйғуларни ҳам қўшиб инсоний эҳтиросга – муҳаббатга, севгига, шу жумладан, диний ёки ғоявий-сиёсий эҳтиросга айланган кўринишидир. Ишқда эҳтирос кучли бўлганлиги сабабли унга айрим ҳолларда теранлик етишмаслиги мумкин. Аммо аксинча ҳам бўлади, ишқ инсоннинг ақлий имкониятларини, ижодкорлик салоҳиятини максимал равишда юзага чиқаради ва эътиқодга ниҳоятда теранлик бахш этади.

Ишқ кўп ҳолларда маиший (фалончига ошиқ бўлиш ва ш.к.) ёки диний-фалсафий (ҳақиқатга, ҳаққа интилиш) мазмунларида ишлатилади. Маиший тушунчадаги ишқ ҳақида Алишер Навоий шундай ёзган: «Аввалги қисм. Авом ишқидурким, авом ун-нос орасида бу машхур ва

шоедурким дерлар: «Фалон фалонга ошиқ бўлибдур». Ва бу навъ киши ҳар нав кишига бўлса бўлур, шағаб ва истиробларича лаззати жисмоний ва шахвати жисмоний эмас ва бу қисмнинг бийикрак мартабаси никоҳдурким, бари халойиққа суннатдир ва мубаҳ. Ва пастроқ мартабасида ва паришонлик ва мушоввашликлар ва бесомонлик ва ноҳушлиқлареки, зикри тарки адабдур ва баёни беҳижобликқа сабаб»¹.

М а з м у н и: биринчи қисм – оддий одамлар ишқи бўлиб, халқ орасида машҳур ва кенг тарқалгандир. Айтадиларки, «Фалон одам фалончига ошиқ бўлибди» – бу хилдаги одамлар кимгадир ошиқ бўлиб изтироб чекиб, шунинг хаёли билан юргайлар. Бу ишқ жисмоний лаззат ва шахвоний нафс билан чегараланадикки, олий мартабаси никоҳдир. Никоҳ – барча халқлар учун умумий ва зарурийдир. Қуйроқ мартабасида жанжал, ташвишлар, кўнгилсизлик ва шармандалиқлар кўринадики, бу ҳақда сўзлаш – одобсизлик, баён этиш – ҳаёсизликдир.² Тасаввуф талқинида ишқ инсон эътиқодининг моҳиятигина эмас, инсон ҳаёти маъноси ва пировард мақсади ҳамдир. Шу боис ишқ сўфий учун эътиқоднинг олий кўриниши, мукамал эътиқод. Ишқнинг ушбу шаклини Алишер Навоий «сиддиклар ишқи» деб атади. Сиддиклар деганида у юксак мақомга етган суфийларни назарда тутди. Уларнинг қалбларида, фикру-зикрида Оллоҳдан, унга муҳаббатдан ўзга ҳеч нарса йўқ. Улар фақат Оллоҳ ишқи билан яшайдилар, бошқа нарсалар, ҳаёт ташвишлари билан қизикмайдилар. Ишқ турли мазмунларда қўлланилиши табиий. Алишер Навоий «Маҳбуб ул-қулуб» асарида унинг уч қисми (кўриниши) борлигини таъкидлайди. Юқорида биз келтирган ишқнинг икки кўринишидан ташқари яна бир хилини – эстетик, бадий ижодга алоқадор шаклини айтиб ўтади: «назмтирозлар» ва «афсонапардозлар» ишқи.

¹ *Алишер Навоий*. МАТ, 14-жилд. – Т.: 1998. 67–68-бетлар.

² Ҳозирги адабий тилдаги талқини: *Алишер Навоий*. Маҳбуб ул-қулуб. – Т.: 1983. 51–52-бетлар. (Иноят Махсумов насрий баёни бўйича берилмоқда.)

Ишқ эътиқодни нафақат янада фаоллаштиради, хатти-ҳаракатга, ўз мақсадига, севган нарсасига етишишга ундайди, шунингдек, уни ўз моҳиятига ёт таъсирдан муҳофаза ҳам қилади. Чунки ишқ мураса нелигини билмайди. Ишқ билан йўғрилган эътиқод ақл ва кўнгилни бир томондан зийрак қилса, иккинчи томондан кўр қилиши мумкин. Ишқ туфайли эътиқод негизида ётган ва ишончга айланган илм янада конкретлик, индивидуаллик, тўлақонли эҳтирослилик касб этади. Ишқнинг фаоллиги, унинг мураса билмаслиги, ўз мақсадига эҳтиросли интилиши билангина чегараланиб қолмайди. Ишқ эътиқоднинг ички ҳаракатлантирувчи кучи, энергиясидир. Ишқда ижодий яратувчилик хусусияти мавжуд. Бу, энг аввало, ишқнинг идеални шакллантиришида кўринади.

Ишқ кўнгил эҳтиросларини юзага чиқаришга, аввало ўз маҳбубига, қолаверса, бошқаларга етказишга эҳтиёж сезади. Маҳбубига ҳамду санолар айтади. Сиддиқлар ҳамду саноси ботиний бўлиши мумкин. Назмтирозлар ва афсонапардозлар ишқи гўзалликни куйловчи ғазаллар, қасидалар, шеъриятнинг бошқа жанрларида ифодаланса, оддий ошиқнинг ишқи оддий сўзларда ва ҳар хил маиший шаклларда ифодаланади. Кимдир маҳбубасига эҳтиросли мактублар, байрам ва ҳар хил саналар муносабати билан табриклар ёзади, гуллар ва бошқа совғалар билан сийлайди. Ошиқлик пайтида кўтаринки кайфиятда кўшиқ ҳиргойи қилиб юради, баъзилар ҳатто шеър тўқийди ва ҳ.к. Тадқиқотчи олим ҳам фанига, ўрганаётган мавзусига, олға сурган ғоясига муҳаббати ва содиқлиги туфайли йиллар давомида заҳмат чекиб ишлайди, изланади, «игна билан қудуқ қазади». Қисқаси, ҳамма ошиқларда ижодга рағбат пайдо бўлади. Ишқ, шундай қилиб, инсон маънавий дунёсини бойитади. Уни маънавиятни яратувчи ижодкор куч, десак янглишмаймиз. Ишқни баъзан маънавиятнинг жавҳари дейишади.

Ишқнинг муҳим хусусиятларидан бири идеални шакллантириш, дедик. Идеал жамият ривожланиши жараёнида қўлга киритиладиган ютуқларнинг, ижтимоий ҳодисаларнинг (жумладан, инсон шахси такомиллашувининг) эришиш мумкин бўлган мукамал мазму-

ни ва шакли ҳақидаги тасаввурлардир. Ёки нарсалар ва ҳодисаларнинг ҳаёлдаги, тасаввурдаги энг мукаммал, нуксонсиз, айбсиз намунасидир. Инсон қўлга киритилган ютуқларни, яратган нарсаларни, илмий ва бадий ижодини (асарларини) яшаётган жамияти ва ундаги тартиб-қоидаларни доимо фикран муайян идеалларга қиёслайди, мавжуд ҳолат билан қоникмасдан, янада тақомилликка интилади. Ўзи ҳам бу жараёнда камол топади. Ушбу маънода идеал жамият ва шахснинг ўсиб бораётган, юксалаётган эҳтиёжлари ва интилишларини ахлоқда, ҳуқуқда, бадий ва илмий ижодда, таълим-тарбияда, умуман турмушда ифодалайдиган, юзага чиқаришга қаратилган энг юксак, олий ижтимоий мўлжалларидир. Шу боисдан у эътиқоднинг унсури. Идеалсиз эътиқод, бинобарин, маънавият йўқ.

Идеални мутлақлаштирмаслик керак. Акс ҳолда у мавҳум ва ноҳаётий, ҳаёлий ҳодисага айланади. Ижтимоий идеал конкрет-тарихий характерга эга. Уни мистиклаштиришнинг ҳеч ҳожати йўқ. Халқ оғзаки ижодида Алпомиш идеал қаҳрамон, ақл, фаҳм-фаросат, жисмоний камолот, мардлик, элпарварлик, ватанпарварликнинг бадий-эпик намунаси. Алпомиш мавҳум ғоялар, идеаллар мажмуи эмас, конкрет идеалларни акс эттирувчи жонли образ. Навоий учун шундай идеал – Фарҳод. У жисмоний ва маънавий камолотга эришган ошиқ шахс. Лекин Фарҳод образи мураккаб ахлоқий, суфиёна-диний, ишқий ғояларни, уларни меҳнат орқали намоён этиши «Дил ба ёр, даст ба қор» ғоясини, инсоний муносабатларни акс эттиришига кўра, Алпомиш образига нисбатан анча конкретдир. Ойбек романида эса Навоийнинг ўзи – идеал образ. Айни пайтда у реал тарихий шахс, конкрет инсон образидир. Бу идеалларнинг бирортаси мавҳум табиатга эга эмас. Улар ўз даврнинг комил инсон тўғрисидаги тасаввурларини ифодалайди. Ҳар уччала образ ўз эҳтиросларига, мақсад ва интилишларига эга, жонли инсон, фидойилик, элга беғараз хизмат қилиш, ўз эътиқодига содиқлик намунаси сифатида ўқувчи томонидан қабул қилинади.

Юқорида айтилганларни умумлаштирсак, эътиқод таркиби қуйидаги қисмлардан ташкил топади: 1) илм; 2) ишонч; 3) ихлос; 4) ишқ; 5) идеал. Улар узвий боғлиқ,

бир-бирига таъсир кўрсатади, бойитади ва ҳ.к. Улардан ҳар бирининг эътиқод билан муносабатлари қисм ва бутунлик ўртасидаги диалектик алоқалардир. Айнан ушбу таркибий қисмларнинг ҳар бири тегишли вазиятда бутун эътиқоднинг ўрнини босиши мумкин. Аксинча, эътиқод улардан ҳар бирининг бир бўлагига, қисмига айланиши мумкин. Масалан, илмнинг бир бўлаги сифатида илмий эътиқод, ишқнинг (ошиқликнинг) бир бўлаги сифатида маҳбубга эътиқод, унга содиқлик намоён бўлади. Илм эътиқодга, эътиқод илмга ёки ишқ эътиқодга, эътиқод ишққа айланиши тўғрисида кўплаб мисоллар келтириш мумкин.

Эътиқод тушунчасини ташиқил этувчи омилларнинг илмий ва тарбиявий аҳамияти. Эътиқод тушунчаси мазмун-моҳиятини тўла очиш учун фақат унинг тузилмасини аниқлаш ва таҳлил қилиш етарли эмас. Амалда илм-фан, фалсафа, ахлоқ, ҳуқуқ, нафосат, дин каби ижтимоий онгнинг барча шаклларига оид категориялар ва тушунчаларни жалб қилиш лозим. Масалан, ватанпарварлик тушунчасини олайлик. Ҳақиқий ватанпарвар бўлиш учун шахс ўз она тилига, урф-одатларига, маданий меросига, халқи, мамлақати бугуни ва келажагига *ишонч билан* қараши, уларга *ихлос қўйиши, севиши* лозим. Ўзининг худбин манфаатларини эл-улус, Ватан манфаатларидан кўпроқ севадиган киши ватанпарвар бўлолмайди. Ёки ҳар қандай шароитда ҳам Ватан манфаатларига *содиқ қолишга*, оғир заҳматдан, қийинчиликлардан кўрқиб, фидойилик кўрсатишга *иродаси ва садоқати* етмайдиган шахс, у қанчалик кенг билимли бўлмасин, Ватанни севиши ҳақида қанчалик кўп гапирмасин, ватанпарвар ҳисобланиши мумкин эмас.

Айни пайтда, Ватанга муҳаббат кўр-кўрона бўлса, кутилган самарани бермайди. *Ватан ишқи* шахснинг танқидий мулоҳаза юритишини, мамлақати, халқи камчиликларини бартараф этишга, миллий кадриятларини такомиллаштиришга интилишини тўсиб қўймаслиги керак.

Баъзан шундай кишилар учрайдики, улар ўтмиш билан бир қаторда халқимизнинг урф-одатлари, қарашлари, маиший турмушини ҳам идеаллаштиради. Бирор камчилик ҳақида гапирган кишини ватанпарварлик етишмаслик-

да айблаиди. Улар фақат ўзларини ҳақиқий ватанпарвар, деб ҳисоблайди. Ҳатто ўзларига нисбатан миллатпараст деган тушунчани қўллайди. Гўёки миллатпарвар, халқпарвар деган тушунчалар уларнинг халққа нисбатан ўта муҳаббатини, фидойилигини тўлиқ ифодалай олмайди. Аслида бу манманликнинг, ўзини кўз-кўз қилишнинг бир кўринишидан бошқа нарса эмас.

Миллатпараст тушунчаси мазмуни ҳақида икки оғиз фикр билдириш зарур. «Параст» форсча сўз ясовчи кўшимча. У салбий мазмунда ишлатилади. Масалан, оташпараст (ўтга сиғинувчи), молпараст (зиқна, хасис, бойлик йиғувчи ва ҳ.к.), бутпараст (бутларга, санамларга сиғинувчи), амалпараст каби тушунчалар мазмуни буни кўрсатиб турибди. Шу сабабдан миллатпараст эмас, миллатпарвар бўлиш лозим. Миллатпараст халқидаги мавжуд камчиликларни кўролмайди, уни идеаллаштиради. Аслида эса у кўпроқ ўзини ўйлайди. Халқ манфаатлари ҳақида оғиз кўпиртириб, сохта обрў орттиргиси, бирор лавозимга илашгиси келади. Миллатпарастни шухратпараст ва мансабпараст деса, тўғрироқ бўлади. Урф-одатларимиз, миллий психологиямиз ва менталитетимизга хос баъзи бир камчиликларни холис баҳолаб, улардан қутилмасак, тараққиётда юксак суръатларга эриша олмаймиз. Айниқса, маҳаллийчилик, гуруҳбозлик, уруғ-аймоқчилик, совғасалом, пора ёрдамида ишини битказиб олишга уриниш, таниш-билишчиликни баъзан жамият ва давлат манфаатларидан устун қўйиш ҳамда кўплаб кўзга ташланмайдиган бошқа майда-чуйда камчиликлар жамият, Ватан тараққиёти учун анча хавфлидир.

Тараққий этишни истаган жамият нафақат алоҳида инсонни, шунингдек, бутун миллатни тарбиялаб боришни унутмаслиги зарур. Ҳақиқий ватанпарвар бўлганлиги ҳеч қандай шубҳа уйғотмайдиган жадидларнинг илғорлари миллат тарбияси, унинг эътиқодини юксалтириш, илм олиши, янги юксак ғояларга, идеалларга ихлос қилиши, интилиши, эрк ва озодликка ишқ қўйиши тўғрисида қайғурганлар. Улар фақат янги усулдаги мактаблар ташкил этиш, таълимни ислоҳ қилиш билан чекланмаган. Улар халқни уйғотишга, юксалтиришга,

янгича фикрлашга ўргатадиган, янгича ахлоқий ва эстетик меъёрларни халқ онгига сингдиришга, эскича қолоқ қарашлардан, камчиликлардан қутилишга ёрдам берадиган миллий матбуотга, театрга, драматургияга, публицистикага, адабиётнинг янги жанрлари – замонавий роман, қисса, бармоқ вазнида ёзиладиган шеърятга асос солдилар. Улар мустамлакачилик шароитида таълимни тарбияловчи таълимга айлантиришга уриндилар. Бехбудий, Фитрат, Мунавварқори, Абдулла Қодирий, Чўлпон ва бошқа кўплаб атоқли жадиждлар ижоди ва фаолияти бунинг исботидир. Абдулла Авлонийнинг «Тарбия биз учун ё ҳаёт, ё мамот...» сўзларидан бошланувчи фикри жадиждларнинг ушбу масалага бўлган муносабатининг ёрқин ифодасидир.

Тарбия эса фақатгина янги хислатларни шакллантириб қолмасдан, қолоқ иллатлардан, камчиликлардан халос бўлиш мақсадини ҳам кўзламоғи лозим. Лекин миллат тарбияси осон иш эмас. Энг аввало, миллат тарбияси тушунчаси мазмунини ва методологиясини аниқлаб олиш керак. Акс ҳолда демоғогия, сафсатабозлик, насиҳатбозлик, ёки одамларнинг «миясини ювиш», ҳар қандай оригинал ва кескин ифодаланган фикрдан чўчиш, ички цензорни ва ижтимоий кўрқувни тиклаш, бошқача фикрлайдиганларнинг овозини бўғишга интилиш яна тирилганини сезмай қоламиз. Миллат тарбияси баҳонасида тасвирий санъатни сиёсий ва ижтимоий плакатлар даражасига, бадиий адабиётни тарғибот ва дидактик пандномалар даражасига туширмаслик, ижодкорларга фалон мавзуда асар яратишни тавсия қилмаслик керак. Шундоқ ҳам тез-тез замонамиз қаҳрамони образини яратишга даъватлар қулоққа чалиниб туради. Бу, аслида, социалистик реализмдан қолган иллатдир.

Миллат тарбияси ватанпарварликни мустаҳкамлашнинг, миллий ғояни амалга ошириб, юксак марраларни эгаллашнинг муҳим шартини ва воситасидир. Миллат раҳнамолари, зиёлилари, ёшлари мамлакат аҳволини юксак идеаллар билан таққослаб идрок этсаларгина, унинг келажагини уларга мослаб яратишга ҳаракат қилсаларгина, ватанпарварлик самара берадиган эътиқод даражасига кўтарилади. Биз миллий маънавияти-

мизни юксалтирмоқчи эканмиз, эътиқод масалаларига жиддий эътибор бермоғимиз, таълим-тарбия жараёнида унинг унсурлари ва таркибий қисмлари уйғун шаклланишига эришмоғимиз лозим. Юқорида ватанпарварликни тўғри тушуниш ва тарбиялашнинг эътиқод билан боғлиқ жиҳатлари тўғрисида умумий тарзда фикр юритилди. Бурч, виждон, ҳалоллик, эзгулик, гўзаллик, адолат, тенг ҳуқуқийлик ва бошқа барча муҳим ахлоқий, эстетик, ҳуқуқий, сиёсий тушунчалар, категорияларни, умуман, ижтимоий ва маънавий юксалишни эътиқод билан боғлиқлик томонларини таҳлил қилиш мумкин ва жоиз.

7.5. Ирода маънавиятнинг мавжудлик шакли сифатида

Ирода тушунчасининг мазмуни. Юқорида ироданинг маънавият тузилмасига кириши қайд этилган эди. Унинг баъзи бир хусусиятлари, унга рационализм билан бир қаторда иррационализм хослиги айтиб ўтилган эди. Ироданинг мазмунини тўлароқ очиш учун, яна баъзи бир кўшимчалар қилиш лозим.

Ирода, аввало, инсоннинг муайян мақсад танлай билиши ва унга эришиши учун ўзида кераклигича ички куч ҳамда ташқи имкон топа олиши қобилиятидир. Ирода ақлдан ва ҳиссиётдан шуниси билан фарқ қиладики, унинг учун мақсадга нисбатан «мен хоҳлайман» қабалидаги кечинмалар эмас, балки «керак», «шундай қилишим шарт» сингари муносабат хос. Шу боис у ҳар доим ҳам онгли, мақсадга мувофиқ, рационал ҳаракат шаклида намоён бўлмайди. У баъзан ор-номус, ғурур, бурч, виждон эҳтирослари таъсирида иррационал хулқ-атвор кўринишида юзага чиқиши мумкин.

Ирода моҳияти ва ҳодисасининг жуда мураккаблиги ва зиддиятлиги туфайли айрим ҳолларда уни «сабаб-оқибат» боғлиқлигида – детерминизм асосида идрок этиш қийин кечади. Фалсафа тарихида иродага нисбатан бир-бирини мутлақо инкор қилувчи қарама-қарши ёндашувлар, фикрлар ва хулосалар кўп билдирилган. Айниқса, ирода эркинлиги тўғрисида. Лекин уларнинг деярли барчаси иродани маънавият унсури,

Артур Шопенхауэр (1788–1860) ва унинг издошлари эса борлиқнинг, бутун олам жараёнининг, айниқса, инсон фаолиятининг бирламчи асоси, деб ҳисоблаганлар. Шопенхауэрга биноан, дунё, борлиқ ироданинг юзага чиқиши, воқе бўлишидир. Шопенхауэрнинг асосий асари «Олам ирода ва тасаввур сифатида» деб аталади. Муаллиф уни чорак аср давомида яратган. Шопенхауэр фикрича, билиш жараёнида унинг объекти (олам, воқелик) ва субъекти (инсон) бир фурсатда ўзаро бирлашади, турли нисбатда улар ўртасида муштараклик, муайян нисбатдаги бус-бутунлик юзага келади. Мазкур бирлашиш натижасида инсон онгидаги «тасаввур» сифатида олам ҳосил бўлади. Англамаган, ўз ҳолича олинган олам кўр, аниқ асоси йўқ «яшашга интилиш иродаси»дир. Олам, Шопенхауэр фикрига кўра, ўз мақсад-муддаоси бўлган ҳодисаларнинг чексиз ададларига майдаланади. Бундай ҳолни у объективлашиш (объективация) деб атайди. Объективлашиш деганда, мутафаккир воқеликнинг барча унсури, бўлаги, парчасининг ўзига хос мустақил мақсад-муддаоси, манфаати борлигини, у бизнинг онгимизга боғлиқ эмаслигини назарда тутаяди. Ҳар бир объективация мутлақ хукмронликка интилади. Ушбу интилиш «барчанинг барчага қарши уруши»ни келтириб чиқаради.

Инсон – ирода объективлашувининг олий поғонаси бўлиб, ақл ёрдамида оламини билиш қобилиятига эга. Инсон ўзини яшашга интилиш иродаси билан биргаликда тўлиқ англайди. Шу боис унинг назарида бошқа индивидлар мавжудлиги ўз шахсининг бор-йўқлигига боғлиқ. Бундай тасаввур инсонни ҳаддан ташқари худбин шахсга айлантиради. Давлат (ижтимоий ташкилот) худбинликни йўқ қилолмайди. Чунки давлат ўзаро мувозанатга келтирилган хусусий иродалар тизимидир. Фақат санъат ва ахлоқдагина худбинлик қистовлари енгиб ўтилади. Аввалги мавзуларда биз Ҳегел ва тасаввуф мутафаккирларининг қарашлари тўғрисида гапирганда, улар Платоннинг абадий ғоялар ва Плотиннинг эманация назариясига бориб тақалишини таъкидлаган эдик. Фақат Ҳегелда эманация манбаи, бу – Мутлақ гоё, Олам Ақли, Олам Руҳи – Мутлақ Рух, тасаввуфда – Оллоҳ. Шопенхауэр қарашлари

улардан моҳиятан фарк қилмайди. Фақат атамаси бошқа: олам чексиз майдаланган иродадир. Ирода, шундай қилиб, оламни ташкил этувчи, яратувчи ва ҳаракатлантирувчи, бошқарувчи кучдир.

Ҳегел даврида ҳали инсон ақл-заковати кучига ишонч кучли эди. Илмий техника ютуқлари ва саноат ривожланиши жараёнида ижтимоий муносабатлар, ахлоқий ва ҳуқуқий онг, одамларнинг билими, умумий савияси ўсади, жамият такомиллашиб боради деган қарашлар ҳукмрон эди. Шопенҳауэр даврида ҳам бу ишонч сўнмаган эди. Шу сабабдан унинг бироз пессимистик ва мистик қарашлари файласуф тириклик пайтида жамоатчилик диққатини жалб қилмади. Лекин XIX асрнинг ўрталаридан Ғарбда рационализмга ишонч анча сусайиб қолди ва йилдан-йил камайиб бораверди. Чунки бу даврга келиб капитализмнинг камчиликлари, жамиятдаги барча муносабатлар фақат ижобий томонга ўзгармаслиги, салбий тенденциялар баъзан устун келиб, ижтимоий ларзаларга, инқилоб ва урушларга олиб келиши маълум бўлиб қолди. Ҳегел қарашлари изчил рационализмга таянгани учун унинг Мутлақ ғояси (Мутлақ Рухи) моҳиятан мистик бўлса-да, бу мистиклик унча кўзга ташланмайди. Ҳегел мулоҳазаларида рационал тафаккур, диалектик мантик устунлик қилади.

Шопенҳауэр қарашларида эса мистицизм яққол сезилади. Бунга юқорида келтирилган ироданинг сонсаноксиз майдаланиб кетиши ва объективация тўғрисидаги фикрларидан ҳам ишонч ҳосил қилиш мумкин. Ироданинг ўзи қандайдир мистик, ғайритабиий куч, ҳам табиий-моддий, ҳам ижтимоий-ғоявий (маънавий) ҳодиса сифатида талқин қилинади. XIX аср 70-йилларидан бошлаб Шопенҳауэр қарашлари машҳур бўлиб кетди, зиёлилар, олимлар, адиблар орасида Шопенҳауэр издошлари пайдо бўлди. Қизиғи шундаки, уларнинг айримлари эътиқодий масалаларда Шопенҳауэрга нисбатан тамомила ўзгача позицияда турганига қарамасдан, унинг ирода, «яшашга интилиш иродаси», «ҳукмронликка интилиш иродаси» каби ғоялари ва мулоҳазаларидан анчасини қабул қилиб, ривожлантиришди. Немис адиби ва файласуфи Фридрих Ницше шулардан биридир. Лекин иродани

мистиклаштириш ҳам, вульгарлаштириш ҳам хато. Унга, аввалдан қандайдир хусусият бағишламасдан, холис илмий ёндашмоқ керак.

Ирода инсоннинг ўз олдига мақсад қўйиши ва унга интилиши, мақсадига эришиш учун усул ва воситаларни эркин танлай олиши сифатида инсоннинг асл табиатини ташкил этувчи белгиларидан биридир. Ҳайвонот дунёсида ирода йўқ. Чунки ҳеч бир ҳайвон ўз олдига онгли равишда мақсад қўя олмайди. У эркин танлаш имкониятига эга эмас. У инстинктларига, ҳайвоний табиатига бўйсунди. У инсонга нисбатан жисмонан кучли, оғриққа, қийинчиликка, очлик ва ташналикка чидамлироқ бўлиши мумкин. Аммо оғриққа, очлик ва ташналикка, табиий қийинчиликларга чидамлилик иродани ташкил этмайди.

Иродага барқарорлик, собитлик билан бир қаторда маълум даражада эклектиклик (қоришиқлик), релятивлик (нисбийлик) хос. Унда турли қарама-қарши жиҳатлар аралашиб кетган. Ирода детерминизм (сабабоқибат қонунияти)дан ташқаридаги ҳодиса эмас. У эркин танлашдир, аммо ижтимоий тақозо этилган эркин танлашдир. Инсоннинг қабул қилаётган қарори, танлаши инжиқликдан эмас, шуни хоҳлайман – тамом-вассалом, деган муносабатдан эмас, балки мақсадга эришишнинг турли вариантларидан ўзига маъқулини, жамиятда кескин эътироз уйғотмайдиган, бошқалар билан ортиқча зиддиятлар туғдирмайдиган вариантни излашдан келиб чиқади. Тўғри, мақсадга эришиш йўлидаги хулқ-атворда, хатти-ҳаракатнинг ҳар бир унсурида доим ҳам сабабий боғлиқлик – детерминизм аниқ кўзга ташланавермайди. Баъзан кишининг хатти-ҳаракати номантиқий ва тасодифдек туюлади. Чунки у инсоннинг онги остига тааллуқли, оқилона тушунтириш қийин ёки мумкин бўлмаган руҳий ҳолати, ижтимоий майллари ёки ҳис-ҳаяжонлари, жунбушга келган туйғулари таъсирида содир бўлади.

Ҳақиқатан, баъзан киши қаҳр-ғазаб таъсирида ёки «ёмон кўрганидан» кимнидир хафа қилиб қўйиши, ҳатто жиноятга қўл уриши мумкин. Ишдаги, ўқишдаги кайфият бузилишлар, муваффақиятсизликлар аламини уйда яқинларига қўполлик қилиб оладиганлар бор.

Уларнинг бундай хулқ-атворининг ҳақиқий сабаби аслида воқеа иштирокчилари ўртасида юз берган англашилмовчилик эмас, балки ҳис-ҳаяжон ва онг остида тўпланиб қолган норозилик, алам ва қаҳр-ғазабнинг юзага портлаб чиқиши оқибатидир. Онгостида тўпланиб қолган салбий ҳис-ҳаяжон, агар турли йўллар билан ташқарига чиқиб кетмаса, инсон улардан халос бўлиб олмаса, асаб касаллигига дучор бўлиши мумкин. 3.Фрейд хаттоки туш кўришни ана шундай салбий ҳистуйғулардан халос бўлиш йўли деб ҳисоблайди. Сабабсиз кечадиган жараён, сабабият йўқлиги индетерминизм дейилади. Аммо чуқурроқ таҳлил этилса, «сабаб» бор, фақат баъзан у ижтимоий мазмундаги эмас, балки психологик мазмундаги сабабдир.

Иродадаги иррационал ва индетерминистик жиҳатларни ортикча баҳолаб юбормаслик керак. Алоҳида олинган шахс хатти-ҳаракатида психологик-эмоционал жиҳат баъзан устун келиб, ҳаракатнинг ўзи иррационал ва индетерминистик мазмун касб этса-да, жамият миқёсида ирода ахлоқ ва ҳуқуқ воситасида анча изчил рационалистик ва детерминистик талқинга эга бўлади ва ўзига хос тарзда моддийлашади.

Мақсад танлаш ва унга эришиш билан боғлиқ фаолият сифатида ирода ахлоқ ва ҳуқуқнинг асосида ётади. Аммо ахлоқ ва ҳуқуқ ирода унсури эмас, балки уни билвосита рўёбга чиқарувчи, ойдинлаштирувчи, ўз меъёрлари таъсири билан бойитувчи мустақил ижтимоий институтлардир. Ирода эса мутлақо ижтимоий институт эмас.

Ирода ва онг. Ирода унсурлари. Қадимги антик даврда ирода деганда, инсон ақли ва ҳиссий кечинмаларига мансуб идеал ҳодисанинг амалий хулқ-атвор ва ҳаракатга айланиш жараёни тушунилган. Шу сабабдан ирода этика (ахлоқшунослик) фанининг предмети ҳисобланган. Ирода маънавият негизини ташкил этувчи онгнинг ўзига хос таркибий қисмидир. Маънавиятнинг кўп томонлари, жумладан, эътиқод билан у чамбарчас боғлиқ. Онгсиз ирода умуман вужудга келмайди. Ирода ўз олдига муайян мақсад кўйиш, турли вариантлардан, усуллардан, йўллардан ўзига маъқулини танлаш экан, ироданинг негизида онг, таҳлил, мулоҳаза, хулоса – тафаккур ётади. Эътиқодсиз

ирода ички қатъият жихатдан заиф, стихияли ва иррационализмга кўпроқ мойил бўлади. Эътиқоди заиф киши қатъий хулосага келолмайди, иккиланади, ўз қарашларини тез-тез ўзгартиради ёки қарор қабул қилишда қийналиб, масалани ўзибўларчилиқка ташлаб кўяди. Аммо баъзан ўта чалқаш, мураккаб вазиятда эътиқоди мустаҳкам киши ҳам бирор қарорга келолмасдан анча қийналиши, иккиланиши мумкин. Ҳаётнинг қийин муаммолари тўғрисидаги иккиланишларни «тутуриғи» йўқ кишининг иккиланишларидан фарқлаш лозим.

Ўз навбатида, *иродасиз онг тўлиқ яхлит тизим бўлолмайди, у нофаол инъикос даражасида қолиб кетади, эътиқод эса шаклланмайди.* Иродасиз онг оламни, воқелиқни пассив (нофаол) акс эттиради. Инсон теварак-атрофидаги ҳамма нарсани кўриб-билиб туриши мумкин, лекин уларни муносиб баҳолай олмайди, ўзининг қатъий нуқтаи назарига эга бўлмагани учун, теварак-атрофдаги воқеалар, муаммолар ва улар ечими тўғрисида узил-кесил фикрга кела олмайди. Унинг ўз фикри йўқ. Бундай кишилар бунёдкорлик салоҳиятидан маҳрум. Бошқаларнинг кўрсатмасига, ортидан эргаштиришига муҳтож. Иродаси бўш кишилар шу сабабдан бошқаларнинг таъсирига тез тушади, ҳар хил фирибгарлар, қаллоблар тузоғига илинади. Фирибгарлар нафақат иродаси бўш кишиларни, шунингдек, кўнгли тоза, ишонувчан кишиларни ҳам алдаб кетиши мумкин. Бундай ҳолларни чалқаштирмаслик керак. Демак, иродасиз маънавият шаклланмайди ёки аниқ тизимни ташкил этмайдиган жуда жўн тушунчалар ва меъёрлар йиғиндиси бўлиб қолади.

Ирода эркин танланган мақсадни амалга оширишда зоҳиран воқе бўлади, юзага чиқади. Бу жараёнда инсон (миллат) вазият талаб қилса, нималардандир воз кечади, нималарнидир қурбон қилади, маслагини ҳимоя айлаб, вазиятни енгишга ҳаракат қилади, йўқотишларга, оғир синовларга дош беради. Қатъият, бардош, сабр-қаноат, йўлдан тоймай, ортга қайтмай мақсадга интилиш, имкон излаш, масаланинг янги ечимини топишга ўз ақлини, ҳиссиётини, кучини сафарбар этиш, муваффақиятсизликлардан чўчимаслик, ютуқлардан эсанкирамаслик – иродани ташкил этувчи унсурлардир. Ирода, булардан ташқари, ғурур,

ор-номус, фидойилик, қахрамонлик, жасурлик, мардлик, матонат, таваккалчилик ёки кўрқув каби тушунчалар ва меъёрлар билан узвий боғлиқ. Биз бу тушунчаларнинг ҳар бирини ва улар онг билан боғлиқлигини таҳлил қилиб ўтирмаймиз. Мумтоз мутафаккирлар бу ҳақда кўп доно фикрларни билдириб кетган. Биз фақат В. Шекспир ва Рене Декартнинг иродага оид фикрларини келтириш билан чекланамиз: «Кўрқоқлик шунинг учун ҳам ғоятда зарарлики, у иродани фойдали ишдан четга тортади», дейди Декарт. Бошқача айтганда, иродани фалаж қилиб қўяди. Инсонни мақсаддан воз кечишга ундайди. «Қатъий ирода етишмайдиган одамда ақл ҳам етишмайди» – уқтиради Шекспир. Чунки у объектив шарт-шароит нимани талаб қилаётганини билмайди ёки билса-да, амал қилмайди, тескари иш тутади.

Ирода маънавиятга барқарорлик, ўзини муҳофаза қила олиш, ривожланиш, такомиллашиш, яъни яшовчанлик ва самарадорлик хусусиятларини бағишлайди. Инсоннинг ўзига хос характери, феъл-атворини танлаган мақсадлари белгилайди. Ҳегел тўғри таъкидлаганидек: «Бир жиҳатдан, моҳият-эътибори билан ўз олдига мазмундор мақсад қўйиб, иккинчи бир томондан, шу мақсадга қаттиқ амал қилган одам чинакам характерли инсондир, чунки у шу мақсадлардан воз кечса, унинг ўзига хослиги йўқолган бўлур эди»¹. Қийинчиликлардан чўчимайдиган, меҳнатдан қочмайдиган одам ўз олдига мазмундор, юксак мақсадларни қўяди. Дангаса, ҳатто анча истеъдодли бўлса-да, қийинчиликлар ва изланишлардан чўчийди, амалда осон эришиладиган мақсадларни танлайди. У ҳаётга тезроқ мослашиши, ишларни пухта бажариб, барқарор турмуш кечириши мумкин. Лекин қобилиятига қарамасдан, юксалмайди, бошқалар қаторидаги оддий одамларга айланади. Ф. Шиллер таъбири билан айтганда, мақсади улуғлашган сари, одам ҳам улуғлашиб боради. Юксак мақсадни танлаш, унга ҳалол йўл ва воситалар танлаб интилиш инсонни олижаноб фазилатлар билан бойи-

¹ Иқтибос Вл. Воронцовнинг «Тафаккур гулшани» китоби бўйича келтирилмоқда (129-б.). Юқорида ва қуйида манбаси кўрсатилмаган иқтибослар ҳам шу китобдан олинди.

тади. Мумтоз мутафаккирлар ва замонавий алломалар нотўғри, ноҳалол воситаларни оқловчи мақсад ҳеч қачон юксак мақсад бўлмаслигини таъкидлаганлар. Эришиш учун нопок, ноҳалол йўлни талаб этадиган мақсаднинг ўзи ҳам тубандир.

Маънавий юксалишнинг асосий мақсадларидан бири эркинликдир, яъни эркин инсон ва эркин жамиятдир. Эркинлик озодлик ва мустақиллик тушунчаларига нисбатан кенгроқ мазмунда қўлланилади. Озодлик деганда, биз ижтимоий ёки маиший қарамликнинг қандайдир кўринишларидан (сиёсий қарамлик, иқтисодий қарамлик, фуқаролик ҳуқуқларидан маҳрум этилиши, урушда, жангда асир тушиши ва ҳ.к.), қандайдир йирик ёки майда муаммолардан, иллат ва қусурлардан қутилишни тушунамиз. Мустақиллик деганида, кўпроқ давлат мустақиллигини, ёки маиший мазмунда боланинг балоғатга етишини, уй-рўзғор ва турмушини мустақил ташкил этишини ва ўхшаш турмуш ҳолатларини назарда тутамиз. Мустамлакачилик тушунчасини кўпроқ давлатларнинг, халқларнинг ўзаро муносабатларини баҳолаш, бир мамлакатнинг иккинчи мамлакатга қарамлигини ифодалаш учун қўллаймиз.

Эркинлик озодлик ва мустақиллик тушунчасига нисбатан анча кенг ва теранроқ. Миллий мустақиллик миллатнинг ўз тақдирини ўзи ҳал қилиш ҳуқуқини қўлга кiritганини, ички сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ҳаётини ва халқаро муносабатларини ҳеч бир давлатга қарам бўлмасдан, ўзи белгилашини билдиради. Лекин мустақил ривожланиш сиёсати тўғри ёки хато олиб борилиши мумкин. Мустақил сиёсат юритиш ижтимоий заруратни чуқур ва тўғри англаб олиш дегани эмас. Миллий мустақилликка эришган кўплаб Осиё ва Африка мамлакатларида қашшоқлик ва ички нотинчлик кузатилмоқда, эркинлик ва демократия ҳалигача жуда оқсоқ.

Эркинлик озодлик, мустақилликка қўшимча равишда яна шахс ва миллат ўз объектив эҳтиёжларини, давр, шарт-шароит тақозосини, бугунги кун ва келажак талабларини, жамиятнинг ривожланиш, янгилаш тенденцияларини тўғри англаб олиб барча саъй-ҳаракатларини, амалий бунёдкорлик ишларини уларга монанд қуришни билдиради. Нотўғри англаган зарурат ҳақиқий эркин-

ликка олиб келмайди. Балки инсон (жамият) ўз хатосининг тутқинига айланади. *Эркинлик ўзбошимчалик эмас, билганимни, истаганимни қиламан дегани эмас. У заруратни англаш ва унга мувофиқ ҳаракат қилиш сифатида масъулликдир.* Кундалик онг тушунчаларида содда қилиб айтилса, инсон жамиятдаги тартиб-қоидаларни, талабларни, қонунларни тўғри тушуниб, уларга қанчалик риоя этса, шунча эркин яшайди, бошқа одамлар, оила, маҳалла-қўй, давлат унга босим ўтказмайди, эътироз билдирмайди. Тартиб-қоидаларни, қонунларни бузса, эркинлигидан у ёки бу даражада ажралади.

Масалага чуқурроқ ёндашилса, эркинлик – бу жамият ва унинг келажаги олдидаги масъулиятдир. Шу сабабдан айрим ҳолларда ақл-заковати кучли, иродали шахслар жамият келажагини ўйлаб, баъзи бир тартиб-қоидаларга қарши чиқадилар, тинч-осойишта, хузур-ҳаловатли турмушини хавф-хатарга қўяди, қийинчиликларга дуч келади. Ташқи жиҳатдан бундай шахслар қийинчилик ва муаммолар қуршовига тушса-да, ички жиҳатдан маънавий эркин шахс бўлиб қолаверадилар.

Эркинлик онгли танлашда, онгли фаолиятда, масъулиятда намоён бўлар экан, у ирода билан узвий, диалектик бирликни ташкил этади. *Ирода онгли танланган мақсад сари ўз фаолиятини йўналтириш, муайян воситалар ва усулларни белгилаш сифатида эркинликнинг «моддийлашуви», воқелигидир.* Эркинлик эса ироданинг моҳияти, ички салоҳияти, ҳаётбахш кучи ва ташқи олий мўлжалидир. Маънавият эркинликка ирода орқали ва унинг воситасида интилади. Юқоридагилардан маънавиятнинг таркибий қисми сифатидаги ироданинг аҳамияти ойдинлашади..

Ирода ва миллий тараққиёт. Маънавиятнинг барча таркибий қисмларига, унсурларига ироданинг таъсири катта, аммо, табиийки, бир хил эмас. Бугунги кунда маънавиятнинг етакчи ва жуда динамик, ҳаракатчан тизимларидан бири – миллий ғоя ва Ўзбекистон мустақил тараққиёти назарияси шаклланишига, ҳаётга татбиқ этилишига унинг таъсири кучлидир.

Иродаси бўш халқ туб манфаатларини юзага чиқаришда, ҳатто уларни тўла ва теран англаб олишда

кийналиб қолади. Ўзлигини яхши англай олмаган халқ эса миллий ғоясини ифодамайди. Оқибатда, унинг маънавий ҳаётига ички муштараклик ва умумий мақсадга интилиш етишмайди. Чунки маънавий ҳаётга муштараклик ва умумий мақсадни миллий ғоя беради.

Таъкидлаш лозимки, бу муштараклик социализм давридагидек казармача бирхиллик эмас, балки ранг-барангликлар, хилма-хилликлар бирлигидир, ғоялар, идеаллар, фикрлар ва ҳаракатлар плюрализмининг ичдан ўзаро маҳкам боғланган ягона тизимга айланишидир. Бундай тизимда унинг таркибий унсурлари, алоҳида қаралганда, мухторий (автоном) ва нисбатан мустақил характерга эга, аммо биргаликда олинганда, юқорироқ даражадаги муштаракликни, динамик мувозанатни ташкил қилади. Мисол тариқасида демократия ривожланган мамлакатлар парламенти олиш мумкин. Улар ўз партиялари дастурларига амал қилувчи турли депутатлар фракцияларидан иборат. Аммо парламент халқ ва мамлакатнинг умумий манфаатларини ифодалайди, айти пайтда ҳар бир ижтимоий гуруҳ ва қатламлар манфаатларини ҳисобга олишга интилади. Депутатлар фракциялари кўриладиган масалалар бўйича қанчалик баҳслашмасин, охирида келишувга (консенсусга) эришади. Бу мақсадда улар бир-бирига маълум даражада ён босади. Кўпчиликни қаноатлантирадиган таклифларни биргаликда ишлаб чиқиб, тегишли қарор қабул қилади. Акс ҳолда бутун парламент тарқатиб юборилади ва қайта сайланади.

Давлат ҳокимияти уч тармоғи бир-биридан мустақил. Парламент фракцияларини, давлат ҳокимияти тармоқларини миллий ғоя ёки миллий манфаатларга хизмат қилиш бирлаштиради. Уларнинг ўзаро муносабатлари қонун орқали тартибга солинади. Шундай қилиб, демократик мамлакатлар парламенти хилма-хил сиёсий қарашларни, мафкураларни, сиёсий манфаатларни ифодалайди, аммо, айти пайтда, умумий манфаатлар асосида муштарак миллий ҳокимият тармоғини ташкил этади. Бунда миллат иродасининг бирлиги юзга чиқади. Агар сиёсий партиялар фракциялари ўзаро келиша олмаса, парламент инкирози узлуксиз давом этади ва мамлакат яхлитлиги хавф остида қолади. Бун-

дай ҳолларда маҳаллий ёки корпоратив ирода миллий иродадан устунлик қилади. Парламентнинг хилма-хилликлар бирлиги, муштараклиги миллий манфаатларни, ижтимоий заруратни теран англашга ва унинг асосида ҳаракат қилишга, яъни миллий иродага боғлиқ. Жамиятнинг демократлашиши ва фуқаролик институтларининг самараси ҳам фақат қонунчилик базаси мустаҳкамлигига, аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигига боғлиқ эмас. У, шунингдек, инсоннинг, миллатнинг ўз манфаатларини, ҳуқуқларини амалга оширишга қаратилган иродасига ҳам боғлиқ. Ўз ҳақ-ҳуқуқларини талаб қилолмайдиган, қийинчиликларни ва ўз камчиликларини, маҳаллийчилик, айирмачилик иллатларини бартараф этишга куч тополмайдиган жамиятда демократия яхши ривожланмайди, чала бўлиб қолаверади.

Миллий ирода мустақилликка эришишдан ташқари, эркин ва муносиб тараққиётни таъминлаш, миллатнинг олий, стратегик мақсадлари ва жорий орзу-истакларини, миллий ғояни амалга ошириш учун зарур. Ўз навбатида, миллий ғоя халқ иродаси чиникишига, кучайишига хизмат қилади. Унинг олий мақсадларини, мўлжалларини ва бу йўлдаги ҳаракат алгоритмини аниқлаб беради. Халқ олий мақсадларига эришиш йўлида янада мустаҳкамроқ жипслашади, ўз куч-ғайратини, ақл-заковатини сафарбар этади, яхши ташаббусларни қўллаб-қувватлайди ва ривожлантиради. Тўғри йўналтирилган ирода ўзидаги яратувчилик кучини юзага чиқаради. Миллий ғоя орқали ирода халқнинг маънавий илдизлари, асрий маданий мероси ва замонавий кадриятлари, умуминсоний кадриятлар билан янада мустаҳкамроқ туташади. Натижада, унинг ижодкорлик, яратувчанлик салоҳияти, амалий самарадорлиги янада ошади.

Маънавият туфайли ирода мазмунан ватанпарварлик касб этади, сохта ғояларга учмайди ва ғайриинсоний мақсадлар йўлига адашиб кириб кетмайди. Маънавиятнинг асл моҳиятидан ажралиб қолган ирода эса бундай хавфдан холи бўлмайди. Чунки иродага хос маълум даражадаги иррационализм, қатъият, ҳар қандай тўсиқни енгиб, мақсад сари интилиш, агар маънавий мезонлар унутилса, восита танлашда адашиб кетишга олиб кели-

ши мумкин. Бу эса иродани бунёдкор кучдан вайронкор кучга айлантиради. Мақсад воситани ҳар доим ҳам оқламаслигини иродага маънавиятнинг инсонпарварлик меъёрлари эслатиб туради.

Хулоса қилиб айтганда, иродасиз маънавият кемтик, нотугал ва амалий жиҳатдан заифдир. Маънавиятсиз ирода эса стихияли, кўр-басир, зиддиятли ва хавфли ижтимоий энергия, куч даражасида қолиб кетади. Унинг яратувчилик салоҳияти паст бўлади. Фақат ижобий мақсадга йўналтирилган ирода унумли натижаларга олиб келади.

Самарали ирода шахс ва жамият яратувчилигини, фаоллигини юзага чиқарувчи омилдир. Иродасиз инсон на ўзини, на жамиятни ўзгартира олади. Шопенхауэр таъбирини бироз ўзгартириб, инсон ва ижтимоий воқелик ирода маҳсулидир, ироданинг предметлашган шаклидир, десак унчалик хато қилмаймиз.

Авторитар, қарам ҳамда демократик, либерал ирода. Шахс иродаси мазмунан авторитарлик ёки демократик, қарамлик ёки либераллик касб этиши мумкин. Авторитар ирода икки йўналишда таҳлил этилиши лозим. Биринчидан, авторитар шахснинг хулқ-атвори, ижтимоий ва сиёсий фаолияти, ўз масъулиятини тушуниш даражаси сифатида. Иккинчидан, ижрочининг авторитар шахс қарорларини эътиқод билан бажарувчи, унга ихтиёрий бўйсунувчи қарам шахснинг иродаси сифатида. Қарам шахслар ҳар доим ҳам бўш-баёв кишилар бўлмаган. Улар орасида қатъиятли, ташкилотчилик қобилиятлари ва ақл-заковати кучли кишилар кўп учрайди. Масалан, Сталин ва Гитлернинг яқин сафдошлари шундай кишилар сирасига киради. Бундан ташқари, оддий авом халқ доҳий ва унинг сафдошлари фикрини ва қарашларини нотанқидий, тўғри ва ҳаққоний деб қабул қилишда, «амри подшо вожиб» ёки тепангга келтириб таёқни кўйиб, «сенинг бошлиғинг десалар, таёққа бўйсунгин» каби нақллар авторитар ироданинг авом онгида ва хулқида юзага чиқишига мисолдир. Авторитар ирода фақат авторитар шахс иродасининг эмас, шунингдек, унга буйсунувчилар иродасининг ҳам хусусиятидир. Яъни у муайян муносабатлар қатнашчилари учун ўзига хос хулқ-атвор парадигмаси, қоидасидир.

Авторитарлик ўз қарорини, фикрини бошқаларникидан устун қўйиб, бошқалар фикри ва хоҳиши билан, баъзан ҳатто объектив вазият билан ҳисоблашмаслик, ўз қарорини бошқаларга мажбурлаб ўтказишдир. Бундай авторитар иродали шахслар волонтаристлар дейилади. Улар ҳамма жамиятларда учрайди, аммо нодемократик ва тоталитар жамиятларда кўпроқ етишиб чиқади. Чунки жамиятдаги тартиб-қоида ва аксарият кишилар иродаси шунга мос келади. Авторитар ирода фақат чекланган маълум даражадагина инсоннинг табиий мойилликлари таъсирида шаклланади. У асосан тарбиянинг ва жамиятдаги баъзи бир шарт-шароитларнинг маҳсулидир. Қийин, оғир вазиятларда ўзини йўқотиб қўймасдан, бошқаларни ортидан эргаштира оладиган, бундай вақтларда одамларга фойдаси тегиб, катта обрў орттирган, жамоанинг, сафдошларининг етакчисига айланган кишилар аста-секин авторитар шахсларга айланиши мумкин. Бунда уларнинг мардлиги, матонати, ақл-заковати, ташкилотчилиги, қатъияти катта роль ўйнайди. Одамлар унга ихтиёрий равишда бўйсунди, фикри ва таклифларига, талабларига эътироз билдирмайди. Ушбу ҳолат қоидага айланиб, одамлар бундай шахснинг нотўғри фикри ва талабларига ҳам қаршилиқ қилмай қўйиб, қўллаб-қувватлай бошласа, бундай шахснинг авторитар иродаси жамият ривожланишига тўсиқ бўлиб қолади.

Демократик ва либерал ирода қонунга риоя этиш, адолат кучли бўлган, одамлар ўртасида ўзаро ишонч юқори, муҳим масалалар маслаҳат ёрдамида ҳал қилинадиган шароитда шаклланади. Адолатсиз, обрўли шахснинг хоҳишистаги, кўрсатмаси, илтимоси қонундан устун қўйиладиган жамиятда шаклланган авторитар ирода ўта зиддиятлидир. Бир томондан, у ўзидан юқорироқ мансабдаги ёки мартабадаги шахс иродасига қарам, унга тўлиқ бўйсунди, эътироз билдира олмайди. Иккинчи томондан, у ўзидан қуйи турадиган шахс иродаси билан, зарур топса, мутлақо ҳисоблашмайди. Авторитар ирода эгаси қатъиятли, ақл-заковати юксак, моҳир ташкилотчи, ғурури, ор-номуси, адолат туйғуси кучли шахс бўлиши мумкин. Лекин у жамиятдаги мавжуд қоидаларни бирёқлама қабул қилади, адолатни бирёқлама тушунади, улар асосида яшайди ва фаолият кўрсатади. У умумий ёки ўз шахсий манфаати йў-

лида бошқа кишилар манфаати билан ҳисоблашмаслиги, бирёқлама тушунадиган адолати учун кимгадир адолатсизлик қилиши ҳеч гап эмас. Шу сабабдан авторитар ирода, ўз моҳиятига кўра, демократик, либерал, эркин бўлмайди. У жамиятдаги мавжуд нотенглик зиддиятларини, қоидаларини, муносабатларини ўзида акс эттиради, улар таъсирида шаклланади.

Авторитар ирода юксак самара бермайди. Жамият ривожланишига дастлабки йилларда, айниқса, инқироз ва парокандалик ҳукм сураётган пайтда интизомни тиклаши, жиноятчиликни камайтириши, ижтимоий ишлаб чиқариш ва савдо-сотиқни тартибга келтириши билан ижобий таъсир кўрсатади. Бироқ жамият самарали ва узлуксиз юксалиши учун тартиб-интизом ва қаттиққўллик камлик қилади. Жамият ривожланиши одамларнинг ташаббускор, ижодкор бўлишини, янгиликларга интилишини, хато қилишдан чўчимасдан, доимий изланишларда бўлишини талаб қилади. Авторитар бошқарув ҳукм сураётган мамлакатда одамлар мустақил ташаббус кўрсатишдан, бирор нарсани ўзгартиб, янгилик қилишдан, айниқса, хато қилиб кўйишдан чўчиди. Аста-секин лоқайдлик, бефарқлик кучаяди. Одамлар фақат ижрочига айланиб, ижодкорликни унута бошлайди.

Ироданинг самарадорлиги шартлари. Ирода ҳар бир кишида индивидуал намоён бўлади. Айни пайтда унга шахс фаолиятининг жамият олдидаги масъуллик хусусияти таъсир кўрсатади. Масалан, раҳбар шахс ва ижодкор шахс иродалари ўртасида умумий ўхшашликлар билан бир қаторда сезиларли фарқ бор. Раҳбар шахс ташкилотчилик қобилиятига эга қатъиятли, аммо адолатли бўлиши лозим. Ижодкор шахсларнинг кўпчилигида ташкилотчилик қобилияти заиф ёки умуман бўлмаслиги мумкин. Раҳбар масъулияти фақат унинг ўз шахси, оиласи олдидаги масъулиятгина эмас, балки бошқарадиган жамоаси, ҳатто бутун жамият олдидаги масъулиятдир. У одамлар тақдири учун жавобгар. Олим, адиб ёки санъаткор масъулияти ижод қиладиган соҳаси, олга сурадиган илмий ёки бадиий ғоялари, инсонпарварлик ва эзгулик идеаллари, жамият маънавияти олдидаги жавобгарликдир. Ижодкор шахс иродаси унинг жисмоний босимларга, қийноқларга ва

қийинчиликларга бардош беришида эмас, балки ўз ижодий ғоясига содиқлигида, маънавий фидойилигида юзага чиқади. Жисмоний қийноқ инсон табиатига зид. Агар инсон жисмоний қийноққа чидашга махсус ўргатилмаган ёки рухий, психологик жиҳатдан таёрланмаган бўлса, у қийноқ остида сирини очиб қўйиши, ўз ғоясидан «воз кечиши» мумкин. Бундай кишиларни, айниқса, ижодкорларни кўрқок, иродасиз, деб баҳолаш ярамайди.

Сиёсий фаолият, курашнинг инқилобий, экстремистик йўлларини танлаган шахслар ўз тақдирлари фожеали тугаши эҳтимолдан ҳоли эмаслигини биладилар ва бунга психологик жиҳатдан тайёр турадилар. Сиёсий курашлардан йироқ олим ёки адиб психологик жиҳатдан қийноққа тайёр эмас. Унинг иродаси, юқорида таъкидланганидек, ғоясига содиқлигида, уни юзага чиқариш учун иқтисодий қийинчиликларга, сиёсий ва маънавий тазйиқларга дош бера олишда юзага чиқади, аммо жисмоний қийноқда эмас. Ушбу ҳолат Сталин даврида қатағонга учраган зиёлиларнинг бир-бирини «тортгани», «сотгани» сабабларини қисман очиб беради. Биз уларни иродаси заиф, бинобарин, маънавияти паст инсонлар, дея олмаймиз.

Шахс иродасининг самарадорлигини белгиловчи омиллар унинг фаолияти эзгуликка йўналтирилганлиги, ўзининг ҳаётга холис ва ҳаққоний ёндашишидир. Агар шахс ҳавойи, амалга ошмайдиган орзу-ҳавасларга, ғояларга муккасидан кетиб, ҳаёлпарастга айланиб қолса, унинг ақли, билими, ташкилотчилиги, елиб-югуриб, сидқидилдан қилган меҳнатлари зое кетади, самара бермайди. Ҳаётда аниқ ҳисоб-китоблар асосида чуқур ўйланган, амалий натижа берадиган тadbирлар қўлланса, самара ҳам шунга мос бўлади, Бундай ёндашув прагматизм дейилади. Прагматизм шахс иродасининг самарадорлигини белгиловчи омиллардан биридир. Лекин маънавият кўрсаткичи, мезони эмас. Чунки прагматизм ахлоқ талаблари билан яхши ҳисоблашмаса, шахс ёки бир гуруҳнинг ғаразли манфаатларига хизмат қилса, уни адолатсиз, ахлоқсиз, ёвузлик, худбинлик деб баҳолаймиз. Ва, аксинча, эзгуликка, тараққиётга хизмат қилса, ижобий баҳо берамиз. Демак, прагматизм – бу усул.

Шахс иродасини ҳам, миллат иродасини ҳам тарбиялаш ва бунёдкорликка йўналтириш зарур. Ирода,

биринчи навбатда, маънавий тарбия тизими ва меҳнат орқали чиниқтирилади. Меҳнат деганда фақат жисмоний меҳнат эмас, ақлий меҳнат ҳам тушунилади. Инсон болалигидан меҳнат қилишга, мактаб ёшида дарс тайёрлашга, китоб ўқишга, унчалик ёқмайдиган предметларни ўзини мажбурлаб бўлса-да, ўзлаштиришга ўрганиши керак. Дангасалигини, иш ёқмаслигини енгиш жараёнида боланинг иродаси чиниқади. Ёш бола учун жисмоний меҳнат ота-онасига, уй-рўзғор юмушларига қарашишдан ташқари спорт ва жисмоний тарбия билан шуғулланишдир. Бу боланинг соғлом ўсиши қаторида унга қийинчиликларни енгишни ўргатади. Ислом Каримовнинг қуйидаги фикри маънавият ва ирода муносабатини тушунишда муҳим аҳамиятга эга: «Бу ҳаётда одам баъзан ўзини йўқотиб қўядиган мураккаб муаммоларга дуч келади. Кескин вазиятдан чиқишнинг иложи йўқдек туюладиган ҳолатлар бор. Шундай пайтда, ишда ва ҳаётда, жамиятда оғир савдоларга дуч келганда ким ўзининг йўлини йўқотмаслиги мумкин? Ўйлайманки, биринчи навбатда, ўз кучига ишонган, рухий дунёси, маънавий олами бақувват бўлган одамгина бундай вазиятдан ёруғ юз билан чиқа олади. Маънавий бойлик шундай пайтда одамга катта куч ва мадад беради.

Шу маънода, инсоннинг маънавияти юксалиши билан унинг иродаси ҳам кучайиб боради, десак, янглишмаган бўламыз. Ирода – бу аслида мустаҳкам ишонч демакдир. Иродаси бақувват одам ўзига ишонади ва ҳар қандай мураккаб вазифани ҳам ўз зиммасига олишдан қўрқмайди»¹.

Иродани тарбиялаш инсонда масъулият тўйғуларини шакллантириш, боқимандаликнинг ҳар қандай кўринишидан халос бўлишни, четдан бировларнинг ҳимматини ёки осмондан мўъжиза кутмасдан, ўз кучига, билими ва ақл-заковатига таяниб иш кўришга ўргатишни билдиради. Айтилганлардан Ўзбекистонда баркамол авлодни шакллантириш ва мутараққий жамият қуришда шахс ва миллатда самарали иродани тарбиялашнинг аҳамияти аёнлашади.

¹ *Ислом Каримов*. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: «Маънавият», 2008. 122–123-бетлар.

8. ОММАВИЙ МАДАНИЯТ ВА ЗАМОНАВИЙ АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

Оммавий маданият замонавий жамиятнинг барча асосий ва характерли хусусиятларини, шу жумладан, зиддиятларини акс эттирибгина қолмай, кўп ҳолларда уларнинг ижтимоий-маданий пойдевори ва шарт-шароитини ташкил этади.

Ўзбекистоннинг мустақил тараққиёти ва жаҳон ҳам-жамиятига интеграциялашувининг йилдан-йил кучайи-ши кўплаб янги иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва мада-ний алоқаларни, шулар билан бирга янги муаммоларни вужудга келтирди. Глобаллашув суръатлари ортаётган, халқаро рақобат кучаяётган, ахборот технологиялари жадал ривожланаётган, Ғарб оммавий маданияти тез тарқалаётган ҳозирги шароитда она тилимизни, миллий менталитетимизни, маънавий хусусиятларимизни, ма-даниятимизни асраб-авайлаш, мустаҳкамлаш ва ривож-лантириш масаласи долзарблик касб этмоқда. Ғарбнинг ўзида оммавий маданиятга нисбатан ижобий баҳолашдан тортиб мутлақ қоралашгача бўлган турлича қарашлар қарор топган. Оралиқда ҳали яна қанчадан-қанча ёнда-шувларга дуч келиш мумкин.

Замонавий оммавий маданият одамлар онги билан ма-нипуляция қилиш, уни бошқаришнинг янги техник имко-ниятлари ва воситалари билан бойимоқда. Бир томон-дан, оммавий маданият гўёки мафкурадан холи, чунки у қайсидир ижтимоий гуруҳ ёки табақа, синф учун эмас, кенг омма учун мўлжалланган. Гўёки оммавий маданият иж-тимоий тенгликни тарғиб этади. Элитага хос қимматбаҳо эксклюзив кийимлар, опера, филармония, олтин ва бри-лиант тақинчоқлар, шахсий яхта ва парклар, ўта қиммат ресторанлар, ичимликлар ва ҳ.к.ни хушламайди. Жинси, кроссовка, футболка, оддий катакли кўйлак, куртка, хот-дог, пицца, йўл-йўлакай истеъмол қилинадиган овқатлар, ичимликлар, рок, поп мусиқа, эстрада ва ҳ.к. орқали ҳаммани тенглаштиради. Ҳақиқатан, оммавий маданият-га ташқи демократизм хос. Буни инкор қилиш ярамайди. Лекин оммавий маданият инсонни жамият муаммоларидан

чалғитиши, ижтимоий бефарклиги, бир ўлчовли одам-лока-торни шакллантириши, жамоатчилик фикри билан манипуляция қилишини мафкурадан холилик ва ҳақиқий демократизм, деб бўлмайди. Мафкурадан холилик ва демократизм оммавий маданиятнинг кўпроқ шаклида намоён бўлади, мазмуни анча зиддиятли, ижтимоий функциясида эса мафкурадан холилик ва демократизм баъзан ўзининг диалектик карама-қаршилигига айланади. Чунки мавжуд тизимга, мавжуд истеъмол қоидалари, иқтисодий ва сиёсий муносабатлар барқарорлигига, бошқача айтганда, ҳукмрон синфлар манфаатига хизмат қилади. Тўғри, оммавий маданиятда бир йўналиш бор – у қаршимаданият (контркультура) ёки норозилик маданияти деб аталади. Норозилик маданияти анча радикал фикрларни, жамиятни янгилашни, мавжуд тартибларни ўзгартириш зарурлиги ҳақидаги ғояларни олға суради. Аммо у оммавий маданиятдаги кичик бир йўналиш холос. Унга тизимли ижтимоий мўлжаллар ва идеаллар хос эмас. У стихияли вужудга келиб, стихияли сўниб туради. Масалан, АҚШ Вьетнамда уруш олиб борган йилларда урушга қарши қудратли қаршимаданият оқими вужудга келиб, уруш тугагандан кейин сўниб кетди.

Давр билан ҳамқадам бўлишни истаган халқларга, мамлакатларга замонавий тараққиёт танлаш учун кўп имконият қолдирмайди: энг сўнгги илмий-техника ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий қилиш, урбанизация, оммавий коммуникация воситаларини (ОКВ) ва ахборот технологияларини (ИТ) ривожлантириш, жаҳон ҳамжамиятига интеграция бўлиш. Булар эса ҳар бир халқ, мамлакат ҳаётига ўзига хос унификация қилувчи, бирхиллаштирувчи, бир қолипга туширувчи таъсир кўрсатади. Ғарб мамлакатлари ижтимоий-маданий ҳаётига, умуман маънавий дунёсига қараб, эртага бизни ҳам нималар кутаётганини маълум даражада башорат қилиш мумкин. Япония, Жанубий Корея, Гонгконг ва бошқа қатор давлатлар мисоли буни тасдиқлайди. Уларга ғарбча турмуш тарзи, ғарбча қарашлар, ғарб юксак маданияти ва кадриятлари қаторида оммавий маданияти, саёз кадриятлари, баъзи ҳолларда сохта кадриятлари ўта зиддиятли таъсир кўрсатмоқда. Бу ушбу мамлакатлар аҳолиси кагта авлодида, ўз халқи миллий мада-

ниятига бефарқ бўлмаган ижодкор зиёлиларда безовталик уйғотмоқда.

Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамияти билан алоқалари кучаяётгани ва рақамли технологияларнинг халқимиз турмушига чуқур кириб бораётгани ҳаётимизда оммавий маданиятнинг мавқеи ва нисбатининг ҳам ортиб боришига олиб келади. Интернет, ижтимоий тармоқлар, ҳар хил гажетлар (смартфон, планшет ва ш.к.) ёшлар орасида жуда кенг тарқалган ва уларни глобал ахборот макони билан боғлаб турибди. Замонавий оммавий маданиятнинг салбий жиҳатларини минималлаштириш, қулайликлари ва баъзи бир ижобий жиҳатларидан унумли фойдаланиш йўлларини ҳозирданок излашимиз керак. Ушбу масалаларни холис ва ҳар томонлама тадқиқ этиш катта илмий ва амалий аҳамиятга эга. Ғарб мамлакатларининг баъзи бир хатоларини такрорлашимиз шарт эмас. Шу сабабдан бу ерда асосан Ғарб оммавий маданияти ҳақида сўз юритамиз.

8.1. Оммавий маданият: келиб чиқиши ва шаклланиши

Ишлаб чиқариш воситалари такомиллашиб, ақлий меҳнат жисмоний меҳнатдан ажралиб чиқди. Одамларнинг турмуш тарзи, фаровонлиги, ўз маънавий ва моддий эҳтиёжларини қондириш имкониятлари ўртасида аста-секин фарқ юзага келди ва ижтимоий табақалашув юз берди. Бу жараёнда табақаларнинг ўзига хос маданиятлари вужудга келди. Ижтимоий нотенглик жамият аъзоларининг бир қисми кўлида моддий бойликлар тўпланишига олиб келди. Моддий жиҳатдан яхши таъминланган оилалар болаларини жисмоний меҳнатдан озод қилиб, уларни ўқитиш, яхши тарбия бериш, илм-фан, адабиёт ва нафис санъат асарларидан баҳраманд этиш, ақлий меҳнат ёки бошқарув ишлари билан шуғуллантириш имконига эга эди. Уларнинг диди, маънавий-маданий эҳтиёжлари камбағал, зўрға кунини ўтказадиган оилаларда ўсган саводсиз болаларникидан анча юқори эди. Улар жамиятнинг элитасини (хос кишиларини, хавосни) ташкил этди. Элитанинг маънавий-маданий эҳтиёжларини қондириш учун элитар маданият шаклланди. Бунда, биринчи галда, ақлий меҳнатнинг жисмоний меҳнатдан ажралиб чиқиши

мулкий табақаланиш билан бирга катта роль ўйнади. Аста-секин хос ва авом маданиятлари орасидаги фарқ кучайиб, ўрта асрларда Шарқда, кейинчалик Ғарбда олимлар, мутафаккирлар маданиятни иккига – элита (хос) ва омма (авом) маданиятларига бўла бошладилар.

Ғарб мумтоз фалсафасида (И.Кант, Ф.Шеллинг, И.Фихте, Ҳегел ва улардан ҳам аввал И.Гердер) биз айнан шундай ёндашувни кузатамиз. Аммо тушунчаларга мумтоз файласуфлар томонидан батафсил таъриф берилмаган, улар илмий таҳлил этилмаган. Хос – элитар маданият жамият киборлари, ўқимишли зиёлилар диди, таъби, маънавий қизиқиш ва эҳтиёжларига мўлжалланган юксак профессионал адабиёт ва санъат намуналари, олий табақаларнинг ижтимоий хулқ-атвори ва муомала-мулоқоти билан боғланган. Омма маданияти эса оддий халқнинг эҳтиёжларини қондирувчи маънавий маҳсулот ҳисобланган. Фольклор, халқ амалий-безак санъати, урф-одатлар ва анъаналар ҳам омма маданиятига киритилган. Бошқача айтганда, оммавий маданият ва халқ маданияти бир ҳодиса деб тушунилган, улар бир-биридан ажратилмаган ва қарама-қарши қўйилмаган. Авом халқ маданиятига жўн ҳодиса деб бирмунча беписанд қарашлар учраса-да, аслида умумий муносабат унчалар салбий бўлмаган.

XVII аср иккинчи ярми – XVIII асрда Европада пул-товар муносабатлари, савдо-сотик тез ривожлана бошлади. XVIII асрда саноат революцияси, энергиянинг янги тури – буғ машиналари кучидан ишлаб чиқаришда фойдаланиш жамиятни кенг кўламда индустрлаштиришга йўл очди. Ишлаб чиқариш усули, ишлаб чиқариш муносабатлари тубдан ўзгарди. Умуман барча ижтимоий муносабатлар, жамият ҳаётининг асослари ва мавжудлик шакллари янгиланиб, аста-секин тўлиқ ўзгариб кетди. Бу маданиятга ҳам тааллуқли. Маданиятнинг янги шакли пайдо бўла бошлади. У худди саноат маҳсулотлари каби стандартлашган, оммавий адабларда ишлаб чиқарилар, истеъмол товарининг ўзига хос «маданиятга оид» тури эди.

Қурилаётган завод ва фабрикаларга, саноат марказларига иш излаб турли тарафдан, кишлоқлардан кўплаб кишилар кўчиб келди. Улар қаттиқ эксплуатация қилинди.

12–14 соатлаб ишлади. Баракларда яшади. Ўз илдизларидан, ижтимоий-маданий муҳитидан, урф-одатлари, аввалги турмуш тарзи ва дўст-биродарларидан ажралиб, ҳамма нарсадан бегоналашди: Сен ишлаб чиққан маҳсулот завод эгасиники, сеники эмас. Теварак-атрофнингдаги кишилар сенга бегона, ҳатто сенга ўхшаган оддий ишчи рақобатчи. Барак ёки ижирода турадиган уй-хоналар ҳам, ишда ва турар жойда ўрнатилган тартиб, режим ҳам ёт. Сен уларни ўзгартира олмайсан, қаттиқ интизомга бўйсуннишга мажбурсан.

Завод ва фабрикаларда ишлайдиганларнинг яна бир қисми – шаҳарлик собиқ косиблар, ҳунармандлар. Улар завод ва фабрикалар билан рақобат қилолмай синиб, хонавайрон бўлиб қолган. Уларнинг аҳволи малакасиз, оғир қора ишларни бажарадиган қишлоқлик ҳамкасбларидан унчалик катта фарқ қилмайди. Бироз кўпроқ маош олади, малака талаб этиладиган ишларни бажаради. Аммо улар ўзи хоҳлагандек эркин ишлай олмайди. Иш режими ва суръатларига қатъий амал қилиши шарт. Тонгда туриб ишга келади, кеч, кунни ботириб уйга қайтади. Маҳаллакўй билан, дўст-биродарлари билан алоқа қилишга вақти йўқ. Ишга бориб келиш вақтини ва харажатларини, кучини тежаш учун завод яқинида жойлашган кўп қаватли уйлардан квартира топгани (олгани) маъқул. Шундай қилиб, шаҳарларнинг анъанавий маҳалла тизими емирила бошлади. Шаҳарлар тез ўсди ва тубдан ўзгарди. Қишлоқда бўшаб қолган ишчи кучи шаҳарларга, завод-фабрикаларга, конлар, ер ости бойликлари казиб олинадиган жойларга ёпирилиб келди. Янги шаҳарчалар, саноат марказлари вужудга келди. Аҳоли аралаш-қуралаш бўлиб кетди. Уларда яшайдиган кишиларнинг на умумий урф-одатлари, на умумий болалик ва ўтмиш хотиралари, алоқалари, на умумий кўнгилочар ўйинлари, анъаналари ва бошқа маданий-маиший маросимлари бор эди: Сени ўраб турган муҳит болалиқдан кадрдон дўстларинг, қариндош-уруғларинг, қишлоғинг, маҳалланг эмас ёки мол боқиб, балиқ тутиб, чўмилиб юрган дала-қирларинг, жилғаю кўлларинг, қарағайзор ва ўрмонларинг эмас. Ҳаммаси ёт, бировники. Заводда ҳар бир ҳаракатингни кузатиб, баҳолаб турганлар учун сен ёлланма ишчи ку-

чисан. Бошингга кулфат тушиб, бахтсиз ходиса рўй берса, бирортасининг ёрдамга келиши даргумон. Аксинча, кўчага ҳайдаб юборадилар. Аламларингни тўкиб-солиб, кўнглингни бўшатиб оладиган ҳамдардинг йўқ.

Шаҳарлардаги касб-хунарга ихтисослашган анъанавий маҳаллаларга эҳтиёж йўқолди. Улар ўрнида аҳолиси касбий жиҳатдан ранг-баранг кўп қаватли турар жойлар, ишчи кварталлар қад кўтарди. Энди кўп қаватли уйдаги квартирангда аввалгидек яшай олмайсан: нон ёлай десанг – тандиринг, товук ё ўрдак боқай, мол сақлай десанг – жойинг йўқ. Энди ҳамма нарсани тайёр ҳолда сотиб оласан. Энди сен истеъмолчисан, вассалом. Завод-фабрика ишчиси умумий тартибга, меҳнат интизомига бўйсунушга мажбур. Унинг меҳнати моҳиятан ҳам, ташкиллашиши, амалга оширилиши жиҳатдан ҳам эркин эмас. У меҳнати натижасидан бегоналаштирилган, ишлаб чиқариш маҳсулоти унга эмас, фабрика эгасига тегишли. Ҳунарманд ишлаб чиққан буюм унинг мулки эди. Ҳунарманд ўз иш вақтини ўзи белгилар, эркин меҳнат қилар эди. Зарур бўлса, тонгда туриб 3–4 соат ишлар, сўнг дам олиб, яна 4–5 соат ишлар, хоҳласа суткасида 10–12 соат, хоҳласа 3–4 соат ишларди ёки уй хўжалиги билан машғул бўлар, хоҳласа бозорга борар, гузарга ёки черковга чиқиб одамлар билан мулоқот қилиб, янгиликларни билиб қайтарди. У ўз феълига, жисмоний ва руҳий имкониятига, кайфиятига қараб меҳнатини ўзи эркин ташкил қилар эди. Фабрика ишчиси қаттиқ интизомига ва белгиланган иш суръатига мослашишга мажбур. Бундан ташқари, у машина, механизмлар, дастгоҳлардан бир дақиқа ҳам кўз узолмайди. Акс ҳолда, ҳалокат юз бериши мумкин. Шофер ҳам, аравакашдан фарқли, йўлдан кўз узолмайди. Бу ўта қаттиқ жисмоний ва руҳий толиқишга олиб келади. Аравакаш эса мудраб, бемалол аравабини ҳайдаб кетавериши мумкин. У жонли мавжудот – оти билан қаттиқ эмоционал боғланган. Ҳунарманд ҳам ота-бобосидан қолган дўконга, асбоб-ускунага боғланган. Лекин шофердан аравакашга нисбатан кўпроқ билим талаб қилинади, машинага нисбатан эмоционал, ҳиссий муносабат эса жуда кам. Аравакашнинг ақлий ва ҳиссий дунёси ўртасида асрлар давомида мувозанат юзага келган. Аммо шофернинг

аклий ва ҳиссий дунёсида мувозанат йўқ. Унда технократик қарашлар устун. У эскирган машинасига ачинмайди, жон-жон деб янгисига алмаштиради. Аравакашнинг отига раҳми, куюнчақлиги, ғамхўрлиги баланд. От унинг қадрдонига, биродарига айланиб қолган.

Руҳияти ашаддий чарчаган киши ўзини сал овунтириши, ишини, муаммоларини бир муддатга унутиши учун гўзал ҳаёлотга берилиши ёки қувноқ латифа, ашула эшитиб, бирдам ўзини бахтиёр сезиши ёки жангари, ур-йиқит воқеаларни тасвирловчи китоб ўқиб, фильм кўриб, ўзини китоб, фильм қаҳрамони ўрнида тасаввур этиб, душманларидан ўч олиши зарур. Шунда унинг тўпланиб қолган аламлари бироз тарқайди. Бундай шароитда унга жиддий, ўйга толдирадиган юксак маданият керак эмас эди. Қолаверса, уни тушунишга ҳам ожиз эди. Қишлоқдан келиб, ўз илдизларидан, ижтимоий-маданий муҳитидан ажралган ишчи ҳам, синиб қолиб, пролетарлашиш орқали ўз илдизларидан, ижтимоий-маданий муҳитидан ажралган шаҳарлик пролетарий ҳам бундай рекреацияга (тикланишга), чўнтакбоп, арзон, кўнгилочар «маданий маҳсулот»га муҳтож эди. Оммавий маданиятга шу тарика эҳтиёж туғилди. Уни биров маҳсус ўйлаб топган эмас. У индустриал жамият ривожланишининг маҳсули.

Оммавий маданиятнинг замонавий тушунчаси бирданига шаклланиб қолгани йўқ. Жамиятнинг индустриаллашуви ва урбанизациялашуви Ғарб мамлакатларида XIX асрнинг охирларидаёқ ҳаёт суръатларини жуда тезлаштириб, маданий турмушни кескин ўзгартириб юборди. Кўпқаватли уйларнинг катакдек квартираларида яшаб, завод-фабрикаларда куни билан ишлайдиган киши иш жойига бориб келиши учун транспортда анча вақт сарфлай бошлади. Меҳнат бозорида рақобат кучли – ишсиз қолиш хавфи доимо юқори. Аҳоли тифиз жойлашган шаҳарларда ўзини ёлғиз сезадиган, жамиятдан бегоналашган, ўз илдизидан ажралган кишилар, уларнинг кейинги авлодлари дўконлардан шоша-пиша зарур маҳсулотларни харид қилишга, вақтини тежашга одатланди. Улар истироҳат боғларига, аттракционларга, циркларга, кўнгилочар ҳавойи томошаларга, концерт, чўнтагига қараб баъзан арзон кафе, клубларга бориб ёки уйда грампластинкалар

тинглаб (кейинчалик телевизор ва видеодисклар кўриб), энгил-елпи комикслар ва шу кабиларни ўқиб биров дам олишга ўрганди.

Одамларнинг жамиятдан ва бир-биридан бегоналашуви муҳтида кўнгилочар маданий ва спорт ўйинлари, томошалар, шоулар, бир хил, бир тусдаги, бичимдаги маданий маҳсулотлардан фойдаланиш, муайян спорт жамоалари, машҳур спортчилар, артистлар ва бошқа «юлдуз»ларга ишқибозлик қилиш уларни гўёки бир-бири ва жамият билан бирлаштирувчи омилга, идентлик (айният) белгисига айланди. Шу тариқа аста-секин янги ижтимоий-руҳий кайфият ва янги маданий воқелик қарор топди.

Ушбу кайфият ва воқелик ўтмишдаги авом халқ маданий воқелигидан, муҳтидан кескин фарқ қилади. Биринчидан, янги маданий маҳсулотлар саноат усулда беҳисоб ададда, стандарт шаклларда истеъмол товари сифатида ишлаб чиқарила бошлади. Улар такрорланмас индивидуалликка, оригиналликка эга эмас, аммо бежирим, ялтироқ, кўриниши харидоргир эди. Иккинчидан, ушбу маҳсулотлар, агар улар моддий эмас, бадий санъатга оид бўлса, истеъмолчи яшаётган асл – ҳаётий воқеликни эмас, балки ҳаёлий ва бахтли гипервоқеликни яратди. Бу билан у истеъмолчини анча овутди, ҳаёлан бўлса-да, бир дам ўзини бахтиёр сезишига кўмаклашди. Учинчидан, аҳоли турли қатламларининг диди ва эҳтиёжига, шу жумладан, биологик инстинктларига мувофиқ беҳаёлик ва зўравонликни намойиш этувчи маҳсулотларни чиқаришни аста-секин «қонунийлаштириб» олди.

Экранда ва комиксларда акс топган суперқахрамонлар меҳнат қилиб жисман эзилган, асаблари чарчаган, ўзини ноҳақ таҳқирланган ва алданган ҳис этувчи кишилар учун таскин вазифасини ўтади. У ҳаёлан суперқахрамон билан бирга «душманлари»дан ўч олар, жунбушга келган ҳирсини қондирар, шу тариқа йиғилиб қолган аламлари бир оз тарқагандек бўларди. Ушбу тенденция бугунги кунгача давом этиб, ҳаттоки кучайиб бормокда.

Замонавий оммавий маданият – истеъмол маҳсулотига айланган товар. У жамиятдан бегоналашган, ўз идентлигини, индивидуаллигини йўқотган, ўзи ҳам маълум бир функцияни бажарувчи механизмга айланган замо-

навий оммавий инсоннинг имманенти – ички хоссаси ва эҳтиёжидир. Индивидуаллигини, идентликни йўқотиш, афсуски, кучайиб бормоқда. Инсон машина ва механизмнинг бир бўлагига, бошқарувчи процессорига айланиб қолаётир. Инсоннинг рақобатлашуви, ишлаб чиқариш жараёнида конвейернинг, АКТ бошқарувининг бир мурватига айланиш тенденцияси кузатилмоқда. Ўтган асрнинг ўрталарида Э.Фромм XIX асрда инсоннинг кулга айланиб қолиш хавфи ҳамон мавжуд эди, XX асрда у роботга айланиб қолиш хавфини бошдан кечирмоқда, деб ёзган эди.

Гуманитар муаммолар бўйича илм-фандан бир қадам олдинда юрадиган бадиий адабиёт ўзига хос тарзда бугунги хавф-хатарларни сал кам бир аср бурун башорат қилган эди. Карел Чапек (дарвоқе, робот атамасини муомалага у киритган) биринчи бўлиб, одамлар роботлар кулига айланиши, роботларнинг қўзғалон кўтариб, ҳокимиятни ўз қўлларига олиши ҳақида ёзган эди. Албатта, буюк чех фантастининг айтганларини мажозий, рамзий тушуниш керак. Инсон ўзи яратган маҳсулотга қарам бўлиб қолиши мумкин кабилида. Бугун инсон истеъмолчи сифатида аллақачон молпарастга, буюмпарастга айланиб бўлди. Бу жоҳилия давридаги аждодларимизнинг ўзлари яратган санамларга сажда қилиб, уларнинг бандаларига айланиб қолганига ўхшаш гап. Инсоннинг буюмга қарамлиги биринчи галда унинг эътиқодий-диний сифинишида эмас, балки индивидуаллигини, айниятини тобора йўқотаётганида, бошқалар билан ўзини боғловчи ришталарни умумий истеъмол молларида излаётганида намоён бўлаётир. Индивидуаллигидан маҳрум, акли ва жисмоний кучи товарга айланган кишига ўзига ўхшаган индивидуаллигидан маҳрум этилган, оммавий ҳисобланган маданий маҳсулот керак.

XIX асрда Европада ижтимоий-синфий қарама-қаршилик авж олиб, инқилоблар юз бера бошлагач, авом халқда бунёдкорликка нисбатан вайронкорликка мойиллик кучлилиги аён бўлди. XVIII аср охири – XIX аср бошларида ишчиларнинг илк кураши анархистик кўринишлар касб этиб, зиёлиларни кўрқитиб қўйган эди. XIX асрда бу туйғу янада кучайди. Масалан, 1830–1948

йилларда Европада содир бўлган инқилоблар Х.Хайнени чўчитиб юборган. К.Маркс «дўстим» деб мурожаат этган ва коммунистик ғоялардан дуруст хабардор бўлган буюк ижодкор 1854 йилда бундай деб ёзади: «Йўқ, коммунизм ғалабаси туфайли кўп асрлар давомида аждодларимизнинг олижаноб меҳнати эвазига қўлга киритилган бугунги цивилизация ютуқлари хавф остида қолишини кузатганда санъаткор ва олимларда пайдо бўладиган ички кўрқув мени ҳам мағлуб этмоқда»¹. Бир йил ўтиб эса у янада кескинроқ фикр билдиради: «Мен кўрқув ва даҳшат ичра бу тунд даҳрийлар ҳокимият тепасига келадиган дамлар ҳақида ўйлайман. Улар ўзининг дағал қўллари билан менинг қалбимга жуда яқин бўлган Гўзалликнинг мармар ҳайкалларини шафқатсиз яксон қилажаклар... нилуфар гулзорларни шудгорлаб, картошка экажаклар»².

Х.Хайне ўз гумони ва қарашларида якка, ёлғиз эмас эди. Бутун XIX аср давомида постклассик фалсафада «омма маданияти»га салбий қарашлар кучайиб борди. Шопен-хауэр ва Ницше ижоди бунга яққол мисол бўла олади.

Маданиятни иккига – элитар (юксак) ва оммавий (тубан) маданиятга бўлиш анъанаси бизнинг давргача сақланиб қолди. Аммо *оммавий маданият тушунчаси мазмуни ўзгариб, конкретлашди. Энди у қуйи ижтимоий қатламлар маданиятини эмас, кўпроқ оммавий равишда индустриал (саноат) усулларда ишлаб чиқиладиган ва оммавий ахборот воситалари ёрдамида тарқатиладиган, замонавий технологиялар ва қулайликлар шароитида вужудга келган маданиятни англата бошлади.*

XX асрнинг 20-йилларида оммавий маданият тушунчаси Европада дастлаб тўлиқ салбий мазмун касб этди дейиш мумкин. Бунга индустриал жамият ривожланиб, турли мамлакатлар ўртасида зиддиятлар кучайгани, оқибатда Биринчи жаҳон урушига олиб келгани, урушдан кейин эса мавжуд зиддиятлар сақланиб қолгани, боз устига, Россияда социалистик инқилоб юз бериб, вайронкор «жаҳон революцияси» ғоялари дунё бўйлаб тарқалгани,

¹ Н. Бухарин. Избранные произведения. – М.: «Политиздат», 1988. 370–371-бетлар.

² Ўша асар, 371-б.

«Пролеткульт» ва «Лэф» каби ўтмиш маданиятини йўқ қилишга чоғланган ташкилотлар вужудга келгани сабаб бўлди. Булар мумтоз гуманизм ва рационализм чуқур инқирозга учраганидан, кадриятлар тизими остин-устун бўлганидан далолат эди.

Оммавий маданиятга индустриал жамиятдаги шаҳар турмуш тарзи ва истеъмолчилик психологияси билан боғлиқ ходиса сифатида қараш асосан XX асрнинг 30-йилларида шаклланди. Мазкур қарашларнинг тизимга келтирилиши ва оммавий маданиятнинг алоҳида тадқиқот йўналишига айланиши «оммавий жамият» назарияси таъсирида кейинчалик юз берди. Индустриал жамият капитализм ривожланиши жараёнида ўрта асрлар жамиятига хос тузилмалар – ижтимоий табақаланиш ва табақавий имтиёзларни, хунарманд-косибларнинг касбий гуруҳлари, корпоратив ташкилотлари ва шу қабиларни яқсон этди. Маълумки, аграр жамият табақавий жамият эди. Ҳар бир табақа ўз ҳақ-ҳуқуқларига, мажбуриятларига, кўзда тутилган имтиёзларига эга эди. Францияда уч табақа – руҳонийлар, дворянлар ва учинчи табақа деб аталадиган бошқа барча қатламлардан иборат табақа мавжуд эди. Россияда беш табақа – дворянлар, руҳонийлар, савдогарлар, мешчинлар, деҳқонлар ажралиб турар эди. Францияда дворянлар ва руҳонийлар барча имтиёзларга эга, учинчи табақа эса ҳақ-ҳуқуқларда чекланган эди. Россияда ҳам биринчи икки табақа тўла имтиёзли эди. Аристократия (зодагонлар, киборлар) ва руҳонийлар индустриал жамиятда ўз имтиёзларини, жамиятнинг хос қатлами мавқеини йўқотди. Улар қонун олдида бошқаларга тенг кишиларга айланди. Даромадларини тадбиркорликдан топа бошладилар. Тадбиркорлик қўлидан келмайдиган, жамиятга мослаша олмаган аристократлар тезда ота-боболаридан қолган меросни еб битирди, ерларини, мулкни сотишга мажбур бўлди. Замонга мослаша олганлари буржуазлашди. Меҳнаткаш халқ ўртасида ҳам жиддий ўзгаришлар юз берди. Завод ва фабрикаларда энди бир-биридан ажратилган индивидлар оммаси меҳнат қила бошлади. Касбий жиҳатдан бирлашган маҳалла жамоалари ишчи кварталларнинг бир-биридан алоҳидалашган индивидлар оммаси билан алмашди.

Шундай қилиб, оммавий жамиятнинг асосий бирламчи белгилари – бу, биринчидан, синфий-табақавий имтиёзларнинг бекор қилиниб, ҳамманинг қонун олдида тенглиги тамойилининг аста-секин тадбиқ этилиши, табақавий хусусиятлар, табақавий этиканинг йўқолиши, иккинчидан, саноат ишлаб чиқаришининг оилавий ва маҳалла даражасидан ўсиб чиқиб, завод ва фабрикаларда тўпланиши натижасида маҳаллаларнинг йўқолиши, турли касб-ҳунар эгаларининг аралашиб, ўзаро бегоналашиб, индивидуал яшай бошлаши, турмуш тарзининг бирхиллашуви, учинчидан, касбий хусусиятларни акс эттирувчи профессионал этикалар аҳамиятининг пасайиб кетиши ва аста-секин йўқолишидир. Тўртинчидан, маданий исътемом соҳасида ҳам бирхиллашув тенденциясининг кучайиши.

Кейинчалик оммавий жамиятнинг янги-янги белгилари пайдо бўлиб, ривожлана борди. Демократия, демократик сайловлар, машҳур кишилар ҳаётининг ошкорлашуви, ОАВнинг тўртинчи ҳокимиятга айланиши шулар жумласидандир. Бугун эса глобаллашув ва интернет жамиятни янада оммалаштириб юборди.

Жамиятнинг оммавийлашуви касбий жамоавийлик тамойилининг индивидуализм ва рақобат тамойили билан алмашишидан бошланди. Ушбу ҳолат танқиди Э.Бёрк, Ж. де Местр, Л.Т.А. Бональд асарларида XIX асрнинг биринчи ярмидаёқ ўз аксини топди. Уларнинг асарларида оммавий жамият концепциясининг илк намуналарини учратамиз. Оммавий жамият худди ўзига ўхшаган бир хил андозали, бир хил қиёфали оммавий маданий маҳсулотларга, бир қолипли турмуш тарзига эҳтиёж туғдирди. Илгари ҳар бир уста ясаган буюм такрорланмас бўлиб, устанинг маҳоратини, дидини, дунёқарашини ўзида акс эттирар эди. Устанинг жамиятдаги мавқеи, обрў-эътибори маҳоратига яраша эди. Қўли гул, ясаган буюми санъат даражасига кўтарилган усталар ниҳоятда қадрланар, саройларда, юқори табақа зодагонлари ва диний арбоблари ўртасида ҳам танилган эди. Энди эса фабрикада ишлаб чиқилган буюмлар бир-биридан фарқ қилмас, ҳеч қандай устанинг маҳоратини ёки дидини ифодаламас эди. Моддий маданиятда бошланган оммавийлик маънавий маданиятга ҳам

тезда кириб келди. Фанда *оммавий маданият оммавий жамиятнинг ички хусусий белгисидир (имманентидир)*, деган қараш қарор топди. Ф.Ницше, О.Шпенглер, Ортега-и-Гассет, Т.Адорно, Н.Бердяев каби файласуфлар ўз даври маданиятини оммавий жамият концепцияси билан боғладилар. Уларнинг хулосаси тушкун эди – юксак маданият омма ва оломон билан тўқнашувда вайрон бўлади!

Таъкидлаш жоизки, капитализм ривожланиши жараёнида оммавий жамият назарияси ҳам ривожланди. Ўта кескин синфий кураш, сиёсий ва глобал иқтисодий инкирозлар, инқилоблар ортда қолиб, капиталистик жамият анча барқарорлашди. Ўтган асрнинг 50-йиллари охири – 60-йиллари, айниқса, 70–80-йилларда Ғарбда аҳоли турмуш фаровонлиги, яшаш сифати анча юксалди. Аҳолининг моддий ва маданий маҳсулотларни, хизматларни истеъмол қилиши жуда тез ўсди. Бўш вақти кўпайди. Бу дам олиш ва кўнгил очиш эҳтиёжларини янада кучайтирди. Уларни фақат индустриал усулларда, оммавий адабларда ишлаб чиқиладиган маҳсулотлар ёрдамидагина қондириш мумкин эди. Шу сабабдан оммавий маданият баъзи тадқиқотчилар томонидан ижобий талқин қилина бошлади (Д.Мартиндейл, Д.Белл, Э.Шиллс). Назария «халқ капитализми», «умумий фаровонлик давлати», «ягона ўрта синф» концепциялари таъсирида ўзгарди. Ушбу концепцияларга биноан, оммавий жамиятда ижтимоий-синфий фарқлар аста-секин йўқолади, одамларга тенг имкониятлар яратилади.

Индустриал жамиятда аристократия ва бошқа элитар табақаларнинг сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий мавқеи, юқорида таъкидланганидек, ўзгарди. Натижада, «элитар маданият» тушунчаси одамлар онгида собиқ аристократия маданиятини англатувчи атамага айланди. Шу боис энди фанда кўпроқ «юксак маданият» тушунчаси қўлланилмоқда. Оммавий маданият атамаси мазмуни ўзгарди. У энди замонавий технологиялар ва ОАВ ёрдамида яратиладиган маданиятни, кўнгилочар индустрия ва ҳордиқ чиқариш ҳамда зарур ахборот олиш, алоқа ўрнатиш, мулоқот ва турмушнинг бошқа қулайликларини англата бошлади.

8.2. Оммавий маданиятнинг хусусиятлари

Замонавий мазмундаги оммавий маданиятга ҳозирги давр цивилизацияси вужудга келтирган мазмунан саёз, миллий ва ижодий-индивидуал хусусиятлари ҳаминқадар, шаклан ва мазмунан стандартлашган, схематик, истеъмол товарига айланган маданият маҳсулотлари, ОАВ ёрдамида жамиятда кенг тарқалган, аҳоли онгига сингдирилган стереотип (андозавий) гоёлар, қарашлар мансубдир. Замонавий мазмундаги оммавий маданиятга халқ маданияти кирмайди, чунки унга ёрқин ифодаланган миллийлик ва ижодий индивидуаллик хос. Халқ маданияти ўзи мансуб бўлган мамлакат ёки минтақадагина тарқалади. Замонавий оммавий маданият миллий ва минтақавий чегаралардан осонгина ошиб ўтиб, глобал миқёсда тарқалишга интилади, космополитик табиатга эга бўлади. У бир қолипдан чиқади ва чексиз ададларда кўпайтирилади. Бу маҳсулотни ушбу соҳага ихтисослашган профессионаллар гуруҳи – ёзувчи, сценарийнавис, режиссёр, бастакор, рекламачи, дизайнчи, актёр ва ҳоказолар яратса-да, у ўзининг бетакрор ижодий қиёфасига эга эмас, балки сериялаб чиқарилган маҳсулотдир.

Халқ оғзаки ижодининг эса аниқ муаллифи йўқ. Фольклор асарлари асрдан-асрга, авлоддан-авлодга ўтиб келади. Ҳар бир авлод уни ўзича талқин қилади. Ўз даври ва ижтимоий-тарихий заруратга маъқул вариантларини яратади. Умумий моҳият-мазмун, сюжет барқарор қолаверади. Бундай асарлар турли версияларда тарқалса-да, уларнинг ҳар бири бошқасидан озми-кўпми фарқ қилади, такрорланмас хусусиятларга эга бўлади, чунки ўзида бахшининг, ижрочининг ижодий индивидуаллигини акс эттиради. Шу боис фольклорнинг ҳар бир варианты ва версияси нусха эмас, оригинал асар ҳисобланади. Оммавий маданият маҳсулотлари эса фақат оддий нусха бўлиб, ҳеч қачон асликка даъво қилолмайди.

Оммавий коммуникация воситалари – матбуот, радио, кино (кейинчалик телевидение, интернет ва ҳоказолар) вужудга келиши, комикслар, кўнгилочар асарлар, грампластинкалар (кейинчалик видео ва аудиодисклар) ҳамда бошқа маданий истеъмол буюмларининг саноат усулида

улкан микдорда ишлаб чиқарилиши оқибатида моддий буюмлар қаторида маънавий маҳсулотларнинг ҳам стандартлашуви юз берди. Маънавий-маданий маҳсулотлар истеъмол товарига айланди. Уларнинг шакли ва мазмуни маҳаллий, минтақавий ва миллий қиёфаларини, хусусиятларини хиралаштирди, ҳатто йўқота бошлади.

Замонавий оммавий маданиятнинг шаклланиши индустриал жамиятда бошланиб, алоҳида ижтимоий феноменга (ҳодисага) айланиши постиндустриал жамиятда синфий кураш сусайган, жамиятнинг синфий тузилмаси ўзгарган, «ўрта синф» улуши кўпчилиқни ташкил этган, ижтимоий-иқтисодий барқарорлик ва турмуш фаровонлиги ўсган шароитда юз берди. Унинг вужудга келишининг, табиийки, ўз моддий-иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, мафкуравий омиллари бор. Энг аввало, бу жараёнга жамият ривожланишининг умумий тенденциялари таъсири тўғрисида гапириш лозим. Капитал миллий чегаралардан чиқиб, трансмиллий компаниялар вужудга келди. Банк-кредит, савдо-сотик, статистик ва бухгалтер ҳисоботларининг, ишлаб чиқариш технологияларининг, истеъмол буюмларининг бирхиллашуви, стандартлашуви юз берди. Бу дунё микёсида одамлар турмуш тарзига, жамият ҳаётининг бошқа соҳаларига, жумладан, маданий ҳаётга таъсир кўрсатди, жаҳон микёсида урбанизациянинг кучайишига олиб келди. Шаҳарларда стандартлашган турмуш тарзи қарор топа бошлади. Турмуш учун зарур рўзғор буюмларнинг стандарт жамланмаси бўлишига эҳтиёж туғилди. Ҳозир деярли барча шаҳарлар квартираларида ва қишлоқ хонадонларининг аксариятида шундай жамланмалар – мебель, музлатгич, газ (электр) плитаси, микротўлқинли печь, ТВ, радио, телефон, компьютер ва ҳ.к.лар бор.

Бирхиллашган турмуш тарзи, саноат усулида беҳисоб микдорда ишлаб чиқиладиган ранг-баранг стандарт товарларни, хизматларни истеъмол қилиш оммавий жамиятни, у билан бирга замонавий оммавий маданиятни вужудга келтирди. Ушбу маданиятнинг асосий белгилари – унинг маҳсулотлари саноат усулида кўпнусада ишлаб чиқилади, технологик жиҳатдан қулай; стандартлашган; мазмунан содда ва саёз, шаклан ихчам, ялтироқ ва ом-

мабоп; миллий ва ижодий индивидуал хусусиятлари ўта заиф ёки тамомила йўқ. Оммавий ахборот ва коммуникация воситалари орқали тарқатишга мослаштирилган. Деярли барча олимлар бугунги кундаги оммавий маданиятнинг вужудга келиши, яшаши, фаолият кўрсатиши, ўзгариб бориши ва ривожланишини бевосита оммавий ахборот воситалари, ахборот технологиялари шаклланиши ва ривожланиши билан боғлайдилар.

Оммавий маданият маҳсулотлари кўпроқ бир марта фойдаланишга мўлжалланган. Тез унутилади, бозор ва мода талаби асосида ўзгариб туради. Шу сабабдан тинимсиз янгиланиб, кўпайиб, технологик жиҳатдан замонавийлашиб, модернизациялашиб бораверади. Унинг ушбу жиҳати ҳам моддий буюмларникига ўхшайди. Технологик эскирганлари ёки модадан чиққанлари иккиланмасдан ташлаб юборилади. Масалан, бугунги кунда грампластинкаларнинг, патефон ва радиолаларнинг, тасмали магнитофон ва плёнкали фотоаппаратларнинг, механик ёзув машинкаларининг вақти ўтди. Улар ўрнини рақамли технологиялардан фойдаланадиган янги буюмлар эгаллади. Бугунги уяли телефон аппаратларининг ахборот сақлаш хотираси ва ҳар хил операцияларни бажариш тезлиги ўн-ўн икки йил бурунги компьютерларникидан қолишмайди.

Оммавий маданият вужудга келиши ва ривожланишининг сиёсий сабаблари демократиянинг, қонун устуворлиги ва инсон ҳуқуқларининг ривожланиши, ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий имтиёзларнинг бекор қилинишидир. Қонун устуворлиги ва қонун олдида ҳамманинг тенглиги, ҳокимият учун курашда сарой фитналари, гуруҳбозлик келишувлари эмас, балки очиқ-ошқора, ёпиқ-яширин овоз бериш воситасида сайловлар орқали кураш оммавий маданиятнинг ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий-юримдик омилларини ва, айни пайтда, алоҳида намоён бўладиган шакллари ташкил қилди. Чунки маданият сиёсий ва ҳуқуқий маданият шаклида ҳам мавжуддир.

Демократиянинг муқобили – диктатуралар ҳам индустриал ва постиндустриал жамиятда оммавий маданиятнинг ўзига хос шаклини вужудга келтиради. Бунга Сталин ва Гитлер ҳамда бошқа фашистик ва коммунистик

диктатуралар давридаги мамлакатлар маданиятини мисол қилиб олиш мумкин. Диктатуралар шароитида давлат мафкураси мавжудлиги ва давлат томонидан ташкил қилинган тарғибот-ташвиқот тизими, «ташқи» ва «ички» душманларнинг ўйлаб топилиши ва уларга қарши курашга бутун миллат чорланиши, «сафарбар қилиниши» ўша андозавийликни, схематизмни, мазмунан саёзликни келтириб чиқаради. Демократик жамиятлардагидан фарқли диктатуралар шароитида оммавий маданият мафкуравий муросасизлик ва ғоявий тажовузкорлик, курашчанлик хусусиятлари касб этади, мафкуравий, сиёсий ва ғоявий-эстетик муҳолифларига қарши аёвсиз кураш олиб боради. Бугун ҳаммани бир хил фикрлаш, бир хил ўзлари белгилаб берган андозалар асосида яшашга даъват этиб, уни амалга оширишга интилаётган радикал ва диний-экстремистик оқимлар, ҳаракатларни уларнинг давомчиси дейиш мумкин.

Ўзбекистонда оммавий маданият тушунчасини кўпчилик кишилар фақат салбий мазмунда қўллайдилар. Урғу асосан оммавий маданиятнинг камчиликларига берилади ёки оммавий маданият уни никоб қилиб олган аксилмаданият билан чалқаштирилади. Баъзи олимлар оммавий маданият тушунчасига шунчалик тор ва салбий ёндашадиларки, уни оломон, тўда маданияти, ҳатто шайтон васвасаси сифатида талқин қиладилар. Бу мутлақо хато ёндашув. Кейинги ҳолатга бир мисол келтирамиз. Олимларимиздан бири шундай мулоҳазаларни билдирди: Сиз йўлдан бир кампирни ўтказиб қўйдингиз. Оммавий маданият сизга нотўғри қилдинг, 2–3 дақиқа вақтингни йўқотдинг, дея шипшиди. Метрода, трамвайда сиз бир қарияга жой бердингиз, оммавий маданият сизга яна нотўғри қилдинг, ахир сен ишга боряпсан, кучингни, энергиянгни тежашинг керак, пенсияга чиққан қария уйида ўтирсин ёки тик туриб кетаверсин дейди. Оммавий маданият, айниқса, ёшларни йўлдан уради: айш-ишрат қилиб қол, ҳаёт бир марта берилади ва ҳ.к.

Бундай қарашлар илгари ҳам учраб турган. Халқимиз уларни «оммавий маданият» ёки бошқача «илмий» ва баландпарвоз атамаларни, сўзларни қўлламадан, оддийгина одобсизлик, ҳурматсизлик, меҳр-оқибат етиш-

маслиги, маиший бузуклик ёки нафс балосига гирифтор бўлиш, шайтон васвасасига учиш деб баҳолаган. Бундай қарашларнинг оммавий маданиятга бевосита алоқаси йўқ. *Оммавий маданият маишатпарастлик ва очкўзлик эмас.* Қозокбой Йўлдошев тўғри эътироф этганидек, уни ҳеч ким ўзбек ёшларини йўлдан уриш учун махсус ўйлаб топгани ва тарқатаётгани йўқ. Уни маънавий таҳдидлар ва мафкуравий курашдан фарқлаш лозим. У ҳозирги замон цивилизациясининг ижтимоий ҳаётда воқе бўлишининг, фаолият кўрсатишининг асосий шаклидир. Радио, ТВ, интернет, замонавий ахборот воситалари, мулоқот, алоқа, ҳисоб-китоб қулайликлари ва ҳ.к. ва ҳ.к. барчаси замонавий оммавий маданиятга дахлдор.

Оммавий маданиятнинг ўз камчиликлари ва туғдираётган хавф-хатари бор. Лекин унга барча иллатларни келтириб тақашнинг ҳеч ҳожати йўқ – бундай ёндашув илмий эмас. Оммавий маданиятда уч қатлам ажралиб туради: биринчиси – *кич маданият*, иккинчиси – *мид маданият*, учинчиси – *арт-маданият*. «Кич» немисча китч – арзон, қиммати паст, жўн, примитив сўздан, мид – инглизча мидл – ўрталик, ўртача, арт – лотинча санъат сўзларидан келиб чиққан. Кич маданият баъзан дағалликка, ҳирсларни ва инсоннинг баъзи майлларини очик кўрсатишга мойиллик билдиради, аксилмаданият билан чегарадош, аммо аксилмаданият эмас. Арт эса ижрочилик маҳорати, профессионаллик даражаси билан юксак маданиятга бориб туташади. Шу сабабдан оммавий маданият маҳсулотлари ва ҳодисаларига конкрет ёндашиш лозим. Уларнинг ҳаммасини ёппасига бир қолипга, саватга тикиб, бир хил баҳолаб бўлмайди. «Сол кетингни саватга, сиғса ҳам беш танга, сиғмаса ҳам беш танга» деган меъёр билан масалага ёндашиб бўлмайди. Оммавий маданият масалаларида саватбозлик қилиш, яъни саватга сиғганни ҳам, сиғмаганни ҳам бир хил баҳолаш керак эмас.

Оломон, тўда маданияти тушунчасининг ҳам оммавий маданиятга алоқаси йўқ. Оломон, тўда – барқарор ижтимоий гуруҳ ёки бирлик эмас. Ижтимоий жиҳатдан рангбаранг. У қисқа муддатга ва айни дамда тасодифан шаклланади. Унга турли ижтимоий табақаларга, гуруҳларга мансуб кишилар кириб қолиши мумкин. Масалан, метро

ёки автобус бекатида тўпланиб қолган йўловчилар, футбол матчини кўришга келган ишқибозлар, театр спектакли томошабинлари бунга мисол бўла олади. Уларни фақат муайян хизмат туридан фойдаланиш эҳтиёжи тўплаган.

Кўриниб турибдики, оломонда ёки тўдада барқарор тизимли манфаатлар, стратегик ижтимоий мақсад ва вазифалар бўлмайди. Бинобарин, уларни қондириш, юзага чиқариш, амалга ошириш каби тизимли ғоялар, қарашлар, мафкуравий ва маданий воситалар ҳам бўлмайди. Бу ерда гап жамият аъзолари, фуқароларнинг умуман эҳтиёжлари, қизиқишлари ҳақида кетмаяпти. Жамиятга футбол ҳам керак, футбол ишқибозлари ушбу спорт тури ривожланишидан маънавий манфаатдор. Театр ёки транспорт ривожланиши ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин. Бу ерда гап бекатда, стадионда, театрда ўша дамда тўпланган кишилар йиғиндиси ҳақида кетмоқда. Оммавий маданиятнинг оломон ва тўда маданияти эмаслиги замонавий цивилизация, замонавий жамиятнинг усиз фаолият кўрсата олмаслигида яққол кўринади.

Оммавий маданият нафақат замонавий цивилизациянинг маҳсули, шунингдек, унинг ижтимоий-маданий негизи ҳамдир. Оммавий маданият тушунчасининг илмий мазмуни айнан ушбу йўналишда, яъни постиндустриал жамият, ахборот технологиялари, глобаллашув асри ҳодисаси сифатида конкретлашиб, барқарорлашиб бормоқда.

Хуллас, замонавий «оммавий маданият» тушунчаси асосида маданий маҳсулотларнинг стандартлашуви ва истеъмол товaрига айланиши, сериялаб чиқарилиши, ОАВ орқали тарқалиши, миллий ва минтақавий чегаралардан ошиб ўтиб космополитик шакл ва мазмун касб этиши ётади. У, фольклордан фарқли ўлароқ, миллий анъана асосида эмас, халқаро мода ва бозор талаби асосида ривожланади.

Билими ва савияси ўртамиёна бўлган кенг оммага мўлжалланган маданий маҳсулотлар шаклан ва мазмунан содда, осон тушуниладиган бўлиши талаб этилар эди. Ана шу омиллар уларни жўн, схематик андозаларга, қолипларга мос тарзда саноат усулида ишлаб чиқаришда қўл келди. Масалан, америка кинофильмларида «яхши»

Йигитларнинг «ёмон» йигитларга қарши кураши ва ғалабасини тасвирлаш марказий ўрин эгаллайди. «Ёмон йигитлар» экстремал ҳолатларни, бактериологик эпидемия тарқалиши ёки ядровий уруш, террористик хавф ва ш.к. даҳшатли оқибатларга олиб келувчи хавф-хатарларни вужудга келтиради, «яхши йигитлар» охириги сонияларда инсониятни қутқариб қолади. Саргузашт ёки детектив, фантастик ёки триллер фильмларми, севги мавзусидаги мелодрамаларми – барчасида бош бадий конфликт «яхши» ва «ёмон» йигитлар ўртасидаги курашдан иборат. Ҳаётда ўз ўрнини топиш, муваффақиятга эришиш – бойлик орттириш ва шон-шуҳратга эга бўлиш каби мавзуларгача ҳаммаси муайян бир схема бўйича ёритилади.

Совет даври фильмларида ҳам биз аниқ шаклланган бир неча андозаларни, қолипларни учратамиз. Агар фильм миллий республикаларда ишланиб, инқилобий мавзуга ёки социализм қурилишининг бирор соҳасига бағишланган бўлса, албатта, қалби қайноқ, адолатга ташна, ҳалол, ишонувчан содда маҳаллий йигит, маҳаллий ёт унсурлар, идеаллари ёки онги эскилик ва хурофотдан қотиб қолган кекса авлод вакиллари кирдикорлари ёки билиб-билмай қилган нотўғри ишлари ҳамда марказдан келган рус коммунисти, совет раҳбари, мутахассиси ёки зиёлиси таъсирида қаҳрамоннинг ва меҳнаткаш халқнинг «кўзи очилиши», ҳақиқатни англаб, совет ғояси учун курашга кириб кетиши тасвирланади.

Севги, муҳаббат мавзулари қаҳрамон революцион курашчи, илгор ишчи йигит ва уларга ижтимоий келиб чиқиши мос, қўрқмас, шаддод ва ўта мағрур, синфий жиҳатдан хушёр киз ўртасидаги муносабатлар орқали ёритиларди. Улар халқига, келажакка хизмат қилишда, меҳнат фронтида топишарди. Юқори табақа қизлари ва йигитлари бир-бирларини, одатда, алдар, уларнинг туйғулари сохта ёки ғаразли ниятларга (мансаб, бойликка) қаратилган ҳисобланиб, улар ҳақиқий севгини билишга қодир эмас эди. Совет жамияти барқарорлашиб, синфий кураш жазаваси биров пасайган 60–70-йиллар филмларида шуҳратпараст, истеъдоди паст, тантик, эркатой мешчан йигит ва киз, бюрократ, молпараст,

колок, эскилик саркитларини ташувчи айрим кимсаларга қарши яна ижтимоий фаол ишчи – коммунист ёки истеъдодли ижодкор, қайноқ романтик комсомоллар қарши қўйилар эди. Шундай қилиб, совет оммавий киноти ўта мафқуралашган, андозалашган, мазмунан саёз ва зерикарли эди.

Замонавий оммавий маданиятнинг яна бир хусусияти тўғрисида шартли равишда бундай дейиш мумкин: маданиятни ўзлаштириш «китобий шакл»дан кўпроқ «визуал шакл»га, яъни ўқиб-ўрганишдан, ақлий меҳнат қилишдан кўра кўпроқ ТВ, кино, видео, интернет орқали кўришга, томоша қилишга, тайёр холда қабул қилишга, дам олиш билан бирлаштиришга ўтиб кетди. Бу жуда муҳим белгидир. Зеро, бунда оммавий маданиятнинг, бир томондан, аҳолининг кенг қатламларини ўз таъсири остида сақлаш, улар устидан ҳукмронлик қилиш, тез суръатда тарқалиш кудрати акс этса, иккинчи томондан, инсон онги, тафаккури юксалиши учун аҳамияти пастлиги намоен бўлади. Одамлар бўш вақтини кўпроқ ТВ экранни қаршида ўтказди. Баъзан кафе, клуб ёки стадионга, концерт-шоуларига бориб туради. Лекин улар ўзаро кам мулоқот қилиб, бир-биридан ва жамиятдан тобора бегоналашиб бораётир. Камайиб кетган жонли мулоқот ўрнини кўпроқ интернет ёрдамида амалга ошириладиган виртуал мулоқот тўлдирмоқда.

Визуал оммавий маданият инсон тафаккурини, фантазиясини, тасаввурларини, мавҳум тушунчаларни қабул қилиш, таҳлил этиш ва эслаб қолиш қобилиятини ривожлантирмайди. Буни ҳозирги айрим ёшларнинг китоб ўқимай қўйганида, ўз фикрини тушунарли қилиб ёзма ифода этолмаслигида, оғзаки нутқининг ғализлигида кўриш мумкин. Визуал маданият тайёр стереотип (андозавий) фикр ва гоёларни сингдириб, инсон дунёқарашини, онгини бойитмайди, балки бошқаради. Постмодернизм назариячилари – Ф.Джеймиссон, Р.Барт, Ж.Батай, Ж.Бодрийяр, У.Эко ва бошқалар визуал маданиятнинг ушбу жиҳатларини ташвиш билан қайд этиб, у чинакам ҳаётий реалликда эмас, балки ўзи яратган сунъий реалликда яшашини, «идора этиладиган омма»ни шаклланди.

тиришини, бу феноменга нисбатан классик услубдаги таҳлилни қўллаб, кадриятлар нуктаи назаридан баҳо бериб бўлмаслигини таъкидлайди. Визуал жанрларнинг устунлик қилиш тенденциясини биринчилар каторида пайкаган Д.Рисмен оммавий маданият «одам-локатор»ни шакллантиришини айтган эди (локатор – радар антенна-сининг бошқача номи).

Китоб ўқиш жараёнида инсон асар тилининг, ҳар бир сўзининг мазмунини чақишга, воқеа ва персонажлар муносабатини эса тутиб асарни таҳлил қилишга, баҳо беришга интилади. Китобнинг «матний» мазмуни инсон тафаккури, тасавури ва фантазиясини ривожлантиради, хотирасини мустаҳкамлайди, дунёқарашини бойитади. ТВнинг «визуал тасвири» эса инсонни чуқур ўйлашга, тафаккур ва фантазиясини ривожлантиришга кўп ҳам ундамайди. Аниқроғи, бунга имкон қолдирмайди. Чунки ТВ орқали намойиш этилаётган манзара ва воқеалар томошабин кўз олдида тайёр. Уларнинг эфирга узатилиш суръати шунчалик тезки, инсон кўраётган ва эшитаётганларини таҳлил қилиб, англаб етиш ва мустақил хулоса чиқаришга улгурмайди. Унинг тайёр ҳолда сингдирилаётган хулоса ва фикрларни ўйламай-нетмай қабул қилишдан бошқа иложи йўқ.

Визуал маданият инсон дунёқарашини, онгини бойитмайди, балки бошқаради. «Учинчи тўлқин» номли машҳур китоб муаллифи Э.Тоффлер визуал маданиятни қабул этишнинг «зэппинг» шакли вужудга келганини таъкидлайди. ТВ ўз кўрсатувларини тинимсиз равишда реклама роликлари билан бўлиб туриши туфайли, рекламани кўрмаслик мақсадида инсон пулт тугмачаларини босиб, телеканалларни тўхтовсиз алмаштириши оқибатида унинг онгида қурак, узуқ-юлуқ ахборот ва таассуротлардан ҳосил бўлган ўзига хос образ шаклланади. Бу образ ақлни, хаёлотни ишлатишни, хабарни англаб олишни талаб қилмайди. Инсон узлуксиз равишда ахборотни «янгилаш», «алмаштириш» билан банд.¹

Индустриал жамият умуман маданиятга, шу жумладан, юксак маданиятга катта таъсир кўрсатди. Постин-

¹ Тоффлер Э. Третья волна. – М.: 1999. 278–279-бетлар.

дустирал, постмодерн жамиятларининг таъсири эса янада кучайди. Биринчи галда бу ҳол маданиятнинг нисбатан кенг тарқалиши, яъни оммалашуви учун шарт-шароит юзага келганида, омманинг умумий савияси ўсганида кўринади. Шу сабабдан америкалик социолог Т.Парсонс ва бошқа бир гуруҳ олимлар оммавий маданиятни ҳимоя қилиб чиққан эди. Уларнинг фикрича, ОАВ орқали миллионлаб кишилар жамиятда кечаётган воқеалардан хабардор бўлади, адабиёт, санъатнинг юксак намуналари, илм-фан ютуқлари билан танишади, билими ва савиясини ўстиради, дунёқарашини кенгайтиради.

Бироқ ушбу ҳолат, аслини олганда, «оммавий маданият» тушунчасидан кўпроқ «маданият оммалашуви» тушунчасига дахлдордир. Тўғри, замонавий ахборот воситалари – ТВ, интернет, аудио-, видеомагнитофон ва ДВДлар мумтоз санъат дурдоналаридан аҳолининг кенг қатлами баҳраманд бўлиши, маданият оммалашуви учун тобора қулай шарт-шароит яратмоқда – буни инкор этиб бўлмайди. Аммо масаланинг мураккаб ва зиддиятли бошқа жиҳати ҳам бор.

«Оммавий маданият» тушунчасини «маданиятнинг оммалашуви» тушунчасидан фарқлай билиш лозим. Оммалашув умуман маданият, жумладан, юксак маданият маҳсулотлари кенг тарқалиши учун жамиятда объектив зарурият ва шарт-шароитлар, восита, муҳит ҳамда субъектив интилишлар вужудга келиши туфайли юз беради. Оммалашув тенденцияси юксак ва оммавий маданиятларнинг ҳар иккисига тааллуқли.

Маданиятнинг оммалашуви ҳозирги постмодерн жамиятда глобал тенденцияга айланди. Индустриал жамият XIX аср охирларидаёқ саноат корхоналаридаги ишчиларнинг саводхон, техникавий билимлар ва малакаларга эга бўлишини тақозо этди. Билим ва малакага бўлган талаб ишлаб чиқариш технологиялари мураккаблашган ва меҳнат бозорида рақобат кучайган сайин ортиб бораверди. Дастлаб оммавий саводхонликка, кейинчалик эса касб-ҳунар ва техник таълим пайдо бўлишига, пировардида аҳолининг билимлари, маданий савияси ва эҳтиёжлари ўсишига йўл очилди. Оммавий тиражлар-

да газеталар, китоблар чоп этилди, граммпластинкалар чиқарилди. Радио ва телевидение, кино, интернет пайдо бўлгач, улардан ҳам маърифий-мафкуравий ва тижорий мақсадларда фойдаланилди. Ўқувчи ва томошабинларни жалб қилиш учун адабиёт ва санъат асарларига мурожаат этилди. Машҳур хонандалар кўшиқлари ёзилган граммпластинкаларни сотиш, таниқли актёрлар роль ўйнаган кинофильмларни намойиш этиш мўмайгина даромад келтириши янги воситалар орқали мумтоз санъат ва умуман маданият оммалашувиغا хизмат қилди.

Лекин, таъкидлаш лозимки, юксак санъат асарларининг техник воситалар орқали оммалашуви уларнинг жозибаси, ноёблик хусусияти ва сеҳри пасайишига, ҳатто йўқолишига олиб келади. Мусаввир ягона нусхада яратган картинанинг репродукциясини кўрган киши асарнинг ташқи жиҳатлари, композицияси, сюжети тўғрисида тасаввурга эга бўлади. Аммо унга асарнинг ботиний сеҳри таъсир қилмайди. Баъзи ҳофизларнинг бетакрор овозда ижро этган қуръон тиловатлари аудио, видеодисклар орқали тарқатилмоқда. Уни харид қилган киши машинасида йўлда кетаётганда ёки уйда чой ичиб, суҳбатлашиб турганида бемалол эшитаверади. Аслида диний маросимда жонли ижро этиладиган тиловат тингловчи руҳиятига муқаддас, сирли таъсир кўрсатади. Яратган билан уни боғлайди. Диний маросимдаги муҳитнинг ўзи тиловатга ча тегишли руҳий ҳолатни ҳосил қилади. Компакт дискларга ёзилган тиловатнинг ножоиз вазиятларда тингланиши унинг сеҳрли, муқаддас таъсирини йўққа чиқаради, тингловчи ва Яратган ўртасидаги боғланишни таъминламайди. Балки маиший суҳбатнинг ўзига хос «муסיқавий», «овозли» фонига айланади. Реал диний маросим, ибодат ўзининг сунъий ташқи образи билан алмаштирилади, тингловчи қалбининг ички туғёни даражасига кўтарилмайди. У истеъмол товариға (ушбу ҳолатда дин билан боғлиқ истеъмол товариға) айланади.

Гарчи рақамли технологиялар тез ривожланиб, ранг-тасвир асарининг жуда аниқ, оригиналидан деярли фарқ қилмайдиган нусхаларини яратиш имкони бўлса-да, уларда картинанинг ягоналиги, ноёблиги, муқаддас

хилкатлиги акс этмайди. Санъат масканидаги, театр ёки филармониядаги руҳият, кайфият эса асрлар оша буюк ижодкор билан мулоқот қилаётгандек ҳис уйғотади кишида. Телевидение орқали кўрсатиладиган театр спектакли, симфоник концерт ёки музейлар ва архитектура ёдгорликлари, табиат манзараларига бағишланган кўрсатувларда асар жозибаси анча камаяди.

Картиналар галереяси дурдоналарини, машҳур музейлар осор-атиқаларини оммалаштириш ниятида ҳар хил китоб-альбомлар нашр этилмоқда, телефильмлар, телекўрсатувлар эфирга узатилмоқда. Видеодисклар сотувга чиқарилмоқда. Лекин улар ҳеч қачон галерея ва музейга бориб бевосита асар билан алоқа боғлашнинг ўрнини боса олмайди. Жонли мулоқот ва ноёблик йўқолган жойда санъатнинг муқаддаслиги, сеҳри ҳам йўқолади. Юксак маданиятнинг оммавийлашуви қанчалик унинг жозибасини камайтирар экан, оммавий маданият маҳсулотлари ҳақида нима дейиш мумкин? Улар нафақат ноёб ва оригинал эмас, билъакс, сеҳр ва муқаддаслик жозибасидан тўла маҳрум.

Айни пайтда, алоҳида таъкидлаш лозимки, дунёнинг барча машҳур галереяларига, музейларига боришнинг, машҳур театрлар спектаклларини бевосита кўришнинг, дунёдаги етакчи симфоник, камер оркестрларининг жонли ижросини эшитишнинг иложи йўқ. Шу сабабдан ТВ орқали уларнинг кўрсатилиши, альбомлар, ДВД дисклар, буклет ва бошқа воситалар орқали юксак маданиятнинг оммалаштирилиши бу кемтикни тўлдиради. Кишида мазкур дурдоналар тўғрисида анча-мунча тасаввур ҳосил қилади. Агар у кўрган, эшитган асарлар, уларнинг муаллифлари ижодининг хусусиятлари, услуби, санъатга олиб кирган янгиликлари тўғрисида илмий-оммабоп, илмий-танқидий ва маҳсус мақолалар, рисоаларни ўқиган, санъатдан хабардор киши бўлса, нусхалардан ва телекўрсатувлардан олган улар тўғрисидаги тассуроти, тасаввурлари анча бой ва теран бўлиши аниқ. Ушбу жиҳатдан юксак маданиятнинг оммалашуви улкан маърифий аҳамиятга эга.

Ғарб мамлакатларида узлуксиз давом этган сиёсий, иқтисодий, мафкуравий, ижтимоий-синфий курашлар,

турли гуруҳларнинг ҳокимиятга интилиб, ўзаро олиб борган рақобати аста-секин конун устуворлиги тамойили ва демократик меъёрлар, қоидалар қарор топишига олиб келди. Демократия тизимининг ривожланиши сайловчилар овози учун курашни авж олдирди. Шунга мувофиқ, омма онгига таъсир кўрсатиш усуллари такомиллашди. Маҳсулот рекламаси билан бир қаторда сиёсий реклама ва ташвиқот ривож топиб, ранг-баранглик касб этди. Номзодларни қўллаб-қувватлаб реклама мазмунидаги сиёсий роликлар, буклетлар, плакатлар, баннерлар чиқарилиши, оммавий концерт ва акциялар ўтказилиши русум бўлди. Булар бари Ғарб оммавий маданиятининг узвий таркибий қисмига айланди.

Шу сабабдан З.Бжезинский, Д.Макдональд, Г.Гэнс, М.Маклюэн ва бошқалар оммавий маданият шахс ривожланишида ва демократик сиёсий институтлар қарор топишида ижобий роль ўйнашини ҳар томонлама асослашга уринди. Д.Белл оммавий маданият туфайли АҚШда мафкуравийликдан ҳоли ғоялар, образлар ва кўнгилхушлик қилишнинг барчага баравар тизими вужудга келаётганини бундан ярим аср бурун эътироф этган эди. Чунки оммавий маданият маҳсулотлари муайян бир табақага, синфга эмас, балки жамиятнинг барча аъзоларига мўлжалланган. Ушбу ҳолат оммавий маданиятга демократик хусусият бағишлашини кўпчилик олимлар қайд этадилар.

Ғарбнинг баъзи олимлари эса уни тўлиқ оқлаб, универсал аҳамиятини, ҳозирги замон жамиятидаги етакчилигини, демократик характерини, ижтимоий тенгликни ифодалашини эътироф этади. Ғарбнинг бошқа бир гуруҳ олимлари бу фикрга қўшилган ҳолда, оммавий маданиятни қаттиқ танқид остига олмоқда. Яна бир гуруҳ олимлар унинг кучли ва заиф, ижобий ва салбий жиҳатларини баравар ёритишга уринмоқда.

Кейинги йилларда ушбу ижтимоий ҳодисани ҳимоя қилиш, оқлаш тенденцияси тадқиқотчилар орасида кучайиб бораётир. Аммо масалага бирёклама ёндашиб бўлмайди. Масала ҳақиқатан анча мураккаб. Чунки оммавий маданият кўпқиррали, ранг-баранг, зиддиятли ҳодисадир. У жамият ҳаётининг барча соҳаларини – сиёсат ва давлат идоралари, жамоат ташкилотлари фаолиятидан

то фуқароларнинг дам олиши, бўш вақтини ўтказиши-гача, ишлаб чиқаришдан – истеъмолгача, давлат бошлиқларининг норасмий «галстукларсиз» учрашувларидан – оддий одамларнинг туристик саёҳатларигача кириб борган. Туризм – оммавий маданиятнинг бир туридир.

Оммавий маданият одамлар ҳаётининг аксарият эҳтёжларини таъминлаши билан умуман олганда ижобий роль ўйнайди. Уларни давр ва жамият талабларига мослаштиради. Масалан, X аср – Беруний даври одами XV асрга Навоий даврига келиб қолса, жуда ҳайратга тушмас, кундалик ҳаётда унчалик қийналмас, чунки онги, тафаккури, ҳиссиёти, дунёқараши, ҳаётий кўникмалари, маданий эҳтиёжлари ва савияси жамият талабларига кўп жиҳатдан мос келарди. Лекин XX аср бошларида яшаган киши XXI асрга келиб қолса, ўта ҳайратга тушар, шошиб қоларди. Жамият ҳаёти суръатларига, транспорт оқимиغا, замонавий телекоммуникацияларга, ахборотга, моддий ва маънавий истеъмолга мослашишда жуда қийналарди.

Телевизордан, радиодан, магнитофондан, уяли телефондан, компьютердан, электрон почтадан, интернет магазиндан ва софтвер хизмат турларидан фойдаланишни билмайдиган, мотоцикл, автомобиль, самолёт каби транспорт воситалари, космик кемалар, сунъий йўлдошлар, мобиль интернет, маиший электротехник буюмлар ҳақида тасаввурга эга бўлмаган инсон ҳозирги жамиятга, унинг талабларига, одамлар ўртасидаги замонавий алоқаларга, мулоқотга мослаша олмайди. Шу сабабдан оммавий маданият ҳозирги замон одами яратувчисидир. У инсонни жамиятга мослаштириб, адаптацион вазифани бажаради.

Замонавий истеъмол, турмуш тарзи, яшаш сифати, маиший қулайликлар, ТВ, радио, интернет, ОКВ, электрон алоқа турлари ва шакллари кўпроқ оммавий маданиятга мансубдир. Уларнинг бир қисми юксак ва оммавий маданият диффузияси, яъни бир-бирининг таркибига кириб бориши натижасидир. Баъзи бир демократик сиёсий ва фуқаролик институтлари, айрим демократик қоида, меъёрлар ва амалиёт, фуқароларнинг давлат идоралари, жумладан, олий давлат органлари билан компьютер ва электрон воситалар орқали алоқа қилиши, таклиф ва

мулоҳазаларини билдириши, электрон парламентлар ва ҳукуматларнинг ташкил этилиши ҳам оммавий коммуникация воситалари ва у туфайли вужудга келган замонавий оммавий сиёсий маданият билан боғлиқ ҳодисалардир.

Жисмоний ва юридик шахсларнинг электрон воситалар ёрдамида ҳар хил буюртмалар бериши, савдо-сотик қилиши, солиқ ва турли тўловларни амалга ошириши, молиявий ва статистик ҳисоботларни (жисмоний шахслар даромадлари ҳақидаги декларацияларни) тегишли идораларга топшириши ҳам замонавий оммавий маданиятнинг иқтисодий-ижтимоий шакллари дир. Бугун банк ва биржа операцияларининг барча турлари масофадан электрон воситалар орқали амалга оширилиши, ҳар хил шартномалар имзоланиши мумкин.

Электрон кутубхоналардан, интернетга уланган дунёнинг истаган кутубхонаси, архиви, музейи ва бошқа маданий, илмий муассасасидан керакли ахборотни олиш имконияти, масофадан ўқитиш, илмий ва амалий конференциялар ўтказиш – булар ҳаммаси ахборот ва маданиятнинг оммалашувига даҳлдордир. Бу, шунингдек, оммавий маданиятнинг баъзи кўринишлари юксак маданиятдан тобора кам фарқ қила бошлаганидан ҳамда унинг инсон ҳаёти ва фаолиятининг янгидан-янги соҳаларига кириб бориши давом этаётганидан далолатдир.

Маданият оммалашуви жараёнида элитар ва оммавий маданиятлар ўзаро бир-бирига таъсир кўрсатиб, баъзи ҳолларда ўртачалашган маданият вужудга келиши мумкин. Айниқса, ўрта синфнинг турмуш тарзи, маиший ҳаёти, кизиқишлар доираси, истеъмол қиладиган моддий ва маданий буюмлари бунга мисол бўла олади. Жамият ривожланиши жараёнида бир замонлар элитар маданиятга мансуб ҳодисалар оммавий маданият унсурига айланади. Масалан, бундан икки-уч аср муқаддам саводхон киши жамиятнинг юқори табақаларига мансуб ҳисобланган. Жилла курса, руҳонийлар ёки ижодкор зиёлилар қаторига киритилган. Эндиликда ривожланган мамлакатларда бутун аҳоли ёппасига саводхон.

Лекин оммавий маданият инсонга кўплаб қулайликлар яратиши билан бирга, унинг онгига зиддиятли, айрим ҳолларда анча салбий таъсир кўрсатади. Оммавий мада-

ният маҳсулотлари одамларнинг истеъмол эҳтиёжларини қондирса-да, уларнинг маънавий дунёси ривожланишига кам таъсир кўрсатишини адабиёт ва санъат асарлари ми-солида кўриб чиқиш мумкин.

Маълумки, юксак адабиёт ва санъат асарлари уч хил ижтимоий вазифани бажаради: 1) оламни образли би-лиш; 2) одамларнинг эстетик эҳтиёжларини қондириш; 3) тарбиялаш. Адабиёт ва санъатнинг предмети – инсон, унинг ички дунёси, тафаккур ва туйғулар олами, ҳаётга, воқеликка муносабати, руҳий кечинмалари ва ҳ.к. Бади-ий асар орқали инсон табиат, жамият тўғрисидаги, ўзи, ҳаётининг мазмуни, маъноси ҳақидаги тасаввурларини, билимларини бойитади, ранглар, оҳанглар, туйғулар, руҳият кечинмалари хилма-хиллигини, нозиклигини, инжа жилоларини, ўзининг яратувчилик салоҳиятини кашф этади ва ривожлантиради. Ойбекнинг «Навоий», Одил Ёкубовнинг «Улуғбек хазинаси», Пиримкул Қоди-ровнинг «Юлдузли тунлар» романлари китобхонга тему-рийлар даврини, буюк аждодларимиз сиймосини, улар-нинг замондошлари, ўша даврдаги халқимиз турмуши, ўй-фикрлари, орзу-армонлари тўғрисида аниқ тасаввур қилиш даражасида билим беради. Балки ушбу романлар-да баъзи бир тарихий фактлар, деталлар чалкаштирилган-дир, кўпчилик образлар, воқеалар, мулоқот ва баҳслар эса ўйлаб топилган, адибларимиз фантазияси маҳсулидир, лекин айти пайтда улар кенг маънодаги тарихий ҳа-қиқатга мос ва оддий китобхонга ўша давр воқеаларига бағишланган тарихий асарларга нисбатан аниқроқ ва кўпроқ билим беради. XX аср бошлари ва Биринчи жаҳон уруши пайтидаги Тошкентдаги одамлар ҳаёти тўғрисида қайси илмий асар Ғафур Ғуломнинг «Шум бола» қиссаси ва «Менинг ўғригина болам» ҳикоясича билим бера ола-ди. Юксак санъат кишига, шундай қилиб, кўпдан-кўп билимлар беради.

Оламни конкрет образли билишда қанчалик буюк аҳамият касб этмасин, адабиёт ва санъатнинг бош ва-зифаси, албатта, одамларнинг эстетик эҳтиёжларини қондиришдир. Инсон – эҳтиёжлари узлуксиз ривожлана-диган мавжудот. Айнан ушбу хусусият уни ҳайвонот ола-мидан ажратиб олган ва одамга айлантирган. Ҳайвонот

оламида биологик эҳтиёжлардан, яъни яшаш ва насл қолдиришдан ташқари эҳтиёжлар йўқ.

Одамларда эса биологик эҳтиёжлардан ташқари турфа хил ижтимоий эҳтиёжлар мавжуд. Улар авлоддан авлодга, бир авлод умри давомида ҳам йилдан-йилга ортиб ва ўсиб боради. Бир эҳтиёжнинг қондирилиши, янги, янада юксакроқ эҳтиёжни вужудга келтиради. Қорни тўқ, ўзини хавф-хатардан ҳоли сезган киши кўшиқ хиргойи қилгиси, рақсга тушгиси, бирор ўйинчоқ ёки буюм ясагиси, сурат чизгиси – умуман нимадандир ҳузур-ҳаловат ва завқ-шавқ олгиси келади. У қушларнинг сайрашига, сувнинг жилдирашига – табиат овозига кулоқ тутади. Гуллар ҳидидан, чиройидан, рангидан баҳра олади. Ўзи ҳам табиатга тақлидан ижод қила бошлайди: сурат чизади, ҳайкалча ясайди, куй тўқийди (санъат ана шундай туғилган). Бу жараёнда инсон табиатни, шу жумладан, ўз инсоний табиатини янада чуқурроқ ва кенгроқ билиб олади. Унинг онги, шуури, туйғулари ўткирлашади, сайқал топади. Гўзалликка интилиш, ундан завқ-шавқ туйиш, баҳра олиш, ўзининг мазкур соҳадаги яратувчилик имкониятларини амалга ошириш эҳтиёжи инсонда ҳеч қачон интиҳо топмайди, маълум бир чегарада тўхтаб қолмайди. У ушбу эҳтиёжини турли усулларда қондиради. Халқ оғзаки ижоди ва амалий безак санъати, адабиёт ва санъатнинг барча турлари, жанрлари уни қондиришга қаратилган инсоннинг махсус ижодий фаолиятидир.

Адабиёт ва санъат асарларини ўзлаштириш, юқорида таъкидланганидек, инсоннинг маънавий юксалишига, туйғулари, дунёқараши теранлашишига, нозиклашишига, эзгулик ва гўзаллик билан йўғрилишига баракали таъсир кўрсатади. Натижада, одамлар ўртасидаги муносабатлар яхшиланади, меҳр-оқибат кучаяди. Улар ўз ҳаётини, фаолиятини, муҳитини «гўзаллик қонунлари бўйича қайта ярата бошлайди», юксак идеалларни ўзлаштиради. Шундай қилиб, адабиёт ва санъат нафақат инсонга билим беради ва унинг маънавий, эстетик эҳтиёжларини қодиради, шунингдек, уни тарбиялайди, унда асл инсонийликни, эзгулик ва нафосатни шакллантиради. Аёнлашмоқдаки, адабиёт ва санъатнинг бу уч вазифаси узвий, бири-биридан ажралмасдир.

Оммавий маданият маҳсулотларида биз бундай узвийликни кўрмаймиз. Боз устига, унинг билиш, эстетик ва тарбиявий вазифалари ўта заифлашиб кетганининг, бир-биридан ажралиб қолганининг гувоҳи бўламиз. Суперизкувар, суперполициячи, суперяккакурашчи, жангари ва ҳ.к. суперларга бағишланган катта серияли (кўп жилдли) детектив ва жангари китоблар, уларни тасвирловчи, экранлаштирувчи теле- ва видеофильмлар ижобий мазмундаги қандай билим беради? Қўлбола портловчи воситалар, бомбалар тайёрлаш ёки одамларга тузоқ қўйиш, қўлга тушириш ёхуд душманлардан қандай даҳшатли ўч олишни ўргатадими? Бундай асарлар инсон туйғуларини қай даражада юксалтиради ва нозиклаштиради?

Истеъмол товари сифатида улар инсоннинг бўш вақтини тўлдиради, ахборотга, ҳордиқ чиқаришга, тинглаш ва томоша қилишга бўлган эҳтиёжини қондиришга хизмат қилади. Маънавиятига эса ижобий жиҳатдан кам таъсир кўрсатади. Айрим ҳолларда, аксинча, баъзи тубан туйғуларини, эҳтиросларини китиклаб, унда тажовузкорликни ёки нафс ва ҳирсни уйғотиши мумкин.

Оммавий маданиятга мансуб асарлар, юксак адабиёт ва санъатдан фарқли, воқеликни бадиий таҳлил қилмайди, унинг турли нозик жиҳатларини очиб бермайди. Бинобарин, теран акс эттирмайди ва ифодаламайди, балки иллюзияга асосланган, сунъий, нотабиий воқелик яратади. Уларнинг қаҳрамонлари схематик, бирёклама, зиммасига муаллиф томонидан юклатилган вазифаларни бажаришга «дастурлаштирилган», жонли инсондан кўра, кўпроқ кўғирчокқа, рамзга, мажозга ўхшайди. У ўйинчоқ мисоли кишини овутади. Жан Бодрийяр оммавий маданият мазмунини ташкил этувчи тушунчавий бирликни ғоя деб эмас, балки «симулякр» деб атагани бежиз эмас. Агар ғоя воқеликнинг мавҳум тушунчавий ёки бадиий образли инъикоси бўлса, симулякр инъикоснинг воқеликдан тўлиқ узилган семантик белгиси, яъни жонли ҳаёт соясининг соясидир.

Ушбу фикр китобхонга тушунарли бўлиши учун изох талаб қилинади. Қадимги юнон файласуфи Платон (Афлотун) оламнинг бирламчи моҳияти, ҳилқати, ўзаги ғоя (лар)дир деган. Ҳар бир моддий нарса, буюм, умуман

табиат ғоянинг қайсидир бир киррасининг инъикоси, моддий акси деб ҳисоблаган. Ғоя абадий ва ўлмас, унинг конкрет-моддий акси эса ўткинчи. Мева ғояси олма, олча, узум ва ҳ.к. конкрет кўринишларда моддийлашади. Лекин уларнинг ҳеч бири мева ғоясини тўлиқ ифода қилолмайди. Мева ғояси табиатда илгари яшаб йўқ бўлиб кетган мева турларига ҳам, ҳозир мавжудларга ҳам, келажакда пайдо бўлиши мумкин янги турларга ҳам тааллуқли.

Табиат тегишли ғояларнинг инъикоси, сояси, одамлар томонидан англаб олинади, яъни унинг онгида акс этади. Одамларнинг онгида ҳосил бўлган тасаввур ва тушунчалар симулякрлар деб аталади. Симулякрлар инъикоснинг инъикоси, соянинг соясидир. У асл манбадан, абадий ғоядан узилган, уни шартли равишда акс эттиради, белгилайди.

Оммавий маданиятда симулякрлар ифодаляйдиган ҳар хил андозавий образлар, идеаллар, муносабатлар, ҳодисалар ёрдамида ўзига хос шартли бўрттирилган воқелик – гипервоқелик яратилади. Ҳақиқий воқелик уни ифодаловчи симулякр – образ, рамз, белги билан, ўз симуляцияси, яъни тақлиди, сароб сояси билан алмаштирилади. Айниқса, айрим клиплар, реп ва рокнинг айрим жанрлари бунга мисол бўла олади. Симулякрга нисбатан, Ж.Бодрияр фикрича, ҳақиқий ёки сохта деган баҳони қўллаб бўлмайди, чунки у воқеликдан тўлиқ ажралган. Симулякр воқелик билан эмас, балки воқелик рамзи бўлган ўзига ўхшаш бошқа белгилар (симулякрлар) билан муносабатга киришади. Шундай қилиб, воқелик уни ифодаловчи белгилар билан тўлиқ алмаштирилади. Инсон ҳақиқий воқеликда эмас, симулякрлар – сунъий рамзлар, шартли белгилар, виртуал ҳодисалар, хаёлий образлар ва схемалар оламида яшай бошлайди.

Оммавий маданиятнинг бошқа бир тури – бу тарғиботташвиқот адабиёти ва санъати асарларидир. Улар оммавий маданиятга хос барча асосий белгиларга эга: кўплаб нусхаларда кўпайтирилади, янги билим бермайди, маънавий эстетик эҳтиёжларни қондирмайди. Улар инсонни тарбиялашга эмас, балки бошқаришга, одамлар онгига тайёр хулосаларни, фикр ва ғояларни сингдиришга мўлжалланган. Шу сабабли энг қадим замонларданок

тарғибот-ташвиқот асарлари кўплаб нусхаларда ишлаб чиқарилган. Масалан, қадимги Нахшаб (Қарши) жойлашган Ерқўрғонда олиб борилган қазилмалар пайтида антик даврга оид аҳоли сиғинадиган баъзи маъбудлар сопол ҳайкалчаларининг қолиплари топилди. Демак, улар оммавий нусхаларда ишлаб чиқилган. Қадимги Юнонистонда ҳам баъзан айрим худолар ҳайкали мис ва бронзадан бир неча нусхаларда қолиплар ёрдамида куйилиб, турли шаҳарлар ибодатхоналарида ўрнатилган.

Замонавий рекламанинг барча турлари ва шакллари оммавий маданиятнинг ёрқин намуналаридир. Нафақат жаҳон бозоридаги, етакчи биржалардаги аҳвол, товарлар ва хизматлар тўғрисида, шунингдек, сиёсий партиялар, уларнинг номзодлари тўғрисида ҳам телероликлар, ТВ ва матбуотда материаллар, ахборотлар берилади, плакатлар, буклетлар, баннерлар чиқарилади, оммавий тадбирлар, акциялар, дастурлар презентацияси ўтказилади. Бир сўз билан айтганда, сиёсий реклама ёрдамида сайловчилар овози учун кураш олиб борилади. Одамларнинг онги авваламбор тарғибот-ташвиқот адабиёти, реклама, кўнгилочар оммавий тадбирлар (шоулар) орқали бошқарилади. Тарғибот-ташвиқот адабиёти ва санъати янги маиший – эстетик билим (ахборот) бермаслиги баробарида мавжуд ахборотдан, далиллардан ўзига кераклиларини танлаб, уларни муайян сиёсий ва мафкуравий манфаатларни кўзлаб ноҳолис, бирёклама талқин қилади. Зарур ҳолларда, ҳақиқатга зид хулосалар чиқаради. Ҳатто оқни қора, қорани оқ, деб кўрсатиш учраб туради.

Сайловчилар овози учун турли сиёсий гуруҳлар, партиялар ўртасида курашнинг кучайиши, иқтисодий рақобат билан бир қаторда, омма онгига, дидига ва қарашларига, қабул қиладиган амалий қарорлари қандай бўлишига таъсир кўрсатиш усулларини такомиллаштирмоқда. Сиёсий ҳаётда ҳам оммавий маданият сунъий гипервоқеликни яратмоқда. Бу, айниқса, инсон ҳуқуқларини таъминлаш ва демократия тушунчасини талқин қилишда, ушбу масалалар бўйича ижтимоий фикр билан манипуляция қилишда яққол сезилмоқда. Сайловда мағлуб бўлган партиялар рақибларининг чет эл билан, айниқса, сиёсий муҳолиф давлатлар билан тил бириктиришида, ўз хакерлари

ёрдамида унга ракибига оид махфий ахборотни олишда ёрдам берганликда айбламоқда. АҚШда Трампнинг президентликка сайланиши айнан шундай талқин қилинди. Бу, аслида, сиёсий курашда ахлоқ тушунчалари деформацияга учраётганини кўрсатади.

Жамият ривожланиши жараёнида технологик имкониятлар каторида ўрта синфнинг моддий-иқтисодий салоҳияти ортмоқда. Бу ўзига тўқ одамлар оммавий серияли маҳсулотларни эмас, балки буюртма бериб кўнглига, дидига мос эксклюзив маҳсулотларни истеъмол қилишига шароит яратмоқда. Ўз вақтида Э.Тоффлер ушбу ҳолат орқали оммавийлик ва андозавийлик келажакда енгиб ўтилади, маданият оммавийсизланади, дея башорат қилган эди. Орадан ўтган салкам 40 йиллик вақт замонавий руҳдаги эксклюзив маҳсулотлар сифат жиҳатидан серияли маҳсулотларга нисбатан анча дуруст бўлса-да, ғоявий, фалсафий мазмуни, ижтимоий вазифалари жиҳатидан улардан кам фарқ қилишини кўрсатди. Чунки эксклюзив маҳсулот ҳам замонавий модага мос бўлиши лозим.

Баъзи олимларнинг яқин келажакда дунёдаги кўплаб сиёсий, ижтимоий, диний ва бошқа зиддиятлар орта қолади, чунки ҳар бир шахс АКВ ёрдамида ўзига маъқул индивидуал воқелигини яратиб олади, деган башоратларига ҳам ишониш қийин. Чунки жамият ҳаёти алоҳида олинган одамларнинг индивидуал дунёси, ҳаёти йиғиндисидан иборат эмас. Одамларнинг индивидуал ҳаёти жамият ҳаётининг фақат бир кичик қисми, холос. Жамиятни-ку қўя турайлик, ҳатто бир оиланинг турмуши, оилавий иқтисодий, ижтимоий, маданий-маиший, тарбиявий ва бошқа эҳтиёжлари унинг алоҳида олинган аъзолари эҳтиёжлари йиғиндиси эмас, балки янги, сифат жиҳатдан юқорироқ ташкиллашган социум эҳтиёжларидир. Оила тўрт-беш киши яшайдиган умумий ётоқхона эмас, балки муштарак ижтимоий организмдирки, унинг ўз яшаш ва фаолият кўрсатиш қонуниятлари бор.

Жамият – оилага нисбатан ниҳоятда мураккаб, кўптармоқли ва кўпқатламли тузилма. Биргина иқтисодиётни олсак, унинг қанчалар тармоқлари, соҳалари борлигига, ранг-баранг институтлардан ташкил топганига амин бўламиз: ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш, тақсимот,

алмашув, истеъмом, молия-кредит, солиқ-бюджет ва ҳ.к. Ишлаб чиқаришнинг ўзи саноат ва қишлоқ хўжалигининг минглаб турларига бўлинади. Бундан ташқари, логистика масалаларини ҳал қилиш – корхоналарга хомашё, бутловчи қисмлар етказиб бериш, тайёр маҳсулотларни олиб чиқиш ва истеъмомчиларга етказиш лозим. Уларнинг ҳеч бири ўз-ўзидан фаолият юритмайди, индивидуал характерга эга эмас. Балки одамлар томонидан ишлатилади ва уларнинг ўзаро хилма-хил, мураккаб, зиддиятлардан ҳоли бўлмаган алоқаларга киришишини тақозо этади. Бошқача айтганда, ишлаб чиқариш, умуман иқтисодиёт, жамият ҳаётининг бошқа соҳалари каби, индивидуал эмас, балки ижтимоий характерга эга. Жамият ҳаётининг ҳар бир соҳаси, йўналиши ўзига хос мураккаб тузилма. Уларнинг фаолият кўрсатиши алоҳида олинган инсонлар ҳаракати йиғиндисини эмас, у ўзаро мувофиқлашган, уйғунлашган жамоавий ҳаракатни, турли тармоқларда меҳнат қилаётган жамоалар фаолиятининг ўзаро мувофиқ юритилишини тақозо этади.

Одамларнинг турмуши ва фаолияти, шундай қилиб, нафақат индивидуал, шунингдек, ижтимоий (жамоавий) характерга эга. Аслида мустақил индивидуал ҳаёт бошлашидан аввал инсон боласи оилада вояга етади, ота-онаси қарамоғида бўлади, яъни унинг ҳаёти аввалбошданок жамоавий ҳаётнинг бир бўлагидир. Боғча ва мактабдан бошлаб бола ҳаётига жамият аралаша бошлайди. Ишлаб чиқариш (ҳам моддий, ҳам маънавий) эса, вужудга келганидан то шу давргача ижтимоий (жамоавий) моҳиятини сақлаб қолган. Бундан кейин ҳам шундай бўлади. Фақат унинг технологик усуллари, ташкилий шакллари ўзгаради.

Ҳозирги замон цивилизацияси шароитида рақамли технологиялар ва АКВ орқали *кимдир ўзининг реал ҳаётдан, бошқалардан ажралиб турадиган сунъий воқелигини яратиб олганида ҳам, бу унинг ҳаётининг фақат бир қисми, меҳнат фаолиятидан кейинги қисми бўлиб қолаверади.* Юқорида айтилганлардан ойдинлашадикки, оммавий маданият ва замонавий ахборот коммуникация воситалари яратадиган сунъий воқелик реал воқеликни бекор қилолмайди. Бинобарин, жамият ҳаётидаги зиддиятлар тўлиқ йўқолмайди. Фақат турмуш ва тараққиёт хусусият-

ларидан келиб чиқиб янгиланиб, баъзан мўътадиллашиб – камайиб, баъзан ўткирлашиб – кўпайиб туради.

Ўтган асрнинг 60-йилларида машхур америкалик социолог Д.Белл оммавий маданият муайян табақаларга, синфларга эмас, барчага мўлжаллангани учун у мафкуравийликдан ҳоли ҳамма учун умумий ғоялар, образлар, кўнгилочар маҳсулотлар тизимини яратиши тўғрисида олға сурган фикрини фақат нисбатан ва қисман тўғри дейиш мумкин. Буни ўтган давр амалиёти анча-мунча тасдиқлади. Аммо, умуман олганда, оммавий маданият шаклан мафкуравийсизлашган бўлса-да, одамлар онгини бошқаришига, «бир ўлчовли», конформист, лоқайд одамларни ҳамда виртуал ахборот, алоқа, электрон ўйинлар, компьютер ва мусиқа бандиларига (асирларига) айланган ёшларни, жамиятда истеъмолчилик психологиясини шакллантиришига кўра, мавжуд сиёсий тузумга ва ҳукмрон синфларга хизмат қилади. Бу Ғарб олимлари томонидан кўплаб марта қайд этилган ва далилланган. Оммавий маданиятнинг деидеологизациялашуви, яъни мафкурасизлашуви нисбий характерга эга, кўпроқ унинг ички теран ижтимоий функционал оқибатларига эмас, балки ташқи жиҳатларига – шаклига ва юзаки утилитар, амалий вазифаларига тааллуқли.

Глобаллашув ва ахборот технологиялари тез ривожланаётган бугунги кунда Ғарб оммавий маданияти ва тарғибот-ташвиқотининг «маданий мустамлакачилик» хуружи кучаймоқда. Замонавий цивилизация яратган оммавий коммуникация ва ахборот воситаларидан, бинобарин, улар орқали миллий чегараларни осонгина босиб ўтиб, жаҳон бўйлаб тарқалаётган оммавий маданиятнинг инсонга салбий таъсир кўрсатувчи айрим маҳсулотларидан иҳоталаниб бўлмайди. Бу эса аҳолида, айниқса, ёшларда мафкуравий ва маънавий-маданий иммунитетни ҳосил қилишни ўта долзарб муаммога айлантиради.

Биз маънавий ҳаётимиз фақат замонавий цивилизация таъсирида миллийлик қиёфаси хиралашиб кетган, стандартлашган, схематик, истеъмол товарига айланган маданий маҳсулотлардангина иборат бўлиб қолмаслигининг, унда мумтоз ва замонавий юксак адабиёт, санъат асарлари муносиб ўрин эгаллашининг чорасини кўриши-

миз лозим. Аксарият ёшларда китоб ўқишга, ўзбек ва жаҳон адабиётига, санъатига қизиқиш уйғотиш, жамиятда, айниқса, таълимнинг барча босқичларида эстетик ва ахлоқий тарбия савиясини кўтариш керак.

Мафкуравий ва маънавий-маданий иммунитет чакириқлар, насихатлар, ташвиқотлар орқали эмас, балки энг аввало позитив билим бериш, уни инсоннинг ички ишончига, эътиқодига айлантириш, одамларда асл инсоний туйғуларни тарбиялаш орқали ҳосил қилинади.

Оммавий маданиятга нисбатан одамларда тўғри муносабатни шакллантириш учун унинг барча ижобий ва салбий жиҳатларини, функционал хусусиятларини холис ўрганиб, тарбия жараёнида ҳисобга олиш лозим.

8.3. Оммавий маданиятнинг ижтимоий функциялари ва инсон маънавиятига таъсири

Америкалик олимлар замонавий оммавий маданиятнинг асосий «окловчи»ларидир (албатта, америкаликлар орасида танқид қилувчилар ҳам бор). Улар ҳатто оммавий маданият аслида американча ҳодисадир, дейишади (З.Бжезинский). Европалик олимлар гўёки уларга кўшилгандек бўлади. Чунки АҚШда ҳеч қачон аристократлар маданияти бўлмаган, элитар маданият ўз илдизларига эга эмас, АҚШ мустақилликка эришгандан бошлаб эркин рақобат ва истеъмолчилик тамойиллари асосида ривожланган, деб ҳисоблашади. Бу фикрларда жон бор. Зикр этилганларга яна шуни кўшимча қилиш зарурки, Европадаги кескин синфий курашлар ҳамда Биринчи ва Иккинчи жаҳон урушларининг вайронгарчиликлари, уларга барҳам беришга катта вақт ва улкан маблағлар сарфлангани, аҳолининг бу даврда қашшоқланиб қолиб, харид қобилияти пасайиб кетгани истеъмолчиликка асосланган оммавий жамият тўлиқ шаклланишини АҚШга қараганда анча ортга сурди. Аксинча, оммавий ишлаб чиқариладиган нархи арзон американча кўнгилочар маданий маҳсулотларга талабни оширди. Бу даврда европаликлар топган маблағнинг асосий қисмини шаҳар ва қишлоқларни, завод ва фабрикаларни тиклашга йўналтирар, маданиятга, адабиёт ва санъат ривожланишига ажратиладиган маблағлар ҳажми чекланган эди. Ҳолливудда

(АҚШ киностудиялари аксарияти жойлашган шаҳар) эса йилига бир неча юз фильмлар (кейинчалик мингдан ортиқ) яратилди.

Урушлардан кейин руҳан мажруҳ ва жисман толиққан, оч-юпун, бахтиқаро, яқинларидан айрилган одамларга гўзал орзу-ҳавасларга тўла, хаёлий бахтли турмушни кўрсатувчи, севги-муҳаббатни куйловчи асарлар зарур эди. Уруш вайронгарчиликлари ва асоратларини бартараф этиш билан овора Европа бундай маҳсулотларни етарли миқдорда ишлаб чиқара олмасди. Америка оммавий маданияти бечора европаликлар қалбига гўёки «малҳам» бўлди, динга ўхшаб рухий компенсаторлик вазифасини бажарди, уларни овутиди, хаёлот дунёсига ғарқ эттириб, турмуш ташвишларидан чалғитди, қалбида умид учкунларини чақнатди. Аста-секин аксарият олимлар, танқидчилар ўртасида ҳам оммавий маданиятга муносабат ижобий томонга силжий бошлади. Ўтган асрнинг 70-йилларидан оммавий маданиятни оқлаш бутун Ғарбда, жумладан, Европада ҳам кучайди. Бу даврга келиб Европа ўзини аллақачон тўлиқ тиклаб олган (50-йиллар ўрталарида) ва оммавий жамиятга тўлиқ ўтиб бўлган эди.

Аммо Иккинчи жаҳон урушидан кейин – XX асрнинг 50-йилларидан Европада оммавий маданиятини либерал гуманизм нуқтаи назаридан кескин танқид қилиш бошланди (Фромм, Хоркхаймер, Адорно, Бенъямин, Моран, Веблен, Рисмен, Маркузе ва бошқалар). Бу Европа илмий анъаналарига, аҳолиси психологиясига мос эди. Чунки Европада бир ярим аср илгари – XVIII аср охиридан буржуа жамиятини, у билан боғлиқ ижтимоий ҳодисаларни, инсон эксплуатациясини танқид қилиш илғор зиёлилар орасида кенг тарқалган эди. XIX аср давомида бадиий адабиётда ва санъатда, ижтимоий-сиёсий фанларда капиталистик жамият иллатлари аёвсиз фош этилди. Ҳатто XIX аср адабиётининг етакчи бадиий усули танқидий реализм, деб аталади.

Европанинг аксарият ижодкор зиёлилари ишчилар ва халқ оммасининг инқилобий курашига хайрихоҳ эди. Улар эзгулик, инсонпарварлик ва адолат туйғуларидан келиб чиқиб, эзилган ва жабрдийда халқ томонида турарди.

XIX аср ижодкорлари социалистик таълимотлардан анчамунча хабардор эдилар. Бу таълимотлардан айрим радикал (анархистик, коммунистик ва социал-демократик) характердагилари уларни чўчитса-да, утопик ва мўътадил мазмундагилари уларда хайрихоҳлик уйғотганди.

XX аср ўрталарига келиб танқидий руҳ ва муносабат, мафкуравий плюрализм, муқобиллик ва муҳолифлик Европа ижтимоий фикрининг ажралмас бўлагига айланган эди. XX аср европалик либерал гуманистларининг кўпчилиги, айниқса, биринчи авлоди ёшлик йиллари марксизмнинг маълум даражада таъсирида бўлиб улгурган эди. Мисол тариқасида Макс Вебер каби атоқли немис социологини, ёки Франкфурт мактаби вакилларини келтириш мумкин.

Либерал гуманистлар оммавий маданиятни аҳоли онгини бошқариш, шахсни маънавий қарамликда сақлаш, одамларни ўзаро бегоналаштириш, зулм ўтказиш воситаси, дея баҳолади. Уларни қўллаб-қувватловчилар турли илмий йўналишларга оид олимлар орасида кам эмас эди. Ҳозир ҳам бу фикрларни қўллаб-қувватловчи танқидчилар оз эмас. Шу ўринда уларнинг айрим баҳоларини эслаш мақсадга мувофиқ: сароб бахт мафкураси (Моран), шахс ҳаракатини ташқаридан бошқариш (Рисмен), «бир ўлчовли инсон»ни шакллантириш (Маркузе), эрзац-туйғуларнинг (ясама, сохта туйғуларнинг) мафтункор олами (Веблен), бир тусли кийимдаги, бирхиллашган ва бирхиллаштирувчи, тез алмашинадиган тузилма (Корнхаузер), бегоналашувнинг одми компенсацияси (Фромм), «оммавий» инсонни стандартлаштириш ва конформлаштириш, яъни мавжуд тузумга нисбатан норозилик туйғусидан маҳрум этиш (Миллс), клип-маданият (Тоффлер).

Ҳали интернет тармоғи, замонавий ДВД, «уяли» алоқа ва баъзи ахборот технологиялари кашф этилмаган 60-йилларда француз социологи А.Моль бундай деб ёзган эди: «Бугун оддий ишчи ақлини «тўлдириш»да унинг метро афишасида ўқигани, радиодан тинглагани, кино ёки телевизорда кўргани, ишга кетаётганда газетада кўзи тушган ахборот ёки ҳамкасблари, кўни-қўшиларидан эшитгани кўпроқ роль ўйнайди; мактабдан эса ярим-

унут бўлган тушунчалар қолади, холос»¹. Эндиликда-чи? Компьютер ва интернет замонида IT ёрдамида аҳоли онгини бошқариш, «маъқул бўлмаган» мамлакатларда ижтимоий-сиёсий барқарорликни издан чиқариш, ҳатто рангли инқилоблар ва давлат тўнтаришлари қилиш имкониятлари пайдо бўлди. Буни 2011 йили қатор араб давлатларида юз берган воқеалар тасдиқлайди. Ушанда Интернет орқали ғалаёнчиларнинг ҳаракатлари мувофиқлаштирилган эди.² «Бизнинг давримизда билимлар асосан таълим тизими орқали эмас, балки ОАВ орқали шаклланади», деганида А.Моль ҳақ эди. Бунга қўшимча қилиб «онги ҳам бошқарилади» дейиш мумкин.

60-йилларнинг иккинчи ярми ва 70-йиллардан бошлаб Ғарб ёшларининг «иккиюзламачи» буржуа маданиятига қарши норозилигини, ўзига хос исёнкорлигини ифодаловчи субмаданият юзага келди. Унга Ғарб олимлари «контркультура» («қаршимаданият») деган ном берди. Қаршимаданият АҚШда кўпроқ Вьетнам урушига, ирқий нотенгликка, одамларнинг ўзаро бегоналашувиغا, бюрократизмга қарши йўналтирилган эди. Ғарбий Европа мамлакатларида эса у буржуа ахлоқининг, оила ва никоҳ меъёрларининг «иккиюзламачилиги»га, эркин жинсий алоқаларнинг тақиқланишига, молпарастлик ва ҳашаматли бой турмуш тарзига ҳамда давлат сиёсатидаги икки хил стандартларга қарши қаратилди. 1968 йилда юз берган талабалар ғалаёни оқибатида Франция президенти де Голь истефога чиқишга (1969) мажбур бўлди.

Ёшлар норозилик ҳаракатининг ўз назариячилари, тақлид учун намунага айланган «дохий»лари бор эди. Биз юқорида номларини тилга олган Ч.Миллс, Т.Адорно, Г.Маркузе, Ю.Хабермас каби файласуф ва социологлар шундай назариячилар эди. Олимларнинг фикрича, постиндустриал жамият марксистик тушунчадаги синфий курашлар, синфий инқилобларни инкор қилади. Энди жамиятнинг асосий инқилобий кучи пролетариат эмас, балки люмпенлар, турли маргинал қатламлар, айниқса,

¹ А. Моль. Социодинамика культуры. – М.: 1973. 45-б.

² Ўша асар, 45-б.

ёшлардир, деган гоъларни олға сурувчи «янги сўллар» тўғрисидаги таълимотни яратишга уриндилар.

Францияда чиқадиган «Тель-кель» журнали ва ёшларга мўлжалланган бошқа нашрларнинг муаллифлари уларга кўшилиб, ҳақиқатан, ҳозирги шароитда жамиятни инқилобий янгиловчи куч – бу ёшлардир, энди анъанавий тушунчадаги сиёсий инқилоблар даври ўтди, деган фикрни олға сурди. Сиёсий инқилоблар ўрнини барча соҳаларда – тилда, инсонлараро муносабатда, бадий тасвир ва ифода воситаларида, кўнгилхушлиқда ва ҳоказоларда онгли равишда амалга ошириладиган инқилоблар яшаш эгаллаши керак, мавжуд меъёрлар ва қоидалардан воз кечиш лозим. Ёшлар ўз ғоявий раҳнамолари сифатида сиёсий экстремизм назариячиси француз Р.Дебре ва сиёсий зўравонликни бирдан-бир мақсад, деб эълон қилган Ф.Фанонни тан олди.

Одатдагидек, назариячилар олға сурган ижтимоий-сиёсий, ахлоқий-эстетик ғоялар амалиётчилар томонидан янада бузиб талқин этилди, мавжуд тузумни ва барча анъанавий қадриятларни тўлиқ инкор этиб, тугал нигилизмга ва бемаънилиқка айланди. Улар лисоний, ахлоқий, айниқса, сексуал инқилоб яшаш, ёшларнинг турли хил коммуналарини яратиш, наркоманияни ёйиш «буржуа дунёқараши, онги»ни енгишнинг, инсонга ҳақиқий эркинлик ато этишнинг асосий йўлидир, дея ёшларни чалғитди.

Фидель Кастронинг яқин сафдоши, Куба инқилобининг доҳийларидан бири, асли аргентиналик Че Гевара «инқилобий ёшлар»нинг рамзий идеалига айланди. Ёшлар, талабалар ғалаёнларининг иштирокчилари Че Гевара сурати туширилган «футболка»ларни кийиб олиб кўчаларда оммавий тартибсизликни бошлади. Ғалаёнлар тингач эса норозилик бошқача кўринишларда давом этди. 60-йиллар охирида «хиппи», 70-йилларда «панклар» ҳаракати вужудга келди; ушбу феномен 80-йиллар охирида бир муддат яна жонланди. Улар ҳар қандай ахлоқий меъёрларни, ҳатто гигиеник қоидаларни рад этиб, гўёки «табiiй» ҳаёт кечира бошладилар. Оқибатда, қаршимаданият (контркультура) аксилмаданиятга (антикультурага) айланди. Аксилмаданият унсурлари оммавий

маданиятга таъсир кўрсатди, чунки шахвоний сахналарни ва шу каби инсоннинг ҳайвоний табиатини очик кўрсатадиган кино, видео ва босма маҳсулотлар легаллашиб олди ва эгаларига катта даромад келтира бошлади. «Сексуал инқилоб», охир-окибатда, гуруҳий никоҳга асосланган «шведча оилалар» ва бир жинсли никоҳларга асосланган оилалар пайдо бўлишига, гей-парадлар ва шу каби ҳодисаларга йўл очди.

Қаршимаданият ва аксилмаданиятнинг ижобий мазмундаги маданиятга, жумладан, оммавий маданиятга бевосита алоқаси йўқ. Аслида улар Ғарб жамиятининг маънавий инкирозига тажрибасиз ёшларнинг ғўрларча ноадекват норозилиги натижасидир. Уни маданиятлар интерференцияси, яъни бир-бирига сўндирувчи таъсир кўрсатиш тенденцияси сифатида баҳолаш мумкин. Қаршимаданият ва аксилмаданият бугун тарих сахнасидан тушиб кетди. Бошқача бўлиши мумкин эмас эди. Аммо уларнинг баъзи унсурларидан бойлик орттириш илинжида бўлган корчалонлар ҳамон фойдаланмоқда. Ғарб мамлакатлари йирик шаҳарларида секс-шоплар, топлес-барлар, стриптиз-клублар (шу жумладан аёллар учун), гей-клублар анча илдиз отиб кетди. Порноиндустрия вужудга келди. Уларнинг оммавий маданиятга бевосита алоқаси йўқлигини яна бир бор эслатмоқчимиз. Улар оммавий маданиятни ўзига ниқоб қилиб олганлар, холос.

Бугун оммавий маданиятнинг глобаллашув тенденцияси кучайиб, бутун дунёда, айниқса, ривожланаётган мамлакатларда «маданий мустамлакачилик» функцияси ортиб бормоқда. Американча оммавий маданиятнинг халқаро вазифаси сифатида буни З.Бжезинский ҳам қайд этади. Олимнинг фикрича, американча оммавий маданиятни жозибадор қиладиган омиллар унинг демократизми ва ижтимоий тенгликни ифодалашидир. Бу маданиятни тўхтатишнинг иложи йўқ, у бутун жаҳон бўйлаб тарқалмоқда ва американча турмуш тарзининг, демократик ғояларнинг устунлигини гўёки «тасдиқламоқда». З. Бжезинский мулоҳазаларидан кўриниб турибдики, оммавий маданият Ғарб, биринчи навбатда, АҚШ манфаатларини ифодалайди ва ўзига хос «маданий босқинчилик»ни амалга оширади. Амалда шундай бўлмоқда. Ҳатто Европа мам-

лакатлари олимлари ва сиёсатчилари бундан ташвишга тушиб қолди. Европа мамлакатларида намойиш этилаётган фильмларнинг учдан икки қисми Ҳолливудда ишлаб чиқарилган. Баъзи мамлакатларда америка фильмлари 80–85 фоиз экран вақтини эгаллаб олган.

Бироқ оммавий маданиятга бирёқлама ёндашмаслик даркор. Унда камчиликлардан ташқари, ижобий жиҳатлар бор. Ҳозирги замон шароитида у бир қатор ижтимоий вазифаларни адо этадики, бу унинг маданий ҳаётда етакчилик қилишини, асосий роль ўйнашини, универсал ижтимоий ҳодисага айланишини белгилайди. А.Костина илм-фандаги мавжуд фикрларни умумлаштириб, оммавий маданиятнинг куйидаги функцияларини алоҳида ажратиб кўрсатади: 1) одамларни жамият талабларига, турмуш тарзига, мавжуд воқеликка мослаштириш, яъни адаптацион функция яратиш; 2) иллюзиялар (хаёлий орзулар) маконини яратиш; 3) ҳимоялаш ва рекреацион (ҳордиғини чиқариш ва ўйин билан банд қилиш) механизмини яратиш; 4) истеъмолчилик мафқурасини шакллантириш тизимини яратиш.

Уларнинг ҳар бирини алоҳида таҳлил қилиб ўтирмаймиз, чунки бу кўп вақтни ва жойни эгаллайди, шу боис алоҳида суҳбатни талаб қилади. Биз улар ҳақда ўрнига қараб, қисқача фикр билдириш билан чекланамиз. Қолаверса, оммавий маданиятнинг адаптацион ва иллюзиялар (хаёлот) оламини яратиш, компенсаторлик вазифасини бажариши тўғрисида юқорида қисман гапирилди. Ўқувчининг ўзи уларни ҳаётий тажрибаси ва шахсий кузатишларидан келиб чиқиб янада тўлдириши ва ривожлантириши мумкин.

Оммавий маданиятнинг кўплаб бошқа, конкрет функциялари ҳам бор. Уларнинг ҳар бири тўғрисида анча фикр юритиш, турли вазиятларда турлича намоён бўлиши, инсон ва жамиятга таъсир кўрсатишини очиб бериш мумкин. Баъзи ҳолларда жамиятда қандай қилиб сунъий равишда оммавий психозлар, ҳар хил ксенофобиялар ОАВ ва сиёсий технологиялар орқали вужудга келтирилиши ҳақида гапириб мумкин. Лекин биз юқорида айтилганлар билан чекланиб, фақат бир нарсани қўшимча қилмоқчимиз: замонавий ахборот технологиялари шу даражада ривожланиб кетдики, ҳатто хавфсизлик хизматлари дунё миқёсида

нафакат давлатларни, ҳатто аҳолини ҳам ёппасига назорат қилиш, одамларнинг хусусий ҳаёти ва мулоқотларини кузатиб бориш имкониятига эга бўлдилар. 2013 йил июнь ойида АҚШ махсус хизмати вакили Эдвард Сноуден бутун дунёни бу ҳақда огоҳлантириб, АҚШ махсус хизматларини бундай иш билан шуғулланаётганини фош этганини эслаш кифоя. Демак, замонавий оммавий маданиятнинг одамлар онги билан манипуляция қилиши, уни бошқариши янги техник имкониятлар ва воситалар билан бойимокда. Маълум бўлмоқдаки, кутиш режимидаги LG телевизорлари орқали, яъни розеткадан узилмаган телевизорлардан, хонадаги гап-сўзларни эшитиш ва кўриб туриш мумкин экан.

Замонавий цивилизациянинг техник қулайликларидан воз кечиб бўлмаганидек, у яратган оммавий маданиятнинг кўпчилик турларидан ва маҳсулотларидан воз кечиб бўлмайди, албатта. Бироқ ушбу маданиятнинг баъзи кўринишлари, қимор ёки наркотиклар каби, инсоннинг маънавий дунёсини емиришга қодирлигини, айниқса, ёш болалар ва ўсмирлар психологиясига жуда тез таъсир кўрсатишини унутмаслигимиз керак. Бугун кўча-кўйда қулоғига «уяли» телефоннинг «шнур»ини тақиб олиб, мусиқа тинглаб кетаётган ёки жамоат транспортида, турли расмий ва норасмий тадбирларда смартфонни орқали интернетда ниманидир кўраётган, электрон ўйин ўйнаётган ёшларни ҳар қадамда учратиш мумкин. Компьютер ўйинларига ўрганиб, унинг бандисига айланиб қолганлар болалар ўртасида анчагина топилади. Чет элларда ҳатто компьютерга тобелик касаллик сифатида даволанмоқда. Бизда ҳам мусиқа бандилиги, компьютер бандилиги дардига дучор бўлган ёшлар сони йилдан-йилга кўпаймоқда. Ҳатто дарс пайти айрим ўқувчилар, баъзи талабалар жимгина қулоғига «шнур» тикиб мусиқа тинглаётганига ёки «уяли» телефони ёрдамида электрон ўйинлар билан машғуллигига гувоҳ бўласиз.

Ёзма адабиёт, бадиий савиясидан қатъи назар, бир вақтлар фақат элитар маданиятга мансуб ҳисобланган. Бугун эса ёзма адабиётни ҳам, киносанъатини ҳам юксак ва оммавий маданиятларга бирдек дахлдор ижод турлари дейиш мумкин. Ҳар бир бадиий асарнинг инсон маъна-

виятига таъсири унинг юксак ёки оммавий маданиятга мансублиги билан белгиланади.

Аксарият замонавий детектив, фантастик ва саргузашт жанрларга оид асарлар кагта бадий-эстетик қимматга эга эмас. Улар ўқувчиларнинг «бадий ахборот»га нисбатан маълум эҳтиёжини қондиришга, дам олдириб, вақтини хушлашга мўлжалланган истеъмол товарларидир, холос. Бу, айниқса, аксарият кино ва телефильмларга тааллуқли. Вампирлар, ҳар хил даҳшатли махлуқлар (монстрлар), маньяклар, қотиллар, адашиб, экстремал ҳолатларга тушиб қолган саёҳатчилар тақдири ва кураши, гиёҳванд моддалар етиштирувчи гуруҳлар жинояти ва ҳ.к.ларни кўрсатувчи фильмлар оммавий маданиятнинг типик маҳсулотларидир. Улар инсон дидини, маънавий эҳтиёжларини ўзига тўлиқ буйсундириб олиши ҳеч гап эмас. Жангари фильмларни, яккама-якка курашлар, аёвсиз муштлашишларни экранда кўриб улғайган айрим ёшлар ҳатто телевидение олиб кўрсатаётган бокс бўйича жаҳон ва қитъа биринчилиги мусобақаларини, профессионалларнинг чемпионлик жангини томоша қилишдан зерикади. Чунки реал спорт мусобақаларида, жангари фильмлардагидек, фантастик зарбалар, бешафқатлик, ноинсоний оғриққа бардош бериш ва бошқа муболағавий кўзбўямачиликлар, ғайритабiiийлик йўқ.

Чет элларда замонавий агрессив компьютер ўйинлар таъсирида руҳияти емирилган айрим ўсмирлар мактабда ўз синфдошлари ва ўқитувчиларига автоматик куриллардан ўт очиб, қотиллик қилганликлари тўғрисида маълумотлар бот-бот тарқалиб туради. Бироқ оммавий маданиятни фақат жангари фильмлар, рок музыка ёки компьютер ўйинларигина ташкил этмайди. У жуда рангбаранг ва сертармоқ соҳа. Кўпчиликда оммавий маданият агрессивликни эмас, балки реал ҳаётга бефарқликни, лоқайдликни, маънавий инфантилликни тарбиялайди, яъни улғайганда ҳам уларда балоғатга етмаган ёш болага хос руҳий камчиликлар сақланиб қолишига, масъулият ва мустақиллик туйғуси етарлича шаклланмаслигига сабаб бўлади. Бундайларнинг ҳаётини тутуми «Сен менга тегма, мен сенга тегмайман. Мен билан ишинг бўлмасин. Менга шундай ҳаёт ёқади» каби тамойиллардан ташкил топган.

Оммавий маданият ижтимоий-маънавий лоқайдлик қаторида миллий урф-одатлар, анъаналар, миллий маданият, янада кенгроқ қаралса, миллий манфаатларга нисбатан бефарқликни зимдан шакллантира боради. Ватанпарварлик, фаол фуқаролик, халқчиллик ва миллий ўзлик туйғулари кишида заифлашиб кетади. У ўзини, нари борса, дунё фуқароси, бутун инсоният фарзанди деб ҳисоблай бошлайди, амалда кўпинча бундай ўй-фикрлар ҳам унга ёт бўлади.

У энди инфантил, конформист, бефарқ ва лоқайд, шижоати, ташаббуси сўнган. Ҳаёт оқими қаёққа бошласа, шунга эргашади. Ижтимоий ҳолатини ўзгартиришга интилмади, олдига арзигулик мақсадларни кўймади. Шундай қилиб, оммавий маданият инсонни ҳақиқий, реал воқеликдан, ҳаётнинг реал муаммоларидан чалғитади. Ҳаётини, турмушини сунъийлаштиради, виртуаллаштиради. Бу шахслараро муносабатларга ҳам тааллуқли. Бегоналашиш кучайиб, дўстлик, улфатчилик, жонли мулоқот одамлар ўртасида, биринчи галда ёшлар ўртасида камайиб бораётир. Мулоқот макони энди – интернет. Ўзини, ўзлигини намоён этиш интернетдаги ҳар хил ижтимоий тармоқлар орқали амалга оширилади. Лекин, адолат юзасидан қайд этиш лозимки, ижтимоий тармоқларни ҳам бирёқлама баҳолаш ножоиз. Ижтимоий тармоқлар баъзан одамларнинг ўз қарашларини баён этиш, мулоқот доирасини кенгайтириш борасида анча ижобий мазмун касб этиши мумкин. Бу улардан фойдаланадиган кишининг савиясига ва ижтимоий мўлжалларига боғлиқ.

Хуллас, оммавий маданият кўплаб кишилар ҳаётида реал воқеликни сиқиб чиқариб, уни виртуал воқелик, виртуал мулоқот билан алмаштирмақда. Оммавий маданиятнинг инсон ҳаёти ва маънавиятига зиддиятли таъсирини унутмаслигимиз, унинг салбий жиҳатларини имкон қадар минималлаштириш чораларини кўрмоғимиз лозим. Ёшларни китоб ўқишга қайта ўргатмоқ, мумтоз ва замонавий юксак санъат асарларига қизиқтирмақ, эстетик ва ахлоқий тарбия савиясини кўтармоқ керак.

Болалар адабиётига, умуман, болалар учун мўлжалланган мусиқа, ашула, театр, кино асарлари яратишга

эйтибор кучайтирилиши, жамиятда бундай асарларни яратувчилар учун пухта ўйланган рағбатлантириш тизими ишлаб чиқилиши керак. Замонавий руҳдаги миллий кино ва телесериаллар яратиш, тарихимизни, мумтоз санъатимиз ва маданиятимизни қайта англаб олишга ёрдам берадиган асарлар тўғрисида бош қотириш лозим. Иккинчидан, эрталабдан кечгача, кундан кун, ойдан ой фақат ижтимоий мавзуларга оид асарлар ТВ орқали намойиш қилинса, одамларнинг меъдасига тегиб қолади, одамлар уларни қабул қилмай қўяди. Совет даврининг бу борадаги сабоқларини унутмаслик керак.

Одамларга енгил-елпи ҳажвий асарлар ҳам, кўз ёшини оқизадиган мелодрамалар ҳам, саргузашт ва жангари фильмлар ҳам, ҳатто даҳшатли кўрқинчли триллерлар ҳам керак. Бежиз халқ оғзаки ижоди асарларида жинлар, девлар, аждаҳолар, ялмоғизлар, алвастилар образлари, улардан қаҳрамоннинг қочиб қутилиши, қарши кураши, ғалабаси тасвирланмайди. Бундай асарлар одамларга ғайритабиий кучлардан кўркувни енгишда, асабларини ва иродасини чиниктиришда ёрдам берган. Ҳозир ҳам бундай асарларга эҳтиёж бор. Энди уни фольклор эмас, оммавий маданият қондиради. Одамлар чарчаган жисми ва асабларини дам олдиришлари, тиклашлари керак. Енгил-елпи асарлар катталар учун маълум даражада ўйин ўрнини босади. Дам бериш ва ўйин билан машғул этиш оммавий маданиятнинг рекреацион (тиклаш) вазифасидир.

8.4. Юксак ва оммавий маданиятлар диффузияси ва интерференцияси

Замонавий маданий ҳаёт ўта зиддиятли ҳодисадир. Бунинг объектив ва субъектив сабаблари бор. Бир томондан, ишлаб чиқариш ва турли халқларнинг ўзаро савдо-сотик ва ҳар хил соҳаларда алоқалари интенсивлашди. Улар фойдаланаётган технологиялар ва коммуникация воситалари бир хил. Натижада, турли халқларнинг қарашларида, ижтимоий-маданий ҳаёти ва умуман турмуш тарзида объектив равишда умумий, ўхшаш, бир андозали унсурлар кўпаймоқда. Миллий маданиятлар оммавий маданият унсурларини кўплаб қабул қилмоқда. Иккинчи томондан,

халқларнинг ўзлигини англаш даражаси ўсмоқда. Бу эса уларнинг ўз маънавий оламини, этномаданий хусусиятларини, миллий идентлигини сақлаб қолиш, замонавий талаблар асосида бойитиб, янги поғонага кўтариш истагини кучайтирмоқда.

Бошқача айтганда, замонавий ижтимоий ҳаётнинг объектив тенденциялари ва кўплаб халқларнинг маънавий-маданий ҳаётдаги субъектив интилишлари ўртасида зиддият мавжуд. Бу зиддият уларнинг маданиятлари ва менталитетида акс этмоқда. Оммавий маданият маҳсулотлари, замонавий турмушнинг қулайликлари халқларнинг анъанавий қарашларини, яшаш тарзини ўзгартириши баробарида миллий маданиятларга космополитик мазмун, стандартлашган қиёфа таклиф этмоқда. Юксак маданиятга ҳам ўта зиддиятли таъсир кўрсатмоқда.

Биринчидан, юксак маданият, юқорида айтиб ўтилганидек, ТВ, радио, видео ва аудиодисклар орқали нисбатан кенг тарқалиб, маълум даражада оммалашмоқда. Иккинчидан, аҳолининг саводхонлик даражаси, турмуш фаровонлиги ва маданий савияси юксалиши жараёнида юксак маданиятга мурожаат этиш ўсмоқда. Бу юксак маданиятнинг ТВ, электрон ва босма нашрларда кенг тарқалишидагина эмас, шунингдек, мумтоз сахна ва мусиқа асарларини замонавий талқин қилишларда ҳам қисман намоён бўлмоқда. Лекин, тан олиш керакки, кейинги ҳолат доим ҳам муваффақиятли чиқавермайди. Учинчидан, айрим европалик олимлар тўғри эътироф этганидек, юксак ва оммавий маданиятлар ўзаро таъсир натижасида уларнинг диффузияси – бир-бирининг таркибига кириб бориши юз бермоқда. Ҳақиқатан, баъзи соҳаларда, айниқса, виртуал музейлар, галереялар, кутубхоналар, ТВ, интернет ва софтвер соҳалари мисолида уларнинг диффузиясини кузатиш мумкин. Театр, кино, ТВ соҳаларида бундай ҳолат яққол сезилади. Лекин бу соҳалар анча мураккаб, кўпқатламли, қарама-қарши тенденцияларга бой. Юксак маданият аҳоли кенг қатламларига эстетик жиҳатдан тушунарли, иктисодий жиҳатдан чўнтақбоп бўлиши лозимлиги унинг демократлашувига, халқчиллиги ўсишига, пировардида нисбатан оммалашувига хизмат қилмоқда.

Диффузия муқаррар тарзда маданиятнинг ривожланишига, унинг ўртачашувига таъсир кўрсатади. Бугун юксак гуманистик маданият ғоялари ва баъзи таркибий унсурлари оммавий маданиятга кириб бориши кузатилмоқда. Масалан, жаҳондаги катта майдонларда, стадионларда юксак маданият, юксак санъат вакиллари иштирокида наркоманияга қарши, очарчиликдан, табиий офатлардан, ички ва ташқи ҳудудий можаролардан, урушлардан, эпидемиялардан жабр кўрган кишиларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш мақсадида хайрия концертлари ва турли тадбирлар ўтказиш урфга айланиб бораётир. Жаҳон бўйлаб ТВ орқали узатиладиган ҳар хил санъат фестиваллари, биеналлелар, замонавий кўргазмалар ҳам, бир томондан, юксак маданиятга дахлдор бўлса, иккинчи жиҳатдан, оммавий маданият ҳодисаларидир. Масофадан ўқитиш, масофадан илмий ва амалий конференциялар ўтказиш, дунёнинг интернетга уланган ишталган кутубхонаси, архиви, музейи ва бошқа маданий, илмий муассасасидан керакли ахборотни олиш, нусха кўчириш имкониятлари, электрон ҳужжатлар, китоблар ва кутубхоналар – булар ҳаммаси оммавий маданиятга юксак маданиятнинг кириб бориши, маданиятларнинг диффузияси, ўртачашувидир. Айнан шундай ўртачашувига маданият аҳолининг кенг қатламлари, биринчи галда, ўрта синфларнинг эҳтиёжига мос. Уни кўпроқ ўрта синфга мансубдир десак, эҳтимол, хато қилмасмиз.

Юксак ва оммавий маданиятларнинг ўзаро таъсири аслида жуда ранг-баранг. Уни бир томонлама ижобий ёки салбий, деб баҳолаш нотўғри. Шак-шубҳасиз, қурраи заминда аҳолининг ахборот технологиялари ва воситаларини ўзлаштириши, интернетнинг кенг тарқалиши турли-туман ахборот излаш ва олиш имкониятларини тубдан ўзгартириб юборди. Ахборот соҳасида чегаралар нисбий бўлиб қолди. Одамларнинг у ёки бу ҳодисага, жумладан, маданият ҳодисаларига муносабат билдириши фаоллашмоқда. Жамоатчилик онгида инсон ҳуқуқлари ва демократик кадриятлар, ижтимоий тараққиёт масаласи тобора муҳим ўрин эгалламоқда. Бу юксак маданиятга хос бўлган айрим гуманистик ва демократик ғояларнинг омма онгига ва маданиятига

кириб бориши оқибатидир. Ахборот ва истеъмол бозорларидаги рақобатнинг кучайиши оммавий маданиятнинг профессионаллик даражасини ўстирмоқда, айниқса, поп-артнинг турли йўналишлари ва жанрларида профессионализм кучайиб бораётир.

Ўз навбатида юксак маданият тор табақавий маданиятга айланиб қолмаслиги учун кенг аҳолининг баъзи бир эҳтиёжларига, яхши ривожланмаган дидига, тайёргарлик даражасига мослашишга мажбур бўлаётир. Кино экранлари ва театр сахналарида персонажларнинг интим муносабатлари тобора очик кўрсатилаётир. Уларнинг нутқида дағал унсурлар, номеъёрий лексика кўпайиб бораётир. Юксак ва оммавий маданиятларнинг диффузияси ва кенг маънодаги ўзаро таъсири натижасида, юқорида таъкидланганидек, уларнинг оралиғида янги – ўртачалашган маданий қатлам вужудга келаётир. Таъкидлаш жоизки, ўртачалашган қатлам юксак ва оммавий маданиятларни алмаштирмайди, сиқиб чиқармайди. Ўз навбатида уларнинг механик тарзда қоришуви ҳам эмас. Унга қандайдир эклектик маданият, деб қарамаслик керак. У юксак ва оммавий маданиятларнинг чагиштирилиши, дурағайлашувидан ҳосил бўлган маданий қатламдир, аммо маданиятнинг янги, учинчи тури эмас. Ўртачалашган маданият ижтимоий-иқтисодий мазмунига кўра ўрта синф эҳтиёжларини, унинг маиший турмушда серияли маҳсулотларни эмас, балки эксклюзив маҳсулотларни истеъмол қилишга интилишларини ва унда бундай имконият вужудга келганини акс эттиради. Юксак ва оммавий маданият диффузияси Европада XIX аср 40-йилларидан кўзга ташлана бошлади. Адабиётда у кундалик газеталарда парча-парча бериб бориладиган қизиқ, кўнгилочар, саргузашт, детектив асарлар (парчалар – фельетон деб аталган, ҳозирги мазмунда қўлланилмаган) кўринишида пайдо бўлган. «Париж сирлари» туркумининг муаллифи Эжен Сю аслида юксак маҳоратли ёзувчи эди. Унинг асарлари бугунги кунда ҳам жаҳонда кенг тарқалган. Ўз даврида газетада босилган ҳар бир сатрига энг катта гонарар оладиган (масалан, Бальзакка нисбатан 30 % кўп ҳақ тўланган) ёзувчи бўлган. Ўзбек китобхонига Э. Сю ижоди унчалик яхши таниш эмас. Аммо Александр

Дюма – «Граф Монте Кристо», «Уч мушкетер» ва бошқа машхур китоблар муаллифи яхши таниш. Эжен Сю ва Александр Дюма асарлари юксак ва оммавий адабиёт диффузиясига ёрқин мисолдир. Фенимор Купер, Майн Рид, Артур Конан Дойл, Агата Кристининг саргузашт ва детектив асарлари ҳақида ҳам шундай дейиш жоиз. Лекин Федор Достоевскийнинг «Жиноят ва жазо», Эдгар Понинг қатор детектив новеллалари юксак адабиёт намуналаридир. Чунки уларда сюжет воқеалари чигалликлари ўқувчи диққатини каттиқ ўзига ром қилиши муҳим эмас, балки муҳими қаҳрамонлар характери, ички кечинмаларининг очиб берилиши юксак адабиётга хос жиҳатдир. Детектив воқеа эса қаҳрамонлар ички дунёсини, иккиланишлари, зиддиятларини ифодалашнинг, ривожлантиришнинг бадиий воситасидир.

Тасвирий санъатда академизмдан чекиниш, ҳатто тасвири биров жўнлаштириш кўринишидаги диффузияга дуч келамиз. Матисс ва бошқа модернистлар, Ван Гог, айниқса, Гоген картиналари, бир-бирига ўхшамайдиган бошқа модернистлар ижоди юксак ва оммавий рангтасвирининг ўзига хос диффузиясидир. Атоқли грузин рассоми Никола Пиросманининг ижодида диффузия жуда ёрқин акс этган. Тасвиридаги соддалик, ҳатто жўнлик, пешлавлар суратларига ўхшашлик, чуқур халқчиллик ва инсонпарварлик, характер ифодаси билан чамбарчаслашиб кетган. Кубизм оқими вакили Пабло Пикассо, сюрреалист Сальвадор Дали, модерничи Марк Шагал ва рус авангардчилари атоқли рассомлардир. Айни пайтда улар картиналари мумтоз академик тасвир услубидан умуман йироқ. Шу сабабдан уларнинг асарларини диффузияга оид, деб ҳисоблаш керак. Орамиздан жуда эрта кетган ўзбек рассомларидан Шухрат Абдурашидов ижодида Н.Пиросмани таъсирини сезиш қийин эмас. Рассомнинг профессионал маҳорати эса ниҳоятда баланддир.

Музыка санъатида ҳам диффузияга оид мисолларни кўплаб учратиш мумкин. Улар оммавий санъат қаторида халқ санъати, музикаий фольклор таъсирида юзага келган. Масалан, водевиллар аслида XVII асрда Францияда кўчаларда айтиладиган кўшиқ ўлароқ вужудга келган, кейинчалик ҳажвий мазмундаги кўшиқлар ва рақслардан

иборат пьесаларга айланган. Аста-секин театр сахнасига алоҳида жанр ёки ҳажвий опералар ва комедияларнинг хулосасини ифодалайдиган якуний кўшиқ сифатида кириб келган. Водевиллар оперетта жанри ривожланишига катта ҳисса қўшган.

Очиқ майдонларда, тарихий ёдгорликлар олдида мумтоз ашулалардан концертлар, мумтоз спектакллар қўйиш ҳам, бир томондан, халқ сайиллари, байрамлари, иккинчи томондан – оммавий маданият таъсирида урф бўла бошлади. Яхши сақланиб қолган, таъмирланган антик даврнинг айрим амфитеатрларида, очиқ ҳавода мумтоз трагедиялар аҳён-аҳёнда намойиш қилинади. Миср эҳромлари олдида опералар ижро этилмоқда. Айг орен (очиқ ҳаво) усулининг юксак санъатда тикланиши кўпроқ XX аср 60-йилларидан бутун стадионларни тингловчи – мухлисларга тўлдириб концерт берадиган рок-музыка таъсирида юз берди, дейиш мумкин. Оммавий маданият, демократик мазмунига кўра фольклорга яқинлиги учун, у баъзи бир томоша кўрсатиш усуллари-ни юксак маданиятга нисбатан тезроқ ва эртароқ ўзлаштирди. Натижада, замонавий юксак санъатнинг айг орен усулидан ҳам фойдаланиши учун туртки бўлди, деб айтиш мумкин. Замонавий айг орен томошалари санъат ва мухлис ўртасидаги боғланишнинг, санъатдан баҳраманд бўлишнинг диффузия усулидир. 2008 йилда Жанубий Осетия ва Грузия ўртасидаги ҳарбий тўқнашувдан кейин, Цхинвалида (Жанубий Осетия пойтахти) атоқли ди-режер В.Гергиев бошчилигида Санкт-Петербург Маринск театри оркестри очиқ ҳавода симфоник концерт берди. Худди шу оркестр билан 2015 йилда, ИШИД жангариларидан Суриядаги шаҳар тозалангандан сўнг, яна концерт уюштирилди.

Фанда диффузияга мисол қилиб, илмий-оммабоп мақолалар ва рисоаларни, сиёсий маданият ва мафкурада публицистик мақолалар, шарҳлар ва телекўрсатув, эшиттиришларни келтириш мумкин. Маънавий-маърифий характердаги «Фан ва турмуш» каби журналлар диффузияга мисол бўла олади. Илмий-фантастик адабиёт илмфан ва оммавий бадииятни бирлаштириладиган диффузия кўринишидир. Масалан, Жюль Верн ижоди. Аммо фан-

тастика жанрининг ўзи юксак адабиётга ҳам, оммавий адабиётга ҳам мансуб бўлиши мумкин. Герберт Уэллс ижоди юксак адабиётга мансуб бўлса, турли хил космик урушлар, даҳшатли махлуклар ва ш.к. тўғрисидаги кўн-гилочар фантастика оммавий маданиятга оид.

Ўзбекистонда ҳам айг орен усулидан фойдаланилмоқда. 2017 йил сентябрь ойи бошларида Алишер Навоий номидаги опера ва балет Катта театри ўзининг 88-мавсумини айг орен (очиқ хавода) усулида театр олдида катта концерт ва спектакллардан парчалар билан очди.

Яна бир бор таъкидлаймиз: ушбу усул (айг орен) халқ сайиллари, байрамларида ҳофизлар, лапарчилар, раққослар, кўғирчоқбозлар, масхарабозлар, дорбозлар, аскиячилар томошалари усулига бориб тақалади. Ҳар бир халқда бундай анъаналар қадимдан бўлган. Ўзимизда Наврўз ва Меҳржон байрамларидаги ўйинлар, татарларда галла ўрими тугагач Сабан тўй (сомон тўйи), славян ва европа халқларида турли ярмаркаларда уюштириладиган томошалар, ўйинлар. Аммо бу усулни дастлаб юксак маданият эмас, балки оммавий маданият қабул қилди. Катта стадионларда, майдонларда эстрада концертлари, рок-фестиваллари уюштирилди. Бугун бу усулдан юксак маданият ҳам заруратга қараб фойдаланилмоқда. Симфоник оркестрлар репертуарларида қайта ишланган халқ куйлари ва рақс мусикалари тобора кенгрок ўрин олмоқда. Аслида баъзи симфоник оркестрлар ижро этадиган австралиялик ота-ўғил Штрауслар яратган ажойиб, сеҳрли вальслар ҳам юксак ва оммавий мусика диффузиясидир.

Шундай қилиб, юксак ва оммавий маданиятлар ўзаро таъсирининг ижобий тенденциясидан бири – бу уларнинг диффузиясидир.

Юксак ва оммавий маданиятларнинг ўзаро таъсири айрим ҳолларда уларнинг нафақат диффузиясига, шунингдек, интерференциясига ҳам олиб келмоқда. Яъни уларнинг ўзаро бир-бирини сўндириши кузатилмоқда. *Диффузия ва интерференция юксак ва оммавий маданиятлар ўзаро таъсирининг икки қарама-қарши – ижобий ва салбий тенденцияларидир* (албатта, бошқа тенденциялар ҳам мавжуд).

Интерференция аслида физика фани атамаси ҳисобланади. У икки тўлқин (сув, ҳаво, электр-магнит, ёруғлик тўлқинлари) тебраниш кўрсаткичлари қарама-қарши бўлса, маълум шароитда бир-бирини тўлиқ ёки қисман сўндиришини билдиради. Интерференция фақатгина табиат ходисаларига эмас, шунингдек, ўзига хос тарзда жамият ҳаётига ҳам хос. У лингвистикада анчадан буён ишлатилади. Иккитиллилик (биллингвизм) ходисаларида сўзловчи асосий тилининг айрим грамматик ва луғавий хусусиятлари у иккинчи тилдан фойдаланаётганда талаффузида, гапидаги сўзлар тартибида, зарур сўзнинг аниқ эквивалентини топа олмай биринчи тилининг элементларини кўллашида намоён бўлади. Ушбу ҳолатни лингвистлар интерференция деб аташни маъқул топганлар. Иккитилли инсонлар кўп. Аммо одатда уларнинг жуда озчилиги ҳар икки тилни баравар ва яхши ўзлаштиради. Кўпчилик иккинчи тилни кундалик мулоқот даражасида билади. Шу сабаб уларнинг нутқида турли даражада қисман намоён бўладиган интерференция кўп учрайди.

Айнан шунга ўхшаш ходиса бошқа маданий муҳитга тушиб қолган кишилар хулқ-атворида, уларнинг янги ижтимоий воқеликка муносабатида кузатилади. Ушбунинг ёркин мисоли – муҳожирлар ҳаёти. Бунда қишлоқ, провинциал, кўпроқ деҳқонча маданият ва шаҳар маданияти ўртасида, агар муҳожир чет эллик бўлса, икки миллий маданият ўртасида ўзига хос интерференция юз беради. Қишлоқдан шаҳарга ёки бир мамлакатдан иккинчи мамлакатга кўчиб келиб, янгича шароитда ишлашга ва яшашга мажбур бўлган киши ўз онги ва турмуш тарзида аввалги маданий воқелик унсурларини анча узоқ саклаб қолади, янги воқеликнинг ҳамма унсурларини бирдек баъровар қабул қилолмайди. Унинг ҳаётида ўзига хос мафкуравий-маданий бўшлиқ (вакуум) пайдо бўлади. Бўшлиқ айнан маданиятлар интерференцияси туфайли юзага келади. Шундай қилиб, интерференция бир маданият доирасида регионал – табақавий (шаҳар, қишлоқ), юксак ва оммавий маданиятлар ўртасида, ҳамда турли миллий маданиятлар доирасида уларнинг ўзаро фарқ қиладиган хусусиятларининг бир-бирига таъсири натижасида вужудга келади. Ҳали бу масалага биз яна қайтамыз.

Замонавий инсоннинг эстетик, ахлоқий, ҳатто сиёсий онгида юксак ва оммавий маданиятлар ўзаро таъсири турли даражада келтириб чиқарган интерференцияни кузатиш мумкин. Юксак ва оммавий маданиятларнинг ўзаро интерференцияси ҳалигача на республикамизда, на хорижда алоҳида илмий тадқиқ этилган эмас. Ҳар ҳолда ушбу сатрлар муаллифига бундай тадқиқотлар номаълум. Энг аввало қайд этиш лозимки, маданиятлар интерференцияси – нисбий тушунча. У маданият маҳсулотларида эмас, кўпроқ жамият аъзоларининг, санъат аҳлининг, сиёсатчилар ва қонун ижодкорларининг қарашларида, кенгроқ олсак, ижтимоий мўлжалларида, яъни маънавиятида намоён бўлади. Масалан, ривожланган Ғарб мамлакатларида баъзи анъанавий ахлоқий мезонларнинг, фундаментал оилавий қадриятларнинг анча деформацияга учрагани, бизнинг фикримизча, уларни оммавий маданият таъсирида қисман сўнгани ва ўзгаргани натижасидир.

Мисол тариқасида аввал айтиб ўтилган порноиндустрияни, секс-шопларни, стриптизларни, енгил гиёҳванд моддаларни легал сотишни, фоҳишабозликка рухсат бериб, фоҳишаларга солиқ солишга, биржинсли никоҳларга рухсат этишга қаратилган чақириқларни, жиноятчилик, гиёҳвандлик, шахвоний эркинлик ўсиб бораётганини келтириш мумкин. Бу маданиятлар интерференциясидан ташқари ҳозирги жамиятда номоддий истеъмолнинг ўсиши, одамларда бўш вақтнинг кўпайиши натижасида маданий хизмат кўрсатиш ва дам олиш бозорларида рақобат кескин ўсгани билан боғлиқдир. Масалан, айрим режиссёрлар баъзи бир мумтоз драматик асарлар мазмунини, воқеаларини «замонавийлаштириб», инсоннинг онгости ва биологик инстинктлари қандай юзага чиқишини кўрсатувчи асарларга ёки абсурд томошаларга айлантормоқда. Мумтоз асарлар ўзларининг гуманистик мазмунидан, эзгулик ғояларидан маҳрум этилмоқда.

Санъаткор, албатта, инсоннинг психологияси ва ички дунёсини, шу жумладан, онгости инстинктларини, муайян ижтимоий реалликнинг, шахс ҳаётининг абсурдлигини кўрсатишга, бадий таҳлил қилишга ҳақли. Лекин санъаткор доимо эзгулик ва ёвузлик ўртасидаги чегарани аниқ ёки интуитив ҳис қилмоғи, асарида уни йўқотиб

кўймаслиги, ёвузлик томонга ўтиб кетмаслиги керак. Бундан мутлақо асарнинг хулосаси оптимистик бўлиши керак, деган фикр келиб чиқмайди. Асар қандай яқунланишидан қатъи назар инсонпарварлик ғоясига хилоф келмаслиги лозим. Мумтоз трагедияларни эсласак, уларнинг мудом юксак идеалларга мослигига амин бўламиз.

Маълумки, оммавий маданият бозор талаблари ва мода асосида ривожланади. Айнан ушбу омиллар маданиятлар интерференциясига кўпинча сабаб бўлади. Театрларга томошабинларни жалб қилиш мақсадида саёз мазмунли, схематик, лекин томошабин эҳтиросларини қитиқловчи сахна кўринишларини, онгости, мистика, абсурд унсурларини усталик билан спектаклга тикиштирган асарлар кўплаб кўйилмоқда. Улар қаторида мумтоз асарлар мазмунини ўта жўнлаштириш, баъзан очиқчасига сохталаштириш, атайлаб бузиш, асарни модага мос схематик андозага солиш, модага кирган ғояларни асарга тикиштириш мисоллари ҳам кўп. Айнан шулар маданиятлар интерференциясига мисолдир. Масалан, П.Чайковскийнинг «Оккуш кўли» балетининг янги версиясида, ёш оккушлар рақси йўлларда қатор туриб, мижоз кутадиган фоҳишалар рақси билан алмаштирилган. Табиийки, балет мусиқасининг партитураси ҳам тегишли жойларда ўзгартирилган (Чайковскийнинг аввал ёзган бошқа асарлари мусиқаси билан). Оккуш қизлар костюми фоҳишалар киядиган модадаги кийимлар билан алмаштирилган.

Сахна ва экранларда барча жанрлар ва услублар қориштириб юборилмоқда. Агар бу образни теранрок очишга, асар бадий ва эстетик савиясини кўтаришга хизмат қилганида, уни қабул қилиш мумкин эди. Лекин кўпинча бундай «бадий винегрет усуллари» асарни тубанлаштириб юбормоқда. Шундай фильмлар пайдо бўлдики, уларда ҳамма нарса – Шарқ якка курашларини, вампирларни, фаҳш, даҳшат, зўравонлик ва фантастикани ва ҳ.к.ни кўрсатиш аралаш-қуралаш бўлиб кетган.

Янгича талкин қилиш, асарнинг замонавий версияларини яратиш нафақат театр ва кинода, балки бошқа санъат турларида, шу жумладан, бадий адабиётда ҳам учрамоқда. Фрейдизм модага кирганда ёзилган Айрис Мердокнинг «Қора шахзода» романи қаҳрамони Ҳамлет

хатти-ҳаракатини «Эдип комплекси»нинг намоён бўлиши – ўз онасига нисбатан англамаган шахвоний интилиш, ўз отасига (ўғай отасига) нисбатан қотиллик майлининг намоён бўлиши сифатида талқин қилади. Балки, роман ноанъанавий жинсий мўлжаллар модага кирган бугунги кунда ёзилганида, Ҳамлетнинг Офелия муҳаббатини рад этиши, Горациога муносабати асар қаҳрамони томонидан ноанъанавий шахвоний интилиш сифатида тушунтирилармиди! Агар бундай ёндашувни давом эттирсак, Ягонинг Дездемонага нисбатан уюштирган иғвосини, тухматини унинг Отеллони пинҳона севиши ва Дездемонага рашк қилиши билан изоҳлаш имкони тугилади. Баъзи «пешқадам» режиссёрлар шу йўлдан бормоқда. А.П. Чеховнинг «Уч опа-сингил» драмасининг сахналаштирилган замонавий версиясида уларнинг лесбиянкаларга (аёлнинг аёлга шахвоний интилиши) айлантирилишига нима дейсиз? Бутун жаҳон юксак адабиёти мазмуни шундай қилиб сохталаштирилмоқда. Маданиятлар интерференцияси туфайли қадриятлар, мезонлар тизими ўзгармоқда, санъатда дегуманизация (инсонпарварликни йўқотиш) чуқурлашмоқда.

Юксак ва оммавий маданиятлар интерференцияси янги талқинлардан ташқари янги жанрлар ва йўналишларни вужудга келтирмоқда. Масалан, тасвирий санъатда акционизм деган йўналиш пайдо бўлган. Жамоат жойида, шаҳар кўчалари ва майдонларида одамлар кўз ўнгида қандайдир рамзий «бадий» акция (тадбир) содир этилади. У одамлар кутмаган, тушунмайдиган, қўрқув ва ҳайратга тушадиган шаклда амалга оширилади. Ўзини Исо Масиҳ каби хочга парчинлатган рассомни (афсуски, исми шарифи хотирадан кўтарилибди – А.Э.) ёки ўтган аср 90-йилларида рассом Олег Куликнинг Москвада қияланғоч бўлиб, бўйнига итларга боғланадиган тасма занжирни тақиб олиб, тўрт оёқда бир неча кун итни тасвирлаганини, йўловчиларга ириллаб, ҳуриб ташланганини, одамларнинг шимлари почаларидан тишлаб тортганларини, машиналар капотига чиқиб, унинг ичидаги кишиларни қўрқитишга ҳаракат қилганини эслаш мумкин. Ҳеч ким О.Кулик нега бундай қилганини билмаган. Уни психиатрия касалхонасига ётқизишмоқчи бўлганларида,

Швейцариядан унга таклиф тушади. Кулик Цюрих шахрида ўз акциясини такрорлайди. Ёки Катрин Ненашева болалар кроватчасини боғлаб олиб, 20 кун давомида Москванинг гавжум кўчаларида юрган. Унинг бу жонли асари – «жазолаш» дебаталган. Бола туғиб, вояга етказиш – тақдирнинг аёлга берган жазосидир, деган мазмунни англатар, балки. Бу бола ва никоҳга қарши турадиган феминистик ғоянинг ўзига хос талқини бўлса, эҳтимол. Шундайлардан бир киши ўз жинсий органи – мойк халтачасини Москванинг энг гавжум жойларидан бири Қизил майдонда ётқизилган тошлар орасига михлаганига нима дейсиз!

Бошқа мисол: сербиялик рассом аёл Марина Абрамович кўчада ўтган-қайтганга қайчи, бўёқлар, мўйқалам ва х.к. ҳамда тўппонча ва бир дона патрон бериб, ўзига нисбатан истаган нарсани қилишни таклиф этган. Йиғилганлар дастлаб унчалик ботинмасдан, кейинчалик анча қизишиб, унинг кийимларини кесиб ташлаган, баданига атиргул тиканларини тиккан, бўёқларни танасининг турли аъзоларига чаплаб ташлашган ва х.к. одамлар кўз ўнгида садизм ва беҳаёлик билан аралашиб кетган гўёки бадиий акция содир бўлган. Акционизмда қай даражада ахлоқий ва эстетик қадриятлар акс этиши тўғрисида келтирилган ушбу мисоллар далолат беради. Кўриниб турибдики, мазкур йўналишда нафосат ва ахлоқ эмас, одамларни эстетик тарбиялаш эмас, балки эпатажлик – хайратга солиш ва рухий мувозанатдан чиқариш кўзланади. Санъатнинг асосий мақсади – одамларнинг эстетик эҳтиёжларини қондириш, туйғуларини, дидини тарбиялаш эсдан чиқарилади.

Капитализм ривожланиб, оммавий истеъмолчилик жамияти шаклланиши сайин индивидуализмни жамоавийликка қарама-қарши қўйиш кучайди. Мумтоз гуманизм ғоялари деформацияга учрай бошлади. Аслида инсонни жамият ҳаётининг марказига қўйиш, барча бунёдкорлик ишларини, тараққиётни унинг манфаатларига бўйсундириш Шарқ ва Ғарб мутафаккирларининг орзуси эди. Инсон оламнинг меҳвари, табиатнинг гултожи, деган ғоя Шарқда кенг тарқалган эди. Ғарбда ҳам Ренессанс ва Маърифатпарварлик давридан фалсафий антропология ривожланди. И.Кантнинг «Инсон восита эмас, мақсаддир»

ғояси Европа мумтоз гуманизмининг идеалига айланди. Лекин Шарқ ва Ғарб мумтоз гуманизми антропоцентризмни инсоннинг ҳар томонлама юксалиши, маънан етуклиги, масъулияти билан боғлар эди. Индуриал жамият шароитида эса инсон ҳуқуқлари эркин ва ашаддий ўзаро рақобат қилиш, шахсий манфаатлар учун аёвсиз курашиш, худбинлик сифатида бир томонлама ногўри тушунилди ва талқин қилинди. Антропоцентризм вульгар, ногуманистик мазмун касб эта бошлади.

Кескин индивидуализм XX асрнинг иккинчи ярмида гуманизмни аста-секин вульгар антропоцентризм билан алмаштирди. Энди табиатнинг ҳам, жамиятнинг ҳам, ҳар қандай ижтимоий фаолиятнинг ҳам марказига абстракт инсоннинг чегараланмаган эҳтиёжларини қондириш, унинг ҳар қандай инжиқлигини, ҳирсини, агар улар мавжуд тузумни амалда зўравонлик билан ағдаришга, бошқа инсонлар устидан зўравонлик қилишга қаратилмаган бўлса, инсон ҳуқуқи деб талқин қилиш эгаллади. *Гуманизм ўзининг диалектик тесқариси – антигуманизмга, индивидуализм – эгоцентризмга айланди.* Эркинлик масъулият билан муштарак эканлиги унутилди.

Масъулиятсиз эркинлик шахс маънавиятини емиради. Ушбу ҳолат, табиийки, оммавий маданиятнинг сохта қадриятларида ўз аксини топади. Оқибатда аксилмаданиятни келтириб чиқаради. Қотиллик, зўравонлик, қонхўрлик (вампиризм), шахвонийликни очикчасига кўрсатиб, «эстетиклаштирувчи» фильмлар, китоблар кўпайиб кетди. Уларнинг пайдо бўлишини фақат ўз эгаларига катта даромад келтириши билангина тушунтириш ногўри. Жамиятда қадриятлар тизими ва ижтимоий мўлжаллар ўзгармаганда, порнография индустриянинг алоҳида турига айланмас, бирор қорчалон очикчасига мавжуд ахлоқий қоида ва меъёрларга қарши туриб, зўравонлик ва бошқа аксилинсоний хулқни эстетиклаштирувчи асарларни оммавий нусхада кўпайтирмас эди.

Инсонни қурбонлик қилишни оқлайдиган секталар, «қора жодугарлик»нинг баъзи турлари, тажовузқор, агрессив диний секталар ва шунга ўхшаш ҳодисаларнинг кўпайишини ҳам фақат уларни ташкил этган шахслар-

нинг бойликка, одамлар устидан хукмронлик қилишга интилиши, ўта шухратпарастлиги билан изоҳлаш қийин. Тан олиш керакки, жамиятнинг маънавий инқирози, одамларнинг бир қисми ижтимоий мўлжалларини ва ахлоқий, эътиқодий таянчини йўқотиб қўйганлиги сабабли турли секталар, экстремистлар, маргинал гуруҳлар тузоғига илиниб қолаётир. Бундай кишиларнинг кўпчилигини саводсиз, оми одамлар дейиш қийин. Улар орасида, афсуски, ёшлар талайгина.

Бу мисоллар инсонпарварлик, ахлоқийликнинг, эътиқодий меъёрларнинг чуқур трансформацияга учрагани, қисман сўниб қолганини билдиради. Дарвоқе, ушбу мавзу алоҳида махсус ўрганишни талаб қилади. Юқоридаги хулқ-атворга сабаб бўладиган барча ижтимоий, сиёсий, ахлоқий, тиббий, психологик, педагогик ва бошқа омилларни аниқлаш зарур. Ахир бундай хулқ кимлар учун аввалги кадриятлардан ҳафсаласи пир бўлганининг, кимлар учун тарбиясидаги нуқсонларнинг, яна кимлар учун жамият томонидан унга ёки яқинларига нисбатан адолатсизлик қилинганлигининг оқибатида юзага келган бўлиши мумкин. Аммо аксарият кўпчилик ҳолларда улар жамият маънавий инқирози, маданиятлар интерференцияси оқибатидир.

2013 йил баҳорида Россиянинг «Культура» («Маданият») телеканалда бошловчи М.Швидкой «Замонавий цивилизация маданиятга эҳтиёж сезадими?» мавзуида баҳс ўтказди. Баҳслашувчи муҳолифларнинг бири «Йўқ, сезмайди, замонавий цивилизацияга маданият керак эмас», деган нуктаи назарни ҳимоя қилди. Ўз фикрини у тахминан шундай далиллади: «Маданият – бу, аввало, ўз-ўзини чекламоқдир. У турли хил ахлоқий, диний ва шу каби ижтимоий меъёрлар, анъаналар тизимидир. Замонавий цивилизацияга буларнинг кераги йўқ, чунки унинг ривожланишига тормоз бўлади». Баҳс иштирокчиларининг мулоҳазаларига баҳо бериб ўтирмасдан, қайд этмоқчимизки, у замонавий жамиятнинг маданиятга нисбатан муносабатидаги тенденцияларидан бирини анча тўғри пайқай олган. Ушбу тенденцияга мувофиқ, замонавий цивилизацияга маданият нари борса товар сифатида керак, зинҳор жамият

хаётининг ғоявий-интеллектуал ва ҳиссий-эмоционал асоси сифатида эмас.

Интерференция ижтимоий, сиёсий ва ҳуқуқий соҳаларда биринчи галда инсонпарварлик ғояси (демак, эзгулик, адолат, ҳақиқат, инсоф, диёнат ва ҳ.к. ғоялар) тўғрисидаги тасаввурларнинг хиралашуви ёки сохталашуви сифатида намоён бўлади. Натижада, кадриятлар тизими ўзгаради, ҳақиқий гуманистик кадриятлар сохта ва антидемократик кадриятлар билан аралашиб кетади, айрим ҳолларда алмаштирилади.

2013 йил октябрида Чехия Республикасида парламентга навбатдан ташқари сайловлар компанияси ташвиқотлари авжига чиққан пайтда президент саройи қаршисидаги сўлим, одамлар сайр қиладиган жойда Влтава дарёси қирғоғида маҳобатли скульптура пайдо бўлди. Унда ўрта бармоғи баландга қаратилган инсон мушти тасвирланган. Шундай ҳақоратомуз-иғвогарона усулда ҳайкалтарош амалдаги ҳокимиятга ўз муносабатини билдирган. «Еuronews» канали хабар берганидек, скульптура ёшларнинг олқишига сазовор бўлган. Ҳар қандай скульптурани, ҳатто вақтинчалик ва ташвиқот характеридагиларини ҳам, тўғри келган жойга хоҳлаган пайтингда ўрнатолмайсан. Танланган жой ва вақт нафақат сайлов комиссияси, шунингдек, маҳаллий ҳокимият билан келишилганига шубҳа йўқ. Нима бу – сўз (муносабатни ифодалаш) эркинлигимиз ёки замонавий сиёсий маданиятнинг бужмайган афтимиз?

Ушбулар халқаро сиёсий ва ҳуқуқий маданиятда, жаҳон жамоатчилиги онгида кадриятлар ва мўлжаллар интерференциясининг содир ва намоён бўлган қисмидир.

Болалар устидан шахвоний зўравонликни амалга оширишни, педофилик мазмундаги суратларни ва рекламани очик кўрсатувчи яширин сайтларни айрим кишилар томонидан интернетга жойлаштириш ёки ўзларининг бошқа хилдаги салбий ҳатти-ҳаракатлари билан мақтаниш – бу айниқса ўсмирлар ва ёшларга хос – ҳозирги жамият аъзоларининг бир қисми айрим асл ахлоқий ва ҳуқуқий мезонларни йўқотиб қўйганини билдиради. Ахлоқ ва ҳуқуқ меъёрларини бузадиган кимсалар барча жамиятларда учраган. Лекин улар ўз хулқи, ҳатти-ҳаракати билан

мақтанмаган. Бошқалар бу қабилдаги мақтанчоқлардан хазар қилган, баъзан уларни қаттиқ жазолаган. Бугун эса кўпчилик бундай ҳолларга бефарқ, айримлар эса уларга носоғлом қизиқиш билдиради. Шу сабабдан интернет тармоғидаги бундай яширин сайтларни йўқотиш қийин кечмоқда.

Инсоннинг эҳтиёжларига ва уларни қондириш ҳуқуқига абстракт гуманизм, абстракт либерализм нуктаи назаридан ёндашиб бўлмайди. Инсон ўз эҳтиёжларини жамиятда қабул қилинган муайян тартибқоидалар, меъёрлар асосида қондиради. Баъзи бир биофизиологик эҳтиёжлар интим вазиятда қондирилади. Шаҳвоний эҳтиёжлар шулар сирасига киради. Лекин инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига абстракт гуманизм ва вульгар антропоцентризм қарашларидан келиб чиқиб ёндашиш, оммавий маданиятни инсоннинг ҳар қандай эҳтиёжларини, шу жумладан, носоғлом эҳтиёжларини қондиришга хизмат қилдириш шаҳвоният (секс) масалаларида баъзи ҳолларда аниқ ахлоқий мўлжалларнинг йўқолишига сабаб бўлмоқда.

Айрим Ғарб мамлакатларида биржинсли никоҳларнинг қонунийлаштирилиши, бундай никоҳга асосланган оилаларга фарзанд асраб олишга рухсат этилиши инсон ҳуқуқлари билан оқланмоқда. Ноанъанавий сексуал мўлжалдаги кишиларнинг бирга яшашига, «никоҳ»ларини легаллаштиришга ҳар ким ҳар хил муносабат билдириши мумкин. Аммо уларга фарзанд асраб олишларига рухсат берилишини, бизнинг назаримизда, инсон ҳуқуқлари билан мутлақо оқлаб бўлмайди. Чунки асраб олинаётган боланинг ҳам ҳуқуқларини унутмаслик керак. У тўлақонли оилада – ҳам ота, ҳам она тарбиясини олиб ўсишга ҳақли.

Биржинсли оила қурган икки кишининг бола тарбиялаш ҳуқуқини тарбияга олинаётган боланинг ҳуқуқларини поймол этиш ҳисобидан таъминлаш – антигуманизм, болага нисбатан зўравонликдир. У ўзлигини, ўзининг ҳуқуқ ва манфаатларини, шу жумладан, шаҳвоний мойилликларини ҳали тўлиқ англаб ололган эмас. Биржинсли никоҳдаги оилада эса асраб олинган боланинг жинсий мўлжали сунъий равишда унинг асл табиатига қарама-

қарши шаклантирилмаслигига ҳеч ким қафолат беролмайди.

Кейинги йилларда гендер тенглиги масаласи инсон ҳуқуқларини таъминлашнинг долзарб соҳаларидан бирига айланди. Бу жуда ҳаётий муҳим масаладир. Осиё, Африка, Лотин Америкаси ривожланаётган мамлакатларидагина эмас, балки Шимолий Америка ва Европанинг ривожланган мамлакатларида ҳам, бирида озрок, бирида кўпроқ гендер муаммоси мавжуд. Уни ҳал қилиш зарур. Аммо жинслар тенгҳуқуқлиги масаласи усталик билан аста-секин «гендер инқилоби» масаласига айлантирилмоқда. Эмишки, ўзини эркак ёки аёл, деб ҳисоблаш ҳар бир кишининг хос ҳуқуқи. Шу сабабдан болаларга ота – эркак, она – аёл, сен ўғил боласан ёки қиз боласан, умуман, аёл ёки эркак деган тушунчани ўргатмаслик керак эмиш. Бола улғайиб, балоғатга етгач, унга қайси жинс маъқул бўлса, шунисини танлаб олармиш. Айтишларича, Швецияда айнан ушбу тарбиявий тамойилга асосланган бир боғча фаолият юритмоқда.

Гендер инқилоби мақсади – жамиятнинг анъанавий институтларини, биринчи навбатда, оила ва никоҳ, тарбия ва ахлоқ институтларини таг-туғи билан қўпориб ташлаб, эркин жинсий алоқаларни ривожлантириш ёки гуруҳий, биржинсли ва ш.к. эркин оилалар тузиш орқали бу институтларни қайтадан барпо этишдир. Юқорида бир икки мисол келтирдик. Тасаввурлар тўлиқ бўлиши учун яна шундай мисолга мурожаат этамиз. «Феминизм декларацияси» (1973 йил)да аёлни озод этишнинг асосий шарти сифатида никоҳ институтини вайрон этиш кўрсатилган ва аёлларни эрларидан ажралишига даъват этилган; никоҳ қулликнинг шакли сифатида баҳоланган.

Биржинсли никоҳларнинг ва гей-парадларнинг ОАВ орқали очикчасига тарғиб этилиши замонавий жамиятда ушбу масалада ҳалигача гўёки мавжуд дискриминацияга чек қўйиш истаги билан тушунтирилади. Аслида амалда (де-факто) демократик мамлакатларда сексуал озчиликни ташкил этувчилар ҳеч қандай дискриминацияга учрамайди. Табиийки, юридик дискриминация сақланиб қолган мамлакатларда жинойт ва процессуал кодекслардан тегишли меъёрларни чиқариб курашиш керак. Гап биржинсли

никоҳларнинг қонунийлаштирилишида ҳам эмас, балки тажовузкор, мажбуран тикиштирилаётган ташвиқотдадир. Францияда тегишли қонун қабул қилинганидан кейин илк бора расмийлаштирилган биржинслик никоҳни рўйхатга олиш маросими 2013 йил май ойи охири – июнь ойи бошларида «Euronews» каналлари орқали тинимсиз равишда бир ҳафта давомида кўрсатилди. Бирорта сиёсий янгиликка, ижтимоий ёки маданий воқеага, илмий кашфиётга ёки қироллар, «юлдузлар» ҳаётига бунчалик эфир вақти ажратилган эмас. Ахборотнинг мазмуни ва мақсадини кўя турайлик, унга ажратилган эфир вақти ҳажмининг ўзиёқ бу масалада аниқ ахлоқий, ижтимоий мўлжаллар йўқолаётганидан далолатдир. Гей-парадларнинг ТВда намойиш этилиши ҳақида ҳам шундай дейиш жоиз.

Ноанъанавий жинсий мўлжалдаги кишилар, гейлар ўтмишда ҳам бўлган. Турли даврларда жамият уларга ҳар хил муносабат билдирган. Тоталитар тузумлар уларни таъқиб қилган. Аммо кўпинча, агар жамият ахлоқига ошқора хавф солмаса, ҳеч кимнинг гейлар билан иши бўлмаган. Яширинча, интим ҳолатда ўз эҳтиёжларини қондириб юраверган. Бугун демократик мамлакатларнинг бирортасида улар де-факто таъқиб қилинмайди, ҳуқуқлари чегараланмайди. Де-юре биржинсли никоҳлар йигирмага яқин давлатларда қонунийлаштирилган. Лекин гейларнинг ўз шахвоний эҳтиёжларини, ноанъанавий мойиллигини тажовузкор ҳолда мутаассибларча намойиш этишга интилишлари, баъзи бир депутатлар ва сиёсатчиларнинг уларнинг акцияларида иштирок этишлари (сабаби маълум – сайловларда уларнинг овозини олишга интилиш) ахлоқий ва сиёсий мезонларнинг трансформациясидан, бу борада аниқ ижтимоий мўлжаллар йўқолганидан дарак беради.

Ушбу акциялар, бир томондан, шахвоният ва «гендер инкилоби» орқали ижтимоий-маданий ҳаётда озчиликнинг кўпчилик устидан оила, никоҳ ва жинсий алоқа масалаларида ҳукмронлик қилишга интилишидир, яъни антидемократик ҳодисадир. Бундай агрессив уринишлар жамият тинч-осойишталигига, барқарорлигига хавф туғдирмоқда. Ушбу муносабат билан Шарқ ривояти эсга тушади. Бир букри Оллоҳга «Нега бошқаларни мендан

ажратгансан» дея муттасил даъво қилар экан. Охири Оллоҳ букридан сўрабди: «Сени букрилигингдан халос этайми?» Шунда букри: «Йўқ, бошқаларни ҳам мендек букрига айлантир», деган экан. Ноанъанавий жинсий мўлжалдагиларнинг талаблари соғлом кишилардан нафратланадиган букрининг Оллоҳга даъвосига ўхшайди. Баъзи масалалар бўйича инсон ҳуқуқларини, инсон эҳтиёжларини қондириш борасида, шундай қилиб, анъанавий ахлоқий ва диний маданиятлар, бир томондан, замонавий сиёсий ва ҳуқуқий маданиятлар – иккинчи томондан, ўзаро қарама-қаршиликка дуч келдиларки, бу уларнинг интерференциясига сабаб бўлмоқда.¹

Яна иккита мисол келтириш билан чеклансак. Маиший турмушда нудизм (қип-яланғоч юриш) мисоллари илдизи ахлоқий меъёрларнинг заифлашувига бориб тақалади. Айрим хотин-қизларнинг баданларига шиорлар ёзиб ярим-яланғоч (топлес) ҳолда жамоатчилик жойларида сиёсатчиларнинг пресс-конференцияларида норозилик акциялари уюштиришлари сиёсий мақсадга мувофиқликка ахлоқий меъёрларнинг қурбон қилинишидир. Тўғри, топлес-протестларни оммавий ахборот воситалари жон-жон деб ёритади, чунки у одамлар диққатини, айниқса, эркаклар диққатини жалб қилади. Намойишчи аёлларга текин пиар таъминланади, улар машҳур бўлади. Бу эса уларнинг бошқа акцияларда қатнашиши учун тўлов нархини оширади. Гей-парадларда депутатлар ва сиёсатчиларнинг қатнашиши тўғрисида ҳам шундай дейиш жоиз: ноахлоқийлик эвазига сиёсий капитал ишлаш.

Аёлларнинг топлес-протестларини (яланғоч бўлиб норозилик акциялари уюштиришлари) атиги бир неча йил бурун украиналик Шевченко фамилияли жувон бошлаб берган эди. Глобаллашув шароитида у Ғарбда тез тарқалди. Антиглобалистлар, гейпарадлар, «яшиллар» норозилик акциялари каби, топлес-протестчилар ҳам халқаро миқёсда уюшмоқда, ўзларининг ташкилотчи ва мувофиқлаштирувчи фаолларига эга. Бирор давлатда акция ўтказилаётганда, ҳаммалари ёпирилиб боради. Оммавий маданиятнинг контркультура (қаршимаданият)

¹ *М. Веллер*. Кассандра. – М.: «АСТ», 2007. 229-б.

деб аталмиш ёшларнинг норозиликларини ифодаловчи шакли XXI асрда янги кўринишларда қайта уйғонмоқда.

Иккинчи мисол – айрим мамлакатларда биржинсли никоҳдагиларга бола асраб олишга рухсат этилиши муносабати билан боғчаларда ва мактабларнинг бошланғич синфларида тарбия жараёнига киритилаётган (ёки талаб қилинаётган) ўзгаришлардир. Уларга мувофиқ, нормал оилалар болалари биржинсли никоҳга қурилган оилалар саклаб олган болаларга ота-онаси ҳақида «нотўғри» савол бериб қўймаслиги, эшитган жавобидан ўзлари ахлоқий травма олмасликлари ва ўртоқларига ҳам етказмасликлари учун шундай тарбиявий ахборот берилмоқда: «Айрим болаларда икки ота бўлиб, она бўлмаслиги, айрим болаларда эса, аксинча, икки она бўлиб, ота бўлмаслиги мумкин. Бунга ажабланмаслик керак. Оилалар ҳар хил бўлади».

2013 йилнинг август ойида баъзи телеканаллар шундай ахборот бердилар: ГФРда бир фуқаро суд қарори билан бир кунга қамалиб чиққан. Сабаби – у ўзининг мактабда ўқийдиган қизалоғини жинсий тарбия мавзуси ўқитиладиган икки дарсга қатнаштирмаган, яъни таълим тўғрисидаги қонунни бузган. Маълум бўлишича, бундай дарсларда болаларга нафақат эркак ва аёл ўртасидаги интим алоқалар тўғрисида, шунингдек, ноанъанавий сексуал алоқалар тўғрисида ҳам «билим» бериларкан, жинсий аъзоларнинг чизилган суратлари ва ҳ.к.лар кўрсатилар, уларни рангли қаламлар билан бўяш талаб этилар экан. Баъзи болалар даҳшатга тушиб, гангиб қолар, айримлари уввос тортиб йиғлар экан. Табиийки, ҳамма ота-оналар ҳам етти-саккиз ёшли ёки ўсмир фарзандларини бундай усулда ўқитилишига розилик беравермайди, бундай дарсларни порнографик деб баҳолайди. Бу қабилдаги бешафқат жинсий тарбия дарсларини илмий-психологик ва педагогик жиҳатдан асослаш қийин. Болаларнинг ёши ва тайёргарлигини ҳисобга олиб уларга бериш мумкин бўлган ахборот меъёрини йўқотиб қўйиш педагогика ва ахлоқ соҳасидаги интерференциянинг белгисидир.

Кўриниб турибдики, ноанъанавий жинсий мўлжаллар тўғрисидаги ахборотдан энди ақли кираётган, кўнгли беғубор, жинсий алоқалар тўғрисида ҳали ҳеч қандай

тасавури йўқ болаларни, жилла курса, балоғат ёшигача асраш баъзи мамлакатларда зарур ҳисобланмаётир. Ёки, аксинча, болаларга ота-она, эркак-аёл, ўғил болақиз бола, деган сўзларни ишлатмаслик, улар ўрнига «у» олмошини қўллаш амалиёти тарғиб этилмоқда (туркий тилларда грамматик жинс йўқлиги учун ушбу ҳодисани тушунтириш бироз қийинроқ. Масалан, рус тилида эркакка нисбатан – «он», аёлга – «она», грамматик ўрта жинсни англатувчи сўзларга нисбатан «оно» олмошлари ишлатилади. Бизнинг тилда грамматик жинс йўқлиги учун барча ҳолларда «у» олмоши қўлланилади. Швециядаги бир боғчада отасини ҳам, онасини ҳам болага, русчага таржима қилинса, «оно» деб аташни ўргатмоқдалар).

Юқорида келтирилган мисоллар ҳозирги замон Ғарб ижтимоий-маданий ҳаётининг бир қисмидир. Улар тасодифан ва кутилмаганда вужудга келиб қолган эмас. Балки XX аср давомида юз берган ижтимоий-сиёсий фожеалар, инқилоблар, урушлар, қарама-қаршиликлар, термоядро уруши хавфи ва бошқа глобал хавф-хатарлар натижасидир. Уруш ва ўлим хавфи аҳолининг бир қисмида ахлоқий иммунитетни ўта заифлаштириб, жамиятни йўлдан оздиради. Одамлар ўзини «ўлиб кетгунча яшаб қол» қабилида тутиб, тубан эҳтиросларига эркинлик беради. Замонавий жамиятнинг маънавий инқирози, шунингдек, XX аср 60-йиллар норозиликлари ва сексуал инқилоби, сўнгги 20–30 йилдаги гендер инқилоби, сексуал озчиликнинг ҳуқуқлари учун ўта муболағалаштирилган курашлар, замонавий илмий-техника тараққиёти зиддиятлари, инсоннинг жамиятдан, фундаментал умуминсоний кадриятлардан тобора беғоналашиши натижасидир. Шунингдек, булар инсонни ҳақиқий ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий муаммолардан чалғитиб, унинг миясини ҳар хил сохта кадриятлар билан тўлдириб ташлашга, унинг онгини бошқаришга, ижтимоий норозиликлар олдини олишга қаратилган, шаклан мафкурасизлашган ижтимоий-маданий амалиётдир. Бу амалиёт баъзан юксак ва оммавий маданиятларнинг ўзаро таъсирини салбий томонга буриб, уларнинг интерференциясига сабаб бўлмоқда.

Юқорида келтирилган омилларнинг барчаси ижтимоий сабаблардир. Биз сал илгарироқ маънавий сабаблар – мумтоз гуманизм мавҳум антропоцентризм билан алмаштирилгани, жамоавийлик тамойили индивидуализмга тўлиқ қурбон қилингани тўғрисида гапирган эдик. Яна оқибат сифатида Ф.Ницшенинг «Худо ўлди», Достоевский қаҳрамони Иван Карамазовнинг «агар Худо йўқ бўлса, унда ҳамма нарса, ҳатто одамхўрлик мумкин» сўзларини, натижа сифатида Э.Фроммнинг «инсон ўлди» хулосасини қўшимча қилиш мумкин. Ғарб маънавий инқирозининг сабабларидан бири – мумтоз кадриятлар тизимининг маданиятлар интерференцияси туфайли анча-мунча вайрон бўлиши, шу жумладан, инсонпарвар диний кадриятлар ва анъаналардан воз кечилишидир.

Бошқа томондан, индивидуализмни тўлиқ инкор этиб, жамоавийликка қурбон қилиш ҳам ижобий натижа бермайди. Жамиятда турғунлик бошланади, анъанавийлик устунлик қилади. Баъзи ҳолларда жамоа манфаати учун ўз ҳаётини қурбон қилишга тайёр камикадзелар, шаҳидлар пайдо бўлади. Аёнлашадики, шахс ва жамоа, инсон ва жамият манфаатлари уйғунлигига эришмоққа ҳаракат қилиш лозим. Бунинг учун тарбия концепциялари жамият ва жамоа билан уйғун яшаш туйғуларини шакллантиришни, шу жумладан, мухожирларнинг янги муҳитга уйғун интеграциясига ёрдамлашишни назарда тутмоғи лозим.

Бугунги воқеликда маданиятлар интерференцияси ижтимоий кадриятлар ва мўлжалларнинг кучли деформациясига, баъзан тубдан трансформация бўлишига, ҳатто, айрим ҳолларда, йўқолишига олиб келмоқда. Маданиятлар интерференцияси – мураккаб масала. Уни файласуфлар, социологлар, маданиятшунослар, психологлар, педагоглар, барча гуманитар фанлар вакиллари ўз йўналишларида тадқиқ этсаларгина, кўп нарса ойдинлашади.

Биз бошқа халқлардан ихоталаниб, маҳдудлашиб, замонавий алоқа ва мулоқот воситаларидан воз кечиб яшай олмаймиз. Шу сабабдан таълим-тарбия жараёни замонавий ахборот бозори очиклигини, ахборот алмашиш имкониятлари чексизлигини ҳамда оммавий маданиятнинг маънавий «колонизаторлик» функциясини ҳисобга олиб, мудом такомиллаштирилиб борилмоғи лозим.

9. МАЪНАВИЯТНИНГ МЕЪЁРИЙЛИГИ ВА ИЖТИМОЙ ФУНКЦИЯЛАРИ

Биз аввалги бобларда маънавият инсоннинг моҳиятини ташкил этувчи белгиларидан бири эканлиги, инсоният ҳайвонотдан, жамият табиатдан маънавияти билан ажралиб туриши ҳақида гапирган эдик. Ҳақиқатан, маънавий қадриятларни ўзлаштириш жараёнида инсоннинг асл табиати, ички инсоний туйғулари, руҳий-эмоционал ва ақлий-интеллектуал дунёси шаклланади, ўзлигини англайди.

Маънавият инсонда асл инсоний хислатлар, фазилатларни шакллантиради. Унга ўзини англашга, ҳайвонот оламидан, табиатдан ўзини ажратиб, борликдаги ўз ўрнини аниқлашга ёрдам беради. Асотирлар, ривоятлар, адабиёт, санъат, дин, ахлоқ, илм-фан, урф-одатлар, маросимлар, маданий мерос ва маънавиятнинг бошқа мавжудлик шакллари инсонга табиат ва коинот билан, бошқа ўзига ўхшаган одамлар билан, табиат ва жамиятни «бошқарувчи», уларга «жон бағишловчи», уларни ўзгартирувчи номаълум кучлар билан «алоқа ўрнатишга» кўмаклашади. *Маънавиятсиз инсон биологик мавжудот даражасида қолиб кетар, кишилик жамияти вужудга келмас эди.*

Маънавият туфайли инсон ўз биологик табиатига ижтимоийлик бағишлаб, биоижтимоий мавжудотга айланади. Ижтимоийлашиш – бу онгли равишда ўзаро бирлашиш, биргаликда уюшиб яшаш ва меҳнат қилиш, ишлаб чиқариш билан шуғулланиш, моддий ва маънавий бойликлар яратиш, маълум меъёрларга, қоидаларга, чекловлар, тақиқларга ёки мажбуриятларга риоя қилиш, бошқалар билан улар асосида муносабатларини тартибга солиш демакдир. Гуруҳ бўлиб яшайдиган ҳайвонлар ўртасида муносабатлар фақат яшаш учун кураш, яъни озик-овқат топиш, хавф-хатардан, душманлардан гуруҳни ҳимоя қилиш, кўпайиш ва соғлом насл қолдириш инстинктлари асосида онгсиз қурилади.

Одамсимон мавжудотлар (юқори приматлар) подаси ичида илк, энг оддий тақиқловчи ва ундовчи меъёрларнинг пайдо бўлиши, ижтимоийлашув жараёнининг бош-

ланиши, поданинг уруғ-жамоага айланишидаги биринчи одим эди. Жинсий алоқалар тартибга солинди. Ота-оналар ва болалар, ака-укалар ва опа-сингиллар ўртасида, кейинчалик яқин қариндошлар ўртасида жинсий алоқалар тақиқланди. Бошқа ҳар хил тақиқлар ўрнатилди. Уруғ-жамоада унинг ҳар бир аъзоси ва жамоа ўртасида ўзаро мажбуриятлар юзага келди: овчи ов пайти ярадор бўлса, уруғ-жамоа уни ва оиласини тузалиб, оёққа туриб кетгунга қадар боққан, ҳалок бўлган овчининг бола-чақаси ва оиласига ғамхўрлик қилган. Бу жараёнда яна қатор меъёрлар вужудга келган: ҳалок бўлган овчининг хотини кимга тегиши, бунга ҳақи бор эркакларнинг биринчи, иккинчи ва ҳ.к тартиби қандайлигини белгиловчи қоидалар, меъёрлар шулар жумласидандир. Тақиқ ва мажбурият – бу яшаш ва фаолият юритиш меъёрларидир. Шундай қилиб, маънавийт унсурлари шаклланиши ижтимоий меъёрларнинг вужудга келиши билан боғлиқдир.

Уруғ-жамоа ривожланиши давомида инсоннинг ижтимоийлашув даражаси, маънавияти ўсди. Инсоннинг ижтимоийлашуви деганда унинг жамоа ва бошқа одамлар билан алоқалари шаклан хилма-хиллашиб, мазмунан бойиб, чуқурлашиб бориши, одамлар ўртасида ўзаро ва алоҳида индивиднинг жамоага муҳтожлиги ўсиши тушунилади. Инсон, эҳтиёжлари мудом юксаладиган мавжудот сифатида, уларни қондириш учун жамиятда яратилган маҳсулотлардан – бошқалар меҳнати натижаларидан фойдаланишга мажбур. Ўзи ҳам жамиятга нимадир беради ва эвазига барча керакли маҳсулотларни олади. Жамият ривожланган сайин инсонга зарур маҳсулотлар тури ва сони кўпайиб бораверади. Бугунги давр кишиси учун озик-овқат, кийим-кечак ва бошпанадан ташқари минглаб хилдаги буюмлар, хизматлар керак. Энг аввало, у саводини чиқариши, билим олиши, касб эгаллаши лозим. Буларни у табиатдан ололмайди, жамиятдан олади. Замонавий инсон шахсий транспорт ёки жамоат транспортдан фойдаланмаса, бирор ишини битира олмайди. Бўш вақтини фойдали ўтказиш учун у TV кўрсатувларини кўради, китоб ўқийди, кино ёки театрга боради, истироҳат боғига чиқади, интернетга мурожаат қилади ва ҳ.к. Буларнинг барчаси бир ёки икки киши томонидан эмас, кўплаб ки-

шиллар томонидан яратилади. Ҳатто муаллифи бир киши бўлган бадиий асар чоп этилиши ва ўқувчига етиб бориши учун нашриётларда, босмаҳоналарда, китоб савдосида, транспортда ишлайдиган кўплаб одамларнинг меҳнати талаб этилади. Инсоннинг жамиятга боғлиқлигининг ўсиши унинг ижтимоийлашуви ифодасидир.

Инсоннинг ижтимоийлашув даражаси, маънавияти ўсиши уруғ-жамоани мустақкамлади, унинг аъзолари ўзаро муносабатларини янада такомиллаштирди ва тартиблироқ кечишига ёрдам берди. Инсоннинг яратувчилик, меҳнат қуролларини такомиллаштириш эҳтиёжларини рағбатлантирди. Инсон ва унинг ҳаётининг тобора ижтимоий аҳамият касб этиб бориши турли моддий-иқтисодий, маънавий-ахлоқий, диний-эътиқодий, эстетик ва бошқа турмуш меъёрлари, қоидалари, урф-одатларнинг бойиб боришига олиб келди. Шу сабабдан *маънавият инсон ижтимоийлашувининг оқибати ва айни пайтда омили, воситаси* дейиш мумкин. *Маънавиятнинг ижтимоий функциялари ушбу ҳолатдан, жамият ва инсоннинг тараққий этиши заруратидан келиб чиқади.*

Уруғ-жамоалар ов қиладиган, дон-дун ва мева-чева йиғадиган ҳудудларни ўзаро келишиб бўлиб олган, ўртадаги келишувга қаттиқ риоя қилган. Акс ҳолда, доимий ўзаро жанжал ва жанглار ҳар икки томоннинг талофат кўришига, ҳатто қирилиб кетишига олиб келган. Худди шундай овдан ўлжа билан қайтаётган ёлғиз овчини бошқа уруғ-жамоа ёки қабила овчилари қўлидаги ўлжасини тортиб олмаслиги ёки унга зиён етказмаслиги тўғрисида оғзаки келишувлар тузилган. Зарур ҳолларда келишувни бузмаслик бўйича онтлар ичилган. Бу, албатта, осонгина ва тезда юз бермаган. Уруғ-жамоалар, қабилалар ов қиладиган, маҳсулот йиғадиган, кейинчалик деҳқончилик қиладиган ҳудудларни, мол боқадиган яйловларни бўлиб олганга қадар минглаб йиллар ўтган, қанчадан-қанча қонлар тўкилган. Худудларни бўлиб олиш муайян минтақада аҳоли сонининг кўпайиши, уруғ-жамоаларнинг йириклашуви ва қабилаларга бирлашуви, ҳарбий куч-қудратининг ўсиши билан ҳам боғлиқ. Агар овчи бошқа уруғ-жамоага тегишли бўлган жойда ўша

жойнинг эгаларидан берухсат ов қилса, ундан ўлжасини тортиб олиш, ҳатто жазолаш адолатли ҳисобланган. Уруғ-жамоалар асрлар давомида ўзаро ҳаёт-мамот учун курашган. «Қонга-қон, жонга-жон» деган тамойиллар пайдо бўлган ва охир-оқибат одамларни, уруғ-жамоаларни, қабилаларни, кейинчалик давлатларни ўзаро келишувга мажбур этган.

Уруғ-жамоалар қабилаларга бирлашиб меҳнат тақсимоти, ишлаб чиқариш ривожланиши жараёнида турли меъёрлар ва қоидалар янада кўпайган. Кулол ясаган бир дона косаси ёки кўзасига қанча буғдой ёки бошқа маҳсулот олиши керак? Ўроқ, кетмон, омоч ва бошқа меҳнат қуроллари қанча миқдордаги озиқ-овқат маҳсулотларига, буғдой ёки арпага, жун ва гўштга, неча дона майда молга ёки қорамолга тенг? Маҳсулот алмашув меъёрлари, ҳар бир оиланинг ариқ қазииш, зовур тозалаш, умумий ҳашарда ёки бошқа ишларда қатнашиш, маҳсулотдан бир қисмини умумий эҳтиёжларга текин бериш (натурал солиқнинг илк оддий шакли) ҳамда уруғ жамоани, қабилани ўз қишлоғини, ерини ҳимоя қилиш ва шунга ўхшаш ҳарбий мажбуриятлари вужудга келган.

Бундан ташқари, урф-одатларга, диний эътиқод талабларига риоя этиш, тотемларга, санамларга, маъбудларига сиғиниш, уларга қурбонликлар келтириш ва шу каби маънавий мажбуриятлар пайдо бўлган. Биргаликда ғуж бўлиб яшаш, қишлоқлар ва шаҳарлар ривожланиши туфайли турли юкумли касалликлар ва инфекциялардан сақланиш учун белгиланган гигиеник ва тозалик меъёрларига, қоидаларига риоя этиш, сув ичадиган ҳовуз, кудук, ариқни булғамаслик мажбуриятлари қарор топган. Бошқача айтганда, кўплаб тақиқловчи ва ундовчи, мажбурловчи ахлоқий, иқтисодий ва бошқа ижтимоий меъёрлар вужудга келган. Уларни ўзлаштириш жараёнида инсоннинг ўзи ижтимоий мавжудот, маънавий шахс сифатида юксалган. Ишлаб чиқариш жараёни, маҳсулот алмашув мезонлари моддий-иқтисодий муносабатларга мансуб бўлса-да, улар асосида ётадиган онгли хулқ-атвор, ҳаракат, тўғрилиқ, адолат, ҳалоллик тамойиллари маънавиятга дахлдордир. Давлат пайдо бўлиши билан

бир вақтда ҳуқуқий ва сиёсий меъёрлар ҳам қарор топган. Кейинчалик эса давлатлар ўртасидаги муносабатларни тартибга солувчи халқаро ҳуқуқ шаклланган.

Юқоридагилардан аёнлашмоқдаки, *барча меъёрлар чекловчи ва ундовчи мазмунга эга*. Чеклаш ва ундаш орқали улар одамларнинг хулқини, хатти-ҳаракатини белгилайди, ўзаро муносабатларини, шу жумладан, инсон ва жамоа, жамият, инсон ва табиат ўртасидаги алоқаларни тартибга солади. Аввалги бобларда эътироф этилганидек, ахлоқ, дин, фалсафа, адабиёт ва санъат, илм-фан ва уларга тегишли тушунчалар, ғоялар, баҳолар, меъёрлар, қоидалар, қонунлар, таълимотлар, қадриятлар тизимини – маънавиятни ташкил қилади. Уларни ўзлаштириш жараёнида инсоннинг онги, тафаккури ривожланади, билимлари, қарашлари, имони, эътиқоди шаклланади.

Маънавиятнинг инсон ва жамият ҳаётида бажарадиган вазифаларини (функцияларини) энг умумий, универсал вазифаларга ҳамда конкрет-ижтимоий вазифаларга бўлиш мумкин. Универсал вазифалар уч хилдир. *Биринчиси – инсоннинг руҳий ва интеллектуал эҳтиёжларини қондириш*. Маънавият инсоннинг эзгуликка, ҳақиқатга, адолатга, тенгҳуқуқликка, озодликка, гўзалликка, меҳроқибатга интилиш эҳтиёжларини шакллантиради ва қондиради. *Иккинчиси – инсоннинг ушбу эҳтиёжларни яхшироқ ва тўлароқ қондириш учун унга зарур билимлар беради*. Масалан, ахлоқий, ҳуқуқий, сиёсий тушунчалар, ғоялар, баҳолар, қарашлар, назарияларни, идеалларни ўрганиш ва ўзлаштириш жараёнида инсон тегишли ахлоқий, ҳуқуқий ва сиёсий билимларга эга бўлади, дунёқараши кенгаяди. *Учинчиси – тарбиялаш вазифасидир*. Инсон маънавий эҳтиёжларини қондириши, муайян билимларга эга бўлиши жараёнида маънавий жиҳатдан камол топади, имон-эътиқоди мустаҳкамланади. Унда ижодкорлик, яратувчилик имкониятлари ўсади, диди нозиклашади, мулоҳазалари теранлашади, яратувчилик иштиёқи ва маҳорати ўсади.

Маънавиятнинг конкрет-ижтимоий вазифалари унинг универсал вазифаларидан келиб чиқади. Улар анчаранг-баранг, жамият тараққиётининг эришилган даражаси ва талаблари билан боғлиқ. Шу сабабдан уларга конкрет-

тарихийлик хос. Ҳар бир тарихий давр ўзининг қарор топган маънавиятига ҳамда ижтимоий-иқтисодий, маданий имкониятларига ва талабларига мос шахсни тарбиялайди. Унга мавжуд меҳнат кўникмаларини, ишлаб чиқариш технологияларини, ахлоқий, ҳуқуқий, эътиқодий, сиёсий талабларни ўргатади. Ушбу талаблардан келиб чиқиб, у ўзининг нарса ва ҳодисаларга муносабатини белгилайди. Инсон доимо танлаш заруратига дуч келади. Ёмонлик ва яхшилик, эзгулик ва ёвузлик, гўзаллик ва хунуқлик, бунёдкорлик ва бузгунчилик ўртасида, яъни ўз мақсадига қийинчилик билан, аммо ҳалол эришиш ёки бузгунчилик, осон ноадолатли йўл орқали эришишдан инсон бирини танлаш муаммоси билан тўқнашади. У нимани, қайси йўлни, ғояни ва қандай танлаши унинг маънавиятига, баҳолаш мезонлари ва қадриятлар тизимига боғлиқ.

Хулоса қиладиган бўлсак, маънавият нисбатан умумий бўлган ижтимоий баҳолар, меъёрлар, мўлжаллар, идеаллар мажмуи сифатида, урф-одат ва қабул қилинган расм-русумлар ҳамда кишилар ўртасидаги мафкуравий муносабатлар, яъни маънавий маданият ва маънавий муҳит сифатида *бошқа ижтимоий муносабатларга, алоҳида шахслар ва гуруҳлар хулқ-атворида, фаолиятига чеклаш ёки рағбатлаш, ундаш орқали таъсир кўрсатади, инсон омилни ривожлантиради*. Маънавият инсон шахсини нафақат шакллантиради ва камол топтиради, шунингдек, уни заводдан, ички ва ташқи мафкуравий, руҳий таҳдидлардан, нафсдан, ҳирсдан, манманликдан, ёт бузгунчи таъсирлардан ҳимоя қилади. *Маънавият ушбу маънода инсоннинг руҳий ва интеллектуал иммунитетини, қалқонидир*.

Маънавият туфайли инсон ўзлигини англайди. Бу унинг ўз манфаатларини тўғри, холис англашини, олди-га аниқ ва реал мақсадлар қўйишини, ўзини халқининг, жамоасининг бир бўлаги деб ҳис қилишини, ўз кучига, имкониятларига тўғри баҳо бера олишини билдиради. Бу, шунингдек, инсоннинг ўз шахсий камчиликларини, феъл-атворидаги нуқсонларини, билими, малакаси ва амалий ишларидаги камчиликларни билишини ҳам англайди. Ўзликни англашнинг манманликка, мақтанчоқликка, худбинликка, кибру ҳавога алоқаси йўқ. Ўзликни анг-

лаш камтарликни, доимий равишда такомилликка интилишни, ўз камчиликларига қарши курашни билдиради. Фақат ўзлигини англаган кишигина миллатини ҳамда ўз шахсий айниятини англайди. Миллий ва шахсий айният (идентлик) маънавият ёрдамида ва замирида шаклланади ва таъминланади.

Маънавият шахсий ва миллий идентликни таъминлаши баробарида авлодларни ўзаро боғлайди, улар ўртасидаги ворисийликни, давомийликни юзага чиқаради. Бу унинг конкрет-ижтимоий вазифаларидан биридир.

Жамият миқёсида эса маънавият, энг аввало, миллатни, миллий маданиятни, миллий турмуш тарзини муҳофаза қилади, унинг ривожланиш йўналишини, келажагини белгилайди. Ислом Каримов огоҳлантирганидек: «инсониятнинг кўп минг йиллик тажрибаси шундан далолат берадики, дунёдаги зўравон ва тажовузкор кучлар қайси бир халқ ёки мамлакатни ўзига тобе қилиб, бўйсундирмоқчи, унинг бойликларини эгалламоқчи бўлса, авваламбор, уни қуролсизлантиришга, яъни энг буюк бойлиги бўлмиш миллий қадриятлари, тарихи ва маънавиятидан жудо қилишга уринади. Бунинг тасдиғини узоқ ва яқин тарихдаги кўп-кўп мисолларда яққол кўриш мумкин. Чунки ҳар қайси миллат ёки халқнинг маънавияти унинг бугунги ҳаёти ва тақдирини, ўсиб келаётган фарзандларининг келажагини белгилашда, шак-шубҳасиз, ҳал қилувчи аҳамият касб этади»¹. У ижтимоий-маданий филтёр вазифасини бажаради ва миллий анъаналарга ёт, миллийликка путур етказувчи, миллатнинг ахлоқий, эстетик, фалсафий қарашларига, имон-этикодига, адолат ва ҳақиқат тўғрисидаги тасаввурларига мос келмайдиган нарсаларни қабул қилмасликка, аксинча, уларни сиқиб чиқаришга ҳаракат қилади. Маънавият инқирози эса муқаррар равишда инсон ва жамият инқирозига олиб келади. Ушбу муносабат билан Ислом Каримовнинг маънавий таҳдид ҳақидаги қуйидаги фикри адолатли ва ҳаққонийдир: «маънавий таҳдид деганда, аввало, тили, дини, этикодидан қатъи назар, ҳар қайси одамнинг том

¹ *Ислом Каримов.* Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: «Маънавият», 2015. 11-б.

маънода эркин инсон бўлиб яшашига қарши қаратилган, унинг айнан рухий дунёсини издан чиқариш мақсадини кўзда тутадиган мафкуравий, ғоявий ва информацион хуружларни назарда тутиш лозим, деб ўйлайман.

Агарки масалага амалий кўз билан қарайдиган бўлсак, маънавиятимизга қарши қаратилган ҳар қандай хуруж, бу – миллатимизни миллат қиладиган, асрлар, минг йиллар давомида аждодлардан авлодларга, миллий ғурур, миллий ифтихор туйғусига, бизни доимий равишда тадрижий тараққиётга чорлайдиган, шу йўлдаги барча асорат ва иллатлардан халос бўлиб, озод ва фаровон ҳаёт барпо этишдек эзгу мақсадларимизга зарба берадиган мудҳиш ҳафвхатарларни англатади»¹. Бу фикрдан маънавиятга таҳдид инсонга ва миллатга таҳдид эканлиги, маънавият инсонни, миллатни муҳофаза этиши яққол аён бўлади. Маънавият, шунингдек, миллий ривожланиш учун зарур бўлган ўзга халқларнинг ютуқларини, тажрибасини ўзлаштиришга ундайди. Миллий турмуш тарзини муҳофаза қилишга ва ривожлантиришга кучи етмаса, инкирозга учрайди.

Демак, маънавият миллат ички дунёсининг, қарашларининг ва қадриятларининг воқелиги бўлибгина қолмасдан, уларнинг яшовчанлик даражаси, ўз-ўзини муҳофаза қила олиш ва ривожланиш кучининг намоён бўлиши ҳамдир.

Шу боисдан маънавият маданий меросга, тарихий анъаналарга, диний ва дунёвий урф-одатларга ниҳоятда ғамхўрлик билан ёндашади, уларнинг нутилишига йўл қўймайди. Моддий фойдалилик юксак маънавият учун биринчи даражали эмас. Ушбу маънода маънавият ҳаётга, турмушга, ижтимоий муносабатларга ва муаммоларга, ўтмиш ва келажакка оид ҳодисаларга кенг миқёсда ижтимоий-маданий мўлжаллар, идеаллар нуқтаи назаридан баҳо беради ҳамда бу баҳоларнинг мезонлари ва меъёрларини белгилайди.

Маънавият, шундай қилиб, меъёрий (норматив) хоссага эгаки, унга мос равишда жамиятда нарса ва ҳодисаларга, ижтимоий алоқаларга нисбатан муайян муно-

¹ *Ислом Каримов*. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: «Маънавият», 2015. 13–14-бетлар.

сабат шаклланади. Бу меъёрларга мос келадиган ҳодисаларга, хатти-ҳаракатларга биз ижобий муносабатда бўламиз, уларни маъқуллаймиз, имкон топилса, амалда қўллаб-қувватлаймиз. Ва, аксинча, маънавиятимизга мос келмайдиган ҳодисаларни, хатти-ҳаракатларни қоралаймиз ва ҳ.к.

Маънавиятнинг меъёрий характери бизнинг у ёки бу ҳаётий позицияни эгаллашимизни англатади. Маънавият қанчалик бой ва ривожланган бўлса, унинг меъёрийлик хоссалари шунчалик эркин, бой бўлади, толерантлик ва ранг-баранглик касб этади. Бой маънавият турлича фикрларни, қарашларни, ёндашувларни тақозо этади, аммо улардаги фарқлардан қатъи назар, албатта, ижтимоий фаолликни билдиради. Маънавият қанча қашшоқ бўлса, у шунчалик мутаассибликка (фанатизмга) мойил, ўзгача қарашларга ва ёндашувларга муросасиз, казармача бирхилликни қарор топтиришга ҳаракат қилади.

Миллатнинг маънавияти ҳеч бир шахс, ҳеч бир ижтимоий гуруҳ томонидан тўлалигича ўзлаштирилмайди. Кишиларнинг ва гуруҳларнинг амалий фаолиятида маънавиятнинг фақат ўзлаштирилган қисмигина рўёбга чиқади. Ўзлаштирилмаган маънавият, табиийки, ўзининг меъёрий ва бошқа хислатларини юзага чиқара олмайди. Шу боисдан жамиятда айрим шахслар ва гуруҳлар аксилижтимоий хатти-ҳаракатларга қўл урадилар. Биз ҳаққоний равишда баъзи кишиларнинг маънавий қашшоқлиги ҳамда уларга ўзларини тийиш учун ирода етишмаслиги тўғрисида безовталаниб гапирамиз.

Маънавиятнинг меъёрий характери хатти-ҳаракатларни чеклаш, уларни мавжуд ахлоқ ва қонун доирасида сақлаб қолиш билан белгиланмайди. *Юксак маънавиятнинг меъёрий характери, биринчи навбатда, чеклашда эмас, балки муайян фаолиятга ундашда, яъни ижодкорликка, яратувчиликка ундашда, рағбатлантиришда намоён бўлади.* Маънавияти бой халқнинг руҳияти, ижтимоий мўлжаллари, идеали ўзини тийишга, камсуқум бўлиб турғунликка интилишга эмас, балки ижодкорликка, турмушни янгилашга, янада илғор ютуқларни қўлга киритишга, юксалишга қаратилгандир. Бошқача қилиб

айтганда, ҳар томонлама юксалишга, камолотга, ижтимоий тараққиётга рағбат асл маънавиятнинг меъёридир, ижтимоий мўлжалидир.

Юқоридагиларни умумлаштириб, айтиш мумкинки, *маънавият ўзининг муҳофаза қилиш, танлаш, чеклаш, баҳолаш, ундаш каби меъёрий хоссаларидан келиб чиқиб*, ҳар қандай алоҳида олинган кадриятларнинг, шу жумладан, четдан қабул қилинган ютуқларнинг ҳам муайян тарзда фаолият кўрсатишини такозо этади ва жамият аъзоларининг ижтимоий хулқ-атворини белгилайди.

Маънавиятнинг конкрет-ижтимоий вазифалари қуйидагилардан иборат:

а) миллатни муҳофаза қилиш; ўзлигини англашни, идентлигини таъминлаш;

б) авлодлар ўртасида ворисийликни ва давомийликни таъминлаш;

в) ўтмишга, бугунга ва келажакка оид ҳодисаларга баҳо бериш, бу баҳоларнинг мезонлари ва меъёрларини белгилаш (аксиологик вазифа);

г) жамиятни ва алоҳида шахсларни муайян ҳаётий позицияни эгаллашга ундаш; инсонни жамият талабларига мослаштириш (адапцион вазифа);

д) миллатни тараққиётга, алоҳида шахсни такомиллаштишга рағбатлантириш;

е) инсоннинг ўз шахсияти билан айниятда яшашини, унинг асл инсоний табиати ривожланишини, такомиллаштишини таъминлаш;

ж) кишилар, ижтимоий гуруҳлар ўртасидаги муносабатларни тартибга солиш (ахлоқий ва ҳуқуқий меъёрлар орқали); яъни регулятив вазифа.

з) инсоннинг табиат ва жамият билан уйғунлигини таъминлаш.

* * *

Маънавият моҳиятини ва ижтимоий вазифаларини қандай тушуниш муҳим аҳамиятга эга. Зеро, амалий фаолиятимизни, айниқса, фан, адабиёт ва санъатни, халқ таълими ва маданиятнинг бошқа соҳаларини ривожлантириш, ҳозирги замон мафкуравий таҳдидларига қарши тура олиш кўп жиҳатдан маънавият ҳақидаги илмий тасаввурларга боғлиқ.

Маънавиятга нисбатан иррационал қарашлар устунлик қилса, унда яна аста-секин илм-фанда, адабиёт ва санъатда, технологиялар ва ишлаб чиқаришида турғунлик ва инқироз бошланади.

Умуман, ислом оламининг XVI асрдан бошлаб илмий-маданий инқирозга учраши буни исботлаб турибди (Улуғбек фожиаси ислом оламида олти асрдан кўпроқ давом этган, Ғазолий давридан бошлаб кескин кучайган илмий рационализм ва диний мистика ўртасидаги курашда илмий рационализм мағлубиятининг кўринишларидан биридир. Бу аста-секин дунёвий фанларнинг ислом оламида емирилишига, жўн бир ҳолатга тушиб қолишига олиб келди).

Маънавиятга фақат рационализм нуқтаи назаридан ёндашиш ҳам бир ёқламалик бўлади. Уни ҳар томонлама ва теран тушуниш имконини бермайди. Технократик қарашлар, одамларнинг ўзаро бегоналашиши, ҳамма нарсага фақат мақсадга мувофиқлик, амалий фойда кўриш нуқтаи назаридан ёндашиш кучаяди. Айниқса, вульгар материалистик ёндашув маънавиятнинг нисбатан мустақиллигини ва мураккаблигини ҳисобга олмайди, унинг жонли мазмунини инкор қилади, ўлик схематик андозаларга тикиштиради, маънавиятга иқтисодий муносабатларнинг иккиламчи ҳосиласи, деб қарайди. Бу, пировардида, меҳр-оқибат, инсонпарварлик, ахлоқийлик каби тушунчаларни кўзга илмасликка, жамиятда дегуманизация жараёнининг кучайишига олиб келади.

Ҳозирги бозор муносабатлари ривожланаётган, ижтимоий-иқтисодий ҳаёт рақобатга асосланаётган бир пайтда маънавиятни кўзга илмаслик оғир аҳволга олиб келиши мумкин. Рақобат шароитида маънавиятга вульгар экономизм нуқтаи назаридан ёндашилса, эски «*Nomo homini lupus est*» – «Инсон инсонга бўридир» деган шиор кишилар онгида қайта тирилиши ҳеч гап эмас. Ҳаттоки рақобат тўла инкор этилган совет даврида ҳам маънавиятга вульгар материалистик ёндашиш халқнинг ижтимоий-тарихий хотирасидан, асрий маданий меросидан, энг қадрли урф-одатлари ва яхши анъаналаридан анча-мунча узоқлаштирди, кишилар ўртасидаги меҳр-оқибатни со-вутиб юборди, бефарқликни, худбинликни кучайтирди.

Ғарб мамлакатларидаги маънавий инқироз тўғрисида ҳам бизга кўп нарса маълум. Ислон Каримов ҳақи равишда «Чинакам цивилизациялашган бозор муносабатлари, бозор воситалари фақат юксак маънавият негизида, юксак ахлоқлилик ва ватанпарварлик негизларида барпо этилиши мумкин»¹, дейди.

Маънавиятга вульгар антропоцентризм ва абстракт (мавҳум) инсон ҳуқуқлари нуқтаи назаридан ёндашув ҳам уни инқирозга маҳкум этади. Айнан шундай формал ёндашув туфайли инсон ҳуқуқлари, гендер тенглиги, ахборот эркинлиги ва шу кабилар айрим Ғарб мамлакатларида биржинсли никоҳлар қонунийлашишига, гей-парадлар ва ноанъанавий шахвоний мўлжалдаги кимсалар ва ҳаракатларнинг жамиятга очикча тазйиқи кучайишига, мумтоз қадриятларнинг «қадрсизланиши»га сабаб бўлаётир. Ҳар бир ҳодиса ва жараёнда меъёр бузилса, у ўзини диалектик инкорига, тескарисига айланади. Формал тушуниладиган инсон ҳуқуқлари билан шундай ҳол юз бермоқда. Биржинсли никоҳларнинг қонуний тан олиниши бундай оилаларга бола сақлаб олиш ҳуқуқини берди. Лекин демократик, ҳуқуқий Ғарб жамияти ювенал ҳуқуқ (болаларнинг ҳуқуқи) бузилаётганини пайкамай қолди. Ахир турли сабабларга кўра етим қолган бола нормал, ҳам отаси, ҳам онаси бор оилада ўсиш имкониятидан, ҳуқуқидан маҳрум бўлмоқда-ку! Маънавият инсонни, шу жумладан, ёш болаларни ҳам муҳофаза қилиши керак.

Жамиятда туб ўзгаришлар юз бераётган шароитда эса маънавиятни вульгар материалистик, вульгар антропоцентристик, абстракт хусусий нуқтаи назардан ёки диний-мистик тушуниш фақат зарар келтиради. Биз маънавиятга илмий холислик билан ёндашиб, унинг моҳиятини, мазмунини, тузилиш структурасини, намоён бўлиш шаклларини, ривожланиш қонуниятларини, ижтимоий вазифаларини, уларнинг турли тарихий даврлар ва вазиятларда ўзгариб туришини аниқ тасаввур этишимиз лозим.

¹ *Ислон Каримов*. Ватан саждагоҳ каби мукаддасдир. 3-жилд. – Т.: «Ўзбекистон», 1996. 275-б.

Маънавият тушунчаси ва вазифалари биргина фалсафа фани даражасида гносеологик, онтологик, умум-социологик, аксиологик нуқтаи назарлардан тарихий ва мантиқий, структуравий ва функционал усуллар ёрдамида таҳлил қилиниши лозим. Маънавият тушунчасини ва вазифаларини бошқа фанлар, хусусан, маданият назарияси, эстетика, санъатшунослик, адабиётшунослик, сиёсатшунослик, социология, педагогика, психология кабилар махсус ўрганиб, унинг мазмунини тўла аниқлашга ёрдамлашгандагина маънавиятни категория даражасида чуқурроқ англаб оламиз.

Маънавиятни илмий тушунча сифатида таҳлил қилиш бир фаннинг иши эмас, балки барча ижтимоий-гуманитар фанларнинг ишидир.

10. МАЪНАВИЯТНИНГ РИВОЖЛАНИШ ҚОНУНЛАРИ

Маънавий юксалишга, аввало, жамият ривожланишининг умумий қонунлари таъсир кўрсатади. Чунки маънавий ҳаёт жамият ҳаётининг бир бўлагидир. Жамият ривожланиши табиат ва онг қаторида, биринчи галда, универсал, диалектик қонунлар асосида кечади. Булар миқдор ўзгаришларининг сифат ўзгаришларига ўтиши, қарама-қаршилиқлар бирлиги ва кураши, инкорни инкор қонунларидир. XX аср бошларида саводли одамлар сонининг (миқдор) кескин ўсиши, янги усул мактабларининг кўпайиши халқимизнинг маънавий-маданий ҳаёти, адабиёти, ижтимоий-сиёсий, бадий, илмий, тижорий, иқтисодий ахборот олишини (матбуот пайдо бўлиши сабабли) янги сифат босқичига кўтарди. Ўнлаб типографиялар, газеталар, журналлар пайдо бўлди, юзлаб мактаблар очилди, кутубхоналар ташкил этила бошланди. Аҳолининг маънавияти, ўзлигини англаш даражаси кескин юксалди. Натижада жаҳид маърифатпарварлиги ижтимоий ҳаракатга айланди. Миллий матбуот, театр, адабиётда драматургия, роман, қисса жанрлари ва ҳ.к. шаклланди.

Диалектиканинг бошқа қонунлари бўйича ҳам турли-туман мисоллар келтириш мумкин.

Тараққиётнинг диалектик қонунларидан ташқари бошқа универсал қонунлари ҳам бор. Нарса, предмет, ҳодиса ва жараёнларнинг оддийликдан (содаликдан) мураккабликка қараб ривожланиши, ворисийлик қонуни ва ҳ.к. Улар ҳам ўзига хос тарзда жамият ва маънавият ривожланишида юзага чиқади. Масалан, ибтидоий жамият маънавияти кулдорлик жамияти маънавиятига нисбатан анча кашшоқ, оддий, содда ва жўн. Ўз навбатида кулдорлик жамияти маънавияти феодал жамият маънавиятига нисбатан худди шундай. Жамият ривожлангани сайин унинг тузилмалари, институтлари, маданияти, маънавияти рангбаранглашиб, мураккаблашиб, бойиб борган.

Ворисийлик қонуни умумтараққиёт қонунидир. Аслида уни юқорида қайд этилган диалектика қонунларининг ўзига хос тарздаги кўринишидир, дея талқин қилиш мумкин. Жонли организмларда ирсият белгиларининг сақланиши, материя ва энергиянинг йўқ бўлиб кетмасдан, бир турдан (шаклдан) иккинчи турга айланиши табиатдаги ворисийлик бўлса, авлодларнинг бир-биридан ўрганиши, ҳар бир авлоднинг инсоният шу пайтгача эришган барча ютуқларни тайёр ҳолда қабул қилиб олиши, қайтадан филдиракни кашф этмаслиги, мавжуд ютуқларни бойитишга ўз ҳиссасини кўшиши ворисийлик қонунининг жамият ҳаётида ва маънавиятида юзага чиқишидир.

Юқоридагилардан ташқари, жамиятнинг фақат ўзига хос иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий ва бошқа қонунлари бор. Улар ҳам маънавиятда муайян тарзда намоён бўлади. Масалан, иқтисодий ривожланиш, бозор муносабатлари ва рақобат одамларнинг онгига, тафаккурига, кайфиятига, жамиятга муносабатига, ўзаро алоқаларига кучли таъсир кўрсатади, турли ғояларни, улар ўртасида баҳс ва курашларни, ўзаро муносабатларни тартибга солувчи меъёрларни шакллантиради. Жамият аъзолари иқтисодий, сиёсий, бошқа ижтимоий манфаатларидан келиб чиқиб турли партиялар, уюшмалар, ташкилотлар тузади ва ҳ.к. Ўз навбатида, турли сиёсий партиялар ҳар хил мафкуралар ва ғояларни шакллантиради, ўзаро ғоявий-мафкуравий кураш олиб боради. Бу бевоқиф одамлар онгига, қарашларига таъсир қилади, маънавият ривожланишида акс этади. 2009 йилда чоп этил-

ган «Маънавият. Асосий тушунчалар изоҳли луғати»да «Маънавият қонунлари» мақоласида уч қонун: Маънавий ва моддий ҳаёт уйғунлиги қонуни; Маънавиятнинг инсон ва жамият билан узвий алоқадорлиги қонуни; Маънавий ҳаётнинг ижтимоий тараққиётга боғлиқлиги қонуни қайд этилган ва қисқача изоҳланган. Қонунларнинг ўзига келсак, уларнинг биринчи ва иккинчиси умумижтимоий, яъни жамият қонунларидир. Биринчи қонунда бу яққол кўриниб турибди. Иккинчи қонунда «маънавият» ўрнига истаган ижтимоий ҳодисани қўйинг, мантиқ бузилмайди. Масалан, «Иқтисодиётнинг инсон ва жамият билан узвий алоқадорлиги қонуни». Овқат пиширишнинг, кўрпа-ёстикдан, от-уловдан, транспортдан фойдаланишнинг ва ҳ.к.ларнинг барчаси инсон ва жамият билан боғлиқ, улар табиатда, ҳайвонот оламида учрамайди. Иқтисодиёт, моддий ишлаб чиқариш, моддий истеъмол, ҳар ҳолда, маънавиятдан фарқ қилади, лекин улар ҳам маънавият каби ижтимоий ҳодисалардир. Ҳар қандай ижтимоий ҳодиса маънавият бўлавермайди. Луғатда келтирилган қонун умумижтимоий қонун бўлиб, иқтисодиётга ҳам, маънавиятга ҳам, сиёсатга ҳам, маиший турмушга ҳам бирдай тааллуқли.

Жамиятнинг умумий қонунларидан ташқари, маънавиятнинг ўзига оид қонунлар бор. Улар табиат ва жамият қонунлари каби объектив характерга эга, ҳеч кимнинг хоҳиш-иродасига бўйсунмайди. Бирок, табиат қонунларидан фарқли, жамиятнинг барча қонунлари каби маънавият қонунлари одамларнинг онгли фаолияти туфайли юзага чиқади, гарчи уларга бўйсунмаса-да. Маънавият юксалишининг хусусиятларини ҳисобга олиб, унинг қуйидаги қонунларини алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин:

1. Жамият тараққиёти жараёнида соғлом ижтимоий-маънавий эҳтиёжлар муттасил ўсиб бориши қонуни;

2. Маънавият ривожланишининг умумтамаддуний (цивилизация) тараққиёт даражасига боғлиқлик қонуни (ёки луғатдаги «маънавий ҳаётнинг ижтимоий ҳаётга боғлиқлиги қонуни»);

3. Маънавият ривожланишининг ижтимоий онг ва ижтимоий муносабатлар ривожланиш даражаси билан ўзаро боғлиқлик қонуни.

Маънавият қонунлари жамият қонунларининг хусусий кўринишидир. Биз кўриб чиқадиган қонунлар маънавиятнинг яхлит тизим сифатидаги юксалиш қонунларидир. Улардан ташқари, маънавият таркибий тузилмаларининг ривожланиши ва фаолият кўрсатишини ифодалайдиган қонунлар бор. Улар маънавиятнинг хусусий қонунларидир. Масалан, ахлоқ қонунлари ёки тил, адабиёт, санъат ва ш.к.лар қонунлари. Улар ҳақида сўз юритилмайди.

10.1. Жамият тараққиёти жараёнида соғлом ижтимоий-маънавий эҳтиёжлар муттасил ўсиб бориши қонуни

Инсон табиати (моҳияти) ҳақида гап кетганда, унинг онгли, ижтимоий мавжудотлиги баробарида моддий ва маънавий эҳтиёжлари узлуксиз ўсадиган мавжудот эканлиги таъкидланади.

Инсоннинг бирламчи моддий эҳтиёжларининг қондирилиши унда руҳоний, маънавий эҳтиёжларни уйғотади. Қорни тўқ, хавф-хатардан холи инсон шўхлик қилгиси, кўшиқ айтгиси, рақсга тушгиси, хурсандчилик қилгиси, бирор нарса ясагиси, ўйлаб топгиси, сурат чизгиси келади. Ўз навбатида мазкур эҳтиёжларнинг қондирилиши, уларнинг янада сифатлироқ, янада мукамалроқ, янада мазмунлироқ бўлишига нисбатан янги эҳтиёж туғдиради. Инсон эҳтиёжлари ўсиши ижтимоий тараққиёт қонунидир, маънавий эҳтиёжлар ўсиши эса маънавият ривожланиши қонунидир. Аммо инсоннинг барча эҳтиёжлари, жумладан, физиологик ва моддийлари ҳам ўзларининг маънавий жиҳатларига эга. Юқорида таъкидланганидек, инсонда бир эҳтиёжнинг қондирилиши ундан юксакроқ бўлган янги эҳтиёжларни тугдиради. Янги ўсимлик ёки ҳайвонни илк учратганда, инсон у ҳақида кузатув асосида ҳосил қилган билими билан қаноатланиб қолмаган. Бу ўсимлик ёки жонивор зарарли эмасми, ундан фойдаланса бўладими, деган саволга жавоб излаган. Ижобий жавоб топса, энди уни қандай маданийлаштириш (ўсимликни), хонакилаштириш (ҳайвонни), кўпайтириш, қандай парваришлаш ва бошқа саволларга жавоб излаган. Янги эҳтиёжлар пайдо бўлиши инсон билимлари,

дунёкараши ривожланишига, тажрибаси ўсишига хизмат қилган.

Инсон эҳтиёжларининг юксалиши, ижтимоий тараққиёт қонуни сифатида, биринчидан, унинг онгли, ақлли мавжудотлиги, эртанги кунни кўра билиши, заруратни англай олиши, яъни маънавийга эгаллиги билан боғлиқ. Иккинчидан, унинг кам куч, кам энергия сарфлаб, кўпроқ самара олишга, ҳаётини енгиллаштишга интилиши натижасидир. Учинчидан, ўзлиги, ўз қобилиятини юзага чиқаришга уриниши оқибатидир. Ўзлигини юзага чиқаришга интилиш ҳам маънавий мавжудот сифатида фақат инсонга хос, ҳайвонотда бундай интилиш йўқ. Эришганига нисбатан баландроқ маррани, яхшироқ натижани кўзлаш, мукамалроқ, яхшироқ, гўзалроқ буюмни ёки санъат асарини яратишга интилиш, янги техник асбоб-ускуналарни, компьютерларни, машиналар, механизмлар ва технологияларни ихтиро этишга ҳаракат, турмушини эркин ва фаровон қилишга уриниш инсоннинг асл инсоний хусусиятидир, объектив равишда туғиладиган ижтимоий-маънавий эҳтиёжларидир. Ана шу эҳтиёжлар юксалса, жамият ривожланади, акс ҳолда, жамиятда турғунлик юз беради. Турғунлик асрлар мобайнида давом этиши мумкин. Инсоннинг моддий эҳтиёжлари қандай ўсиши ҳам унинг ақли, заруратни англай олиши, ўзлигини намоён этишга ҳаракат қилиши билан, яъни унинг маънавий онги билан боғлиқ.

Ҳатто бойлик орттириш, молпарастлик ҳирси маънавийтадаги ноқислик бўлса-да, аслида у ибтидоий одамларнинг эртанги кунда ов ўнгидан келмаса ёки қурғоқчилик туфайли мўлжалдаги ҳосил олинмай қолса, очликдан азоб чекмаслик учун эҳтиёт заҳира тўплаш керак, деган ишончига бориб тақалади. У, аввало, инсоният онгости қатламидаги архетипдир, жамоавий онгсизлик унсуридир. Бироқ у фақат жамоавий онгсизлик, ибтидоий архетип кўринишигина эмас. У ижтимоий табақалашган жамиятдаги баъзи бир ахлоқий, маънавий ва зиддиятли синфий-табақавий қоида ва меъёрларга ҳам алоқадор. Иқтисодий-молиявий имконият, бойлик инсоннинг жамиятдаги обрў-эътиборини, мавқеини белгилаган,

алоқаларини кенгайтирган ва ўзлигини, ўз иродасини, хоҳиш-истакларини юзага чиқариш имкониятларини кўпайтирган. Хулоса қилиш мумкинки, инсоннинг барча ижтимоий эҳтиёжлари асосида унинг онги, маънавияти туради, бундан физиологик (биологик) эҳтиёжлар қисман мустасно. Аммо уларга ҳам маънавият маълум даражада таъсир кўрсатган. Масалан, овқатланиш, насл қолдириш ва кўплаб физиологик эҳтиёжлар қондирилиши муайян тартиб-қоида, одоб-ахлоқ доирасида, баъзилари интим шароитда амалга оширилади.

Илм-фанда эҳтиёжлар масаласи доимо баҳсли бўлиб келган. Материализм тараққиётда моддий эҳтиёжлар ўсишини биринчи ўринга қўйса, идеалистлар маънавий-мафкуравий эҳтиёжларга устунлик берган. Аслида бундай ёндашув ушбу масалада бир ёқламаликка ўхшайди. Агар инсон фақат биологик мавжудот бўлганида, шубҳасиз, моддий эҳтиёжларнинг ўсиши белгиловчи аҳамият касб этар эди. Аммо инсон биологик табиатидан ташқари, ўзининг ижтимоий-маънавий табиатига эга. Айнан «иккинчи» табиати инсонни ҳайвонот олаmidан ажратиб олди. Масалага тор онтологик, материя бирламчими ёки идея (гоя) деган нуқтаи назардан эмас, балки кенгроқ функционал нуқтаи назардан ёндашилса, масалага жавоб анча ойдинлашади.

Ҳеч қандай ахлоқий, диний-руҳоний тартиб-қоидалар, меъёрлар вужудга келмаган пайтларда одамсимон маҳлуқлар тўдасининг турмуш тарзи ва хулки маймунларникидан кам фарқ қилган. Дастлабки онгли чекловлар, тақиқлар ва мажбуриятлар (ота-оналар ва фарзандлар ўртасидаги, кейин ака-укалар ва опа-сингиллар ўртасидаги жинсий алоқаларнинг тақиқланиши, топилган егуликни ёки овланган ҳайвон гўштини биргаликда истеъмол қилиш, ёшларга меҳнат ва ов қуроллари яшашни, амалда қўллашни ўргатиш ва шу қабилар) одамсимон маҳлуқларни одамга, улар тўдасини уруғ-жамоага айлантирди. Ушбу мисоллар эса моддий эҳтиёжларга эмас, ижтимоий-маънавий эҳтиёжлар пайдо бўлиши ва ўсишига оиддир. Улар моддий, ҳатто физиологик эҳтиёжлар қондирилишига-да тузатиш киритди, уларни ижтимоийлаштирди. Демак, инсоннинг биологик эмас, ижтимоий

мавжудот сифатидаги моҳиятини маънавий эҳтиёжлар вужудга келтирган.

Албатта, иқтисодий тараққиёт қонунлари объектив характерга эга, маънавийга бўйсунмайди. Тадбиркор, завод эгаси, биринчи навбатда, нафси, ҳирси кучли бўлгани ёки одамлар ҳақида ғамхўрлик қилгани, меҳнатсеварлиги учун эмас, бозор талабларига мос хўжалик юритгани учун бойийди. Аммо унинг бозор талабларини аниқ билиши ёки ҳис қила олиши, рақобатда ақл-заковат ва иродасини тўғри фаол қўллаши, технологиясини мунтазам такомиллаштириб бориши, ишчи-хизматчилари ва давлат солиқ идоралари, банклар билан муносабатини тўғри йўлга қўйиши, фаоллиги ҳамда шахсий меҳнатсеварлиги унинг онгига, билимларига бевосита дахлдордир. Қаллоб, ёлғончи, жамиятнинг, одамларнинг ишончини йўқотган, қонунларга, ахлоқ талабларига риоя қилмайдиган, ялқов, дангаса киши ҳаётда катта муваффақият ва обрў қозона олмайди.

Инсон ҳеч вақт ўз мавжудлик ҳолати – экзистенцияси билан қониқмайди (гап алоҳида шахснинг маиший аҳволи, мансаби ва ш.к. ҳақида эмас, инсониятнинг тарихий жараёндаги аҳволи ҳақида кетмоқда), доимо уни ва ўзини такомиллаштиришга ҳаракат қилади. Ҳайвонда такомиллашиш мўлжали йўқ. Зеро, у ўз мавжудлик ҳолатини англай олмайди. Ижтимоий тараққиёт негизида эса мавжуд ҳолат билан қониқмаслик ётади. Вужудга келган қийинчиликларни енгиш, янги куч, ғайрат тўплаб, ривожланиш заминини тайёрлаш учун инсонга ирода – онгли танлаш, бутун куч-ғайратини мақсадга эришиш учун сафарбар этиш, чидам, сабр-тоқат керак. Сабру тоқатни ўз ижтимоий ҳолатидан қониқиш билан чалкаштирмаслик керак. Сабру тоқат ривожланиш жараёнининг дискрет ва вақтинчалик шакли, мукамалликка интилиш, эҳтиёжлар юксалиши эса унинг доимий ҳолатидир.

Барча соғлом ижтимоий эҳтиёжлар, жумладан, соғлом моддий ва ҳаттоки, соғлом физиологик эҳтиёжлар ривожланмас экан, оқибатда маънавий эҳтиёжлар ҳам юксалмайди. Носоғлом моддий ва физиологик эҳтиёжлар инсонни турли касалликларга, масалан, очофатлик касалига, шахвоний зўравонликка, ўта зикналикка мубтало этади.

Баъзан улар маниакал кўриниш олиб, ҳақиқий руҳий хасталик даражасига кўтарилади. Инсоннинг эзгуликка, эркинликка, адолатга, ҳақиқатга, меҳр-муҳаббатга, гўзалликка, камолотга интилиши, ўз қобилиятларини воқе қилишга, ижод қилишга уринишлари унинг соғлом маънавий эҳтиёжларидир. Ўз ижтимоий ҳолати, эришган даражаси билан қониқмаслик, янги соғлом эҳтиёжларнинг туғилиши маънавий ривожланишнинг омилидир. Ўз ҳолати ва эришган даражаси билан қониқиш янги, янада юксакроқ эҳтиёжларни вужудга келтирмайди, маънавиятда турғунликни келтириб чиқаради.

Ҳақиқий маънавият соғлом эҳтиёжлар замирида вужудга келади. Маънавият инсонда соғлом эҳтиёжларнинг, жумладан, соғлом моддий эҳтиёжларнинг шаклланишидан, ўз шахси билан ихтилофга бордирмасдан, асл инсоний мавжудлигини таъминлашга хизмат қилувчи ақлий ва ҳиссий муҳитдан, фалсафий, ахлоқий, илмий, диний, бадий ва бошқа маданий қадриятлардан ҳамда шахснинг ижодий фаоллигидан ташкил топади. Маънавий эҳтиёжларни социумнинг турли бирликларига оид индивидуал эҳтиёжларга, жамоавий (оилавий, гуруҳий, корпоратив), синфий-табақавий, маҳаллий-минтақавий, умуммиллий эҳтиёжларга бўлиш мумкин.

Шахс маънавияти юксалиши учун, унинг индивидуал эҳтиёжларини социумнинг бошқа юқори бирликлари эҳтиёжларига қурбон қилмай, улар билан уйғунлаштириш лозим. Оила маънавияти, бир томондан, унинг ҳар бир аъзосининг, иккинчи томондан, оиланинг яхлит бирлик сифатидаги тегишли эҳтиёжлари ўсиши ва қондирилишига боғлиқ. Оила эҳтиёжлари унинг аъзолари ва бутун жамият эҳтиёжлари билан уйғунлаштирилиши лозим. Оила манфаатларини унинг алоҳида аъзоси, айтайлик, оила бошлиғи ёки оиланинг тантиқ эркатой фарзандининг инжиқликларига қурбон қилиб бўлмаганидек, умумжамият манфаатларига ҳам қурбон қилиб бўлмайди. Оиланинг янги авлоди – билимлироқ, дунёқараши, мулоқот ва ахборот майдони кенгроқ, ҳаётий мўлжаллари, мақсадлари юксакроқ, ўз қобилиятларини юзага чиқариш имкониятлари катгароқ бўлиши лозим. Шунда оила нафақат моддий-иқтисодий, шунингдек, маънавий жиҳатдан юксалади.

Манфаатларни уйғунлаштириш миллий-маънавий эҳтиёжлар ўсишига-да тааллуқли. Миллий эҳтиёжлар, манфаатлар алоҳида минтакалар, вилоятлар, худудлар, корпоратив гуруҳлар (молиявий-олигарх гуруҳлар, ҳарбий-саноат комплекси, трансмиллий компаниялар ва ш.к.), этник ва диний конфессиялар фойдасини кўзлаб, чекланмаслиги лозим. Миллатнинг ўзлигини, ўзининг умумий манфаатларини англаш даражаси ўсмас экан, миллий жипслик мустаҳкамланмайди, маҳаллийчилик, гуруҳбозлик, ҳатто айирмачилик иллатлари сақланиб қолаверади, миллий ғурур кемтик бўлади. Илм-фан, адабиёт ва санъат, миллий тил ва маданият яхши ривожланмайди. Бундай халқ аста-секин бўлиниб, парокандаликка учраб, оқибатда бошқа халқлар таркибига сингиб кетади.

Миллий тараққиёт эҳтиёжлари бошқа халқлар билан алоқа қилишни, уларнинг ютуқларидан ижодий фойдаланишни, ўз ютуқларини дунёга ёйишни тақозо этади. Жаҳон ҳамжамиятига барча соҳада тенг ҳуқуқли интеграция бўлиш эҳтиёжлари ҳар қандай маҳдудликни, миллий манманликни, миллий номукамалликни, нигилизм ва космополитизмни бирдай инкор қилади.

Эҳтиёжлар юксалиши ва маънавият ривожланиши ўзаро чамбарчас боғлиқ. Эҳтиёжлар юксалса, маънавият ривожланади, ривожланган маънавият эса юксак эҳтиёжларни тақозо этади. *Ривожланган маънавият бу қондирилган соғлом эҳтиёжларнинг юзага чиқишидир ва айни пайтда нисбатан юксакроқ янги эҳтиёжларнинг тугилишидир.* Жамият тараққиёти жараёнида маънавият ва эҳтиёжлар ўсиши ўртасидаги, ўз навбатида, маънавий эҳтиёжлар ўсиши ва маънавият юксалиши ўртасидаги алоқалар иккинчи даражали, юзаки, тасодифий ва муваққат эмас, балки энг муҳим, моҳиятли, зарурий, такрорланувчан ва доимий алоқалардир. Шу сабабдан бу алоқалар маънавият юксалиши қонунидир. Лекин эҳтиёжларнинг ўзи бевосита маънавият таркибига кирмайди, балки унинг ривожланиш сабаби ва оқибатини, шарт-шароитини, ҳаракатлантирувчи кучини ташкил қилади. Эҳтиёжларнинг юксалиши инсон табиатига, асл мавжудлигига (экзистенциясига) мос. Ушбу маъно-

да инсонни «эхтиёжлари юксаладиган мавжудот» дейиш ўринлидир.

Ижтимоий-маънавий эҳтиёжларни мазмунига, вази-фаларига, аҳамиятига, муайян ижтимоий онг шаклига мансублигига қараб икки гуруҳга бўлиш мумкин:

1. Умуммаънавий эҳтиёжлар, яъни маънавият яхлит тизим, бус-бутунлик сифатида тақозо этадиган ва вужудга келтирадиган эҳтиёжлар.

2. Маънавиятнинг нисбатан алоҳида мустақил таркибий қисмлари сифатида ижтимоий онг шакллари тақозо этадиган ва вужудга келтирадиган эҳтиёжлар.

Биринчи гуруҳга мансуб эҳтиёжлар қуйидагилардан иборат:

а) инсон ўз табиатини (моҳиятини) такомиллаштириш эҳтиёжлари;

б) инсоннинг ўз ижтимоий яратувчилик имкониятларини (салоҳиятини) ўстириш эҳтиёжлари;

в) инсоннинг шахс сифатида ўз қобилиятларини, имкониятларини юзага чиқариш эҳтиёжлари;

г) инсоннинг ўз эркинлик даражасини орттириб бориш эҳтиёжлари.

Уларнинг ҳар бири кўплаб талаблар, меъёрлар, мезонлар, кўрсаткичларни камраб олади. Масалан, инсоннинг ўз табиатини (инсоний моҳиятини) такомиллаштириш эҳтиёжларини оладиган бўлсак, у, аввало, инсоннинг ақли, онгли биоижтимоий мавжудот эканлигидан келиб чиқади. Демак, умуммаънавий эҳтиёжлар, биринчи навбатда, инсоннинг ақли, тафаккури, билимлари, туйғулари, ижтимоий фаоллиги ва алоқалари бойишига боғлиқ. Инсон биологик табиатига кўра соғлом бўлиши (жамият миқёсида бу соғлиқни сақлаш тизими ва тиббиёт фанлари ривожланишини тақозо этади) лозим. Ижтимоий табиатига кўра, жамоавийлик туйғуси мустаҳкам, ижтимоий алоқалари ва мулоқот майдони муттасил кенгайиб бориши, жамиятдаги мавжуд тартиб-қоидаларни, меъёрларни яхши билиши, ўз манфаатларини жамият манфаатлари билан уйғунлаштира оладиган бўлиши керак.

Инсон – ўз олдига онгли мақсад қўйиб, меҳнат қиладиган, табиатни, жамиятни ва ўз-ўзини қайта яратадиган мавжудот. Инсон яратувчилик фаолиятини

такомиллаштириш учун муттасил амалий ва назарий билимларини, меҳнат ва ижод кўникмаларини, ҳаётий тажрибасини ўстириб бориши талаб этилади. Булар жамиятда таълим-тарбия тизими вужудга келишини ва жамият билан бирга ривожланиб боришини тақозо этган. Ота-она боласига ёшлиқдан меҳнат қилишни, яшаш қоидаларини, ака-укалари, кўни-кўшнилари, тенгдошлари, дўстлари, таниш-билишлари билан аҳил бўлишни, бир-бирини қўллаб-қувватлашни, оилада, маҳаллада, жамоатчилик жойларида интизомни сақлашни, хушмуомалаликни, урф-одат, анъаналар учун масъул бўлишни, уларга итоат этишни ўргатади. Болада жамоавийлик туйғулари, масъулият, мулоқот, бошқалар билан бирга яшаш ва меҳнат қилиш меъёрлари аста-секин қарор топади. Бу унинг ижтимоийлашувидир.

Меҳнат қилишни ва яратувчиликни, бирор касб-хунарни дастлаб бола оилада, уруғ-жамоада, маҳаллада, нисбатан ривожланган жамиятларда эса махсус ташкил этилган ўқиш, касб ўргатиш муассасаларида ўрганади. Тарбиянинг барча йўналишлари, шу жумладан, жисмоний ва меҳнат тарбияси маънавиятга дахлдордир. Тарбия таълим қаторида жамият умуммаънавий эҳтиёжларини юзага чиқаришда ҳал қилувчи институтдир. Инсон ўз ижодий-яратувчилик салоҳиятини ўстириши, шахс сифатида намоён бўлиши учун яхши таълим-тарбия олиши, чуқур билимларга, касб маҳоратига, меҳнат, ижод кўникмасига эга бўлиши керак. Бундан ташқари, ўз ишини, фаолиятини танқидий таҳлил этиб, камчиликлардан қутилишга ҳаракат қилиши лозим. Булар эса инсоннинг ўз-ўзини тарбиялаш, билимлари ва малакасини ошириш (ўқиш) эҳтиёжларидир. Демак, таълим-тарбияга эҳтиёж нафақат оила, жамият томонидан тарбияланади, шунингдек, у инсоннинг шахсий онгли фаолияти маҳсулидир. У инсоннинг ички, ўз-ўзини такомиллаштириш ва қайта яратиш омилига айланади.

Жамият ташкил қилган таълим-тарбия тизимида инсон асосан объектдир. Ўз-ўзини тарбиялаш тизимида эса инсон бир вақтда тарбия объекти ва субъекти ҳисобланади. Меҳнатсеварлик, фаоллик, изланиш, маҳоратга, ўз соҳасида комилликка интилиб, ўз устида ишлаш

инсоннинг шахс сифатида ўзлигини намоён этишнинг, ўз салоҳиятини, қобилиятини юзага чиқаришнинг зарур шартларидир. Шартлар орасида яна бири бор – бу инсоннинг эркинлик даражасидир. Эркинлик этишмайдиган инсон на ҳаётда, на ижодда ўз имкониятларини тўла юзага чиқара олади. Инсонда эркинлик эҳтиёжларининг ўсиб бориши жамият тараққиёти билан, ижтимоий қадриятлар тизимининг инсонпарварлиги, тафаккур эркинлиги, толерантлик қарор топиши, маънавий муҳит мустаҳкамланиши билан боғлиқ.

Иккинчи гуруҳга ижтимоий онгнинг алоҳидалашган шаклларига оид эҳтиёжлар тизими киради:

а) этикодий, яъни илмий-фалсафий ва диний эҳтиёжлар – нарса ва ҳодисаларнинг, жамият ва инсоннинг, абадият ва фонийликнинг моҳиятини англашга интилиш, ҳаётнинг маънисини, яшашдан мақсадни билиш;

б) ахлоқий эҳтиёжлар – эзгуликка, инсонпарварликка, ватанпарварликка интилиш, виждон талабларига мос яшаш; бахтли турмуш кечириш (гедонизм);

в) эстетик эҳтиёжлар – гўзалликка интилиш, ҳаётни, табиат ва жамиятни гўзаллаштириш («гўзаллик қонунлари бўйича» қайта яратиш), гўзалликдан завқ-шавқ туйиш, ҳузур-ҳаловат олиш (эвдемонизм), нозик дидли, нозик таъбли инсон бўлиш, ижод қилиш;

г) ҳуқуқий эҳтиёжлар: адолатни қарор топтириш, инсонни, жамиятни ҳар хил адолатсизлик, зўравонлик ва экстремистик тажовузлардан ҳимоя қилиш, инсон ҳуқуқларини, қонун устуворлиги ва барчага бирдайлигини ҳар томонлама таъминлаш;

д) сиёсий эҳтиёжлар – ҳуқуқий-демократик давлат, очиқ фуқаролик жамияти қуриш, демократия ва ижтимоий адолатга асосланган бошқарув тизимини яратиш ва узлуксиз такомиллаштириб бориш, давлат ва фуқаро, жамият ва шахс манфаатларини уйғунлаштирадиган ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий механизмни ишлаб чиқиш ва доимий равишда такомиллаштириб бориш;

е) бошқа ижтимоий-маънавий эҳтиёжлар. Улар оилани мустаҳкамлаш, урф-одатлар, маросим, анъаналарни такомиллаштириш, таълим ва соғлиқни сақлаш, маданият ва спортни ривожлантириш, ахборот олиш, ҳордиқ

чиқариш, бўш вақтни мазмунли ўтказиш ва кўплаб шу кабилардан иборат.

Эҳтиёжлар туғилиши (пайдо бўлиши), ўсиши, қондирилиши, янада юксакроқ эҳтиёжларнинг вужудга келиши, бу жараёнга таъсир кўрсатувчи объектив ва субъектив омиллар, эҳтиёжлар юксалиши билан боғлиқ бошқа кўплаб масалалар алоҳида, мустақил ва батафсил тадқиқ этишни тақозо этади. Биз эҳтиёжлар тўғрисида мавзумиз талаб қиладиган умумий эътирофлар ва мулоҳазалар билан чекланамиз.

Хулоса қиладиган бўлсак, жамият тараққиёти жараёнида соғлом ижтимоий-маънавий эҳтиёжлар муттасил ўсиб бориши маънавият юксалиши қонунларидан биридир. Эҳтиёжлар юксалмаса, инсон ҳайвонот олаmidан, жамият табиатдан ажралиб чиқа олмас эди. Жамиятнинг гуркираб ривожланиши бевосита ёки билвосита соғлом эҳтиёжлар юксалишига, турғунликка тушиб қолиши, инкирозга учраши, хато ғоялар томон оғиб кетиши (сиёсий ва диний экстремизм таъсирида), ўсмай қолиши носоғлом эҳтиёжлар устунлик қилиб кетишига боғлиқ. Эҳтиёжлар юксалиши ва жамият ривожланиши диалектик бирликни ташкил этади.

10.2. Маънавият ривожланишининг умумтамаддуний (цивилизациян) тараққиёт даражасига боғлиқлик қонуни

Маънавий ҳаётнинг мазмунини, шаклини ва ўзига хослигини кўпинча жамият умумий тараққиётининг эришилган даражаси белгилайди. Ушбу қонун маънавиятнинг жамиятнинг моддий ҳаётдан ажратмасдан, уни Яратганининг сир-асрори деб эмас, балки ривожланувчи ижтимоий ҳодиса сифатида тушунишда катта аҳамиятга эга. Аграр жамиятда яшаган кишининг дунёқараши, қадриятлар тизими, ҳаётга муносабати, маънавиятининг энг юксак кўриниши ўрта асрлар тараққиёт даражасига мос. Уни саноат, техника, транспорт ва алоқа тизими тараққий этган, радио, телевидение, компьютер, интернет замонида яшайдиган замонавий кишиларники билан таққослаш мумкин эмас.

Аграр жамиятда аҳолининг аксарияти, айниқса, жисмоний меҳнат кишилари саводсиз бўлган. Белкурак, кетмон, омор, ўрок, болта, эшак, хўкиз, от-арава ёрдамида хўжалик юритган. Дехқондан, кўшчи ва аравакашдан, оддий косиб-хунарманддан саводли бўлишни ишлаб чиқариш технологиялари талаб қилмаган. Индустрал жамиятда эса ишлаб чиқариш завод-фабрика ишчисидан, хизматчи ва бошқарувчидан, қишлоқ хўжалиги дехқондан ёки тракторчидан, транспорт тизими шофёрдан, ҳеч бўлмаганда, бошланғич маълумотли бўлишни талаб қилади. Технологияларнинг узлуксиз мураккаблашуви бу талабларни янада кучайтиради. Жамиятнинг саводхонлиги янги маънавий-маданий эҳтиёжларни туғдириб, қондирилиш усуллари хилма-хиллаштиради. Агар саводсиз оми киши бахшиларни, қиссахонларни (халқ китоблари ва маноқибларни, ривоят ва афсоналарни сўзлаб берувчиларни) тўй ва сайилларда тинглаб, маънавий эҳтиёжларини қондирса, саводли киши бунга кўпроқ ёзма адабиётни, мумтоз мутафаккирлар асарларини ўқиб амалга оширади.

Меҳнат воситалари ва технологияси нафақат ишлаб чиқариш усули, муносабатлари пировардида қандай бўлишини, етиштирилган моддий ва маданий маҳсулотлар, таълим олиш, илмий ва бадий ахборотлардан фойдаланиш қандай тамойиллар асосида тақсимланишини, шунингдек, қандай воситалар ва усуллар ёрдамида тарқатилишини белгилайди. Улар муайян жамиятдаги истеъмол ва эҳтиёжлар мазмунини, шахснинг ўзлигини юзага чиқариш имкониятини аниқлайди. Ушбу қонуният индустрал жамиятда умумий, ўрта махсус ва олий таълим, назарий ва амалий илмий тадқиқотлар, соғлиқни сақлаш тизими, ОАВ иқтисодиётнинг зарурий тузилмасига айланганида яққол кўринади.

Умумтамаддуний (цивилизацион) тараққиёт даражаси одамларнинг дунёқарашини, тафаккурини, мавжуд жамиятга берадиган баҳосини, муносабатини, жамиятнинг илм-фанини, адабиётини, маданий савиясини белгилайди. Улар асосида қадриятлар, ижтимоий меъёрлар қарор топади. Бу жамият фаолият кўрсатиши ва ривожланишининг умумий қонуни – моддий ва маънавий ҳаёт муштараклиги, ўзаро чамбарчаслиги қонунининг воқе бўлишидир.

Ўтган мавзуда инсон эҳтиёжлари узлуксиз юксалиши тўғрисида гапирилган эди. Эҳтиёжларнинг мазмуни, ўсиш, юксалиш суръатлари жамиятнинг умумтараққиёт даражасига, алоқа ва мулоқот воситаларига, одамлар ўртасидаги иқтисодий, ижтимоий, маданий, диний, мафкуравий, маиший, оилавий ва бошқа алоқаларнинг ранг-баранглиги ва интенсивлигига боғлиқ. Бошқача айтганда, улар мавжуд тамаддун даражасига мос, у томонидан белгиланади ва ўз навбатида уни белгилайди. Мазкур қонун цивилизация ва маънавиятнинг узвий муштарақлигини ифодалайди. Ибтидоий жамиятда одамлар ўртасидаги ижтимоий алоқалар анча қашшоқ ва жўн. Улар оқибатда уруғ-жамоа жипслиги, хавфсизлиги, озиқ-овқат таъминоти масалаларини ҳал қилишга бориб тақалган. Мана шу уч заруратдан келиб чиқиб уруғ-жамоа ичидаги муносабатлар меъёрлаштирилган, тартибга солинган, эътиқодларда, диний маросимларда, маиший урф-одатларда, рақс ва кўшиқларда, асотирларда мустаҳкамланган.

Аграр жамиятда аклий меҳнат жисмоний меҳнатдан ажралиб чиқди. Ибтидоий синкретизм парчаланди. Илм-фан, адабиёт ва санъат, давлат ва ҳуқуқ, диний ташкилот алоҳида институт сифатида ажралиб чиқди, ёзув пайдо бўлди. Маънавий онг ўсди, маънавий маданиятнинг алоҳида шакллари вужудга келди. Шунга мувофиқ маънавий эҳтиёжлар ранг-баранглик касб этди, мазмунан бойиди. Аграр жамият икки йирик тарихий даврларга – қулдорлик ва феодализм даврларига бўлинади. Ибтидоий ва аграр жамиятларда яшайдиган одамларнинг онги, тафаккури, билимларини, маънавий эҳтиёжларини, турмуш тарзи ва маънавиятини таққосласак, улар ўртасида осмон билан ерча фарқ мавжудлигини кўрамиз. Миср, Месопотамия, Қадимги Хитой, Қадимги Ҳиндистон, Қадимги Эрон, Қадимги Юнонистон – илк аграр жамиятлар, илк цивилизациялар ватани. Улар тараққиёти, маданияти ибтидоий жамиятга нисбатан жуда баланддир. Аграр жамият доирасида ислом Уйғониш даврида Шарқда, европа Уйғониш даврида Ғарбда маънавий тараққиёт сифат жиҳатдан янги босқичига ўтди.

Ўз навбатида, феодал (аграр жамият) ва капиталистик (индустриал жамият) жамиятлар аъзолари маънавияти, маънавий эҳтиёжлари, илм-фан ва адабиёти, санъати ўртасида яна улкан фарқ мавжуд. Ўрта асрларда яшаган киши ўз олдига XX аср кишиси кўйган мазмундаги инсон ҳуқуқлари, эркинликлари, замонавий демократик талабларни кўя олмас, бўш вақтни ташкил этишнинг, мулоқот қилишнинг кўплаб замонавий воситаларидан фойдалана олмас эди, чунки бундай воситалар йўқ эди. Зеро, замонавий кадриятлар фақатгина инсон онги, тажрибаси, ақл-заковати маҳсули эмас, шунингдек, тамаддуний тараққиёт ва ижтимоий муносабатлар такомиллашуви натижаси ҳамдир.

Маънавият ва бутун ижтимоий тараққиёт қонунлари одамларнинг онгли фаолияти орқали юзага чиқиши аввалги машғулотда қайд этилган эди. Кимдир амалдаги меъёр ва қоидаларни нотақомил, ҳатто адолатсиз, уларни ўзгартириш керак, деб ҳисоблайди. Кимдир, аксинча, ҳимоя қилади. Кескин радикал ва консерватив фикрлар ўртасидаги баҳс, баъзан кескин курашлар оқилона йўл топишга, мавжуд қоида ва меъёрларни, урф-одатлар ва диний маросимларни такомиллаштиришга хизмат қилади. Муроса йўли топилмаса, кураш зўравонлик воситаларида давом этади. Ички низолар, фуқаролик урушлари, кўзғалонлар, инқилоблар, сарой тўнтаришлари ва ҳ.к. ҳар доим ҳам фақат ҳокимият учун зўравонлик кўринишидаги курашиш эмас. Улар баъзида мамлакат келажаги, давлат бошқаруви ва ижтимоий муносабатларни ислоҳ қилишнинг муроса йўли топилмагани оқибатидир.

Маънавият юксалишининг умумтамаддуний тараққиёт даражасига боғлиқлик қонуни адабиёт ва санъат мисолида яққол кўринади. Қабилалар уюшмаси ва илк давлатчилик даврида қаҳрамонлик эпослари вужудга келди. «Гўрўғли» туркуми, «Алпомиш», «Рустамхон» ва бошқа дostonлар ҳалқимизга ўша даврдан ва илк ўрта асрлардан мерос (тўғри, уларга кейинги жамиятлар анча таъсир кўрсатган). Кўчманчи, яримкўчманчи турмуш тарзи, яйловлар, водийлар учун кураш, янги ҳудудларнинг ўзлаштирилиши, этносларнинг тартиб-

сиз йирик миграцияси қуролли тўқнашувларни, ўзаро баҳс-курашларни туғдирган. Ҳар бир қабила (қабилалар уюшмаси), ёш давлат ўз идеал қаҳрамони образини яратишга, ёш авлодни улар тимсолида тарбиялашга ҳаракат қилган. Шу тариқа қаҳрамонлик эпослари вужудга келган.

Ўрта асрларда аграр жамият анча барқарорлашди. Ўрта асрлар ислом дунёсида дастлаб нисбатан ҳар томонлама ривожланиш асрлари эди. Марказлашган феодал давлатлар тарих саҳнасига чиқди, ҳудудлар бўлиб олинди, аҳолининг оммавий тартибсиз майда гуруҳлари миграцияси деярли барҳам топди. Бу даврда туркий тилда «Ҳибатул ҳақойиқ», «Қутадғу билиг», «Девону лугатит турк» каби мумтоз асарлар ёзилди. Бундай шароитда турли халқлар ўртасидаги тўқнашувлар, урушлар бошқача мазмун ва мақсад касб этди. Энди урушлар турли давлатлар – хонликлар, амирликлар, бекликлар тўқнашувига айланди. Қабилавий-этник мафкура дунёвий-сиёсий ва диний мафкура билан алмашди. Ислом асосида янги цивилизация қарор топиб, унинг ахлоқий, сиёсий-ҳуқуқий, эътиқодий идеаллари шаклланди. Адабиёт ва санъат, диний ва сиёсий мафкура янги цивилизация заруратини, эҳтиёжларини ифодалай бошлади. Фольклорни бироз ортага суриб, ёзма адабиёт, профессионал санъат олдинги ўринга чиқди. «Ҳибатул ҳақойиқ»да, «Қутадғу билиг»да биз янги ахлоқий ва эътиқодий идеаллар инъикосини, «Девону лугатит турк»да сиёсий-этник жипслик идеаллари ва ахлоқий-эътиқодий қадриятлар ифодасини кўрамиз.

Аҳмад Югнакий, Юсуф Хос Ҳожиб, Маҳмуд Кошғарий ўз давридаги ислом цивилизациясининг тарихий талабларини, зиддиятларини, бу цивилизацияга интеграция бўлаётган туркий халқларининг эҳтиёжларини асарларида акс эттирдилар. Юсуф Хос Ҳожиб замонида исломда зоҳидлик, таркидунёчилик ғоялари анча ёйилган эди. Шу сабабдан даҳо бобомиз, узлатга чекинишдан, таркидунёчиликдан бекларни, хонларни тияди. Халқ тўғрисида ғамхўрлик қилиш раҳбарга Оллоҳ томонидан юклатилган бурч, дея уқтиради асарида. Дин пешволарига (Ўзғурмишга) қарата эса Ўгдулмиш номидан шундай дейди:

*Олам халқи бари улус, кент қўйиб
Сендек зорга кирса, улуг юк тўйиб,
Дунё бузилмасми, битмасми олам,
Авлодлар яралмас, қолмаску одам.¹*

Маҳмуд Кошғарий турк тилининг умумий меъёрларини белгилаш, сақлаш қаторида алоҳида элатларга бўлиниб бораётган туркий қабилаларни қорахонийлар давлати теваригида бирлаштириш ғоясини билвосита олға сурган. Кўриниб турибдики, цивилизация эҳтиёжлари ва талаблари жамият бадий фикрини муайян йўналишда ривожланишини тақозо этади. Келтирилган мисоллар, далиллар ҳаммаси туркий (эски ўзбек) адабиёти намуналарига оид бўлиб қолди. Аслида бундай мисолларни, далилларни истаган халқ адабиётидан келтириш мумкин.

Масалан, бу даврда эрон қахрамонлик эпосларини қайта ишлаб, йирик «Шоҳнома» асарини яратган Фирдавсий аслида Эрон буюкдавлатчилик ғоясини акс эттирди. Қахрамонлик эпослари асосида вужудга келган ёзма профессионал адабий эпослар этник қабилачилик манфаатларини эмас, марказлашган феодал давлат манфаатларини ифодалай бошлади. Ибтидоий тузум давридаги қабиларуғчилик, илк аграр, яъни патриархал кулдорлик жамиятидаги майда шаҳар-давлатлар мафқураси шароитида «Шоҳнома», «Кутадғу билиг», «Девону луғатит турк», «Ҳибатул ҳақойиқ» каби асарларга объектив эҳтиёж йўқ эди. Уларни яратишга жамиятнинг интеллектуал-ғоявий ва бадий имкониятлари ҳам ожизлик қилар эди.

Алишер Навоий даврига келиб ислом тўлиқ ҳукмрон мафкурага айланди. Ислом цивилизацияси IX-XII асрлардаги оламшумул ютуқлари ортидан ички ва ташқи низолар, феодал тарқоқлик ва сепаратизм, мўғил истилоси ва ш.к.ларни бошдан кечириб, бир муддат турғунликдан кейин, Амир Темур ва темурийлар фаолияти боис, янги уйғониш босқичида эди. Адолат, инсон қадр-қиммати, комил инсон ва адолатли подшоҳ ғоялари ижтимоий онгда долзарб эди. XV асрга келиб тасаввуф исломда катта мавқега эришди. Шу сабабдан мазкур ғояларни Навоий

¹ Юсуф Хос Ҳожиб. Кутадғу билиг. Ҳозирги ўзбек тилига Ф. Равшанов таржима қилган. – Т.: 2016. 304-б.

нақшбандия тарикати қарашларига мувофиқ ифодалади. Фарҳод – ҳалол, мард, барча касбу хунарларни эгаллаган комил инсон. Унинг кўли ишда, дили ишқда. Фарҳод – идеал образ. У Навоийнинг инсонпарварлик ва адолат ҳақидаги идеалларининг мужассам ифодасидир.

XV асрда адабиётда реалистик образ, муайян аниқ тарихий шароитда яшайдиган, ўз ғазилатлари ва кусурларига эга типик ва айни пайтда такрорланмас индивидуал қаҳрамон образини, унинг дунёвий ишқини, психологик кечинмаларини тасвирлашдан кўра, қаҳрамон тимсолида инсонпарварлик, эзгулик ва адолат ғояларини тарғиб этиш, одамлар учун намуна, ибрат бўладиган идеал қаҳрамон қиёфасини тасвирлаш, унинг мажозий ишқини кўрсатиш муҳимроқ эди. Инсонпарварлик, инсонни севиш – Худо иродасини, кўрсатмасини бажаришдир, Худони севишдир, деган ғоя тарғиб этилиб, инсон ҳимоя қилинди, улуғланди. Навоий Фарҳод, Мажнун, Баҳром, Искандар, Ширин, Лайли ва бошқа идеал образлар тизимини яратди. Навоий «Хамса»сининг ҳар бир достонида ва «Маҳбуб ул-қулуб»да раиъятга ғамхўр одил подшоҳ ғояси олға сурилади. Достонларнинг бошида Оллоҳ ва пайғамбардан кейин Ҳусайн Бойқарога, айримларида Бадиуззамонга ва бошқа тарихий шахсларга бағишланган мақтовлардан мақсад ҳам раиъятга ғамхўр одил подшоҳ ғоясини одамлар қаторида ҳукмдорлар онгига сингдириш, низолар ва айирмачилик кайфиятларининг олдини олувчи ушбу омилни бадий образли ифодалашдир.

Навоий асарлари уруғ-қабилачилик, шомонийлик ва зардуштийлик қарашлари устунлик қилган асрларда, ҳатто илк ўрта асрларда вужудга келиши мумкин эмас эди. У ислом тамаддунининг ўз чўққисидан ўтиб, анъанавий жамиятга айланаётган XV асрида буюк даҳонинг ташвишлари, огоҳлантирувчи, адолатга, инсонпарварликка, тинчлик-осийишталикка, яратувчанликка даъвати сифатида юзага келди.

Даҳо шахслар ижоди таҳлил этилса, бу ижод ўз тамаддуни эришган ютуқлар умумий савияси ва долзарб муаммолари билан бевосита ёки билвосита боғлиқлиги аёнлашади. Навоий ижоди ислом тамаддунининг адабиёт ва ижтимоий қарашларда эришган ютуқлари билан

узвий чамбарчас. У Низомий, Дехлавий, Жомий асарлари, Нақшбанд тариқати, Азизиддин Насафий фалсафаси, туркий салафларининг бадий адабиётда эришган ютуқларини теран ўзлаштирган ва янги поғонага кўтарган. У, айти пайтда, ўша йилларда ислом тамаддуни дуч келган янги муаммоларга, тарихий даъватларга бадий-фалсафий жавобдир. Навоий ижоди ислом тамаддуни тараққиёт даражасини кўрсатувчи кўзгу ва унинг сўнгги ўрта асрлардаги бадий-фалсафий чўққисидир.

Ғарбда товар-пул муносабатлари ривожланиб, капитализм оёққа туриши жараёнида янги индустриал цивилизация шаклланди. У XVII–XIX асрлар мобайнида инсоннинг инсондан шахсий қарамлигига (қулликка, крепостнойликка) барҳам берди, ҳаммани қонун олдида тенглаштирди. Бироқ иқтисодий қарамлик сақланиб қолди, чунки оддий ишчиларда, собиқ крепостнойларда, уларнинг болаларига ҳеч қандай мулк йўқ эди. Улар ўз ишчи кучини сотиш ҳисобига кун кўрар эди. Янги цивилизацияда адабиёт идеал қаҳрамонлар образи орқали ифодаланадиган умумий инсонпарварлик, эзгулик ғояларидан замондошлари ўй-ташвишларини, ижтимоий аҳволи ва мавқеини, бошига тушган конкрет муаммоларини бадий таҳлил қилишга ўта бошлади. Инсонпарварлик ва эзгулик ғояларини олға суриш энди конкрет инсонни ҳимоя қилиш, жамиятдаги адолатсизликни танқид қилиш орқали амалга ошириладиган бўлди. Янги бадий услуб – танқидий реализм XIX аср 30-йилларида қарор топди. Танқидий реализм инсон ташқи (ижтимоий аҳволи) ва ички дунёсини (онгини, психологиясини, туйғулари ва кечинмаларини) ҳар томонлама таҳлил қилди, очиб берди. У рационалистик тафаккурга таянар эди. Танқидий реализмнинг ривожланиши капиталистик (индустриал) тамаддуннинг рационализмга ишончи сўниб улгурмаган, тараққиёт чизиғи ҳали узлуксиз юқорилаётган палласига тўғри келди. Шу сабабдан у детерминизм – сабабият (сабаб-оқибат) алоқаларини қаттиқ ёқлар эди. У инсоннинг ҳар бир ҳаракатини, хулқ-атворини, интилишлари-ю ҳиссий кечинмаларини ижтимоий ва психологик жиҳатдан асослашга, далиллашга уринди. Бироқ онгости ходисаларига муурожаат этмади, чунки улар ижтимоий

хаётда сезиларли роль ўйнамас, боз устига уларнинг на ижтимоий, на психологик сабаблари ўша даврда маълум эди. Онгости ҳодисаларини ёритиш алоҳида бадиий таҳлилни, алоҳида бадиий усулни тақозо этар эди.

XIX аср охири – XX аср бошларида индустриал тамаддун ўзининг янада юқориқ босқичига одим қўйди. Ғарб цивилизациясининг ички зиддиятлари барча соҳаларда қалқиб юзага чиқди. Илгари улар кўпроқ иқтисодий ҳаётда юз кўрсатиб, забастовкалар, стачкаларга, революцияларга сабаб бўларди. XIX аср охириги чорагида сиёсий ва иқтисодий тўқнашувлар бироз сусайди. Аммо инқироз маънавий ҳаётда чуқурлашди. Капиталистик тамаддун идеалларига, унинг оқилона тузум эканлигига кўпчилик ишонмай қўйди. Онгости ҳодисалари, одамларнинг ақл бовар қилмайдиган хулқ-атвори ижтимоий ҳаётда тобора сезиларли из қолдира бошлади. Иррационализм кучайди. Ҳар хил модернистик, авангардистик оқимлар, турли-туман тасвирлаш ва ифодалаш услублари пайдо бўлди. Иккинчи томондан – адабиёт ва санъат, ўз ички ривожланиш қонунларига кўра, танқидий реализм даражасида қолиб кетиши, онгости ҳодисаларини бадиий таҳлил этмаслиги мумкин эмас эди. Танқидий реализм инсон онгини ҳар томонлама ўрганиб, онгости остонасида тўхтаб қолган бўлса, модернистик адабиёт ва санъат онгости ҳодисаларини тасвирлаш ва ифодалашдан чўчимади. У, танқидий реализм каби, инсоннинг ҳамма туйғу ва кечинмаларини оқилона бадиий асослаб бериш, сабабларини кўрсатиш вазифасини ўз олдига қўймади. Инсон ички оламидаги иррационал, ақл ёрдамида тушунтириб бўлмайдиган жиҳатларини ҳам эътироф этиб, тасвирлаб кетаверди. Онгости ҳодисаларини, онгсизликни (агар диний – мистик характердагилари бўлмаса) нафақат ўрта асрлар, ҳатто XIX аср биринчи ярми адабиёти тасвирлай олмас эди.

Модернизм оқимлари индустриал жамиятдан постиндустриал жамиятга ўтиш даври маҳсулидир. Улар рационалистик тафаккур қаторида иррационалистик тафаккурнинг бадиий ижодда олдинги ўринларга чиқиши, уларнинг эклектик қоришуви, баъзан иррационализмнинг рационализмдан устунлик қилиши, баъзан ижодкорнинг

релятивистик фикр юритиши туфайли юзага келди ва ривожланди. Постиндустриал жамият мустаҳкам оёққа туриб олган XX аср 50-йиллар иккинчи ярмидан, аста-секин янги постмодернистик оқимлар тарқала бошлади. Лекин бу адабиёт ва санъатда ижод тўлиқ, дастлаб модернизмга, сўнг постмодернизмга ўтиб кетган экан-да, дега ни эмас. Адабиёт ва санъатда ижодкор шахси ҳал қилувчи роль ўйнайди. У буюк салафлари анъаналарига содиқ қолиб, уларни замонга мослаштириб давом эттириши, янги эпкинларни, услубларни унчалик ёки умуман қабул қилмаслиги мумкин. Бадиий асар сиёсий ва эътиқодий қарашларнинг, цивилизация эврилишларининг механик инъикоси эмас, балки ўзига хос индивидуал ва ижтимоий талқинидир. Шу сабабдан замонавий адабиёт ва санъатга бадиий усуллар ва услублар хилма-хиллиги хос.

Замонавий постиндустриал цивилизациянинг маънавиятга яна бир таъсири (бу гал анча салбий таъсири) – оммавий маданиятнинг алоҳида ижтимоий феноменга (ҳодисага) айланишидир. Оммавий маданият барча маҳсулотлар индустриал усулда ишлаб чиқарилишини, замонавий ОАВни – газета, журнал, радио-телевидение, АТ, интернет, кино, компакт дисклар ва ҳ.к. ларни назарда тутади. У халқ маданияти эмас, унга миллийлик, индивидуаллик, эксклюзивлик хос эмас. Оммавий маданият ўтган цивилизацияларда вужудга келиши нореал эди. У моддий ва маънавий буюмлар товарга айланган, истеъмол ва турмуш тарзи, уй-рўзғор буюмлари, одамлар яшайдиган квартираларидан тортиб, ишга бориб келадиган транспорт воситалари, ейдиган овқати-ю, кўрадиган телетомошаси, ўйнайдиган ўйинигача стандартлашган жамият маҳсулидир.

Маънавият юксалишининг умумтамаддуний тараққиёт даражасига боғлиқлигини илм-фан ва таълим тизими вужудга келиши ва ривожланиши янада ойдинлаштиради. Аграр жамиятда илм-фан ва халқ таълими иқтисодиётнинг (халқ хўжалигининг) бевосита тармоғи бўлмаган. Илм-фан, таълим маълум даражада иқтисодиёт буюртмаларини бажарса-да, маънавиятнинг мустақил соҳаси сифатида алоҳида ривожланган. Унга маърифатли хонлар, вазирлар, вилоят бошлиқлари, Навоий синга-

ри буюк шахслар ҳомийлик қилган. Улуғбек салтанатида Самарқандда илм-фан гуркираб ўсди. Улуғбекдан кейин инқирозга учради. Чунки ижтимоий ишлаб чиқариш илм-фанга кучли эҳтиёж сезмас эди.

Индустриал жамиятда фабрикант таълимни, илм-фанни яхши кўрадимиз, ёмон кўрадимиз – бундан қатъи назар фан-техника ютуқларини, янги технологияларни ишлаб чиқаришга жорий қилмаса, ишчи ва инженер-техник ходимларнинг малакасини оширмаса, синиб қолади. Индустриал ишлаб чиқариш миллионлаб инженерларга, техникларга, иқтисодчиларга, бухгалтерларга, таъминотчиларга, менежерларга, маҳсулотни реклама қиладиган, сотадиган мутахассисларга, молиячиларга, солиқчиларга, банк, биржа, суғурта компаниялари ходимларига, юристларга, умуман, ижтимоий-иқтисодий инфратузилма мутахассисларига муҳтож. Шу сабабли уларни тайёрлаш тизими вужудга келиб, халқ хўжалигининг ажралмас тармоғига айланди. Минглаб мактаблар, ўрта махсус ва олий таълим ўқув юртлиари ва илмий муассасалар пайдо бўлди. Уларда ҳам миллионлаб мутахассислар ишлай бошлади. Жамият онги, билими, малакаси, илм-фан, таълим, умуман, маънавият тизими янги сифат босқичига кўтарилди. Индустриал цивилизация жамиятнинг синфий ва касбий тузилмасини, маънавий эҳтиёжлари ва маънавий қиёфасини тубдан ўзгартириб юборди.

Бошқа мисол – соғлиқни сақлаш тизими. Илк фабрикантлар орасида ишчиларини ашаддий эксплуатация қиладиган, уларнинг соғлиғи тўғрисида зиғирча қайғурмайдиган тошюраклар кўп учрайди. Бирор ишчи майиб-мажруҳ бўлиб ёки ўлиб қолса, фабрикант ташвиш чекмаган. Илк фабрикаларда малакасиз қўл меҳнати устунлик қилган. Шу боис ишчини йўқотишдан фабрикант зарар кўрмаган. Аммо, бошқа томондан, фабрикаларда ишчи-ходимлар сони оддий устахоналарга нисбатан бир неча баробар кўп. Агар фабриканинг бирор ишчиси инфекция касалга учраб қолса, касаллик бошқаларга ҳам юқиб, фабрика унумдорлиғи пасайиб кетади. Бундай воқеалар кўп такрорланган. Оқибатда, фабрикант раҳмдиллиғи учун эмас, фойдадан қуруқ қолмаслик учун

фабрика қошида лазарет очишга мажбур бўлган. Технологиялар мураккаблашиб, ишчи-ходимларнинг малакаси катта аҳамият касб эта бошлаши жараёнида энди беморни, майиб бўлган мутахассисни ҳар ким билан алмаштириб бўлмаслиги аёнлашган. Фабрикант малакали ишчи ходимини авайлай бошлаган.

Бунинг устига урбанизация авж олиб, шаҳарлар тез ўсган сайин соғлиқни сақлашнинг аҳамияти мамлакат миқёсида ошиб бораверган. Европа халқлари тарихий хотирасида неча марта ўтмишда вабо, ўлат ва чечакдан аҳолининг ярми қирилиб кетгани сақланиб қолган эди. Фабрикант ҳам, давлат ҳам соғлиқни сақлашга эътибор қаратишга мажбур бўлдилар. Натижада, соғлиқни сақлаш тизими индустриал жамиятда иқтисодиётнинг зарурий тармоғига айланди.

Замонавий цивилизация шароитида давлат бошлигининг илм-фанни, адабиёт ва санъатни, ижодкор зиёлиларни кадрлаши ёки кадрламаслиги, ҳатто ёмон кўриши жамият маънавияти ривожланишига жиддий таъсир кўрсатса-да, тўхтатиб қўя олмайди. Ленин ва Сталин зиёлиларни, олимларни унча хушламаганлар, ҳатто доимо нолиб юрадиган тутуруқсиз чиркин шахслар, деб атаган. Ижодкор зиёлиларнинг катта қисми 20-йиллар бошида мамлакатдан чет элга чиқариб юборилган, қолганларнинг анчаси 30-йилларда катағон қилинган. Гитлер ҳокимият тепасига келган йилларда Германияда ўхшаш вазиятни ва сиёсатни кузатамиз. Бироқ Сталин ҳам, Гитлер ҳам илм-фандан, ижодкор зиёлилардан воз кеча олмаган. Бусиз мамлакат ривожланмас, уларнинг бутун дунёда большевистик ёки фашистик тузумларни ўрнатиш ниятлари амалга ошмас эди. Шу сабабдан улар саркаш ижодкорларни жазолаш билан бир қаторда тузумга очиқча қарши бўлмаганларни ўз томонларига оғдиришга ҳаракат қилганлар. Турли рағбатлантириш йўллари излаганлар, унвонлар, мукофотлар, орден-медаллар, лавозимлар билан тақдирлаганлар.

Шундай қилиб, маънавият ривожланиши умумтамаддуний тараққиёт даражаси ва талабларига мувофиқ кечади. Бу маънавият юксалишининг объектив қонунидир. Мазкур қонун иккитомонлама алоқадорликни ифодалайди.

Маънавият юксалиши қанчалик умумтамаддуний тараққиёт даражасига боғлиқ бўлса, тамаддун ривожланиши ҳам шу даражада маънавият тараққиётига боғлиқдир. Маънавият цивилизацияга акс таъсир кўрсатади. Бу биринчи галда илм-фан, технологияларга, бошқарув демократлашуви ва инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ўсишига тааллуқли. Бундан ташқари, маънавият инсоннинг муайян мақсадни белгилашида, унга эришиш учун усул ва воситаларни эркин танлашида, қийинчиликларни енгиб, олға интилишида, яъни ирода, билим ва эътиқод кучида ҳам намоён бўлади. Маънавият улар орқали ўз даври цивилизациясини ривожлантиради. Ушбу ўзаро боғлиқлик барча замонлар, барча жамиятлар учун ҳосдир. *Цивилизация ва маънавиятнинг тараққиёт даражалари бир-бирини тақозо этади. Бу боғлиқлик, алоқадорлик тасодифий эмас, зарурий, доимий, такрорланувчан, моҳиятли ва биринчи даражалидир. Шу сабабдан мазкур боғлиқлик ижтимоий тараққиётнинг маънавият юксалишига мансуб хусусий, аммо маънавиятнинг умумий қонунидир.*

Маънавият ривожланишига ижтимоий-сиёсий муҳит, бошқарув режими, ҳуқуқни талқин қилиш ва қўллаш амалиёти кучли таъсир кўрсатади. Булар, маълумки, муайян тамаддун хусусиятларидан келиб чиқадиган ижтимоий ҳодисалардир. Келгуси мавзуда кўриб чиқадиган ижтимоий онг шакллари ва уларнинг маданиятда юзага чиқиши ҳам тамаддун ривожи даражаси томонидан тақозо этилади ва, аксинча. Масалан, ахлоқ – тамаддун маҳсули, унинг меъёрлари, категориялари, тушунчалари мазмуни жамиятдаги мавжуд муносабатларни тартибга солиш зарурати билан боғлиқ. Айни пайтда ахлоқий маданият қанчалик юксалса, одамларнинг бир-бирига ишончи, меҳр-оқибати шунча мустаҳкамланади, ижтимоий муҳит шунча яхшиланади. Бу эса цивилизация тараққиёти учун жуда зарур мафкуравий-психологик шарт-шароит яратади. Аксинча, маънавиятнинг моддий-иқтисодий, илмий-технологик асослари юксак ривожланган бўлишига қарамасдан, ахлоқ инқирозга учраса, бутун маънавиятга салбий таъсир кўрсатади. Цивилизация тараққиётни оқибатда инқирозга маҳкум этади.

Албатта, маънавиятнинг турли цивилизациялар ша-роитида, айниқса, индустриал, постиндустриал жамият-да ривожланиши бир чизикли, фақат ижобий юксалиш чизиғи бўлган эмас. Жамиятга хос зиддиятлар, иллатлар маънавиятга салбий таъсир кўрсатган. Жамият тараққиёти каби маънавият ривожланиши ҳам мураккаб. Гуллаб-яш-наш ва инқирозлар даврларини бошдан кечирган. Бир ци-вилизацияни бошқа цивилизация билан алмашуви маъна-виятни тубдан ўзгартирган, янги эътиқодий, мафкуравий асосларга ўтказган. Булар ҳақда кейинги ўринларда тўх-таламиз. Ҳозирча шундай хулоса қиламиз: *маънавият ривожланиши умумтамаддуний ривожланиш доирасида кечади ва у томондан белгиланади, ўзи ҳам унга акс таъ-сир кўрсатади.*

10.3. Маънавият юксалишининг ижтимоий онг ва ижтимоий муносабатлар ривожланиш даражасига боғлиқлик қонуни

Учинчи қонун тўғрисида шуни айтиш мумкинки, маънавиятга эътиқод (мифология, дин, фалсафа), ахлоқ, адабиёт ва санъат, илм-фан, ҳуқуқ, сиёсат ҳамда таълим-тарбия тизими улкан таъсир кўрсатади. Ижтимоий онг шаклларининг маънавиятга таъсири ва муносабатлари қисмларнинг бус-бутунликка, тизим таркибларининг ях-лит тизимга таъсири ва муносабати кабидир. Бутунлик-нинг қисмлари, тизимнинг таркибий тузилмалари тако-миллашса, бутунлик, тизим ривожланади ва, аксинча. Масалан, вилоятлари, шаҳар, қишлоқлари бой мамлакат камбағал, қолоқ бўлмайди. Бой ва ривожланган мамлакат-ларнинг вилоятлари, шаҳар, қишлоқлари қашшоқликка, қолоқликка юз тутмайди.

Маънавият бус-бутунлик, яхлит тизимдир. Ижтимоий онг шакллари эса унинг таркибий қисмлари, тузилмала-ридир. Тўғри, бутунликнинг барча қисмлари, тизимнинг барча таркибий тузилмалари бирдек, бир текис ривож-ланмайди. Айримлари ортда қолади, айримлари илгари-лаб кетади. Аммо улар ўртасида ўзига хос динамик муво-занат қарор топади. Лекин қисмлар, таркибий тузилмалар ривожланишда бир-биридан тамомила узилиб қолмайди. Ҳар қандай қонун, алоқа, зарурат намоён бўлиши неги-

зида меъёр туради. Меъёр бузилса, қонун ишламайди, ҳодиса ўз тескарисига айланади. Ижтимоий онг муайян шаклининг маънавият тизимидаги ўрнини, аҳамиятини аниқлашда меъёрга риоя қилиш ниҳоятда муҳим. Маънавият яхлит тизим сифатида ривожланиши учун унинг таркибий қисмлари ривожланиши керак. Ҳар бир таркибий қисм ривожланиши маънавиятнинг яхлит тизим сифатида ривожланишига ҳам, бу тизимга кирувчи бошқа қисмлар ривожига ҳам (бирига озроқ, бирига кўпроқ) ёрдам беради. Уларнинг айримларини кўриб чиқамиз.

Эътиқод, ижтимоий онг шакллари, таълим-тарбия тизими, маданият, бўш вақт ва дам олиш, бир томондан, жамият тараққиёти маҳсули бўлса, иккинчи томондан, жамиятни тараққий эттирувчи омиллардир. Илм-фан, биринчи галда, табиатшунослик ва техника фанлари бевосита табиат бойликларидан фойдаланиш, ишлаб чиқаришни тараққий эттириш, технологияларни юксалтириш учун керакли билимлар беради. Ижтимоий-гуманитар фанлар инсоннинг ўзига, жамият, инсоний муносабатларга, уларни такомиллаштиришга оид билимлар беради. Илм-фаннинг яна бир буюк вазифаси – у одамларнинг дунёқарашини тарбиялайди ва турли ирим-сиримлардан, хурофотдан, хато, ғайриилмий қарашлардан халос бўлишига хизмат қилади. Шундай қилиб, фан дунёқарашнинг, эътиқоднинг, янада кенгроқ қарасак, бутун маънавиятнинг илмий-интеллектуал негизини ташкил этади.

Илм-фан ривожланмаса, оламнинг ва инсоннинг кўп сирлари очилмасдан қолар эди. Кундалик онг, оддий ҳаётий тажриба негизида вужудга келган меҳнат кўникмалари ва маҳорати ибтидоий ва аграр жамиятнинг илк босқичидан юқорироққа кўтарилиш имконини бермас, инсон иқтисодий муҳтожликдан, оддий касалликдан кўп азоб чекар эди. Бундай шароитда инсоннинг ўзлигини англаш даражаси пастлигича қолиб, ўз олдига бир амаллаб кун кўришдан бошқа мақсадларни кўя олмас эди.

Илм-фаннинг вужудга келиши ва ривожланиши унинг табиат кучларидан (сув, ҳаво, олов, ёқилғи ш.к. лар), табиат ашёларидан фойдаланиш имкониятларини кескин оширди. Аста-секин мураккаб меҳнат қуроллари, ишлаб чиқариш воситалари, механизмлар яшаш усуллари пай-

до бўлди. Инсон илм-фан ёрдамида янги ашёлар, ўсимликларнинг янги серҳосил навларини, ҳайвонларнинг маҳсулдор зотларини яратди, турли касалликларни даволашни ўрганди. Турмуш фаровонлиги ва ўртача умр кўриш ёши муттасил ўсди, онги, маънавияти юксалди.

Инсон ижобий билимлари бойиши ва чуқурлашиши туфайли сабаб-оқибат боғланишларини кашф этди. Ҳеч бир нарса ўз-ўзидан содир бўлмайди. Ҳамма нарса, воқеалар, жараёнлар асосида муайян сабаблар ётади. Сабабнинг оқибати ўзидан кейин келадиган нарса, ходисалар учун сабаб бўлади. Бу занжир тўхтовсиз, узлуксиз давом этади. Демак, оламнинг, инсоннинг бошланишида қандайдир бош, илк сабаб бор деган хулосага келиши мумкин. Натижада, инсоннинг эътиқодий қарашлари ўзгарди. У ибтидоий фетишизм, магия, аждодлар руҳига сиғиниш, анимизмдан аста-секин оламнинг ягона яратувчиси ва бошқарувчиси – илк сабаб мавжудлиги тўғрисидаги монотеистик қарашларга келди. Монотеистик динлар вужудга келишида илм-фан билвосита омил бўлган. Монотеистик динларда Худо оламнинг бирламчи сабаби ҳисобланади. Бу динлар монодетерминистик бўлиб, яратувчи иродасини – бош, илк сабабни тан олувчи динлардир. Политеистик (кўпхудолик) қарашлар ибтидоий эътиқодлар ва монотеизм ўртасидаги бир босқичдир.

Баъзи мамлакатларда (Ҳиндистон каби) политеизм сақланиб қолган. Политеизм билиш назарияси нуқтаи назаридан политеистик диний таълимот, ҳар бир табиий ва ижтимоий ҳодисанинг ўз яратувчи ва ҳаракатлантирувчи илоҳий манбалари борлигига ишончдир. Бу ишонч мушоҳада, илмий ва ҳаётий тажриба орқали аниқланган сабаб-оқибат боғланишларининг ранг-баранглигига шаклан мос бўлиб, асотирий кўринишда диний эътиқодда мустаҳкамланишидир. Хулоса қилиш лозимки, илм-фан ривожланиши диний-этиқодлар ўзгаришига билвосита, дунёвий этиқодлар ривожланишига бевосита таъсир кўрсатган.

Фан ва дин ўртасида асрлар мобайнида давом этган баҳс, одамлар онги, дунёқараши учун кечган кураш маънавият ривожланиши зиддиятли бўлишига олиб келган. Баъзан унда меъёр бузилиб, фанга беписанд қаралса, дин

устунлик қилса, мутаассиблик унсурлари, хурофот ва бидъат кўпайган. Бу турғунликка сабаб бўлган. Баъзан илм-фан ютуқлари олдида диннинг кескин қарашлари юмшаган, мўътадиллик касб этган. Маънавият бундай пайтларда гуркираб ўсган. Ижодкорлик, эркинлик юксалган. Аммо фан ижтимоий онгнинг бошқа шаклларидан ажралиб қолса ёки уларга қарши қўйилса (меъёр бузилса), илмий қарашлар бирдан-бир устувор эътиқод ҳисобланса, маънавият учун яна хавф туғилади. Технократик қарашлар устунлик қилиб, анъанавий мумтоз қадриятларга, миллий маданиятга беписандлик жонланади. Фаннинг баъзи ютуқлари ва кашфиётлари инсониятга хавф сола бошлайди. Буни эсдан чиқармаслик керак. Юқоридагилардан илм-фаннинг ижтимоий онг шакли сифатида маънавиятга таъсири ойдинлашади.

Адабиёт ва санъат инсон онги-тафаккури жилоланиши, эврилишлари, руҳий кечинмалари улуғворлиги-ю тубанлиги, уларнинг ҳар хил қирралари, имкониятлари тўғрисида образли билим беради. Одамларнинг туйғуларини тарбиялайди, эътиқодини, маънавий дунёсини инсонпарварлик, эзгулик, гўзаллик, адолат, ишқ, муҳаббат, ватанпарварлик ва шу каби ғоялар билан бойитади, баланд марраларни эгаллашда илҳом беради. Адабиёт ва санъат жамиятнинг, одамлар онгининг, ахлоқ ва ҳуқуқнинг, сиёсатнинг эзгулик, инсоф, адолат, раҳм-шафқат, меҳроқибат, гўзаллик каби қадриятлар, ижтимоий идеаллар билан бойишида, маънавий эркинлик ўсишида улкан роль ўйнайди. *Адабиёт ва санъатнинг маънавиятга таъсири унинг билим бериши, эстетик эҳтиёжларни қондириши ва тарбиялаш вазифаларидан келиб чиқади.*

Ўзбек халқи ХХ аср бошларида Амир Темур, Улугбек, Алишер Навоий сиймоларини қандай тасаввур этар эди? Халқ Амир Темурнинг буюк давлат арбоби ва саркардалигини, ватанни мўғул зулмидан озод этиб, обод қилганини, дунёнинг ярмини ўзига бўйсундирганини яримривоят, яримҳақиқат кўринишида билган. Улуғбекнинг буюк астроном-олим ва маданият ҳомийси бўлганини, ўғли Абдуллатиф розилиги билан қатл этилгани ва у ҳақда оғиздан-оғизга ўтиб келаётган ривоятларни эшитган. Кимдир Самарқандга бориб Гўри Амирни зиёрат қилган

бўлса, тасаввурлари янги таассурот билан бироз бойиган, аммо жуда кемтик ва мавҳумлигича қолган.

Алишер Навоийнинг баъзи ғазалларига куй басталаниб, ҳофизлар томонидан ижро этилгани учун исми халққа яхши таниш бўлган. Лекин Навоий ҳаёти, яшаган даври муҳити тўғрисида авом деярли аниқ ҳеч нарса билмаган. Шу сабабдан ривоятлар тўқиган. Навоий ва Гули муҳаббати тўғрисидаги афсона халқ оғзаки ижоди маҳсулидир.

Ўтмиш тарихни, буюк аждодларимизни тор доирадаги ўқимишли, арабча ва форсчани ўзлаштирган зиёлилар озми-кўпми билган. Ўшанда ҳам кўпчилигининг билими тўлиқ ва тизимли бўлмаган. Ойбекнинг «Навоий» романи боис халқимиз Алишер Навоийни буюк шоир, давлат арбоби, фан, адабиёт ва санъат ҳомийси сифатида таниди. Навоийнинг ўй-фикрлари, қалбизтироблари, ғам-ташвишлари, юксак идеаллари, халқпарварлиги тўғрисида аниқ тасаввурга эга бўлди. Навоий давридаги ижтимоий муносабатлар, сарой фитналари, замондошларининг феъл-атвори, туйғулари ва психологияси, ижтимоий-сиёсий ва маънавий-ахлоқий, бадиий-эстетик қарашларини билиб олди. Ойбекнинг романи, мусаввирлар томонидан Навоийнинг ишланган портретлари, Иззат Султон ва Уйғун пьесасининг сахна ва радиоспектакли, Комил Ёрматов кинофильми уни кенг оммага танитди. Ўрта мактаблар адабиёт дарсларида Навоий ҳаёти ва ижоди ўрганилгани, дарсликларда, хрестоматияларда асарларидан парчалар чоп этилгани туфайли Навоий барча ўзбек оилаларига кириб келди, миллий маънавиятимизнинг ажралмас бўлагига айланди. Бундай билимни халқ илмий китоблардан ололмасди. Чунки илмий рисоалар, мақолалар мутахассисларга мўлжалланган, уларда ўй-кечинмалар, руҳият, инсоний туйғулар, шахсий муносабатлар деярли таҳлил этилмайди.

Ойбекнинг «Навоий» романи, Мақсуд Шайхзоданинг «Мирзо Улуғбек» трагедияси, Одил Ёқубовнинг «Улуғбек хазинаси», Пиримқул Қодировнинг «Юлдузли тунлар» романлари, Абдулла Ориповнинг «Соҳибқирон» драматик достони, кўплаб бошқа муаллифларнинг тарихий мавзудаги роман ва қиссалари, ўз даври мафқураси-

га мослаштирилганидан қатъи назар, халқимизга Амир Темур, Улуғбек, Навоий, Бобур каби буюк аждодларини даҳо шахслар ва жонли инсонлар сифатида аниқ тасаввур қилиш имконини берди. Халқнинг тарихий хотираси, миллий ғурури тикланишида, ўзлигини англашида, маънавийти ривожланишида тарихий мавзудаги бадиий адабиёт ва санъат қатъи роль ўйнайди.

Ўзликни англаш фақат ўтмишни билишга тааллуқли эмас. У ўзининг бугунги аҳволини, муаммоларни, таҳдид солаётган маънавий хавф-хатарларни ҳамда келажак билан боғлиқ мақсад ва вазифаларни англашни ҳам билдиради. Миллий ўзликни англанишда бадиий адабиётнинг олдига на фан, на дин, на ахлоқ, на ҳуқуқ туша олади. Бадиий образ миллатнинг юлдузли онлари, босқинчиларга қарши матонатли кураши, буюк фарзандлари шонли ғалабалари ва маданий ютуқларини конкрет-образли тасвирлаб, миллий ғурурни тарбиялайди. Халқ бошига тушган фожеаларни, аламларни, уларнинг сабабларини жонлантириб, сабоқ чиқаришга ундайди. Мавжуд камчиликлар ва иллатларни, маънавий хавф-хатарни ёки улуғвор мақсадларни ҳис қилиш даражасида тушунарли ва ишончли қилиб тасвирлайди, ифодалайди. Ўқувчида кабиҳликка, тубанликка нисбатан нафрат, ҳалоллик ва мардликка нисбатан меҳр-муҳаббат, интилиш уйғотади.

Жадидлар ижоди, Абдулла Қодирийнинг «Ўткан кунлар» ва «Меҳробдан чаён» романлари, Чўлпон ва Фитрат шеърлари ўтган асрнинг 20–30-йилларида халқимиз ўзлигини англашида бекиёс аҳамият касб этган эди. 60–80-йилларда Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Рауф Парфи, Омон Матжон шеърлари халқимизнинг янги авлодига аждодлари ким эканлигини, уларга муносиб бўлиш лозимлигини яна эслатди. Халқ ғурурини яна бир поғона кўтарди. «Ушшоқ чигитни ҳам этмай деб увол, миллион эгатларга сочилган»ини (А. Орипов), ўша ушоқ чигитни олиш учун эгилиб, қаддини кўтармасдан, эзилиб кетганини, куз чиройини ҳам сезмай қолаётганини, тилидан, имон-эътиқодидан, маданиятидан бегоналашаётганини куюниб ифодалаган, ор-номусни, миллий ғурурни эслатиб ўқиниб ёзилган шеърлар ўзбек жамоатчилиги, айниқса, ёшлар қалбида ғалаён кўтарди, зимдан уни

истиклол учун курашга ундади. Шўролар тузумининг маънавий-ахлокий ва сиёсий жихатдан ноқислиги, но-табийлиги, одамларни кўплаб инсоний хислатлардан маҳрум қилиши Ақсад Мухторнинг «Чинор» романида, Ўлмас Умарбековнинг «Қиёмат қарз» пьесасида, Шукур Холмирзаев, Ўткир Ҳошимов, Мурод Муҳаммад Дўст, Тоғай Мурод, Эркин Аъзам, Хайридин Султон асарла-рида ёрқин бўёқларда тасвирланди.

Адабиёт ва санъатда миллийлик ва умуминсонийлик, ёвузликни, тубанликни қоралаш, эзгуликни, гўзалликни улуғлаш, инсонга сабоқ берадиган ҳар хил образларни, жозибали идеалларни тасвирлаш бирлашиб кетган, бади-ий ижоднинг мазмунини ташкил этади. Шу сабабдан жа-мият маънавиятига юксак халқпарвар адабиёт ва санъат кўпчилик ижтимоий онг шаклларига нисбатан кучлироқ таъсир кўрсатади. Адабиёт ва санъатнинг яхлит маъна-вият доирасида илм-фанга, динга, ахлоққа, сиёсий онгга, ҳуқуққа таъсирига бир неча далил келтирамиз. Тасаввуф тариқатларининг аксарият асосчилари, йирик шайхлари ўз ғояларини ёйишда бадий сўздан фойдаланганлар. Улардан Яссавий, Аттор, Румий, ҳаттоки, мумтоз шоир-лар ҳисобланади. Гарчи шоирлик улар учун асосий касб бўлмаса-да, Навоийнинг фикрича, Аттор ва Румийнинг (шунингдек, Ҳазрати Алининг) шеър ёзишдан мақсадлари адабиёт эмас, балки илоҳий сир-асрорни билишдир.

Америкалик адиба Бичер Стоу XIX аср ўрталарида «Том тоғанинг кулбаси» деган роман ёзган. Роман АҚШ сиёсий ва ҳуқуқий онгида алғов-далғов кўтариб юборган. Орадан биров вақт ўтгач, АҚШнинг шимолий штатлари, жанубий штатларига қарши кулликни бекор қилиш учун уруш бошлаган. Албатта, АҚШдаги фуқаролар уруши-нинг сабаби Бичер Стоу романи эмас, аммо у шимол-лик фуқаролар, бошқа барча ҳалол, мард инсонпарвар ва ватанпарвар кишиларни қулдорликка қарши курашга илҳомлантиргани – ҳақиқат. Яна бир далил А. Эйнштей-нинг унинг онги-тафаккурига, ижодига Ф. Достоевский романларининг таъсирини тан олиб айтган сўзларидир. Келтирилган мисоллар адабиёт ва санъатнинг ижтимоий онгининг бошқа шаклларига, диний, ахлоқий, ҳуқуқий ва сиёсий қарашларга, улар орқали бутун маънавиятга, маъ-

навий муҳитга, одамларнинг интилишлари-ю ҳаётий позицияларига таъсирини очиб беради.

Илм-фаннинг, адабиёт ва санъатнинг, демократик кадриятларнинг, ҳуқуқий онгнинг, уларни тарқатувчи ОАВнинг ривожланиши жамият маънавиятини юксалтиради, ижтимоий муносабатларни инсонпарварлаштиради, ижтимоий-маънавий ва сиёсий муҳит яхшиланади, ҳуқуқнинг адолатлилиги кучаяди. Натижада, одамларнинг ижодкорлиги, яратувчилик ташаббуслари ўсади.

Илм-фани, адабиёт ва санъати яхши ривожланмаган, дунёвий ва диний эътиқоди зиддиятларга тўла, онги хурфот ва бидъат ботқоғига чўкиб қолган халқ маънавияти қоқоқликка маҳкум, зеро унда маънавий эҳтиёжлар юксалмай қолади. Бундай халқ турли сохта ва бузғунчи ғояларнинг, сиёсий иғволарнинг, ҳар-хил миш-мишларнинг тузоғига тез тушади. Эътиқод, теран дунёқараш, ахлоқ, инсоннинг ўз ҳуқуқ ва манфаатларини яхши англаши, сиёсий ва иқтисодий манфаатларига оид билимлари ва ижтимоий фаоллиги уни маънавий таҳдидлардан ҳимоя қилибгина қолмай, унга фуқаролик жамиятини ривожлантириш, давлат идоралари ва мансабдор шахслар фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш имконини беради.

Ҳуқуқий ва сиёсий онг юксалиши жамиятда инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари, демократия ва фуқаролик жамияти асосларини мустаҳкамлайди. Ва, аксинча. Ҳуқуқий ва сиёсий онг турғунлиги, мутаассиблиги, эркин эмаслиги жамият маънавиятини кучсизлантиради. Тафаккур эркинлиги, сўз ва эътиқод эркинлиги, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари даражалари жамият маънавий тараққиётининг муҳим кўрсаткичларидан ҳисобланади. Тоталитар жамиятда биз на тафаккур эркинлигига, на инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари етарлича таъминланишига, на фикрлар ва мафкуралар хилма-хиллигига гувоҳ бўламиз. Ҳамма бир хил фикрлаши, ўйлаши ва яшаши, бир ғояга, бир доҳийга сиғиниши зарур. Тоталитар жамият маънавияти ўта чекланган, бирёклама, у сунъий пуфлаб шиширилган маънавиятдир.

Маънавият ривожланиши, кўриниб турибдики, моддий-тамаддуний тараққиётдан ташқари, одамларнинг дунёқараши кенгайиши, илмий-фалсафий ва диний

эътиқоди, билимлари ўсиши, онги хурофотларга, бидъатга, турли ирим-сиримларга қарам бўлиб қолмаслигига, илмий, бадий тафаккури, ҳуқуқий ва ахлоқий онг ўсишига ҳам боғлиқ.

Диннинг, диний онг ва муносабатларнинг тўғри ривожланиши бутун жамиятга, айниқса, маънавий ҳаётга кучли таъсир кўрсатади. Дин тўлиқ ҳукмрон бўлиб илм-фанни, тафаккур эркинлигини таъқиб қилган жамиятда эса ижтимоий-сиёсий барқарорлик бузилади ёки турғунликка тушиб қолади. Салиб юришлари, кейинчалик реформация туфайли Европада содир бўлган юз ва ўттиз йиллик урушлар диний байроқ остида кечган эди. Дин мутлоқ устунликка эришган мусулмон мамлакатлари маънавиятида ўрта асрлар охирида узок давом этган турғунлик бошланди. Шиалар билан суннийлар ўртасидаги тўқнашувлар, бугунги кундаги диний экстремизм ва терроризм туфайли эзгулик ва инсонийликнинг топталиши, сиёсий ва гуманитар фожеалар, маънавий-маданий йўқотишлар, инсоннинг кадр-қиммати поймол бўлаётгани диний мутаассиблик, экстремизм оқибатидир. Бежиз Муҳаммад пайғамбар дин масалаларида мўътадилликка чақирмаган.

Кўриб чиқилаётган қонуннинг яна бир жиҳати бор. Ижтимоий онг шакллари маънавиятга яхлит тизим сифатида таъсир кўрсатишдан ташқари, унинг доирасида бир-бири билан чамбарчас боғланган ва ўзаро бир-биридан таъсирланади. Бу алоқадорлик анча мураккаб, зиддиятларга тўла, ижобий жиҳатлар қаторида салбий жиҳатларга эга. Улар ўзаро таъсирининг ижобий жиҳатлари маънавиятга тизим сифатида барқарорлик багишлаб, яратувчилик салоҳиятини оширса, салбий жиҳатлари, аксинча, беқарорлик туғдириб, яратувчилик салоҳиятини пасайтиради. Масалан, замонавий Ғарб ахлоқи ва ҳуқуқининг оила, никоҳ масалаларида кўпчилик анъанавий фундаментал қадриятларни, меъёрларни инкор қилиши, ўта «либераллашиши» жинсий алоқаларнинг тизгинсизлигига, фуқаролик никоҳларининг кўпайишига, биржинсли никоҳларнинг айрим давлатларда қонунлаштиришига, корпоратив гуруҳий оилалар («шведча» оилалар) кўпайишига олиб келди. Ғарб маънавиятида ҳуқуқий онг, амалий формал ҳуқуқ биринчи ўринга чиқиб, ахлоқий онг, амалий ахлоқ (ахлоқий маданият) иккинчи

ўринга сурилди. Бу мумтоз ахлоқий қадриятларнинг деформацияга учрашига сабаб бўлди. Ёш авлод таълим-тарбияси қандай бўлиши лозим, айниқса, боғча ва мактабларнинг бошланғич синфларида болаларни жинсий идентлик ва мўлжал масалалари, биржинсли оилалар болаларини «отана» ким деган масалалар ва ҳ.к. бўйича қандай тарбиялаш лозим деган баҳсларни туғдирди. Булар ва феминистик ҳаракат болалар ва ўсмирлар тарбиясини, жамиятнинг ушбу масалаларга муносабатини, қарашларини, ахлоқини тобора боши берк кўчага етакламоқда. Ахлоқий «толерантлик» инсон ҳуқуқларини формал ва вульгар антропоцентристик, эгоцентристик тушунишга олиб келмоқда. Бундан бутун маънавият беқарорлашмоқда.

Лекин юқоридагилардан замонавий Ғарб ахлоқи бутунлай инқирозга учраб, ахлоқсизликни авж олдирган экан-да, деган тасаввур ҳосил бўлмаслиги керак. Ғарб ахлоқида кескин индивидуализм, инсон эркинликлари ва ҳуқуқларини формал тушуниш натижасида қайд этилган камчиликлар кўпайиб бораётганига қарамадан, унинг биз ўрганишимиз лозим бўлган жиҳатлари бор. Биринчидан, Ғарбда инсон шахси билан ҳисоблашиш, унинг дахлсизлиги ва мухторийлигини тан олиш ўта юқори. Оддий фуқаро ўзини инсон сифатида мамлакатнинг бошлиғидан кам кўрмайди. Иккинчидан, ўзгача фикрларга, қарашларга тоқат қилишни, уларга қўшилмасак-да, уларни танқид қилсак-да, ҳурмат кўрсатишни ўргансак арзийди. Кўпинча бошлиқ фикрига қарши чиққан ходим қувғинга учрайди, ишдан кетади. Биз ҳали тўлиқ қутилиб улгурмаган авторитар тафаккур инсон қарашлари эркинлигини, мафкуравий плюрализмни тан олмайди. Маиший даражада катталар, кексалар фикрига қарши чиққан ёшлар яқин-яқингача маҳмадона, одобсиз номини олган. Авторитар тафаккур ва меъёрлар Шарқ халқларини асрлар давомида турғунликка маҳкум этди.

Учинчидан, Ғарб ҳуқуқий онги ва маданиятидаги қонун устуворлиги, барча бирдайлиги, демократия ва ҳуқуқий давлат тамойиллари амалдорларнинг ўзбошимчаллигини, давлат идоралари ва ҳуқуқ органлари зўравонлигини анча чеклайди. Инсон ҳуқуқларини (корхона ва ташкилотлар ҳуқуқларини ҳам) юзага чиқаришда,

фуқаро ва давлат муносабатларини тартибга солишда ўзаро тийиб туриш механизми вужудга келиши учун шароит яратади.

Ахлоқий, ҳуқуқий, сиёсий онг ягона маънавият тизимида бошқаларга таъсир кўрсатиш баробарида ўзлари ҳам илм-фанга, фалсафага таяниши зарур. Илм-фанга, илмий тадқиқотлар ва хулосаларга таянмаган ахлоқда авторитар меъёрлар, анахроник (ўз умрини яшаб бўлган) қарашлар, урф-одатлар сақланиб қолади. Ҳуқуқ эса ғаразли субъектив талқин қилинадиган, ҳамма учун бирдайлигини йўқотган, адолатсизлик унсурлари кўп, эклектик ҳуқуққа айланади. У тоталитар давлатга, авторитар бошқарувга ёки, аксинча, охлократик бошбошдоқликка, анархияга йўл очади. Сиёсатнинг илм-фанга асосланиши ҳам жуда муҳим. Акс ҳолда у диктатура, волонтаризм, ёки аниқ стратегияга эга бўлмаган таваккалчилик томон оғиб кетиши мумкин. Уч ҳолда ҳам маънавият зарар кўради. Ойдинлашмоқдаки, яхлит маънавият тизимида ижтимоий онг шаклларининг бир-бирига таъсири, бир-бирини бойитиши, меъёрлари ва кадриятларини ўзаро мувофиқлаштириши катта аҳамият касб этади.

Ўтмиш ахлоқий ва ҳуқуқий онгида асрлар мобайнида мансабдор шахси унинг лавозимидан ажратилмаган. Лавозим объективлашмаган. Мансабдор қарори – унинг хоҳиш-истагининг бир бўлаги ҳисобланган. Мансабдор гўёки хоҳласа сенга ёрдам беради, масалангни ҳал қилади, хоҳламаса – йўқ. Ушбу ҳодиса фанда мансабни персонификациялаш деб аталади. Натижада, кўпчилик одамлар мансабдорнинг кўнглини топишга, унга пора беришга ва ялиниб-ёлворишга ўрганиб қолган. Аслида бундай муносабат на ахлоққа, на ҳуқуққа тўғри келади. Шарқдан фарқли, Ғарбда мансабни персонификациялаш индустриал жамиятда аста-секин барҳам топа бошлади. Аммо унинг трансформацияга учраган даҳшатли кўриниши ҳам Шарқда эмас, дастлаб Ғарб тоталитар давлатларида Гитлер, Сталин, Муссолини, Франко, Салазар ва шу каби доҳийлар шахсига сиғиниш сифатида воқе бўлди. Доҳийлар ҳукмронлик қилган давлатларда ижтимоий кўркув ва репрессиялар маънавиятни фалаж қилиб қўйди. Демократик Ғарб мамлакатларида мансаб аллақачон де-

персонификациялашиб, амалдор шахсидан ажратилган. Биз халқни мансабдорларга, юқори раҳбарларга нисбатан ҳурматини сақлаб қолган ҳолда, ўзини бечора, ғариб сезиш туйғусидан халос этишимиз лозим. Бу жараён Ўзбекистонда асосан мустақиллик йиллари бошланди. Аммо ҳали қилишимиз лозим бўлган ишлар кўп.

Мустақил давлатимиз биринчи Президенти Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китобида келтирилган иллатлар тўлиқ йўқолган эмас. Миллатчилик, буюк давлатчилик шовинизми, шўроларнинг социалистик байналмилалчилик, ягона совет халқи ниқобида олиб борган бирёклама сиёсати оқибатида аҳолининг айрим гуруҳларида вужудга келган миллий номукамаллик, миллий нигилизм ва космополитизм каби туйғулар, эскидан қолиб кетган айирмачилик, маҳаллийчилик, уруғ-аймоқчилик, гуруҳбозлик унсурлари, янгидан пайдо бўлган таҳдидлар, диний ва сиёсий экстремизм аҳолининг баъзи қатламлари онгига, маънавиятимиз ва жамиятимиз ривожига салбий таъсир қилмоқда.

Нега ғоявий кураш, мафкуравий таҳдидлар ва ахборот хуружи, одамлар онги билан манипуляция қилиш мавжуд ва йилдан-йил кучаймоқда? Нега одамларнинг сиёсий, ҳуқуқий, диний онгини, маънавиятини ўзига буйсундиришга, ўз измига солишга уринаётган доиралар сони камаймаётир? Чунки бунда манфаатдорлик бор. Агар инсоннинг воқеликка, ҳаётга, содир бўлаётган воқеаларга, ўз келажагига муносабати, қадриятлар тизими ва мўлжали ижтимоий онг шакллари ривожига, мазмунига боғлиқ бўлмаганда, ғоявий курашларга, ахборот хуружларига ва бошқа маънавий-мафкуравий таҳдидларга ўрин қолмас эди. Ғарбнинг манфаатдор доиралари геосиёсий ҳукмронликка интилмоқда, неокOLONиализм ва неоимпериализмнинг янгича кўринишини қарор топтирмоқчи. Ривожланаётган мамлакатлардаги шундай доиралар ўз мамлакатларида ҳокимиятни ва табиий бойликларни қўлга олмоқчи. Ушбу мақсадда улар одамларнинг неокOLONиализм ва неоимпериализмга, ижтимоий адолатсизликка қарши туйғуларидан фойдаланишга ҳаракат

қилиб, экстремистик кайфиятни озиклантирмоқда, сиёсий барқарорликни, тинчликни бузмоқда.

Ички низолар, уруш оловида қолган, очарчиликдан кийналаётган аҳоли орасида оммавий муҳожирлик авж олмоқда. Булар ижтимоий онгни, маънавиятни деформацияга учратмоқда. Энг фундаментал қадрият – инсон ҳаёти ва кадр-қиммати тобора пасаймоқда. Ғарбда илғор зиёлилар томонидан анча тарғиб этилган, катта умидлар боғланган мультикультурализм ғояси ва сиёсати кутилган натижаларга олиб келмади. Аксинча, муҳожирлар кўпайиб кетган давлатларда маънавий муҳит ёмонлашиб, шовинизм ва неофашизм, ўнг радикал кучлар фаоллашуви кузатилмоқда. Муҳожирларнинг салмоқли қисми янги «ватанларидаги» урф-одатларни, қоидаларни, ахлоқий, ҳуқуқий, сиёсий меъёрларни қабул қилмасдан, туб халқдан маҳдудлашмоқда. Бу маҳаллий аҳоли ва муҳожирлар ўртасида турли хил низоларни келтириб чиқармоқда. Муаммоли минтақалар жабрдийдалари орасида эса маҳаллий миллатчилик, барча салбий ҳодисаларда Ғарбни айблаш, айримларида ўч олиш кайфияти ўсмоқда.

Маънавий таҳдидларга, ахборот хуружи ва ғоявий курашга дош бериш, оммавий маданиятнинг «китч» қисмининг салбий таъсиридан ҳимояланиш мафкуравий иммунитетни, сиёсий ва диний бағрикенгликни тарбиялашни тақозо этади. Мазкур зарурат, биринчи галда, жамият қай йўсинда, қайси йўналишда ривожланишининг маънавиятга боғлиқлигидан келиб чиқади. Маънавиятнинг юксалиши, ўз навбатида, ижтимоий онгда қайси ғоялар, қайси қадриятлар устун бўлишига бориб тақалади. Ижтимоий онг шаклларининг барқарор ўртача даражаси жамият маънавияти ривожланишининг умумий савиясини белгилайди.

Ижтимоий онг шаклларида ҳар бири ўз хусусиятларига мувофиқ маънавиятга таъсир кўрсатади. Уларнинг ҳар бирини ўрганиш алоҳида тадқиқотларни талаб қилади. Қўлга киритилган барча ютуқларни инсон боласи таълим-тарбия воситасида вужудга келадиган ва муттасил ўсиб борадиган маънавий эҳтиёжларини қондириш орқали ўзлаштиради. Шундай қилиб, маънавий юкса-

лиш инсоннинг позитив билимлари ўсиши, жамиятда эътиқодий, илмий, сиёсий ҳурфикрлик, инсон ҳуқуқлари, тафаккур эркинлиги ривожланиши ва таълим-тарбия тизими такомиллашиши билан боғлиқ

Таъкидлаш лозимки, юқорида қисқача кўриб чиқилган маънавий юксалишининг уччала қонуни бир жараённинг турли томонларини очиб беради. Улар бир-биридан ажралган ҳолда мавжуд эмас ва алоҳида фаолият кўрсатмайди. Ҳар уччала қонун биргаликда, бир пайтда ҳаракат қилади ва намоён бўлади. Улар яхлит жараён – жамият ва инсон маънавияти ривожланишининг турли жиҳатларини, умумий механизмини (қонуниятини) ифодалайди.

11. МАЪНАВИЯТ КАТЕГОРИЯЛАРИ

Маънавиятшунослик алоҳида мустақил фан сифатида ўзининг асосий тушунчаларига, категорияларига, тамойилларига, қонунлари ва мезонларига эга. Улар орасида бошқа турдош фанлардан кириб келганлари бор. Масалан, фалсафадан, этика, эстетика, юриспруденция, диншунослик ва бошқа фанлардан олинган онг, тафаккур, борлик, қадрият, ахлоқ, нафосат, имон, ҳақиқат, адолат, тенгҳуқуқлилиқ ва ш.к. тушунчаларсиз маънавиятшуносликни фан сифатида тизимлаштириб бўлмайди. Айниқса, фалсафа фани тушунчалари, категориялари, усуллари, билиш назарияси маънавиятшунослик шаклланиши учун зарурий илмий асос ва қурилмадир. Зеро, маънавиятшунослик фани этика, эстетика, культурология, диншунослик, социология, сиёсатшунослик, мантик илмлари сингари фалсафий фанлар тизимига мансубдир. Шу сабабдан у, биринчи галда, бошқа фалсафий фанларнинг тушунчаларидан, категорияларидан фойдаланади, улар ёрдамида ўз илмий апаратини шакллантиради. Лекин бошқа фанлардан қабул қилинган тушунчаларни ўз предметидан келиб чиқиб талқин қилади. Айни пайтда унинг фақат ўзига хос бўлган асосий тушунчалари ва категориялари бор.

Маънавиятшунослик фани биринчи галда «маънавият», «маънавий онг», «маънавий маданият», «маънавий муҳит», «маънавий қадриятлар», «маънавий эҳтиёжлар», «шахс маънавияти», «жамият маънавияти», «маънавий

юксалиш», «маънавий эркинлик», «тафаккур эркинлиги», «миллий ғоя», «толерантлик», «бағрикенглик». «Ўзликни англаш», «маънавий асослар» ва уларнинг муқобил кўринишларини ифодаловчи «маънавийтсизлик» ва ҳ.к. тушунчалардан фойдаланади. Аввалги мавзуларда маънавийт, маънавий онг, маънавий маданият, эътиқод, ирода, маънавий муҳит каби категориялар ва тушунчалар тўғрисида анча мулоҳазалар юритилди. Уларнинг мазмун-моҳияти ва воқелик шаклларини очиб беришга ҳаракат қилинди. Маънавийтнинг таркибий қисмларини ташкил этувчи фалсафа, дин, ахлоқ, нафосат, ҳуқуқ, сиёсат билан боғлиқ тегишли фанлар категориялари устида эса маҳсус тўхталиб ўтирмаймиз. Фақат аввал айтилмаган баъзи категориялар ва тушунчалар ҳақида умумий фикрларни билдириб ўтамыз. Уларнинг мазмуни эса бошқа мавзуларни ўрганиш жараёнида тўлароқ очилади.

Маънавийтнинг асосий категорияларидан бири – ўзликни англашдир. Унинг бошқача синоними идентлик (айният) дейилади. Ўзликни англаш – инсоннинг хос, моҳиятли белгиси. Шахс ўзининг индивидуал идентлигини, ижтимоий – гуруҳий, корпоратив, табақавий – синфий ва миллий идентлигини турли даражада англаши мумкин: қисман, нисбатан тўлароқ, зиддиятли, иккиланишлар билан, ўз имкониятларига ишонмасдан ёки ўз имкониятларини ортиқча баҳолаб (худбинлик, манманлик) ва ниҳоят, адекват (ўз салоҳияти ва қобилиятига мос). Шундай қилиб, ўзликни, ўз идентлигини англаш, турли даражада ва мазмунан ҳар хил кечади. «Идентлик», ўзликни англашни ифодалайдиган тушунча ўлароқ, фанда кенг қўлланилади.

Идентлик, аввало, инсоннинг оламдаги ўз ўрнини, табиатдаги энг улуғ ва ягона ақли, яратувчи жонзот эканини билишдир. Инсон нега дунёга келди, унинг яшашдан мақсад-муддаоси нимада, ҳаётининг маъниси не? Ўзликни англаш ушбу саволларга жавоб излаш ва топишдир. Инсон ўзлигини англаши жараёнида табиатдан, ҳайвонот оламидан ажралиб чиқди, маънавий мавжудотга айлана бошлади. Ўзликни англаш янги билимларга, юқори кўринишларда эса ҳақиқатга, олий идеалга интилишдир. Шу сабабдан динда «ўзини англаган Раббини (Оллоҳни) ҳам англайди», деган тасдиқ мавжуд.

Табиатнинг инсондан ташқари бирор жонзоди ўзлигини англай олмайди, чунки унинг онги, шуури йўқ. Ўзини табиатдан ажрата олмайди, ўз олдига режа – мақсад қўйиб, ўз борлигини, яшаш шароитини такомиллаштиролмайди. У фақат мавжуд экотизимда муайян поғонани эгаллайди, унинг муҳим зарурий бўғинини ташкил қилади, холос. Ҳайвонотнинг мавжуд экотизимдаги ўрни, вазифалари, ҳаёти табиат томонидан аввалдан белгиланган. Инсон эса ақли ва меҳнати орқали ўз табиий яшаш шарт-шароитини ҳам, ижтимоий муҳитини ҳам ўзгартириш қобилиятига эга. Бунинг учун у, аввало, ўз олдига мақсад қўяди, унга етишиш учун билимини ва меҳнат қўникмасини ўстиради. Ишлаб чиқариш қуроллари яратади, уларни такомиллаштиради, табиат жисмларининг хоссаларини ўрганади ва янги-янги маҳсулотлар етиштириб, муҳитини, яшаш шароитини яхшилайтиди. Онги, билимлари ўсгани сайин олдига қўйган мақсадлари ҳам ўса бошлайди, юксалади. *Демак, ўзликни англаш янги билимларга, янги меҳнат қўникмаларига ёки умумий қилиб айтилса, яратувчиликка интилиш ва иродасини намоён этиб, уни кучайтиришидир.*

Онтологик жиҳатдан мақсад ва интилиш йўқ жойда ўзлигини англаш, бинобарин, маънавият ҳам йўқ. Инсон кундалик ҳаётий мақсадларига эришиб, нисбатан тўқ ва хавфсиз ҳаётини таъминлаб, билими ва яратувчилигини ривожлантириш жараёнида юксак ҳақиқат ҳақида ўйлай бошлайди, уни ҳаётининг олий мақсадига – идеалига айлантиради. Дастлаб бу юксак ҳақиқатни табиатдан устун турувчи ғайритабиий кучларда, руҳларда ва ҳ.к. да кўради. Уларга этиқод қилади. Эътиқод ўзликни англашнинг муҳим шаклларида биридир.

Инсон ижтимоий мавжудот ўлароқ ўзлигини англашда, биринчи галда, ўзини маълум тарихий, этник, лисоний, маданий, эътиқодий, сиёсий бирликнинг аъзоси сифатида англайтиди. Ўзини улар билан келиб чиқишига кўра умумий бир, тўла ўхшаш, мос – идент, деб ҳисоблайди. Ривожланмаган жамиятларда бу борада катта ва мураккаб муаммолар деярли учрамайди. Уруғ-жамоада, қабилада қон-қардошлик асосидаги этник, лисоний, маданий-эътиқодий бирлик ўзаро мос келади. Улар ўз идентлигини

(айниятини) аввало қуйидаги омиллар – этник (генетик), тил, умумий асотирлар, урф-одатлар, умумий сиғиниш предметлари ва маросимлари асосида аниқлайдилар..

Бироқ дунё динлари пайдо бўлганидан кейин масала бироз қийинлашди. Чунки этник онг (қон-қардошлик айн timer) ва диний онг ўртасида фарқ вужудга келди: «Биз туркийлар мусулмонмиз, улар эса мусулмон бўлса-да, эронийлардир ёки араблардир» қабилида. Эътиқодий мазҳаблар пайдо бўлиши диний айн timerни ҳам чигаллаштирди. «Улар шиа, биз сунниймиз», деган ўзликни англашнинг диний шакллари пайдо бўлди. Бир халқ турли тарихий сабабларга кўра, икки, ҳатто уч динга эътиқод қилиб қолган. Масалан, бенгалларнинг бир қисми мусулмон (Бангладеш), иккинчи қисми ҳиндуизмга эътиқод қилади (Ғарбий Бенгалия). Албатта, турли диний эътиқод уларнинг менталитетига, маданиятига, урф-одатларига, ўзаро алоқаларига, миллий идентлигига зиддиятли таъсир кўрсатади.

Замонавий жамиятда миллий идентлик масаласи анча ўзгарди. Энди диний, ҳатто этник идентлик баъзи ҳолларда бирламчи, асосий белгилардан ҳисобланмайди. Масалан, турли халқларнинг ўзаро алоқалари ривожланиши, йирик шаҳарларда, ривожланган мамлакатларда аҳоли таркибининг этник хилма-хиллик касб этиши, аралаш никоҳлар, улар фарзандларининг этник мансублиги масаласи, одамларнинг эркин ҳаракатланиши ва яшаши ва ш.к. лар кенг тарқалган бизнинг замонда идентлик кўпроқ қайси тилдан ва маданиятдан фойдаланишга қараб ёки фуқаронинг ўз истагига кўра ёхуд қайси давлат фуқаросилигига қараб белгиланмоқда. Ўзини россияликман ёки америкаликман дейдиган, рус ёзувчисиман ёки америкалик режиссёрман дейдиган, аммо этник жиҳатдан немис, лотин, америкалик, украин, белорус, яҳудий, армани, чуваш, мардвин ёки бошқа халққа мансуб кишилар кўп. Бундай кишилар ҳар доим, барча замонларда бўлган. АҚШ, Канада, Бразилия, умуман Лотин Америкаси, Европа мамлакатларида миллий идентлик фуқаролик билан бир хил тушунилади.

Форс-тожик адабиётининг буюк намояндалари орасида этник туркийлар салмоқли ўрин эгаллайди: Низомий Ганжавий, Амир Хусрав Деҳлавий, Бедил, Мирзо Ғолиб

ва бошқалар. Атоқли шоир Ўлжас Сулаймоновни қозоқ шоири дейиш керакми ё рус шоири? Тилига кўра (рус тилида ижод қилади), у рус шеърляти вакили, аммо миллий ўзлигини англашига, миллий идентлик туйғусига, адабиёт учун яна бир муҳим омил – образлар тизимига кўра, асл қозоқ миллий шоиридир. Ойдинлашмоқдаки, миллий идентлик масаласи бугунги кунда анча мураккаб, аммо ривожланган Ғарб мамлакатларида долзарблигини йўқотган масаладир. Миллий идентлик этник идентликдан кенгроқ тушунча. Миллий идентлик, аввало, ўзини қайси халқнинг вакили дея ҳисоблаши, қайси халқ билан унинг тақдири бирлигини, ажралмаслигини ҳис қилишидадир.

Тарихан турли сабаблар билан бизнинг тупроққа келиб қолган, гуж яшайдиган араблар бор. Улар ўзбек жамиятига тўла интеграциялашган. Орасидан олимлар, ёзувчи-шоирлар, санъаткорлар, давлат арбоблари етишиб чиққан. Уларнинг этник араблиги онгида қисман сақланиб қолган. Лекин тил, маданият, урф-одатлар ва бошқа ижтимоий қадриятлар, сиёсий ва фуқаролик онги бўйича улар ўзбеклар билан идент. Улардан бирортаси «Мен араб шоириман, араб олимиман ёки араб давлати арбобиман» демайди. Ушбу маънода улар миллий идентлик жиҳатидан ўзбек, аммо онгида этник идентлик масаласида фарқ қисман мавжуд.

Идентликнинг, миллийликдан ташқари, ижтимоий-гуруҳий шакллари бор. Улар ўтмишда асосан касбий-корпоратив кўринишларда намоён бўлган. Бугун оммавий маданият таъсирида қизиқишлари, футбол командалари, эстрада юлдузларига ишқибозлиги, бирор буюмни истеъмол қилишига қараб идентликнинг субмаданий шакллари вужудга келмоқда. Масалан, байкерлар (мотоциклчилар) уюшмаси, футбол командаларининг фанатлар клуби ва ҳоказо.

Ўзликни англаш, албатта, миллатнинг тарихий хотираси, насл-насаби, аждодларининг буюк ишларини, ютуқларини билишни, улар билан фахрланишни, миллий ғурурни ҳам ўз ичига олади. Аммо ўзликни англаш нафақат ўтмиш ютуқларини, шунингдек, йўқотишларини, мағлубиятларини, уларнинг сабабларини ҳам билишни,

тарихдан хулосалар чиқариб, келгусида уларни такрор-ламасликка интилишни ҳам билдиради. Бундан ташқари, ўзликни англаш миллатнинг бугунги аҳволини, имкони-ятларини, шу жумладан, камчиликларини тўғри таҳлил қила олишни, олдига юксак, аммо реал мақсадлар қўя олишни, уларга эришиш учун миллий иродани сафарбар эта олишни билдиради. Миллий идентлик – бу миллий манфаатларни тўғри англашдир, бу миллий жипслик, ахилликдир, маҳаллийчилик, гуруҳий-корпоратив худбин-ликдан устун тура олишдир. Ўзликни англаш келажак ре-жалари, миллат истиқболи ҳақида қайғуришдир. Индиви-дуал даражада ўзликни англаш, ўз шахсий манфаатларини оила, жамоа, давлат ва бутун жамият манфаатлари билан уйғунлаштиришга интилишдир. Шундай қилиб, ўзликни англаш инсонни ҳайвонот олаmidан ажратувчи, ўз олдига мақсад қўйиб, баъзан улуғвор мақсад қўйиб, яратувчилик ва ижод билан шуғулланувчи, ақл-заковати, иродасини мақсадга эришишга сафарбар эта олувчи, ўз ижтимоий муҳитини муттасил такомиллаштирувчи мавжудотлиги-ни ифодаловчи муҳим маънавий категориядир.

Маънавият категориялари орасида «толерантлик» (багрикенглик) алоҳида ажралиб туради. Толерантлик маънавиятнинг бус-бутунлик, яхлит тизим сифатида-ги категориясидир, чунки унинг барча қисмларига таал-луқли. Ахлоқда ҳар бир киши ахлоқий толерантликка муҳтож одамлар унинг самимийлигини, беғаразлигини, ҳалоллигини, нияти ва билдирган фикрлари тўғрилигини тушунишларини истайди. Ортиқча шубҳакорлик, ишон-маслик одамларни бир-биридан совутади, узоқлаштиради. Одамлар сиёсатда, сиёсий қарашларда эса сиёсий толеран-тликка, сиёсий плюрализмга, кўппартиявийликка эҳтиёж сезади. Хулоса қиладиган бўлсак, толерантлик одам-ларни жипслаштиради, ўзаро ишончини мустаҳкамлаб, маънавий муҳитни яхшилади. Бу эса жамият ривожла-нишига ижобий таъсир кўрсатади. Толерантлик инсон ҳуқуқларини юзага чиқаришнинг муҳим шартларидан биридир. Акс ҳолда одамларни жинсига, тилига, милла-тига, динига, ижтимоий келиб чиқиши ва аҳволига қараб бир-биридан ажратиш, кимларнидир камситиш, чеклаш, ҳўрлаш каби иллатлар яшаб қолаверади.

Жамият демократик ва эркин ривожланиши, одамлар ўз фикрларини эркин билдиришлари ва муаммоларнинг тўғри ечимини топиш мақсадида баҳс юритишлари, муқобил таклифларни, дастурларни муҳокама этиб, яхшиларини танлаб олишлари учун сиёсий плюрализм ва сиёсий бағрикенглик ниҳоятда муҳим. Кўпмиллатли мамлакатлар учун ўзга тилларга, урф-одатларга, маданиятга, эътиқодга бағрикенг бўлиш катта аҳамият касб этади. Толерантлик туфайли кўпмиллатли мамлакатларда этник идентлик умуммиллий идентлик таркибидаги поғонага айланади, унга қарши турмайди. Акс ҳолда этник идентлик халқнинг ўзини ягона миллат дея ҳис қилишига имкон бермайди.

Адабиёт ва санъатда ҳатто бир мамлакатнинг умумий миллий адабиёти ва санъати доирасида ҳам турли ижодий усуллар, бадиий услублар, бадиий ғоялар ва воситалар бойиши, ривожланиши, ранг-баранглик ва самарадорлик касб этиши учун ғоявий-эстетик бағрикенглик зарур. Агар у инкор этилса, изланишлар тўхтайдди, андозабозлик, схематизм (социалистик реализм каби) ёки анъанавийлик, эски ютуқларни идеаллаштириш, янгиликларни қабул қилмаслик, жонли ҳаётдан узилиб қолиш, бадиий-услубий консерватизм ва турғунлик қарор топади. Толерантлик – ижодий ривожланиш омилдир.

Ҳар хил динга эътиқод қилувчи, кўпмиллатли мамлакатларда ижтимоий-сиёсий барқарорликни, умуммиллий жипсликни сақлаш, жамиятни ривожлантириш учун миллий, сиёсий, диний ва маданий толерантлик керак. Уларсиз ички барқарор таракқиёт у ёқда турсин, тинчлик-осойишталик ҳам бўлмайди. Ўзаро низолар кучаяди, оқибатда, мамлакат парчаланиб кетиши мумкин. Илм-фанда ҳам толерантлик катта аҳамият касб этади. У етишмаган жойда турли илмий мактаблар ўртасида носоғлом кураш авж олади ёки мавжуд тан олинган ғоялардан фарқ қиладиган янги илмий ғояларни, тадқиқот усулларини олға сурган бошқа олимлар, айниқса, ёшлар тан олинмайди, уларнинг ғоялари, усуллари йўлида турли сунъий тўсиқлар пайдо бўлади. Бу адабиёт ва санъатга ҳам тааллуқли.

Ўтмишдан ва замонавий тарихдан толерантлик етишмаслиги қандай муаммоларга, айрим ҳолларда фожеаларга олиб келганига, жамият ривожланишини салбий ўзанга буриб юборганига кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Инквизиция Жордано Брунони (олим), Ян Гусни (диний олим-ислоҳотчи) гулханда ёндириб юборди. Мансур Ҳаллож, Сухравардий, Насимий, Машраб қатл этилди. XVI–XVII асрларда ислом мамлакатларида мистикага асосланган диний фанатизм янада кучайди. Оқибатда, нафақат дунёвий илм-фан, шунингдек, диний илм-фан ҳам аста-секин чуқур инкирозга учради. Ҳар қандай фанатизм – мутаассиблик муайян бир ғояга, бир мафкурага кўр-кўрона ёпишиб олиш, бошқа фикрларни, қарашларни қатъий рад этиш, яъни толерантликнинг йўқлигидир. Толерантлик йўқ ёки етишмайдиган жойда янги илғор ғоя туғилмайди, туғилса-да, яшаб қололмайди, инкор этилади. Натижада, на илм-фан, на адабиёт ва санъат, на дин, на урф-одатлар, на турмуш маданияти ривожланади. Жамият турғунликка маҳкум бўлади. Толерантлик инсон ва жамият тараққиётининг муҳим маънавий шарти эканлиги шундан.

Замонавий экстремистик оқимларнинг барча кўринишлари асосида, динийми, сиёсийми – қатъи назар, аввало, толерантлик етишмаслиги турибди. Амалиётда бу фожеаларга олиб келмоқда: халқаро терроризмни, диний ва сиёсий тўқнашувларни, регионал ва фуқаролар урушларини, неофашистик ва шовинистик ҳаракатларни келтириб чиқармоқда. Шу сабабдан толерантликка конкрет-тарихий ёндашмоқ лозим. Бузғунчи ғоялар тарғиботига, диний экстремизм, халқаро терроризм, неофашизм, ирқчилик, шовинизм ғояларига нисбатан толерантлик қилиб бўлмайди.

Толерантлик қадриятлар шаклланиши, ривожланиши ва тарқалишининг зарурий шартидир. Ҳар қандай ғоя, фикр, меъёр дастлаб кимнингдир онгида пайдо бўлади. Бу ғоя, фикрни (қоида, тартиб ва х.к.ни) ким биландир ўртоқлашади. Муҳокама қилади. Унинг фикрини эшитиб, ғоясини, таклифини миясида яна пиштади. Бошқалар билан ўртоқлашади. Одамларга маъқул келгандан кейин ғоя, фикр, қоида, тартиб аста-секин ҳаётга татбиқ эти-

лади, кадриятга айланади. Агар ғояни муҳокама қилган кишининг биринчи ва кейинги суҳбатдошларида толерантлик бўлмаганда, ғоя ривожланмай, тарқалмай қолиб кетарди. Ғояни сайқаллаш, чуқурлаштириш, ривожлантириш бир кишининг эмас, бир неча кишининг, турли гуруҳларнинг, тарихан ҳар хил авлодларнинг ижодий изланишлари, мулоҳазалари оқибати бўлиши мумкин. Қадрият даражасига кўтарилган барча ғоялар, меъёрлар аслида ҳам шундай ривожланади. Қадрият даражасига кўтарилиши учун бир неча авлод ҳаётий тажрибасидан, вақт синовидан ўтади, улар таъсирида такомиллашади. Ойдинлашмоқдаки, толерантлик қадриятлар тизими, умуман, маънавият шаклланиши ва ривожланишининг зарурий шарти ва омилидир.

Толерантлик ижтимоий онгнинг ҳар бир соҳасида ўзига хос хусусиятларини намоён қилади. Масалан, сиёсий толерантлик ва ҳуқуқий толерантлик бир-биридан фарқ қилади. Сиёсий толерантлик мафкуравий плюрализм ва кўппартиявийликка асосланиб, турли талқинларни назарда тутса, ҳуқуқий плюрализм бир ҳолатнинг муқобил ҳуқуқий талқинларини инкор қилади. Қонун ҳамма томонидан бир хил тушунилиши ва талқин қилиниши лозим. Ҳуқуқий бағрикенглик қонунлар либераллашиб, тарбиявий аҳамиятининг ошиб боришида барчанинг қонуний манфаатлари бирдай ҳимоя қилинишида, ноқонуний имтиёзларга йўл қўйилмаслигида намоён бўлади.

Толерантлик, юқорида таъкидланганидек, маънавият ривожланишининг асосий шартларидан биридир. Чунки у ижтимоий барқарорликни таъминлаши қаторида, одамларнинг, турли партияларнинг, динларнинг, маданиятларнинг бир-бирига қизиқишини уйғотади. Натижада, уларнинг бир-биридан ўрганишлари, ўзаро бойишлари, ривожланиши тезлашиши учун имконият кўпаяди. Толерантлик миллатларнинг, миллий маданиятларнинг ўзаро алоқа қилиши, бир-биридан ўрганиб, ўзаро бойишининг биринчи шартидир. Ўзга миллатга, тилга, динга тоқат қилолмайдиган киши (халқ) бошқа халқ вакиллари билан алоқа қилмасликка, миллий маҳдудликка интилади. Бошқалар ютуқларини, бегона халқники бўлгани учунгина, инкор қилади. Уларнинг аҳамиятини, фойдалилигини

тахлил қилиб ўтирмайди. Толерантлик руҳида тарбияланган киши (халқ) эса ҳатто душмани эришган ютуқларни ёки арзийдиган ғояларни ўрганади. Шундай қилиб, толерантлик юксак маънавиятни ифодаловчи мезон сифатида ҳам намоён бўлади. Толерант инсон мулоқот доирасини кенгайтиришга, билимларини муттасил бойитишга, янгиликларга интилишга мойилдир. У гуруҳбозлик, маҳаллийчилик, маҳдудлик, уруғ-аймоқчилик, миллатчилик, ирқчиликдан устун тура олади. Толерантлик туфайли инсонда эзгулик, гуманизм, виждонлилик, саховат, меҳроқибат, ўзгаларга ҳамдардлик фазилатлари ривожланади. Толерантлик конкрет-тарихий маънавий ҳодисадир. У ёвузликни, зулмни, зўравонликни инкор қилади.

Маданиятда маънавият предметлашади, юзага чиқади, амалга ошади. Маънавий маданиятга биз одоб-ахлоқни, урф-одатлар ва анъаналарни, илм-фанни, адабиёт ва санъатни, диний маданиятни, сиёсий ва ҳуқуқий маданият кабиларни киритамиз. Шу сабабдан, юқорида таъкидланганидек, философия, ахлоқшунослик, этнология, нафосат, диншунослик, руҳият, педагогика, фаншунослик каби илмларнинг асосий тушунчалари, категориялари, қонунларидан ҳам маънавиятшунослик фани ўз илмий аппаратини шакллантиради. Масалан, эзгулик ва ёвузлик, инсонпарварлик ва ватанпарварлик, виждон ва бурч, улуғворлик ва тубанлик, гўзаллик ва хунуқлик, адолат категориялари, инсонни восита эмас, мақсад деб билиш, ўзингга раво кўрмагани ўзгаларга ҳам раво кўрмаслик каби ахлоқий қонунлар, жамиятни демократлаштириш, эркинлаштириш каби меъёрлар ва тамойилларсиз маънавиятшунослик фани илмий аппаратини тасаввур этиш қийин. Ёки ирода тушунчасини олайлик. У, илмий анъаналарга кўра, ахлоқшунослик (этика) ва психология фанлари доирасида ўрганилган. Айни пайтда ирода маънавиятнинг воқе бўлиш, юзага чиқиш омили. У инсоннинг эркин танлаши, масъулияти, руҳий-интеллектуал (маънавий) сафарбарлик имконияти сифатида маънавиятшунослик категориясига ҳам айланади.

Маънавиятнинг муҳим категорияларидан бири қадрият тушунчасидир. Аслида «қадрият» фалсафанинг алоҳида соҳаси – аксиологиянинг фундаментал, тизим

яратувчи категориясидир. Айни пайтда аксиология нафақат фалсафанинг нисбатан алоҳида соҳаси, шунингдек, илмий ёндашув усули ва яна маънавий онгнинг предметлашган шакли, воқелиги ҳамдир. Шу сабабдан у маънавийят билан узвий боғлиқ, қадрият эса бир вақтнинг ўзида маънавийят категориясидир. Қадриятлар конкрет-тарихий характерга эга. Улар қотиб қолган, ўзгармас тушунчалар эмас, миллат билан бирга ривожланади, ўзгаради, мазмунан бойийди, шаклан хилма-хиллик касб этади. Баъзи ғоялар, меъёрлар ўз даврида халқ ҳаётида сезиларли аҳамият касб этиб, унинг ижтимоий мўлжалларига кучли таъсир кўрсатса-да, кейинчалик уларнинг аҳамияти бироз пасайиши, ҳатто бутунлай йўқолиши мумкин. Шунда улар қадрият мақомидан маҳрум бўлади. Масалан, ўтмишда ўртаоСИёликларда (нафақат уларда) келин учун қалин тўлаш урфи бўлган. Қалин аслида қабила-уруғчилик даврида қизни боқиб ўстириб, вояга етказиш учун кетган харажатлар учун қизнинг оиласига, уруғ-жамоасига ўзига хос товон (компенсация) сифатида берилган. Бугун бу одат тарихан ўз умрини ўтаб бўлган, истеъмолдан чиққан урфлар қаторидан жой олди. Биз жамият маънавий ҳаётининг барча соҳаларига – ахлоққа, ҳуқуққа, маданиятга ва ҳ.к.га оид ўтмишда қадрият ҳисобланган, бугун истеъмолдан чиқиб кетган ёки мазмуни тубдан ўзгарган кўплаб меъёрларни мисол сифатида келтиришимиз мумкин. Лекин ҳақиқий асл қадриятлар ҳеч қачон аҳамиятини йўқотмайди, аждодлардан авлодларга ўтиб келаверади. Авлодлар ўртасидаги маънавий боғланиш, давомийлик, ворисийлик улар орқали таъминланади.

Қадриятлар, юқоридагилардан оидин бўлмоқдаки, жамият ҳаётининг соҳалари ва ижтимоий онгнинг шаклларига мувофиқ таснифланиши мумкин. Уларни, энг аввало, моддий ва маънавий қадриятларга бўлиш лозим. Моддий қадриятлар бу муайян халқнинг яшаётган ҳудуди, ерости ва ерусти бойликлари – табиати, она тупроғи, далалари, экинзорлари, боғлари, чўллари, ўрмонлари, тоғлари, дарёлари, жилғалари, булоқлари, ҳар хил конлари, қазилма бойликлари, табиий заҳиралари. Моддий қадриятларга табиатдан ташқари жамият, инсоннинг ўзи яратган, унинг яшаши учун ўта зарур бўлган уйлар, йўл-

лар, боғлар, қишлоқ ва шаҳарлар, завод ва фабрикалар, меҳнат куроллари, асбоб-ускуналар, дастгоҳлар, машина ва механизмлар, истеъмол учун яратилган моддий буюмлар, озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат моллари киради. Лекин илм-фанда ҳар қандай буюм қадрият ҳисобланмаслиги, моддий-иқтисодий қадриятларни ишлаб чиқарилган ҳар қандай маҳсулот даражасига тушириши мумкин эмаслиги тўғрисида қарашлар қарор топган. Моддий-иқтисодий қадриятлар инсоннинг кундалик эҳтиёжларини қондиришга мўлжалланган оддий маҳсулотлар эмас, балки унинг ижтимоийлашув даражасини ўстирадиган, ақлзаковати, технологик билимлари, саломатлиги, эркинлиги юксалишини тақозо этадиган, турли табиий-иқтисодий қарамлигини камайтирувчи воситалар, ихтиролар, қурилмалар ва ҳ.к.дан ташкил топади. Масалан, алоҳида олинган ҳар қандай банк жамият учун моддий-иқтисодий қадрият ҳисобланмаслиги мумкин, аммо банк тизими ва у кўрсатадиган хизматлар тизими замонавий иқтисодий ва ижтимоий ҳаёт учун ўта муҳимдир. Шу сабабдан банк тизими моддий-иқтисодий қадрият ҳисобланади. Биз бу масалага китобнинг методология қисмида яна қайтамыз. Маънавий қадриятлар – бу миллатнинг тили, урф-одатлари, маданий мероси, оғзаки ижоди, адабиёти, санъати, илм-фани, халқ таълими, соғлиқни сақлаш тизими, давлат ва жамиятни бошқаришда эришган ютуқлари, яратган ва амал қиладиган ахлоқий, ҳуқуқий, бадиий-эстетик ва бошқа ижтимоий идеаллари, мўлжалларидир. Улар миллатнинг маънавий қиёфасини, миллий ўзига ҳослиги ва такрорламаслигини, миллий менталитети, тафаккурини белгилайди.

Асл қадриятларда миллийлик ва умуминсонийлик мужассамланади. Яна шуни қўшимча қилиш лозимки, ҳақиқий миллийлик миллатчиликдан, шовинизмдан фарқ қиладди. Ўз миллатини севган, ватанпарвар киши бошқа миллат вакили ҳам ўз юртини, она тилини, урф-одатлари, миллий адбиёти ва санъатини севишга ҳаққи борлигини зинҳор инкор этмайди. Асл миллийлик, агар у ҳақиқатан теран мазмунли ва юксак шаклларда ифода этилса, умуминсоний аҳамият касб этади, нафақат ўз халқига, шунингдек, бошқа халқларга ҳам фойдали бўлади. Бирор бир

миллий киёфага эга бўлмаган, келиб чиқишига кўра ҳеч бир халқ ҳаёти, фаолияти билан боғланмаган умуминсоний кадриятнинг ўзи йўқ. Масалан, мавҳум, ҳеч бир халққа тегишли бўлмаган умуминсоний адабиёт ёки санъат йўқ. Жаҳон адабиёти миллий адабиётлар даҳоларнинг энг сара асарларидан ташкил топади. Айнан адабиёт ва санъатда миллийлик умуминсонийликнинг мавжудлик шакли экани ёрқин кўринади. Сиёсий, демократик кадриятлар мазмунан ва шаклан бевосита миллий белгиларга эга эмас. Аммо улар ҳам аслида, келиб чиқишига кўра, қайси бир халқнинг, қайси бир олим ёки жамоат, давлат арбобининг ижоди ва фаолияти билан боғлиқ.

Ҳокимиятнинг бугунги тушунчадаги легитимлиги (қонунийлиги) ва ўз легитимлигини йўқотиши масалаларини биз Жан Жак Руссо, француз энциклопедистлари, сиёсий арбоблари асарлари ва нутқларида учратамиз. Буюк француз инқилоби ушбу масалани кун тартибига қўйиб, Бурбонлар ҳокимиятини афдариб ташлашни, қиролни ва аъёнларини судга беришни ҳуқуқий жиҳатдан асослади ва амалга оширди (тўғриси, жуда кескин ҳукм чиқариб, қатл қилди). Ҳокимиятнинг уч тармоғи – қонун чиқарувчи, ижроия ва суд ҳокимиятларини бир-биридан ажратиш ҳақидаги ғоялар буюк француз маърифатпарвари, файласуф ва адиб Ш.Монтескье томонидан XVIII аср биринчи ярмида олға сурилган, кейинчалик француз ва инглиз олимлари томонидан ривожлантирилган.

Давлат қонунлари унинг Конституциясига (асосий қонунига) зид келмаслиги, агар зид келса, уни бекор қилиш ёки унга тузатиш киритиш лозимлиги ғоясини илк бор АҚШ давлат қотиби Адамс XIX аср бошида олға суриб, президентликка сайлангач, амалга оширган эди. Кўришиб турибдики, миллий ва умуминсоний кадриятлар ғойибдан келиб қолмайди. Улар муайян халқнинг тарихий тараққиёти, фаолияти маҳсулидир. Уларнинг инсонпарварлик, эзгулик билан йўғрилганлари, тараққиётга, юксалишга хизмат қиладиганлари уни қашф этган халқ, минтақа доирасидан чиқиб бутун дунёга тарқалади, халқаро сиёсий, ҳуқуқий меъёрларга айланади. Лекин бу миллийлик ва умуминсонийлик деярли бир тушунча экан, дегани эмас. Уларнинг ўзаро алоқалари анча мураккаб ва

зиддиятли, диалектик характерга эга. Баъзан уларнинг бир-бирига айланишига – миллийлик умуминсонийликка, умуминсонийлик миллийликка айланишига гувоҳ бўламиз. Юқорида миллийликни умуминсонийликка ўтишига оид мисоллар келтирдик. Айни пайтда умуминсоний кадриятларнинг муайян халқ томонидан ўзлаштирилиши, ўз маънавий, сиёсий, иқтисодий ҳаётида қўллаши, масалан, мустақил Ўзбекистонда ҳокимият уч тармоғининг бир-биридан ажратилиши, санъат ва адабиётида роман, драма, опера, симфония, ҳайкалтарошлик, рангтасвирнинг баъзи жанрларининг қабул қилиниши ва ривожланиши, юксак технологияларнинг ишлаб чиқаришда қўлланилиши ва кўплаб бошқа мисоллар умуминсоний кадриятларнинг миллий кадриятларга айланишидир. Умуминсонийлик ва миллийлик муносабатлари ва нисбати, диалектикаси, шундай қилиб, айният, фарқ, зиддият, қарама-қаршилик кўринишларида юзага чиқиши мумкин. Роман ва опера – умуминсоний жанрлар. Лекин ўзбек романи инглиз ва француз романидан, ўзбек операси италян ва бошқа халқлар операсидан фарқ қилади. Ахлоқ-одоб қоидалари умуминсоний, аммо баъзи ахлоқ қоидалари миллий менталитет, диний эътиқод таъсирида Шарқ ва Ғарб халқларида бир-биридан анча фарқ қиладики, улар ўртасида зиддият, ҳатто қарама-қаршилик мавжуд. Ўзбеклар, тожиклар ота-онасига ёки катталарга «сиз» деб мурожаат этади. Айрим халқлар «сен» деб. Аммо бу уларнинг одобсизлигини билдирмайди.

Маънавиятшунослик фани жамиятдаги қарор топган муҳитни ва унинг тенденцияларини ўрганиш учун ижтимоий-маънавий барқарорлик, ҳайрихоҳлик, толерантлик (бағрикенглик), меҳр-оқибат, миллатлараро тотувлик, ўзаро ёрдам, миллий жипслик, ўзликни англаш, миллий идентлик ёки уларнинг муқобилларини англаувчи ижтимоий беқарорлик, мутаассиблик, маҳаллийчилик, гуруҳбозлик, миллатчилик, айирмачилик ва бошқа тушунчалардан фойдаланади. Улардан ташқари, маънавий онг ва маънавий маданиятни, иродани ўрганишдаги каби, яна ижтимоий философия, сиёсатшунослик, социология, ижтимоий психология, ҳуқуқшунослик, ҳатто иқтисодиёт назарияси фанлари тушунчаларидан фойдаланади. Зеро,

маънавий муҳитни тўла тушуниш, таҳлил қилиш учун ижтимоий адолат, демократия, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари, турмуш даражаси ва фаровонлиги, ижтимоий таъминот ва ҳимоя каби кўплаб фанлар тушунчаларига мурожаат этиш лозим.

Шундай қилиб, маънавиятшунослик фани категориялари ва асосий тушунчалари илмий билиш тизимида ўзининг алоҳида ўрнига эга бўлиши қаторида бошқа ижтимоий-гуманитар фанлар тушунчалари билан узвий боғлиқ, улар билан ягона онтологик, гносеологик, методологик ва мантикий бус-бутунликни ташкил қилади.

12. ЖАҲОН ХАЛҚЛАРИ МАЪНАВИЙ ТАРАҚҚИЁТИ РАНГ-БАРАНГЛИГИ ВА МУШТАРАКЛИГИ

Жаҳон халқлари турмуш шароити ва менталитетининг ранг-баранглиги. Ер юзида икки юз элликдан ортиқ мамлакат бор. Уларда тахминан 2,5 ярим минг миллат ва элатлар яшайди. Табиий шароити, иқлими бири-бирига яқин ва қўшни мамлакатлар қаторида бир-биридан табиий муҳити, бойликлари, иқлимига кўра мутлақо фарқ қиладиган мамлакатлар бор. Баъзи мамлакатлар деҳқончилик имкониятлари ўта чекланган тоғли ва ўрмонли ҳудудларда, баъзилари сувсиз чўлу биёбонларда, ҳатто кумлик саҳроларда жойлашган. Денгиз бўйларида ёки оролларда жойлашган, денгизга чикувчи дарёларга, сувли дала-даштларга эга мамлакатлар ҳам талайгина. Айрим халқлар музликлар қоплаган шимолда яшаса, айримлар яшилликларга бурканган иссиқ тропикларда яшайди. Табиийки, уларнинг турмуш тарзи, ўзини озик-овқат, кийим-кечак билан таъминлаш манбалари ва усуллари, шуғулланадиган ишлаб чиқариш турлари, меҳнат кўникмалари, ҳаётий тажрибаси бир-биридан сезиларли, айримларида анча кескин фарқ қилади.

Турмуш кечиришнинг объектив шарт-шароитларига мувофиқ одамларнинг тасаввурлари, билимлари, қарашлари, теварак атрофдаги нарса ва ҳодисаларга муносабати, қизиқишлари, ҳаётий йўлланмалари шаклланади. Масалан, чўл шароитида яшайдиган киши учун

дарахт, ёғоч камёб нарса, катта қийматга эга. Ўрмонда яшайдиган ёки ўрмонларга бой мамлакатда яшайдиган кишилар учун дарахт, ёғоч кенг тарқалган ва истеъмол қилинадиган кундалик маҳсулот. Туз конлари йўқ халқлар учун ўтмишда туз, сув танқис халқлар учун сув ва ш.к. ўзларида кам ёки йўқ табиий бойликлар қадри баланд бўлган. Баъзи халқлар тез-тез табиий офатларга, зилзила ёки сув тошқинларига, ўрмон ёнғинларига, эпидемияларга дуч келган. Булар ҳаммаси одамлар онгида, ишончи ва эътиқодида из қолдирган.

Халқларнинг яшаш шароити кенг маънода уларнинг урф-одатларига, ирим-сиримлари, сиғинишлари, кўркувлари, хурсандчилиги – психологиясига, ўзлигини англашига, менталитети ва дунёқарашига, қадриятлар тизимига таъсир кўрсатади. Яна шундай таъсир кўрсатадиган омиллардан бири демографик аҳвол – ҳудудлар аҳолиси сони ва зичлигидир. Аҳолиси зич ҳудудларда, масалан, шаҳарларда ҳамда ери тор, аҳолиси кўп водийларда одамлар ўртасидаги муносабатларни аниқ тартибга солиш, оқилона бошқариш, тозалик, санитария ва гигиена қоидаларига қатъий риоя этиш эҳтиёжлари аҳоли тарқоқ яшайдиган, чорвачилик ва деҳқончиликнинг айрим турлари билангина шуғулланувчи ҳудудларга нисбатан кучлироқдир. Шу боис уларнинг турмуш ва муомала маданияти ҳам юқорироқ бўлади.

Аҳоли кўп яшайдиган, табиий ресурслар танқис, иқлим шароити ноқулайроқ ҳудудларда ҳунармандчилик ва саноат ривожланишига, меҳнат қуроллари ва технологияларни такомиллаштиришга эҳтиёж катта. Оилани боқиш учун даромад ва харажатларни аниқ ҳисоблаш, ясаётган ҳунармандчилик буюми учун олинаётган хом ашё нархи, бошқа харажатлар ва бозордаги ушбу буюмларнинг нархи ўртасидаги фарқ, бу фарқнинг оилани тебратиш харажатларига етарли бўлиши лозимлиги шаҳарлик ҳунармандни оқилона фикрлашга, меҳнат унумдорлигини ошириш учун асбоб-ускуналарни, дастгоҳларини такомиллаштиришга ундаган. Натурал ва яримнатурал хўжалик юритадиган чорвадор ва деҳқон учун кундалик харажатлар, кундалик ҳисоб-китоб унчалик долзарб эмас. У бозорга бир-икки ойда бориб, рўзғорига зарур нарсалар

олиб келади. Молини ёки деҳқончилик маҳсулотини кўтарасига сотиб юбориши мумкин. Аҳоли зич шаҳарларда, водийларда табиат ва жамият талабларига мослашиш, янгиликларга интилиш потенциал тарзда юқорироқдир. Бу, оқибатда, аста-секин кундалик тафаккур тарзида рационал фикрлашнинг иррационал фикрлашдан устунроқ бўлишига олиб келади.

Халқларнинг онгига, менталитетига таъсир кўрсатувчи яна бир гуруҳ омил, бу – ҳар бир халқнинг такрорланмас ўтмиши, бошдан кечирган ижтимоий-сиёсий, тарихий ва ҳ.к кечмишларидир. Баъзи халқлар тарихи давомида кўплаб босқинларни бошдан кечирган, мустақиллик учун ҳаёт-мамот урушларини олиб борган ёки тож-тахт талашлар, ички фуқаролик урушлари ва шу каби воқеалардан кўп жабр тортган.

Кўпмиллатли, аҳолиси турли тилларда сўзловчи, турли динларга эътиқод қилувчи мамлакатлар бор. Миллатлараро муносабатлар мазмуни бундай мамлакатларда уларда яшовчи халқларнинг манфаатлари, менталитети, маданияти қай даражада бир-бирига мос ва яқин келишига боғлиқ. Ҳар бир халқнинг менталитетида миллий ва умуминсоний қадриятлар чамбарчаслашиб кетган. Фақат уларнинг нисбати, устуворликлари турлича бўлиши мумкин. Ҳеч бир халқнинг менталитети умуминсонийликдан тўла холи, мутлақо миллий бўлмайди.

Ҳалоллик, тўғрилик, чин сўзлаш, салом-алиқ, иззат-хурмат, хайрихоҳлик, кучсизларни ҳимоя қилиш, ўзаро бир-бирига оғир дамларда, муҳтожликда ёрдам бериш, саховат, меҳр-оқибатни қадрлаш ҳамда ўғирликни, зўравонликни, зулмни, ахлоқий бузуқликни ва шу каби салбий ҳодисаларни қоралаш бирламчи умуминсоний талаблардир. Бу каби бирламчи талаблар умуминсоний қадриятлар ҳисобланади. Улар ҳамма халқларга бирдек хос ва қадридир. Лекин ҳар бир халқ бу талабларни миллий шаклларда, маҳаллий яшаш шарт-шароити ва ўз ҳаётий тажрибасидан келиб чиқиб бажаради.

Миллий менталитет халқнинг туршуш шароити ва тарихий тажрибаси таъсирида шаклланган ўзига хос қарашлари, баҳолари, қадриятлари, оламни идрок этиши, туйғуларидир, жумладан, ўзлигини англаш, миллий

ғурур, жипслик туйғулар ва урф-одатларга, маданий меросга муносабати кабилар тизимидир. Бошқача айтганда, миллий менталитет, бу – миллий онгнинг ўзига хос тарздаги воқелигидир. Миллий менталитет ҳар бир предмет ва ҳодисани, ғоя ва қадриятни онг ва идрок билан боғлайди. Шу сабабдан умуминсоний қадриятлар ҳам миллий менталитетда ўша халқ психологиясига мослашган ҳолда акс этади.

Бирламчи умуминсоний талаблардан ташқари инсоният тарихий тараққиёт жараёнида англаб етган, қўллай бошлаган анча мураккаб юксак маънавий қадриятлар: ғоялар, меъёрлар, тамойиллар, идеаллар бор. Масалан, эзгулик, адолат, инсонпарварлик, инсон ҳаёти ва шахсининг дахлсизлиги, инсон ҳуқуқларининг давлат ҳуқуқидан, халқаро ҳуқуқнинг миллий ҳуқуқдан устунлик тамойили, демократия ва ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамияти ғоялари ва ш.к.лар юксак қадриятлар тизимини ташкил этади. Лекин улар ҳам миллий менталитет томонидан ўзига хос тушунилади ва маҳаллий шароитга, халқнинг тарихий тажрибасига мослаштирилади. Масалан, демократия, ҳуқуқий давлат тамойиллари ҳаётга татбиқ этилишга кўра АҚШда Буюк Британиядан, Буюк Британияда Франциядан, Францияда Германиядан фарқ қилади. Ранг-баранглик жаҳон халқлари маданияти ва менталитетини бир-биридан фарқлантирса-да, қарама-қарши қўймайди, уларни бир-биридан ўрганиб, ўзаро бойишини белгилайди. Жаҳон халқлари ижтимоий ҳаёти ва менталитети ранг-барангликлар муштараклигидир.

Маънавий-маданий тараққиётнинг зиддиятли кечиши. Инсоният тараққиёти, юксалиши узлуксиз, айтиш мумкинки, изчил кечади, лекин бир чизикли, содда эмас, балки жуда зиддиятларга бой, мураккаб бўлади. Юксалиш, гуллаб-яшнаш баъзан инқирозлар, турғунлик, ортга кетиш билан алмашиб туриши тарихдан маълум. Қадимги Миср, Бобил, Хитой, Ҳиндистонда, кейинчалик юнонларда, Карфаген ва Римда буюк юксалишлар узоқ йиллар давом этган инқироз ва қолоқлик билан алмашди. Ўрта Осиё, хусусан, бизнинг халқимиз тарихида ҳам бундай манзара бир неча бор такрорланган. Мисол сифати Темур ва теурийлар, айниқса, Улугбек, Шоҳруҳ ва Ҳусайн Бойқаро

давридаги юксалиш аста-секин кейинги даврларда таназзул билан алмашганини келтириш мумкин.

Изчил, узлуксиз ривожланиш алоҳида халқларга, минтақаларга эмас, балки бутун инсониятга, умуман кишилик жамиятига хос. Бир минтақа, муайян халқ тараққиётида узилишлар юз берганда, бошқа бир минтақада, бошқа халқларда юксалиш давом этади. Тараққиёт тўхтаб қолмайди. Муайян минтақа ёки халқда узилишлар турли сабабларга кўра юз беради. Масалан, ўтмишда қурғоқчилик, ўлат, вабо каби эпидемиялар бир неча йил мобайнида чўзилиб кетса, халқ қийин иқтисодий аҳволга тушиб қолган, катта қисми касаллик ва очарчиликдан қирилиб кетган, ички иқтисодий ва ижтимоий зиддиятлар кучайган, ҳар доим ҳам уларни оқилона ечиш имкониятлари топилавермаган. Иқтисодий ва ижтимоий ҳаёт издан чиққан. Ички низолар, қўзғолонлар, тож-тахт (ҳокимият) учун талашишлар ёки четдан ёвнинг бостириб келиши ва урушда енгиси ҳам мамлакат тараққиётини ортга қайтарган, тўхта-тиб қўйган.

Бундай қийинчилик, иложсизлик, ожизлик шароитида илгор, инсонпарвар ғоялар унутила бошлаган, хурофотга берилиш, ирим-сиримларга ишониш кучайган. Булар ҳаммаси йиғилиб, охир-оқибатда, инсонни тақдирга тан беришга ундаган, янгиликларга интилишини, бунёдкорлик ташаббусини чеклаган. Лекин у ёки бу минтақадан, у ёки бу мамлакатдан фарқли, кишилик жамияти, яна бир бор таъкидлаймиз, тараққиётда тўхтаб қолмаган. Тўғри, қадимги халқлар қўлга киритган баъзи ишлаб чиқариш сирлари, технологиялар унутилса-да, аксариятини бошқа халқлар ўзлаштириб, ривожлантирган. Қадимги Месопотамия (Бобил) ва Миср цивилизацияси ютуқларини эроний, сурёний, иброний ва юнон халқлари ворис сифатида ривожлантирдилар. Қадимги антик даврдаги хитойликлар, ҳиндлар, юнонлар илмий меросини мусулмон халқлари, араблар сақлаб қолди ва янги ислом цивилизациясини яратди.

Ўз навбатида европаликлар XI асрдан, айниқса, Уйғониш давридан бошлаб араб тилида яратилган илм-фанни, ҳатто фақат арабча таржимада сақланиб қолган антик давр юнон олимлари асарларини латин тилига ағдариб,

ўзлаштириб олдилар ва янги ғоялар билан бойитиб, аста-секин замонавий илм-фанга асос солдилар. Кишилик жамияти миқёсида ворисийлик ва ривожланишнинг оддийликдан мураккабликка, қуйидан юқорига, юксалишга қараб кечиши ижтимоий тараққиёт қонунидир.

Умумбашарий маънавий тараққиётнинг асосий тарихий босқичларини қуйидагича тасаввур этиш мумкин: Қадимги ва антик давр босқичи, ўрта асрлар ислом босқичи, Европа Уйғониш ва Маърифатпарварлик босқичлари, янги индустриал давр ва энг янги постиндустриал давр босқичи.

Қадимги ва антик даврда биз маънавият юксалишининг етакчилари турли минтақаларда жойлашганини кўра-миз: Миср, Хитой, Бобил, Ҳиндистон, Эрон, Юнонистон, Рим. Албатта, бу даврда бошқа жойларда ҳам маънавият кучли ривожланди, ҳатто оламшумул ютуқларни қўлга киритди. Масалан, Хоразм, Сўғд, Бактрия (ҳозирги жанубий Ўзбекистон, Тожикистон ва шимолий Афғонистон) зардуштийликнинг, Непал буддавийликнинг ватанлари ҳисобланади. Улар ўз минтақаларига маданий ва маънавий жиҳатдан улкан таъсир кўрсатган бўлсалар-да, юқоридаги мамлакатлар каби жаҳон миқёсида маънавий-маданий, илмий ва сиёсий жиҳатдан етакчилик қила олмаганлар. Қадимги ва антик давр маънавий-маданий тараққиётининг чўққиси, шубҳасиз, Юнонистон илм-фани, адабиёти ва санъатидир (бу ерда «Юнонистон» атамаси ягона давлатни эмас, йиғма тушунча сифатида юнонлар яшайдиган ҳудуд мазмунида қўлланилмоқда). Гомер, Аристофан, Эсхил, Софокл, Еврипид адабиёт-да, Фидий, Мирон, Лиссий ва қатор буюк истеъдодлар ҳайкалтарошликда юксак маҳорат чўққисини эгалладилар ва кейинги давр адабиёти ва санъати ривожланишига кучли таъсир кўрсатдилар. Геродот тарих фанига, Евклиднинг геометрия ва фалсафага, Птоломейнинг астрономияга, Гиппократнинг тиббиёт илмига, Архимеднинг механикага қўшган ҳиссалари беқиёс, улар қилган кашфиётлар бугунгача яшаб келмоқда. Илмий фалсафанинг асосчилари ҳам антик давр юнонларидир. Демокрит, Сократ (Сукрот), Аристотель (Арасту), Платон (Афлотун) ва кўплаб биз тилга олмаган юнон файласуфлари номла-

ри тарих зарварақларида мухрланиб қолган. Демократия тушунчаси, тўғридан-тўғри ва ёпиқ-яширин овоз бериш тамойили ҳам юнонлар ихтиросидир. Римда архитектура, скульптура, адабиётда юнон анъаналари анча-мунча ривожлантирилса-да, илм-фанда биз анча йўқотишлар бўлганини кўрамиз.

Илк Ўрта асрларда антик даврга нисбатан Яқин Шарқ ва Европада ижтимоий-маданий ва илмий инқироз яққол кўзга ташланади. Лекин Хитой ва Ҳиндистонда, янгидан вужудга келган Ислом халифалигида кучли маънавий жонланишнинг гувоҳи бўламиз. Булар эртами-кечми янги сифатга, «портлашга» олиб келиши тайин эди. Амалда шундай бўлди. VIII асрда Хитойда, унинг изидан VIII аср охири – IX аср биринчи ярмида Ҳиндистонда мисли кўрилмаган маънавий юксалиш, илм-фан, тиббиёт, адабиёт, санъат гуллаб-яшнаши, умуман, кучли ижтимоий ривожланиш юз берди.

IX–XII асрларда мусулмон халқлари, хусусан, бизнинг аждодларимиз тараққиёт эстефетасини кўлга олдилар. Улар яна дунё миқёсида илм-фан ва маданиятда етакчига айланди. Бу ўша даврда аждодларимиз маънавий-маданий, илмий-технологик кашфиётлари, ҳунармандчилиги, яратаётган буюмлари бошқа халқлар орасида тарқалаётгани, ўрганилаётгани, тақлид учун намуна бўлиб хизмат қилаётганини билдиради. Бундай ютуққа эришиш учун фақат буюк истеъдодларга эга бўлиш етарли эмас. Жаҳондаги илғор тажрибани, кашфиётларни ҳам билиш, уларни янада такомиллаштириш, ривожлантириш лозим. Бежиз «Байт ул-ҳикма»да ўша даврда Хитой тилидан арабчага ағдарадиган тўрт, санскиртдан ўн тўрт нафар таржимон фаолият юритмаган. Юнон, сурёний, оромий, паҳлавий, иброний тилларидан ағдарадиган таржимонлар сони эса бир неча баробар кўп бўлган.

IX асрнинг 30-йилларидан Бағдодда «Байтул-ҳикма»да ва халифаликнинг бошқа марказларида фаолият юритаётган олимларнинг араб тилида ёзилган оригинал асарлари дунёга тарқала бошлади. Байтул-ҳикмага аслида халифа Ҳорун ар-Рашид асос солган (VIII аср). Ҳорун ар-Рашид даврида Байтул-ҳикма олимлари асосан жаҳон

фалсафий, тиббий, табиий-илмий меросини араб тилига таржима қилиш билан шуғулланган.

Ҳорун ар-Рашиднинг ўғли Маъмун давридан бошлаб Байтул-ҳикмага таклиф қилинган ўртаосиёлик, эронлик ва маҳаллий олимлар оригинал тадқиқотлар ўтказиб, асарлар бита бошлаган ва ниҳоятда улкан кашфиётлар қилган, янги фанларга асос солган, янги илмий кузатув ва ўлчов асбоблари ясаган, аввалдан мавжудларини тақомиллаштирган. IX–XV асрларда жаҳонда ислом илм-фани ва маданияти етакчилик қилган. Мўғул босқини Ўрта Осиё ва Эронда ижтимоий тараққиётни XIII асрда издан чиқариб, инкирозга учратган бўлсада, Мағрибда, хусусан мусулмонлар ҳукмронлик қилган Испанияда, Шимолий Африкада юксалиш давом этган. Амир Темур, Шохрух ва Улуғбек даврида Ўрта Осиёда яна илм-фан, адабиёт ва санъат гуллаб яшнаганининг гувоҳи бўламиз (булар ҳақида алоҳида кейинги бобларда тўхталамиз). XV аср охиридан ислом мамлакатларидан етакчилик аста-секин Европага ўта бошлади.

XV–XVI асрлар Европа Уйғониш даври (Ренессанс) ҳисобланади. Италияда XIV асрнинг охирида бошланган Уйғониш даври XV–XVI асрларда Европанинг шимоли Голландия, Англиягача етиб борди. Италия адабиётида Петрарка, Боккаччо, Торквато Тассо, тасвирий санъати ва хайкалтарошлигида Леонардо да Винчи, Микеланже-ло, Рафаэль, Тициан, Боттичелли, Жоржоне, фалсафа ва илм-фанда Жордано Бруно ва Галилей каби даҳо шахслар пайдо бўлди. Ренессанс кутилмаганда фавқулотда пайдо бўлиб қолган эмас. Бунга Венеция, Флоренция каби италян князликларининг ислом яқин шарқ мамлакатлари билан савдо-сотиғи, дастлаб Испаниядан Францияга қочишга мажбур бўлган Иби Рушд издошларининг (аввероистларнинг) Италияга кўчиб ўтиши, мусулмон олимлари ва мутафаккирлари асарларининг лотин тилига таржима қилиши маънавий-интеллектуал замин яратди. Ренессансгача адабиётда Данте, тасвирий санъатда Жотто каби даҳолар ижод қилди. Ренессанс даврида Испанияда Лопе де Вега, Сервантес, Францияда Рабле, Корнель, Расин, Мольер, Англияда Мильтон, Шекспир каби буюк адиблар ижод қилди.

Уйғониш даврида санъатнинг етакчи турига мусавирлик, хайкалтарошлик ва қисман архитектура ҳамда адабиёт айланди десак, хато бўлмайди. Бу даврда илм-фан ва фалсафада ҳам ўзгаришлар юз берди. Аммо даҳо даражасига кўтарилиб, жаҳон илм-фани ва фалсафасини янги поғонага олиб чиққан ижодкорларни кўрмаймиз. Бундай даҳолар Маърифатпарварлик даврида (XVII–XVIII асрлар) пайдо бўлди. Дастлаб Декарт олий математикага ва янги раціонал фалсафага асос солди, инглиз Исаак Ньютон механика қонунларини ва бутун олам тортишиш қонунини кашф этди, замонавий фанлар шакллана бошлади. 1751–1780-йилларда Францияда «Энциклопедия ёки фанлар, санъатлар ва ҳунарларнинг изоҳли луғати» чоп этилди. У 17 жилдлик матн ва 11 жилдлик иллюстрациялардан, жами 28 жилддан иборат эди. Энциклопедияни нашр қилишга ўз даврининг икки буюк олими Д.Дидро ва Ж.Л. д'Аламбер раҳбарлик қилдилар. Энциклопедия мақолаларини ёзишда атоқли адиб ва файласуфлар, олимлар Вольтер, Кондильяк, Гельвеций, Монтескье, Руссо, Тюрго, Рейналь, Ж.Бюффон ва бошқа кўплаб муаллифлар иштирок этди.

Маърифатпарварлик даврида Европанинг деярли барча мамлакатларида ижоднинг у ёки бу соҳасида фаолият юритган даҳоларни учратамиз. Италия, Германия, Голландия, Швеция, Австрияда, ҳатто Россияда ҳам М.Ломоносов сиймосида шундай шахслар пайдо бўлди. Замонавий музиканинг асосий жанрлари айнан шу даврда шаклланди. Европа маърифатпарварлари ғоялари таъсири остида Буюк француз буржуа революцияси содир бўлди. Бу асрларда Шарқ мамлакатлари ташаббускорлик ва кашфиётларга интилишни эсан чикариб, чуқур ғафлатга ботган, аста-секин ҳатто миллий мустақиллигини йўқота бошлаган эди. Тафаккур тарзида иррационализм, хурофотларга ишонч устун эди.

Айтиш мумкинки, буюк француз инкилоби Европада капиталистик тараққиёт йўлини тозалаб, феодализмдан қолган тўсиқларни парчалаб ташлади. Ер куррасининг ғарбий ярмида АҚШ деган янги давлат вужудга келди, французлар уни Англияга қарши миллий озодлик курашида ҳар томонлама кўллаб-қувватладилар. Нафақат Ев-

ропа, балки бутун жаҳонда янги давр бошланди. Чунки сал ўтиб, XIX аср мобайнида Европанинг капиталистик давлатлари қолоқ анъанавийлик ботқоғи ва ғафлат уйкусида ётган бошқа халқлар бўйнига мустамлакачилик сиртмоғини солди.

Янги давр, юқорида таъкидлаганидек, тафаккурда, маънавиятда рационализм устунлик қиладиган давр бўлди. Замонавий мумтоз математика, физика, механика, кимё, биология, табиатшунослик илмининг бошқа йўналишлари гуркираб ривожланди. Адабиёт ва санъатда рационализм бадиий усулларда, биринчи галда, эски анъаналарни танқидий идрок этишда, барокко каби дабдабабозликдан, сентиментализм, романтизмга хос хаёл-парастликдан воз кечиб, воқеа ва ҳодисаларни, инсон кечинмаларини ҳаққоний, реалистик акс эттиришда юзага чиқди.

Индустриал ва постиндустриал жамият маънавияти. Маърифатпарварлар тафаккур имкониятлари чексизлигига, жамият ва инсон ҳаётини оқилона қайта куриб, адолат ва инсонпарварлик тантана қилиши мумкинлигига қаттиқ ишонар эди. Буюк француз революцияси бежиз «Озодлик. Тенглик. Биродарлик» деган тушунчаларни ўз шиори сифатида танламаган эди. Ушбу шиорни амалга ошириш учун француз инқилоби табақавий бўлинишни, юқори табақалар имтиёзларини, инсоннинг инсонга қарамлигини (крепостной тузум қолдиқларини) бекор қилди. Ҳамма озод, ҳамма тенг, бир-бирига биродар бўлиши керак. Лекин ушбу улуғ ният, улуғ идеал амалда ҳаётий воқеликка айланмади. Озодлик ва тенглик фақат юридик мазмунга эга бўлиб қолди. Биродарлик умуман қарор топмади. Аксинча, капиталистик хўжалик ва бозор муносабатлари шаклланиши жараёнида, биринчидан, миллионлаб деҳқонлар, хунармандлар, бошқа касб эгалари синди, бор-йўғидан айрилиб йўқсилга айланди, пролетарлашди. Завод ва фабрикаларда ишлаб чиқиладиган маҳсулот билан маҳаллий хунармандларнинг қўлда ясайдиган ёки тўқийдиган маҳсулотлари рақобатлаша олмай қолди. Собик уста-хунармандлар, деҳқонларнинг завод ва фабрикаларга оддий ишчи бўлиб ёлланишидан бошқа иложи қолмади.

Иккинчидан, бозор рақобати, шу жумладан, меҳнат бозорида оддий ишчилар ўртасида вужудга келган ўзаро рақобат жамият аъзоларига ўта зиддиятли таъсир кўрсатди. Меҳр-окибат, инсоний муносабатлар совуди, заифлашди. Худбинлик, фойда олиш учун курашнинг номақбул усулларидан ҳам тоймаслик, нафс ва хирс маънавиятга салбий таъсир кўрсатди. Одамлар ўртасида биродарлик эмас, балки бегоналашиш кучайди. XVIII аср охириги чорагидан жуда кийин, яримоч кун кечирадиган, 12–14 соатлаб ишлайдиган завод, фабрика ишчилари стихияли ғалаёнлар кўтариб, дастгоҳ ва механизмларни синдира бошладилар. Завод эгасининг назоратчи ва иш юрутувчилари ҳам бундай пайтларда тез-тез жабр кўрарди. XIX асрда эса уюшган, кенг миқёсда тарқалган революциялар юз берди. Айниқса, 1830 йилдаги Лион, Силезия ва Европанинг бошқа баъзи жойларида бўлиб ўтган, 1840 йиллар охирида янада кучайган ва кенг тарқалган революцион курашларни эслаш жоиз.

Европа жамияти иккига бўлиниб, синфий қарама-қаршилик ва курашлар гирдобига тушиб қолди. Зиёлилар бир қисми XVIII аср охириларидан, айниқса, XIX асрда ашаддий эксплуатация қилинадиган, ҳақ-хуқуқсиз, оч-яланғоч меҳнаткашларни ҳимоя қилиб чиқа бошлади. Адолатли жамият қандай бўлиши, унга қандай эришиш мумкинлиги тўғрисида китоблар ёзилди, назариялар олға сурилди. Улар орасида кейинчалик утопист-социалистлар деб аталган французлар Сен-Симон, Шарль Фурье, инглиз Роберт Оуэн каби маърифатпарварлар, гуманистик ғояларнинг давомчилари, ишчилардан чиққан, анархизмнинг асосчиси француз Прудон, қарашлари утопик-социализм ва анархизм оралиғида жойлашган, мазмунан баъзилари социалистларга, баъзилари анархистларга яқин турадиган бошқа кўплаб назариячилар бор эди. Ушбу ҳолат Европа халқлари маънавиятига синфий қарама-қаршилик, бир-бирини кескин инкор қилишни олиб кирди, эски қадриятларга ва динга беписандлик кучайишига сабаб бўлди.

Француз инқилобининг шиорлари сароб бўлиб чиққани, инсон ва жамият ҳаёти яхшиланиши, оқилона ташкил этилиши ўрнига, изтироб ва курашларга тўлиб кет-

гани ижодкор зиёлиларнинг бир қисмида рационализмга ишончни шубҳа остига қўйди. XIX аср охири чорагида биз Ғарб адабиёти ва санъатида тушқунлик кайфияти кучайганининг – декадентликнинг, реализмдан чекинишлар юз берганининг, ҳар хил авангардистик, модернистик усулларга қизиқиш кучайганининг гувоҳи бўламиз.

XX асрга келиб инсон ҳаёти бемаъни, унинг яшашдан аниқ мақсади йўқ ёки у сароб, деган қарашлар кенг тарқалди. Мистика янада кучайди. Одамлар анъанавий идеалларга, қадриятларга ишонмай қўйди. Натижада, турли ижтимоий-иқтисодий ва бошқа омиллар таъсирида зўравонликни, фаҳшни, бузукликни, бошқа салбий ғояларни акс эттирувчи асарлар кўпайиб кетди. Инкирозга учраган эътиқод, ахлоқ ва умуман маънавият уларнинг йўлини тўса олмади.

Капитализм тараққиётида XVIII–XIX асрлар ва XX асрнинг бошлари индустриал жамият деб аталади. Ашаддий синфий кураш ва инқилоблар айнан индустриал жамиятга хос. Индустриал жамият маънавияти жуда зиддиятли. Дастлаб у илғор гуманистик ғояларга, рационализм тамойилига содиқ ривожланган, кейинчалик унда сиёсий, ахлоқий зиддиятлар, иррационализм тамойиллари йилдан-йил кучайиб бораверган. Булар синфий зиддиятларнинг жамият ва инсон маънавиятида ўзига хос тарзда акс этиши эди.

Биринчи жаҳон уруши Ғарб рационализмига янада қақшатқич зарба берди. Одамлар онгида, адабиёт ва санъатда, ахлоқда иррационализм, мистика, анъанавий ахлоқий меъёрлардан чекиниш кучайди, маънавий тараққиётга, эзгуликка, инсон шахси ва кишилик жамияти яхшиланишига ишонч сусайди. Бунинг устига индустриал жамиятда замонавий оммавий маданият шаклланди. Кўнгилочар мазмундаги оммавий маданият маҳсулотлари саноат усулида, сон-саноксиз нусхаларда ишлаб чиқиладиган бўлди.

Иккинчи жаҳон уруши инсоният бошига яна қўплаб кулфатлар келтирди. Одамлар ижтимоий-маънавий мўлжалларини, идеалларини йўқотди. Очарчилик, сиёсий қатағонлар (фашистлар ва большевиклар қатағони), 50 миллиондан ортиқ одамнинг ҳаётига завол бўлган уруш,

урушдан кейинги очарчилик ва вайроналарни тиклаш қийинчиликлари жамият маънавиятига ўта салбий таъсир кўрсатди. XIX аср охири – XX аср бошларида иккинчи саноат инқилоби юз берди. Буғ машиналари ўрнини ички ёниш двигателлари ва электр энергияси ёрдамида ҳаракатга келтирадиган машиналар ва механизмлар эгаллади. Саноат экстенсив – янги корхоналар қурилиши ҳисобига ривожланишдан интенсив – меҳнат унумдорлиги кескин ўсиши, янги технологиялар жорий этилиши ҳисобига ривожланишга ўтди. Транспорт-алоқа тизими янги босқичга кўтарилди. Капитал ва савдонинг айланиши миллий чегаралардан чиқиб кетди. Трансмиллий компаниялар вужудга келди ва дунё бўйлаб ёйилди. Бозор муносабатлари, ашаддий рақобат жамият ҳаётининг барча соҳаларига, шу жумладан, оммавий ахборот ва маданият соҳасига ҳам кириб келди.

Маънавият ўтмиш жамиятдан мерос қолган эски ижтимоий зиддиятлар ва янгидан пайдо бўлган замонавий зиддиятлар таъсирида ривожланди. Постиндустриал ғарб жамиятида қаршимаданият ва аксилмаданият вужудга келди.

Постиндустриал жамиятда яна янги илмий-техника тараққиёти, инқилоби юз берди. Энергиянинг ва технологияларнинг янги турлари ўзлаштирилди, янги фанлар ва илмий-ишлаб чиқариш корхоналари пайдо бўлди. Атом энергетикаси, космонавтика, кибернетика, молекуляр физика ва биология, генетика ва бошқа кўплаб янги илмий, илмий-ишлаб чиқариш соҳалари пайдо бўлди. Одамларнинг бир қисми онгида гуманитар қарашларга нисбатан технократик қарашлар устунлик қила бошлади. Айни пайтда инсон эркинликлари ва ҳуқуқлари аҳамияти ошди. Аммо уларга формал технократик қарашлар нуқтаи назаридан ёндашилди. Натижада, антропоцентризм вульгарлашди. У инсонпарварлик ва эзгулик ғоялари билан етарлича боғланмай қолди.

Постиндустриал жамият узлуксиз модернизациялашиб келмоқда. Шу сабабдан унинг ҳозирги ҳолати постмодерн жамияти ҳам дейилади. Постмодерн жамиятда глобаллашув ва ахборот технологиялари етакчи тенденциялар қаторига кирди. Ушбу тенденциялар маънави-

ят ривожланишига қарама-қарши таъсир кўрсатмоқда. Бир томондан, ялпи саводхонлик қарор топди, маданият ютуқларидан кенг омманинг фойдаланиш имкониятлари ўсди. Маиший турмуш яхшиланди. Инсон эркинликлари ва ҳуқуқлари жамиятнинг асосий талабларидан бирига айланди. Иккинчи томондан, индивидуализм ва эгоизм (худбинлик), одамларнинг ўзаро бегоналашуви, рақобати янада кучайди, меҳр-оқибат, жамоавийлик туйғулари сусайиб кетди. Маданият тобора тижорийлашиб бормоқда. Оммавий маданият жамият ҳаётининг етакчи феноменига айланди. Аксилмаданият оммавий маданият ниқоби остида кенгроқ тарқалишга ҳаракат қилмоқда.

Миллий маданиятларнинг ўзаро зиддиятли таъсири. Мустамлакачилик домига тушиб қолган Шарқ мамлакатларида XIX аср охирлари ва XX аср бошларидан анъанавий жамият, турғунлик ва догматизм янги шароитда объектив омиллар ва миллат зиёлиларининг мустамлакачиликдан қутулиш йўллари излаши натижасида емирила бошлади. Миллий озодлик ҳаракати вужудга келди. Мустамлака мамлакатларининг илғор зиёлилари жамиятда ислохотлар ўтказиш, халққа ўзлигини, миллий манфаатларини англатиш, дунёқараши ва маданиятини юксалтириш учун курашга киришди. Бизда дастлаб таълим ва маънавият соҳасидаги жадидчилик ҳаракати тезда умуман жамиятни ислох қилиш учун кураш кўринишини олди.

Миллий-озодлик ҳаракатлари ва Шарқ халқлари маънавиятидаги ўзгаришлар анча қарама-қаршилиқларга бой кечди. Уларнинг таъсири ҳозиргача, миллий истиқлолга эришилгандан кейин ҳам, айниқса, ислом мамлакатларида, Африка ва Жанубий Американинг баъзи мамлакатларида давом этмоқда. Уларга мустақил тараққиёт қийинчиликлари билан боғлиқ янги зиддиятлар кўшилди. Индустириал жамиятдан бошлаб турли халқлар ўртасида савдо-сотик, иқтисодий, маданий, сиёсий алоқалар жуда ривожланиб кетди. Постиндустириал жамиятда, халқларнинг ўзаро алоқалари йил сайин тезлашиб бораверди. Илмий-техник ва технологик, маданий ютуқлар, илғор ғоялар жаҳон миқёсида

таркалишига, халқларнинг бир-биридан ўрганишига, бир-бирини маънавий бойитишига имкониятлари ўсди.

Лекин миллий маданиятларнинг ўзаро таъсири фақат ижобий кўриниш олмади. Илғор ғоялар билан биргаликда бузғунчи ғоялар халқаро миқёсда тарқалди. Миллий маданиятларнинг ўзаро бир-бирига таъсирида, шундай қилиб, икки – ижобий ва салбий тенденцияларни кўрсатиш мумкин. Ижобий тенденция – миллий маданиятларнинг бир-бирига яқинлашуви, илғор ғояларни ўзлаштириши, бир-бирини бойитиши бўлса, салбий тенденция – миллий маданиятга бузғунчи ғояларнинг кириб келиши, миллий нигилизмнинг кучайиши ва баъзи халқларнинг тили ва маданиятининг ассимиляция бўлиб, йўқолиб кетишидир.

Глобаллашув тенденцияси, ахборот технологиялари таъсирида Ғарб оммавий маданияти ҳамда уни ниқоб қилиб олган аксилмаданият Осиё, Лотин Америкаси ва Африканинг ривожланаётган мамлакатларида ҳам тез тарқалмоқда. Европа мамлакатларига Осиё ва Африкадаги собиқ мустамлакалардан ва ривожланаётган мамлакатлардан кўплаб муҳожирларнинг келиб жойлашиши мультимаданий ривожланиш ғоялари туғилишига сабаб бўлди. Муҳожирлар янги ижтимоий-маданий шароитга мослашиб, аста-секин ассимиляция бўлиб кетади, аммо бунгача улар ўзлари билан олиб келган миллий маданиятлари унсурлари кўчиб ўтган мамлакатлари маданий ҳаётига ранг-баранглик, хилма-хиллик бағишлайди, деб ҳисобланди. Аммо амалда бу жараён жуда мураккаб ва зиддиятли эканлиги маълум бўлди. Тўғри, муҳожирларнинг бир қисми, айниқса, уларнинг янги мамлакатда туғилган фарзандлари у ёки бу даражада маҳаллий маданиятни қабул қилди, ижтимоий ҳаётга яхшироқ мослашди. Аммо ҳаммаси эмас. Муҳожирларнинг бир қисми, янги мамлакати тили ва маданиятини етарли даражада ўзлаштиришга интилмади, болаларида ҳам шундай муносабатни тарбиялади. Натижада, ижтимоий-маданий, диний-эътиқодий (агар динлари бошқа бўлса) толерантлик унча ривожланмади, маънавий-маданий зиддиятлар, ўзаро муҳолифлик кучайди.

Ислол мамлакатларининг айримларида ички эътиқодий зиддиятлар (суннийлар ва шиавийлар ўртасида) миллий маданиятнинг, халқнинг жипслашишига, барқарор ривожланишига халақит бермоқда. Бундан ташқари, Ғарб билан эътиқоддаги фарқлар халқаро маданий алоқаларга салбий таъсир кўрсатмоқда. Савдосотик, техник, иқтисодий, моддий маданият соҳасидан фарқли ўлароқ, адабиёт, санъат, мусиқа, маънавий маданиятнинг бошқа соҳаларидаги алоқалар доимий ва тизимли эмас.

Қолоқ, тарихий тараққиётнинг нисбатан қуйроқ босқичларида турган халқлар миллий хусусиятларини йўқотиб, баъзилари бошқа халқлар билан тўлиқ ассимиляция бўлиб кетди, баъзилари эса қисман тилини, урф-одатлари ва маданиятини йўқотди. Бунга Лотин Америкасидаги, Африкадаги кўпчилик маҳаллий қабилалар ва халқлар тақдири мисол бўла олади. Глобаллашув ва ахборот технологиялари даврида ҳар икки – ижобий ва салбий тенденциялар янада кучайди.

Юқоридагилардан қуйидагича хулоса қилиш мумкин:

1. Жаҳон халқлари маънавияти ранг-баранг ва хилма-хил, лекин айна пайтда муштарақ, бир бутун тизим. Хилма-хиллик ҳар бир халқнинг, миллатнинг ўзига хос объектив шарт-шароитлари, табиий мухити, бойликлари, иқлими, аҳолиси зичлиги, тарихий тажрибаси, асосан ижтимоий тараққиёт даражаси билан ҳамда субъектив омиллар – менталитети, урф-одатлари, дини, эътиқоди, саводхонлик даражаси, маълумоти, қадриятлар тизимининг такрорланмас жиҳатлари билан белгиланади. Муштарақликни, бирбутунликни жаҳон халқлари умумий тараққиёти қонунлари, инсон онги, тафаккури, қадриятлар тизимидаги умуминсонийлик ва мантиқийлик тақозо этади, белгилайди.

2. Жаҳон халқлари маънавияти узлуксиз ривожланиб келмоқда. Ривожланиш ҳеч қачон тўхтаб қолмайди. Қайси бир минтақада у сусайса, таназзулга учраса, бошқа минтақада давом этади. Бир халқ иккинчи халқнинг, бир минтақада иккинчи минтақанинг вориси сифатида аввалги эришилган ютуқларнинг асосий қисмини сақлаб қолади ва ривожлантиради.

3. Миллийлик ва умуминсонийлик ўзаро диалектик бирликни ташкил этади. Миллийликнинг энг яхши, илғор жиҳатлари, кадриятлари умуминсонийликка, умуминсонийлик ҳар бир халқ фойдаланаётган миллий кадриятга айланади. Миллийлик ва умуминсонийлик бирлиги боис турли халқлар, маданиятлар бир-биридан ўрганади ва ўзаро бир-бирини бойитади.

4. Индустириал жамиятда синфий қарама-қаршилик, мустамлакачилик муносабатлари қарор топиши жаҳон халқлари маънавиятига жуда зиддиятли таъсир кўрсатди. Унда айрим ижобий тенденциялар қаторида салбий тенденциялар кўпайди.

5. Постиндустириал жамиятда Ғарб маънавий инқирози кучайди. Инқироз унсурлари ушбу жамиятга хос глобаллашув, оммавий маданият ва аксилмаданият таъсирида жаҳон миқёсида кучайиб бораётир.

13. ЎЗБЕК ХАЛҚИ МАЪНАВИЯТИ РИВОЖЛАНИШИНИ ТАРИХИЙ БОСҚИЧЛАРГА АЖРАТИШ МЕЗОНЛАРИ

Ўзбек халқи маънавияти ривожланишининг тарихий босқичлари ҳақида гапиришдан аввал куйидагиларни дастлабки тартибда қайд этиш лозим.

Биринчидан, ўзбек халқи Марказий Осиёда яшаётган бошқа қўшни, қардош халқлар каби, энг аввало, қадимги туркий қабилалар ва халқларнинг ҳамда турли даврларда мазкур минтақада яшаган қадимги ва антик давр уруғ-қабилаларнинг, элатларнинг – турлар, саклар, массагетлар, қанглар, парфийлар, кушонлар, сўғдлар, эфталийлар, хоразмийлар, хионийлар ва бошқаларнинг ворисидир.

Иккинчидан, ўзбек халқи Марказий Осиёга кейинчалик ҳам муттасил келиб қўшилиб турган кўчманчи уруғ ва қабилаларни ўз этник ва маданий таркибига сингдирган. Дунёда ҳеч бир халқ йўқки, таркиби турли қадимги уруғ-жамоалар, қабилалар, этник гуруҳларни, айрим ҳолларда дини, эътиқоди, келиб чиқиши бир-биридан анча фарқ қиладиган этносларнинг аралашувидан иборат бўлмаса. Ўзбек халқи ҳам бундан истисно эмас. Келиб қўшилган уруғ-қабилалар, этносларнинг тажрибаси, билимлари,

маданиятлари миллий маданиятимиз таркибига сингиб, унинг бойишига хизмат қилган.

Бундан ташқари, бизнинг она тупроғимиз ўзига кўплаб босқинчиларни жалб қилган. Эронлик аҳмонийлар, сосонийлар, Искандар бошчилигида юнон-македонлар, араблар, Чингизхон, Россия истилолари беиз кетмади. Бири кўпроқ, бири камроқ, аммо ҳаммаси маънавиятимизда сезиларли из қолдирди. Шу боис ўзбек халқи маънавияти генезиси жуда мураккаб ҳодисадир. Унда қадимий туркий ва маҳаллий сўғд-сак-хоразмий қатлам билан бир вақтда бошқа халқлардан қабул қилинган унсурлар маҳаллийлашган, қайта ишланиб ривожлантирилган кўринишларда мавжуд.

Ўзбек халқининг маънавияти унинг тарихан босиб ўтган иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, маданий ривожланиш йўлига, имон-эътиқодига, дунёқарашига, иродасига, жамиятда қарор топган муҳитга мос равишда ривожланиб келди. Унинг гуркираб ўсган ёки таназзулга юз тутган турли даврлари бўлди.

Тарихий босқичларга ажратиш мезонларининг нисбийлиги. Жаҳон халқлари, жумладан, ўзбек халқи маънавиятининг бугунги кундаги айрим хусусиятларини, ўзига хос жиҳатларини тўғри тушуниш учун унинг шаклланишига ва ривожланишига таъсир кўрсатган асосий омиллар тўғрисида гапириш керак. Улар уч гуруҳга: моддий-иқтисодий, сиёсий ва фалсафий-диний (мафкуравий) омилларга бўлинади. Маънавиятнинг ҳар бир конкрет ҳодисасини фақат моддий ҳаётдан келтириб чиқариш бирёқламалик ва вульгар социологизмга ён босиш бўлар эди. Аммо моддий ҳаёт, турмуш тарзи маънавиятнинг умумий хусусиятларига таъсир кўрсатади. Худди шундай маънавиятдаги ҳар бир конкрет ҳодисани фалсафий, диний қарашлардан, сиёсий муносабатлардан ва сиёсий доктриналардан келтириб чиқариш нотўғри бўлади. Лекин уларнинг ҳам маънавиятга таъсири кучли.

Маънавиятга табиий ва ижтимоий, моддий-иқтисодий ва мафкуравий, сиёсий омиллар мужассам таъсир кўрсатади. Тўғри, жаҳон тараққиётининг турли босқичларида, даврларида ва вазиятларида улар таъсири бир хил бўлмайди. Ибтидоий жамиятда сиёсий омилларнинг ўзи

йўқ. Унинг дастлабки босқичида – юқори неолитгача яшаб қолиш учун табиат билан кураш одамлар онги, дунёқараши ва оламга муносабатини белгилашда етакчилик қилган. Табу, фетиш, мифология, урф-одатлар ва маросимлар яшаб қолиш, яшаш учун кураш эҳтиёжларидан келиб чиққан. Қабила-уруғ муносабатлари емирилиб, давлатлар пайдо бўлиши жараёнида етакчилик аста-секин сиёсий-мафкуравий ва диний омилларга ўтади. Дин давлат мафкурасига айланади ва унинг сиёсатини илоҳий ирода билан боғлаб асослашга хизмат қила бошлайди. Тоталитар жамиятда, агар черков давлатдан ажратилган бўлса, давлатнинг ҳукмрон сиёсий мафкураси маънавий ҳаётни ўзига бўйсундиради (масалан, совет давлатининг коммунистик мафкураси, Гитлер Германиясининг фашистик мафкуралари мутлоқ ҳукмронликка даво қилган). Шундай қилиб, маънавият ривожланишини тарихий босқичларга бўлиш мезонлари нисбийдир. Улар у ёки бу томонга бироз силжиши ҳам мумкин. Шу сабабли тарихий босқичлар ўртасида узил-кесил қатъий чегара ўтказиб бўлмайди.

Маънавият ривожини учун тарихийлик ва мантикийлик, анъанавийлик ва замонавийлик, барқарорлик ва ўзгарувчанлик хос. У ўз тарихий илдизларига, асрлар давомида тўпланган меросига қаттиқ таянган ҳолда раванқ топади, янгиликларни аста-секин қабул қилади. Бу жараён жуда зиддиятли, карама-қаршилиқларга бойлиги боис маънавият ривожланиши, ундаги муайян ҳодисалар, унсурларнинг пайдо бўлиши ёки унутилиши тўғрисида юзаки мулоҳаза юритиш, бирёқлама хулоса қилиш мумкин эмас. Маънавият ривожланиши, унинг тенденциялари, тарихий босқичлари тўғрисидаги мулоҳазалар маълум даражада нисбий, шартли эканини мудом ёдда тутиш лозим. Айни пайтда маънавиятга таъсир кўрсатувчи омилларни таҳлил этмасдан, унинг ривожланиш қонуниятларини, босқичларини яхши тушуниш, бинобарин, бу жараёнга ижобий таъсир кўрсатиш қийин.

Маънавиятнинг арконий тушунчалари табиий ва иқлим шароитлари, демографик вазият билан узвий боғлиқ бўлган, тарихан вужудга келган ишлаб чиқариш хусусиятлари ва иқтисодий муносабатлар таъсирида шаклланади.

Суғориладиган деҳқончилик, аввал таъкидланганидек, тамаддуннинг (цивилизациянинг) пойдеворини яратди. Йил фасллари ва экиш мавсумини тўғри ҳисоблаш учун астрономияга, экин майдонига аниқ шакл бериш, тўғри тақсимлаш, экинларни жойлаштиришни режалаштириш учун геометрияга асос солинди. Ерга сув чиқариш зарурияти сув иншоотларини барпо этишга, каналлар, ариқ ва зовурлар қазिशга, тўғонлар ва кўприклар қуришга, сувни кўтариш учун чархпалакни ихтиро қилишга олиб келди. Бу механика, геометрия, геодезия асосларини вужудга келтирди. Ўз навбатида геометрия, астрономия, геодезия ва механика ривожланиши умуман математик билимларга зарурат туғдирди. Кўриниб турибдики, географик шарт-шароит, иқлим, деҳқончилик қилишга қулай тупроқ, кичик дарёлар, жилғалар ёки йирик дарёлар дельталари, сув тошиб чиқадиган пасткам қирғоқлар бўйи ёки чорвачилик билан шуғулланишга қулай яйловлар ва ш.к.лар одамларнинг муайян билимлари, тажрибаси, кўникмалари ўсишига, ўзаро муносабатлари маълум талаблар, меъёрлар орқали тартибга солинишига таъсир кўрсатган. Денгиз соҳилларида, оролларда, абадий музликларда яшайдиган халқлар маънавияти ва маданиятининг кўплаб унсурлари ҳам географик омиллар талаблари асосида вужудга келган. Географик омиллар каторига яна ер ости қазилма бойликлари киради. У ёки бу минерал хом ашёларнинг борлиги, уларни қазиб олиш, қайта ишлаш, тайёр маҳсулотларга айлантириш технологияси, зарур билимлар ўзига хос ишлаб чиқариш кўникмаларини ва воситаларни қарор топтирган. Масалан, бизда темир камлиги учун кўпроқ аждодларимиз икки ғилдиракли аравадан фойдаланган. Чунки ғилдирак ўқлари темирдан ясалади. Ҳар бир ўққа тахминан 20–25 кг металл сарфланади. Бунча металлдан эса нечта пичоқ, ўроқ, чалғи, омоч тиши ёки қилич, найза ва ўқ-ёй учларини яшаш мумкин. Металл танқислиги туфайли аждодларимиз уни қаттиқ тежаганлар. Табиий минерал хом ашёга бой ҳудудларда ўрта асрлар охирида хунармандчилик ва шаҳарлар равнақи тезлашган, мануфактуралар, цехлар пайдо бўлиб, одамлар ўртасида иқтисодий муносабатлар, алмашув қоидалари ўзига хослик касб эта бошлаган.

Маънавият ривожланишининг тарихий босқичларини, хусусиятларини ва қонуниятларни аниқлашда, ўрганишда географик ва моддий-иқтисодий омиллар ягона мезон бўлмайди. Географик омилдан ташқари демографик омил, аҳоли зичлиги ижтимоий ишлаб чиқаришни, савдо-сотик ва алмашувни, умумий яшаш қоидаларини, санитария-гигиена талабларининг қатъий қоидаларга айланишини ва ш.к. ларни белгилаган. Зич яшайдиган аҳоли ўзаро мулоқотларга кўпроқ киришишга, табиий ресурсларни тежамкорлик ва қатъий қоидалар асосида тақсимлашга мажбур бўлган. Биргаликда фойдаланилган сув манбалари – қудуқлар, ҳовузлар, сардобалар, ариқлар ҳамда кўчалар, маҳаллалар, бозорлар, дўконлар, карвонсаройлар, ҳаммомлар ва ҳ.к. тозалигига қаттиқ талаблар қўйилган. Бу кундалик урф-одатлар, диний маросимлар, байрамлар, тўйлар ва бошқа умумий тадбирлар қоидаларининг ўта меъёрий бўлишини тақозо этган. Демографик ва географик муҳитдан ташқари маънавият ривожланишини диний эътиқодлар, таълимотлар ўзгариши билан боғлаш мумкин. Уни илмий-маданий ва технологик юксалишлар даврига, кишилик жамиятининг тарихий тараққиёт босқичларига, хусусан, турли ижтимоий-иқтисодий тузумларга, цивилизацияларга мувофиқ ҳолда ҳам турли босқичларга бўлиш мумкин.

Масалан, ибтидоий жамият маънавияти, кулдорлик тузуми маънавияти, феодализм маънавияти, Ренессанс маънавияти, Маърифатпарварлик маънавияти, индустриал жамият маънавияти, постиндустриал жамият маънавияти ҳ.к. Иккита мисол (далил) келтирамиз. Кўпхудочилиқни тарғиб этувчи политеистик динлар табиат ва жамиятдаги барча ҳодисаларни худолар ўртасида тақсимлайди, барча воқеаларни улар хоҳиш-иродаси билан боғлайди. Жаҳоннинг турли минтақаларда яшайдиган турли халқларда йил фасллари – «табиатнинг ўлиши ва тирилиши» билан боғлиқ тасаввурлар, диний асотирлар ва маросимлар вужудга келган. Ҳосилдорлик худоси онага қиёсланиб, аёл маъбуда образида тасвирланган. Унга сиғинишнинг, унинг шарафига турли байрамлар ва маросимлар уюштиришнинг ўзига хос тизими шаклланган. Тириклар дунёси, ўликлар дунёсидан ажратилиб, ҳар иккисининг худолари бўлган.

Қуёш, Ой, сайёралар, юлдузлар – ҳаммаси худо ҳисобланган. Улардан ҳар бири одамларнинг у ёки бу касби, фаолияти, табиатда ё жамиятда юз бераётган воқеалар ва муносабатлар сабабчиси ва жавобгари ҳисобланган. Жамият ривожланиб, ижтимоий муносабатлар мураккаблашиб боргани худолар тизимида ва иерархиясида (буйсуниш мартабасида) ўз аксини топган. Бош худо, биринчи даражали худолар, иккинчи даражали худолар фарқлана бошлаган ва уларга хизмат қилувчи ёки қарши турувчи турли илоҳий мавжудотлар – фаришталар, жинлар ўртасида ҳам шундай иерархиялаш содир бўлган. Бундай иерархик бўлиниш ҳозиргача ҳиндуизм динида аниқ сақланиб қолган. Қадимги Миср, Бобил, Эрон, юнон, рим политеистик динларида ҳам шунга ўхшаш ҳолатни кўрамыз.

Яккахудочилик динлари қарор топгандан кейин уларга эътиқод қилувчиларнинг олам, унинг яратилиши, ҳодисалар ва воқеалар сабаблари тўғрисидаги тасаввурлари, ибодати, маросимлари, байрамлари, урф-одатлари, тубдан ўзгаради. Бу адабиёт ва санъатда, умуман маданиятда, маънавиятда акс этиб, уларнинг ғоявий мазмуни ўзгаришига олиб келди.

Ўрта асрларда шаҳарлар сони ва умуман аҳоли анча кўпайган. Шаҳарларнинг ҳар бир маҳалласи ҳунармандчилик турлари бўйича ихтисослашгани учун ўз пиру авлиёларига, касбий ахлоқий қоидаларига эга бўлган. Ҳеч ким бу қоидаларга қарши чиқолмаган, чунки улар авторитар мазмун касб этган. Норози ёки қоидани бузган кишилар, оилалар маҳалладан кўчиб кетишлари лозим бўлган. «Бир ўзинг доно бўлгунча, кўп билан девона бўл» мақоли ўша даврдан шаклланган. Маҳалланинг авторитар ахлоқий қоидалари жамоавийликни қаттиқ сақлаган, алоҳида-алоҳида оилалар манфаати билан мувозанатга келтирган. Чунки маҳалла оилаларни ҳар жиҳатдан ҳимоя қилган, оғир дамда керакли ёрдам кўрсатган. Ҳунарманд ўз касби ва маҳалласининг шаън-ғурурини сақлаган: сифатли маҳсулот ишлаб чиққан, бировни алдамаган. Оилавий имконияти бор болалар маҳалла масжиди қошидаги бошланғич мактабда савод чиқарган. Балобат ёшидаги эркаклар маҳалла масжидида бомдод ва хуфтонни ўқишлари шарт ҳисобланган.

Бирор кишиникида тўй-маърака бўлса, бомдоддан чиқиб ҳамма наҳорги ошга борган.

Ишлаб чиқариш технологияларининг ўзгариши, айниқса, индустриал жамиятнинг вужудга келиши ижтимоий ҳаёт қаторида одамлар онгини, дунёқарашини, маънавий маданиятни тубдан ўзгартириб юборди. Зиёлиларнинг, ақлий меҳнат қилувчиларнинг янги йирик қатлами – инженер-техник ходимлар ва иқтисодчилар шаклланди. Завод ва фабрикаларни бошқариш (мулкдор номидан), ишлаб чиқаришни ташкил этиш, савдо-сотик, молия-кредит, янги технологиялар, машина ва механизмлар яратиш, уларни корхонага жорий этиш тўлиқ улар қўлига ўтди. Инженер-техник ходимларни таёрлаш зарурати олий таълимнинг янги соҳасини вужудга келтирди ва ривожлантирди. Янги технологиялар ва ишлаб чиқариш воситаларини яратиш зарурати табиатшунослик фанларининг барча йўналишлари, биринчи галда металлургия, кимё, каттик жисмлар физикаси, механика, қишлоқ хўжалиги фанлари тез ривожланишини тақозо этди. Ишлаб чиқариш концентрацияси юз берди ва унинг натижасида шаҳарлар гуркираб ўсди. Булар бари одамлар онги, дунёқарашини, билим даражасини, касбий маҳоратини, турмуш маданиятини ўзгартириб юборди.

Шаҳарлар аҳолиси ўсиши, урбанизация ва одамлар, корхоналар, ҳудудлар ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий алоқаларнинг, савдо-сотик, истеъмолнинг ранг-баранглашуви, интенсивлашуви, кўпукладли иқтисодиёт, турли иқтисодий гуруҳлар, корхоналарнинг ўзаро рақобати, турли ижтимоий гуруҳлар манфаатларини ифодаловчи сиёсий партияларнинг пайдо бўлиши, мулкдорлар ва уларга ёлланиб ишловчиларнинг ўзаро зиддиятлари давлат ва маҳаллий муниципал бошқарув идоралари хизматчилари сони кескин ўсишини тақозо этди. Янги вазирликлар, маҳкамалар, бошқармалар, идоралар яратилди, уларда хизмат қилиш учун миллионлаб ходимлар жалб қилинди. Давлат бюрократияси шиддат билан ўсди.

Турли ижтимоий-иқтисодий, ҳудудий ва сиёсий тузилмалар манфаатларини мувозанатга келтириш зарурати давлат ҳокимияти уч тармоғини бир-биридан ажратишга, қонун устуворлигига интилишга, демокра-

тик тамойилларни жорий қилишга йўл очди. Инженер-техник зиёлилар қаторида бошқарув кадрлари кичкина маҳаллий давлат идорасининг оддий хизматчисидан – тез-тез янгиланиб турадиган давлат парламентининг депутатигача бўлган янги қатлам вужудга келди.

Феодал жамиятда инженер-техник мутахасислар ва бошқарув кадрлари зиёлиларнинг алоҳида қатлами сифатида мавжуд эмас эди. Қонун олдида ҳамманинг тенглиги, инсон ҳуқуқларининг мухторийлиги ва устуворлиги каби ва бошқа демократик тамойиллар йўқ эди. Ҳуқуқнинг ўзи, уни ифодоловчи қонунлар табақавий имтиёзларни ўрнатган, одамлар ижтимоий жиҳатдан тенг ҳисобланмас эди. Уларнинг дунёқараши, онги, тафаккури шундай талабларга мослашган эди. Фақат жамиятнинг энг илғор мутафаккирларигина бундай тамойилларнинг адолатсизлигини тушунар ва танқид қилар эди. Шундай қилиб, капиталистик ишлаб чиқариш ва муносабатлар нафақат жамиятнинг ижтимоий-синфий тузилмасини, шунингдек, онгини, кадриятлар тизимини, умуман, маънавиятини ўзгартириб юборди.

Шарқ халқлари, жумладан, ўзбеклар ва қўшни халқлар ҳаётида мустамлакачилик даври маънавиятини алоҳида босқич сифатида ажратиб кўрсатиш мумкин. Зеро, бу босқичда миллий маънавиятимиз ўзининг аввалги ва кейинги (ҳозирги) ривожланиш босқичидан кескин фарқ қиладиган белгилари, мазмуни билан ажралиб туради. Шундай қилиб, маънавият ривожланиши тарихий босқичларини, хусусиятлари, мазмуни ва ривожланиш шаклларини таснифлашда формацион ва цивилизацион мезонлар қаторида технологик, фалсафий, диний, сиёсий-мафкуравий ва ҳ.к. мезонларни қўлласа бўлади.

Айрим халқларга ўз миллий маънавиятини тарихий босқичларга бўлишда ва ривожланиш қонуниятларини ўрганишда бошқача мезонлар қўл келиши мумкин. Айтайлик, ўтроқ ҳаётга кечроқ ўтиб, кечроқ миллат сифатида шаклланган халқларда уруғ-қабилачилик муносабатлари ва кўчманчилик турмуш тарзи нисбатан узоқ тарихий давр мобайнида сақланиб қолган. Бундай халқлар тафаккур тарзида аниқ образли мушоҳада, асотирий унсурлар

ва қиёсий хулоса катта роль ўйнайди, маънавий меросида эса халқ оғзаки ижоди қатлами, санъатида амалий безак санъати жуда кучли ва самарали ўрин эгаллайди. Маънавий ривожланиши босқичларини белгилашда мезон сифатида яна бошқа тамойиллар олинishi мумкин.

Индустриалшгача бўлган жамият маънавиятида диннинг етакчилиги. Лекин маънавийтнинг қадимги ва Ўрта асрлардаги ривожланиш қонуниятларини ўрганишда дин ва диний-фалсафий тамойил асосий мезон сифатида олинishi анча самара беради. Чунки, биринчидан, эътиқод ва дунёқараш маънавийтнинг моҳиятли жиҳатларини ва энг асосий хусусиятини белгилайди. Иккинчидан, дин ва диний-фалсафий қарашлар қадимги ва ўрта асрлар тамаддун (цивилизация)ларининг ғоявий-мафкуравий асосини ташкил қилади. Қадимги давр ва Ўрта асрларда дин ривожланса, кўтаринки руҳда бўлиб, нисбатан рационал ишончга асосланса, тамаддун ва унга тегишли маънавийт равнақ топган; динда иррационализм ва мутаассибликка мойиллик устунлик қилса, тамаддун инқирозни бошдан кечирган, дин ўзгарса, алмашса, тамаддун ўзгарган, бошқаси билан алмашган. Қадимги ва ўрта аср тамаддунлари муайян дин шаклларига мувофиқ келади: политеистик эътиқодга асосланган антик дунё тамаддуни, буддавийлик тамаддуни, христианлик тамаддуни, ислом тамаддуни.

Ўрта асрларда, айниқса, унинг сўнгида маънавийтда юз берган сезиларли ижобий ёки салбий ўзгаришлар кўпроқ диний ислохотлар, мазҳаблар, оқимлар ўртасидаги кураш, диний урушлар билан боғлиқ. Ислом мамлакатларида сунний ва шиа мазҳаблари, оқимлар ўртасидаги ғоявий кураш, тўқнашувлар, каломда мўътазилияга қарши кураш, сўнгра калом ва тасаввуф ўртасидаги ғоявий баҳс, эътиқодда мистикага устунлик берилиши, охир-оқибат, исломнинг илгор ғоялардан чекинишига, диний рационализмни анча унутишига, иррационализм кучайишига йўл очди. Сиёсий курашлар, тож-тахт учун урушлар ислом мамлакатларини хонавайрон қилди. Ўрта асрлардаги салб юришлари христиан дунёсига ислом илм-фани, тиббиёти, маданияти ютуқлари киришини тезлаштирди. Европа учун фойдали бўлди, аммо Яқин Шарқ ислом мамла-

катлари тинкасини курутди. Европада Реформация, Рим черкови (католик черкови)га қарши уруш христианликда янги протестантизм оқими қарор топишига олиб келди. У бозор муносабатларига, тафаккур ва тадбиркорлик эркинлигига йўл очди. Шу сабабдан айтиш мумкинки, қадимги давр ва Ўрта асрларда маънавият ривожланишида диний омил етакчилик қилади.

Лекин кишилиқ жамияти ривожланиши ниҳоятда мураккаб ва зиддиятли. Унга турли ички ва ташқи, моддий-иқтисодий ва ғоявий-мафкуравий омиллар босим ўтказди. Ўрта асрлардан кейин Ренессансдан (Ғарб Уйғониш даври) ва айниқса Маърифатпарварликдан бошлаб диний-фалсафий омиллар маънавият ривожланишида белгиловчи мавқеини аста-секин йўқотиб борди. Шарқ ислом халқлари маънавиятида маърифатпарварлик анча кейин ва бошқачароқ кўринишда – динни ислоҳ қилиш, замонавийлаштириш, салафлар солиҳ йўлига қайтиш шаклида содир бўлди. Ҳозирги замонда жаҳоннинг деярли барча халқлари маънавияти кўпроқ дунёвийлик негизида ривожланмоқда, гарчи динларнинг таъсири баъзи мамлакатларда жуда кучли бўлса-да. Шу сабабдан маънавиятнинг умумтарихий ривожланиш босқичларини аниқлашда бир тамойилга эмас, икки-уч тамойилга суянган маъқулроқ. Масалага диний-фалсафий, ижтимоий-тарихий, назарий-культурологик, цивилизацион ва технологик тамойиллар асосида комплекс ёндашиш самарали бўлади. XX аср иккинчи ярмидан ҳатто ижтимоий-сиёсий тамойиллар мезон сифатида олиниши мумкин. Зеро, бу даврда апартеид, ирқчилик, миллий зулм ва нотенгликнинг ҳар қандай кўринишларига барҳам бериш каби талаблар, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари, демократик қадриятлар, глобал муаммоларни ҳал қилиш зарурати бутун инсониятнинг дунёқарашини, сиёсий маданияти ва умуман маънавиятини ўзгартирмоқда.

Шундай қилиб, барча таснифлаш, босқичларга ажратиш мезонлари нисбий характерга эга: чунки кўпроқ қандайдир битта асосий тамойилга, мезонга таянади. Натижада, ҳар қандай таснифлаш мураккаб, кўпқатламли ва кўптузилмали, сержило маънавиятнинг ҳамма томонларини қамраб ололмайди. Маънавиятни босқичларга,

даврларга бўлиш, уни ривожланиш ва фаолият кўрсатиш хусусиятларига кўра таснифлаш – бу назария, илмий қолип, схема, маънавиятнинг ўзи эса – бу қайноқ ранг-баранг ҳаёт. Назария, Гёте таъбири билан айтганда, туси йўқ – ўлик, ҳаёт дарахти эса турфа гуллидир.

Ижтимоий тараққиёт, шу жумладан, маънавий юксалиш ворисийлик асосида кечади. Ҳар бир янги авлод қайтадан ғилдиракни ёки қоғозни кашф этмайди. Балки инсоният, жамият шу пайтгача эришган барча билимларни, ютуқларни, моддий ва маънавий бойликларни тайёр ҳолда ўзлаштиради. Айни пайтда ўзи ҳаёти давомида қўлга киритган янги билимларни, янги ютуқларни уларга қўшиб, бойитиб, кейинги авлодга қолдиради. Жамият шу кунгача қўлга киритган барча илмий, бадиий ғоялар, технологик, ижодий, моддий ва маънавий ютуқлар маданий мерос дейилади. Маданий меросни ҳар бир авлод аجدодлардан текин олади ва мерос сифатида кейинги авлодга текин қолдиради.

Биз маънавият ва маданият тушунчаларининг ўзаро алоқалари, нисбати тўғрисида сўз юритганда, маданият маънавиятнинг намоён бўлиш ва фаолият юритиш шакли, маънавият эса маданиятнинг ғоявий, моҳиятли мазмуни, деган эдик. Миллий маданият, миллий маънавият тушунчалари миллат ва миллийлик тушунчалари билан боғлиқ. Миллий маънавиятимизнинг тарихий босқичлари ва хусусиятлари ҳақидаги фикрларни давом эттиришдан аввал, миллат ва миллийлик тушунчаларига аниқлик киритиб олиш мақсадга мувофиқ.

Миллат, миллийлик ва миллий маънавият тушунчалари. Миллат тушунчаси жуда кўп қўлланилса-да, унинг умумқабул қилинган, бир хил талқин этиладиган илмий таърифи йўқ. Кўп ҳолларда, хусусан Гегелда, у анъанавий равишда халқ деган тушунчанинг маънодоши сифатида қўлланилади. Миллат кундалик онгда кўпроқ муайян давлатда яшовчи, бир тилда сўзловчи ва бир динга эътиқод қилувчи халқ – этнос сифатида талқин қилинади.

Қуръони каримда миллат бир динга, бир мазҳабга мансубликни англатади. Шу сабабдан сўзлашув тилида, айниқса кекса авлод вакиллари нутқида «биз мусулмон

миллатимиз» деган ибора тез-тез учрайди. Алишер Навоий асарларида миллат тушунчаси бир неча маънода, диний бирлик қаторида этнос мазмунида ҳам қўлланилган. Навоийнинг атамани турли мазмунда ишлатиши Б.Қосимовнинг махсус мақоласида таҳлил этилган.¹

XIX асрда Европада революцион кураш доирасида миллий масала долзарблик касб этди. Чунки инқилобий кураш олдидаги вазифалар орасида миллий-озодлик курашлари билан бирлашиш, Европадаги кўпмиллатли империяларда, уларга қарашли мустамлака мамлакатларда яшайдиган мазлум халқлар тақдирига дахлдор вазифалар бор эди. Айниқса, қолоқ Россия империясида миллий масала жуда кескин эди. Россиядаги турли сиёсий партиялар, инқилобчи назариячилар бу борада қизгин баҳслар юритарди. В.И.Лениннинг махсус асарларидан ташқари деярли барча мақолалари ва асарларида миллий масалага муносабат билдириб ўтилган. Лекин Ленин миллат тушунчасини махсус тадқиқ этмаган. Ушбу вазифани И.Сталин ўз зиммасига олади. У «Марксизм ва миллий масала» номида алоҳида назарий асар ёзади. Сталин илк бор миллат тушунчасига таъриф беради. У миллатни кишиларнинг капитализм даврида вужудга келадиган, социализм даврида ҳам мазмуни ва шаклини ўзгартирган ҳолда сақлаб қоладиган тарихий бирлиги, дея талқин қилади. Сталин кишиларнинг тарихий бирликларини қуйидагича тасвирлайди: уруғ-жамоа, қабила, элат ва миллат.

Миллат, Сталин фикрича, кишиларнинг шундай тарихий бирлигини англатадики, унга *умумий иқтисодий ҳаёт, ҳудуд ва тил бирлиги ҳамда маданиятда акс этадиган психологиядаги баъзи бир ўхшашликлар хос*. Марксизм-ленинизм ҳар бир масалага синфийлик ва партиявийлик нуқтаи назаридан ёндашгани учун, Сталин капитализм шароитида миллат муштарак халқ эмас, унинг дунёқараши, маънавий маданияти икки қарама-қаршиликка бўлинади деб ҳисоблаган. Бу аслида Ленинга тегишли фикр эди. Ленин ҳозирги замон капитализми шароитида ҳар бир миллатда икки миллат – эксплуататорлар ва эксплуатация

¹ *Бегали Қосимов. Уйғонган миллат маърифати. – Т.: «Маънавият», 2011. 99–105-бетлар.*

килинадиганлар миллати, ҳар бир миллий маданиятда уларга тегишли икки маданият мавжуд, деган ғояни кўп бор олға сурган, исботлашга уринган

Сталин ажратиб кўрсатган белгилардан ойдин бўлмоқдаки, миллат тушунчаси муайян этноснинг муштараклик, консолидация даражасини ифодалайди. Ўрта асрлардаги феодал тарқоқлик туфайли бир халқ Европада турли князликлар, герцогликлар, бизда эса хонликлар, амирликларга бўлиниб кетган. Ягона ички миллий бозор ва иқтисодиёт бўлмаган. Иқтисодий алоқалар тор худудлар билан чекланган. Карвонлар орқали амалга ошириладиган савдо жамият иқтисодий ҳаётида катта аҳамият касб этмаган. Тарқоқлик, алоқалар заифлиги туфайли адабий тилга нисбатан маҳаллий шевалар устунлик қилган. Буларни ҳисобга олиб, Сталин элат (народность) тушунчасини миллат тушунчасидан фарқлайди. Феодализм шароитидаги тарихий бирлик – элатдир.

Феодал тарқоқликка барҳам берилиб, марказлашган миллий давлатлар юзага келиши худудий бирликни таъминлади. Товар ишлаб чиқариш, транспорт ва алоқа воситалари ривожланиши, ягона ички бозор қарор топиб мамлакатнинг бир шаҳрида ишлаб чиқилган маҳсулотларнинг мамлакатнинг истаган жойида сотилиши, ягона солиқ-бюджет, молия-кредит тизимининг вужудга келиши мамлакат микёсида иқтисодий ҳаёт бирлигига олиб келди. Ягона таълим тизимининг шаклланиши, китобларнинг оммавий адабларда типографияларда чоп этилиши, вақтли матбуотнинг пайдо бўлиши шевалардан устун турадиган ягона адабий тил бирлигини таъминлади. Натижада, ички алоқалар кучайди, тарқоқ элат, Сталин таъбири билан айтганда, жипслашган миллатга айланди.

Миллий консолидация даражасига нисбатан Сталиннинг мулоҳазалари тўғри, улар аввал билдирилган, биринчи галда Ленин томонидан баён қилинган ғоялар ва мулоҳазаларни умумлаштириш, бойитиш ва тизимлаштириш асосида юзага келган. Демак, Сталин фикрича, миллат капитализм давридаги жамият тараққиёт даражаси тақозо этган этносдир. Сталин ёндашувида миллий онг, менталитет, миллий ғурур, маънавият етарлича ҳисобга олинмаган. Синфийлик тамойилига биноан, бу борада

бирлик бўлиши мумкинлиги инкор этилган. Халқнинг бир қисми иккинчи қисмига қарама-қарши қўйилган. Мазкур ёндашувда ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий мезонлар асосий роль ўйнайди. Халқнинг умумий ўтмиши, тарихи, тақдири, бошдан кечирган синовлари, маънавияти, маданияти етарлича ҳисобга олинмайди ёки унутилади. Сталиннинг миллатга берган таърифи бир ёқлама ва сиёсий-этник таърифдир.

1950-йиллар охири – 1960-йиллар бошида Ўзбекистонда ўзбек миллатининг шаклланиши масаласи юзасидан тарихчиларимиз томонидан баҳс-мунозаралар олиб борилган. Олимларимиздан бири ўзбек миллати шаклланиши Ўрта Осиёнинг Россия империяси таркибига «қўшиб олиними», халқимизнинг капиталистик муносабатларга жалб қилиниши билан бошланди, деган ғояни ёқлаган. Иккинчиси бу жараён бошланишини Октябрь инқилобидан кейинги давр, хусусан. Ўзбекистон ССР тузилиши билан боғлаган. Табиийки, баҳсларда Сталин аниқлаган белгилар, этник жипслик меъёрлари мезон қилиб олинган эди. 1961 йилдан кейин Сталин номи деярли тилга олинмай, унинг асарларидан бевосита иқтибослар (цитаталар) келтирилмай қўйилган бўлса-да, унинг миллатга берган таърифи ва қарашларидан фойдаланиш давом этаверди. Афсуски, кўпчилик ижтимоий-гуманитар фанлар вакиллари ҳозир ҳам, айримлари ўзлари билмаган ҳолда, Сталин қарашларига таяниб юрибдилар.

Бугунги кунда жаҳон илм-фанида миллат тушунчаси жуда кенг ва турли мазмунда қўлланилади. Масалан, жаҳон ҳамжамятининг асосий ташкилоти БМТ (Бирлашган Миллатлар Ташкилоти) дейилади. БМТга этнослар эмас, давлатлар аъзо бўлади. Кўриниб турибдики, бу атамада «миллат» тушунчаси «давлат» деган мазмунда қўлланилмоқда. Ғарб мамлакатларининг кўпчилигида миллат тушунчаси муайян давлатнинг фуқароларини, халқини билдиради. АҚШда жаҳоннинг турли этносларига, динларига, ирқларига мансуб америка фуқаролари ягона «америка миллати» ҳисобланади. Аргентина, Бразилия ва бошқа кўплаб давлатлар аҳолиси ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин. Ғарбда қабул қилинган «америка

миллати» (умуман фалон миллат) тушунчасида этниклик белгиси унчалик ҳисобга олинмайди. Этниклик ўз ўрни-ни фуқаролик тушунчасига бўшатиб берган.

Европа давлатлари аксарияти этник таркибида тегиш-ли титул этнос кўпчиликни ташкил этади. Уларда мил-лат тушунчаси ўзининг этник мазмунини аниқ даражада сақлаб қолган. Лекин уларда ҳам этник мазмун бугун миллат тушунчасининг фақат бир жиҳатидир. Уларнинг титул халқи, давлатга ном берган ёки тарихан мутлак кўпчиликни ташкил этган халқи миллат тушунчасини одамларни фуқаровий мансублиги, улар онгида миллий айният (идентлик), миллий ўзлигини англашини ифода-ловчи атама сифатида ишлатади. Аммо XX аср иккинчи ярмидан бошлаб европаликларда ҳам фуқаролик, муайян давлатга ва маданиятга мансублик миллат тушунчасида аста-секин устуворлик қилмоқда.

Миллат тушунчасидан ясалган «миллий» аниқловчи-си ҳозир кўпроқ давлатга ёки фуқароликка дахлдорликни, баъзан жамиятга хос умумийликни билдиради. Миллий бюджет, миллий валюта, миллий байроқ, миллий герб, миллий мадҳия ва шу каби иборалар бунга мисол бўла олади. Уларнинг ҳаммасида «миллий» аниқловчиси дав-лат мазмунида қўлланилган, этник мазмунда эмас. Мас-лан, бизнинг миллий валютамыз сўм деб аталади. Ундан Ўзбекистонда яшайдиган барча фуқаролар ва четдан кел-ган меҳмонлар, тилидан, динидан, миллатидан қатъи на-зар, бирдек фойдаланади. Ўзбекистонда ёки бошқа бирор мамлакатда яшайдиган ҳар бир этнос ўзининг алоҳида миллий валютасини ишлаб чиқармайди, ўзининг алоҳида «этник» байроғига эга эмас.

Бошқа бир мисол: Ўзбекистон Қаҳрамонлари ораси-да мамлакатимизда яшайдиган турли этник гуруҳларга мансуб фуқаролар бор: ўзбеклар, қорақалпоқлар, то-жиклар, туркманлар, қозоқлар, руслар, украинлар, корейс-лар ва ҳ.к. Миллий қаҳрамон, миллий юксалиш, миллий ғоя ва мафкура деган ибораларда «миллий» аниқловчиси энди давлатга эмас, муайян жамиятга, унинг халқига те-гишлиликни ифодалайди.

Албатта, миллий таомлар, миллий либослар, миллий спорт турлари, миллий адабиёт ва санъат, миллий тил каби

ибораларда миллийликнинг анъанавий этнологик мазмуни сақлаб қолинган. Юқоридагилардан хулоса қилиш лозимки, «миллат» ва «миллий» тушунчаларини фақат тор мазмунда ишлатиш бирёқламалик, баъзи ҳолларда эса хато бўлади.

«Миллий маданият», «миллий маънавият» бирикмаларидаги «миллий» аниқловчиси жуда кенг мазмунга эга. У муайян халқнинг ўз тарихий бирлигининг турли босқичларида – уруғ-қабилачилик давридан бугунги кунгача яратган маънавий-маданий меросини, бойликларини англатади. «Миллий маданият» кўпроқ этномаданий мазмунда ишлатилади (лекин ҳар доим ҳам эмас). Уруғ-қабилавий ёки элатий маданият дейилмайди. Муайян уруғ ёки қабилла маданияти деган ибора тор этнографик мазмундагина қўлланилади. Биз «Алпомиш», «Рустамхон», «Кунтуғмуш» ва бошқа ўнлаб дostonларни ҳақли равишда бутун ўзбек халқининг, ўзбек миллий маданиятининг, халқ оғзаки ижодининг дурдоналари ҳисоблаймиз. Масалан, «Алпомиш»ни фақат қўнғиротларнинг достони демаймиз. Навоий, Бобур, Машраб, Огоҳий ижодини ўзбек миллий адабиёти мумтоз намуналари сифатида қабул қиламиз. Ўзбек элатий адабиёти, элатий маданияти деган тушунчалар йўқ. Миллий маданият тушунчасига муайян халқнинг узоқ ўтмиш тарихидан бугунги кунгача яратган, авлоддан-авлодга ўтиб яшаб келаётган барча қадриятлари – асотирлари (мифологияси), қахрамонлик эпослари, фольклорининг бошқа намуналари, қадимги антик, ўрта асрлар, янги давр ва замонавий барча адабий, тасвирий, меъморий, мусиқий ёдгорликлари, сақланиб қолган осору атиқалари киради.

Баъзи бир «олимларимиз»нинг, сталинча қарашлардан келиб чиқиб, миллат шаклланмасдан миллий маънавият, миллий ғоя илдизлари пайдо бўлиши мумкинми, қабилладаги саволлари, аслида, ҳеч қандай илмий мантиққа эга эмас. Миллий қадриятлар фақат сталинча тушунчадаги миллат шакллангандан кейин вужудга келади деган қарашлар илмий ва мафкуравий жиҳатдан хато қарашлардир.

Яна бир масалага тўхталиб ўтиш зарур: миллий маданий мероснинг тили масаласига. Тил миллатнинг, бинобарин,

унинг маданиятининг асосий белгиларидан биридир. Лекин тилнинг миллий маданият белгиси сифатидаги масалага тарихий, ижтимоий-сиёсий, демографик ва бошқа омилларни, объектив ва субъектив шарт-шароитларни ҳисобга олиб ёндашмоқ зарур. Ўрта асрларда, ҳатто XVIII асргача Европада илм-фан лотин тилида ривожланган. Исаак Ньютон илмий асарларини лотин тилида ёзган. Ислом дунёсининг араб бўлмаган қисмида, жумладан, бизда дастлаб илмий асарлар араб тилида, XV асрдан форс тилида яратилган. Лекин биз ҳақли равишда Хоразмий, Фарғоний, Форобий, Беруний, Ибн Сино ва бошқа илмий даҳоларимизни миллий маданиятимиз вакиллари, уларнинг асарларини маданий меросимиз деб ҳисоблаймиз. Кўпчилик адибларимиз ҳақида ҳам шундай дейиш лозим. Илм-фан, адабиёт ва санъатнинг миллийлиги биринчи галда қайси халқ вакили томонидан яратилгани, қайси халққа, қайси миллатга хизмат қилиши билан белгиланади. Биз бу масалага кейинги бобларда яна қайтамыз.

Баён этилганлардан келиб чиқсак, ўзбек миллий маънавиятига, маданиятига энг қадимги даврдан, камида куйи неолит давридан ва, айниқса, уч минг йил илгари вужудга келган миллий давлатчилигимиз давридан бошлаб аждодларимиз, яқин ўтмишдаги боболаримиз, оталаримиз ва ҳозирги мустақиллик йилларида замондошларимиз томонидан яратилган барча қадриятлар, аҳамиятини йўқотмаган барча бунёдкор ғоялар кириши аён бўлади.

Халқимиз маънавияти тарихий босқичлари ва хусусиятларини ҳар қандай таснифлаш ва даврларга ажратиш нисбийлигини ҳисобга олиб, бошқача вариантлар бўлишини инкор қилмаган ҳолда, куйидагича тасаввур этиш мумкин:

1. Энг қадимги (архаик) давр ва илк зардуштийлик босқичи.

Бу босқич энг қадимги замонлардан Искандар истилосигача бўлган катта даврни қамраб олади. У турли ибтидоий эътиқодлар, умумтуркий асотирлар ва зардуштийликнинг дастлабки қарашлари асосида ривожланган.

2. Исломгача бўлган диний-мафкуравий плюрализм босқичи. Иккинчи босқич маънавияти Искандар истилосидан то араблар истилосигача бўлган даврни қамраб ола-

ди. Бу босқичда маънавиятимиз ранг-баранг эътиқодий асосларда ривожланганининг гувоҳи бўламиз. Анъанавий эътиқодлар, зардуштийлик қаторида юнон политеистик қарашлари, кейинчалик буддавийлик, монийлик, насронийлик каби эътиқодлар ҳудудимизга кириб келди.

Ҳар икки босқич турли қабилалар ва халқларнинг кўчиб юриши, аралашуви, ўзаро тўқнашувлари, урушлари билан ажралиб туради. Лекин бу ҳодисалар халқларнинг бир-биридан ўрганишига, тажриба алмашишига, турли ғояларнинг тарқалишига ҳам хизмат қилган.

3. Ислом тамаддунининг гуллаб-яшнаши ва темурийлар даврида қайта уйғониш босқичи.

4. Анъанавий жамиятнинг қарор топиши ва ижтимоий-иқтисодий ва маънавий-маданий таназзул босқичи.

5. Мустамлакачилик даври маънавияти: а) чор Россияси мустамлакачилиги ва б) шўролар даври.

6. Истиқлол даври маънавияти.

Бу босқичларнинг ҳар бирини ўз навбатида катта-кичик даврчаларга, туркумларга бўлиш мумкин. Мазкур босқичлар алоҳида ўрганилиши зарур. Кейинги мавзуларимиз шуларга бағишланади.

14. МИЛЛИЙ МАЪНАВИЯТИМИЗНИНГ АРХАИК ВА ИЛК ЗАРДУШТИЙЛИК ДАВРИ (ЭНГ ҚАДИМГИ ДАВРДАН – МИЛОДИЙ IV АСРГАЧА)

Бу босқич маънавияти ҳақида тасаввурларимиз унчалик чуқур ва яхлит эмас. Биз янги тош асрида яшаган аждодларимизнинг қарашлари, эътиқодлари, оламга муносабати, турмуш тарзи тўғрисида қоялардаги суратлар (Зароутсой, Сармишсой, Сийпантош ва бошқа жойлардаги), туркий халқлар оғзаки ижодида сақланиб қолган архаик унсурлар, қолдиқлар, «Ўғузнома» асотирлари, «Авесто» асотирлари ҳамда археологик қазувларда топилган моддий-ашёвий ва эътиқод-ибодатга оид ашёвий далиллар орқали биламиз. Бу босқичнинг дастлабки даврида синкретик онг ва асотирий тафаккур устунлик қилган, охириги даврида ибтидоий муносабатлар емирила бошлаган бўлса-да, ҳали анча кенг тарқалган эди. Жамиятда ижтимоий дифференциялашув, турли табақаларга

ажралиш, айниқса, мулкий табақаланиш сезиларли даражада эмас эди. Уруғ-жамоалар, қабилалар бошлиқлари, оқсоқоллари, етакчилари ва уддабурон кишиларда эндигина бойлик унсурлари тўпланаётган, хусусий мулк вужудга келаётган эди. Милоддан аввалги 2–2,5 минг аввал аҳолининг бир қисми ўтроқ яшаб, деҳқончилик билан шуғулланар, йирик қишлоқлар ва протошаҳарлар энди вужудга кела бошлаган эди. Аҳолининг бошқа қисми кўчиб юрар, чорвачилик билан шуғулланар, шу сабабдан турли этнослар тез-тез тўқнашиб, аралашиб кетарди. Водийлар ва воҳалардаги аҳоли таркиби ҳам ранг-баранг, доимо ўзгариб турарди.

Археологик қазилмалар ҳозирги Жанубий Ўзбекистонда 4–5 минг йил аввал йирик манзиллар – протошаҳарлар (шаҳар ва қишлоқ ўрталиғидаги манзил – шаҳар даражасига ҳали етмаган, аммо қишлоқ даражасидан ўтиб кетган) – маданият ўчоқлари пайдо бўлганидан далолат беради. Илк ўтроқ манзиллар, протошаҳарлар қирғоқлари паст, суви саёз дарёлар делталарида, жилғалар бўйида ёки катта дарёларнинг ёйиқ делталарида, сойларда вужудга келган. Чунки бундай ҳолларда дарё сувидан деҳқончилик (суғориш) мақсадларида фойдаланиш қулай бўлган.

Таъкидлаш лозимки, бу даврда дастлаб турли нарсаларга ва санамларга сиғиниш (фетишизм), сўнгра уруғ боши ҳисобланган дарахтларга, ҳайвонларга, қушларга (тотемизм), табиат ҳодисалари ва аждодлар руҳларига сиғиниш (анимизм, табиатни жонлаштириш), сўнгра Тангри, Кўк, Ахурамазда каби бош худо, эзгулик ва ҳаёт тимсолларига, уларнинг ҳар хил кўринишларига – ғайритабиий кучларга, маъбудларга сиғиниш қарор топган.

Юқоридаги бобда келтирилган қалдирғоч ва илон ҳақидаги асотир аждодларимиз томонидан ана шу босқичда яратилган. Мис ва бронза асридан, яъни ибтидоий жамиятдан илк аграр жамиятга ўтиш давридан бизгача умумтурк асотирлари ва Ўғизхон ҳақида асотирлар, «Авесто»нинг архаик қисмида акс этган асотирлар, яна «Алпомиш» достонидаги архаик сюжет қолдиғи – эрнинг ўз хотини тўйига келиб, даъвогарлар билан беллашуви ва уларни жазолаши (атоқли олим В.М.Жирмунский буни ўз вақтида Ҳомернинг «Одиссея» достонидаги ўхшаш сюжет билан

киёслаб таҳлил қилган эди) ҳамда Тўмарис ва Широк ҳақидаги афсоналар етиб келган, деб аниқ айтиш мумкин.

Лекин, афсуски, турли сабабларга кўра, ўша даврнинг мамлакатимизда яратилган йирик ёзма ёдгорликлари, йилномалари ва диний-фалсафий битикларидан бирортаси бизгача тўлиқ етиб келмаган (ҳатто «Авесто»нинг сақланиб қолган нусхаси бизнинг минтақада эмас, дастлаб Ҳиндистон парсийларида топилган), босқинчилар томонидан йўқ қилинган. Беруний ўзининг «Осор ул-боқия» китобида жуда қисқа, аммо ниҳоятда таъсирчан мисолларни келтирган: Искандар Зулқарнайн Эронни босиб олгач, «Авесто»нинг 12 минг дона терига ишланган нусхасини ўтда куйдирган. Умуман «Авесто»нинг тўлиқ нусхалари йўқ қилинган. Беруний маълумотига қараганда, унинг фақат бир қисмигина сақланиб қолган. У кейинчалик қайта тўпланган. Юнонлардан кейин минг йил ўтгач, араблар аждоқларимиз яратган ёзма ёдгорликларни, жоҳилияни тарғиб этади деб, йўқ қилганлар. Шу боис биринчи ва иккинчи босқичлар маънавияти ҳақида тасавурларимиз анча кемтик ва нисбатан саёз.

Умумтурк асотирларидан парчалар ёзиб қолдирилиши милоднинг 6–10-асрларига тўғри келади. Булар уйгур, суғд, хитой, эрон ва араб манбаларидир. Лекин бу асотирларнинг яратилиши, албатта, кўз илғамас тарих бағрига сингиб кетган. Улар ёзиб олинган даврига нисбатан камида 2–3 минг йил илгари пайдо бўлган. Аждоқларимиз уни авлоддан-авлодга оғзаки узатиб келганлар. «Авесто» ҳам асрлар давомида оғзаки намуналарда, халқ хотирасида сақланган.

Умумтурк асотирлари орасида биринчиси генеологик (бирор ижтимоий ходисанинг, уруғ-қабиланинг келиб чиқиши ҳақида) асотирлардир. Умуман, барча асотирларни акс эттираётган ахборотига, бераётган билимига қараб генеологик ва маданий асотирларга ажратиш мумкин. Генеологик асотирлар бирор нарсанинг, ижтимоий ходисанинг, уруғ-қабиланинг, урф-одатлар, касб-хунарлар ва ҳ.к. келиб чиқиши тўғрисидаги маиший (тубан) ва фалакиёт (юксак) асотирларга бўлинади. Асотирлар персонажлари қилган ишларига мувофиқ ўз уруғ-қабиласининг душманларини ёки ёвуз махлуқларни – дев ва жинларни

енгиб, эркинлик келтирган ботир эпик қаҳрамонларга ва одамларни қонун-қоидага, тартибларга, янги билимлар ва касб-ҳунарларга ўргатган «маданий» қаҳрамонларга ажратилади. Баъзи персонажлар ҳар икки ҳислатни – эпик қаҳрамон ва «маданий» қаҳрамон ҳислатларини ўзида бирлаштиради.

Олимлар турк қавмининг келиб чиқиши ҳақидаги асотирни энг қадимги ҳисоблайдилар. Бу асотир VI аср ўрталарида хитойликлар томонидан икки вариантда ёзиб олинган. Асосий вариантда воқеа шундай ривожланади: туркларнинг аجدодлари йирик ботқоқлик бўйида яшаганлар. Лекин қўшни қабилалар уларни қириб ташлаган. Фақат қаттиқ яраланган, майиб этилган 10 яшар болагина омон қолган. Болани урғочи бўри боқиб, асраган, сўнг унга хотин бўлган. Душманлар болани барибир ўлдиришган. Бўри эса Гаочандан шимолроққа – тоққа қочган. У ғорда ўнта ўғил туққан. Ўғилларидан бирининг исми Ашина – уруғ номига айланган. Кейинчалик уруғлар сони кўпайган ва Ашина қабила бошлиғи бўлган. Унинг авлодига мансуб Асаншад қабиласини ғорлардан олиб чиққан ва Олтойга келиб ўрнашган. Қабила турклар деб атала бошлаган. Асотирнинг иккинчи вариантыда бўрининг бошқа авлодлари ҳақида ҳам гапирилади. Уларнинг орасида куман (оққув) ва қирғиз уруғлари номи учрайди.

Уйғурларнинг хон уруғи – яғлақар ҳақидаги асотирда эркак бўри ва хун маликаси уруғбоши сифатида эсланади. Уйғурларнинг бошқа бир эдиз уруги келиб чиқиши ҳақидаги асотирда уругбоши деб муқаддас дарахт кўрсатилган. Уруғбоши сифатида бошқа турк халқларида буқа ва буғу ҳам учрайди (Ушбу муносабат билан Ч.Айтматовнинг «Оқ кема» асарини эсланг).

Ўғузхон ҳақидаги асотирлар, бир томондан, генеологик, иккинчи томондан эса – эпик қаҳрамонлик, «маданий қаҳрамон»лик унсурларини акс эттиради. Унда қадимги архаик қатлам билан бир қаторда кейин қўшилган «маданий» қатлам мавжуд. «Ўғузнома»да бу асотирларнинг 13–14-асрлардаги қарлуқ-уйғур талқини ўз аксини топган. Лекин унинг мазмуни, биринчи навбатда, архаик қатлами ёзиб олинган вақтга нисбатан камида 2 минг йил аввал яратилган.

Асотирда айтилишича, Ўғузхон ёруғ нурдан онасининг бўйида бўлган, унинг отаси – илоҳий куч (ушбу муносабат билан Исо Масих ҳам онаси бўйида шунга ўхшаш тарзда бўлганини эсланг). Туғилишиданок баҳодир, паҳлавон бўлиб дунёга келади. Болалигида йилқилар уюрини еб кетадиган бирмуғузли махлукни енгади. Ўғузхоннинг қиёфаси, анатомик тузилиши кучли ҳайвонларнинг у ёки бу томонига ўхшайди ва аслида аждодларимизнинг тотемистик қарашларини акс эттиради. Унинг доимий ёрдамчиси, йўл кўрсатувчиси – бўз бўри. Ўғузхон нурга чўлғаниб осмондан тушган қиз билан турмуш қуради. Ундан Ўғузхоннинг учта катта ўғиллари туғилади: Кун, Ой, Юлдуз. Бошқа хотини – ерлик гўзалдан – уч кичик ўгли туғилади: Кўк, Тоғ ва Тениз (денгиз). Асотирда Ўғузхоннинг қахрамонликлари, ўз мулкини ўғиллари орасида тақсимлаши, турли тартиблар, яшаш меъёрлари ва қонунлар ўрнатиши (шу боис уни «маданий қахрамонлар» қаторига ҳам киритиш мумкин) ва ҳ.к. тасвирланган. Ўғузхон ҳақидаги асотирлар, бошқа умумтуркий асотирлар каби, кейинчалик ислом таъсирида анча қайта ишланган, ўзгартирилган. У Ёфаснинг авлоди дейилади. Ўғузхон образи мусулмон қахрамони сифатлари билан «бойитилган».

Умумтуркий асотирлардаги Тангри образи, айниқса Тангри ҳақидаги илк тасаввурлар қолдиқлари, аждодлар руҳига сигиниш, анимизм ва политеизм унсурларини ўз ичига олган. Кейинчалик Тангри образи бош Худо, ислом таъсирида эса ягона Худо синоними сифатида тушунилган. Умай-хотун образи ҳам мураккаб тадрижий йўлни босиб ўтган. Дастлаб Тангрининг хотини, бирламчи, ҳаётни бошлаб берувчи она, сўнгра табиат, ҳосилдорлик маъбудаси сифатида тасвирланган. Умай-хотуннинг ҳаётни бошлаб берувчи она сифатидаги образи ислом таъсирида унутиб юборилган, чунки исломга биноан, табиатни, тирикликни ва инсонни Оллоҳ яратган, унинг ҳеч қандай шериги йўқ. Умай-хотун образи ҳозир фақат баъзи бир ирим-сирим ва аждодлар руҳига сигиниш қолдиқлари, унсурлари сифатида, «тубан асотир» персонажи кўринишида учрайди.

Ислом асотирлари ва қарашлари аста-секин халқимиз онгидан қадимги асотирларни сиқиб чиқарди. Фақат фанда «тубан асотирлар» деб аталадиган (фалакиёт билан

эмас, ер ташвишлари, кундалик турмуш ва меҳнат билан боғлиқ) қатламдан айрим унсурлар «исломлашган» шаклда сақланиб қолган. Масалан, Чўпон-ота, Бургут-бобо, Қўркут, Умай-хотун образлари шулар жумласидандир.

Илк зардуштийлик. Илк зардуштийлик тўғрисида тасаввурларимиз анча юлик, тўлиқ эмас. У ҳақда маълумоти асосан «Авесто»нинг Ҳата(гата)лар қисмидан олиш мумкин. «Авесто»нинг энг қадимги қисми «Ҳата»лар асотирилари ҳам неолит даври охирларида шакллана бошлаган. Чунки унда ўзига хос тарзда умумхиндий-арий қатлам қолдиқлари учрайди. «Авесто»да Ахурамазда (Ормузд, Хурмузд) – эзгулик ибтидоси, бош худоси ва унинг ракиби – Зулмат руҳи – ёвузлик ибтидоси Ангра-Майнйу (Ахриман) ўртасидаги кураш тасвирланган. Ахуралар «Авесто»нинг қадимги қисмида табиат ва жамиятда тартиб ўрнатиш, зулмат ва ёвузликка қарши курашадиган илоҳий мавжудотлар, деб тасвирланган. Ҳаталарда улар яқин келажакда зулмат ва ёвузлик кўшинлари – девлар устидан ғалаба қозонажаги, «Кичик Авесто»да эса бу бир неча минг йилдан кейин юз бериши ҳақида гап боради.

«Авесто» бизга энг кейинги расмийлаштирилган вариантда милодий (340 й.) маълум. Бу даврга келиб ундаги баъзи тотемистик ва кўпхудочилиқ унсурлари бошқачароқ талқин қилинганини, эзгулик худолари Ахурамазда – бош худо қавмига, ёвузлик худолари эса Ангра-Майнйу кўшинига киритилганини кўрамиз. Натижада зардуштийлик эътиқод ва ахлоқ масалаларида дуалистик дин – икки ибтидога асосланган динга айланган. Политеистик (кўпхудочилиқ) диндан дуалистик динга айланиш зардуштийлик таълимоти тадрижий ривожланишининг (эволюциясининг) объектив тенденцияси бўлган. «Авесто»нинг ёзма тартиб берилган варианты ушбу тенденцияни ўзида акс эттирган.

Зардуштийликнинг асл ватани ҳақидаги масала тўғрисида хилма-хил фикрлар мавжуд. Кўпчилик олимлар у Ўрта Осиёда, хусусан, Хоразмда, Сўғдда ёки Бахтарда шаклланганлигини таъкидлайдилар. Хоразмда Амударё бўйида жойлашган Хумбузтепада сўнгги йилларда олиб борилган қазилмалар шундан далолат бермоқдаки, воҳада шаҳарлашган маданият милодгача VII аср охирларида вужудга кела бошлаган. Бу Эронда аҳмонийлар

сулоласи шаклланишидан олдинги даврдир. Хумбузтепада очилган ёдгорликнинг зардуштийликка мансублиги аниқ исботланган. Ибодатхона қолдиғи милоддан аввалги V асрга тегишли. У зардуштийликнинг ҳозиргача фанга маълум энг қадимги ибодатхонасидир. Бу далил зардуштийлик бешиги Хоразм бўлгани эҳтимолини янада оширади.

Ҳозирги замон фанининг Ҳаталар яратилган давр пахлавий манбаларида кўрсатилган даврга нисбатан тахминан 500 йил илгарироқ эканлиги тўғрисидаги хулосаси пахлавий манбаларидаги нафақат хронологик (вақт, давр) маълумотларни, шунингдек, бошқа баъзи бир маълумотларни ҳам анча шубҳа остига қўяди.

«Авесто»га қайта тартиб берилиши. «Авесто», гўёки, илк бор Зардуштнинг куёви ва шогирди Жамасп томонидан ёзиб олинган. Ундан сизир териларига кўчирилган икки нусхаси шоҳ хазинасида сақланган ва Искандар томонидан, юқорида айтилганидек, куйдирилган. Кейинчалик Парфия шоҳи Валгаш (эрамизнинг 50-йиллари) ва сосонийлар сулоласи асосчиси Биринчи Ардашер Папакан (эрамизнинг 224–241-йиллари) «Авесто»нинг омон қолган парчаларини йиғишга буйруқ берганлар. Фақат Иккинчи Шопур (309–379 й.) даврида зардуштий руҳонийлар, хусусан, коҳин Маҳраспанд ўғли Атурпат (340 й.) «Авесто» матнларини ва уларнинг тартибини тасдиқлаган, зардуштийлик узил-кесил Эроннинг давлат динига айланган. Шундан сўнг Эронда бошқа динларни таъқиб қилиш бошланган. «Авесто»га иккинчи марта тартиб берилгач, сосонийлар мамлакатада у ҳамма учун мажбурий диний-фалсафий, ахлоқий, ҳуқуқий ва ибодат ҳужжатига, турмуш тарзининг қатъий йўриғига айланган. Албатта, «Авесто»нинг расмий тасдиқланган таркибига кирмай қолган матнларга, талаб ва меъёрларга хайрихоҳлар ўша пайтлар кам эмас эди. Айниқса, Эронга бўйсунмаган мустақил мамлакатларда ёки Эрондан мустақил бўлишга интилган мамлакатларда, хусусан Хоразм, Сўғд ва Бахтарда.

Фараз қилиш мумкинки, бизнинг минтақамизда «эронийлаштирилган», расмий тус берилган «Авесто» унчалик машҳур бўлмаган ва кенг тарқалмаган. Лекин ҳар ҳолда «Авесто»нинг оғзаки ва норасмий вариантлари эра-

мизнинг дастлабки асрларида ҳам маънавий ҳаётимизда анча из қолдирган. Бу даврда (IV аср) аждодларимиз маънавияти ривожланишининг плюралистик қарашлар негизидаги иккинчи босқичи ўзининг гуллаб-яшнаган палласига кира бошлаган эди. Ҳатто Канишка давлатида расмий мақом олган буддавийликнинг таъсири бизнинг минтақамизнинг илгари тарқалган жойларида (ҳозирги Сурхондарё ва Фарғона водийси) пасая бошлаган эди.

«Авесто» куйидаги мундарижага эга:

1. Ҳата (Гата)лар. 2. Ясна, Виспарат (барча куззотлар). Ясна – ибодат деган мазмунни билдиради. Одатда, Ясна таркибига Ҳаталар, Хомяшт – Хаома руҳининг Зардуштга келиши тўғрисида маълумот ва Виспарат киритилади. 3. Яштлар. 4. Видевдат (девларга қарши қонун). 5. Кичик матнлар ёки форсий тилда Хорда Авесто – Кичик Авесто.

Ҳаталар 248 мисрадан иборат бўлиб, Яснанинг 17 бобини ташкил этади.

«Кичик Авесто»да Зардушт янги динни жорий қилишда қадимги эроний худолар – Ардвисура Анахита, Хаома, Митра, Беретрагнадан кўмак сўрайди. Лекин Ҳаталарда бундай худолар мутлақо эсга олинмаган. (Таъкидлаш жоизки, зардуштийлик бўйича йирик мутахассис Х.Нюберг Ардвисура Анахита образи дастлаб Сирдарёнинг ўрта оқимида яшаган саклар орасида шаклланган, деб ҳисоблайди. Дастлаб у дарё маъбудаси бўлган, кейинчалик йирик худолардан бирига айланган)¹. Ҳаталарда эроний худолар тилга олинмаслиги «Авесто» қадимий

¹ «Анахита» сўзини 2014 йилда Абдусаттор Жуманазар «Сумалак» номли мақоласида (ЎЗАС, 28 март, 13 сон) туркийча – Анакут (Она-кут) деб талқин қилади. Ушбу талқин Х.Нюберг фикрига зид келмайди. Лекин «Авесто»даги эроний худолар ва маъбудалар орасига туркий Худо қандай қилиб кириб қолган, деган савол туғилади. Бундай ҳолат фақат ўша халқларнинг араллашиб, дурагайлашиб кетиши натижасида юз бериши мумкин. Бундан ташқари, ўша даврда туркий халқларда ҳосилдорлик, кут-барақа маъбудаси Умай-хотун ҳисобланган. Балки, Ана-кут Умай-хотуннинг иккинчи номидир. Масала янги тадқиқотларни талаб қилади. Иккинчи томондан, қадимги давр учун қўшни халқлар маъбудлари араллашиб, бир-бири томонидан қабул қилиниши, маҳаллий маъбудлардан айримлари йириклашиб биринчи даражали умумий маъбудаларга айланиши фанга маълум. Балки, Анахита, ҳақиқатдан, Анакутдир.

қисмининг асл ватани Эрон эмаслигини кўрсатади. Лекин юқорида келтирилган далил «Авесто» эрамиз бошларида Эронда қайта тўпланганини, бу даврга келиб у анча «эронийлаштирилганини», айниқса, «Кичик Авесто» эронлик зардуштий қоҳинлар таъсирида ва таҳририда яратилганини билдиради.

«Авесто»да тўфон, оламни сув босгани тўғрисидаги асотирларга ўхшаш маълумот бор. Ахурамазда Йимани (Жима; «Шохнома»да ва форс манбаларида у Жамшидга қиёс қилинади) бу дунёнинг ёвуз одамлари устига қиш келиб, булутлардан қор ёғиши, молларнинг учдан бири омон қолиши, ҳозирги яйловларни сув босиши ҳақида огоҳлантирган. Сўнг Ахурамазда Йимага фалокатдан омон қолиш мақсадида майда мол ва қорамол, одамлар, итлар ва қушлар, олов-оташ уруғи учун ер остида Вара деган шаҳар қуришни буюради. Бу аждодларимиз хотирасида муз даврининг охирида табиатда юз берган ўзгаришлар ҳақида сақланиб қолган тасаввурлар қолдикларидир.

Бизнинг юқоридаги мисолни келтиришимиздан мақсад муз даврини эслатиш эмас, балки С.П.Толстов Хоразмда «Авесто»да тасвирланган Варага ўхшаш жой қолдиғини қазилмалар пайтида топганига, бу ҳам илк зардуштийлик қаерда шаклланганига бир қўшимча далил бўлиши мумкинлигига диққатни қаратишдир.

Фараз қилиш мумкинки, «Авесто» асотирларининг бир қисми меҳнатнинг биринчи тарихий тақсимотидан – чорвачилик ва дехқончиликнинг бир-биридан ажралмасидан аввал ёки илк бор чорвадорлар орасида шаклланган. Чунки унда тасвирланган қурбонлик маросимлари, баъзи бир урфлар, географик жойлар ва иқлим, қадимги турмуш тарзининг кўплаб унсурлари қадимги чорвадорлар, чўлда яшовчи халқларга оидлигини сақлаб қолган. Шу боис И.Брагинский «Авесто» кўпроқ Марказий Осиё худудий топонимикаси (жой атамалари) ва қадимги халқи турмуш тарзининг хусусиятларини акс эттиришини алоҳида таъкидлайди.

Бизгача етиб келган «Авесто» асотирларидан намуна келтириб ўтирмаймиз. Аммо маънавият билан боғлиқ бир нарсани таъкидламоқчи эдик. Зардушт таълимотида

эзгулик ва ёвузлик ўртасидаги кураш оқибатида қарор топадиган олам тартиби – тўғри йўл одамларнинг эркин танлашига, онгли равишда эзгулик томонида туриб фаол курашишига боғлиқ, деган ғоя олға сурилган. Бу зардуштийликнинг уч минг йил оша бизгача етиб келган, ҳозир ҳам, бундан кейин ҳам аҳамиятини йўқотмайдиган буюк умуминсоний қадриятга айланган ғоясидир. Бу ғоя умуминсоний маънавиятнинг тамал тошларидан биридир.

Маънавиятимиз илк босқичи охирларидаги тадрижи. Маънавиятимиз ривожланишининг биринчи босқичидаёқ, аждодларимиз эзгулик ва ёвузлик, бурч ва орномус, ватанпарварлик ва озодлик, мардлик ва фидойилик каби юксак ғояларни, абадий қадриятларни чуқур идрок этганининг ва ижодларида муҳрлаб қолдирганининг гувоҳи бўламиз. Айнан биринчи босқич охирларида, Э.Ртвеладзе фикрича, Марказий Осиёда арабий ва юнон имлоси асосида бактрий, сўғдий, хоразмий, парфий, бироз кейинроқ урхўн имлолари шаклланган. Биринчи босқичнинг охирида суғориладиган дехқончилик анча ривожланди. Бу аждодларимиз томонидан олов, ҳаво, сув ва ерни дастлаб асотирларда, сўнгра диний-фалсафий таълимотлар ва ибодат амалиётида илоҳийлаштиришга, муқаддаслаштиришга сабаб бўлди.

Турон ва Эроннинг зардуштийликка мансуб халқлари тупрокни муқаддас ҳисоблаганлар ва уни ҳар жиҳатдан покиза сақлашга уринганлар. Масалан, ўликларни тупроққа кўммаганлар, балки махсус жойларда бир неча муддат сақлаб, суяқларини кейин хумга (остадонларга) солганлар. Тупроқ муқаддас ва ҳалол ҳисоблангани учун уйларини ва иморатларини фақат пахса ёки гуваладан, хом ғиштдан курганлар. Кейинчалик эса хом ғиштни яна бир муқаддас унсур – оловда пиширишни ўрганганлар. Шундай қилиб, зардуштийлик таъсирида уй-жой ҳалол ҳисобланмаган тошдан эмас, балки муқаддас икки ёки уч унсурнинг иштирокида – пахса, гувала, хом ғишт, пишиқ ғишт (сув, тупроқ, олов) бунёд этилган. Ғарбий Эронда Биринчи Доро барпо этган Персепол (Эроншаҳр) харобалари, унинг яқинида Нақши Рустам, Нақши Ражаб харобалари сақланиб қолган. Шаҳар тўлиқ тошлар-

дан курилган. Бу зардуштийлик ўша пайтлари Эроннинг Форс қисмида тарқалмаганини кўрсатади. Ҳақиқатан, аҳмонийлар Хуросон ва Мовароуннахрни босиб олганидан кейин зардуштийлик Форсда тарқала бошлаган.

Зардуштийлик негизда вужудга келган Марказий Осиё тамаддуни Хитой, Ҳиндистон, Эрон, Яқин Шарқ тамаддунидан ёш бўлмаса-да, аммо бинолар тошдан ясалмагани учун архитектура ёдгорликлари ўша даврдан бизгача етиб келмаган (буддавийларнинг ибодатхоналари эса, ислом келгач, бузиб ташланган). Диний-фалсафий қарашлар, бинобарин, улар негизда шаклланадиган маънавият, бир томондан, табиий-тарихий омиллар таъсирида вужудга келган. Иккинчи томондан эса, уларнинг ўзи турмуш тарзининг, ҳатто ишлаб чиқариш ва моддий маданиятнинг кўп томонларини белгилаган.

Қадимги фалсафий қарашларда оламнинг субстанционал моддий асоси (ўзаги ёки жавҳари, жавҳар ал-фард) тўғрисида фикр юритилганда, тупроқ, сув, олов, ҳаво ана шундай ўзак унсурлар ҳисобланган. Агар унсурлар бир неча деб қаралса, уларнинг ҳаммаси киритилган. Қадим замонлардаёқ оламнинг асосини ташкил этувчи унсурлар сони тўртта деб ҳисобланган. Бу таълимотнинг ватани деб, фалсафа тарихини ўрганувчи олимлар Ҳиндистонни кўрсатишади. Аммо тўрт унсур ҳақидаги таълимот Турон ва Эрон зардуштийлари орасида шаклланиб, кейин арийлар билан Ҳиндистонга бориб қолган бўлиши эҳтимоли анча юқори. Арийларнинг Ҳиндистонга бориши милoddан аввал икки мингинчи йилларда содир бўлган.

Қадимшунослар ўз қазилмаларида бир ҳолатга дуч келадилар. Эрамизгача II минг йилликнинг II чорагида Ўрта Осиё минтикасисининг кўп қишлоқ ва шаҳарлари аҳолисининг таркиби ўзгарган. Уларнинг бир қисми Ҳиндистонга кўчган арийлар бўлиши мумкин. Улар ўрнини бошқалар эгаллаган. Чунки кулолчилик идишларини яшаш усули ва безашда ишлатиладиган нақшлар ўзгарган.

«Авесто»нинг бизгача етиб келган қисмининг ўзбек тилига таржима қилиниши, у ҳақда илмий, илмий-оммабоп мақолаларнинг пайдо бўлиши, келгусида эса, шубҳасиз, кўпайиши, мамлакатимизда олиб борилаётган археологик қазилмалар натижалари ҳақида кенг жамоат-

чиликни хабардор қилиб бориш маънавиятнинг мазкур босқичи тўғрисидаги тасаввурларимизни янада бойитади ва ойдинлаштиради. Чунки «Авесто» вужудга келишига бизнинг аждодларимиз – қадимги хоразмийлар, сўғдлар, бахтарликлар ҳал қилувчи ҳисса кўшганлар. «Авесто» асотирлари вужудга келишида қисман сак-скифларнинг, каспийолди халқларининг ҳам ҳиссаси бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Чунки «Авесто» асотирларини акс эттирган архаик қатламининг баъзи бир унсурлари шундай ҳулосага зид келмайди.

Бундан 2,5–3,5 минг йил бурун Ўрта Осиёда ижтимоий-тараққиёт анча тезлашди. Фарғона ва Зарафшон водийлари, Амударё, кичик дарёлар бўйларида кўплаб шаҳарлар пайдо бўлди. Уларнинг кўпчилиги урушлар, босқинчиликлар ёки зилзилалар ва табиий офатлар тўғрисида вайрон бўлиб, йўқолиб кетган. Лекин ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида Самарқанд, Бухоро, Нахшаб (Насаф), Кеш, Термиз, Урганч, Хива, Шош, Туркменистонда Мари, Тошовуз, Чоржуй, Фарғона водийсида Ўш, Хўжанд, Марғилон, Риштон ҳамда бошқа ҳудудларда кўплаб катта-кичик шаҳарлар узлуксиз равишда дастлабки жойидан унча узоклашмасдан 2–2,5 – 3 минг йил давомида яшаб келяпти. Бу даврларда улар аҳолиси этник таркиби ҳам анча-мунча ўзгарган. Қадимдан яшаган маҳаллий уруғ-қабилаларга кўчиб келган янги уруғ-қабилалар аралашган, уларнинг маданиятларини бойитган. Биз мавзунинг бошида ўзбек халқи ва ўрта осийлик ҳозирги бошқа халқлар уларнинг ворислари эканлигини таъкидлаган эдик. Буни яна бир бор эслатмоқчимиз.

15. ИСЛОМГАЧА БЎЛГАН ДИНИЙ-МАФКУРАВИЙ ПЛЮРАЛИЗМ БОСҚИЧИ (МИЛОДГАЧА IV АСР БОШЛАРИДАН – МИЛОДИЙ VIII АСРГАЧА)

Бу босқич Искандар Зулқарнайн истилосидан араблар истилосига қадар (милодий VIII аср боши), таҳминан минг йилдан сал кўпроқ давом этди. Бу даврда халқларнинг, маданиятларнинг қоришуви, аҳоли миграцияси ва таркибий ўзгариши аввалги босқичга нисбатан анча кучайган ва тезлашган. Милoddан аввал IV аср-

нинг 30 йилларидан Искандар Мақдуний (Зулқарнайн, Македонский)нинг Шарқ мамлакатларига юриши бошланди. 2–3 йилдан кейин унинг кўшинлари бизнинг шаҳар ва қишлоқларимизни келиб босди. Искандар ҳеч қаерда Ўрта Осиёдаги каби қаршиликка учрамаган эди. Ўрта Осиёнинг ўтроқ аҳолиси ҳам, кўчманчи чорвадор аҳолиси ҳам ўта жангари, мард ва кўркмас эди.

Искандар даврида юнон ва Яқин Шарқ маданияти, урф-одатлари, политеистик дини, хунармандчилик буюмлари юртимизда тарқала бошлади. Айниқса юнон театри (бу даврда Еврипид театри) биз учун янгилик эди. Маҳаллий маданият юнонларнинг юксак маданияти ютуқлари ҳисобига бойиди. Тилимизда масхара ва масхарабоз деган сўзлар бор. Олимлар фикрига кўра, у юнонча «о маскарас», никоб (кийган) таққан сўздан олинган. Юнон театрида актёрлар худолар, маъбудлар ва афсонавий қаҳрамонларнинг никобини кийиб, уларнинг ролларини ижро этган. Дастлаб масхарабоз тилимизда актёр маъносида ишлатилган. Умуман, Искандар фақат босқинчи эмас, шунингдек, маданиятлар ривожига, ўзаро таъсири ва бойишига катта ҳисса қўшган шахс ҳам эди. У босиб олган мамлакатларда 30 га яқин юнон шаҳарларини, жумладан, Ўрта Осиёда 8 та шаҳар курдирган дейилади. Жанубий Ўзбекистон ва шимолий Афғонистонда Искандар вафотидан кейин салавкийларнинг Юнон-Бактрия давлати сал кам икки аср яшади.

Иккинчи босқичда биз Марказий Осиёда жуда рангбаранг маданият, бой шаҳарлар, юксак маънавият ривожланганини кўрамиз. Янги шаҳарлар пайдо бўлди. Зардуштийлик билан бир қаторда юнон кўпхудочилиқ дини, буддавийлик (буддизм), монийлик, кейинчалик эса христианликнинг несторий (насронийлик) мазҳаби кириб келди. Анимизм унсурлари ҳам кўчманчи ва яримкўчманчи аҳоли орасида, улар орқали шаҳар ва қишлоқларда турли шомонлар, қушночлар томонидан ирим-сиримлар, рухий доволаш орқали тарғиб этиб турилди.

Фараз қилиш мумкинки, бу даврда минтақамизда диний мўътадиллик, хайрихоҳлик ва мурасағўйлик қарор топган. Динлар ўртасидаги рақобат мутаассибликка, йирик ижтимоий ихтилофларга, тўқнашувларга олиб кел-

маган. Ҳар холда тарихий манбаларда (на хинд, на хитой, на Яқин Шарқ ва юнон-рим манбаларида), ривоят ва афсоналарда бизнинг минтақада яшаган маҳаллий аҳоли ўртасида йирик ички диний тўқнашувлар, урушлар тўғрисида махсус қайд этилган маълумотлар учрамайди. Археологик қазувлар далолат беришича, бу даврда аждодларимиз ҳунармандчиликда, амалий билимларда, санъатнинг барча турларида – ҳайкалтарошлик, ранг-тасвир, мусиқа, театр, рақсда юксак ютуқларни қўлга киритганлар.

Бу босқичда яқка ҳукмронлик қиладиган, ҳатто яққол етакчилик қиладиган бирор динни кўрмаймиз. Аввалги босқичда турли динлар, эътиқодлар анча-мунча учрасада, ўтроқ халқ эътиқодида етакчилик вазифасини зардуштийлик ўйнаган, дейиш мумкин. Иккинчи босқичнинг биринчи чораги охирида Сурхон воҳаси ва Фарғона водийсида буддавийлик, ўрталарида эса монийлик зардуштийликдан кам мавқега эга эмасди. Зардуштийлик эса анча ўзгарган, у ўзаро таъсир натижасида бошқа динларнинг, балки зардуштийликдан ҳам аввалги архаик асотирий тасаввурларни (кўчманчи кабилалар таъсирида) ўзида акс эттирган. Буни археологик қазувлар ва мазкур давр санъат асарлари яққол исботлаб турибди.

Олимлар тахмин қилишларича, бизнинг минтақамиз буддавийликнинг энг илгор ва эстетиклашган шаклларида бирининг маркази бўлган. Биздан у Хитой, Корея ва Японияга тарқаган. «Ўша замонларда (милодгача I – милодий III аср ўрталаригача – А.Э.), – деб ёзади акад. Э.Ртвеладзе, – Шарқда Тинч океанидан тортиб Ғарбда Атлантика океанигача бўлган бутун маданий дунё тўртта қудратли давлат – Хан империяси, Кушон ва Парфия давлатлари, Рим империяси тасарруфида эди. Муайян қарама-қаршиликларга қарамай, мазкур давлатлар ўртасида товарлар, илмий-техник, маданий ютуқлар алмашилган, турли мамлакатлар ва халқлар орасида қизғин маданий алоқалар давом этган, ўзининг қулай географик жойлашуви туфайли Марказий Осиё бунда етакчи роль ўйнаган»¹.

¹ Эдвард Ртвеладзе. Устозларнинг устози // «Маънавий ҳаёт». №2, 2014. 46-б.

Олим ушбу жараёнда Буюк Ипак йўли ва Буюк ҳинд йўли (Э. Ртвеладзе бу икки йўлни аниқ ажратади ва буюк Ҳинд йўли анча олдин – бронза даврида, эрамиздан III–II минг йил аввал шаклланганини эътироф этади – А.Э.) ниҳоятда катта роль ўйнагани таъкидлайди. Фикрини давом эттириб, ёзади: «Марказий Осиё мамлакатларига будда дини билан бирга қадимги ҳинд илм-фани ютуқлари, табобати, фалсафаси ҳам кириб келди. Ўз навбатида Узок Шарқ мамлакатлари – Хитой, Корея ва Японияга буддизм Бактрия орқали кириб борди. Кўхна Хитой ёзма манбаларида ушбу заминдан чиққан, буддавийликка оид асарларни Хитой тилига таржима қилган бир қатор тилмочлар, хусусан, тармиталик (термизлик) монах Дхармамитранинг номи тилга олинади»¹.

Монийлик ҳам тугал таълимот даражасига етиши учун ўзига Турон тупроғида нисбатан кенгрок ижтимоий таянч топган. Монийликка оид адабиётлар асосан сосонийлар империясининг чекка ҳудудларида ёки кўшни ҳудудларда (Шарқий Туркистон, Миср) топилгани, унинг Бобил ва империянинг марказий вилоятларида каттик мафкуравий қаршиликка дуч келганлигидан, расмий доираларда муҳолиф таълимот сифатида унга кўпроқ салбий муносабат қарор топганидан далолат беради.

Моний ўз таълимотини зардуштийлик, буддавийлик ва христианликни умумлаштириш асосида вужудга келган янги дин, деб эълон қилади. Моний ўзидан аввалги муқаддас китобларда, пайғамбарлар башоратида эътироф этилган маҳдийликка, охирги пайғамбар мақомига даъво қилади. Монийнинг ушбу даъволари сосонийлар шоҳи Шопур учун махсус ёзилган «Шабурагон» асарида қайд этилган. Чунки Мисрда топилган бошқа бир манбада («Шабурагон»дан аввал ёзилган) Монийгача ўтган пайғамбарлар рўйхатида Зардушт, Будда ва Исо номлари эсланмайди. «Шабурагон»да эса Моний ўз салафлари орасида уларнинг учаласини ҳам санаб ўтади.

Марказий Осиёга келиб, диний-мафкуравий хилма-хилликни, бағрикенгликни кўрган Монийда эҳтимол уларни умумлаштириш истаги туғилиб, айнан шу ерда

¹ Ўша ерда.

у ўз таълимотини тугал тизимга келтирган. Моний ўзи ва ўтмишдош пайғамбарлар орасида ворисийлик мавжудлигини тан олса, янги дин тарқалиши учун фойдали бўлишини шу заминда англагани мантиққа зид эмас (Монийнинг охириги пайғамбарликка даъволари тўғрисида «Ижтимоий фикр. Инсон ҳуқуқлари» журналининг 1998 йил 3-сонида чоп этилган француз олими Мишель Тардьёнинг «Мани и ряд пророков» – «Моний ва пайғамбарлар силсиласи» мақоласидан ўқиш мумкин. Моний қарашларидан Беруний «Ҳиндистон» асарида турли масалалар бўйича еттита иқтибос (парча, цитата) келтиради ва уларни бошқа халқлар, аввало, ҳиндлар қарашлари билан қиёслаб таҳлил этади). Монийлик Ўрта Осиёнинг Шарқий Туркистони (ҳозирги Шинжон–Уйғуристон)да давлат дини даражасигача кўтарилди. Ўзидан катта маънавий мерос қолдирди. Монийнинг образи мумтоз ўзбек ва форс адабиётларида комил мусаввир, гўзаллик бунёдкори рамзига айланди.

Турли динларга, этник гуруҳларга мансублик ўрта осиеликларни ўзаро тил топишига, бир-бирига нисбатан бағрикенглик қилишга ундаган. Шу сабабли, Эрондан фарқли, Туронда мафкуравий муштараклик, бир диннинг ҳукмронлиги ва унинг оқибати сифатида диний-мафкуравий мутаассиблик қарор топмади. Мафкуравий хилма-хиллик сақланиб турди. *Бу ранг-баранг, бой маданият, тафаккурда ва оламга муносабатда универсализм шаклланишига маънавий асос бўлди.* Маданият ниҳоятда гуркираб ўсди. Санъатнинг баъзи турлари, айрим мусиқа асбоблари бизнинг заминда илк бор кашф этилди. Буни Айритом ва бошқа қазилмалар, мусиқа тарихи билан шуғулланувчи хорижлик олимлар тадқиқотлари тасдиқлайди. Буюк мусиқачи ва ихтирочи Барбуд ватани бизнинг замин. Кейинчалик у марказга, пойтахтга, Эронга кетиб қолган. Мусиқа ва рақс санъатимиз Шарқда Хитой, Корея, жанубда Ҳиндистонгача таъсир кўрсатганини, кейинчалик ислом дини таъқибида санъаткорларимизнинг мазкур ўлкаларга муҳожирликка кетиб қолгани ўша халқларнинг йилномаларида, тарихий ҳужжатларида ёзилган.

Аммо бу даврга оид яхлит адабий, ёзма асарлар сақланиб қолмаган. Археологик қазилмалар эса ўша

даврда минтақамизда кенг тарқалган ёзувларда битилган алоҳида жумлаларни, матн парчаларини акс эттирган буюмларнинг қолдиқларини ёки айрим хужжатлар бўлақларини бизга ҳада қилмоқда.

Ҳақат биргина мисол келтирамиз. 2001 йилда Афросиёбдан 12 чақирим жанубда, Дарғом дарёси (қадимги канал) чап қирғоғида Кофирқалъа ёдгорлигини қазишда 500 дан ортиқ буллалар топилган¹. Кофирқалъани олимлар Афросиёб ҳукмдорининг шаҳардан ташқаридаги Ривдод номли саройи (қароргоҳи) деб талқин қилмоқдалар. Топилган 500дан ортиқ буллалар Самарқанд архив хужжатларига тааллуқли. Архив эса араблар томонидан ёқиб юборилган. Муҳр босилган лой оловда пишиб, сополга айланган, муҳрлар ёзувлари анча аниқ сақланган. Кофирқалъа буллалари, табиийки, Самарқандлик ҳукмдорларга эмас, уларга хужжат жўнатган қўшни мамлакатлар – Бухоро, Қашқадарё, Тоҳаристон, Афғонистон ва Эрон ҳукмдорлари ва аъёнларига тегишли. Кофирқалъадан жўнатилган, унинг ҳукмдори муҳри акс этган буллалардан бири Пешовар (Покистонда) топилган.

Ҳақат XIX асрнинг 90-йилларида Муғ тоғи ва Шарқий Туркистонда – Уйғуристонда топилган қўлёмалар нисбатан тўлароқ парчалар эди. Улар орасида буддавийлик, христианлик ва монийлик динларига оид адабиётлар учрайди. Қўлёмалар уйғур, суғд, сак тилларида битилган. Айниқса, монийлик дини тўғрисидаги тасаввурларимиз Турфон топилмалари сабабли нисбатан тўлароқ бўлди. Суғдий тилдаги энг қадимги қўлёмза («Эски хатлар» деб ном олган) IV асрга оид бўлиб, Хитой девори яқинидаги қалъалардан бирида топилган.

Муғ тоғидан топилган хужжатлар, Панжакентдаги майит тепасидаги йиғи саҳнаси (VI аср), Ток-қалъадан топилган тасвири тобут (VII–VIII аср) ва Марвдан топилган тасвири хумқўза (VI аср) минтақамизда вафот этган кишига таъзия очилиб, йиғланганини билдиради. Бу ўлик тепасида йиғлашни тақиқлаган зардуштийлик талабларига зиддир. Айрим олимлар мазкур далиллар асосида

¹ Қ а р а н г: А. Бердимуродов. Кофирқалъа муҳрлари // «Фан ва турмуш», №1–2. 2014.

минтақамизда зардуштийликнинг алоҳида шакли ривожланган бўлиши мумкинлигини фараз қилмоқдалар.

Искандар Зулқарнайдан кейин вужудга келган янги Юнон-Бахтар (Бақтрия) давлати расмий доираларида зардуштийлик эмас, биринчи ўринга юнон политеистик эътиқоди чиққан эди. Кейинчалик Кушонлар даврида Канишқадан бошлаб буддавийлик давлат динига айланди. Сўғда ҳам ижтимоий ва сиёсий вазият, маънавий омиллар ўзгариб турди. Янгидан кириб келаётган эътиқодлар таъқиб қилинмади. Аксинча, бир-бирини алмаштириб турган сулолалар янги динлардан ўзларига мафкуравий таянч ахтардилар. Бу омиллар зардуштийликни, бир оз бўлса-да, ўзгартирмаслиги, яхлит умумий, қонунийлаштирилган шаклга келишига тўсиқ бўлмаслиги мумкин эмас эди. Марказий Осиёда зардуштийликнинг ягона мафкурага айланишига на маънавий-маданий, на ижтимоий-этник, на сиёсий шарт-шароит (Эрондан фарқли) вужудга келди.

Ўша давр ҳақида сайёҳлар ва олимлар ёзиб қолдирган маълумотларда айтишларича, аждодларимиз тошлардан йирик ҳайкаллар йўниб, уларни олтин суви билан бўяганлар. Хитойлик Сюан-Цзян (VI аср) аждодларимиз металл қоришмаларидан йирик ҳайкалларнинг қисмларини қандай алоҳида қуйишларини ва кейин уларни бирлаштиришларини ёзиб қолдирган. «Қадимги Қанг ери» деб аталган, Қанг (олимлар тахминича, ҳозирги Самарқанд вилоятига тўғри келади) ҳукмдорининг ўғли бошқарган Шарқий Цао мулкнинг саройида (олимлар Самарқанд вилоятининг Челак шаҳри деб фараз қиладилар) баҳайбат олтин ҳайкал тургани, унга Каспий денгизидан шарқда жойлашган «барча мулкларда» сиғинилгани эътироф қилинган. Табарий Пойқанд (Бойкент)да баҳайбат санамнинг кўзларига ниҳоятда йирик ва ялтироқ дур қўйилганини ёзиб кетган. Араблар Марказий Осиёни босиб олгач, маҳаллий санамларни қайта эритиб, жуда катта миқдорда олтин ва кумуш тўплагани ҳақида араб ва эрон муаррихлари гувоҳлик берадилар.

Бу даврдан келаётган санъат асарларида жуда кўплаб ҳайвонлар ва кушлар тасвирига, улар ифодалаган ўзига хос рамзий ва мажозий образларга дуч келамиз. Улар

«Авесто» асотирлари ифодалайдиган ғоялардан анча чекинган, ўша пайтларга келиб шаклланган эпос ва янги эътиқодлар таъсирини ҳам акс эттирган.

Хитойликларнинг Бейши йилномасида Бухо, Бугэ (Бухоро) ҳукмдори туя шаклидаги, баландлиги 9–10 қаричлик тахтда ўтириши ҳақида маълумот берилган. Л.И.Ремпель мазкур давр Сўғд санъатидаги ва тангасидаги туя образини таҳлил этган. У юқоридаги далилни ҳам ҳисобга олиб шундай хулосага келади: туя образи нафақат асотирий мазмунга, шунингдек, рамзий мазмунга ҳам эга. Туяни тасвирлаш қўшимча тор сулолавий мазмун касб этади. Бу билан Сўғд ҳукмдорлари ва аввалги сулолалар ўртасида тарихий ворисийлик мавжудлиги таъкидланган. Бу рамзни биринчи кушонлар, сўнгра эфталлийлар ва, ниҳоят, қанғ ҳукмдорлари (уларнинг ҳаммаси туркийлар эди) қўллаган. Аслини олганда, икки ўрқачли туя тасвири қанғ уйи (хитой анъаналарига кўра, уй-тушунчаси мулк, давлат, сулола мазмунида ишлатилади)нинг рамзи, тамғаси бўлган.

Айни пайтда туя образи бадий ва саҳнавий безак сифатида кенг қўлланилган ва муайян эстетик вазифаларни бажарган. Зарафшон водийсида V–VI асрларда зарб этилган туя сурати туширилган тангадаги ёзувни олимлар «қан» деб ўқишган.

XX асрнинг буюк шарқшуносларидан бири академик Н.И.Конрад бизнинг минтақамизнинг жаҳон маданияти тарихида тутган ўрнини баҳолаб, у уч марта – биринчи марта Искандар Зулқарнайн даврида, иккинчи марта Кушон ёбғуси Канишка даврида, учинчи марта Алишер Навоий даврида – жаҳоннинг ижтимоий-сиёсий ва маънавий-маданий маркази бўлганини эътироф этади. Сўнгги ҳолатни олим адолатли тарзда Темур номи билан боғлайди.

Минтақамизнинг дастлабки икки марта жаҳон ижтимоий-сиёсий ва маънавий-маданий марказига айланиши маънавиятимиз ривожланишининг иккинчи босқичига тўғри келади. Мазкур босқич ҳақида яна шуни эътироф этиш лозимки, туркий алплар тўғрисидаги қадимги эпик дostonлар, афсона ва ривоятларнинг асосий қисми шу босқич давомида яратилган бўлиши керак. Чунки шу давр-

да туркий халқларнинг янги худудларни ва минтақаларни ўзлаштириши, миграцияси анча кучайган, фаоллашган. Умуман, жаҳон халқларининг буюк миграцияси айна шу даврга тўғри келади. Миграция пайтида турли тўқнашувлар, тортишувлар юз берган. Бу қахрамонлик эпослари вужудга келишида туртки вазифасини ўтаган.

Марказий Осиёда бу даврда суғд, хоразм, уйғур, турк (ўрхун-енисей), арабий, қисман юнон ва ҳинд ёзувлари қўлланилган. Турли диний эътиқодга мансуб гуруҳлар тегишли ёзувлардан фойдаланганлар. Аҳмонийлар даврида Ўрта Осиё Эроннинг сатрапияларидан бирига айлангач, давлат идораларида иш юритиш арабий тилда ва ёзувда олиб борилган. Искандар Зулқарнайн истило-сидан бир йил бурун Балх сатрапининг Нахшаб ва Кеш ҳокимларига шаҳар қалъаси деворларини мустаҳкамлаш тўғрисидаги буйруғи ва уни бажаришни назорат қилиш ва ёрдам бериш учун 300 кишидан иборат ҳарбий гуруҳ жўнаётганлиги ҳақида ёзилган хати, бу хатга Нахшаб ҳукмдорининг жавоби, экинзорларни чигиртка босганлиги, ёрдамга жўнатилган ҳарбийлардан чигирткага қарши курашда фойдаланиш учун рухсат сўраган арабий тилда ёзилган хати бизгача етиб келган. Оромий имло асосида суғд, хоразмий, сак ва бошқа ёзувлар вужудга келганини аввал эътироф этган эдик. Қўшимча қилиш мумкинки, араб ёзуви ҳам арабий имлосига бориб тақалади. Ўртаосиёлик буддавийлар ҳинд ёзувидан, бахтарликлар қисман юнон ёзувидан фойдаланганлар. Эътиқодлар ва ёзувлар ранг-баранглиги, бир томондан, минтақада ранг-баранг, ўзаро бир-бирини бойитадиган субмаданиятлар ривожига шарт-шароит яратса, иккинчи томондан – маданий ва ижтимоий-сиёсий муштаракликка эришишда, ягона мафкура асосида бирлашишда маълум жиҳатдан қийинчиликлар туғдирган.

Ягона мафкуравий ва сиёсий асос йўқлиги ягона имлода битилган бадий адабиёт ва умумий диний-дидактик, тарихий, фалсафий адабиётнинг вужудга келишига, кенг тарқалишига ва кейинги авлодлар учун сақланиб қолишига халақит берган. Тасвирий санъат ва ҳайкалтарошликдан фарқли, бундай тарқок адабиёт намуналари деярли йўқолиб кетган. Ҳукмдорлар, коҳин ва

рухонийлар ўзга динга, эътикодга оид адабиётларни на кўчиртирганлар, на авайлаб-асраганлар. Шу сабабли бизда ёзма адабиётнинг, илмий ва бадий ижоднинг, ёзма мероснинг муттасил ўсиб, бойиб бориши, «тома-тома қўл бўлиши» жуда қийин кечган.

Эронда Аршакийлар замонидаёқ, ягона диний мафкура асосида бирлашишга ҳаракат бошланган. Сосонийлар даврида, юқорида айтилганидек, зардуштийлик давлат динига айланиб, бошқа динлар қаттиқ сиқувга олинган. Бу эса ижод намуналарининг бир тилда, бир имлода ёзилишига, тўпланишига хизмат қилган. Натижада, «Авесто» ҳам Эронда қайта тикланган.

Ягона мафкуравий асос йўқлиги, ўз навбатида, Марказий Осиё тамаддунининг яхлит, ички муштарак бўлишига (Қадимги Миср, Бобил, Ҳиндистон, Хитой, кейинчалик ислом тамаддуллари каби) халакит берган. Шу боис Фарбнинг айрим олимлари, хусусан, Арнольд Тойнби Марказий Осиёда алоҳида ажралиб турадиган тамаддун бўлмаган, деб ҳисоблайди. Бундай фикр, назаримизда, баҳслидир. Энг аввало, Марказий Осиё халқлари зардуштийлик тамаддунини яратди. Афсуски, юқорида келтирилган сабабларга кўра (тошдан иморатлар қурилмагани, ягона ёзув бўлмагани ва ҳ.к.), бу тамаддунининг яхлит тизими етарлича сақланиб қолмаган. Лекин унинг айрим унсурлари ҳозиргача халқимиз асотирлари, эртаклари, урф-одатларида яшаб келмоқда.

Кушон тангаларида туркий «ёбғу», V–VI аср Сўғд тангаларида «қан» унвони қўлланилган. Бу минтақамиз маънавияти, маданиятида қадим замонларданок туркий унсурлар катта роль ўйнаганининг аниқ бир белгисидир.

Шарқ ва Фарб маънавиятини пайвандлаган минтақа. Айнан мана шу иккинчи босқичнинг биринчи чорагида Буюк Ипак йўли қарор топди. Бу маданиятларнинг ўзаро алоқасини, таъсирини ниҳоятда кучайтирди. Марказий Осиё икки савдо йўлининг йўналиши – Шарқий (Хитой) ва Жануби-Шарқий (Ҳиндистон) ҳамда Жануби-Фарбий (Эрон – Яман – Шом – Ҳижоз – Миср) ва Шибли-Фарбий (Итил-Булғор, Қрим-Болкон, Рум-Европа) туташадиган минтақа сифатида Шарқ ва Фарбнинг энг илғор ғояларини ўзаро учраштирди. Улар бу ерда ота-бо-

боларимиз заковати туфайли бир-бирига ҳамда маҳаллий халқ ютуқларига пайвандланиб, янада бойитилди, янги поғонага кўтарилди.¹ Шу сабабли биз милодгача IV асрдан то милоднинг VIII асри бошигача бўлган даврда Марказий Осиёда плюралистик диний эътиқодлар, ниҳоятда бой ва ранг-баранг маънавий маданият вужудга келганининг гувоҳи бўламиз. Ҳали бу давр ўз тадқиқотчиларини кутиб ётибди.

Юқорида келтирилган Кофирқалъа буллаларидан бирида икки гўдакни эмизаётган бўри тасвирланган. Шундай сюжетли тасвир тушган олтин танга Панжакентдаги ибодатхонани казишда, медальон эса Оҳангарон дарёси чап томонидаги Гулдурма дарасидан топилган. Мутахассислар ҳар иккала топилмани VI асрга оид деб ҳисоблайдилар. Уструшона давлатининг ҳукмдори саройининг деворига икки гўдакни эмизаётган бўри сурати туширилган. Италия давлати пойтахти Рим шаҳрининг бронза ҳайкалда абадийлаштирилган рамзи ҳам айнан икки гўдакни – Рем ва Ромулни эмизаётган она бўридир.

Бу ерда шунчаки тасодифий ўхшашлик бўлмаса керак. Икки минтақа ўртасида алоқалар анча ривожланган. Булардан ташқари, Нахшаб яқинида Зевс сурати туширилган гемма, Римда эса Нахшаб олтин типратиканининг нусхаси топилганини кўшимча қилиш мумкин. В.М.Жирмунскийнинг «Алпомиш» ва «Одессия» эпосларидаги архаик сюжет қолдиғи ўхшашлигини уларнинг умумий манбаси бир эканлиги билан изоҳлаганини эслатиш ҳам ортиқча бўлмас. Туркий халқларнинг уруғбошиси айнан она бўри эканлигини назарда тутсак, асотир қандайдир фанга номаълум йўллар билан Аппенин яримролига бориб қолган бўлиши мумкин (бирор кичик гуруҳнинг миграцияси ёки қадимги савдо алоқалари туфайли). Ҳар холда топилмалар маънавиятимиз тараққиётининг II-босқичида бу алоқалар мавжудлигидан далолат беради.

¹ Тор маънода фанда «Буюк Ипак Йўли» атамаси Хитойдан келадиган йўлга нисбатан қўлланилади. Ҳиндистондан келадиган йўл мустақил ва қадимроқ ҳисобланади. Лекин баъзан адабиётларда Шарқ ва Ғарбни бирлаштирувчи ҳар икки савдо йўли Буюк Ипак Йўли, деб юритилади. – А.Э.

Марказий Осиё Шарқ ва Ғарб ютуқлари ўзаро пайванд бўлиб бойийдиган, янги сифат касб этадиган маданий-маънавий марказга, манбага айланган эди. Буни ҳамма олимлар, жумладан, Арнольд Тойнби ҳам эътироф этади. Марказий Осиёда шундай кучли ижодий-интеллектуал салоҳият вужудга келган эдики, унинг таъсири Хитой ва Кореядан Шому Мисргача бир неча асрлар мобайнида, ҳатто ўзидан кейинги босқич – ислом тамаддунининг энг ривожланган йилларида ҳам давом этди. Боз устига, ислом тамаддуни, маънавияти ва маданиятига бебаҳо хисса қўшди.

Савдо карвонлари орқали халқлар ранг-баранг моллар, моддий маҳсулотларни ўзаро алмашиш баробарида илғор илмий, адабий, бадий, ахлоқий, ҳуқуқий, диний ғоялар, санъат асарлари ва айрим ишлаб чиқариш технологиялари билан ҳам алмашганлар. Бунга мисол қилиб адабиётда ва халқ оғзаки ижодида кенг тарқалган сайёр сюжетларни келтириш жоиз. Ҳиндистондан «Калила ва Димна» шимолга ва ғарбга қараб, Юнонистондан Эзоп масаллари шарққа қараб тарқалган. Рус олими И.С.Лисевич Эзопнинг «Дехқон ва унинг ўғиллари» масали сюжетининг шарқ мамлакатларига тарқалишини тадқиқ этган. У хитой, тибет, хинд, мўғул, грузин, рус, Ўрта Осиё халқлари ва бошқалар орасида ушбу сюжет тарқалганини аниқлаган ва мисоллар келтирган.

Сугд тилидаги монийликка оид матн парчаларида дур тешгич уста тўғрисида ҳикоя қилинади. У эрта-лабдан кечгача ишламасдан хожаси учун най чалади. Кечқурун эса иш ҳақи талаб қилади. Мазкур сюжет биздан Ҳиндистонга бориб, масалга айланган, сўнг «Калила ва Димна» орқали Буюк Ипак йўли бўйлаб тарқалган. Уйғурча матнлар орасида Бодхисатва тўғрисидаги ривоятнинг монийча талқини топилган. Айнан шу монийча талқин кейинчалик Эрон, Сурия ва араб мамлакатларига тарқалган ва жуда машҳур бўлган. Охири Европага бориб Варлаам ва Иосафат тўғрисидаги ривоятга айланган.

Китобат санъати, қўлёмаларни суратлар билан безаш III асрдаёқ жуда юксак даражага кўтарилган. Безатилган китоблар орасида энг машҳури Моний ўз қўли билан Туркистон ғорларидан бирида яратган «Артанг» («Ар-

жанг») китоби ҳисобланган. Бу китобни 1092 йилда Абул Маъали Ғазнавийлар хазинасида кўрган, лекин у бизнинг давргача етиб келмаган (Ғўрийлар ғазнавийлар саройига ўт кўйганда ёниб кетган бўлиши мумкин).

Хулоса қиладиган бўлсак, ислом кириб келиши арафасида шаклланган маданият ва маънавиятни кўп қиррали, бир неча диний-фалсафий қарашлар, турли халқларнинг ранг-баранг маданияти асосида шаклланган, мужас-самлашган плюралистик маданият ва маънавият дейиш ўринлидир.

Марказий Осиёда араб истилоси арафасида маънавият ва мафкурада, юқорида таъкидланганидек, ягона дин ҳукмронлигини ва бошқа динларнинг таъкиб қилинишини кўрмаймиз. Албатта, турли динлар ва эътиқодлар бор экан, улар ўртасида рақобат ва кураш бўлади. Бу кураш баъзан кескинлашиб, ножўя кўринишларда кечган бўлиши мумкин. Лекин бирор диннинг давлат мақомини олиши ва ўз рақиблари билан курашда давлатнинг кучидан фойдаланиши, бу – мутлақо бошқа гап. Бизнинг аждодларимизга диний бағрикенглик хос бўлган. Шу сабабдан улар илм-фанда, санъатда ва ижодда юксак натижаларга эришганлар. Ўша даврда яратилган илмий ва ижодий салоҳият кейинчалик ислом даврида ҳам ўзини ҳар томонлама кўрсатди. Халқимизга хос бағрикенглик илдизлари ўша даврга бориб тақалади ва миллий менталитетимизда архетип сифатида ҳамон мавжуддир.

Юқорида эътироф этилганидек, Марказий Осиёнинг ҳар иккала тамаддунига ўзбек халқи, шунингдек, бошқа кўшни халқлар ҳам ворисдир. Бинобарин, ўзбек халқи маънавияти шаклланиши ва ривожланишининг дастлабки икки босқичи шу даврларга тўғри келади.

16. ИСЛОМ ТАМАДДУНИНИНГ ЎРТА ОСИЁДА ТАРҚАЛИШИ ВА ГУЛЛАБ-ЯШНАШИ (VIII–XIII АСР БОШЛАРИ)

Мовароуннаҳрда ислом узил-кесил VIII аср бошида қарор топди. Ғарбда Шом ва Мисрнинг, Шарқда Эрон ва Марказий Осиё мамлакатларининг ислом таъсирига ўтиши янги тамаддун шаклланишини тезлаштирди. Зеро, бу мамлакатларда маънавий маданият, айниқса,

илм-фан, адабиёт ва санъат ҳамда иқтисодиёт, савдо-сотик, ҳунармандчилик ва сиёсий институтлар Ҳижозга нисбатан анча ривожланган ва қадим анъаналарга эга эди. Марказий Осиё халқлари кўплаб динларга эътиқод қилар, ҳар хил ғоялар ва таълимотлардан яхши хабардор эдилар. Уларни ўзаро қиёслаш, ҳар бир ғоянинг самарали жиҳатларини ажратиб олиш ва унумли фойдаланиш кўникмасига эга эдилар. Шу сабабдан америкалик фан тарихчиси Ф.Старр: «Дунёнинг ҳар қандай бошқа бурчагида интеллектуал жиҳатдан бундан-да «бағрикенг» минтақани тасаввур қилиш мушкул»¹, – дея таъкидлаган. Араб халифалиги бу борада ўз таркибига кирган мамлакатларда илгари эришилган ютуқларнинг кўпчилигига ворис бўлди. Уларни ислом мафқурасига мослаштириб янги тамаддунининг асосига қўйди.

Ислом тамаддунининг равақ топишига бизнинг аждодларимиз муносиб ҳисса қўшдилар. Бу моддий маданиятнинг деҳқончилик, чорвачилик тармоқларининг баъзи соҳаларига, геодезия, ер ўзлаштириш, ирригация ва мелиорация, суғориш иншоотлари куриш, шаҳарсозлик билан боғлиқ айрим ютуқларга тегишли. Ипакчилик, пахтачилик, тўқимачилик, полизчилик, боғдорчилик, қишлоқ хўжалиги ва чорвачилик махсулотларини қайта ишлаш бўйича аждодларимиз тўплаган тажриба, парвариш қилинадиган ўсимликларнинг айрим турлари араб мамлакатларига тарқалди. Ўз навбатида мазкур соҳалар бўйича уларда тўпланган тажриба, баъзи ўсимликлар бизга келтирилди (масалан, маккажўхорини минтақамизга Маккага, ҳажга борган ота-боболаримиз олиб келишган).

«Илк ўрта асрларда, – ёзади Ўз ФА академиги Эдвард Ртвеладзе, – суғдлар денгиз йўлларини ҳам ўзлаштирган: Ҳиндистон ва Маллакка яриморалини айланиб ўтиб, улар Хитойнинг жануби-шарқига ва Японияга кириб борган. Кантон вилоятида ва Япониянинг қадимги пойтахти Нара шаҳридаги Хоружу қасридан топилган суғд ёзувлари бунинг далилидир. Ишонил қийин, аммо бу факт – X асрда, Бузург ибн Шаҳриёрнинг «Ҳиндистон ажойиботлари» ки-

¹ *Фредерик Старр*. Марказий Осиёнинг янгитдан кашф этилиши. –Т.: «Жаҳон адабиёти», 2014, май, 54-б.

тобида баён этилган – унга кўра, Арабистон денгизи самарқандликларнинг денгиз йўлларини эгаллашдаги устун мавқеини акс эттириб, «Самарқанд океани» деб аталган»¹.

Ислом тамаддунининг моддий-иқтисодий, сиёсий-ташкилий томонларига ажодларимиз қўшган ҳисса ҳақида батафсил тўхталмаймиз. Зеро, буларнинг ҳар иккиси ҳам мустақил, аммо ниҳоятда мураккаб ва кам ўрганилган мавзулардир. Фақат ислом тамаддунининг маънавиятига, маънавий маданиятига қўшган ҳиссаси ҳақида баъзи бир фикрларни қайд этиб кетамиз, холос.

Мазкур масала ижтимоий-гуманитар фанлар томонидан бир неча йўналишларда ўрганилиши мумкин. Биринчидан, ажодларимизнинг ислом илмига: муҳаддисликка, фикхга, илм ат-тафсирга, каломга, тасаввуфга – шаръий илмлар ривожланишига қўшган ҳиссаси. Иккинчидан, ажодларимизнинг дунёвий фалсафа, дунёвий илм-фан – табиатшунослик ва ижтимоий-гуманитар фанлар ривожланишига, равнақига қўшган ҳиссаси. Учинчидан, уларнинг Бағдоддаги «Байтул-ҳикма»да, Ҳижоз, Миср, Сурия, Эрон ва бошқа мамлакатларда илм-маърифат тарқатгани, илмий тадқиқотлар олиб боргани. Тўртинчидан, ажодларимизнинг адабиёт, мусиқа, рақс, меъморчилик, наққошлик ва тасвирий санъат, хаттотлик ва китобат санъати ва ҳ.к.ларга, яъни нафис санъат ривожланишига қўшган ҳиссаси. Бешинчидан, ажодларимизнинг Сибирь, Дашти Қипчоқ, Жанубий Ўрал, Ўрта ва Қуйи Волгабўйи (Итил), Булғорлар юрти, Шарқий Туркистонда ислом динини, янгича маънавият ва дунёқарашни, урф-одатларни тарғиб этиш, тарқатиш бўйича олиб борган фаолияти.

Равшанки, ҳар бир йўналишнинг ўзи маданиятшунослик, диншунослик, фалсафа, муайян табиий ва гуманитар фанлар тарихи доирасида юзлаб асарларга мавзу ва тадқиқот объекти бўла олади. Шу боис уларни тўлиқ таҳлил қилишга, ёритишга бир ёки бир неча тадқиқот доирасида ҳеч қандай имкон йўқ. Мумтоз ислом даврида Бухоро, Самарқанд, Марв, Насаф, Урганч, Балх диний ва дунёвий илмларнинг марказига айланди. Нажмиддин На-

¹ Э. Ртвеладзе. Устозларнинг устозлари. – Т.: «Маънавий ҳаёт», №2, 2014. 47-б.

сафий «Китоб ал-қанд фи зикри уламои Самарқанд» аса-рида бу шаҳарда «ўрта асрларда яшаган кўпдан-кўп (мингдан ортик) фикҳ олимлари, ҳадис ровийлари ва бошқа кўп соҳаларда қалам тебратган илм аҳллари ҳақида мукаммал маълумот беради»¹.

Бухорода ҳам бу даврда Самарқанддан кам ижодкор яшамаган. Бу маданий-маънавий тараққиётимиз қай даражада сермахсул ва юксак бўлганини кўрсатиб турибди. Бухоро ҳаққоний равишда ҳанафия мазҳаби ва накшбандия таълимотининг бутун ислом дунёсидаги етакчи назарий ва услубий марказига айланди. Жўғрофий жиҳатдан ўрта асрларда бизнинг минтақамиз ислом дунёсининг чеккароқ ҳудуди бўлса-да, илмий, маданий ва маънавий жиҳатдан унинг энг қудратли марказларидан бири эди. Бежиз бу даврда «Самарқанд ер юзининг сайқалидир, Бухоро ислом динининг қувватидир» деган нақл пайдо бўлмаган. Бу шаҳарлар бутун дунёда илм-фан, маърифат, маданият, ободончилик ва фаровонлик, гўзаллик тимсолларига айланганки, шоирлар ижодида рамзий образлар сифатида қўлланилган. Шош, Термиз, Насаф, Кеш, Урганч, Хива ва юртимиз бошқа шаҳарларининг ҳам ислом таълимотига, маданияти ва маънавиятига қўшган ҳиссаси, етиштириб берган алломалари беҳисобдир.

Шу ўринда араб муаррихи Абдулкарим ас-Самъонийнинг ислом оламида 8 та шаҳарга «мадина» нисбати берилганини, булар: Мадинаи Мунаввара, Бағдод, Исфохон, Нишопур, Марвнинг ички қалъаси, Бухоро, Самарқанд, Насаф эканлиги тўғрисидаги маълумотини келтириш жоиз.² Кўриниб турибдики, ислом оламидаги 8 та мадина нисбатини олган шаҳарларнинг тўрттаси Ўрта Осиёда ва шундан учтаси ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида жойлашган. Мадина нисбати ислом тараққиётига фавқулодда катта ҳисса қўшган шаҳарларгагина берилган. Самарқанд ва Бухоронинг жаҳон ва ислом тамаддунлари ривожига қўшган бекиёс улкан ҳиссалари тўғрисида кўп ёзилган. Биз шу ўринда мадина нисбати берилган учинчи шахримиз Насаф

¹ У. Уватов. Донолардан сабоқлар. – Т.: 1994. 65-б.

² Қ а р а н г: Абдулкарим ас-Самъоний. Насабнома. – Б.: «Бухоро» нашриёти, 2003. 250-б.

олимлари тўғрисида икки оғиз қўшимча қилмоқчимиз. Насафда илм аҳли учун махсус қурилган уй бўлган ва у ал-Қаллос деб аталган¹. Бошқа манбаларда X аср Насафда, бугунги таъбир билан айтганда, халқаро илмий конференция – мажлиси тадрис ўтказилгани ҳақида маълумот учрайди. Унга қатор мамлакатлар ва шаҳарлардан олимлар келиб катнашган.

Абул Аббос ан-Насафий Мустаффарий (милодий 962–1041 йиллар) Насафдан чиққан олимлар тўғрисида 8 тоқадан кўпроқ китоб жамлаган² (афсуски, бизгача етиб келмаган). Айрим ҳисоб-китобларга кўра, мўғул истило-сигача бутун Марказий Осиёда яшаб ўтган 3000 (уч минг) муҳаддисдан 400 (тўрт юз) таси Насафда яшаган. Тўртта ҳадис мактабларининг бири Насафда бўлган. Қуръони карим ва муборак ҳадисларни ўрганиш асосида шариат, фикҳ ва бошқа шаръий илмлар шаклланиган. Насафдан ислом илоҳиётининг буюк назариётчилари Абул Муъин Насафий, Абул Барокат Насафий, Нажмиддин Насафий, Азизиддин Насафий ва бошқалар етишиб чиққан. Уларнинг асарлари бугунги кунгача хорижда ғарб ва шарқ тилларида чоп этилиб, мутахассислар томонидан ўрганилмоқда. Юртимизда мустақиллик йилларида улар асарлари ўзбек тилига ағдарила бошлади.

Ислом илми бирданига етук ҳолда шаклланиб қолмаган. Ислом бизга етиб келиб, бир-икки авлод давомида халқ онгида маҳкам ўрнашганга қадар, Қуръонга тартиб берилган, фикҳ мактаблари (мазҳаблар), шариатнинг кўпчилик меъёрлари белгиланган ва жадал суръатларда ривожланиши, бойиши, такомиллашуви давом этмоқда эди. Бу даврда ислом олимларининг асосий эътибори пайғамбар ҳадисларини тўплаб, улар негизида ибодат, ахлоқ ва ҳуқуқ, яъни шариат масалаларини ёритишга қаратилган эди.

Юксак маданий, илмий-интеллектуал салоҳиятга эга бўлган Марказий Осиё халқлари исломни қабул қилгач, улар орасидан етишиб чиққан олимларнинг бир қисми ислом илмини ривожлантириш билан шуғуллана бошлади

¹ *Абдулкарим ас-Самъоний*. Насабнома. – Б.: «Бухоро» нашриёти, 2003. 244-б.

² Ўша манба, 254-б.

ва улардан энг буюклари ўз соҳаларида етакчи ўринларга чиқиб олди. Ҳадис илмида тан олинган олтига буюк муҳаддиснинг тўрттаси Марказий Осиё (Мовароуннахр ва Хуросон) фарзандларидир. Улар орасида ҳам учтаси – Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий (810–870), Исо ат-Термизий (824–892), Абу Абдурахмон ан-Насоий (830–915) бизнинг бевосита бобокалонларимиз бўлади.

Имом ал-Бухорий тўплаган ҳадислар «Ал-Жомеъ ас-саҳиҳ» ёки «Саҳиҳи Бухорий» деб аталади ва дунё муслмонларининг 90 фоизи учун Қуръондан кейинги энг мўътабар ва асосий манба ҳисобланади. Ал-Бухорий, Ат-Термизий, Ан-Насоий ҳадислари тўпламлари ва бошқа асарлари мана салкам ўн икки асрдан буён неча авлоднинг дунёқараши, ахлоқи, иймон-этикоди, ҳаётга муносабати – маънавияти шаклланишига, такомиллашишига бевосита ёки билвосита таъсир кўрсатиб келмоқда.

Муҳаддисликка беқиёс ҳисса қўшган аждодларимиз барча шаръий илмлар ривожланишига бевосита ва билвосита хизмат қилганлар. Чунки Қуръон ва ҳадислар барча шаръий илмларнинг манбаи ва асоси ҳисобланади. Бундан ташқари, улар замонасининг долзарб диний масалаларига бағишланган кўплаб бошқа асарлар ҳам ёзишган.

Ислом илоҳиёт илми (ислом диний-фалсафий илми) калом – яккахудолик, тавҳид, олам, борлик, инсон, уларнинг яратилиши, моҳияти, мавжудлиги, эътиқод мазмуни, оламнинг, инсоннинг ўзгариши, тақдири, Оллоҳ сифатлари ва ҳ.к. масалаларни қамраб олади. Шу боис «аттафсир ал-Қуръон» илми дастлаб каломнинг таркибий қисми ҳисобланган. Калом илми диний-назарий масалаларни ақлга, мантиққа асосланиб таҳлил қилади. Рационалистик, мантиқий таҳлил ва умумлаштириш негизида кўрилаётган масалани далиллаш, мулоҳаза юритиб хулосалар қилиш каломнинг мазмунини ташкил этади. Уни ислом рационалистик тафаккурининг, дунёқарашининг назарий ўзаги, дейиш ўринлидир. Дин масалаларида ақлий билишга, мантиққа қаттиқ суяниш ва мистикадан йироқлиги билан у тасаввуфдан кескин фарқ қилади. Қуръонни мантиққа ва ақлга суяниб тафсир этади. Ҳадисларни ҳам худди шундай тушунтиради. Калом баъзи ҳолатлардагина мажозий талқинга мурожаат этади.

Калом илмини ривожлантиришга аждодларимиз муносиб ҳисса кўшдилар. Муҳаддислик ва фикҳ соҳалари каби калом илми борасида атоқли ва даҳо олимларни – мутакаллимларни етиштирди. Уларнинг ҳаммасини санаб ўтирмаймиз. Фақат икки номни: Абу Мансур ал-Мотуридий ва Абул Муъин ан-Насафий номларини эслаш kifоядир.

Абу Мансур ал-Мотуридий ас-Самарқандий (870–944) таълимоти Қуръон ва Сунна ақидаларини, талаб ва меъёрларини кўр-кўрона эмас, балки ақлан чуқур идрок этиб ўзлаштиришни, уларни ғайримантикий, нооқилона қабул қилмасликни ўргатади. Уларни ғаразли, ноилмий, ўзбошимчалик билан талқин қилишни инкор этади. Лекин у, айни пайтда, нақлни, аждодларидан келаётган ривоятлар анъанасини инкор қилмайди. Ушбу жиҳати билан у мўътазилиядан моҳиятан фарқ қилади.

Мотуридийнинг инсонда эркин танлаш имкони борлиги, у нима иш қилмасин, ўз ихтиёри билан қилажаги, бинобарин, у ҳар бир яхши ва ёмон иши, ҳаракати, нияти учун масъуллиги тўғрисидаги фикри жуда қимматлидир. Бу фикр ҳар қандай бирёқламаликка, бировлар иродасига, сўзига кўр-кўрона итоат этиб, ноҳўя ишларга қўл уришига, инсоннинг мутаассибга айланишига кескин қарши чиқади. «Тақдири азал» тушунчасини Мотуридий тўлиқ инкор этмаса-да, уни инсонпарварлик нуқтаи назаридан анча юмшатади, «ихтиёрий ҳаракат» – «афъоли ихтиёрий» орқали юзага чиқишини таъкидлайди ва инсоннинг масъулияти ва имконияти тарзида талқин қилади. Мотуридийнинг мазкур масаладаги фикрини, хулосасини, бизнингча, шундай тушуниш лозим: инсонда тақдир масъуллик ва имконият сифатида яширин, у ўз тақдирини ўзгартира олмайди, аммо инсон унинг муайян даражада ва қандай юзага чиқишига (тўлиқ ёки қисман) ўз хатти-ҳаракати, хулқ-атвори билан таъсир кўрсатади. Шу боис инсонда эркинлик ва масъуллик бирдай ўсиб, уйғунлашиб бориши лозим. Мотуридий мўътазилийларнинг кескин рационализминини анча юмшатди, калом илмига шароитга мослашувчанлик ва қайишқоклик бағишлади. Чигал масалаларни ечишда ақл ва нақлга суяниш, уларнинг ҳар икисини зарур даражада қўллаш тамойилини олға сурди.

Мотуридий таълимотининг атокли давомчиси, тар-гиботчиси мутакаллим Абул Муъин ан-Насафийдир (1027–1114). Абул Муъин Насафий нафақат мотуридия таълимотини бутун ислом оламига ёйди. У калом илмининг уч асосий йўналиши – мўътазилия, мотуридия ва ашъария таълимотларини қиёслади ва фарқларини кўрсатиб берди. Абул Муъин Насафий калом илмининг энг обрўли, нуфузли олимларидан бири.

Мотуридийнинг яна бир буюк издоши Нажмиддин ан Насафийдир (1068–1142). У фикҳ, ҳадис, тафсир, калом, адабиёт, тил, тарих илмлари бўйича юзга яқин асарлар битган. «Ақидатун Насафия» номини олган асарида мотуридия таълимоти ривожланишига муносиб ҳисса қўшган. Ўзининг ўтмишдошлари асарларини, манбаларни мукам-мал билган Бурҳониддин Марғинонийнинг далолат бе-ришича, Нажмиддин Насафий ҳадисларни келтиришда 500 муаллиф тўпламига таянган. Умуман ислом илмининг барча йўналишлари бўйича қомусий билимларга эга бўлган. Шогирдлари орасида Бурҳониддин Марғиноний, Умар ал-Уқайлий ва бошқа атокли шахсларнинг борлиги Нажмиддин Насафийнинг ислом илмида, маънавиятида қандай ўрин эгаллаганини кўрсатади. Унинг асарлари шу боис қатор ислом мамлакатларида бизнинг давримизда ҳам чоп этилмоқда. «Ақидатун Насафия» эса она тили-мизга таржима қилинди.

Фикҳ (ислом ҳуқуқи) илмини ривожлантиришда кат-та хизмат қилган Абул Юср Паздавий (1030–1100), Абу Бакр Муҳаммад аш-Шоший (1038–1114), Бурҳониддин Марғиноний (1123–1197), Абул Лайс Самарқандий, Аб-дул Ҳасан Хоразмий ва бошқалар номи машҳур. Айниқса, Бурҳониддин Марғинонийнинг «Ҳидоя фи-л-фуруз» аса-ри ҳанафия мазҳаби бўйича ислом ҳуқуқшунослигининг энг теран асарларидан бири сифатида нафақат ислом ола-мида, балки Ғарбда ҳам машҳур.

Ислом доирасида нафақат рационалистик таълимот калом, шунингдек, иррационалистик, мистик таълимот-лар ҳам ривожланди. Зоҳидлик, таркидунёчилик ғояси ва мафқурасини асослашдан, диний масалаларни шу нуқтаи назардан талқин қилишга уринишдан бошланган бу оқим кейинчалик аста-секин жуда кудратли ва жозибадор, сер-

қирра тасаввуф таълимотига айланди. Тасаввуф мистика масаласида янада олға кетди. Оламни билиш – Оллоҳни билишдир, чунки олам Оллоҳнинг турли вужуд касб этган жилоси, шуъласи. Оллоҳни эса мутлақо ақлан билиб бўлмайди. У инсон учун англаб бўлмас сир, олий ишқ, муҳаббат ва бирдан-бир ёр – мақсад. Фақат фақру фано орқали, ўзликни тўлиқ унутиб ёр васлига етишиш мумкин.

Ҳар соҳадаги каби, тасаввуфда ҳам аждодларимизнинг даҳо заковати намоён бўлди. Тасаввуфнинг минтақамизда тарқалишида бевосита машҳур мутасаввуф Юсуф Ҳамдонийнинг хизматлари каттадир. Унинг шогирдларидан иккитаси – Аҳмад Яссавий ва Абдуҳолиқ Ғиждувоний икки тариқатга – яссавия ва ҳожагоний тариқатларига асос солдилар. Тасаввуфнинг бошқа бир назариётчиси ва суҳравардия тариқати асосчиси Суҳравардий таълимоти негизида Хоразмда Нажмиддин Кубро (1145–1221) номи билан боғлиқ тариқат – кубровия вужудга келди. Ҳожагоний тариқати Баҳоуддин Нақшбанд (1318–1389) томонидан анча тўлдирилди, такомиллаштирилди ва тугал таълимот шаклига келтирилди. Шу сабабдан у нақшбандия деб атала бошлади. Яссавия исломий турк мамлакатлари аҳолисининг кўп қатламларида Румдан то Хитойгача кенг тарқалган бўлса, кубровия ва нақшбандия нафақат туркий халқлар ўртасида, балки бутун ислом дунёсида анча-мунча ўз тарафдорларини топди, улар маънавиятига, дунёқарашига, иймон-эътиқодига, турмуш тарзига таъсир кўрсатди, энг фаол ва машҳур тариқатларга айланди. Темурийлар даври ўзбек маданияти, маънавий ҳаёти, жумладан, Алишер Навоий ижоди кўпроқ нақшбандия таълимотининг таъсирида ривожланди. Алишер Навоийнинг буюк устози Абдурахмон Жомий нақшбандия барча тасаввуфий таълимотларнинг, Баҳоуддин Нақшбанд эса барча авлиёларнинг мукамал хулосасидир, деганида, бу таълимотнинг ўша давр маънавий ҳаётидаги аҳамиятини таъкидлаган эди.

Дунёвий илм-фан юксалиши. Дунёвий илм-фан ва маънавият ривожига аждодларимизнинг қўшган ҳиссаси янада салмоқли бўлди. Очиғини айтганда, минтақамизда шаръий илмлардан аввал дунёвий илм-фан юксак чўққиларни забт этди. Бу табиий эди. Чунки бу борада-

ги салоҳиятимиз исломгача ҳам шу қадар баланд эдики, уни Қутайба қатағонлари йўқ қила олмади. Берунийнинг маълумот беришича, гарчи Қутайба, хоразмликларнинг барча котибларини (илмли, саводли кишиларни) ҳалок этиб, ёзувларига ўт қўйган бўлса-да, дунёқарашдаги билимларда хоразмликларнинг ёзма манбаларга эмас, ўз хотираларига таянишига тўғри келган бўлса-да, Хоразмда, Суғдда ва бутун Ўрта Осиёда умумий савия ва табиатшунослик илми шу қадар юқори эдики, нисбатан тарихий қисқа муддатда халқ ўз салоҳиятини қайта тиклай олди. Шу боис, дунёвий илм-фанда аждоқларимиз исломни қабул қилганидан бир аср ўтар-ўтмас буюк кашфиётлар қила олди. Шаръий илмлардан даҳолар тарбиялаш учун ислом эътиқоди халқ онгига икки-уч авлод давомида чуқурроқ сингиши керак эди.

Минтақамизда ислом эътиқодига ўтганимиздан кейин биринчи чиққан буюк қомусий даҳо Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий (780-850 й.) шаръий илмларнинг биринчи даҳоси Имом ал-Бухорийдан 30 ёш каттадир. Бошқа бир даҳо Аҳмад ал-Фарғоний Ал-Бухорийдан тахминан 10–12 ёш катта.

Хоразмий, тўлиқ ишонч билан айтиш мумкинки, инсониятни ҳозирги формал математик тафаккур тарзига (демак, умуман тафаккурнинг ҳозир қўлланилаётган шаклига) ўргатган даҳодир. Масалан, алгоритм назариясининг илдизи бевосита Ал-Хоразмийнинг илмий услубига, объективлаштириш ва формаллаштириш тамойилига бориб тақалади. У арифметикани тубдан ислоҳ қилди. Алгебра фанига асос солди, бутун дунёда қўлланилаётган «араб рақамлари»ни – 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 0 – фанга киритди, ўнлик тартибини (системасини) жорий қилди. Хоразмий исмидан нафақат «алгоритм» атамаси ясалган, шунингдек, унинг асари номидан «алгебра» тушунчаси ҳосил бўлган. Хоразмийгача айрим алгебраик масалалар ва уларни ечими мавжуд бўлса-да, алгебра яхлит тизимга келтирилган фан сифатида шаклланмаган эди. Хоразмийгача ҳинд математикасида рақамларнинг баъзи бирлари ва ўнлик тартибининг айрим унсурлари бўлган. Хоразмий уларни тубдан қайта ишлаб, янги система яратди.

Яқин Шарқда ва Европада қадимги Бобилдан келаётган олтмишлик ҳисоб системаси қабул қилинган эди: 60 секунд = 1 минут; 60 минут = 1 соат; доира $60 \times 6 = 360$ градус ва ҳ. к. Сонлар позицияга эга эмас эди: масалан, Римда 8 сони – VIII кўринишда ёзилса, 9 – IX, 10 – X, 50 – L, 100 – C, 1000 – M кўринишида ёзилар эди. Хоразмий ўнлик системаси билан сонларнинг позициясини амалиётга киритди. 1 – 10 – 100 – 1000 ва ҳ.к.; ўнгдан биринчи рақам бирликларни, иккинчиси ўнликларни, учинчиси юзликларни ва ҳ. к. белгилайди. Агар бирор позицияда сон бўлмаса «0» (катта нуқта) қўйилган. Бир юз бир сони 101 шаклида ёзилади. Бунда ўнликда сон йўқлигини «0» белгиси ифодалайди. «0» арабчада «ас-сифр» – бўшлиқ, деб аталган. Бугун европа тилларидаги цифр(a) – «рақам» сўзи «ас-сифр»нинг лотинча талаффузидир.

Хоразмий туфайли математик билим олиш ва ҳисоб-китоб қилиш умуман қулайлашди. Тасаввур қилинг: қадимги римлик элликдан йигирма бирни айирмокчи. Ёзувда буни амалга ошира олмайди, чунки сонларнинг позицияси ва ноль-бўшлиқ йўқ: L – XXI. Жавобини ёзиш учун у аввал амалда айириши керак. Лекин ёддан айириш ҳам юқоридаги сабабга кўра мумкин эмас. У 50 дона тошча (чўпча ва ҳ. к.) дан 21 тасини айириб кейин жавоб топган. Шу боис Яқин Шарқда ва Европада чўтга ўхшаш асбоб, линейка, циркуль ва бошқа анжомлардан оддий арифметик ҳисоб-китобда фойдаланилган (Биз ҳозир фойдаланаётган чўтлар ўнлик тизими асосида ясалган, европаликлар чўти фақат маълум микдордаги соққалар йиғиндисидан иборат бўлган).

Хоразмий системаси бўйича элликдан йигирма бирни олишнинг ҳеч қийин жойи йўқ. Буни бошланғич синф ўқувчиси муваффақиятли амалга олади: $50 - 21 = 29$. Мазкур сонларни айириш учун ҳеч қандай чўт ёки циркуль, линейканинг кераги йўқ. Сонларнинг қатъий позицияси бўлганлиги учун буни ҳатто ёддан, оғзаки бажариш мумкин. Айтиш лозимки, Европа фани XVII асрнинг биринчи чорагида дифференциал тенгламаларни кашф этмагунча Хоразмий математикасига туб янгилик киритолмади, уни янги босқичга кўтара олмади, фақат такомиллаштирди. Бошқача айтганда, Хоразмий алгебраси 800 йил давомида

математика фанининг энг юқори чўққиси бўлиб келди ва ҳозир ҳам элементар математика соҳасида ўз аҳамиятини сақлаб қолмоқда.

Ўнлик ҳисоб рақами ва сонлар позицияси нафақат математик фанларда, шунингдек, инсоният тафаккур тарзида, юқорида айтилганидек, инқилоб ясади. Табиий-илмий билимларни ҳисоб-китоб қилиш, умумлаштириш, формаллаштириш, ифодалаш, тўплаш, авлоддан-авлодга узатиш, умуман, объективлаштириш анча соддалаштирилди, теран, холис ва универсал шаклга кўчирилди. Фанлар тарихи билан шуғулланувчи АҚШлик Жорж Сартоннинг Хоразмийга берган «барча замонларнинг энг буюк математики» баҳоси жуда адолатлидир.

Бошқа бир даҳо – Аҳмад Фарғонийнинг турли кашфиётлари ўз замонаси учун мукамал эди. Фарғонийнинг ер курраси, унинг тузилиши, географик узоқликлар ва кенгликларни ўлчаш асбоби, астрономия ҳақидаги асарлари, ер куррасининг у чизган харитаси буюк географик кашфиётлар – Америка қитъасининг, Ҳиндистонга денгиз йўлининг очилишида жуда катта роль ўйнаган. Нил сувини ўлчаш бўйича бунёд этган қурилмаси 1967 йил Асвон тўғони қурилгунча Миср халқига ўн бир аср давомида амалий хизмат қилди. Америкалик профессор Фредерик Старр ёзишча, Христофор Колумб унинг экспедициясига шубҳа билан қараган кишиларни Фарғонийнинг лотин тилига ўгирилган «Самовий ҳаракатлар ва илми нужум тўплами» далиллари билан ишонтирган. Саёҳат пайтида Колумбга Фарғоний такомиллаштирган астролябия (устурлоб) ва бошқа асбоблар катта ёрдам берган.

Хоразмий ва Фарғоний ўз даврида «Байтул-ҳикма»га раҳбарлик ҳам қилишган.

«Байтул-ҳикма»да Хоразмий ва Фарғонийдан ташқари, Хоразмийнинг яна икки туғишган укаси, ота-ўғил Марвазийлар, ота-ўғил Марворудийлар, ас-Сарахсий, Абу Маъшар Балхий, Аббос ал-Жавҳарий ва бошқалар хизмат қилдилар. «Байтул-ҳикма» фаолиятини ўрганган ғарб олими Г.Зутер унда фаолият кўрсатган математиклар ва астрономлар рўйхатини тузганда, маълум бўлишича, «уларнинг деярли ҳаммаси» (95 фоизи) Марказий Осиё ва Эрондан «бўлиб чиқди».

Юқорида келтирилган далилларнинг ўзиёқ аждодларимиз ислом дунёсида илмий-тадқиқот, табиатшунослик фанлари ривожланишида етакчилик қилганини кўрсатиб турибди. Аммо ҳали биз Абу Наср Форобий (873–950), Абу Райҳон Беруний (973–1048), Абу Али ибн Сино (980–1037) каби ўрта асрлар илмининг чўққилари бўлган қомусий даҳолар ҳиссаси ҳақида гапирганимиз йўқ.

Форобий нафақат ислом Шарқининг, балки Ғарбнинг ҳам Арастудан кейинги «иккинчи муаллими» ҳисобланади. «Арасту бизга оламни тушунтириб берди, Арастуни эса бизга Форобий тушунтирди», деган қанотли ибора ислом ва христиан оламида кенг тарқалган эди. Лекин Форобийни фақат Арастунинг шарҳловчиси, тафсирчиси, деб бирёқлама, тор баҳоламаслик керак. У том маънода оригинал ижодкор, мутафаккир эди.

Беруний ва Ибн Синонинг ўша даврдаги илм-фаннинг барча соҳаларига қўшган ҳиссаларини баҳолашнинг ўзи қийин. Ҳозирги замон фани қўллаётган усуллардан бири – қиёсий тажриба усулини илк бор биз уларнинг тадқиқотларида (айниқса, Берунийнинг «Минералогия»сида ва табиатшуносликка оид бошқа асарларида) учратамиз. Ж.Неру шундай фикрни айтиб кетган: «Қадимгиларда – на Мисрда, на Хитойда, на Ҳиндистонда биз илмий ёндашувни учратамиз. Унга фақат Қадимги Юнонистонда оз-моз дуч келаемиз. Римда у тагин йўқолган эди. Лекин араблар илмий-тадқиқот руҳига эга эдилар. Шу сабабдан уларни ҳозирги замон фанининг отаси дейиш мумкин» (Ж. Неру. Взгляд на всемирную историю. – М.: 1989 г. 1-жилд, 215-бет). Неру, албатта, араблар деганда араб тилида ижод этган ҳамма мусулмон олимларини назарда тутмоқда.

Беруний ва Ибн Сино барча даврлар ва барча халқлар орасида қомусий даҳо деб тан олинган ва алоҳида қайд этиладиган олимлар қаторига киради. Европа университетлари беш аср давомида Ибн Сино асарлари бўйича тиббиёт мутахассисларини тайёрлади. Европада тиббиёт бўйича ёзилган биринчи мустақил дарсликда Ибн Синодан 5 мингта иқтибос келтирилган. Бундан ташқари, у Шарқ ва Ғарбнинг энг буюк файласуфларидан бири ҳисобланади.

1973 йилда Берунийнинг 1000 йиллиги нишонланганда айрим Ғарб олимлари уни инсоният тарихида ўтган энг буюк олим, деб баҳолаган эдилар. Америкалик фан тарихчиси Сартон XI асрни бежиз «Беруний асри» деб атамаган. Беруний қайси фанга қўл урмасин, шу соҳада ўз замонасининг барча илмий ютуқларини умумлаштириб, уларга ўзига хос яқун ясаган ва мазкур фанни янги поғонага кўтариб, янги ғоялар ва тадқиқот усуллари билан бойитиб кетган. У ер курраси айланаси ва диаметрини ҳисоблаган. Ажабланарли жиҳати шундаки, Беруний ҳисоб-китоби замонавий сунъий йўлдошлар ва энг сўнги ўлчов жиҳозлари кўрсаткичларидан бор-йўғи 16 км атрофида фарқ қилади. У Коперникдан беш аср аввал оламнинг гелиоцентристик қурилишини кашф этади. Беруний ислом оламида Аристотель таълимотини шубҳа остига олиб танқид қилган биринчи олимдир. Форобий, Ибн Сино, Ибн Рушд ва бошқа даҳолар аристотелчи бўлган. Умуман, Берунийда илмий-танқидий руҳ шунчалик кучли бўлганки, ҳатто XIX асрда ҳам уни ўрганган европалик олимларни ҳайратга солган. Берунийнинг таржимони Э.Захау унинг илмий-танқидий усули ўрта асрлар илмий тафаккурига, ҳатто XVII–XVIII аср илмий тафаккурига ҳам хос эмас, фақат XIX асрдагина биз бундай усулга етиб келдик, дея, Беруний даҳосининг энг асосий хусусиятларидан бирини очиб берганди. Юқорида зикр этилган проф. Фредерик Старр Беруний Америка китъаси кашфиётчиларидан бири сифатида тилга олиниши лозимлигини, у замонаси табиатшунослигига беҳад катта ҳисса қўшганини, гуманитар соҳада эса қиёсий диншунослик фанига асос солганини қайд этади. Беруний қиёсий диншунослик билан бир қаторда қиёсий этнологияга ҳам асос солди, дейиш мумкин.

Форобий, Беруний, Ибн Синодан ташқари табиатшунослик илмида ар-Розий, Ибн Ирок, Чағминий, Исмоил Журжоний каби, ижтимоий-гуманитар илмлар борасида Умар аз-Замахшарий, Махмуд Кошғарий, Наршахий, Байҳақий, Насафий, Азизиддин Насафий каби буюк олимлар ижод қилишган. Фан тарихида уларнинг номлари абадий муҳрланиб қолган.

Дунёвий илм-фаннинг ривожланиши тафаккур ва дунёқараш, маънавият ўсишига, ишлаб чиқариш воситалари такомиллашишига, турли техник кашфиётларга бевосита таъсир кўрсатади. Дунёвий илм-фан ижтимоий тараққиётнинг, тамаддун ривожланишининг асосий омилларидан биридир. Айнан дунёвий илм-фан яхши ривожланганда, ижоднинг барча турлари, шу жумладан, диний илмлар ривожланган, унинг ривожига сусайса, эртами-кечми бошқа соҳаларда ҳам ижод сусайган. Чунки маънавият учун ички муштараклик, бус-бутунлик хос. Маънавиятнинг айрим қисмлари, унсурлари яхши ривожланиб, бошқалари жуда ортда қолиб кетиши мумкин эмас. Албатта, улар ўртасида нисбатан фарқ бўлади, аммо жуда кескин эмас. Дунёвий илм-фан эса маънавиятнинг, рационалистик дунёқарашнинг негизини ва ҳаракатлантирувчи кучини ташкил қилади.

Аждодларимизнинг ислом дунёсида шаръий ва дунёвий илмлар қаторида адабиёт, нафис санъат, халқ амалий санъати ривожланишига қўшган ҳиссалари жуда улқандир. Масалан, Абу Мансур ас-Саолибий (961–1038) XI асрнинг 30-йилларигача Хуросон ва Мовароуннаҳрда яшаб, араб тилида ижод этган 124 та шоирни санаб ўтади. Ас-Саолибийдан кейин ҳам юртимизда араб тилида ижод қилган кўплаб адиблар яшаган. Улар орасида адабиёт тарихида сезиларли из қолдирган Рашидуддин Ватвот (1082–1183)ни эслашнинг ўзи кифоя, деб ўйлаймиз. Уларнинг кўпчилиги зулнисонайн, яъни икки тилда, айримлари уч тилда ижод қилувчи шоирлар эди. Араб тили грамматикаси, синтаксиси ва луғат тузиш илмини ривожлантиришда аждодларимиз салмоқли хизмат қилдилар. Айниқса, бу борада Аз-Замахшарий хизматлари қаттадир.

Ислом маънавиятини форсий ва туркий тиллардаги буюк адабиётсиз тасаввур қилиш мумкин эмас. Турк ва форс-тожик адабиётининг мумтоз ислом давридаги етакчи маркази, асосий ватани Мовароуннаҳр ва Хуросондир. Фирдавсий, Рудакий, Юсуф хос Ҳожиб, Махмуд Кошғарий, Аҳмад Юғнакий, Умар Ҳайём ва бошқа кўплаб адиблар ижоди Ислом маданиятини янги чўққига кўтарди.

Хулоса қилиб айтганда, Марказий Осиё халқларининг, уларнинг буюк фарзандларининг кишилиқ жамиятининг,

умумбашарий моддий ва маънавий маданиятнинг, турмуш тарзининг ислом тамаддуни деб аталмиш улкан бир қисми шаклланиши ва ривожланишига барча йўналишларда, соҳаларда таъсири салмоқли, баъзиларида эса ҳал қилувчи бўлди.

1220 йилларда мўғул истилоси бошланди. У юртимизга мислсиз вайронагарчиликлар, ҳалокатлар келтирди. Маънавий-маданий ҳаёт, деҳқончилик, ҳунармандчилик, ижтимоий алоқалар ва муносабатлар чуқур инқирозга учради. Кўплаб илм-фан, адабиёт ва санъат, маданият вакиллари ижоди тўхтаб қолди, баъзилари ҳалок бўлди ёки қатл этилди, кўпчилиги асир тушиб, қулга айланганди, мамлакатдан олиб кетилди. Баъзилари эса Эрон, Ҳиндистон ва бошқа юртларга кетиб қолдилар. Мўғул истилосидан ташқари ислом дунёқарашининг ички зиддиятлари, ижодий эркинликнинг тобора чекланиши, диний мутаассибликнинг кучайиши XI аср охирларидан – XII аср бошларидан кўзга ташланмоқда эди. XII аср мобайнида бу ноҳуш тенденция зимдан ўсиб борди. Лекин мўғул истилоси ислом рационалиزمи инқирозига сабаб бўлган энг йирик ижтимоий-сиёсий омилдир.

Маънавият ва ижодкорлик ривожланиши учун тегишли ижтимоий-иқтисодий шарт-шароит, сиёсий барқарорлик ва эркинлик зарур. Талончилик, очарчилик, сиёсий зўравонлик ва қатағон шароитида на илм-фан, на адабиёт ва санъат, на ахлоқ ривожланади, на одамларда маънавий эҳтиёжлар юксалади. Улар кўпроқ жонини саклаб қолиш, яшаб қолиш тўғрисида ўйлайдилар. Миллий тикланиш ва маънавий юксалиш учун мўғул истилосидан кутилиш, миллий озодликка эришиш зарур эди.

17. АМИР ТЕМУР ВА ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИДА МИЛЛИЙ МАЪНАВИЯТИМИЗНИНГ ҚАЙТА УЙҒОНИШИ ВА ЮКСАЛИШИ (XIII АСР ОХИРГИ ЧОРАГИ – XVI АСР БОШЛАРИ)

Ижодий ҳаёт мўғуллардан кейин ярим аср музлаб, қотиб қолди, маданият, маърифат ва маънавият чуқур инқирозни бошдан кечирди. Лекин ўтган ярим аср биз учун кулфат, қабоҳат даври бўлса-да, босқинчилар учун «маданийлашиш», аксарияти учун маърифатга.

зиёга жалб этилиш, исломийлашиш даврига айланди. XIII асрнинг 70-йилларидан маданий-маънавий ҳаёт яна аста-секин жонлана бошлади. Мўғул истилоси юртимизда тахминан бир ярим аср давом этди. Юқорида номлари қайд этилган ижодкорлардан ташқари, бу даврда Пахлавон Маҳмуд, Носириддин Рабғўзий, Муҳаммад Розий, Умар Жузжоний, ҳандаса (геометрия) илмининг атоқли намояндаси Сайид Шамсиддин Муҳаммад ибн Ашраф ал-Ҳусайний ас-Самарқандий, машхур фалакиётчи олим ва табиб хоразмлик Маҳмуд ибн Муҳаммад ибн Умар ал-Чағминий ижод қилдилар.

Мўғул истилоси иқтисодийтимиз ва маданиятимизни вайрон этиб, маънавиятимизни инқирозга учратса-да, унинг дунёқараш ва эътиқод асосларини ўзгартира олмади. Мўғуллар бунга интиланлари йўқ. Улар ўзлари билан, арабларга ўхшаб, янги дин ва эътиқод, янги фалсафа ва ижодга рағбат олиб келганлари йўқ, Мўғул истилоси даврида маънавиятимизда, ижтимоий онда тушқунлик кайфияти, иррационализм ва диний мистикага мойиллик кучайди. Бу кейинчалик маънавий маданиятимиз, умуман, жамиятимиз ривожланишига анча салбий таъсир кўрсатди. Аста-секин маънавий ҳаётимизда хурофот унсурлари устунлик қила бошлади. Жамиятнинг таракқиёт вектори – йўналиши (XVI асрдан) юқorigа қараб эмас, тубанга, пастга қараб оғди.

Мўғул истилоси абадий давом этиши мумкин эмас эди. Орадан маълум вақт ўтгач, жароҳатлар битиб, янги авлод етишиб чикди. Бу авлод ўзини мўғулдан кам билмас, отабоболаридан фарқли, урушда бевосита мўғуллардан енгилмаган, улардан кўрқмас эди. Бу вақтга келиб мўғулларнинг кўпчилиги туркийлашган, анча маданийлашган, исломни қабул қилган эди. Аммо ҳокимият улар кўлида бўлгани учун, мамлакатни идора этиш, мулкий муносабатлар Чингизхон белгилаб кетган қонун-қоидалар асосида олиб бориларди. Кўшин маҳаллий аҳоли даромадларининг бир қисмини тортиб олиш ҳисобига кун кўрар, унга ғазнадан маош тўланмас эди. Бундан ташқари, марказий ҳукуматга ҳар йили катта миқдорда солиқ – ўлпон (хирож) жўнатиладди. Илм-фан, адабиёт ва санъат, маданият етарлича рағбатлантирилмас эди.

Янги авлод мўғулларга хизмат қилиши жараёнида уларнинг ҳарбий-ташкилий қоидалари ва жанг усуллари ўзлаштириб олди. Энди озодлик байроғини кўтариб, юрт ўғлонларини бирлаштирадиган шахс керак эди. Бундай шахс бўлиш Шахрисабз ҳокими амир Муҳаммад Тарағай ўгли Темурбек зиммасига тушди.

Мамлакатимиз, маданиятимиз ва маънавиятимиз тарихининг энг қудратли, сифат жиҳатдан янги даври Темур ва темурийлар ҳукмронлигига тўғри келади. Иқтисодиёт, маданият, маънавият яна қайта юксалиши, ижтимоий алоқаларнинг мустаҳкамланиши турли қабила-уруғлар, қавмлар, элатлар ўртасидаги муштарақликни кучайтирди, уларнинг миллий жипслашишини тезлаштирди. Эски ўзбек адабий тили шакллана бошлади. У Тароз ва Яссандан то Ҳиротгача форс тили билан бир қаторда умумий алоқа ва ижод воситасига айланди. Миллий онг, тафаккур, миллий адабиёт ва санъат, илм-фан ривожиди кишиларнинг қарор топаётган янги тарихий бирлиги эҳтиёжлари ўз аксини топди. Биз бежиз бу даврдаги Ўрта Осиё ўтроқ туркий халқи тилини эски ўзбек тили, Саккокий, Атоий, Гадоий, Лутфий, Навоий, Бобур ижодини мумтоз ўзбек адабиёти деб атамаймиз. Бугунги мумтоз ўзбек адабиёти, санъати, маънавий маданиятининг оёққа туриши ва ривожланишида Темур ва темурийлар даври ҳал қилувчи аҳамият касб этди.

Мўғуллардан ҳокимият Темурга ва темурийларга ўтгандан сўнг маънавий ҳаётда ҳақиқий уйғониш даври бошланди. Маданият, маърифат, ҳунармандчилик, савдо-сотик гуллаб-яшнади, шаҳарлар ва қишлоқларда ободончилик кенг қўламда олиб борилди. Ариқлар, каналлар қазилди. Янги ерлар ўзлаштирилди, боғлар барпо этилди. Карвонсаройлар, мадрасалар, ҳаммомлар, бозорлар, расталар, саройлар, ҳашаматли иморатлар, сув қувурлари барпо этилди. Темур бу ишларни фақат ота юртидагина эмас, забт этилган мамлакатларда ҳам амалга оширди.

Йирик империяга бирлашган халқлар, уларнинг маданиятлари ўртасида мулоқот кучайди. Турли халқлар маданиятлари бир-бирларидан ўргандилар, бир-бирларини бойитдилар. Империя гарчи ҳарбий юришлар натижасида тузилган бўлса-да, унинг ички бошқарувида зўравонлик

қўлланилмас, балки Амир Темурнинг «Куч – адолатда» тамойили асосида иш юритилар эди. Амир Темур давлатида миллий маданиятларнинг ўзаро таъсири ва бир-бирини бойитиши асло зўравонлик натижаси эмас, балки буюк бунёдкорлик, халкларнинг ўзаро яқинлашуви, ҳамкорлиги натижасидир.

Темур давридаги алломалар ҳақида гапирганда, аввало, унинг хос, яқин кишиларидан бўлган мавлоно Абдулмаликни эслаш керак. У Бурҳониддин Марғинонийнинг авлодларидан биридир. Абдулмалик мударрислик қилган, шеърлар ёзган. Туркий, араб ва форс тилларини, турли илмларни мукамал эгаллаган шахс бўлган. У Темурнинг араб олимлари ва фозилу уламолари билан суҳбатларида, баҳсларида таржимонлик қилган.

Темур даврининг донғи чиққан олимларидан Саъдуддин ат-Тафтозоний, Саид Шариф Муҳаммад ал-Журжоний, Хожа Муҳаммад аз-Зоҳид ал-Бухорийни кўрсатиб ўтиш лозим. Хожа Муҳаммад аз-Зоҳид ал-Бухорий Куръони каримни юз жилдда (!) тафсир қилган. Мусиқа илмида шуҳрат топган бастакор ва устоз Абдуқодир ал-Мароғий номи ҳам тарихда қолган. Ибн Арабшоҳ ёзишига қараганда, мавлоно Аҳмад ибн Шамс ул Аимма туркча, форсча, арабчада «малик ул-калом» унвонини олган. Бу учала тилнинг подшоҳи деганидир. Ушбу муносабат билан шуни алоҳида таъкидламоқчи эдикки, Ўрта асрларда илмий, адабий ва маданий ҳаётнинг миллийлиги қайси тилда битилгани билан белгиланмаган.

Бизнинг минтақамизда араб тили илм тили сифатида XV асргача ўз мавқеини сақлаб турди. Лекин форс тилининг илмий мавқеи ҳам бу даврга келиб анча юксалган, ҳатто араб тили билан тенглашиб қолган эди. XVI асрдан Марказий Осиё ва Эронда сўниб бораётган табиатшунослик тўла форс тилига кўчди. Бадийий ижодда IX асрдан бошлаб форс тили етакчилик қила бошлади. Аҳмад Югнакий, Юсуф Хос Ҳожиб каби атоқли шоирлар ижоди эса қорахонийлар даврида туркий тилдаги адабий юксалиш намунасидир. Лекин бу юксалиш чингизийлар даврида таназзулга юз тутган эди. XV асргача минтақамизда араб ва туркий тилда битилган асарлар, бу тилда ижод қилган адиблар кам бўлмаса-да, улар орасида даҳо даражасидаги

йирик ижодкорлар йўқ эди. Лекин бу туркий халқлардан адабиёт соҳасида бундай ижодкорлар XV асргача чиқмаган экан, деган тушунчани англамайди.

Ҳиндистоннинг буюк шоири Мирзо Ғолибнинг замондоши Найёр шундай деб ёзган экан: «Ҳиндистонда форс тилидаги шеърият лочин уруғидан бўлган туркдан бошланиб (Амир Хусрав Дехлавий – А.Э.), ойбек уруғидан бўлган турк билан тугалланади (Мирзо Ғолиб – А.Э.)»¹. Улар ўртасида ҳам қанчалар атоқли адиблар, Мирзо Бедил каби даҳолар бор.

Низомий Ганжавий, Амир Хусрав Дехлавий турклардан чиққан буюк даҳо шоирлардир. Умуман, бугун биз форс-тожик мумтоз адабиёти деб атайдиган адабиётнинг атоқли намояндалари ичида туркий халқлар вакиллари сони жуда салмоқли. Мирзо Бедил, кейинчалик Саидо Насафий ва бошқа кўплаб классикларнинг нафақат туркийлиги, ҳатто туркийларнинг қайси уруғ, қабиласидан эканлиги маълум. Форс тилида аждодларимиз яратган дурдоналар билан биз, бу тилда сўзлашувчи халқлар каби, ҳаққоний равишда фахрланамиз. Темур ва темурийлар даврида маданиятимизнинг икки-уч тил воситасида ривожланиши табиий эди.

Темур Самарқандга барча илмларнинг ва санъатларнинг соҳибларидан етакчиларини таклиф қилган ва уларга ижод қилишлари учун бутун шарт-шароитларни яратиб берган. «Натижада Самарқандда, – эътироф этади Ибн Арабшоҳ, – ҳар бир ажиб фан аҳли намояндасидан ва санъатлар ғаройиб услубидан фазилатли пешонасида нишони бўлиб, ўз тенгқурларидан устун турган, ўз фанида аллома бўлган кишилар тўпланган эди».

Таъкидлаш жоизки, Самарқандга ва мамлакатимизнинг бошқа шаҳарларига ўзга юртлардан кўчириб келтирилган хунармандлар, санъаткорлар, олимларнинг, улар оила аъзоларининг ҳақ-хуқуқлари чекланмаган, улар қулга ёки ҳақ-хуқуқсиз хизматкорга айлантирилмаган. Балки

¹ Қ а р а н г: *Носир Муҳаммад*. Насаф ва Кеш алломалари. – Т.: 2006, 38-б. Туркча «қушчи» бўлса керак, чунки турклар тотемистик қарашлар таъсирида ўз уруғбошчиси ҳисобланган хайвонларни рамзий номлар билан: бўрини – жондор (жон эгаси), қашқир; қарчиғайни (лочин) – қушчи (қуш овловчи) деб атаганлар.

маҳаллий аҳоли билан бир хил шароитда, бир ҳуқуққа эга бўлиб яшаган ва ўз касб-кори билан шуғулланган.

Юқорида иқтибос келтирилган Ибн Арабшоҳ 12 ёшида Самарқандга оиласи билан кўчирилган эди. Унинг Самарқандда ҳар томонлама билим олиб, етук тарихнавис, шоир ва адиб, кўп фанлар бўйича чуқур билимдон бўлиб етишгани юқоридаги фикримизни тасдиқлайди. У эски ўзбек, араб ва форс тилларини мукаммал билган. Туркийда шеърлар ёзган, ҳатто ўзининг айрим тарихий асарларини, Қоҳирага мамлук султонлари хизматига борганда, туркий тилга шеърӣ усулда таржима қилиб, достон шаклида бахшилардек мамлукларга қуйлаб берган.

Темур фаолиятининг бош ғояси ва амалий шиори «Куч – адолатда» деган ҳикматки, у умуминсоний аҳамиятга эга. Бу ғоя ҳозир ҳам, бундан кейин ҳам энг эъзозли умуминсоний маънавий кадриятлардан, ахлоқий ва ҳуқуқий меъёрлардан бири бўлиб қолажак. Ростгўйлик, ҳақиқатгўйлик, адолатпарварлик, юрти ва фуқаролари тўғрисида қайғуриш, мамлақати тинч ва осойишта, обод ва фаровон бўлишига бутун куч-ғайратини, ақл-заковатини йўналтириш каби Темурнинг хос фазилатлари унинг чинакам буюк маънавий шахс бўлишига, буюк яратувчи давлат бошлиғи сифатида тарихда ўчмас из қолдиришига хизмат қилди. Мазкур фазилатлар унинг авлодларига ибрат бўлди ва ҳозиргача ибрат бўлмоқда.

Темурнинг давлат ишларининг 90 фоизи кенгашу машварат, фақат 10 фоизи куч, қилич (маъмурий йўл) орқали ҳал қилиниши лозим, деган тамойили ўз даври учун давлатни маслаҳат асосида бошқариш, яъни ўзига хос демократик бошқарув меъёридир. Халқ норози бўлган, адолатни бузган ҳокимларни вазифасидан четлаштириб жазолаши ёки мамлакатнинг бир сарҳадидан иккинчи сарҳадига бошига бир лаган жавоҳирни қўйиб ўтаётган болақайнинг бирор дона жавоҳири йўқолмайдиган тартиб ўрнатилгани адолат ва ҳуқуқ устуворлигининг амалда таъминланишидир. Фарб давлатлари ҳукмдорларига ёзган мактубларида мамлакатлар ўртасида урушлар эмас, савдотик ривожланиши фаровонликка, ободончиликка хизмат қилиши тўғрисидаги фикрлари ва бундай алоқаларни ўрнатиш бўйича билдирган амалий таклифлари бугунги

халқаро сиёсий ва иқтисодий алоқалар негизида ётган та-
мойлнинг ўша даврда ниш урган куртагидир.

Юқорида қайд этилган тамойиллар, меъёрлар бевосита маънавиятнинг моҳиятли унсурларидир. Улар турли та-
рихий даврларда турли кўринишлар касб этиши, шаклан
ва мазмунан бойиши табиий. Бугун биз бунинг гувоҳимиз.
Лекин фахр билан эътироф қилишимиз мумкинки, замо-
навий умуминсоний кадриятларнинг муайян қисми ўз ил-
дизлари билан бизнинг аجدодларимиз ижодига ва фаоли-
ятига бориб такалади.

Темурийлар даври: зиддиятли юксалиш. Темурий
шаҳзодалар, афсуски, ўзаро тахт ва мансаб талашиб, мам-
лакат барқарор ва бир текис ривожланишини анча қийин-
лаштирдилар. Лекин уларнинг аксарияти кенг билимли,
адабиёт ва санъатга қизиқувчан, ўзлари ижод борасида
юксак иқтидорли эдилар. Шу боис илм-фан, санъат ва дин
арбобларига ҳомийлик қилдилар. Ўз мулклари, вилоятла-
ри ёки ҳокимият тепасига келиб қолсалар, бутун мамла-
кат миқёсида ободончилик ишлари билан шуғулланишга,
маърифатни қўллаб-қувватлашга интилдилар. Айниқса,
Шоҳрух, Улуғбек ва Ҳусайн Бойқаро шахслари бу борада
алоҳида ажралиб туради.

Самарқанд ва Ҳирот нафақат темурийлар давлати-
нинг, балки бутун ислом маданияти, илм-фани ва санъа-
тининг икки марказига айланди. Самарқандда Улуғбек
атрофида ўша даврнинг буюк риёзиётчи олимлари ва ас-
трономлари, муҳандислари, турли фанлар бўйича бошқа
олимлар тўпланди. Қозизода Румий усмонли турк мам-
лакатидан, Ғиёсиддин Жамшид Коший Эрондан Улуғбек
олдига келдилар ва у билан бирга тригонометрия, гео-
метрия ва астрономия соҳасида, астрономик асбоблар,
глобус ясаш бўйича тадқиқотлар ўтказдилар. Кейинча-
лик маҳаллий ёшлардан даҳо олим Али Қушчи етишиб
чиқди. Улардан ташқари Муҳаммад Ҳавофий, Алоуддин
ал-Бухорий сингари қанчалар истеъдодлар, атоқли олим-
лар Улуғбек мадрасаси ва расадхонасида фаолият кўр-
сатдилар, ёшларга таълим бердилар, илмий кузатишлар
олиб бордилар. Самарқандда ўша даврда жаҳондаги энг
замонавий, мукамал обсерватория – расадхона қурилди.
1018 та юлдузнинг координаталари аниқланиб, жадвали

тузилди. У ҳаққоний равишда «Зижи жадиди Кўрагоний» ёки «Зижи Улуғбек» деб аталади. Улуғбекнинг илмий мактаби ал-Хоразмий, ал-Фарғоний ва айниқса ал-Беруний илмий меросини чуқур ўрганди, таҳлил этди, бу мероснинг ҳақиқий вориси, давомчиси бўлиб, илм-фан, маънавият тарихи саҳнасига чиқди.

Гиёсиддин Жамшид Коший ва бошқаларнинг ёзиб қолдиришича, Берунийнинг «Қонуни Масъудий» асари Улуғбек шогирдлари ва ҳамкасбларининг деярли қўлидан тушмайдиган китоб, дарслик бўлган. Бу асарнинг турли боблари бўйича мунозаралар, илмий баҳслар олиб борилган, улар оғзаки ва ёзма талқин қилинган (ҳозирги илмий рефератларнинг илк кўриниши).

Хоразмий, Фарғоний, Беруний ривожлантирган фалакиёт илми ўзининг олий юксалишига Улуғбек мактабида эришди. Телескоплар ихтиро қилингунга қадар ривожланган жаҳон фалакиёт илмининг хулосаси ва чўққиси Улуғбек ва унинг ҳамкорлари ижодидир. Улуғбекнинг давлат ишларидан бўшаган пайтлардаги асосий вақти расадхонада юлдузлар ва осмон жисмларини кузатишга кетган. Улуғбек зижини таърифлаб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Уни бутун дунё тан олган. Унинг муаллифига Шарку Фарб ўрта асрларнинг энг буюк астрономи деган баҳо берилган. ЮНЕСКО Улуғбекнинг 600 йиллигини бутун дунё миқёсида нишонлади.

Давлатшоҳ Самарқандий Улуғбекка «маоний илмида (маънолар илми – дунёвий фанлар ва мантик. – А.Э.) қилни қирқ ёради», деб баҳо беради. «Унинг даврида – ёзади Давлатшоҳ Самарқандий, – олиму фозиллар мартабаси ниҳоят баланд чўққига кўтарилди... Фозиллару ҳакимларнинг яқдил фикрлари шулки, исломият замонида, балки Зулқарнайн замонидин шу пайтгача Улуғбек кўрагондек олим ва подшоҳ салтанат тахтида ўлтирмаган»¹.

Жамшид Коший ва Улуғбек томонидан синус бир градусни ҳисоблаш масаласини икки оригинал усулда ечилишини замонавий хориж олимлари мукамал ечим, деб

¹ Қ а р а н г: Амир Темура ва Улуғбек замондошлари хотирасида. –Т.: «Ўқитувчи», 1996, 10-б.

баҳолаганлар. Биз Улуғбекни кўпроқ буюк фалакиётчи (астроном) олим сифатида биламиз. Аслида у тригонометрия ривожига ҳам бекиёс ҳисса қўшган. Умуман, Улуғбек қизиқиши ва билимига кўра, ҳар жиҳатдан қомусий олим бўлган. Унинг «Тўрт улус тарихи» деган йирик асари (афсуски тугалланмай қолган) мустақиллик йиллари халқимизга етиб келди.

Улуғбек илмий дунёқараш тарафдори, айна пайтда комил мусулмон эди. У ислом ақидаларини, Қуръон оятлари ва ҳадисларни рационал талқин қилар, хурофотни, мутаассибликни қабул қилмас эди. Шу боис уни диний мутаассиблар унча хушламаганлар. Бу Абдуллатиф кўрсатмаси билан Самарқанд уламоларининг Улуғбек тақдирини ҳал қилиш борасида қабул қилган ҳукмларида яққол ўз ифодасини топади.

Улуғбек мактабининг яна бир даҳоси – Али Қушчининг илмий хизматларини алоҳида таъкидлаш керак. Али Қушчи ўрта асрларда юртимиздан дунёвий илм-фан, табиатшунослик соҳасида чиққан охириги қомусий даҳодир. У ўз замонасидаги дунёвий илмларга оид деярли барча фанларни пухта эгаллаган. У математика ва астрономия фанлари ривожланишига буюк ҳисса қўшиши баробарида мантиқ, фалсафа, грамматика ва адабиёт назарияси, табобат, фикҳ, тарих ва бошқа соҳаларга бағишланган асарларида ҳақиқий илмий усулни, рационалистик таҳлил ва умумлаштиришни, илмий холисликни (объективликни) ҳимоя қилди. Илм-фанда, тафаккурда, дунёқарашда Улуғбек тамойилларини давом эттирди ва ҳимоя қилди.

Али Қушчи математика фанига «мусбат» ва «манфий» тушунчаларини киритди, ўнли касрлар назариясини бойитди. Аё София мадрасасида бош мударрис бўлганида 90 градусдан кичик бурчакларнинг ўтмас бўлиши мумкинлиги тўғрисида баҳслар юритди. Кейинги ҳолатни ноевклид геометриясига тааллуқли олиб борилган илк тадқиқотлардан бири, деб баҳолаш мумкин.

Астрономия соҳасида эса у Улуғбекнинг ўнг қўли эди. «Зижи жадиди Кўрагоний» Али Қушчи иштирокисиз, балки тугалланмай қолган бўлур эди. Унинг шарҳларини араб тилига таржима қилиб, бутун жадвалга тартиб бер-

ган, Улуғбек қатлидан кейин саклаб қолиб, бутун дунёга ёйган Али Кушчидир.

Улуғбек ўз атрофига олимлар билан бирга истеъдодли шоир ва бастакорларни, адибларни, меъморларни, расом ва нақшкорларни, хаттотларни ва санъатнинг бошқа соҳаларига оид ижодкорларни тўплади. Мумтоз ўзбек адабиёти шаклланишига Навоийгача замин яратганлардан бири атоқли шоир Саккокий Улуғбек атрофидаги ижодкорлардан эди. Ҳожи Исматулло Бухорий, Камол Бадахшоний каби шоирлар, «илми ҳикматда замонасининг яктоси» Алоуддин Шоший, машойих Ҳасан Агтор каби атоқли ижодкорлар Улуғбек даврида Самарқанднинг маънавий ҳаётини юксалтирдилар.

Буюк фақиҳ Абул Лайс ас-Самарқандийнинг авлодларидан хожа Фазлуллоҳ Абулайсий – Алишер Навоийга икки йил дарс берган улуғ устоз ўз ижодий фаолиятини Улуғбек даврида бошлаган. Улуғбек Самарқандда, Бухорода, Гиждувонда олий мадрасалар (ўша дардаги университет), бошқа шаҳарларда ҳам кўплаб мактаблар ва мадрасалар курдирди. «Илм олмоқлик ҳар бир муслим ва муслима учун фарз» деган ҳадисни ўзи курдирган мадрасасининг тепасига ёздириб қўйди. Улуғбекнинг бу ишларини маърифат ёрдамида жаҳолатга, авж олиб бораётган мутаассибликка қарши курашнинг ўша даврдаги намунаси дейиш мумкин. У олимлар ва талабалар билан турли мунозаралар, баҳслар ўтказиб турган. Бу баҳсларга ўзи шахсан раҳбарлик қилган. Ғиёсиддин Жамшид Кошийнинг отасига ёзган хатида гувоҳлик беришича, баъзан у атайлаб мураккаб, чалкаш, хато фикрни ўртага ташлаган. Кимдир бу хато фикрни ёқласа, уни фош қилган ва тузатган.

Улуғбек қатлидан кейин дунёвий илм-фан аста-секин орқага кета бошлади. Мистика, диний мутаассиблик анча кучайди. Расадхонадаги тадқиқотлар тўхтаб қолди. Қаровсиз қолган, таъмирланиб турмаган расадхона вақт ўтиши билан бузилиб, ғиштлари ташилиб, кўмилиб кетди. Жамиятда маънавий муҳит ўзгарди. Ижодий, танқидий фикр юритишга, илмий холисликка эҳтиёж пасайди. Аксинча, мадҳиябозлик, лаганбардорлик кучайди. Иррационалистик қарашлар, мистика ва диний мутаассиблик табиатшуносликка нисбатан беписанд

қарашларнинг, салбий муносабатларнинг авж олишини озиклантириб турди.

Мамлакат тахтига ўтирган Абу Саид Мирзонинг Али Қушчига шахсий муносабати хурматли эди. Лекин, шунга қарамадан, илмий тадқиқот, ижод учун мухит ноқулай бўлганлиги сабабли Али Қушчи оқибатда на Самарқандда, на Ҳиротда қолди, Истанбулга йўл олди. Чунки Абу Саиднинг феъл-атвори мураккаб, жоҳилликка ён босувчи эди. У жамият онгида, маънавиятида юз берган салбий бурилишни ўзгартиришга ожиз эди. Буни Али Қушчи буюк ақл-заковати билан теран ҳис этган.

Самарқандда аста-секин маънавий турғунлик бошланди. Бу эса халқимизни олдинда кутиб турган чуқур маънавий-маданий, иқтисодий, сиёсий, ҳарбий, умуман, ижтимоий инқирознинг дебочаси эди. Лекин Улуғбек даврида яратилган улкан илмий ва маданий салоҳият бирдангина йўқолиб кетган эмас. Пойтахт Самарқанддан Бухорога кўчирилган вақтгача, шаҳар Мовароуннаҳрда етакчи маънавий марказ бўлиб қолаверди. Алишер Навоийнинг Самарқандга келиб таълим олгани бежиз эмас. Алишер Навоий «Мажолисун нафоис» тазкирасида (тазкира 1491–1492 йилларда ёзилган) ўша даврда Самарқанд шаҳрида яшаб ижод қилаётган ўзига замондош 31 шоирни санаб ўтади. Улардан бештаси, келиб чиқишига кўра, шерозлик, иккитаси хоразмлик, иккитаси кирмонлик. Шоирлар орасида қаршилик, хисорлик, бадахшонлик, қазвинлик, кумлик, яздлик ва бошқа жойлардан келганлар учрайди. Бу Улуғбек қатлидан 40–45 йил кейин ҳам Самарқандга пойтахт ва маданий-маънавий марказ сифатида ижодкорларнинг интилиши кучли бўлганини кўрсатади.

Ўзаро ички низолар, тахт талашлар бир оз сусайиб, Ҳирот тахтига Ҳусайн Бойқаро ўтиргач, халқимизнинг маънавий-маданий ҳаётида яна ўттиз йилдан кўпроқ муддатда гуркираб ўсиш кузатилди. Аммо бу уйғониш бир оз чегараланган, универсал мазмунга эга эмас эди. Биринчидан, бу даврда табиатшунослик фанлари илгариги мавқеини қайта тиклай олмади. Аксинча, йилдан-йил ортга кетди. Иккинчидан, бу давр маънавияти асосларида, негизида, илгаригидек ҳам табиий-илмий, ҳам диний қарашлар эмас, кўпроқ бир томонлама диний қарашлар, аниқроғи,

накшбандия таълимоти ётар эди. Шу боис кўпроқ гумани-тар илмлар, адабиёт ва санъат ривожланди.

Навоий «Мажолисун-нафоис» асарининг еттинчи мажлисида 20 нафар темурий шахзодаларнинг шеърлари-дан парчалар келтирган. 8 мажлисини эса султон Ҳусайн Бойқаро ижодига (21шоир) бағишлаган. Навоий рўйхати-да атоқли шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобур номи кел-тирилмаган (асар ёзилганда Бобур жуда ёш бўлган ва унинг ижоди Навоийга маълум бўлмаган). Темурийлар орасида энг истеъдодлиларидан, девон тузиб, адабиётда из қолдирганлардан бири Ҳусайн Бойқародир. Ҳусайн Бойқаро ҳар жиҳатдан йирик шахс эди, кўплаб юксак ва ноёб фазилатлар соҳиби эди. У кучли саркарда ва давлат бошлиғи салоҳиятига эга бўлса-да, ўзга мамлакатларга кўз олайтирмаган. Тахтга ўтиргач, фақат мамлакати ичи-даги айирмачилик ва ш. к.ларни бостирган, четга кўшин тортмаган. Ҳусайн Бойқаро ободончилик ва фаровон турмушнинг асоси уруш эмас, балки тинчлик ва сиёсий барқарорлик эканлигини яхши тушунган. Маърифатни, илм-фанни, адабиёт ва санъатни, хунармандчиликни кенг ривожлантирган.

Шу ўринда ҳозиргача ҳаммани лол қолдирадиган бир воқеани эслаш лозим, деб ҳисоблаймиз: Навоий «Хамса»ни ёзиб тугатгач, сафардан қайтган Ҳусайн Бойқарога асарни тақдим этади. Ҳусайн Бойқаро отдан тушиб, «Хамса»ни юз-кўзига суртиб, қабул қилиб олади ва шу заҳотиёқ Навоийни ўз отига миндириб, отнинг жи-ловидан етаклаб бутун Ҳиротни айлантиради. Бу инсо-ният тарихида Ҳусайн Бойқарога юз бермаган ва ун-дан кейин ҳам мутлақо такрорланмаган воқеадир. Испа-ния, Франция ёки Англия қиролларининг Лопе де Вега, Мольер ёки Шекспирга нисбатан бундай муомала қи-лишини тасаввур қилиш мумкин эмас. Инглиз қироли, Шекспир ишлайдиган театри билан саройга таклиф қи-линганди, ҳатто буюк адибга гап қўшишни лозим топма-ган. Чунки Европа зодагонларининг, жамиятининг маъ-навияти ўзгача бўлган, инсонга тенг кўз билан қарамаган. Инсон истеъдоди, даҳосига қараб эмас, насл-насабига қараб баҳоланган. Бугунги демократия ривожланган Ев-

ропада инсон кадр-қиммати мезонлари энди тамомила бошқача.

Хусайн Бойқаронинг Навойга жиловдор бўлишни ўзига эп кўрганлиги унинг қанчалик буюк маънавият соҳиби бўлганидан, адабиётни, санъатни, ижодни жуда юксак кадрлаганидан далолат беради. Лекин, таъкидлаш зарурки, Хусайн Бойқаронинг ҳаракати нафақат унинг қандай подшоҳ ва инсон бўлганини кўрсатади, у жамият маънавияти юксаклигидан, подшоҳларнинг юкоридагига ўхшаш хатти-ҳаракатларини тўғри қабул қилиб, муносиб баҳолай олишидан ҳам далолат беради. Агар Хуросон ва Моварауннаҳрда Европадагидай муносабатлар, қарашлар ҳукмронлик қилганда, олий табақа ва авом халқ Хусайн Бойқаро илтифотини тўғри тушуна олмаганида, у ҳеч қачон Навойга жиловдор бўлмас эди. Давлат бошлиғининг ўзи ижод билан шуғуллангани, маърифатга интилгани, ижод аҳлига ҳомийлик қилгани аъёнларга ибрат ва тақлид учун намуна бўлган. Хусайн Бойқаро саройида, вилоятлар ҳокимлари саройида ижодий муҳит қайнаб турган.

Ҳиротда Шоҳрух давридан бошлаб, Самарқанддан фарқли ўлароқ, кўпроқ ижтимоий-гуманитар соҳада ижодкорлик ривожланди. Чунки Шоҳрухда диндорлик кучли эди. Унинг ўзи шу боис риёзиёт ва табиатшунослик фанларига унча мойиллик кўрсатмаган. Бу фанлар Ҳиротда етарлича рағбатлантирилмаган, тадқиқотлар кам олиб борилган ва Самарқанд, Тус шаҳарларидаги каби йирик илмий мактаблар вужудга келмаган. Табиатшунослик Шоҳрух даврида Ҳиротда кўпроқ олий таълим даражасида қолиб кетган. Хусайн Бойқаро замонида бундай хусусият сақланиб қолди. Шоҳрух даврида Шарафиддин Али Яздий тарихнависликда, Лутфий шеърятда, Жомий тасаввуфда ва шеърятда буюк мерос яратдилар. Тасаввуф, хусусан, нақшбандия тариқатининг маънавий ҳаётдаги мавқеи анча юксалди, етакчилик аҳамият касб этди. Хусайн Бойқаро замонида нақшбандия мавқеи янада мустаҳкамланди, айгиш мумкинки, у расмий мафкура даражасига кўтарилди. Жомий ва Навой даҳо шоирлар бўлишлари қаторида фалсафий, диний масалалар, ахлоқ, адабиётшунослик, тилшунослик, жамиятни бошқаришни такомиллаштириш, инсон шахсини тарбиялаш, маърифат

ва маънавият борасида ҳам буюк алломалар эдилар. Мирхонд, Хондамир, Зайниддин Восифий тарихнавислик бо-бида ажойиб асарлар битдилар.

Шу ўринда Алишер Навоий ижодининг миллий маъна-виятимизда тутган аҳамияти ҳақида алоҳида тўхталиш зарур. Биз Алишер Навоийни нафақат мумтоз ўзбек адабиё-ти асосчиси, даҳо шоир, машҳур давлат арбоби, таълим ва санъат ҳомийси сифатида, шунингдек, миллий маънави-ятимиз тарихида бутун бир даврни ташкил этган қомусий мутафаккир сифатида ҳам англаб олишимиз зарур.

«Алишер Навоий ва ўзбек маънавияти» масаласи бир неча йўналишлардан, мавзулардан иборат жуда катта ма-саладир. Зеро, шоир ўз фаолияти ва ижодида, биринчи-дан, эски ўзбек миллий онги ва миллий ғояси шакллани-шига хизмат қилган. Яъни, энг аввало, ўзининг бадий ижодида, ҳар қандай сиёсий, иқтисодий, маданий-маъ-рифий (мактаблар, мадрасалар қуриш, санъаткорлар-га, олимларга, адибларга, уламоларга ҳомийлик қилиш) фаолиятида, туркий (эски ўзбек) тилда ижод қилишни алоҳида рағбатлантиришда ва бошқа барча масалаларда янги шаклланаётган элат, унинг адабий тили ва миллий давлатчилиги манфаатларидан келиб чиқиб иш тутган. Иккинчидан, эски ўзбек адабий тили меъёрлари ва мезон-лари тартибга келтирилишида ҳал қилувчи роль ўйнаган. Учинчидан, миллий-бадий тафаккурни жаҳон бадий тафаккурининг энг юксак чўққиларига кўтара олган.

Алишер Навоий асарларини ўрганишдан мақсад эсте-тик, бадий эҳтиёжларимизни қондириш, завқ олиш, билимларимиз ва дунёқарашимизни бойитиш, аклимизни чархлаш, дидимизни юксалтиришгина эмас, айни пайтда ўзлигимизни тарихнинг янги босқичида қайта англаш, ке-лажак йўлида ўз маънавий манбаларимиз, тарихий илдиз-ларимиздан кўпроқ озиқланиш, куч тўплаш, дунёқараш ва эътиқоднинг долзарб масалаларига муносабатларимизни аниқроқ белгилаб олишда кўшимча далиллар топишдир. Ушбудан Алишер Навоий асарлари бугун ҳам биз учун қай даражада замонавийлик ва долзарблик касб этиши келиб чиқади.

Миниатюра санъати. Ўша давр маънавиятини мини-атюра санъатисиз тўлиқ тасаввур этиб бўлмайди. Камо-

лиддин Беҳзод ва бошқа рассомларнинг ранг-тасвирда ишлаган китоб миниатюралари умуминсоний қадриятларга, жаҳон санъатининг дурдоналарига айланди. Беҳзод асарлари Матисс ижодига ва у орқали XX аср Европа ранг-тасвирининг баъзи модернистик оқимларига кучли таъсир кўрсатди. Беҳзод асарлар ўтиб, бизнинг замонамизда ҳаққоний равишда Шарқнинг энг буюқ даҳо рассоми деб эътироф этилмоқда. Унинг асарлари вақт синовига бардош берди ва уларнинг қиймати янада ошди.

Беҳзод мактабидан кейинчалик Бухоро ва Самарқандда ўзлари ҳам мактаб яратган икки атоқли рассом – Маҳмуд Музаҳҳиб ва Муҳаммад Муродлар етишиб чиқди. Ўша даврдаги маънавий муҳитни, маънавий тарбияни тасаввур қилиш учун Алишер Навоийнинг Саид Ҳасан Ардашер ва Паҳлавон Муҳаммад ҳаётларига бағишланган асарларини, «Маҳбуб ул-қулуб» ва «Мажолис ун-нафоис»ини ўқиш лозим. «Мажолис ун-нафоис»нинг бешинчи мажлисини Навоий амирлар, юксак амалдорлар ўғилларидан шеър ёзганларини санаб, улар ижодидан намуналар келтиради. Бу сарой аъёнлари, мартабали амалдорларнинг таълим-тарбияга, маънавиятга муносабатидан ва жамиятда ҳукм сурган маънавий муҳитдан билвосита далолатдир.

Буюк ўзбек шоири Заҳириддин Бобур ҳам темурий шахзодалардан. Бобур янги сулолага асос солди. Афсуски, бу сулола Кобул ва Ҳиндистонда ҳукмронлик қилди. Бобурийлар илм-фан, адабиёт ва санъат шайдолари, хомийлари бўлиб, кўпчилиги ижод билан шуғулланган. Бобурийлар билан боғлиқ хорижда ривожланган ўзбек маданияти ва маънавияти ҳали етарли даражада ўрганилган эмас, ўз тадқиқотчиларини кутиб турибди (Бобурийлар ва улар саройида хизмат қилган юртдошларимизнинг, улар авлодларининг туркий (эски ўзбек) ва форс-тожик тилида ижод қилган шоиру адиблар, тарихчилар, файласуф ва мутасаввуфлар ижодини биз миллий маданий меросимизнинг хорижда яратилган узвий бўлаги, деб қарасак мантиққа зид бўлмайди).

Нафақат хонлар ва ҳокимлар саройларида мушоиралар, санъат ва мусиқа назариясидан, илмнинг бошқа соҳаларидан баҳслар ўтказилар, шунингдек, сайил кунлари жамоат жойларида мушоиралар, санъаткорларнинг чиқиш-

лари, аскиябозлар, дорбозлар томошалари, полвонлар, чавгончилар мусобақалари уюштирилар эди. Жамиятнинг нуфузли кишилари ташкил қиладиган базмлар ва меҳмондорчиликларда санъаткорлар, шоирлар, бахшилар иштирок этиши урфга айланган эди. Жамиятнинг маънавий-маданий савияси, маънавий эстетик эҳтиёжлари баланд эди.

Аммо бирор тарихий даврни ва ҳеч бир тарихий шахсни, ҳатто у даҳолар даҳоси бўлса-да, идеаллаштирмаслик керак. Шу жумладан, Темур ва темурийларни, уларнинг даврини ҳам. Темур ва темурийларга, адолат билан бир қаторда, фотиҳлик (Темурга), қаттиққўллик, қаҳр-ғазаб, тож-тахт талашиш йўлида ҳеч нарсадан таи тортмаслик ҳам хос эди. Вазият тақозо этса, улар на ўзларини, на оға-иниларини, на бошқаларни аяганлар. Билимнинг кўп соҳасида отасидан кам бўлмаган Абдуллатифнинг Улуғбекни, юксак маърифатли Хусайн Бойқаронинг ўз набираси Мўмин Мирзони қатл эттиришларини ва тахт учун оға-инилар ўртасида содир этилган хунрезликларни уларга баҳо бераётганда асло унутмаслик керак.

Лекин, айти пайтда, тарихий шахсларга баҳо бераётганда, бугунги кун меъёрларидан эмас, ўша замон меъёрларидан келиб чиқиш лозим. У ўзидан аввалги даврга нисбатан қандай илғор янгиликларни жорий қилди, тараққиётга, адолатга, инсон камолотига нечук ҳисса қўшди, қандай шарт-шароит яратди, унинг фаолияти оқибатда жамият заволига хизмат қилдими, ё камолига – мана, тарихий шахсни баҳолашда қўлланиладиган мезон. Темурийлар даврида саройлардан, пойтахт ва йирик марказлардан четда авом халқ ўртасида хурофот кенг тарқалган, маърифат анча паст, айрим доираларда мутаассиблик кучли эди. Иқтисодий ўсиш, ишлаб чиқариш воситаларининг такомиллашиши жуда-жуда суст эди.

Маънавий ҳаётда эса диннинг таъсири, аниқроғи, диний мутаассибликнинг таъсири йилдан-йил ошиб бораверди. Шу сабабдан жамият тараққиёти ортга қайтмайдиган юксалиш чизигидан кетмади, объективлик касб этмади. У кўп жиҳатдан давлат бошлиғининг, амалдорларнинг дидига, интилишига, ҳалоллиги, сахийлиги ва ташаббускорлигига, яъни субъектив омилларга қарам бўлиб қолаверди. Натижада, темурийлар даврида вужудга келган юксак маъ-

навийт иқтисодий жиҳатдан етарлича мустаҳкамланмади ва жамиятнинг кейинги муттасил равнақ топишини таъминлай олмади.

18. АНЪАНАВИЙ ЖАМИЯТНИНГ ТЎЛИҚ ҚАРОР ТОПИШИ ВА МАЪНАВИЯТИМИЗНИНГ ТАНАЗЗУЛ БОСҚИЧИ (XVI АСР ИККИНЧИ ЯРМИ – XIX АСР БИРИНЧИ ЯРМИ)

Ислом мамлакатлари, жумладан, бизнинг юртимиз нега қўлга киритган ютуқларини сақлаб қололмади? Нега жаҳонда маданият ва маънавият соҳасида етакчилик қилган, буюк даҳоларни тарбиялаган халқ қоқоқлик ва жаҳолат ботқоғига ботиб қолди? Бу саволларга жавоб бериш учун дастлаб Шарқ мамлакатларида қарор топган мулкчилик ва иқтисодий муносабатлар хусусиятлари тўғрисида ғапириш лозим. Зеро, улар жамият ҳаётининг моддий-иқтисодий негизини ташкил қилган ва аксарият кадриятлар шаклланишига таъсир кўрсатган. Мустамлакачилик давригача Шарқ мамлакатларида аграр жамият бўлганини назарда тутсак, биринчи навбатда ерга нисбатан мулкчилик шакллари, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш хусусиятлари ва муносабатлари тўғрисида сўз бориши кераклиги ойдинлашади.

Туркистон тамаддунининг негизини қадим замонлардан суғориладиган деҳқончилик ва чорвачилик ташкил этган. Туркистон деҳқончилик ва чорвачилик маданиятлари чамбарчаслашган, аралаш яшайдиган минтақадир. Туркистонда ҳам, бошқа суғориладиган деҳқончилик мамлакатлари каби, ерга нисбатан хусусий мулкчилик чекланган ҳолда ривожланди ва хусусий мулкдорлар ўртасида ер тўлиқ тақсимланмади. Узоқ ўтмишдан яйловлар, даштлар, лалми ерлар хусусий шахслар эмас, балки уруғ-жамоалар ўртасида тақсимланган ё бутунлай эгасиз бўлган. Чунки қанча катта ерни эгаллаб олма, унга суғориш учун канал ёки ариқ казиб келиш, ҳар йили уларнинг лойқа чўкиндиларини тозалаб туриш керак. Бу эса фақат кўпчиликнинг, жамоанинг кўлидан келади.

Ўрта асрларда ерга нисбатан мулкчиликнинг турли шакллари вужудга келса-да (хон ва амирларнинг давлат

мулки, йирик феодаллар мулки, вақф мулки, майда хусусий мулк, жамоа мулки), ерга кўпроқ майда ва жамоа мулкчилиги ўрнатилди. Мўғул истилоси ерга нисбатан хусусий мулкчилик ривожланишини янада сусайтирди. Мулкдорларнинг бир қисми янгилари билан алмашди.

Чингизийлар ва кейин темурийлар даврида бутун вилоят ва туманларнинг суюрғол қилиниши, қишлоқларнинг ниёз қилиниши (ерни тортиқ қилишнинг бошқа атамаларда ифодаланадиган шакллари ҳам) ерга нисбатан қарор топган амалдаги мулкчиликнинг негизини, бизнинг назаримизда, тубдан ўзгартирган эмас. Фақат суюрғол, иқта ва ниёз қилинган ердан олинадиган солиқларнинг бир қисми давлат хазинасига эмас, хусусий шахс – суюрғол эгаси чўнтагига тушган, оддий деҳқонлар ҳаётида эса деярли ўзгаришлар содир бўлмаган. Сулолаларнинг, хон ва амирларнинг тез-тез алмашиб туриши аксарият ҳолларда иқта, ниёз, суюрғол эгаларини тез-тез ўзгартириб турган. Бошқача айтганда, иқта, ниёз, суюрғол Европадаги ерга феодал ҳуқуқидан, феодал мулкчиликдан анча фарқ қилган (Европада, қоида тариқасида, сулолалар алмашиши мулкдорлар ўзгаришига деярли таъсир кўрсатмаган).

XV–XVI асрдан бошлаб ерга йирик хусусий мулкчилик бироз ривожланган бўлса-да, жамоа мулкчилиги ва майда мулкчилик, вақф мулкчилигининг салмоғи ундан устун бўлган. Фақат Россия истилосидан кейин ерга хусусий мулкчилик кучайган, аммо ўшанда ҳам у хусусий мулкдорлар ўртасида тўлиқ тақсимланмаган.

Ерга хусусий мулкчилик чегараланган ҳолда ривожлангани учун ишлаб чиқариш концентрацияси (тўпланиши) юз бермади ва алоҳида шахслар қўлида катта капитал тўпланмади. Бу жуда принципиал масала. Чунки унда Шарқ ва Ғарбда мулкӣ ва ижтимоӣ-синфӣ муносабатлар турли йўналишда ривожланганининг сабаблари яширин.

Европада ер илк феодализм давридаёқ мулкдорлар орасида тўлиқ тақсимланган эди. Деҳқонларнинг аксарияти ерга бириктирилди ва асосий юридик ҳуқуқларидан маҳрум этилди (айрим майда мулкдор деҳқонлар – кичик ер эгалари бундан истисно). Шундай қилиб, Европада ашаддий эксплуатацияга асосланган крепостной тузум ву-

жудга келди. Мулкий муносабатларда Европада майорат (катталиқ) принципи қарор топган эди. Унга биноан, ер мерос қилиб фақат бир ўғилга, қоида тариқасида, тўнғичга қолдирилган. Ерни бўлиб, майдалаштиришга рухсат этилмаган. Мулкнинг бўлинмаслиги Европада, оқибат-натижада, ишлаб чиқаришнинг ва капиталнинг концентрация бўлиши учун иқтисодий пойдевор вазифасини ўтади.

Туркистонда майорат принципи қоида тарзида ўрнатилган эмас. Шу сабабдан нисбатан йирикрок мулк ҳам уч-тўрт авлод ўтгач майдалашиб кетган, чунки меросхўрлар орасида бўлинган. Жамиятдаги мавжуд ҳуқуқий ва ахлоқий меъёрлар, биринчи навбатда, майда ва жамоа мулкчилигини ҳимоя қилишга қаратилган. Муҳаммад пайғамбарнинг уч нарсаси – яйлов (ер), сув ва ўт ҳамманики бўлиши керак деган кўрсатмаси айнан шундан далолат беради. Фақат айрим феодаллар, мулкларини бўлмасдан фарзандларидан бирига мерос қолдиришга ҳаракат қилганлар. Аммо бундай уринишлар қоидадан истисно тариқасида юз берган. Ҳатто хон ва подшоҳлар ҳам кўпинча бунинг уддасидан чиқа олмаганлар. Давлатни бир ўғлига мерос қилиб қолдирсалар-да, унинг бошқа ўғиллари турли вилоятларда ҳокимлик қилган ва кўпинча оталари вафотидан кейин тахтга ўтирган ака ёки укаларига буйсунмай, тахт учун, мулкни қайта бўлиш учун талашганлар. Шу сабабдан Туркистонда йирик хонликларнинг барқарор ривожланиши узлуксиз бир неча авлодлар давомида чўзилмаган.

Амир Темур васиятига унинг меросхўрлари амал қилмагани ва унинг оқибати тарихдан яхши маълум. Тахт талашлар тинмаган. Орадан салкам бир аср ўтгач ҳам унинг авлодлари орасида энг йирик саркарда бўлган, Шохрухдан кейин чорак аср ўтиб, Хуросонни гуллаб-яшнатган юксак маърифатли Ҳусайн Бойқаро дастлаб амакиваччалари, сўнгра ўз ўғли Бадиуззамон билан тез-тез уруш қилиб турган. Бобур ўғиллари Ҳумоюн ва Комрон ўртасидаги келишмовчилик ва кураш тўғрисида кўп нарсаси маълум. Умуман, темурийлар сулоласи ички мулкий низолар, бир-бирини қириб ташлашлари орқали ҳалокатга учради, оқибатда, ташқи ҳужумдан ўзини ҳимоя қила олмай қолди. Улуғбек авлодлари қисматини тадқиқ этган

Т. Файзиевнинг ёзишича: «Улуғбек Мирзо зурриётига мансуб бўлган авлод унинг қатлидан 15 йил ўтгач батамом тугади»¹. Бобур гувоҳлик беришича, Ҳусайн Бойқаронинг ўн ўғлидан «етти-саккиз йилда бир Муҳаммад Замон Мирзодин ўзга осор ва аломат қолмади».

Бошқа сулолалар тарихи учун ҳам қисқа барқарорлик билан алмашиб турадиган худди шундай тахт талашувлар, ўзаро урушлар хос. Бу урушлар халқ бошига қанчалар кулфат солганини, халқ руҳиятига аста-секин кўрқув туйғусини сингдиргани, тақдири азалга ишончини, мистикага мойилликни, ижтимоий беқарорликни кучайтирганини эътироф этиш лозим.

Ўзига тўқ фуқароларнинг ислом туфайли тўрттагача хотини бўлгани, тождорлар эса бундан ташқари ҳармида чиройли канизакларни сақлагани меросга даъвогарлар сонини ҳаддан ошириб юборган. Меросхўрларнинг кўп ҳолларда оналари бошқалиги сабабли, уларнинг тоғалари ва она томон бошқа қариндошлари ўз жиянларининг ҳокимият тепасига келиши учун турли фитна ва низоларни, тарафкашлик ва уруғ-аймоқчиликни рағбатлантирганлар, кўпинча ўзлари ташкилотчи сифатида фаол иштирок этганлар. Раҳбарлик ва бошқарув ишларидаги маҳаллийчилик, қариндошчилик, гуруҳбозлик, уруғ-аймоқчилик каби иллатларимизнинг илдизи ўшаларга бориб тақалади.

Ерга хусусий мулкчиликнинг тўлиқ жорий этилмаганлиги умуман мулкчиликнинг бошқа соҳаларда ҳам чуқур илдиз отиб кетмаслигига сабаб бўлди.

Анъанавий жамият тушунчаси. Хусусий мулкчиликнинг чекланганлиги ва интенсив ривожланмаганлиги Шарқда, бир томондан, анъанавийликни вужудга келтирди, иккинчи томондан – шахс ташаббуси, интилишлари ва манфаатини кўп ҳолларда ҳисобга олмади, уларни рағбатлантирмади. Бу, ўз навбатида, аста-секин жамият таракқиётига ғов бўлди. Тўғри, маънавият борасида у ўзаро ёрдам, ҳашар, бир-бирига тенг кўз билан қараш, иззат-ҳурмат каби умуминсоний қадриятларни озиклантириб турди. Лекин шахсий ташаббуснинг иккинчи даражали ҳисобланиши, умумий ўртача талабларнинг устунлиги

¹ «Ўзбекистонда ижтимоий фанлар» журнали. 1994, № 7, 33-б.

иктисодиёт ва маънавиятда оқибат-натижада турғунликка олиб келди. Чунки индивидуал ижодий изланишлар, илмий тадқиқот ва бадий ижод соҳасида туб янгиликларни кашф этишга интилишлар анча сусайди.

Ишлаб чиқаришдан илм-фанга, ихтирочиликка, янги технологияларга буюртма тушмади. Жамиятда техник-интеллектуал, табиий-илмий изланишларга эҳтиёж ўсиш ўрнига камайиб кетди. Бу эса, ўз навбатида, таълим соҳаси ривожланишига салбий таъсир кўрсатди. Зеро, таълим жамиятда билимли, илмий малакали мутахассисларга бўлган талабни ҳисобга олиб ривожланади. Риёзиёт, ҳандаса (геометрия ва механика), илми нужум, илми арз (география), тиббиёт, табобат, фалсафа бўйича мутахассисларга талаб камайиб, шаръий илмлар таълим тизмида асосий аҳамият касб этди. Ижодда анъанавийлик устунлик қила бошлади. Шахс камолоти унинг ички дунёсига, кўпроқ диний мазмунда тушуниладиган ахлоқий камолотга йўналтирилди. Ҳаттоки, соғлом шахсий интилишларга беписанд қараш «бир ўзинг доно бўлгунча, кўп билан девона бўл» каби ахлоқий меъёрларнинг қарор топишига олиб келди.

Ислом Шарқида вужудга келган ва кенгайтирилган ҳолда такрор тикланадиган ижтимоий эҳтиёжлар дастлаб ишлаб чиқариш усули, савдо-сотик, маданий алоқалар ривожланиши зарурияти тақозо этадиган даражада эди. Бу ўша даврда Европа мамлакатларида вужудга келган эҳтиёжлар билан таққосланганда, уларга нисбатан анча юксакдир. Шу сабабдан илм-фан, тиббиёт, адабиёт ва санъат, фалсафа ва илоҳиёт, ҳуқуқ ва давлатни идора этиш соҳалари IX–XII асрларда гуллаб-яшнади. Бугунги кунда бу даврни фанда «ислом ренессанси» деб аташ қабул қилинган (Бу тушунчани фанга XX асрнинг бошида австриялик шарқшунос А.Мец киритган эди.¹ Кейинчалик олимлар, хусусан, академик Н. И. Конрад Навоий даврини ҳам ислом ренессансига мансуб деб, унинг чегарасини XVI аср бошигача чўзди²).

¹ Қ а р а н г. *А. Мец*. Мусульманский ренессанс. – М.: 1980.

² *Н.И.Конрад*. Средне-Восточное Возрождение и Алишер Навои. Избранные труды. Литература и искусство. – М.: 1978. 90–104-б.

Аммо ишлаб чиқариш усули ўзгармади, унда янги сифатга ўтиш юз бермади. У ижтимоий эҳтиёжларнинг кенгайтирилган ҳолда такрор тикланиш талабларидан ортда қола бошлади. Қондирилмаган, кенгайтириб такрор тикланмаган эҳтиёжлар сўна бошлади, табиийки, ишлаб чиқариш усули, биринчи галда, ишлаб чиқариш воситалари ривожланишини қўллаб-қувватламади. Ишлаб чиқариш усули жамият моддий ҳаёти, меҳнат ва ижод манбаларининг ёпиқ доирада ҳаракат қилишини белгилади ва иқтисодий ҳаётга, у орқали бутун ижтимоий муносабатларга анъанавийлик бахш этди. *Туркистон* ҳам Шарқнинг бошқа мамлакатлари (Миср, Хитой, Ҳиндистон, Эрон ва шу кабилар) сингари *анъанавий* – турғун муносабатлар қайта тикландиган ва янгиланишга устунлик қиладиган *жамиятга айланди*. Маънавиятда жамият мавжуд ютуқларни мутлақлаштиришга, догмалаштиришга, уларга таклид қилишга, ўтмиш нуфузи олдида қуллук қилишга юз тутди, одатланди.

Анъанавий жамият бу шундай жамиятки, унда ишлаб чиқариш шакллари, иқтисодий муносабатлар – тақсимот, алмашув, истеъмол меъёрлари аллақачон барқарорлашган, қатъий белгиланган ва адолатли ҳисоблангани учун деярли ўзгармасдир, турғундир. Ахлоқ, ҳуқуқ, эътиқод ва дин масалалари, бадий ижод (адабиёт ва санъат), таълим-тарбия, оилавий ва бошқа ижтимоий муносабатлар анъанага айланган, урф бўлиб қолган меъёрлар, тамойиллар, «боқий» қадриятлар асосида фаолият кўрсатади, сезиларли ўзгаришларни, туб янгиланишини рад этади. Анъанавий жамиятда умуман ҳаёт турғун бўлади ва бир маромда оқаверади. Жамият ўзининг мавжудлик ҳолатидан мудом қониқиш ҳосил қилади, янгиликлар учун ёпиқ тизимга айланади.

«Анъанавийлик» атамаси, ҳатто унинг негизи – «анъаналар» – жуда кенг тушунча. Анъаналарни фақат урф-одатлар ва маросимлар мажмуаси, деб ўйлаш нотўғри. Чунки анъаналар ижтимоий ҳаётнинг ва инсон фаолиятининг исталган соҳасида – адабиёт ва санъатда, илм-фанда, ишлаб чиқариш ва ҳарбий хизматда, меҳнат жамоасида, алоҳида бир оиланинг ҳаётида ва ҳ.к. да вужудга келади. Анъаналарни бир томонлама баҳолаш ярамайди. Улар ҳаётда

иждобий ёки салбий аҳамият касб этишлари мумкин. Масалан, анъаналар меҳнат ва иждоднинг ҳамма соҳаларида авлодлар ўртасида ворисийликни, қўлга киритилган ютуқларнинг мустақамланишини, авлоддан-авлодга ўтишини таъминлайди. Анъаналарсиз ижтимоий ҳаётнинг бирор жабҳасида, айниқса, мураккаб аклий меҳнатда, иждодда, илм-фанда (малакали мутахассис, тадқиқотчи олим, конструктор тайёрлаш 20–25 йил ўқитишни талаб қилади) эришилган ютуқларнинг тўпланиши, бойиши, юз бермас, бинобарин, ҳеч қандай олға ривожланишнинг ўзи бўлмас эди.

Аммо анъаналар ҳаётга мослашиб, мудом замонавийлашиб бориши, тарихий заруратга зид бўлмаслиги лозим. Агар анъаналар ўтмиш ютуқларини мутлақлаштирса, уларни замонавий янгиликларга, ёш авлоднинг ижтимоий ва иждодий изланишларига қарши қўя бошласа, шубҳасиз, салбий мазмун касб этади. Жамиятнинг ҳар ишда, ҳар қандай фаолиятда асосан ёки кўпроқ анъаналарга таяниб, уларга мувофиқ ҳаёт кечирishi анъанавийлик (традиционализм)ни қарор топтиради. Анъанавийлик ус-тун келган жамият дастлаб турғунликка, сўнгра эса чуқур инкирозга ва емрилишга маҳкум бўлади.

Шу боис анъаналарни авайлаб-асраш билан бир қаторда уларга кўр-кўрона сажда қилиш ярамайди. Анъаналарни замон талаблари даражасида ривожлантириб бориш керак. Афсуски, Шарқ халқларида анъаналарни мутлақлаштириш, уларни ҳаётнинг янги эпкинларига қарши қўйиш ҳоллари юз берди. Турғун, ривожланмай қотиб қолган жамиятнинг асосий тамойилини ташкил этадиган *анъанавийлик (традиционализм) – оламга, ҳаётга догматик муносабат бўлиб, аслида иждодий, танқидий руҳнинг, ташаббуснинг ижтимоий онгда, амалий фаолиятда, давлат идоралари, ижтимоий институтлар, шахслараро муносабатларда жамият миқёсида (айрим шахслар онги фаолияти бундан мустасно) сўниб боришидир.*

Анъанавий жамиятда иқтисодиёт ва давлат сиёсати ҳукмрон мафкурага бўйсуниб қолади, объектив зарурат, мақсадга мувофиқлик инкор қилинади. Мафкуранинг ўзи анъаналарга айланиб, қотиб қолган тамойиллар, меъёрлар, қоидалардан, диний ва сиёсий догмалардан иборат

бўлади, замон талабларига мослашиб ривожланиш ўрнига, ижтимоий ҳаётни ўзига мослаштиради. Натижада, асрлар давомида на давлат бошқаруви, сиёсий тузум, на иктисодиёт, на ижтимоий ҳаёт ўзгаради.

Буюк олим ва мустақил Ҳиндистоннинг биринчи Бош вазири Жавоҳарлаъл Неру шундай деб ёзган: «Янги ғоялар ва янги нарсалар яратиш ўрнига Ҳиндистонда аввал яратилганларни қайтариш ва уларга таклид қилиш бошланди... Бу цивилизация сўниши яқинлашаётганининг белгиларидир. У юз берса, цивилизация ҳаётининг сўнишига амин бўлмоқ керак, чунки ҳаётнинг белгиси ижоддир, такрорлаш ва таклид эмас»¹.

Шарқ маданияти, маънавиятининг депсиниб, ривожланиш суръатлари ниҳоятда секинлашиб қолиши анъанавийликнинг қарор топиши қаторида ёв бостириб келиши, айниқса, мўғул истилоси ҳамда тўхтовсиз тож-тахт талашиш урушлари билан маълум даражада боғлиқдир. Урушлар, талон-торожлар, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий алғов-далғовлар, улар туфайли қисқа муддатли сиёсий барқарорлик вужудга келганда сал-пал тўқ яшай бошлаган халқнинг бирданига қашшоқ, ночор ҳолга келиб қолиши ҳурфикрликка путур етказиб, хурофотга, бидъатга, мистикага мойилликни кучайтирди. Диний мутаассибларга қулай шароит яратди. Оламга муносабат, онг, дунёқараш, маънавий муҳит салбий томонга ўзгара бошлади, илм-фанга, адабиёт ва санъатга рағбат сусайди. Бу дунёвий адабиётнинг, нафис санъатнинг, табиий фанларнинг аста-секин XVI аср иккинчи ярмидин бошлаб, айниқса, Туркистон уч давлатга бўлиниб кетганидан кейин (XVIII аср) чуқур таназзулга юз тутишига олиб келди. Адабиётда диний-мистик мотивлар кучайди.

Бизнинг маданиятимиз жаҳоннинг етакчи маданиятлари қаторидан (IX–XV аср) унинг провинциал қолок маданиятлари қаторига ўта бошлади. Тафаккуримиз аста-секин провинциаллик, маҳдудлик касб этди. Аммо бу бирданига юз бергани йўқ. Забт этилган чўққидан тушишнинг ўзи ҳам кўп вақт талаб қилади. Ҳатто баъзи бир соҳаларда Туркистонда аввалги даврга нисбатан юксалишни кўра-

¹ *Дж. Неру. Взгляд на всемирную историю. Т. 1. – М.: 1989. 249-б.*

миз. Масалан, XV асрда Мовароуннахр (Самарқанд ва Бухоро) миниатюра мактаби Хуросон (Ҳирот) мактабидан анча ортда эди. Маҳмуд Музаҳҳиб, Жалолиддин Юсуф, Келди Муҳаммад, Муҳаммад Чағрий, Муассин, Абдулла, Муҳаммад Мурод Самарқандий ижоди туфайли XVI асрда алоҳида Ўрта Осиё миниатюра мактаби вужудга келди дейиш мумкин. XVI аср биринчи чораги Заҳириддин Бобур ижоди гуллаб-яшнаган даврдир.

Албатта, адабий ҳаёт Бобурдан кейин ҳам анча қизғин давом этган. Ҳасан Бухорий Нисорийнинг «Музаққир ал-аҳбоб» (1566 й.) ва Мутрибнинг «Тазкираи шуаро» (1604–1605) асарларида юртимизда яшаб ижод қилган юзлаб шоир ва олимларнинг номларини учратамиз. XVI асрнинг биринчи ярмида ўзбек тилида ёзилган адабий ва тарихий адабиётлар кўпайиб борди. «Таворихи гузида Нусратнома», Муҳаммад Солиҳнинг «Шайбонийнома» асарлари шулар жумласидандир. Бу даврда Рашидиддин, Шарафиддин Али Яздий ҳамда баъзи бир бошқа муаллифларнинг асарлари туркий тилга таржима қилинди. XVI асрнинг иккинчи ярмида шоир Мушфиқий анча машҳур бўлди. Ҳофиз Таниш Бухорий «Абдулланнома» асарини ёзди. XVII асрда Саидо Насафий, Қосимхўжа, Турди, Сўфи Оллоёр, Бобораҳим Машраб ижод қилдилар.

XVI–XVIII аср бошларида меъморчилик санъати ривожланиши анча барқарор давом этганини кўрамыз. Бу даврда масжиди Калон, Мир-Араб, Кўкалдош, Абдуллахон, Калобод мадрасалари барпо этилди. Абдуллахон II даврида Ўрта Осиёда мингдан ортиқ меъморий обидалар – кўприklar, мадрасалар, ҳаммомлар, сардобалар ва ҳ.к.лар қурилган. Қаршидаги Қашқадарё устидан қурилган кўприк Ўрта Осиёдаги энг йирик кўприк бўлган. Ҳар ҳолда бунёдкорлик давом этган, юксалиш томон кетмаса-да, тўхтаб қолмаган. Лекин табиатшунослик илмига оид ёзилган китоблар бу даврда бармоқ билан санарли даражада оз. Борларининг илмий савияси, аҳамияти ва ғоялари янгилиги, шубҳасиз, теурийлар даври илмий асарлари даражасида эмас. XVI асрда ёзилган ҳисоб усуллари ҳақида рисола ёки аср ниҳоясида Амин Аҳмад Розийнинг «Ҳафт иқлим», 1541 йилда тузилган Ҳусайн ал-Мироқи ас-Самарқандийнинг тиббиёт ва доривор

Ўсимликларга бағишланган рисоласини мисол тариқасида келтириш мумкин. Кейинги асрларда табиатшуносликда ривожланиш бўлмади. Аксинча, IX-XV асрларда кашф этилган фалсафий, тиббий, астрономик ва математик билимлар унутила бошлади. Чунки мадрасаларда уларни ўқитиш кескин камайиб кетди.

Бу даврда юртимиздан табиатшунослик илмида даҳо олимларнинг чиқмаганлиги истеъдодлар туғилмай қолгани билан эмас, балки жамиятда маънавий муҳит бузилгани, кашфиётларга эҳтиёж сўниб қолгани билан боғлиқ. XVII асрда Самарқанд ҳокими Баҳодурбий Ялангтўш Шердор ва Тиллакори мадрасаларини ҳамда қатор иншоотларни қурдирди. Бугун бутун Ўзбекистоннинг фаҳри ҳисобланган Регистон ансамбли ҳозирги кўринишда шаклланди. XVIII–XIX аср бошларида Хоразмда нақшли, кошинли ажиб меъморчилик ёдгорликлари барпо этилди. Улар мамлакатимиз ҳудудидаги ислом мумтоз меъморчилигининг сўнгги намуналари эди. Бу вақтга келиб Бухорода майоликали кошинли ғиштлар деярли ишлатилмай қўйилган эди. Қўқон хони ўрдаси қурилишида бундай ғиштлар қисман қўлланилган бўлса-да, бадий ечими, жозибаси, савияси ва бошқа хусусиятларига кўра, XVII ва аввалги асрлар бинолари билан рақобат қила олмасди.

XVIII–XIX аср биринчи ярмида адабий ҳаёт бирмунча жонланди. Қадим анъаналарга тақлид қилиб, янгидан вужудга келган Хива, Қўқон хонлари ўз саройларида, ўрдаларида адабиёт ва санъатни ривожлантиришга ҳаракат қиладилар. Баъзи хонларнинг ўзлари шеър ёзишга, мусиқа басталашга рағбат кўрсатди. Бу ҳам анъана эди.

Қўқон хонлигида XVIII аср охири – XIX аср биринчи ярмида Ғози, Хозиқ, Махмур, Гулханий каби шоирлар ижод қилганини назардан қочирмаслик керак. Улардан Махмур ва Гулханий ўзларининг халқпарвар ҳажвий шеърлари билан анча машҳур эдилар. Хива хонлигида бу даврда юксак истеъдод соҳиби Шермуҳаммад Мунис (1778–1829) ва ўзбек адабиётининг атоқли намояндаси Огаҳий (1809–1874), Комил Хоразмий (1825–1897) ижодлари гуллаб-яшнаганини кўраимиз. Аммо қайд этилган истисноларни ҳисобга олмаганда, умумий тенденция юксалиш эмас, балки турғунлик ёки пастлаш эди.

Таъкидлаш лозимки, барча даврларда, ҳатто жамият энг юксак суръатларда ривожланаётган йилларда ҳам, барча ижодкорлар барабар илғор ғоялар тарафдори бўлмайди. Кимдир бу дунё эмас, нариги дунё ғам-ташвишларини кўпроқ ўйлайди. Кимдир имон-эътиқод масалаларини торроқ тушунади. Кимдир хурофотга, кимдир бидъатга кўпроқ мойил бўлади ва ҳ.к. Улар маънавиятдаги қоқоқ, консерватив, ҳатто реакцион тенденцияларни ифодалай бошлади. Жамият юксалиш томон кетаётганида маънавий муҳит кўтаринки, оптимистик бўлади. Қоқоқ ва реакцион ғоялар халқ кўнглида сезиларли акс садо бермайди, одамлар улар ортидан эргашмайди. Аммо жамиятда турғунлик ва таназзул ҳукм сурса, халқ қашшоқ яшаса, ижтимоий адолат бузилса, қоқоқ ва реакцион ғоялар илғор, прогрессив ғоялардан устунлик қилади. Жамият орқага кетади. Туркистонда айнан шундай ҳол юз берди. Шеърятда диний-мистик, ишқий шеърлар ёзадиган шоирлар дунёвий мавзуда ижод қиладиган шоирларга нисбатан кўпроқ эди. Ўша даврнинг энг буюк истеъдоди, исёнкор шоир Машраб ижоди айтилган фикрни тасдиқлайди. Ислом руҳонийлари орасида консерватив маъмурият билан тил топишиб, уларга хизмат қилганлари тараққиёт учун курашган муллаларга нисбатан кўпроқ бўлди. XIX аср ўрталаригача, айрим соҳаларда қисқа муддатли ривожланиш юз берган бўлса-да, бутун жамият миқёсида биз бундай ҳолатни кузатмаймиз.

Шундай қилиб, маънавиятимизнинг турғунлик ҳолатига тушиб қолгани анъанавий жамиятнинг қарор топишига бориб тақалади. Анъанавий жамиятнинг асосий белгиларидан бири бутун ижтимоий ҳаётнинг догматик ғояларга, мафкуравий қолипларга, андозаларга мослаштирилиши, дедик. Жонли ҳаётнинг қотиб қолган мафкурага буйсундирилиши йилдан-йилга мафкуравий мутаассибликни кучайтириб, хурфикрликни, ижодий ва танқидий тафаккурни бўғади.

Ижтимоий ҳаётимиз анъанавийликка кўчиши жараёнида хурфикрликка, илғор юксак марраларга, идеалларга интилишга путур ета бошлади. Диний догматизм қолиб келгандан кейин аждодларимизнинг ижтимоий-маданий тафаккури ва интилишлари туб янгиликларга, туб ўзга-

ришларга, ижтимоий ривожланишга қаратилган ғояларни аста-секин қабул қилмай кўйди. Жамият маҳдудликка бурилди, янгиликлардан юз ўгирган ёпик жамиятга айланди, маънавий мўлжалларимиз ўзгармас анъаналар бўлиб қолди. XVI асрдан бошлаб табиатшунослик муттасил орта кета бошлади ва оқибатда чуқур инкирозга дуч келди.

Адабиёт ва санъат анъанавийлик негизида ривожланди. Бадиий изланишлар, бадиий тажрибалар кўпроқ анъанавий мавзулар, сюжетлар, ҳатто анъанавий композицион қурилмалар замирида олиб борилди.

Анъанавий жамият ва миллий ирода сусайиши. Жамият онги, дунёқараши, адабиёти ва санъати, маънавий муҳити учун кескин сифат ўзгаришлар, янгиланиш, ўзининг тарихан эскирган жиҳатларидан очикчасига воз кечиш хос бўлмади. Натижада, миллий характеримизда муросағўйлик, катталар ва бошлиқларга сўзсиз қулоқ тутиш, уларнинг ҳар қандай кўрсатма ва буйруқларига итоат этиш, айниқса, урф-одатлар ва маросимлар, маиший турмушни ташкил этишда катталарга ва диний арбобларга тўла бўйсунуш қарор топди.

Турмуш тарзи таъсирида миллий ирода шаклланади. Ундаги кучли фазилатлар ва айрим нуқсонлар юқорида зикр этилган омилларга бориб тақалади. Анъанавийлик, муросағўйлик, индивидуал манфаатлар ва интилишларнинг иккинчи даражали ҳисобланиши, устунликнинг жамоавийликка берилиши ва ш. к. лар, бир томондан, кишида интизомни ва жамоа учун фидойиликка тайёр бўлишни тарбиялади, иккинчи томондан – уруғ-аймоқчиликка, маҳаллийчиликка мойилликни озиқлантирди ҳамда ўз шахсий манфаатлари, ўз эътиқоди ва ғоялари учун кураша олиш қобилиятини сусайтирди. Ҳаётий энг зарур ва қимматли ғояларни, янгиликларни олға сураётган истеъдодли олимнинг ишини, агар у мавжуд анъаналарга зид келса, қолоқ фикрли амалдор, оқсоқол ёки чаласавод мулла ўтмишда икки оғиз сўз билан жамоа назарида обрўсизлантиришга қодир бўлган, улар жамоа иродасини ўзлари истаган тарзда бошқарганлар.

Ислонда мазҳаблар ўртасидаги ўзаро кураш ва унинг натижасида кучая бошлаган диний ва сиёсий мутаассиблик туфайли ижтимоий сафарбарлик сусайиб борди. Сунний

Мовароуннахр ва шиавий Эрон ўртасидаги Хуросон учун кураш қандай оқибатларга олиб келгани тўғрисида чех олими Ян Рипка куйидаги фикрни баён қилади: «Сафавийлар бутун Хуросонни, жумладан, Балх минтақасини босиб олдилар ва аҳолини шиа мазҳабига ўткази бошладилар. Тус, Машҳад ва айникса Ҳирот Тахмасп I пайтида ўзбек хонларининг доимий хужумларидан зарар кўрди. Оқибатда Ўрта Осиё ва Эроннинг бир-биридан тўлик маҳдудланиши, иқтисодий ва маданий алоқаларнинг узилиши ҳамда Хуросоннинг таназзулга учраши юз берди. Бу сафавийларнинг тарихий айбидир»¹.

Мухолиф Эрон ўртада ажратиб тургани учун Туркистон, Афғонистон ва Ҳиндистоннинг Яқин Шарқ мамлакатлари билан алоқаси сусайиб қолди. Ҳиндистондан келадиган Жануби-Шарқий ва Хитойдан келадиган Буюк Ипак йўлининг Васко да Гама кашфиётларидан кейин пасая бошлаган аҳамиятига янада қаттиқ путур етказилди. Ҳар икки йўл ўз иқтисодий ва маданий мавқеини қайта тиклай олмади.

Масаланинг яна бир томони ҳақида фикр юритиш лозим, деб ҳисоблаймиз. Ислом ўзининг дастлабки ривожланиш асрларида (VII–XI) оламга янгича муносабат, янгича дунёқараш сифатида, аввалги тарихий ғояларга таққослаганда, баъзи соҳаларда нисбатан илғорроқ ғояларни олға сурди ва илғорроқ ижтимоий амалиётни рағбатлантирди, жамиятни ягона ғоявий ва диний негизда жипслаштирди. Шу сабабли у кўп халқларни ўзига жалб қилди. Ўша асрларда исломга эътиқод қилиш, ишонч рационал моҳият касб этган эдики, у ислом тамаддунининг энг буюк ютуқларга эришишига олиб келди. Бу рационал ишонч маълум даражада XVI асргача сақланиб қолди. Лекин XVI аср иккинчи ярмидан бошлаб ислом оламининг Шарқида, жумладан, Туркистонда, XVII аср охиридан Мағрибда ва Испанияда (Андалуз, Кордова халифаликларидан) унинг самарадорлиги сусая бошлади.

Эрих Фромм «рационал ишонч... самарали ақлий ва хиссий фаолликка асосланган қатъий эътиқоддир», – деб

¹ Ян Рипка. История персидской и таджикской литературы. – М.: 1970. 275-6.

ҳисоблайди. Фикрини давом эттириб: «рационал ишончнинг асосини самарадорлик ташкил этади; ишонч билан яшаш самарага эришиб яшашни ва шу нарсага амин бўлишни билдирадики, ўсиш ва ривожланиш фақат самарали фаолият асосида юз беради...»¹ – дейди.

Исломга эътиқод дастлаб рационал бўлган, самарали фаолиятга таянган. Тақдири азалга ишонч ижтимоий фаолликка халақит бермаган. Аксинча, жамиятда «Оллоҳ ҳам «сендан ҳаракат – мендан баракат» дейди» каби мақоллар ахлоқий ва иқтисодий меъёрга, ижтимоий мўлжалга айланган. Шу сабабдан ислом Туркистонда, бутун мусулмон оламидагидек, бу даврда юксак таракқиётни таъминлай олган маънавият негизи, дунёқараши ва мафқураси эди.

Лекин ҳар қандай догматик таълимот ва мафкура эртами-кечми ҳаётдан ортда қолади. Уларга нисбатан аҳолининг ишончи аста-секин ишонмасликка ёхуд рационал ишончдан иррационал ишончга айланади. Ижтимоий фаоллик ўрнини ижтимоий пассивлик, «мўъжиза» кутиш эгаллайди. Халқнинг ижодкорлик ғайрати, кашфиётга интилиши сусаяди. Ижтимоий инерция кучаяди. Жамият олға ривожланиш ўрнига ўз-ўзини такрорлай бошлайди, анъанавий жамиятга айланади. Тасаввуф таъсирида нафсни тийиш, бориға қаноат қилиш ва бошқа тушунчалар қаторида таваккул, яъни «барча ҳолларда ва амалларда Оллоҳга суяниш, ўзини бир фаолияти асбоби ҳисоблаш, барчани Худога топшириб, Худодан ўзга нарсалар ҳам Худодан эканига чуқур ишониш»² одамлар онгида анчамунча ёйилди. Таваккул ижтимоий пассивликнинг диний-эътиқодий, ғоявий пойдеворидан биридир. Ўзини Ҳақ йўлига бағишлаган сўфий ва унинг муридлари учун маънавий мезонлардан бирига айланган таваккул бутун жамият учун, мамлакатни идора қиладиган ва халқ тўқлиги, турмуш фаровонлигига масъул шахслар, оиласини боқадиган кишилар учун мезон бўлолмайди. Халқ турмушида таваккул катта ўрин эгалламаган (бу амалда мумкин эмас), лекин жамиятнинг маънавий ҳаётига, ижтимоий пассивлик кучайишига, келажак мақсадлари ва мўлжал-

¹ Эрих Фромм. Психоанализ и этика. – М.: 1993. 158–160-б.

² Нажмиддин Комилов. Тасаввуф. – Т.: 2009, 25-б

лари хиралашиб қолишига, бошқа мафкуравий меъёрлар қаторида, ўз таъсирини кўрсатган. Шу ўринда XVII асрда яшаган инглиз адиби Т. Фуллернинг «Ҳамма нарсани таваккалчиликка ташлаб қўйган киши ўз ҳаётини қиморга айлантиради», деган фикрини эслаш ортиқча бўлмас.

Шарқ динлари маънавий юксалишни моддий асослардан, ишлаб чиқаришдан, алоҳида инсоннинг моддий эҳтиёжларидан, турмуш фаровонлигидан бўлишидан ажратдилар. XVI асрдан бошлаб, Туркистоннинг ва бутун Шарқнинг тараққиётда ортда қолишининг маънавий сабабларидан бири аниқ идеалларга интилиш унутилиб, ижтимоий мўлжаллар ота-боболар анъаналарини сақлашга, инсоннинг ички камолотига, камсукумлиikka, сабр-каноатга қаратилганидадир.

Маънавиятимиз XV асрнинг охиридан то XX аср бошигача жамиятни янгилашни, умуман янгилашни мўлжал қилиб олмаган, унга интилмаган. Натижада, XVI асрнинг иккинчи ярмида Туркистонда узил-кесил анъанавий жамият шаклланди. Тараққийпарвар Абдуллахон II ҳам, кўп ободончилик ишларини амалга оширганига қарамасдан, жамиятни юксалиш томон буриб юбора олмади. Жамиятимиз қолокликка маҳкум бўлди ва XIX асрнинг иккинчи ярмида 130 йил давом этган мустамлакачилик исканжасига тушиб қолди.

IX асрдан XVI асргача дунёнинг тараққий этган халқлари қаторига кирган, инсониятнинг ўша даврда кўплаб даҳоларини етиштириб берган халқимизнинг XX аср бошларидаги илғорлари – жадидлар қримлик Исмоил Гаспиралининг мусулмон мадрасаларида 20 фоиз (бор йўғи 20 фоиз!) дунёвий фанлар ўқитилсин, деган ғоясини маънавиятдаги буюк инқилоб, деб қабул қилди ва амалга ошира олмай кўп қийналди. Улуғбекдан кейин ўтган беш асрда қай даражада маънавий қашшоқланганимиз, инқирозимиз тубанлиги шу мисолда ҳам кўриниб турибди. Афсуски, ҳозиргача жамият аъзоларининг бир қисмида анъанавийликка мойиллик сақланиб қолган ва у мустақил тараққиётимизга, шубҳасиз, халақит беради.

Юқоридагилардан шундай хулосага келиш мумкин: анъанавий жамиятнинг моддий асосларини иқтисодий турғунлик, ишлаб чиқариш усулининг ўзгармаслиги, сиё-

сий асосини давлат ва жамият бошқарувининг такомиллашмаслиги, миллий тарқоқлик ва айирмачилик, гуруҳбозлик ва маҳаллий ҳукмдорларнинг давлат ҳокимияти учун талашишлари, маънавий асосларини назарий ва мафкуравий догматизм, танқидий руҳнинг, ижодий ташаббуснинг сўниши, инсоннинг ўз мавжудлик ҳолатидан мудом қаноат ҳосил қилиш туйғуси ташкил этади.

19. МУСТАМЛАКАЧИЛИК ВА МИЛЛИЙ МАДАНИЯТИМИЗ РИВОЖИДАГИ ЯНГИ УЙҒОНИШ ДАВРИ БОСҚИЧИ (XIX АСР ИККИНЧИ ЯРМИ – XX АСР 20-ЙИЛЛАРИ). СОВЕТ ДАВРИ МАЪНАВИЯТИ (XX АСР 30–80-ЙИЛЛАРИ)

Мустамлакачилик даврини иккига – чор Россияси ва социализм даврларига бўлиш мумкин. Бу даврларнинг ўзаро ўхшаш ва кескин фарқ қиладиган томонлари бор.

XIX аср ўрталаридан Россия империяси Ўрта Осиёни забт этиб, ўз мустамлакасига айлантиришга киришди. 1853 йилда рус қўшини Оқмачитни ишғол қилди. 1865 йилда Тошкент қўлдан кетди. 1867 йилда Туркистон генерал-губернаторлиги таъсис этилди. Ҳарбий округ ва генерал-губернаторлик таъсис этилиши Ўрта Осиё босиб олинишини янада тезлаштирди. 1868 йилда Самарқанд ишғол қилинди. Бухоро амири билан тузилган сулҳга биноан, Зирабулоққача бўлган ҳудуд Россия империяси таркибига кирди. Қўқон хонлиги орадан бир неча йил ўтиб тўлиқ тугатилди. Бухоро амирлиги ва Хива хонлиги катта ҳудудларидан айрилиб, Россиянинг протекторатига (яриммустамлакасига) айланиб қолди. Абдумалик Тўра, Қурбонжон додхоҳ кўзғолонлари, кейинги кўзғолонлар (Дукчи Эшон ва бошқалар) амалий натижа бермади. Чунки кўзғолончилар яхши қуролланмаган, замонавий ҳарбий илмдан деярли хабарсиз, техник жиҳатдан қолоқ эди. Бундан ташқари, чор ҳукумати кўзғолончилар ўртасидаги келишмовчиликлардан, маҳаллийчилик, уруғ-аймоқчиликлардан усталик билан фойдаланар, порахўрликка, бойликка ва хиёнатга мойил мансабдорларни зимдан катта ваъдалар билан ўз тарафига ағдариб оларди. Маънавиятимиздаги қусурлар халқимизнинг бирлашиб,

жипслашиб ташқи душманга қарши курашишига ҳалақит берди. Натижада, миллий мустақиллигимизни қўлдан бой бердик.

XIX аср давомида ислом мамлакатларининг деярли барчаси, Усмонли Турк империясидан ташқари, Ғарб мамлакатларининг мустамлакаси ёки яриммустамлакасига айланди. Усмонлилар империяси эса бирин-кетин вассаллари ва вилоятларидан ажралди: Болқон мамлакатлари, Шимолий Африка, Яқин Шарқ мамлакатлари ва ҳ.к.

Мустамлакачилар колоқ халққа ёрдам берай, қорнини тўйғазай деб келмайди. Аксинча, уни талаш, ер ости ва ер усти бойликларидан ўз манфаати йўлида фойдаланиш, мустамлака халқни деярли текин ишлатиш учун келади. Халқ бош кўтармаслиги, озодлиги йўлида курашмаслиги учун уни етакчиларидан, зиёлиларидан, тарихий хотирасидан, миллий ўзлигини англатувчи маънавий кадриятларидан жудо қилиш керак. Чор Россияси Ўрта Осиёда айнан шундай сиёсат олиб борди. Ҳар қандай норозилик шафқатсизларча бостирилди. Илмий ва маданий-тарихий аҳамияти катта бўлган қўлёмалар, осори атиқалар, адабий ва бадиий асарлар, кейинчалик чоризм даврида археологик қазилмалар пайтида топилган артефактлар олиб кетилди. Уларнинг сон-саногии аниқ эмас. Юртимиздан олиб кетилган осору атиқалар Ғарбнинг барча йирик музейларида бор. Россиянинг Шарқ халқлари маданияти музейининг эса асосий фондини ташкил қилади.

Россия империясидаги мазлум халқлар орасидан ислохотлар ғоясини биринчи ўртага ташлаган буюк инсон кримлик Исмоилбек Гаспирали бўлди. У ислохотларни мактабдаги ўқитиш тизимини тубдан ўзгартиришдан бошлаш керак, таълим орқали халқ юксалади, замонавий касб-хунар ва мутахассисликни эгаллайди, ўз тарихини ўрганайди, ўзлигини, миллий манфаатлариларни англайди, деб ҳисоблади.

Гаспирали тақлиф қилган мактаб ислохоти усули жаҳид, усули савтия деб атала бошлади. И.Гаспирали ғоялари фақат таълим ислохоти билан чекланмайди. У туркий халқларни бирлаштириш, умумий адабий тилни яратиш, маданий муштаракликни кучайтириш, миллий

ғурурни ва буюк яратувчиликни тиклаш каби ғояларни олға сурди. Бунинг учун маҳаллийчилик, ўзаро низолардан, хон ва амирларнинг, бек ва бойларнинг манманлиги, маишатпарастлиги, чаласавод муллаларнинг манфаатпарастлигидан туркий миллатнинг умумманфаатларини устун қўйиш ғояларини тарғиб этди. И.Гаспрали ғоялари Туркистонда ҳам катта акс-садо берди. Беҳбудий, Мунавварқори, Авлоний, Фитрат каби кўплаб зиёлилар бу ғояларни кўллаб-қувватлаб, ривожлантира бошладилар. Улар ижоди ва фаолияти халқимиз тарихида миллий уйғониш ва жаҳид маърифатпарварлиги даври дейилади.

Жаҳидчилик сиёсий ва ғоявий жиҳатдан тез ривожланди. Таълимни ислоҳ қилиш, янги усулдаги мактаблар очиш, янги ўқув дастурлари ва дарсликлар яратишдан бошланган бу ҳаракат чорак аср ичида миллий мухторият ва миллий истиқлол ғояларигача кўтарилди. Жаҳидлар миллий матбуотга, миллий театрга, адабиётда янги жанрлар – драматургия, роман, публицистикага, шеъриятда бармоқ вазнига асос солдилар. Биринчи замонавий миллий дорилфунунни (1918) очишда жонбозлик қилдилар.

Жаҳид матбуотига, адабиётига чор ҳукуматининг муносабати салбий эди. Давлат цензураси империя манфаатларини қатъий ҳимоя қилар, бирор «камчилик» топса, маҳаллий тиллардаги газета ва журналларни ёпиб қўяр эди. Айни пайтда мустабид мафқурани, рус адабиёти ва маданиятини тарғиб этиш мақсадида миллий тилларда ўзларининг матбуотини ташкил қилган эди (масалан, «Туркистон вилояти газети» ва ш.к.лар). Рус маъмуриятининг таълим, маданият, дин соҳаларида юритган сиёсатининг узокни кўзлаган стратегик мақсади маҳаллий халқларни аста-секин православ динига ўтказиш ва ассимиляция қилиш бўлган. Шу сабабдан Н.Остроумов таржимасида ҳатто «Инжил» ўзбек тилида XX аср бошларида нашр этилган эди.

Бунга яна кўплаб мадраса, масжидлар ва тарихий обидалар йўллар чиқариш, ободончилик баҳонасида бузиб ташланганини, мамлакат босиб олинаётган пайтда ёки кўзғолончиларга қарши ҳарбий куч қўлланилганда, тўплардан ўққа тутилганини қўшимча қилиш керак. Айниқса, бундан Самарқанд ёдгорликлари катта зарар

кўрди. Чор кўшинлари бирор шаҳарга бостириб киришда биринчи навбатда йирик масжидлар ва саройлар гумбазини тўпдан нишонга олган. Шаҳар ҳимоячилари уларни сақлаб қолиш учун таслим бўлган. Шаҳрисабздаги миллий меъморчилигимиз дурдонаси Оксарой ҳам чор кўшинлари томонидан вайрон этилган эди. Скобелев каби айрим қонхўр рус генераллари Туркистонни итоатда сақлаш учун маданий ёдгорликларни тўла яксон қилиш, халқни тарихий хотирасидан, динидан тўла жудо этишни таклиф қилиб, мустабид ҳукуматга номалар ёзган. Миллий озодлик ҳаракатида қатнашган зиёлилар, руҳонийлар, халқ орасида машҳур адиблар турли даражада жазоланганини (ўлимга ҳукм қилинишидан то сургунгача) ҳам унутмаслик керак.

Мустамлакачиликнинг илк босқичи – Чор Россияси даврида миллий уйғониш юз берди. Халқнинг ўзлигини англаш даражаси бир қадар ўсди. У аста-секин тараққиёт ва миллий маърифат йўлига кира бошлади. Маданий меросининг кўп асл дурдоналаридан айрилса-да, илғор зиёлилар ва жадидлар туфайли миллатнинг маънавияти юксалди, дунёқараши ўзгарди. Жадидлар ижоди миллий адабиётимиз тарихида алоҳида даврни ташкил этди. Буни марҳум проф. Бегали Қосимов ва бошқа олимларимиз ҳар томонлама илмий асосладилар, жаҳон миллий жамоатчилиги ўзбек адабиётини, маданияти тарихини даврлаштиришга киритилган янгиликни тўғри, деб маъқуллади.

Суфиёна ишқий ғазаллар, охират ва имон ҳақида пандномалар ёзиб юрган баъзи шоирлар содир бўлган миллий йўқотишлар ҳамда ватанпарвар жадидлар таъсирида халқона шеърлар бита бошлади. Ҳажвий, сатирик жанр қайта уйғонди. Шоирлар шеърларида халқни маърифатга, маданиятга чорладилар, қолоқ удумлардан, чойхоналарда бекорчи вақт ўтказиб ошхўрлик қилиш, бедана уриштириш ва шу каби иллатларни кулги остига олдилар. Жадидлар миллатнинг Россия империяси таркибига кирган қисмини уйғотганини кўп мисолларда кўрса бўлади. Ватанпарвар бойлар, савдогарлар, ўзига тўқ зиёлилар шахсий пулига парта, доска ва ўқув анжомларини олиб, мактаблар очдилар, ўқув қўлланмалари, дарсликлар, китоблар чоп эттирдилар, она тилида газета ва журналлар

ташқил эта бошладилар ёки ташқил этилганларини молиявий кўллаб-қувватладилар. Бутун халқда ташаббус уйғона бошлади, ижтимоий фаоллик, миллий ўзлигини англаш даражаси ўсди. Бу эса миллий тарихнинг шонли саҳифаларига, буюк аждодлар шахси ва фаолиятига қизиқишни уйғотди. Тошбосма нашрларда чоп этилган тарихий биографик китоблар пайдо бўлди. Ана шундай китоблардан биринчилари Амир Темурга бағишлангани табиий эди. Ҳақиқатан Тошкандийнинг «Темурнома» асари ёзилди ва чоп этилди.

Жадидлар фақат маърифатпарварлик – мактаб очиш, газета ва журнал чиқариш, театр ташқил этиш, адабий ва публицистик асарлар ёзиш, халқни маънавий уйғотиш, тараққиётга чорлаш билангина чекланмадилар. Улар аста-секин сиёсий курашга киришдилар. Россия Дума-сига сайловларда қатнашиб, депутатлик ўринларини эгаллашга, Думада Туркистон халқининг ҳақ-ҳуқуқи, манфаати учун курашга бел боғладилар. Тил, таълим, маданият, маҳаллий бошқарув ва суд масалаларида мухторият (автономия) талаб қила бошладилар, Думага ўз лойиҳаларини киритдилар. Бунга Маҳмудхўжа Бехбудий ва Мустафо Чўқаев фаолиятини мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Халқнинг миллий ўзлигини англаш даражаси ўсишида, ўзбек миллати шаклланиши тезлашишида, халқ менталитети ва маънавий маданияти янги поғонага кўтарилишида жадидларнинг хизмати бекиёсдир.

Истиклолдан кейин биз мустамлакачилик даврига оид кўплаб янги манбаларни, халқимизнинг ватанпарвар, фидойи фарзандлари – жадидлар ижоди ва фаолиятини яхшироқ билиб олдик. Бу ишлар давом этмоқда.

Совет давлати сиёсати ва миллий маънавияти-миз. Энди мустамлакачиликнинг совет даври ҳақида гапириш мақсадга мувофиқдир. Совет давлати тилда чор мустамлакачилигини қаттиқ қоралаб, ўзини ҳар қандай шовинизм ва миллатчиликнинг душмани деб эълон қилган эди. Олиб борган сиёсати ҳам гўёки бунга сиртдан мос келарди. Иттифоқдош «мустақил» республикалар, автоном республикалар ва областлар тузилиб, аввал чор Россиясида эзилган халқларга миллий давлатчилигини тузиш, она тили ва маданиятини ривожлантириш имко-

нини яратган эди. Илгари ўз имкониятига эга бўлмаган 52 халқ учун имкон яратилди. Улардан 48 таси ундан фойдаланди. Аммо бу иккиюзламачи сиёсат эди. Унинг асл стратегик мақсади яширин эди. Шу боис совет даври мустамлакачилиги ҳам ноанъанавий ярим ниқобланган кўринишда эди. Совет даврида мулккий муносабатлар тубдан ўзгарди. Ишлаб чиқариш воситаларига нисбатан деярли тўлиқ давлат мулки ўрнатилди. Колхоз-кооператив мулк давлат тасарруфидан ташқарида ҳисобланса-да, амалда колхозлар ва кооперативлар учун давлат режаси белгиланиши, тўлиқ назорат ўрнатилгани мазкур мулк шаклининг мустақил бўлмаганини кўрсатади. Коллективлаштириш бошланиши билан эса ерга нисбатан давлат мулкидан ташқари мулкчиликнинг бошқа шакллари бекор қилинди (колхоз ернинг эгаси эмас, ижарачиси эди).

Ишлаб чиқариш воситаларини, ерни амалда давлатлаштириш ишчи ва деҳқон оммасини улардан ҳамда ишлаб чиқариладиган маҳсулотлардан, жамиятда яратилаётган бойликлардан бегоналаштирди. Совет тузуми меҳнаткаш оммани нафақат пролетарлаштирди, балки унинг бир қисмини ноиктисодий зўрлаш ва юридик ҳуқуқларини максимал чеклаш орқали амалда ижтимоий аҳволини, юридик мақомини ўзгартирди: колхозчиларни давлат крепостнойига, ГУЛАГ тизимидаги маҳбусларни муайян муддатга давлат қулига айлантирди. Колхозчиларга Хрущёв ислоҳотларигача паспорт берилмагани, ишлаётган колхозига мажбуран бириктириб қўйиш крепостнойликнинг янгича кўриниши эди. Меҳнат кунининг мажбурий минимуми бўлиши, уни бажармаганларнинг жиноий ва бошқа турдаги жазоларга тортилиши баршчининг социалистик шаклидир, колхозчиларга натурал солиқ солиниши, деярли текин ишлатилиши янги қиёфадаги оброк эди. Чунки «мулкка эгаликдан ўзимизни бегоналаштириб, бизнинг ўзимиз мулкка айланиб қоламиз, биз ўзлигимиздан, инсоний шахсиятимиздан жудо бўламиз»¹. Ҳақиқатан, совет кишилари давлатнинг

¹ Эрих Фромм, Рамон Хирау. Предисловие к антологии «Природа человека». «Глобальные проблемы и общечеловеческие ценности». – М.: 1990. 159-б.

мулкига, у курмоқчи бўлган янги жамият биносининг оддий ғиштига, оддий механик мурватчасига, хом ашё унсурларига айланиб қолган эди.

Давлатлаштириш туфайли мулкдан бегоналашиш, меҳнаткашнинг крепостнойлар каби мулкка айланиб қолиши: «Кундалик турмуш тушунчаларида бу – бизнинг ўз шахсиятимиз билан айнитни йўқотишга мойиллигимизни билдиради. Ижтимоий ҳаёт тушунчаларида эса у индивидуал мавжудлик бизга қай даражада хос бўлса, шу даражада хосдир, бу ҳол бизнинг ўз эркинлигимизни ва ўз масъулиятимизни йўқотганимизни билдиради»¹. Эслатиб ўтиш лозимки, ушбу иқтибослар совет тузуми танқидига бағишланган мақоладан олингани йўқ. Улар антропологик фалсафа ва психологияга оид илмий асарга ёзилган сўзбошидан олинди. *Демак, мулкдан маҳрум этиш, бегоналаштириш инсонни асл инсоний табиатида хос эрки ва масъуллигидан жудо этади.*

Собиқ СССРда казарма социализмининг энг ашаддий шакли қурилди. Очиғини айтганда, бу тузум Сталин даврида ўзидан аввал ўтган антагонистик тузумларнинг барча кўринишларини деформация қилган ҳолда ўз ичига олади; юқорида айтилганидек, ГУЛАГ тизими кулчиликни, колхоз тизими – крепостнойликни янгича кўринишда қайта тиклаган бўлса, четдан турли бригадаларни ёллаб қурилиш қилиш, денгиз балиқчилиги ва чекка Шимолдаги айрим қурилишлардаги ҳақ тўлаш қисман дастлабки стихияли эркин капитализмни, яширин иқтисодиёт – илк ва ўрта таракқий этган капитализмни маълум даражада қайта тиклади.

Бундай шароитда меҳнаткашлар ўртасида норозилик бўлиши табиий эди. 20-йилларда, 30-йилларнинг бошида шундай бўлди ҳам. Аммо давлат репрессия машинаси пухта ўйланган, чарчамасдан ва бузилмасдан ишлашга мослаштирилган эди. Чор ҳукуматидан фаркли, большевистик ҳукумат нафақат ўз муҳолифларини, шунингдек, оддий меҳнаткаш деҳқонларни ҳам оммавий қатағон

¹ *Эрих Фромм, Рамон Хирау.* Предисловие к антологии «Природа человека». «Глобальные проблемы и общечеловеческие ценности». – М.: 1990. 159-б.

қилишдан чўчимасди. Жадиждар қаторида совет даврида шаклланган энг истеъдодли миллий зиёлиларимиз жисмонан йўқ қилинди ёки узок муддатларга қамоққа, лагерларга жўнатилди. Икки марта имломиз ўзгартирилиб, маданий меросдан баҳраманд бўлиш имкониятимиз кесилди.

Совет давлати ва КПСС деҳқонларга нисбатан камситиш сиёсатини ўтказди. Чунки марксизм-ленинизм деҳқонларга шубҳа билан қарайди: деҳқонлар ўтмишда эксплуатация қилиб келинган синф сифатида пролетариатга яқин турса, майда мулк эгаси сифатида буржуазияга яқин, деб ҳисоблайди. Деҳқонлар психологиясини пролетариат дохийлари майда буржуа психологияси, деҳқонларнинг ўзларини консерватив синф, уларнинг мафкурасини эса яримдиний ва реакцион дея баҳолади. Бу билан деҳқонлар дунёқарашини, маданиятини чеклаш ва сиқиб чиқариш сиёсатини асосладилар. Совет давлати, табиийки, дохийлар кўрсатмасини оғишмай амалга ошириб келди.

Ўзбек халқи ҳам шахсга сиғиниш йиллари террор ва репрессия муҳитида, турғунлик йиллари ижтимоий ёлғон, сохталик муҳитида яшади. Бу ҳолат, шубҳасиз, маънавийтимизга кучли салбий таъсир кўрсатди. Жамиятда иккиюзламачилик, икки хил стандарт асосида яшаш, иш билан сўз бирлигининг бўлмаслиги, сиртдан мадҳиябозлигу дохийларни зўр бериб макташ, ичдан эса ижтимоий лоқайдлик ва бепарволик, бегоналашиш ва меҳр-оқибатсизлик, молпарастликка мойиллик каби иллатлар вужудга келишига замин бўлди.

СССРнинг кейинги 25–30 йиллик даврида ўтмишда увол-савобни, ҳалол-ҳаромни, инсоф ва адолатни яхши тушунадиган халқимизнинг талайгина вакиллари меҳнатсиз даромадни кўпайтиришдан, ташмачиликдан, давлатни ва бир-бирини алдашдан ҳазар қилмай қўйди. Бошқалар эса бунга қўл силтаб қўя қолди, кўриб кўрмасликка олди. Совет даврининг охириги йилларида шаклланган маънавий муҳит ўғирликка, ҳаром-ҳаришга муросасизлик қилолмади. Бунинг асосий сабаби давлатнинг, мулкнинг халқдан тобора бегоналашгани, тақсимотда ижтимоий адолатнинг бузилгани, ашаддий атенстик тарбия олиб борилгани эди. Бундай шароитда эзгулик, гўзаллик,

виждон, ҳалоллик, инсонпарварлик, ватанпарварлик, адолат каби маънавиятнинг ўзак тушунчалари деформацияга учради. Инсоф ва диёнат туйғулари ўтмаслашди, ахлоқий ва ҳуқуқий меъёрларни менсимаслик, шахсий муносабатларда меҳр-оқибат туйғуларидан совуқ худбинликни устун қўйиш кучайди. «Мингта сизу биздан – битта жизу биз яхши» каби ахлоқий меъёрлар одатий тус ола бошлади, коммунистик идеалларга ишонч йўқолди. Чунки совет давлати кишиларнинг адолатли ва ҳамма тенгҳуқуқли бўладиган жамиятга интилишидан, коммунистик шаклда баён қилинса-да, аслида умуминсоний бўлган (адолатли, тенгҳуқуқли жамиятни жаҳон динлари ҳам тарғиб этган) идеалларга ишончидан тоталитар тузумни куриш ва мустаҳкамлаш учун фойдаланди, одамлар ишончини, фидойилигини суистеъмол қилди, ўзининг тор мақсадларига эришиш воситасига айлангирди.

Шу ўринда қуйидаги бир фикр диққатга сазовордир: «Айнан ишонч ва ҳокимият бир-бирини истисно қилишлари туфайли аввал бошда рационал ишончга асосланган барча динлар ва сиёсий тизимлар, агар кучга таяна бошласа ва ёки у билан шунчаки иттифоқ тузса, тамагирга айлана боради ва оқибат натижада ўз таъсирини йўқотади»¹. Совет кишиларининг онгига кучли тарғибот ва ташвиқот воситасида мажбуран сингдирилган коммунистик ғоялар ва идеалларга ишонч ҳам ўғриликка, тамагирликка айлана бошлади.

Янги «адолатли социалистик жамият» куришда қўлланилган номақбул усуллар, воситалар, зўравонлик, ноиктисодий мажбурлаш, мафкуравий муросасизлик, ўзига хос истеъдод ва қобилиятга эга бўлган инсонларга нописандлик, ёппасига назорат социализмдан кўзланган асосий мақсаднинг унутилишига сабаб бўлди. Бундай сиёсат юритилса, «воситалар мақсадлардан мустақил бўлиб оладилар; улар мақсадлар ролини ўзлаштириб юборадилар, гуёки мавжуд мақсад эса фақат хаёлдагина қолади». КПСС ва совет давлатининг сиёсати туфайли социализмнинг мақсадлари ҳам амалда эмас, хаёлдагина, шиорлар ва тарғибот адабиётларидагина қолди.

¹ Эрих Фромм. Психоанализ и этика. – М.: 1993. 161-б.

Социализмни куриш учун кўлланилган зўравонлик воситалари эса мустақил бўлиб олди, социалистик жамиятнинг узвий бўлагига айланди. Социализм ва зўравонлик ёнма-ён турадиган тушунчаларга айланди. Ваҳоланки, социализм мақсадини инсонпарварлик ва ижтимоий адолат ташкил этиши керак эди. Зўравонлик (катағонлар, иқтисодий мажбурлаш ва ш.к.) одамлар онгига ижтимоий кўрқувни чуқур сингдирди. Одамлар эркин ва танқидий фикр юритишдан, ижодий ташаббус кўрсатишдан кўркиб қолди. Тилсиз, иродасиз ижрочига айлана бошлади. Жамиятдаги барча ҳодисаларга, жумладан, маънавий маданиятга курашчан партиявийлик ва тор синфийлик, вульгар атеизм нуқтаи назаридан ёндашиш совет даврида миллий маданиятларнинг, ижтимоий онгнинг бир томонлама ривожланишига сабаб бўлди. Коммунистик мафкуранинг ўта меъёрийлиги ва догмалашгани жамият маънавиятига катта зиён етказди.

Социалистик ишлаб чиқаришнинг догматик мафкурага буйсундирилиши оқибатида совет жамиятининг турғунлигини белгилади ва уни биқиқ доирада ҳаракат қиладиган анъанавий жамиятга айлантира бошлади. Адабиёт ва санъатда бу социалистик реализм деб аталадиган бадий усулда намоён бўлди. Лениннинг «Коммунистик ахлоқ асосида коммунизм учун кураш ётади» деган «ҳикмати» баъзи одамларда ихтиёрий равишда сиёсий айғоқчилик, сиёсий чақимчилик, юмалоқ хат ёзиш каби салбий феъл-атворни шакллантирди ва ахлоқий фазилатларга зарар етказди.

Мустамлакачилик даврида бизнинг халқимизда миллий номукамаллик, камситилиш туйғуларини шакллантиришга зўр бериб уринилди. Миллий қаҳрамонларимиз жиноятчи ёки қонхўр жаллод деб эълон қилинди. Миллий ғуруримиз топталди. Чоризм даврида гўёки халқимизнинг ёппасига саводхон бўлиши учун 4600 йил керак эканлиги, Россиясиз тараққиётга эриша олмаслигимиз каби ғояларни онгимизга сингдиришга ҳаракат қилдилар. Совет даврида ҳам нозиклаштирилган шаклда «буюк оғамиз»дан ажралиб тараққий этишимиз, хатто яшай олишимиз мумкинлиги шубҳа остига қўйилди. Боғчадан бошлаб олий мактабгача, ишлаб чиқаришдаги

сиёсий мафкуравий тадбирлардан то дам олиш пайти томоша қилинадиган телевидение кўрсатувлари ва радио эшиттиришларигача барчасида совет тузумисиз, социалистик байналмилал ўзаро ёрдамсиз бизнинг кун кечира олмаслигимиз узлуксиз уқтирилди.

Булар беиз кетмади. Халқимизнинг бир қисмида миллий номукамаллик, камситилиш, миллий нигилизм туйғуси муайян даражада шаклланди, миллий ғуруримиз пасайди. Эндиликда миллий номукамаллик туйғусидан ҳалос бўлиш, миллий ғурурни тўлик қайта тиклаш мустақил тараққиётнинг муҳим шартларидан бири бўлиб қолмоқда. Ўз навбатида миллий ғуруримизни тўлик тиклаш учун мустақил тараққиёт зарур. Чунки биз яна жаҳоннинг тараққий этган халқлари даражасига кўтарилсакки, иқтисодиётда, илм-фанда, маданиятда, спортда оламга кўз-кўз қилгудек ютуқларни қўлга киритсакки, миллий номукамаллик туйғусидан ҳалос бўламиз. Зеро, миллий ифтихорнинг асосини халқ турмуши фаровонлиги (иқтисодиёт), халқнинг ақлий ва ҳиссий (санъат, илм-фан), жисмоний (спорт) соҳаларда эришган ютуқлари ташкил этади. Зарур ютуқларни эса мустақил тараққиётсиз қўлга кирита олмаймиз.

Миллий иродани чиниқтириш ва мустаҳкамлаш аҳолининг бир қисмини узок ўтмишдан келаётган кўрқув туйғусидан ҳалос қилишни тақозо этади. Мўғул истилоси давридаги қатли омлар, турли даврдаги тож-тахт учун урушлар, улар оқибатида халқнинг бошига тушган кўргуликлар, Туркистоннинг уч давлатга бўлиниб кетиши, бу давлатлар ўртасидаги носоғлом рақобат ва қон тўкишлар, жоҳиллик ва зўравонликнинг тантана қилиши, ижтимоий ночорлик ва иложсизлик, эртанги ҳаёт учун аниқ қафолатнинг йўқлиги аҳолининг бир қисми онгига ижтимоий кўрқув ҳиссини сингдириб юборди. Чор Россияси ва совет тузуми озодлик учун қилинган ҳар қандай миллий хатти-ҳаракатни аёвсиз бостиргани, «босмачиларга» ва аксилинкилобчиликка қарши кураш ниқоби остида халқнинг ижтимоий фаол ва саводхон қатлами аксариятининг кириб ташлангани ёки чет элларга қочишга мажбур этилгани, Сталин қатағонлари, «дебсан-дебсан» сохта айби билан оддий кишиларни қамаш, 80-йилларда

ўйлаб топилган «ўзбеклар иши» ўша тарихий кўркувни янада кучайтирди, сиёсий лоқайдлик учун замин бўлди.

Натижада, халқимизнинг талай қисмида бечоралик, бўш-баёвлик, ўз ҳаққини талаб қила олмаслик, теварак-атрофда содир бўлаётган ҳодисаларга бефарқлик кўникмаси вужудга келди. Совет даврида маънавийтимизнинг ривожланиши ва деформацияланишига таъсир кўрсатган объектив ва субъектив омиллар тўғрисида ижтимоий ҳаётнинг ҳар бир соҳаси бўйича алоҳида тўхталиш лозим. Бу бир мавзу доирасида имконсиз нарса. Шу боис яна бир нарсани таъкидлаб ўтмоқчимиз: совет тузумининг маънавийтимизга таъсирини бирёқлама баҳолаш мумкин эмас.

Биринчидан, юқорида таъкидланганидек, совет давлати инсонга янги социалистик жамиятни қуришнинг бир гишти, воситаси деб қаради. Социализмни қуришда у ҳар қандай қурбонлардан, ҳар қандай зўравонликдан тап тортмади. Натижада, эълон қилинган энг олий мақсад – «ҳамма нарса инсон учун, инсоннинг бахт-саодати учун» шиори ўзининг тесқарисига айланди. Инсонпарварлик емирилди, жамиятда аксилинсонийлик (дегуманизация) жараёни бошланди. Ижтимоий ёлғон, сохталик, ички кўркув ва ташқи мадҳиябозлик, иккиюзламачилик ва бефарқлик, ўзибўларчилик бу давр кишисини аста-секин зомбиларга айлантира бошлади.

Иккинчидан, халқларнинг тараққиёт даражасини тенглаштириш жараёнида уларни «байналмилалчилик» тамойиллари асосида «совет халқи» деб аталмиш тарихий бирликда рус халқи билан ассимиляция қилиб юборишга уриниш бўлди. Айни пайтда рус халқининг ўзи ҳам маънавий илдизларидан ажратилди. Совет тизими-га хотирасидан, миллий ўзига хослигидан жудо бўлган янги типдаги социум керак эди. Фақат унинг рус тилида гаплашиб, ўтмишини, маданиятини унутиб юбориши мақсадга мувофиқ эди.

Шахснинг янги типи – совет кишиси, одамларнинг янги тарихий бирлиги – совет халқи тушунчалари шунчаки тарғибот-ташвиқот учун ўйлаб топилмаган, балки совет тузumi мақсадига йўл очадиган, уни амалга ошишига ёрдам берадиган тушунчалар эди. Совет даврининг охириги ўттиз йилида – КПСС XXII съезидан бошлаб

миллий тиллар, миллий маданиятлар, она тилида ўқиш, миллий кадрларнинг ўсиши ниқобланган шаклда чекланиб борилди. Миллий республикаларнинг аҳолиси таркиби «байналмилаллаштирилди», уларнинг орасига сунъий равишда бошқа миллат вакиллари жойлаштирилди. Аста-секин ёш авлодда миллий нигилизмни шакллантириш бошланди: бу ҳол ўз она тилини яхши билмасликда, миллий қадриятларига, миллий манфаатларга беписанд қарашда ва шу қабиларда намоён бўлди. Бугунги кунда мустақил тараққиётимиз муносиб кечиши учун биз миллий ғоя ва мафкура негизида шаклланган маънавиятга, янги маънавий асосларга таянишимиз лозим.

20. МУСТАҚИЛЛИК ДАВРИ МАЪНАВИЯТИ

Мустақиллик ўз-ўзидан, кутилмаганда осмондан тушиб қолган эмас. Уни қўлга киритиш учун халқимиз катта қурбонлар берди. Аввалги мавзуда бу ҳақда қисман гапирилган эди. Лекин Сталин қатағонлари даврида, уруш ва урушдан кейинги йилларда миллий истиклол учун кураш бироз сусайган, ўзгача ғоявий-мафкуравий шакллари ўзлаштираётган эди. Аммо «пахта иши» деб аталган қатағонларнинг янги ҳалқаси миллий онгимизда кучли фаоллик пайдо бўлишига, ўзликни англаш даражамиз янги поғонага кўтарилишига сабаб бўлди, охир-оқибатда, мустақиллик учун курашга олиб келди.

1989–1991 йилларни тарихий тараққиёт нуқтаи назаридан баҳоласак, бу йиллар теран ва том маънода мустақиллик учун бевосита кураш йилларига айланди. Ўзбекистонда вазият бу пайтга келиб таранглашиб кетган эди. Маънавият, маданият, тил, миллий кадр-қиммат масалалари моддий-иқтисодий масалаларга нисбатан ҳам кескинроқ эди. Уларни кун тартибига қўйишнинг ўзи учун амалда СССР нинг сиёсий мафкурасига зид иш тутиш, миллий муносабатлар, кадрлар тайёрлаш, тил ва маданият борасидаги сиёсатини, бутун коммунистик амалиёт ва идеологияни (мафкурани) танқид қилиш, унга қарши чиқиш дегани эди.

Мустақиллик учун бевосита кураш йиллари айнан шундай йўлдан борилди. Ўзбек тилига давлат тили ма-

коми берилди, тақикланган Наврўз байрами тикланди, маданий меросга, динга муносабат ўзгарди. Қатағон қилинган адиблар асарлари халққа қайтарилди бошлади. Энг асосийси – халқимизнинг тарихий хотирасини, Ватан тарихини тиклаш, улуғ сиймоларимиз, даҳоларимиз ҳаёти ва ижодини, фаолиятини қайта баҳолаш ва халққа етказиш учун илк қадамлар ташланди. Айнан мустақиллик учун бевосита кураш йилларида жамиятни тубдан янгилаш имконини берадиган, истиқлолдан кейин тўлиқ шаклланган ислохотлар назариясининг, жумладан, унинг таркибий қисми маънавий ислохотлар концепциясининг тамал тоши қўйилди.

Халқимизнинг озодликка, хурриятга интилиши, совет давлатида ижтимоий адолат бузилишидан, амалдаги миллий тенгсизликдан норозилиги, адолатни қўмсаши, умуман, миллий ўзлигини англашнинг ўсиши истиқлолга эришишнинг маънавий пойдевори бўлди. Аммо булар совет тузумини маънавий жиҳатдан қабул қилмаслик, инкор этиш ва тарихий қулай вазиятда истиқлол йўлини танлаш учун етарли бўлса-да, мустақил тараққиёт учун етарли эмас. Чунки мустақил тараққиёт «инкор қилиш кайфиятидан бунёдкорлик кайфиятига ўтиш»¹ талаб қилади. Мустақилликни сиёсий жиҳатдан мустаҳкамлаш давлат тизимлари ва зарур қонунлар мажмуасини яратишдан ташқари янгича ҳуқуқий онг ва, умуман, янгича сиёсий маданиятни тақозо этади. Иқтисодий мустақиллик совет давридагидан фарқли ўларок янгича иқтисодий тафаккурни, бозор муносабатлари, рақобат билан боғлиқ янгича ҳуқуқий ва ахлоқий меъёрларни ўзлаштиришни, маънавий кадриятларимиздан, маданий меросимиздан унумли фойдаланишни талаб этади.

Мустақиллик шароитида илм-фан, маданият, адабиёт ва санъат, таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш, ОАВ, оила, фуқаролик институтлари ҳамда синфлар, табақалар, гуруҳлар ўртасидаги мулкий, иқтисодий, ҳуқуқий, ахлоқий, мафкуравий муносабатлар совет даврида қарор топган тамойил ва меъёрларга тўлиқ таяна олмайди.

¹ *Ислом Каримов*. Биз келажакимизни ўз кўлимиз билан қурашимиз. 7-жилд. –Т.: «Ўзбекистон», 1999. 295-б

Бу халқ маънавий ҳаётининг бошқа соҳаларига ҳам тааллуқли. Бир сўз билан айтганда, мустақиллик ўзининг янги дунёқарашига ва маънавий асосларига эга бўлмоғи лозим.

Истиқлолнинг дастлабки йилларида Ўзбекистонда туб ислоҳотларни амалга ошириш назарияси яратилди. Назарияда инсон барча ислоҳотларнинг мақсадига айлантирилди ва марказига қўйилди. Ижтимоий йўналтирилган кўпукладли бозор иқтисодиётини вужудга келтириш, аҳолининг муҳтож қатламларини ижтимоий муҳофаза қилиш, давлат ва жамиятни қайта қуриш, кадрлар тайёрлаш, таълим, соғлиқни сақлаш, маданият соҳаларини ислоҳ қилиш, маънавий тикланиш ва юксалиш концепциялари ишлаб чиқилди.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида (ўтиш даврида) давлат бюджети камомад билан бажарилар, маблағ етишмас, иқтисодий аҳвол анча оғир эди. Аммо маънавий ислоҳотлар, маданий меросни, тарихий хотирани тиклаш, таълим, соғлиқни сақлаш, маданият ва спорт, мустақил ОАВни ривожлантириш ва шу кабилар ўз ҳолига ташлаб қўйилмади. «Биз учун маънавият, тарихий ва маданий кадриятлар, аҳолининг маънавий, ахлоқий ҳолати, ёш авлодни тарбиялаш энг асосий устувор вазифа бўлиши лозим. Шунинг учун ҳам биз халқнинг маънавиятига зарар етказган ҳолда маблағни тежай олмаймиз»¹, – деб ёзган эди И.Каримов 1993 йил август ойида чоп этилган рисо-ласида.

Маънавий меросни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш – янги Ўзбекистонни яратиш ва жаҳон ҳамжамиятига тенгхуқуқли интеграция бўлишга хизмат қилади, чунки миллий ўзликни, миллий манфаатларни, аждодларимиз ва замондошлар ижодий ютуқларни англаш орқали умумжаҳон тараққиёти оқимида ўз ўрнимизни, замонавий ижодий ютуқларимизни ва салоҳиятимизни аниқ тасаввур этишга ёрдам беради. Миллий идентликни, ўзига хосликни сақлаб қолишга, юксалтиришга жаҳон ҳамжамиятидан юз ўгириш ҳисобига эмас, аксинча,

¹ *Ислом Каримов. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Асарлар 1-жилд.* – Т.: «Ўзбекистон», 1996. 331-б.

жаҳондаги илғор ютуқлар ва тажрибани ўзлаштириб миллий маданиятни, она тилини ривожлантириш ҳисобига эришилади. Мустақиллик йиллари, биринчидан, маънавий-маданий меросни тиклаш, ривожлантириш; иккинчидан, жаҳон маданияти ютуқларини ўзлаштириш, жаҳон ҳамжамиятига иқтисодий интеграция бўлиш йўналишларида иш олиб борилди.

Биринчи йўналиш ишлари, юқорида эътироф этилганидек, мустақиллик учун бевосита кураш йиллари бошланган эди. Мустақиллик йиллари ўтиш даврида ушбу масала миллий ўзликни англашни янги сифат босқичига кўтариш, тарихий хотирани тиклашнинг, умуман, миллий-маънавий тикланишнинг бош масаласига айланди. Шу сабабдан ушбу йўналишда кўпқиррали комплекс ишлар олиб борилди. Буюк алломаларимиз, давлат ва жамоат арбобларимиз, шаҳарларимиз, маданий ёдгорликларимиз юбилейлари ўтказилди.

Юбилейлар шунчаки тантанали нишонлаш тадбири бўлиб қолгани йўқ. Уларга тайёргарлик жараёнида улкан илмий-тадқиқот, маданий-маърифий, тарғибий-ташвиқий ва ободончилик ишлари амалга оширилди. Алломалар ва буюк арбоблар ҳаёти ва фаолиятига бағишланган илмий, илмий-оммабоп, тарихий, биографик, бадиий ва публицистик асарлар, мақолалар, ҳужжатли ва бадиий кино-телефильмлар яратилди. Таъкидлаш жоизки, юбилейларнинг аксарияти тўғрисида илк бор ҳар хил ривоят ва афсоналар, уйдирма ва тўқималар эмас, балки ҳаққоний, ҳолис, тарихий далилларга, илмий тадқиқотларга асосланган маълумотлар эълон қилинди.

Алломаларимиз, давлат ва жамоат арбобларимиз асарлари ҳам илк бор асл ҳолда нашр қилинди. Шунингдек, Куръони карим, имом Бухорийнинг тўрт томлик саҳиҳ ҳадислари, имом ат-Термизийнинг саҳиҳ ҳадислари, қатор диний алломаларимиз асарлари илк бор ўзбек тилида нашр этилди. Юбилейлари ўтказилган шаҳарларимиз тарихи илк бор қадим даврдан то шу кунгача изчил илмий далиллар асосида қисқача баён этилди ва миллий тарихимиз контекстида талқин қилинди. Юбилей шаҳарларимизга аталиб қисқача тарихий босиб ўтган йўлини, археологик ва меъморий ёдгорликлари-

ни ўзида акс эттирган чиройли альбом-китоблар нашр этилди. Эътибор берилса, «илк бор» сўзи такрор-такрор қўлланилмоқда. Бу маънавий тикланишимиз, маънавий ислохотларимиз учун табиий ва қонуний ҳодисадир. Баъзи бир унутилган миллий урф-одатлар, анъана ва байрамларимизни замонавий асосда тиклаш ва ривожлантириш бўйича яна кўплаб мисоллар келтириш мумкин.

Миллий-маънавий тикланиш юзасидан олиб борилган ва давом этаётган кўпқиррали комплекс тадбирлар, чуқур ва пухта ўйланган давлат сиёсати ўз самарасини берди. Халқимизнинг дунёқараши бойиди, онги ўсди, маънавий киёфаси ўзгарди. У ўз тарихини, тарихий илдизларини, миллий маданиятини, аجدодлари жаҳон цивилизацияси тараққиётига қўшган ҳиссасини билиб олди. У ўзини миллат сифатида қайтадан таниди, тарихий хотирасини тиклади, миллий номукамаллик туйғусидан қутулиб, ўзини ҳеч кимдан кам сезмайдиган бўлди, миллий ғурури ўсди.

Иккинчи йўналишда олиб борилган комплекс ишлар бунга ёрдам берди. Илм-фан, адабиёт ва санъат, маданият, давлат ва жамият қурилиши, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари борасида биз миллий анъаналаримиз ва баъзи ижтимоий-сиёсий ва фуқаролик институтларини тиклаш (маҳалла, ҳокимлик) қаторида жаҳоннинг илғор ютуқларини ўзлаштирдик. Давлат ҳокимиятининг уч тармоғи – қонун чиқарувчи, ижроия ва суд ҳокимиятлари бир-биридан ажратилгани бу борадаги ислохотлар, демократия ва инсон ҳуқуқлари ривожлантирилгани, кўплаб янги нодавлат нотижорат ва бошқа жамоат ташкилотлари вужудга келгани тўғрисида тўхталиб ўтирмаймиз. Улар алоҳида мавзу ва бизнинг предметимиздан биров ташқарига чиқади. Биз фақат маънавиятга яқиндан алоқадор баъзи ишларни қайд қиламиз.

Кадрлар тайёрлаш, таълим соҳасида халқаро талабларни ва ютуқларни ҳисобга олиб чуқур ислохотлар ўтказилди. Таълимнинг барча бўғинлари учун янги талаблар асосида давлат таълим стандартлари ишлаб чиқилди, ўқув дарсликлари, қўлланмалар яратилди. Мактаблар, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар, олий ўқув юртлари замонавий жиҳозлар ва ўқув технологиялари

билан таъминланди. Кўплаб янги АЛ ва КХК, олий ўқув юртлари очилди. Бундан ташқари, юртимизда жаҳоннинг қатор нуфузли олий ўқув юртлари филиаллари ташкил этилди. Улар орасида Британиянинг Вестминстер университети, Москва давлат университети, Турин политехника институти, Плеханов номи иқтисодиёт университети, Губкин номидаги нефть-газ институти, Инҳа университети, Малайзия иқтисодиёт коллежи филиаллари бор. Бунга юртимиз йигит-қизлари ва ёш мутахассисларининг АҚШ, Япония, Германия, Корея ва бошқа ривожланган мамлакатларга ўқишга ва малака оширишга жўнатилаётганини кўшимча қилиш керак.

ФА (Фанлар Академияси), ИТИ (Илмий-тадқиқот институтлари) ва олий ўқув юртларимиз чет эл илмий марказлари ва университетлари билан илмий-тадқиқот, кадрлар тайёрлаш, алмашиш масаласида ҳамкорлик қилмоқдалар. Юртимизда ҳар йили кўплаб халқаро йирик илмий анжуманлар ўтказилаётгани жаҳон ҳамжамияти билан бу соҳада интеграция бўлаётганимизга мисолдир. Жаҳон бадий адабиёти, фалсафаси ва ижтимоий фикрига оид асарлар ўзбек тилига таржима қилинмоқда. Миллий ва жаҳон халқлари маданий меросини, ҳозирги замон муаллифлари асарларини чоп этиш, халқимизнинг маънавий мулкига айлантириш, тарғиб этиш билан мустақиллик йилларида ташкил этилган «Тафаккур», «Жаҳон адабиёти», «Маънавий ҳаёт» ва бошқа махсус журналлар, Республика телерадиокомпаниясининг янги студиялари шуғулланмоқда. Бугунги маънавий ҳаётимизни уларсиз тасаввур этиш қийин.

Мустақиллик йиллари маданий меросга ва ижодий фаолиятга, адабиёт ва санъатга муносабат ўзгарди. Коммунистик мафкуравий қолиплардан, синфийлик, партиявийлик, курашчан атеизм тамойилидан, социалистик реализм деб аталмиш бадий услубдан воз кечилди. Давлат цензураси бекор қилинди. Ижод эркинлиги адабиётимиз ва санъатимизда янги модернистик йўналишлар, услублар, бадий усулларда яратилган ранг-баранг асарлар, жанрлар пайдо бўлишига олиб келди. Анъанавий реалистик усул анча эркинлашди, бойиди. Тўғри, ҳали янги оқимга мансуб жуда улкан оламшумул аҳамиятга эга

асарлар яратилгани йўқ. Лекин бу бошқа мавзу. Чунки бадий ижодда ҳал қилувчи омил усул ва услуб эмас, муаллиф истеъдодир. Адабиётимиз ва санъатимиз мазмунан ва шаклан бойиган, хилма-хиллик, сержилолик касб этгани эса – бор гап.

Мамлакатимиз, миллий маданиятимиз жаҳонга юз бурди, жаҳонга очилди, жаҳон ҳам бизга очилди. Биз дунё халқлари маданий ютуқларини ўрганиш қаторида ўз миллий маданиятимизни уларга тарғиб қилмоқдамиз. Алишер Навоий ва Бобур каби мумтоз адабиётимиз вакилларининг шоҳ асарлари баъзи чет тилларга қайтадан таржима қилинди, баъзи тилларга илк бор ўгирилди. Янги таржималар чуқур илмий-филологик ва текстологик (матншунослик) тадқиқотлар билан кўшиб олиб борилди. Жаҳоннинг қатор юксак ривожланган мамлакатларида халқимизнинг буюк алломалари – Навоийга, Улуғбекка, Ибн Синога, Фарғонийга, Хоразмийга, Берунийга бағишланган конференциялар ўтказилди, мақолалар, китоблар чоп этилди, хужжатли фильмлар суратга олинди ва намойиш этилди. Уларнинг баъзиларига ҳайкаллар ва ёдгорликлар ўрнатилди.

Ўзбекистоннинг тарихи, халқи, табиати, маданий ёдгорликлари, санъатига бағишланган чет элликлар олган хужжатли ва телефильмларнинг эса саноғига етиш кийин. Миллий маданиятимизни чет элга тарғиб этишда ЮНЕСКО ва бошқа халқаро ташкилотлар билан мамлакатимизнинг ҳамкорлик қилиши яхши самаралар бермоқда. Ўзбек ижрочилари, санъаткорлари, мусаввирлари, театр ва киноасарлари турли халқаро танловларда, фестивал ва кўргазмаларда қатнашиб, ғолиб ва совриндор бўлдилар. Ўзбек санъатини жаҳонга ёйдилар. Мамлакатимизда ҳам халқаро фестиваллар, турли маданий анжуманлар ўтказилмоқда. Биргина «Шарқ тароналари», «Мақом» фестиваллари жаҳон мусиқа санъатининг Ўзбекистонда, ўзбек мусиқа санъатининг жаҳонда тарқалишига қанча улкан ҳисса қўшаётганини баҳолаш кийин. Айниқса, ўқувчи ёшларимизнинг халқаро фан олимпиадаларида ёки иқтидорли ёш ижрочи ва санъаткораримизнинг халқаро танловларда эришаётган ютуқлари қувонарли. Келтирган мисоллар мустақиллик йиллари маънавиятимизда қандай юксалиш юз берганини, маънавиятга му-

носабат кай даражада эркинлик, демократизм, инсон-парварлик томон ўзгарганини кўрсатади.

Ижтимоий тараққиётда, жамият ҳаётининг ҳар бир соҳасида ҳал қилувчи омил инсондир. Ўзбекистонни мутараққий давлатлар қаторига ўз имкониятларини эркин намоён қила олмайдиган, қотиб қолган андозалар бўйича фикрлайдиган, мутелик ва кўркув, миллий номукам-маллик туйғусидан халос бўлмаган, ватанпарварликдан йироқ инсонлар билан кўтара олмаймиз. Бу зарурат эркин фикрли, ташаббускор ва ватанпарвар фуқарони тарбиялашни тақозо этади. Мустақил Ўзбекистон маънавий ривожланишининг асосий шарт ва мақсади – янги шахсни тарбиялашдир, ўтмиш маданий меросига ва эришилган ютуқларга муносабат танқидий бўлиши лозимдир.

Ўзбек халқи тарихида илк бора миллий мактабига эга бўлди. СССР давридаги мактабда ўқитиш ўзбек тилида олиб борилса-да, мактаб коммунистик мафкура асосида таълим берадиган совет мактаби эди. Ўтмишдаги мачитлар қошидаги мактаблар ва мадрасалар миллий эмас, диний ўқув муассасалари ҳисобланарди. Жаҳидлар миллий мактаб яратишга кўп уриндилар, аммо дастлаб чор ҳукумати ва сўнгра большевиклар бунга руҳсат бермади.

Ижтимоий ҳаёт қарашлар ва фикрлар хилма-хиллиги, тафаккур ва ташаббус эркинлиги шароитида ривожланмоқда. Булар ҳаммаси инсоннинг ўз имкониятини юзага чиқариш учун мамлакатимизда яратилаётган шароитлардир.

Маънавиятимиз ривожланишининг мустақиллик даври босқичи халқнинг тарихий хотирасини тиклаш билан бир қаторда миллий онгни, тафаккурни шакллантиришда, маданий меросдан ёш авлодни баҳраманд этишда ҳал қилувчи роль ўйнайдиган миллий мактабни, миллий таълим тизимини яратиш энг улкан тарихий ютуқлардан биридир.

Ватанпарварлик туйғуси ва эътиқоди мустақилликнинг маънавий асоси ҳисобланади. Ватанпарварлик фақат ватанни севиш, унга фидо бўлиш, ундан фахрланиш каби туйғудангина иборат эмас. У эътиқод сифатида тегишли тушунчалар, холис баҳолар, қарашлар, ғоялар, идеаллардан таркиб топади. Тўғри тушуниладиган, миллатчилик ва

миллий маҳдудликдан, манманликдан, нигилизм ва но-мукамалликдан холи бўлган ватанпарварлик ижтимоий мўлжалга айланади. Ватанпарварлик халқ манфаатларини шахсий, гуруҳий, синфий, маҳаллий-минтақавий манфаатлардан устун қўйишдир. Агар мамлакат турли низолар, маҳаллийчилик ёки партиявий тарафкашлик, сиёсий гуруҳбозлик туфайли беқарор бўлса, унда миллий ҳамжиҳатликка зарар етади. Ватанпарварлик эътиқодга, ишққа айланмоғи зарур. Лекин бу кўр-кўрона, тор миллатчилик даражасидаги иррационал ишқ эмас, балки юксак самара берадиган, Ватан манфаатларини тўғри тушунадиган, теран ақлга ва соғлом ҳиссиётга таянган севги бўлмоғи лозим.

Демак, ватанпарварлик алоҳида шахс ва бутун халқ онгининг, фикрининг мустақил тараққиёт заруратига мос келиши, мамлакатни тараққий эттиришида тўғри мўлжал ола билиши, яъни кенг маънодаги маънавий етуқликнинг кўрсаткичларидан биридир.

Ижтимоий ривожланишда ватанпарварлик қаторида бошқа туйғуларга, билимларга ва маънавий-мафкуравий тажрибаларга таянилади. Шу боисдан маданий меросдан, бугунги кун кадриятларидан унумли фойдалана олиш, тарихдан холис хулоса чиқара билиш, ўз тарихига ва бугунги аҳволига, маданий мероси ва маънавий кадриятларига, динига ва ахлоқига, мавжуд сиёсий ва ҳуқуқий амалиётига, турмуш тарзига танқидий ва ижодий кўз билан қарай олиш – мустақилликни мустаҳкамлашнинг муҳим маънавий асосидир.

Маънавий кадриятларга илмий муносабатда бўлиш ва улардан тўғри фойдаланиш кўп жиҳатдан жамиятнинг мустақил тараққий этиш муваффақиятларини ҳам, шахснинг ўз имкониятларини тўлароқ юзага чиқариш муваффақиятларини ҳам белгилайди. Бу борада, айниқса, маданий меросга муносабат масаласи ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга. Чунки миллий кадриятларни тиклаш масаласи мураккаблиги туфайли айрим кишилар истиклолни келажакка эмас, ўтмишга қаратмоқчи бўлаётганини сезмаяпти. Баъзи кишиларнинг ва диний мутаассибларнинг Ўзбекистоннинг келажак йўли ва ижтимоий тузуми тўғрисидаги фикрларида (давлатни ислом республикаси-

га айлантириш, халифалик, айирмачилик ғоялари) ана шу нарса кўзга чалинмоқда. Миллий-маънавий тикланиш ва ривожланиш халқнинг тарихий хотирасини тиклашдан, келажак мақсадларини, идеалларини аниқ белгилашдан бошланади. Тарихий хотира эса, биринчи галда, маданий меросда мужассамлашган. Келажак олий мақсадлари ва идеаллари миллий ғояда, мафкурада акс этади. Шу сабабдан маданий меросни ўрганиш, унинг турли сабабларга кўра халқдан яширилган, ярим унут бўлган қисмини халққа қайтариш, уни миллий ғоя ва мафкура контекстида таҳлил қилиб, сарагини саракка, пучагини пучакка ажратиш, ҳақиқий кадриятларни сохталардан, эскирганларидан фарқлаш маънавий тараққиётнинг долзарб муаммоларидан ҳисобланади. Мустақиллик йиллари маданий меросга муносабат кескин ўзгарди. Аммо назарий ва амалий жиҳатдан тўғри ҳал қилиниши лозим масалалар ҳам пайдо бўлди.

Маданий меросга муносабат мезонлари. Маданий мерос халқнинг бебаҳо бойлигидир. Аммо маданий меросимизда умумбашарий кадриятларга айланган бебаҳо дурдоналар билан бир қаторда тарихан эскирган, маърифатли буюк келажакни яратиш заруратига мос келмайдиган ҳодисалар, меъёрлар ва тамойиллар оз эмас. Масалан, паранжи ёпиниш одатини ёки санъатдаги, бадиий ижоддаги мистика ва клерикализмга нотанқидий ёндашиш, театр, ранг-тасвир ва ҳайкалтарошлик каби санъат турларини инкор қилиш, мактабларни ўқувчилар жинсига қараб бўлиш каби ўтмиш меъёрларини зинҳор ёқлаб чиқолмаймиз. Улар бугунги кунда биз учун ҳақиқий кадрият эмас, балки қадрини йўқотган анахронизмлардир.

Бошқа бир муҳим вазифа – бутун жаҳон илмий-техникавий ахборотлари тизимига интеграция бўлишдир. Бу борада ҳам ишлар давом этмоқда. Ахборот технологиялари, интернет тармоғи, жаҳоннинг етакчи университетлари, миллий марказлари ҳамда уларнинг кутубхоналари билан электрон алоқалар йўлга қўйилган. Чет тилларни, айниқса, инглиз тилини ўрганишга эътибор кўчайтирилди.

Юқорида айтилган фикрлар асосида истиқлол шароитида маданий меросга, шу жумладан, совет даври мада-

ний меросига муносабатимиз қандай бўлмоғи лозим, деган савол туғилади. Бу саволга, айниқса, унинг иккинчи қисмига жавоб беришдан аввал шу нарсани алоҳида таъкидлаш зарур. КПСС ва совет давлатининг маданий сиёсати билан совет даври маданиятини, унинг мазмунини чалкаштириб юбормаслик керак Чунки илм-фан, адабиёт ва санъат, халқ таълими, халқ маънавий ҳаётининг бошқа турли соҳаларида яратилган бойликлар, кадриятлар ўзининг объектив мазмунига эгаки, уларда биз турли нисбатларда, турли чамбарчасликда миллийлик ва байналмилаллик, совет маданиятининг энг заиф жиҳати бўлмиш марксча-ленинча синфийлик билан бир қаторда умуминсонийлик, баъзан дағал, жанговар атеизм билан ҳақиқий гуманизм ҳам акс этганини кўрамиз. Маданиятга таъсир кўрсатувчи объектив шарт-шароитлар ва омиллар борки, улар умуммаданий тараққиётни белгилайди ва субъектив омилларнинг таъсирини ё пасайтиради, ё кучайтиради. Бизнинг мавзумиз маданий меросга муносабат, яъни субъектив омил бўлгани учун объектив омиллар устида тўхталиб ўтирмаймиз. Маъданиятга таъсир кўрсатувчи учта асосий субъектив омил мавжуд: 1. Расмий давлат сиёсати. 2. Халқнинг англашилган эҳтиёжлари (маданиятнинг яратувчиси, сақловчиси ва истеъмолчиси ўларок). 3. Ижодкорнинг ижтимоий позицияси ва дунёқараши.

Бу омиллар ўзаро боғлиқ. Уларнинг бирортаси умуммаданий ривожланишда бошқаларидан ажралган ҳолда ҳал қилувчи ўрин тута олмайди. Маданиятнинг баъзи бир соҳаларида (сиёсий мафкурадан узоқроқ соҳасида) расмий мафкуранинг таъсири бошқа соҳаларга нисбатан камроқ бўлади. Баъзан эса айрим ижодкорлар расмий давлат сиёсатига, мафкурасига зид ижод қилишлари мумкин (албатта, бундай ҳолда уларнинг бошига турли таъкиб ва қатағонлар азоби тушади). Фақат баъзи ижодкорларгина расмий давлат сиёсатининг минбарларига, маддоҳларига айланиши мумкин. Бундай ҳолат барча тарихий даврларга хос, шу жумладан, совет даврига ҳам.

Расмий сиёсат ва ижодкорнинг мойилликларидан ташқари ўзбек халқининг тараққиёти, объектив ҳаётининг эҳтиёжлари, уларнинг юзага чиқиши, тарихий заруратнинг таъсири маданиятимизда бетакрор из колдирган.

Шу маънода совет даври ўзбек маданияти КПСС сиёсатининг кўзгудаги акси эмас. Халқни маълум муддатга чалғитиш, алдаш мумкин. Халқ нотўғри сиёсатнинг қурбони бўлиб, маълум бир муддатга ижтимоий-сиёсий идеалларини белгилашда адашиб кетиши мумкин. Лекин халқни ҳеч қачон эзгуликдан, инсонпарварлик ғояларидан, виждон ва диёнатдан, соғлом фикрлиликдан, мантиқийликдан батамом қайтариб бўлмайди. Халқнинг аксарияти кундалик турмушда маънавий соғлом, хурфикр бўлиб қолаверади. Турли сиёсий режимларни, турли сиёсий қатағонларни, қирғинларни, иқтисодий қийинчиликларни, очлик ва қашшоқликни бошдан кечирган бўлса-да, халқ доимо ва, асосан, ҳақиқий инсонпарвар маънавий қадриятларни яратган. Тўғри, айрим тарихий даврларда маданият гуркираб ўсган, айрим тарихий даврларда у қаттиқ инқирозга учраган, лекин миллий маданият ҳеч қачон ғайриинсоний мазмун касб этмаган.

Халқ маданиятнинг асосий яратувчиси, авлоддан авлодга узатиб, асрлараро сақловчиси ва унинг истеъмолчисидир. Шу боисдан халқнинг англашилган эҳтиёжлари, талаблари, унинг «ижтимоий буюртмаси» маданият ривожланишига расмий давлат сиёсатидан кам таъсир кўрсатмайди. Пировардида у расмий давлат сиёсатига маълум даражада тузатиш киритади. Бир нарсани унутмаслик керакки, инсон бу дунёга бир марта келади. У қайси тузумда, қандай шароитда яшамасин, қайта такрорланмайдиган ҳаётида инсонга хос ҳамма эҳтиёжларни туяди: яхши ва муносиб турмуш кечиргиси, ҳаёт лаззатлари, гўзалликларидан баҳраманд бўлгиси, ниманидир яратиб, ўзидан яхши ном қолдиргиси келади. Шу боис у гўзаллик, поклик ва эзгуликка интилади. У кимгадир ошиқ бўлади, нималардир уни мафтун этади, қўшиқ эшитгиси ва куйлагиси келади. Муҳаббат, ошуфталик – ёшликнинг ажралмас туғма хислатидир. Шу боис ўтмишнинг жоҳиллик ҳукмронлик қилган оғир замонларида ҳам санъат дурдоналари пайдо бўлган. Бу ҳол барча халқларнинг маданияти тарихига хосдир.

Бизда ҳам совет даврида мафқуралашган тарғибот асарлари қаторида инсоннинг юқорида қайд этилган орзу-армонлари, муҳаббат ва эзгуликка интилишини акс

эттирувчи ҳақиқий санъат асарлари яратилди. Тўғри, адабиёт ва санъатнинг айрим жанрлари расмий давлат мафкурасига гоҳо кўпроқ, гоҳо озроқ мослашиб, баъзи бир коммунистик шиорларни ишлатишга мажбур бўлган. Лекин бу нарса уларнинг асл аҳамиятига жуда катта путур етказолмайди. Кўпгина санъат турларининг эса тарғиботташвиқотга, сиёсий мафкурага бевосита алоқаси йўқ. Масалан, лирик шеърят, мусиқа ва хореография, ранг тасвирнинг пейзаж, натюрморт, портрет сингари талай жанрлари ва ҳоказо.

Маданиятнинг ривожланишига таъсир кўрсатувчи яна бир омил борки, у расмий давлат сиёсатига маълум «тузатиш» киритади: бу ижодкорнинг ижтимоий позицияси ва унинг кенг маънодаги дунёқарашидир. Ҳақиқий ижодкор учун Ватан туйғуси, халқ дарди, халқ олдидаги бурчи тузум ва сиёсатдан устун туради. У тузумга, ҳукмрон мафкурага мослашса-да, айрим ҳолларда уларга бағишлаб қасидалар битса-да, барибир, аввало Ватанига, она халқига хизмат қилади. Фақат кўрқоқ ёки ўта шуҳратпараст, аммо ўртамиёна, кам истеъдодли ижодкорларгина сиёсий тузумнинг маддоҳига айланади. Йирик истеъдод эгалари орасида ўз сиёсий мўлжалларидан адашиб кетган бир-икки санъаткор тузум маддоҳига айланиши мумкин. Аммо бундайларнинг ижодкор ва шахс сифатидаги инқирози эртами-кечми муқаррар бўлади. Маяковский ва Фадеев каби рус адибларининг тақдири бунга ёрқин мисолдир. Шу боисдан узоқ ўтмишда ҳам, совет даврида ҳам ҳақиқий ижодкорлик буткул сўнмаган, адабиёт ва санъат қуруқ ташвиқотбозликка айланиб қолмаган. Фитрат, Абдулла Қодирий, Чўлпон ва Ҳамза каби исёнкор санъаткорлар халқ орасидан чиқиб турган.

Истиқлол туфайли биз маданий меросимизни чуқурроқ ва кенгроқ ўрганишни бошлаган эканмиз, ўтмиш маънавий қадриятларимизнинг кўпчилигига янгича мазмун бағишлаб, баъзиларини қайта тикламоқчи эканмиз, бундан кўзлаган мақсадимиз ўтмишга сиғиниш эмас, балки унга суяниб, ундан фойдаланиб, янада олға силжиш, ривожланишнинг янги босқичига чиқишдир. Маданий мероснинг ҳар бир конкрет ҳодисасини, қадриятини баҳолаганда, амалда фойдаланмоқчи бўлганимизда,

уларнинг Ўзбекистон истиқболига, халқимиз умумжаҳон тараққиётининг фаол субъектига айланишига қай даражада хизмат қила олиши бош мезон бўлиши керак.

Маданий меросга илмий ёндашишнинг универсал мезонлари нималардан иборат? Бизнинг фикримизча, асосий универсал мезонлар тўртта: *инсонпарварлик, ватанпарварлик, халқчиллик, тараққийпарварлик*. Бу мезонлар умуминсоний характерга эга. Биз улардан фойдаланганда, фақат сохталаштирмасдан, мазмунини сиёсийлаштирмасдан, миллий маҳдудлик ва миллатчилик билан чегараламасдан фойдаланишимиз керак. Бу тамойиллар замонавий маданиятга нисбатан қўлланганда эса, ижодий изланишларга, янги эпкин ва интилишларга қарама-қарши қўйилмаслиги, ўзгармас қолипга айлантирилмаслиги лозим.

Маданий меросни баҳолаганда, унинг инсон эҳтиёжларига қай даражада хизмат қила олиши, инсондаги эзгулик, гўзаллик, софлик, муҳаббат каби том маънодаги юксак инсоний ҳис-туйғуларни, интилишларни шакллантира олиши, ёвузликка, тубанликка, ахлоқсизликка, инсонни хўрлашга нисбатан маънавий ва амалий мурасасизликни, яъни француз маърифатпарварлари таъкидлаганидек, маънавий эркин, лекин ижтимоий масъул фуқарони тарбиялай олиши (албатта, бугунги кун тушунчасидаги мустақил тараққиёт талабларига мос эркинлик ва масъулиятни тарбиялаш назарда тутилмоқда) асосий мезон бўлиши табиийдир.

Инсонпарварлик маданиятнинг жамият аъзоларида инсонийликни ва инсон ҳақ-ҳуқуқлари ва кадр-қимматини шакллантиришга хизмат қилишидир. Айнан шу нуқтаи назардан маданий мерос (жумладан, диний мерос ҳам) чуқур таҳлил қилинмоғи ва инсонпарварлик мезонига мос келганларигина кенг фойдаланишга жалб этилмоғи лозим. Инсонпарварлик – конкрет-тарихий тушунча. У қотиб қолган ҳодиса эмас. У тарихан ўзгаради, янгиланади, ривожланади. Инсонпарварлик ҳеч қачон тарихий заруратга, тараққиёт эҳтиёжларига зид келмайди. Агар зид келса, у эскирган ё сохта бўлиб чиқади.

Қолаверса, маданий мерос алоҳида олинган инсонлар билан бирга бутун жамиятга, бутун миллатга хизмат

қилади. Шу сабабдан инсонпарварлик билан бир қаторда халқчиллик ва ватанпарварлик каби мезонлар қўлланиши керак. Халқчиллик – маданий меросдаги халқни жипслаштирувчи, миллий ҳамжиҳатликни амалга оширувчи, халқнинг психологиясини, мушоҳадасидаги, онгидаги умумийликни, халқнинг демократик интилишларини акс эттирувчи ва ривожлантирувчи ғоялар, бадий образлар ва воситалардир.

Халқчиллик билан маданиятдаги оммавийлик ва элитарлик масаласини чалкаштириб юбормаслик керак. Халқчиллик халққа тушунарли, унинг диди ва эҳтиёжларига мос бўлиш билан чекланмайди, оммавий маданиятга хос мазмунан саёзликни, шаклий жўнликни, «отарчилик»ка мойилликни ва шу кабиларни рад этади. Халқчиллик «элитар» маданиятни инкор этмайди. У маданиятдаги барча ранг-барангликни, услубий ва шаклий бойликларни камраб олади. Маданиятнинг халқчиллиги миллатни ўз тарихий илдизлари билан чуқурроқ боғлайди. Халқчиллик маданиятдаги миллий психологияга ва манфаатларга зид келадиган ёт ҳодисаларни инкор қилади. Маданиятда ва умуман маънавиятда ўзига хос шаклий ва мазмуний филтър вазифасини ўтайди. Ҳақиқий халқчиллик миллий маданиятнинг ўзга маданиятлардаги асл қадриятлар ҳисобига бойишига тўсқинлик қилмайди. Аммо четдан қабул қилинган қадриятларни шаклан ва мазмунан ўз халқи эҳтиёжларига, идрок ва мушоҳадаларига мослаштиради. Халқчиллик маданиятнинг, миллат эҳтиёжлари нуқтаи назаридан барқарорлиги ва кадр-қимматлигидир.

Халқчиллик тўғрисида юқорида айтилганлар том маънода ватанпарварлик мезонига ҳам тааллуқлидир. Бу икки тушунча бир-бирига ниҳоятда яқиндир, чунки халқ манфаатлари Ватан манфаатлари билан бир бутундир. Бироқ, айти пайтда, ватанпарварлик онгли равишда ижтимоий фаолликни, фуқаровий бурчга содиқликни тақозо этади. Ватанпарварлик, биринчи навбатда, ўзи танлаган касб доирасида масъулиятини тўғри тушуниш ва ватани равнақи йўлида ҳалол меҳнат қилишдир, меҳнат вазифасини ҳалол, сидқидилдан бажаришдир. Ўз манфаатини ҳамма нарсадан устун қўядиган ғирром киши, қанча оғиз

кўпиртириб Ватан ҳақида гапирмасин, ҳеч қачон ҳақиқий ватанпарвар бўлолмайди. Оғир дамда ёки фойда учун ўз бурчини тез унутади. Ватанпарварлик мезонлари билан ўлчанганда, Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлашга муайян маданият ҳодисаси қай даражада хизмат қила олиши маълум бўлади, маданий меросдаги айрим нозиклаштирилган миллий нигилистик оҳанглар, ғоялар кўриниб қолади. Алишер Навоийнинг туркий тилда ижод қилишга ўз қавмларини даъват этиши ва туркий тилнинг форс ва араб тилларидан қолишмаслигини, ҳатто баъзи тушунчаларни ифодалашда устунлигини исботлашга урингани унинг миллий нигилизмга қарши курашганига, ватанпарварлигига ёрқин мисолдир.

Ва ниҳоят, тараққийпарварлик мезони ҳақида. Маданий ҳодисот, масалан, санъат асари, халқпарварлик ва ватанпарварлик туйғулари билан қанчалик суғорилган бўлмасин, агар у келажакка эмас, ўтмишга қаратилса, патриархал тузумни, кечаги кун тартибларини, урфларини, турмуш тарзини идеаллаштира, миллий маҳдудликка, миллатчиликка чорласа, Ўзбекистон мустақил тараққиёти учун унинг аҳамияти паст бўлади. Асардаги халқчилик ва ватанпарварлик ташқи кўриниш касб этади, холос. Шу боисдан маданий меросни баҳолашда, тараққийпарварлик талабларини эътиборга олиш зарур. Тараққийпарварлик зарур ҳолларда миллий анъаналарга, урф-одатларга, катталар сўзига ва талабига, обрўли шахслар кўрсатмаларига, баъзи бир ўтмиш кадриятларига танқидий муносабатда бўлишни тақозо этади. Келажак талаби бугунги ва кечаги кун учун инкор қилинмаслиги шарт.

Айтилганлардан маданий меросга, уни баҳолашга ва ундан Ўзбекистон мустақил тараққиётида фойдаланишда ушбу мезонлар ёрдамида комплекс ёндашиш кераклиги аён бўлади.

Юқорида қайд этилган тўртала мезон маданий меросга муносабатнинг универсал мезонларидир. Маданий мероснинг турли соҳаларида фақат унгагина тааллуқли хусусий мезонлар ҳам мавжуд. Масалан, адабиёт ва санъат учун шундай мезон, бу – юксак бадиийлик, образлар такомиллигидир. Лекин бадиийлик мезонини илм-фан, ахлоқ ёки ҳуқуққа нисбатан қўллаб бўлмайди. Уларнинг

Ўз хусусий мезонлари мавжуд. Фан учун хусусий мезонлар илмий объективлик, холислик, сиёсий ва диний идеологиядан, тарафкашликдан устун туриш, илмий фактларга, назарий ва мантиқий далилларга содиқликдир. Ахлоқ ва ҳуқуқда эзгулик, ҳалоллик, адолат, тенглик ва барчага баробарлик ва бошқа хусусий мезонлар мавжуд. Маданий мероснинг ҳар бир соҳаси тўртала универсал мезон ва муайян соҳага тааллуқли хусусий мезонлар бирлигида таҳлил қилиниши ва баҳоланиши мақсадга мувофиқдир.

Мустақиллик даврида маънавий тикланиш ва юксалишда миллий ғоя концепцияси катта аҳамият касб этди. Миллий ғоя халқнинг асрий орзу-умидлари ва олий мақсадларини мужассам ҳолда ифодалайди. Уни биринчи Президентимиз Ислом Каримов «Озод ва обод Ватанда эркин ва фаровон яшаш» деб таърифлади. Миллий ғоянинг асосий тушунчалари ва тамойиллари аниқланди. Миллий ғоя республикамиз аҳолисини, барча миллат ва элатларни буюк мақсад йўлида жипслаштирувчи омилга айланди. Миллий ғоя теварагида мустақил тараққиёт мафкураси шаклланди, унинг асосида эса ислохотлар амалиёти ташкил этилган.

Миллий ғоя маънавиятимиз ривожланиши мустақиллик босқичининг моҳиятини, ўзагини ташкил этади. Барча йўналишлардаги маънавий ислохотларни биз миллий ғояга қай даражада мос келишига қараб баҳолаймиз. Фикрлар хилма-хиллиги, кўппартиявийлик ва сиёсий дастурлар ранг-баранглиги шароитида миллий ғоя бирлаштирувчи куч ва асосий ижтимоий маънавий мўлжалдир. Партиялар миллий ғояга қараб ўз сиёсатлари ва мафқураларига аниқлик киритиб боради.

Мустақиллик йилларида нафақат тарихий хотирани, миллий анъаналарни, маданий меросни тиклашга, диний мерос ва ислом динига тўғри муносабатини шакллантиришга, шунингдек, маънавий таҳдидларга, мафқуравий хуружларга, диний экстремизмга, шовинизм ва миллатчиликка, маҳаллийчилик, гуруҳбозлик, уруғ-аймоқчилик, порахўрлик ва ш.к. иллатларга қарши курашишга, аҳолида, айниқса, ёш авлодда мафқуравий иммунитетни шакллантиришга ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Бу

ишларда миллий ғоянинг илмий-методологик, ижтимоий-мафкуравий ва маънавий тарбиявий аҳамияти улкан бўлмоқда.

Мустақиллик даври маънавияти шаклланиши ва ривожланиши давом этмоқда, у мустақил тараққиётимиз билан узвий боғлиқдир. Халқимизни янги ютуқларга олиб келади. Зеро, тараққиёт ва маънавият бир-бирини тақозо этувчи диалектик муштаракликдир. Аммо мустақиллик маънавияти катта босим, зиддиятли геосиёсий муҳитда ривожланмоқда. Биринчидан, эски даврдан қолган иллатлар босими – маҳаллийчилик, уруғ-аймоқчилик, гуруҳбозлик, мансабпарастлик ва айниқса бозор иқтисодиёти шароитида авж олиши мумкин бўлган қусурлар маънавиятимизга ўта салбий таъсир кўрсатмоқда. Ҳалол ишлаб яхши яшашига, келажакки, жамиятдаги мавқеи, мансаби фақат ўзига, ўз билими, малакаси, ҳалоллигига, ватанпарварлигига боғлиқлигига қаттиқ ишонмайдиган кишида эса такомилга, ижодкорликка интилиш сусаяди. Порахўрлик, таниш-билишчилик, маҳаллийчилик инсон ишончини йўққа чиқаради.

Иккинчидан, иқтисодий муаммолар, инфляциянинг юқорилиги, ишсизлик инсонга нафақат ўз имкониятларини юзага чиқаришга халақит беради, келажакка интилишини, орзу-ҳавасларини сусайтиради, шунингдек, турли қинғир йўллар, кимнингдир кўнглини олиш ва ҳ.к. ёрдамида муаммоларини ечишга ундайди, яқинларига, дўст-биродарларига меҳр-оқибатини совитади. Учинчидан, геосиёсий ва халқаро вазият, буюкдавлатчилик шовинизми ва миллатчилик, диний экстремизм ва терроризмнинг халқаро миқёсда кучайиши, глобаллашув, маънавий таҳдидлар ва оммавий маданиятнинг баъзи йўналишлари, янги глобал муаммолар – наркобизнес, одам савдоси, уюшган жиноятчилик ва шу кабилар ҳам маънавиятимизга салбий таъсир кўрсатмоқда.

Биз миллий маънавиятимизни ҳимоя қилишимиз лозим, миллий маънавиятимиз эса бизни ёт таъсирлардан ҳимоя қилади, ўзлигимизни сақлаб қолади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: «Ўзбекистон», 2018.
2. Ш. Мирзиёев. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. – Т.: «Ўзбекистон», 2018.
3. И. Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: «Маънавият», 2015.
4. И. Каримов. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Асарлар. 1-жилд. – Т.: «Ўзбекистон», 1996.
5. И. Каримов. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Асарлар. 2-жилд. – Т.: «Ўзбекистон», 1996.
6. И. Каримов. Ватан саждагоҳ каби мукаддасдир. Асарлар. 3-жилд. – Т.: «Ўзбекистон», 1996.
7. И. Каримов. Бунёдкорлик йўлидан. Асарлар, 4-жилд. – Т.: «Ўзбекистон», 1996.
8. И. Каримов. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Асарлар, 6-жилд. – Т.: «Ўзбекистон», 1998.
9. И. Каримов. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан курамиз. Асарлар. 7-жилд. – Т.: «Ўзбекистон», 1999.
10. И. Каримов. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Асарлар. 8-жилд. – Т.: «Ўзбекистон», 2000.
11. Алишер Навоий. МАТ. 14-жилд. – Т.: «Фан», 1998.
12. А. Навоий. Тўла асарлар тўплами. 6-жилд. Хамса. «Ҳайрат ул-аброр». «Фарҳод ва Ширин». – Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 2011.
13. Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри. – Т.: 1993.
14. Абдулвахҳоб Халлоф. Усулул фикҳ. – Т.: «Адолат», 1997.
15. Абу Ҳомид Ғаззолий. Кимёи саодат. Руҳ ҳақиқати. – Т.: «Адолат», 2005.
16. А. Азизкулов. Ғаззолий инсон руҳиятининг моҳияти хусусида// Imom Al-Buxoriy saboqlari. 2014.
17. А. Мец. Мусульманский ренессанс. – М.: 1980.
18. А. Моль. Социодинамика культуры. – М.: 1973.
19. А. Костина. Массовая культура как феномен постиндустриального общества. Изд. 5-ое. – М.: Изд-во ЛКИ, 2011.
20. Абдулкарим ас-Самъоний. Насабнома. – Б.: «Бухоро», 2003.

21. Б. Қосимов. Уйғонган миллат маърифати. – Т.: «Маънавият», 2011.
22. Б. Ахмедов. Тарихдан сабоқлар. – Т.: 1994.
23. Вл. Воронцов. Тафаккур гулшани. – Т.: 1981.
24. Всемирная энциклопедия. Философия. XX век. М.Аст-Минск. Харвес Современная литература. 2002.
25. Гегель. Сочинение. Т. 8. – М.–Л.: 1935.
26. Дж. Неру. Взгляд на всемирную историю. Т. 1. – М.: 1989.
27. Жомий ва Навоий. – Т.: «Фан».
28. К.А. Гельвеций. Об уме. – М.: 1938.
29. М. Веллер. Кассандра. – М.: Изд-во АСТ, 2007.
30. М.Мухиддинов. Комил инсон – адабиёт идеали. – Т.: 2005.
31. Н. Комилов. Тасаввуф. – Т.: «Movaraunnahr» – «O‘zbekiston», 2009.
32. Н. Бухарин. Избранные произведения. – М.: «Политиздат», 1988.
33. Н. И. Конрад. Средне-Восточное Возрождение и Алишер Навои. Избранные труды. Литература и искусство. – М.: 1978.
34. Р. Сулаймонов. Нахшаб – унутилган тамаддун сирлари. – Т.: «Маънавият», 2004.
35. У. Уватов. Донолардан сабоқлар. – Т.: 1994.
36. Фридрих Ницше. Рождение трагедии из духа музыки. – С-П.: «Азбука», 2012.
37. Ф. Ницше. Антихристианин. Опыт критики христианства//Сумерки богов. – М.: 1990.
38. Ф. Старр. Марказий Осиёнинг янгитдан кашф этилиши // «Жаҳон адабиёти». 2014, май.
39. Э. Фромм. Здоровое общество. – М.: «Акт», 2006,
40. Э. Фромм. Инсоннинг ҳозирги ҳолати // «Жаҳон адабиёти». 2000, март.
41. Э. Фромм. Психоанализ и этика. – М.: 1993.
42. Э. Ртвеладзе. Устозларнинг устози // «Маънавий ҳаёт». №2, 2014.
43. Э. Юсупов, Ў. Юсупов. Маънавий камолот ва жамият тараққиёти. – Хива: 1996.
44. Э. Воҳидов. Сўз латофати. – Т.: «Ўзбекистон», 2014.
45. Э. Кассирер. Опыт о человеке: введение в философию человеческой культуры. В кн.: «Проблемы человека в западной философии». – Т.: 1988.
46. Э. Тоффлер. Третья волна. – М.: 1999.
47. Ян Рипка. История персидской и таджикской литературы. – М.: 1970.

МУНДАРИЖА

Сўз боши	3
1. Маънавиятнинг жамият ҳаётидаги ўрни. Маънавиятшунослик фани предмети	7
2. Маънавият тушунчаси: моҳияти, мазмуни, тузилмаси, намоён бўлиш шакллари	24
3. Маънавиятнинг вужудга келиши (генезиси) ва дастлабки ривожланиш даври.....	43
4. Маънавият ва жамият ҳаёти	64
5. Маънавият, маданият ва цивилизация тушунчалари нисбати.....	80
6. Маънавият ва иқтисодиёт	91
7. Инсон – жамият – маънавият узвийлиги.....	114
7.1. Маънавият ва инсон табиати	114
7.2. Маънавият ва инсоннинг хиссий ҳамда ақлий дунёси	135
7.3. Тафаккурнинг тарихий шакллари ва маънавият	147
7.4. Эътиқод ва маънавият	178
7.5. Ирода маънавиятнинг мавжудлик шакли сифатида	196
8. Оммавий маданият ва замонавий ахборот-коммуникация технологиялари	212
8.1. Оммавий маданият: келиб чиқиши ва шаклланиши.....	214
8.2. Оммавий маданиятнинг хусусиятлари	225
8.3. Оммавий маданиятнинг ижтимоий функциялари ва инсон маънавиятига таъсири	248
8.4. Юксак ва оммавий маданиятлар диффузияси ва интерференцияси	258
9. Маънавиятнинг меъёрийлиги ва ижтимоий функциялари	280
10. Маънавиятнинг ривожланиш қонуни	292
10.1. Жамият тараққиёти жараёнида соғлом ижтимоий-маънавий эҳтиёжлар муттасил ўсиб бориши қонуни.....	295
10.2. Маънавият ривожланишининг умумтамаддуний (цивилизацион) тараққиёт даражасига боғлиқлик қонуни.....	304
10.3. Маънавият юксалишининг ижтимоий онг ва ижтимоий муносабатлар ривожланиш даражасига боғлиқлик қонуни	317
11. Маънавият категориялари	330
12. Жаҳон халқлари маънавий тараққиёти ранг-баранглиги ва муштараклиги	344

13. Ўзбек халқи маънавияти ривожланишини тарихий bosкичларга ажратиш мезонлари	360
14. Миллий маънавиятимизнинг архаик ва илк зардуштийлик даври (энг қадимги даврдан – милодий IV асргача).....	377
15. Исломгача бўлган диний-мафкуравий плюрализм bosқичи (милодгача IV аср бошларидан – милодий VIII асргача).....	388
16. Ислом тамаддунининг Ўрта Осиёда тарқалиши ва гуллаб-яшнаши (VIII – XIII аср бошлари)	400
17. Амир Темур ва темурийлар даврида миллий маънавиятимизнинг қайта уйғониши ва юксалиши (XIII аср охириги чораги – XVI аср бошлари)	415
18. Анъанавий жамиятнинг тўлиқ қарор топиши ва маънавиятимизнинг таназзул bosқичи (XVI аср иккинчи ярми – XIX аср биринчи ярми)	431
19. Мустамлакачилик ва миллий маданиятимиз ривождаги янги уйғониш даври bosқичи (XIX аср иккинчи ярми – XX аср 20-йиллари). Совет даври маънавияти (XX аср 30–80-йиллари).....	446
20. Мустақиллик даври маънавияти	458
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	476

АБДУРАҲИМ ЭРКАЕВ

МАЪНАВИЯТШУНОСЛИК

**Маънавият онтологияси
ва феноменологияси**

М О Н О Г Р А Ф И Я

1-китоб

Тошкент «Маънавият» 2018

Мухаррир *Ф. Эргашев*

Мусаввир *Ш. Соҳибов*

Мусаҳҳих *С. Холбеков*

Компьютерда тайёрловчи *Ш. Соҳибов*

Лицензия АІ №189, 10.05.2011 йилда берилган.

Босишга 20.11.2018 йилда рухсат этилди. Бичими 84x108 ¹/₃₂.

Гаймс гарнитураси. Офсет босма усулида босилди. Шартли б. т. 24,15.
Нашр т. 22,18. 2000 нусха. Буюртма № 18-63. Нархи шартнома асосида.

«Маънавият» нашриётида чоп этилди. 100047. Тошкент,
Тараққиёт 2-берккўча, 2-уй. Шартнома № 11-18.

Manaviyat

ISBN 978-9943-04-365-7



9 789943 043657